

СЎЗ БОШИ

1. ЎзР ССВ «ДОРИ ВОСИТАЛАРИ, ТИББИЙ БУЮМЛАР ВА ТИББИЙ ТЕХНИКА ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА СТАНДАРТИЗАЦИЯСИ ДАВЛАТ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ва КИРИТИЛГАН.
2. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги) томонидан «05» 10 2018 йил 05-984 -сонли Қарор билан РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ва ЖОРИЙ ҚИЛИНГАН.
3. Ушбу стандарт Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига мувофиқ тузилган. EC GUIDE TO GOOD MANUFACTURING PRACTICE FOR MEDICINAL PRODUCTS (GMP)
4. O'z DSt 2766:2013 ЎРНИГА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида амалга жорий қилиш (амал қилишини бекор қилиш) ва унга ўзгартиришлар тўғрисидаги ахборот “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр қилинадиган кўрчатгичда чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ҳолатларида тегишли ахборот “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр қилинадиган кўрчатгичда чоп этилади.

**ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА
ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ
БОШҚАРМАСИ**

Ушбу Давлат стандарти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш мутлақ ҳукуқи “Ўзстандарт” Агентлигига тегишли.

МУНДАРИЖА

Умумий қоидалар.....	1
Атамалар ва тушунчаларнинг моҳияти.....	2
Норматив ҳаволалар.....	17
Белгиланиш ва Қисқартмалар.....	17
5 Дори воситаларини яхши ишлаб чиқариш амалиётининг асосий талаблари.....	18
5.1 Сифатни бошқариш.....	18
5.1.1 Тамойил.....	18
5.1.2 Сифатни таъминлаш.....	19
5.1.3 Дори воситаларининг яхши ишлаб чиқариш амалиёти (GMP).....	19
5.1.4 Сифат назорати.....	20
5.1.5 Маҳсулот сифатининг шарҳланиши.....	21
5.1.6 Сифатга оид хавф-хатарни бошқариш.....	22
5.2 Ходимлар.....	23
5.2.1 Тамойил.....	23
5.2.2 Умумий талаблар.....	23
5.2.3 Раҳбар ходимлар.....	23
5.2.4 Ўқитиш.....	25
5.2.5 Ходимларга қўйиладиган гигиеник талаблар.....	25
5.3 Бинолар ва ускуналар.....	26
5.3.1 Тамойил.....	26
5.3.2 Бинолар.....	26
5.3.2.1 Умумий талаблар.....	26
5.3.2.2 Ишлаб чиқариш ҳудуди.....	28
5.3.2.3 Омборхона ҳудудлари.....	28
5.3.2.4 Сифат назорати ҳудудлари.....	29
5.3.2.5 Ёрдамчи ҳудудлар.....	29
5.3.3 Асбоб-ускуналар.....	29
5.4 Хужжатлар.....	30
5.4.1 Тамойил.....	30
5.4.2 Умумий талаблар.....	30
5.4.3 Талаб қилинадиган хужжатлар.....	32
5.4.3.1 Спецификациялар.....	32
5.4.3.2 Хом ашё ва ўраб-жойлаш материалларининг спецификациялари.....	32
5.4.3.3 Оралиқ ва қадокланмаган маҳсулот спецификациялари.....	32
5.4.3.4 Тайёр маҳсулот спецификациялари.....	32
5.4.4 Ишлаб чиқариш рецептураси ва технологик йўриқномалар.....	32
5.4.5 Ўраб-жойлаш бўйича йўриқномалар.....	33
5.4.6 Серияларни ишлаб чиқариш баённомалари.....	33
5.4.7 Серияларни ўраб-жойлаш баённомалари.....	34
5.4.8 Услугалар ва баённомалар.....	35
5.4.8.1 Қабул қилиш.....	35

5.4.8.2 Намуналарни танлаб олиш	35
5.4.8.3 Синовлар ўтказиш	36
5.4.8.4 Бошқалар	36
5.5 Технологик жараён	36
5.5.1 Тамойил	36
5.5.2 Умумий талаблар	36
5.5.3 Технологик жараённи олиб боришда қарама-қарши контаминациянинг олдини олиш	38
5.5.4 Валидация	39
5.5.5 Хом ашё	39
5.5.6 Технологик жараёнлар: оралиқ ва қадоқланмаган маҳсулот	40
5.5.7 Ўраб-жойлаш материаллари	40
5.5.8 Ўраб-жойлаш жараёни	41
5.5.9 Тайёр маҳсулот	42
5.5.10 Бракка чиқарилган, қайта ишланган ва қайтарилган материаллар	43
5.6 Сифат назорати	43
5.6.1 Тамойил	43
5.6.2 Умумий талаблар	43
5.6.3 Сифат назорати бўйича яхши лаборатория амалиёти	44
5.6.4 Хужжатлар	44
5.6.5 Намуналарни танлаб олиш	45
5.6.6 Синовларни ўтказиш	45
5.6.7 Барқарорликнинг кейинги синовларини ўтказиш дастури	46
5.7 Контракт бўйича ишлаб чиқариш ва таҳлил	48
5.7.1 Тамойил	48
5.7.2 Умумий талаблар	48
5.7.3 Буюртмачи	48
5.7.4 Ижрочи	49
5.7.5 Контракт	49
5.8 Рекламациялар ва маҳсулотни чақириб олиш	50
5.8.1 Тамойил	50
5.8.2 Рекламация	50
5.8.3 Қайтариб йиғиб олиш	51
5.9 Ўз-ўзини назорат қилиш	52
5.9.1 Тамойил (принцип)	52
1-илова. Стерилланган дори воситаларини ишлаб чиқариш	53
2-илова. Биологик (шу жумладан иммунобиологик) фармацевтика субстанциялари ва дори воситаларини ишлаб чиқариш	71
3-илова. Радиофаол дори воситалари (радиофармацевтик препаратлар)ни ишлаб чиқариш	100
4-илова. Тиббий газларни ишлаб чиқариш	110
5-илова. Ўсимликлардан олинадиган дори воситаларини ишлаб чиқариш	116
6-илова. Хом ашё ва жойлаш-ўраш материалларидан намуналарни танлаб олиш	121
7-илова. Суюқлик, крем ва суртмаларни ишлаб чиқариш	123

8-илова. Ингаляциялар учун босим остидаги дозаланган аэрозол препаратларини ишлаб чиқариш	125
9-илова. Компьютерлаштирилган тизимлар	127
10-илова. Дори воситаларини ишлаб чиқаришда ионлаштирувчи нурланишни қўллаш	130
11-илова. Тадқиқот синовлари учун дори воситаларини ишлаб чиқариш	136
12-илова. Донор қони ва плазмасидан олинадиган дори воситаларини ишлаб чиқариш	151
13-илова. Квалификация ва валидация	160
14-илова. Ваколатли шахс томонидан серияни чиқариш ва сертификатлаштириш	165
15-илова. Параметрлар бўйича ишлаб чиқариш	176
16-илова. Ишлаб чиқариш ҳудудининг ҳужжатлари	178
17-илова. Назорат ва архив намуналари	191
18-илова. Сифатга оид хавф-хатарни бошқариш (тавсия қилинади)	195
19-илова. Дори моддалари (“АНПРО” ФФИ - субстанциялар)ни ишлаб чиқаришга қўйиладиган талаблар	214
20-илова. Фармацевтик сифат тизими (тавсия қилинади)	223
Библиографик маълумотлар	243
Библиография	244
Ахборот маълумотлар	247

**Ў'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NƏZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

ЯХШИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИ - GMP

НАДЛЕЖАЩАЯ ПРОИЗВОДСТВЕННАЯ ПРАКТИКА - GMP

GOOD MANUFACTURING PRACTICE - GMP

Жорий этиш санаси 2018 йил 10.08. дан

1 УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Давлат стандарти (бундан буён матнда стандарт деб юритилади) инсонлар учун мўлжалланган дори воситалари ва уларнинг таркибида қўлланиладиган таъсир этувчи моддаларни яхши ишлаб чиқариш амалиёти тамойиллари ва қоидаларини белгилайди.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ички бозорида сотиш ва экспорт қилиш мақсадида дори воситаларини ишлаб чиқаришга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган дори воситаларига татбиқ этилади.

Мазкур стандарт инсон учун мўлжалланган дори воситаларини ишлаб чиқариш, шу жумладан уларнинг тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган ишлаб чиқарилиши, шунингдек, қадоқлаш, ўраш (жойлаш) ёки ёрликлашни турли жараёнларига жорий қилинади. Бундан ташқари, у дори воситаларини сериялаб ишлаб чиқарилиши, шунингдек клиник синовлар учун дори воситаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этилади.

Агар тайёрлаш, қадоқлаш, қайта ўраш (жойлаш) ёки қайта ёрликлаш жараёнлари фақат дорихоналарда фармацевтлар томонидан чакана савдо қилиш учун ёки Ўзбекистон Республикасида бундай жараёнларни амалга ошириш учун расмий рухсатга эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилса, мазкур стандарт ва унинг иловалари татбиқ этилмайди.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликда белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлиги, шунингдек экологик хавфсизлик масалаларига татбиқ этилмайди.

Мазкур стандартдан сифатни таъминлаш тизимини шакллантириш ва дори воситаларини яхши ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш учун; фармацевтика ихтисослигидаги корхоналарни лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ва техник қайта жихозлаш учун; тайёр дори воситалари ва таъсир этувчи моддалар ишлаб чиқарувчи корхоналарини аудит ва инспекцион назоратида қўллаш тавсия этилади.

Мазкур стандарт идоравий бўйсиниши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасида тайёр дори воситалари ва таъсир этувчи моддаларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга, ҳамда ўз маҳсулотини Ўзбекистон Республикасига импорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига, шунингдек, уларнинг аудиторлари ва инспекторларга қўллашга тавсия этилади.

Мазкур стандарт GMP тамойиллари ва қоидаларига мувофиқ дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, шунингдек, ишлаб чиқариш участкаларини GMP

2483
05 10 13

талабларига мувофиқлигига ўтказиладиган аудиторлик текширувда, инспекцион назоратида ва сертификатлаштириш мақсадида фойдаланиш учун яроқлидир.

2 АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

Автоцистерна (tanker): Сиқилган ёки криоген газни ташиш учун транспорт воситасига ўрнатилган контейнер.

Фаол фармацевтик ингредиент (ФФИ); дори моддаси; таъсир этувчи модда (active pharmaceutical ingredient (API); drug substance; active substance): Дори препаратини ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун мўлжалланган ҳар қандай модда (ёки моддалар аралашмаси) ва дори воситалари ишлаб чиқаришда ишлатилганда у фаол ингредиентга айланади. Бундай моддалар фармакологик ёки бошқа бевосита таъсирга эга бўлиб; уларни касалликни даволаш, унинг ташхиси ёки профилактикаси учун, организм ҳолатини, тузилмаси ёки физиологик функцияларини ўзгартириш, парваришлаш, ишлов бериш ва касаллик аломатларини енгиллаштириш учун қўлланилади.

Хавф-хатар таҳлили (risk analysis): Аниқ белгиланган хавф-хатарлар билан боғлиқ бўлган хавф даражасини аниқлаш.

Баланс (reconciliation): Одатдаги тафовутни албатта эътиборга олган ҳолда, назарий ва ҳақиқий фойдаланилган материаллар ва ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ўртасидаги нисбат.

Баллон (cylinder): Юқори босим остидаги газни сақлаш учун мўлжалланган контейнер. Сигими 150 l (сув бўйича) дан ошмаган транспортда ташиладиган босим остидаги контейнер. Мазкур ҳужжатда “баллон” тушунчасининг қўлланиши тегишли матнда баллонлар гуруҳи (ёки баллонлар боғлами)ни англатиши мумкин.

Хужайралар банки (cell bank):

- Хужайралар банки тизими (cell bank system)

Айнан битта асосий хужайралар банкидан олинадиган хужайралар культурасидан фойдаланиш асосида маҳсулотнинг кетма-кет серияларини ишлаб чиқариладиган тизим (хужайра линиясининг айнан бир хиллиги ва контаминацияни тўлақонли бартараф этилганлиги билан таърифланади). Хужайраларнинг ишчи банкини тайёрлаш учун асосий хужайралар банкининг бир қанча контейнерларидан фойдаланилади. Хужайра банки тизими пассажларнинг сонига нисбатан ёки одатдаги технологик жараён вақтида пассажларнинг энг юқори даражадаги миқдоридан сўнг икки марта кўпайиши сонига нисбатан валидация қилинади.

- Хужайраларнинг асосий банки (master cell bank)

Битта операцияда контейнерларга тақсимланган, бир хиллигини таъминлаш мақсадида биргаликда ишлов берилган ва турғунлигини таъминлаш учун шу усул билан сақланадиган, тўлиқ тавсифланган хужайраларнинг культураси. Одатда, хужайраларнинг асосий банки минус 70 °C ва ундан паст ҳароратда сақланади.

- Хужайраларнинг ишчи банки (working cell bank)

Хужайраларнинг асосий банкидан келиб чиққан ва технологик жараёнда ишлатиладиган хужайра культураларини тайёрлаш учун мўлжалланган хужайралар культураси. Одатда, хужайраларнинг ишчи банкини тайёрлаш учун ундан паст ҳароратда сақланади.

Биологик агентлар (biological agents): Микроорганизмлар, жумладан ген муҳандислиги усули билан олинганлари, ҳам патоген, ҳам патоген бўлмаган ҳужайралар культуралари ва эндопаразитлар.

Биореактор (bioreactor): Ёпиқ тизим бўлиб (ферментер каби), унга биологик агентлар бошқа хом ашё билан бир биргаликда шундай тарзда киритилади-ки, бунда улар кўпайиши ёки улар томонидан бошқа хом ашё билан ўзаро таъсири орқали бошқа моддаларни ҳосил бўлиши амалга ошади. Биореакторлар одатда тартибга солувчи ва назорат ускуналари, шунингдек, моддаларнинг бирикиши, қўшилиши ва чиқариб ташланиши учун зарур бўлган мосламалар билан таъминланади.

Валидация (validation): Яхши ишлаб чиқариш амалиёти тамойилларига мувофиқ муайян йўриқнома, жараён, ускуна, хом ашё, фаолият ёки тизим ҳақиқатдан ҳам кутилган натижаларга олиб келишини исботловчи ҳаракатлар. («квалификация» тушунчасига қаранг).

Тозалаш валидацияси (cleaning validation): Тасдиқланган тозалаш жараёни дори воситалари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган даражадаги жиҳозларнинг тозалигини таъминлашини ҳужжатлаштирилган далили.

Жараён валидацияси (process validation): Белгиланган параметрлар чегарасида ўтказиладиган жараён самарали ва қайтарилувчан натижалар билан амалга оширилиши мумкинлигини, ва бу жараён асосида олдиндан белгиланган спецификациялар ва сифат таснифларига мос келадиган дори препаратини олишга олиб келишини ҳужжатлаштирилган далили.

Истиқболли валидация (prospective validation): Сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни серияли ишлаб чиқариш бошланишигача ўтказиладиган валидация.

Йўлдош валидация (concurrent validation): Сотиш учун мўлжалланган маҳсулотларни сериялаб ишлаб чиқариш жараёнида ўтказиладиган валидация.

Ретроспектив валидация (retrospective validation): Бозорда сотувлари йўлга қўйилган препарат ҳолатидаги серияларни ишлаб чиқариш, синаш ва назорати ҳақида йиғилган маълумотлар асосидаги жараён валидацияси.

Ревалидация; такрорий валидация (re-validation): Ўзгаришларни назорат қилиш жараёнига мувофиқ равишда жараён/ускуналарга киритилган ўзгариш жараёнининг хусусиятига ва препарат сифатиغا салбий таъсир кўрсатмаслигининг қафолатини таъминлаш мақсадида жараён валидациясини такрорлаш.

Вентиль (valve): Контейнерларни очиш ва ёпиш учун қурилма.

Минимал босимни ушлаб турувчи вентиль (minimum pressure retention valve): Фойдаланиш жараёнида контаминациянинг олдини олиш учун белгиланган босимни (атмосфера босимидан юқори 3-5 бар га яқин) сақлаб турадиган, тескари оқимга қаршилик кўрсатадиган хусусиятга эга бўлган вентиль.

Қайтариш (return): Сифат дефекти мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар дори воситасини, ишлаб чиқарувчи ёки дистрибьюторга қайтариб жўнатиш.

Ҳаво шлюзи (airlock): Икки ёки бир нечта хоналар орасидаги, масалан, турли тозалик синфларига мансуб, мазкур хоналарга кириш зарур бўлганда улар орасидаги ҳаво оқимини назорат қилиш учун хизмат қиладиган икки ёки бир нечта эшиклар билан чекланган жой. Ҳаво шлюзлари одамларнинг ва буюмларнинг ҳаракатини учун мўлжалланади ва фойдаланилади.

Зарар (harm): Инсон саломатлигига етказилган зарар, жумладан, маҳсулот сифати ёки яроқлилигини йўқотганлиги натижасида келтирилган зарар.

Ёрдамчи моддалар ва материаллар (process aids): Оралиқ маҳсулот ёки ФФИ-субстанциялар ишлаб чиқаришда ёрдамчи бўлган ўзидан ўзи кимёвий ёки биологик реакцияларда иштирок этмайдиган эритувчилардан ташқари моддалар ва материаллар (масалан, филтрловчи материаллар, фаоллашган кўмир в.б.).

Иккиламчи ўрам (outer packaging): Бирламчи ўрамдаги препарат жойлаштирилган ташки ўрам.

Параметрлар бўйича ишлаб чиқариш (parametric release): Ишлаб чиқариш жараёни вақтида олинган маълумотлар асосида, шунингдек, параметрлар бўйича ишлаб чиқаришга тегишли бўлган, GMPнинг белгиланган талабларига мувофиқ келиши асосида, маҳсулот талаб қилинадиган сифатга эгаллигига кафолат берувчи ишлаб чиқариш тизими.

Кутилаётган натижа (yield, expected): Лабораторияда, тажрибавий ишлаб чиқаришда ёки саноат миқёсида олдиндан олинган маълумотларга асосланган, технологик жараённинг ҳар қандай тегишли босқичида кутилаётган модда миқдори ёки назарий жиҳатдан кутилаётган натижанинг фоиз улуши.

Назарий жиҳатдан олинган натижа (yield, theoretical): Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган модда миқдори асосида аниқланган ва реал технологик жараён шароитида бирор-бир йўқотишлар ёки ўзгаришлар йўқлиги шароитида технологик жараённинг ҳар қандай тегишли босқичида ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган миқдор.

Газ (gas): 1,013 bar (101,325 kPa) босимда ва 15 °C ҳароратда тўлиқ газсимон бўлган ёки 50 °C ҳароратда (ISO 10286) 3 bar (300 kPa) дан юқори буғ босимига эга модда ёки моддалар аралашмаси.

Тайёр маҳсулот; тайёр препарат (finished product): Ишлаб чиқаришнинг барча босқичларидан ўтган, шу жумладан, якуний ўрамга жойланган дори препарати.

Баллонлар гуруҳи (cylinder bundle): Рама билан бир бирига бириктирилган ва қувурлар билан уланган, бир бутун яхлит мослама сифатида транспортда ташиладиган ва фойдаланиладиган баллонлар мажмуаси.

Ишлаб чиқариш участкасининг ҳужжатлар тўплами (site master file): ишлаб чиқарувчи томонидан тайёрланган ва маълум бир участкада дори воситаларини ишлаб чиқариш ва/ёки назорат қилишда GMP талабларига риоя қилиниши, шунингдек, ҳар қандай чамбарчас ўзаро боғлиқ ишлар ва қўшни бинолар ҳақида махсус ва фактга асосланган ахборотни сақловчи ҳужжат. Агар ушбу участкада дори воситаларини ишлаб чиқариш ва назорат қилишнинг фақат маълум бир жараёнлари амалга оширилса, унда ишлаб чиқариш участкаси ҳужжатида жараёнларнинг фақат мазкур қисмигина фойдаланиши лозим (масалан, қадоқлаш, таҳлил ва бошқалар).

Препарат спецификацияри ҳужжатлар тўплами (product specification file): Тадқиқот ўтказилаётган дори воситасини ишлаб чиқариш, қадоқлаш, сифат назорати бўйича синовлар ўтказиш, серияларни чиқаришга рухсат бериш ва юклашга батафсил ёзма йўриқномалар тузиш учун зарур бўлган барча ахборотларни (ёки муайян ҳужжатларга ҳаволаларни) сақловчи маълумотнома ҳужжатлар тўплами.

Препаратнинг ҳаётий цикли (product lifecycle): Препаратнинг яратилиши, бозорда мавжудлигидан то бозордан чиқиб кетмагунича бўлган барча ҳаётий фазалари.

Буюртма (order): Тадқиқотлар учун дори воситаларининг маълум бир миқдорини ишлаб чиқариш, жойлаб, ўраш ва/ёки жўнашиш учун берилган фармойиш.

DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Клиник синовлар буюртмачиси ёки ҳомий (sponsor): дори воситасининг клиник синовларини бошлашнинг ташаббускори ва клиник синовни ташкиллаштириш, назорат қилиш ва/ёки молиялаштиришга жавобгар юридик ёки жисмоний шахс.

Худуд (area): Ишлаб чиқариш биноларининг қайсидир параметр(лар) ёки шарт(лар) билан шартли чегараланган қисми.

Хавф-хатарни идентификатлаштириш - аниқлаш (risk identification): Хавф туғдирувчи омилларга оид ёки муаммоларни таърифловчи ахборотлардан мунтазам равишда фойдаланиш асосида зарарлар (хавф-хатарлар)нинг потенциал манбаларини аниқлаш.

Изоляцияланган худуд (contained area): Худуднинг ички биологик таъсири ташқи атроф-муҳитни ифлослантирилишини олдини оладиган қилиб қурилган ва фойдаланиладиган (ҳамда ҳавонинг қайта ишланиши ва фильтрациясининг мувофиқ келувчи тизимлари билан жиҳозланган) худуд.

Изоляция (containment): Биологик ёки бошқа турдаги агентни маълум бир худуд (жой) чегарасига жойлаш бўйича қилинадиган хатти-ҳаракат.

Бирламчи изоляция (primary containment): Биологик агентнинг унинг яқинидаги иш худудига ўтиб қолишини бартараф қилувчи изоляция тизими. Бунга эришиш учун жараёни хавфсиз олиб бориш йўриқномалари билан бир қаторда, биологик ишларни хавфсиз олиб бориш учун ёпик контейнерлар ёки бокслардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Иккиламчи изоляция (secondary containment): Биологик агентнинг ташқи атроф муҳит ёки бошқа ишчи худудларига ўтиб қолишининг олдини олувчи изоляция тизими. Бу ҳавони қайта ишлаш воситалари билан махсус жиҳозланган бинолардан фойдаланиш ва жараёни хавфсиз олиб бориш бўйича йўриқномалар билан бир қаторда материалларни ташқарига узатиш учун ҳаво шлюзлари ва/ёки стерилизаторларнинг мавжудлиги орқали эришилади. Иккиламчи изоляция бирламчи изоляциянинг самарадорлигини оширади.

Хавф-хатар ҳақида ахборот бериш (risk communication): Хавф-хатар ва хавфни бошқариш ҳақидаги ахборотни қарор қабул қилишга масъул шахс ва бошқа иштирокчилар ўртасидаги тарқатиш.

Инфекция юқтирган (infected): Ташқи биологик агентларни юқтирган ва шуни оқибатида инфекция тарқатиши мумкин бўлган шахс.

Гидростатик босим билан текшириш (hydrostatic pressure test): Баллонлар ёки резервуарлар юқори босимни ушлаб қолиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш учун миллий ёки халқаро талабларга мувофиқ хавфсизлик мақсадлари бўйича ўтказиладиган синов.

Тадқиқотчи (investigator): Тиббий муассасада клиник синовлар ўтказиш учун масъул шахс. Агар синовни тиббий муассасанинг жамоа ходимлари ўтказишса, тадқиқотчи (масъул тадқиқотчи) жамоа раҳбари ҳисобланади.

Тадқиқ қилинадиган дори воситаси (investigational product): клиник синовларда эталон сифатида фойдаланиладиган ёки синовдан ўтадиган дори шаклидаги дори моддаси ёки плацебо. Рўйхатдан ўтган дори воситаси тадқиқ қилинадиган бўлиши мумкин, агарда унинг қўлланилишида ёки ишлаб чиқарилишида (ўраб-жойланишида) рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари тўпламида кўрсатилганидан фарқланадиган ўзгариш бўлса, ёки янги кўрсатма бўйича қўлланилса, ёки тасдиқланган бўлса, бундан бундан қўлланиши ҳақидаги маълумотларни кенгайтириш учун фойдаланиладиган

DAV LAT NA ZOR AT I NI
MUV OF IQL ASHT I R I SH
BOSH QAR MAS I

Бирламчи хом ашё (starting material): Дори воситаларини тайёрлашда фойдаланиладиган, ўраб-жойлаш материаллардан ташқари, ҳар қандай модда.

ФФИни ишлаб чиқариш учун хом ашё (API starting material): ФФИ ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ва муҳим структуравий қисм сифатида ФФИ структурасига кирадиган хом ашё, оралик маҳсулот ёки ФФИ. Дастлабки маҳсулот контракт ёки савдо келишуви бўйича бир ёки бир нечта етказиб берувчилардан сотиб олинган товар – модда бўлиши мумкин ёки корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин. Хом ашё, одатда, белгиланган кимёвий хусусиятларга ва структурага эга бўлади.

Калибровка (calibration): Муайян шароитларда ўтказиладиган бир қатор жараёнлар бўлиб, улар ёрдамида асбоб ёки ўлчов тизимлари кўрсатмалари ёки физик ўлчовларда олинган кўрсаткичлар ва таникли эталон намуналарининг тегишли катталиклари ўртасидаги нисбат белгиланади.

Карантин (quarantine): Алоҳида хонада ёки бошқа самарали усуллар билан изоляцияланган хом ашёнинг, ўраб- жойлаш материалларининг, оралик, қадокланмаган ёки тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишига рухсат берилиши ёки рад этилиши ҳақидаги қарор кутилгунга қадар бўлган мақоми.

Сифат (quality): Маҳсулот, тизим ёки жараёнга хос бўлган хусусиятларнинг талабларга мувофиқ келиш даражаси (таъсир этувчи моддалар ва дори воситалари учун махсус «сифат» термини таърифига тегишли ICH Q6A ҳужжатига қаранг).

Квалификация (qualification): Муайян бир ускуна тўғри ишлаши ва ҳақиқатда кутилган натижаларга олиб боришини тасдиқловчи ҳаракатлар. «Валидация» тушунчаси кенгрок тушунча ҳисобланиб, баъзан «квалификация» тушунчасини ҳам ўз ичига олади.

Лойиҳа квалификацияси (DQ) (design qualification - DQ): Таклиф қилинаётган техник воситалар, тизимлар ва ускуналар лойиҳаларининг кўзланган мақсад учун фойдаланилишга яроқлилигини ҳужжатлаштирилган тасдиғи.

Монтаж квалификацияси (IQ) (installation qualification - IQ): Ўрнатилган ёки янгисига ўзгартирилган (модификацияланган) техник воситалар, тизимлар ва ускуналар тасдиқланган лойиҳа ва ишлаб чиқарувчининг тавсияларига мувофиқ келишини ҳужжатлаштирилган тасдиғи.

Фаолият квалификацияси (OQ) (operational qualification - OQ): Ўрнатилган ёки модификацияланган техник воситалар, тизимлар ва ускуналар топширилган иш диапазони давомида ҳамма вақт лозим даражада ишлашини ҳужжатлаштирилган тасдиғи.

Фойдаланиш сифатининг квалификацияси (PQ) (performance qualification - PQ): Техник воситалар, тизимлар ва ускуналар биргаликда фойдаланилганда, тасдиқланган жараёни олиб бориш усули ва маҳсулот спецификацияси асосида, қайтарилувчан натижалар билан самарали ишлаши мумкинлигини ҳужжатлаштирилган тасдиғи.

Хужайра культураси (cell culture): Кўп хужайрали организмлардан ажратиб олинган ва in vitro шароитида ўсадиган хужайралар.

Клиник синов (clinical trial): Синов субъектлари бўлган инсонларда ўтказиладиган бирор-бир тадқиқот бўлиб, у текшириладиган препарат(лар)нинг фармакологик ва/ёки фармакодинамик хусусиятларини, у(лар)нинг касалликнинг клиник намоён бўлишига таъсирини аниқлаш ёки текшириш учун ва/ёки ноҳўя реакцияларини аниқлаш, ва/ёки у (улар)ни абсорбция, тақсимланиши, метаболизм ва/ёки тарқалишини ўрганиш учун мўлжалланган. Шу билан бирга клиник синов жараёнида ўрганиладиган препарат (лар)нинг хавфсизлиги ва/ёки самардорлиги тасдиқланади.

Рандомизация коди (randomization code): Рандомизация жараёнининг ҳар бир субъектига белгиланган даволаш тури кўрсатилган рўйхат.

Қон компонентлари (blood components): Қон банкларининг анъанавий йўриқномаи асосида уларни центрифугалаш, фильтрациялаш ва музлатиш ёрдамида олиниши мумкин бўлган даволаш жараёнида қўлланадиган қон компонентлари (эритроцитлар, лейкоцитлар, плазма, тромбоцитлар).

Компьютерлаштирилган тизим (computerized system): Баённома тузиш учун ёки автоматик бошқарув учун маълумотларни киритиш, электрон қайта ишлаш ва ахборотларни тақдим этиш каби жараёнларни ўз ичига олган тизим.

Компьютер тизими (computer system): Маълум бир функция ёки функциялар мажмуасини бажаришга мўлжалланган ҳолда режалаштирилган ва ўрнатилган аппарат таъминоти ва мувофиқ равишдаги дастурий таъминот компонентларининг гуруҳи.

Контейнер (container): Тиббий газ билан бевосита алоқада бўладиган криоген идиш, резервуар, автоцистерна, баллон, баллонлар гуруҳи ёки бошқа турдаги упаковка.

Назорат остидаги ҳудуд (controlled area): Шундай қурилган ҳудуд-ки, ундан фойдаланишда бирон бир ифлосланишнинг киритилиши (тахминан D синфига мувофиқ келадиган ҳавони узатиш тизими қўлланиши мумкин) ва тирик организмларнинг тасодифан тарқалиши оқибатларини назорат қилиш имконияти мавжуд. Амалга ошириладиган назорат даражаси, жараёнда қўлланиладиган организм табиатига боғлиқ бўлиши лозим. Энг камида бу ҳудуд, яқин жойлашган ташқи атроф муҳитга нисбатан салбий босимда ишлаши ва ҳавода кичик миқдордаги контаминация манбаларини самарали бартараф этиш имкониятини бериш керак.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги назорат; ишлаб чиқариш назорати (in-process control): Технологик жараёни давомидаги уни назорат қилиш мақсадида ва зарур бўлганда маҳсулотларнинг спецификацияларга мувофиқлигини таъминлашни тартибга солиш учун амалга ошириладиган текширувлар. Атроф-муҳит ёки ускуналар назорати ишлаб чиқариш жараёнидаги назоратнинг бир қисми сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Ўзгартиришларни назорат қилиш (change control): Тегишли мутахассисликларнинг малакали вакиллари томонидан техник воситалар, тизимлар, ускуналар ёки жараёнлар валидациясининг мақомига таъсир қилиши мумкин бўлган, тақлиф қилинаётган ёки ҳақиқатда киритилган ўзгаришларни ўрганиладиган расмий тизим. Бундай назоратдан мақсад – тизимни валидация қилинган тизим мақомида ушлаб турилишини кафолатловчи ва ҳужжат билан тасдиқловчи тадбирларнинг зарурлигини аниқлаш.

Сифат назорати (quality control): яхши ишлаб чиқариш амалиётининг таркибий қисмидир. Сифат назорати намуналарни танлаб олиш, спецификациялар ва синовлар ўтказилиш билан боғлиқ. Шунингдек, сифат назорати сифати қониқарли деб тан олинмагунга қадар хом ашё ва материалларни қўллашга ва тайёр маҳсулотни сотишга ёки етказиб беришга рухсат этилмаслигини кафолатловчи ишлаб чиқаришга рухсат беришни ташкиллаштириш ва ҳужжатлаштириш жараёнининг бир қисмидир. Бу эса барча зарур ва тегишли синовлар ҳақиқатда ўтказилганлигини тасдиқлайди.

Хавф-хатар назорати (risk control): Хавф-хатарларни бошқариш бўйича қарорларни амалга ошириш ҳаракатлари (ISO Guide 73)

ЎЗГАРТИРИШ АГЕНТЛИГИ
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Жараён назорати (process control): «Ишлаб чиқариш жараёнидаги назорат» атамаси таърифига қаранг.

Мувофиқлик критериялари (acceptance criteria): Синов натижаларининг рақам билан ифодаланадиган чегаралари, интерваллари ва бошқа мос келувчи мувофиқлик критериялари.

Криоген газ (cryogenic gas): 1,013 бар босим ва $-150\text{ }^{\circ}\text{C}$ дан паст ҳароратда суюқ ҳолатга ўтувчи газ.

Криоген идиш (cryogenic vessel):

1. Суюлтирилган газни жуда паст ҳароратда сақлаш учун мўлжалланган контейнер.
2. Суюлтирилган ёки криоген газларни сақлаш учун мўлжалланган, иссиқлик изоляцияли стационар ёки силжитиладиган контейнер. Уни ичидан газ, газсимон ҳолда ёки суюқ ҳолда олинади.

Қон (blood): Битта донордан олинган, қон қуйиш учун ёки кейинги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган тоза қон.

Доривор ўсимлик (medicinal plant): Тиббий мақсадларда фойдаланиладиган доривор ўсимлик (ёки унинг бир қисми).

Дори воситалари: касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари;

Дори препаратлари: дозаланган, идишга жойланган-ўралган, қўлланилиш учун тайёр дори воситалари;

Дори моддалари (субстанции): фармакологик, иммунологик ёки метоболик фаолликка эга бўлган ёхуд ташхис қўйиш мақсади учун фойдаланиладиган, тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган, келиб чиқиши табиий ёки синтетик моддалар.

Тадқиқотлар учун мўлжалланган дори воситаси (investigational medicinal product): Ўрганиш предмети ҳисобланган ёки клиник синовлар доирасида назорат учун фойдаланиладиган дори шаклидаги дори моддаси ёки плацебо, шу жумладан, қўлланиш ва тайёрланиш усули (дори шакли ёки қадоқлаш) тасдиқланганидан фарқланувчи, янги кўрсатма бўйича қўлланишга тавсия этилган ёки тасдиқланган кўрсатма бўйича қўшимча ахборот олинган, рўйхатдан ўтказилган дори воситаси.

Ўсимликдан олинган дори воситаси (herbal medicinal product):

1. Фақат ўсимликлардан олинган фаол ингредиентлар сақловчи дори воситаси ёки ўсимликлардан тайёрланган препаратлар.
2. Таъсир этувчи моддалар сифатида фақатгина бир ёки бир нечта ўсимлик субстанциялари, бир ёки бир нечта ўсимлик препаратлари, бир ёки бир нечта шундай ўсимлик субстанциялари билан бир ёки бир нечта шундай ўсимлик препаратлари комбинацияси сақлаган ҳар қандай дори воситаси.

Донор қони ёки плазмадан олинган дори препаратлари (medicinal product derived from human blood or plasma): Давлат ёки хусусий корхоналарда қон компонентлари асосида sanoat миқёсида ишлаб чиқарилган дори препаратлари; шу жумладан альбумин, қоннинг ивиш омиллари ва инсон иммуноглобулинлари.

Қарор қабул қилиш учун масъул шахс (лар), (decision maker(s)): Сифатга оид хавфни бошқариш масалалари бўйича ўз вақтида ва тегишли қарорларни қабул қилиш учун малака ва ваколатга эга бўлган масъул шахс(лар).

Назарий максимал ёт аралашма қолдиғи (maximum theoretical residual impurity): Баллонларга газни қадоқлаш олдидан баллонларни дастлабки тозалашгача ва тозалашдан сўнг ифлосланиш қолиб кетиши натижасида вужудга келадиган газсимон ёт аралашма. Назарий максимал ёт аралашма қолдиғи миқдорини ҳисоблаш фақат сиқилган газлар учун ўтказилади ва бундай газлар идеал газ хусусиятига эга деб кўзда тутилади.

Маркерлар (markers):

1. Доривор ўсимликлар хом ашёсининг кимёвий таркиби аниқ бўлган ва назорат мақсадида фойдаланиладиган компонентлари. Маркерлар, одатда, маълум даволаш фаоллигига эга компонентлар топилмаса ёки аниқ белгиланмасагина қўлланилади; улар тайёр дори воситасидаги ўсимлик хом ашёси ёки унинг асосидаги препарат миқдорини ҳисоблашда ишлатилиши мумкин. Хом ашё синовида, ўсимлик хом ашёси ёки унинг асосида тайёрланган препаратдаги маркерларни миқдорий аниқлаш лозим.

2. Маркерлар, ўсимлик субстанциялари, ўсимлик препарати ёки ўсимликдан олинган дори воситаларининг аниқланган кимёвий структурага эга, терапевтик ёки фармакологик фаоллигидан қатъий назар, назорат учун керакли компонентлар ёки компонентлар гуруҳидир.

Агар маркерларни ўсимлик субстанциялари ёки ўсимлик препаратларида миқдорий аниқлансагина, улар ўсимликдан олинган дори воситасида, ўсимлик(лар) субстанция(лар)ида ёки ўсимлик(лар) препарат(лар)ида тегишли моддалар миқдорини ҳисоблаш учун хизмат қилади.

Маркерларнинг иккита категорияси мавжуд:

- фаол маркерлар – булар, одатда, терапевтик таъсирга ҳисса қўшадиган компонентлар ёки компонентлар гуруҳлари;

- аналитик маркерлар - булар, аналитик мақсадларда фойдаланиладиган компонентлар ёки компонентлар гуруҳлари.

Материаллар (materials): Хом ашё (starting materials) ва ўраб-жойлаш материалларига (packaging materials), шунингдек реактивлар, эритувчилар, ёрдамчи материаллар (масалан, филтрлар) ва бошқа шу каби материалларга тааллуқли бўлган умумий тушунча.

Тиббий газ (medicinal gas): Фармакологик таъсир кўрсатадиган ва дори воситаси сифатида таснифланадиган даволаш, диагностика ёки профилактика мақсадида беморга юбориш учун мўлжалланган ҳар қандай газ (ёки газлар аралашмаси).

Йўриқномалар; стандарт технологик жараёнлар (СТЖ ёки SOP) (procedures; standard operational procedures - SOP): Бажариш учун мажбурий бўлган операциялар ва эҳтиёт чоралари, шунингдек амалга оширилиши тўғридан-тўғри ёки билвосита дори воситалари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча зарурий тадбирларнинг тавсифи.

Моделловчи препарат (simulated product): Физик ва кимёвий хусусиятлари (масалан, қовушқоқлик, зарралар ўлчами, рН ва бошқалар) валидацияланадиган препарат билан ўхшаш бўлган материал. Кўп ҳолатларда бу тавсифларга препаратнинг плацебо серияси мувофиқ келиши мумкин.

Энг ёмон ҳолат (worst case): Ишчи параметрларнинг юқори ва пастки чегаралари, шунингдек, стандарт иш жараёнлари доирасидаги ҳолатларни ўз ичига олган вазият ёки бир

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASH TIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

қатор вазиятлар бўлиб, улар оптимал шартлар билан таққослаганда, жараённинг издан чиқиши ёки маҳсулотлар нуқсонининг энг юқори эҳтимолига сабаб бўлиши мумкин. Бундай вазиятлар ҳар доим ҳам жараённинг тўхтаб қолиши ёки маҳсулотларнинг нуқсон билан ишлаб чиқарилишига сабаб бўлмайди.

Қадоқлаинмаган маҳсулот «in bulk» (bulk product) - дори воситалари ёки тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қадоқлаш, истеъмол ўрами ва маркировка қилишдан ташқари барча технологик босқичлардан ўтган ҳар қандай қадоқланмаган дори воситаси ёки тиббиёт буюми.

Қадоқланмаган газ (bulk gas): Якуний ўраб-жойлаш босқичидан ташқари қайта ишлашнинг барча босқичларидан ўтган, тиббиётда қўллаш учун мўлжалланган ҳар қандай газ.

Партия рақами (lot number): Серия рақами атамасининг таърифига қаранг.

Серия рақами; партия рақами (batch number / lot number): Серияни (ёки партияни) идентификатлаштирувчи (аниқлаб берувчи) рақамлар, ҳарфлар ва/ёки белгиларнинг ноёб комбинацияси, улар асосида унинг ишлаб чиқарилиш ва тарқатиш (дистрибуция) маълумотларини аниқлаш мумкин.

Тесқари клапан (non-return valve): Оқимни фақат битта йўналишда таъминлайдиган клапан.

Хавф-хатар шарҳи (risk review): Хавф-хатарга тегишли янги билимлар ва тажрибани ҳисобга олган ҳолда (зарурият бўлганда) хавфни бошқариш жараёни натижаларининг шарҳи ёки мониторинги.

Хавф-хатарнинг умумий баҳолаш (risk assessment): Хавф-хатар билан бошқариш жараёни доирасида хавфга нисбатан қарорларни қабул қилишни таъминлаш учун ахборотларни шакллантиришнинг тизимли жараёни. У хавф-хатар идентификацияси, шунингдек мазкур хавф-хатар таъсири билан алоқадор хавфлар таҳлили ва баҳолашдан иборат.

Хавф (hazard): Зарарнинг (ISO/IEC Guide 51) яширин манбаси.

Юклаш / транспортда ташиш (shipping): Кўрсатмага мувофиқ клиник синовлар учун дори воситаларини юклаш ва жўнатиш мақсадида уларни ўраб-жойлаш бўйича хатти-ҳаракатлар.

Сифат бўлим(лар)и (quality unit(s)): Ишлаб чиқаришдан мустақил равишда фаолият юритадиган, ҳамда сифатни таъминлаш билан бирга, сифатни назорат қилиш бўйича мажбуриятларни бажарадиган ташкилот бўлинмаси. Ташкилотнинг қўлами ва тузилмасига боғлиқ равишда, сифатни таъминлаш ва сифатни назорат қилишнинг алоҳида хизматлари шаклида ёки битта шахс ёки шахслар гуруҳи холида бўлиши мумкин.

Четланиш (deviation): Тасдиқланган йўриқнома ёки белгиланган стандартдан четга чиқиш.

Чиқариб ташлаш (evacuate): Контейнерда вакуумни ҳосил қилиш йўли билан, ундан қолган газни йўқотиш.

Хавф-хатарни баҳолаш (risk evaluation): Тахмин қилинган хавф-хатарни хавфнинг мавжуд критериялари билан таққослаш мақсадида миқдорий ва сифат кўрсаткичлари асосида хавф-хатарнинг муҳимлигини аниқлаш.

Бирламчи ўрам (immediate packaging): Дори препарати ёки тадқиқот синовидан ўтаётган дори воситаси билан бевосита контакта бўладиган контейнер ёки ўраб-жойлашнинг бошқа турдаги воситаси.

Тўқнаш контаминация (cross contamination): Хом ашё ёки маҳсулотнинг бошқа хом ашё ёки бошқа маҳсулот билан ифлосланиши.

Қайта ишлаш (reprocessing): Бир ёки бир нечта қўшимча жараёнлар воситасида, технологик жараённинг муайян босқичида, маҳсулот сифатининг яроқли бўлиши учун сифати яроқсиз бўлган маҳсулотнинг сериясини тўлиқ ёки бир қисмини қайта ишлаш.

Экиладиган культура (seed lot):

• **Экиладиган культура тизими (seed lot system)**

Бу тизимга мувофиқ, маҳсулотнинг кейинги сериялари айнан битта асосий экиладиган культурадан тегишли миқдордаги пассажларда кўпайтириб, ишлаб чиқарилади. Одатдаги ишлаб чиқаришда, экиладиган ишчи культурани экиладиган асосий культурадан тайёрланади. Экиладиган ишчи культурадан олинган тайёр маҳсулот хавфсизлиги ва самарадорлиги бўйича қониқарли бўлиши учун, экиладиган культуранинг пассажлари клиник текширувдан ўтган вакцинаникидан ортиқ бўлмаслиги лозим. Экиладиган асосий культуранинг ва экиладиган ишчи культуранинг келиб чиқиши ва пассажларининг миқдори бўйича баённома тузилади.

• **Экиладиган асосий культура (master seed lot)**

Ягоналик, бир хилликни таъминлаш, контаминацияни бартараф қилиш, барқарорликни кафолатлаш учун битта жараёнда экиладиган культуранинг бир ҳажмидан сигимларга тақсимланган микроорганизмлар культураси. Экиладиган асосий культуранинг суyoқ шакли, одатда, минус 70 °C ёки ундан паст ҳароратда сақланади. Экиладиган асосий культуранинг лиофилизацияланган шакли барқарорликни таъминлайдиган маълум ҳароратда сақланади.

• **Экиладиган ишчи культура (working seed lot)**

Экиладиган асосий культурадан ҳосил бўлган ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун мўлжалланган микроорганизмлар культураси. Ишчи экиладиган культура маълум бир сигимларга тақсимланади ва юқорида, асосий экиладиган культура учун баён қилинганидек сақланади.

Плацебо: клиник синовлар учун мўлжалланган дори шакли бўлиб, у шакли, ранги, хиди ва бошқа хусусиятлари бўйича дори воситасига ўхшаш бўлиб, ёрдамчи моддаларга эга, аммо таркибида фаол ингредиенти бўлмаган.

Партия; серия (lot; batch): «Серия» атамаси таърифига қаранг.

Чора кўришни талаб қилувчи чегара (action limit): Белгиланган критериялар чегараси бўлиб, бу кўрсаткичлардан ошганда зудлик билан қўшимча чоралар ва тўғриланадиган хатти ҳаракатлар қабул қилиниши зарур ҳисобланади.

Огоҳлантирувчи чегара (alert limit): Белгиланган критериялар бўлиб, меъёрдан четланиш бўлиши мумкинлиги ҳақида олдиндан огоҳлантириб, улар қатъиятли корректив хатти ҳаракатлар учун асос бўлмаслигини, аммо қўшимча тафтиш олиб бориш лозимлигини талаб этади.

Таққослаш препарати (comparator product): Клиник синовлар доирасида таққослаш учун фойдаланиладиган текшириладиган препарат ёки рўйхатдан ўтказилган дори воситаси (яъни, фаол назорат) ёки плацебо.

Хавф-хатарни қабул қилиш (risk acceptance): Хавф-хатарни қабул қилиш қарори.

Ишлаб чиқарувчи (manufacturer): Дори воситаларини ишлаб чиқариш лицензиясининг эгаси, шу жумладан тўлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш, шунингдек,

STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

қадоклаш, жойлаш, ўраш ёки тамғалашнинг турли жараёнлари билан шуғулланиш учун лицензия олган лицензиат.

Тадқиқот синовидан утувчи дори воситасини ишлаб чиқарувчи/импорт қилувчи (manufacturer/importer of investigational medicinal product): Амалдаги қонунчиликка кўра дори воситасини ишлаб чиқариш/импорт қилиш фаолияти учун лицензия олган лицензиат.

Ишлаб чиқариш (manufacture): Дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва сифатини назорат қилиш қоидаларига мувофиқ дори воситаларини ишлаб чиқариш - дори воситаларини сериялаб ишлаб чиқариш, шунингдек, тўлиқ технологик цикл бўйича ёки унинг алоҳида босқичлари: дори воситалари синтези (биосинтези), экстракцияси, тозалаш, қайта ишлаш, қадоклаш, ўраш, жойлаш ва тамғалаш бўйича ишлаб чиқаришни ўз ичига қамраб олиш.

Дори воситаларини ишлаб чиқариш — дори воситаларини уларни ишлаб чиқариш ҳамда сифатини назорат қилишни ташкил этиш қоидаларига мувофиқ сериялаб ишлаб чиқариш, шу жумладан тўлиқ технологик туркум ёки унинг айрим босқичлари: дори воситаларини синтез (биосинтез) қилиш, экстракциялаш, тозалаш, уларга ишлов бериш, уларни қадоклаш, идишга ўраб-жойлаш ва уларни маркалаш босқичларини ўз ичига олган фаолият.

Оралик маҳсулот (intermediate product): Оралик маҳсулот бу қисман қайта ишланган хом ашё бўлиб, у қадокланмаган маҳсулот деб ҳисобланишидан олдин, навбатдаги ишлаб чиқариш босқичларидан ўтиши лозим.

Лойиҳа параметрларининг майдони (design space): бошлангич параметрларнинг (масалан, моддалар тавсифи) ва жараён параметрларининг ўзаро таъсири ва кўп омилли комбинацияси бўлиб, уларга асосланиб дори воситаларининг сифати таъминланиши исботланган. Лойиҳа параметрлари майдони доирасидаги ишлар ўзгариш ҳисобланмайди. Лойиҳа параметрлари майдонидан чиқиш ўзгариш деб қаралади ва шунда рўйхатдан ўтказилгандан кейинги ўзгаришларни тасдиқлашнинг мувофиқлаштириш жараёни бошланади. Лойиҳа параметрлари майдонини буюртмачи таклиф қилади; у ваколатли органлар томонидан баҳолаш ва тасдиқлаш объекти ҳисобланади.

Имзоланган/имзо (signed/signature): Белгиланган вазифани бажарган ёки текширишни амалга оширган шахс имзоси. Бу имзо инициал, исм ва фамилиясининг тўлиқ ёзма варианты, ёзма имзо, шахсий муҳр ёки аслига тўғри ва ҳимоя қилинган электрон имзо тарзида бўлиши мумкин.

Имзо/имзоланган (signature/signed): «Имзоланган» атамаси таърифига қаранг.

Контракт бўйича ишлаб чиқарувчи (contract manufacturer): Бошлангич ишлаб чиқарувчи топшириғи бўйича ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян турини бажарувчи ишлаб чиқарувчи корхона.

Валидация баённомаси (validation protocol): Валидацияни қандай тарзда ўтказилишини ва мақбуллик критерияларини белгилаб берувчи, ҳужжат асосида расмийлаштирилган режа. Масалан, ишлаб чиқариш жараёни валидацияси баённомасида технологик ускуналар, жараённинг критик параметрлари ва унинг иш тартиблари, маҳсулотлар тавсифи, намуналарни танлаб олиш, тўплаш зарур бўлган текширув маълумотлари, валидация цикллари микдори ва синовларнинг мақбул натижалари кўрсатилиши лозим.

U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHOQARMASI

Жараёнли-тахлил технологияси (process analytical technology - PAT): Тайёр препарат сифатини таъминлаш мақсадида хом ашё, қайта ишланадиган материаллар ва жараёнлар сифатининг критик кўрсаткичлари ва функционал тавсифини даврий равишда ўлчаш ёрдамида (яъни, қайта ишлаш вақтида) ишлаб чиқаришни режалаштириш, тахлили ва назорати тизими.

Тозалаш (purge): Босимни тушириш ва тортиб олиш орқали ёки босимни тушириш, баллонни қисман газ билан тўлдириш ва кейинчалик босимни тушириш орқали баллонни бўшатиш ва тозалаш жараёни.

Радиоактив дори воситаси; радиофармацевтик препарат (radiopharmaceutical): Тиббий мақсадларда ўзида бир ёки бир нечта радионуклидлар (радиоактив изотоплар)ни сақловчи, қўллаш учун тайёр бўлган ҳар қандай дори воситаси.

Рандомизация (randomization): Доимий хатони ва тахминийликни минимумга туширишга имкон берувчи, синов ўтказилаётганларни тажриба ва назорат гуруҳлари бўйича тасодифий тақсимлаш жараёни.

Ўсимлик преаратлари (herbal preparations): Ўсимлик хом ашёсини экстракция, дистилляция, сиқиб чиқариш, фракциялаш, тозалаш, концентрлаш ёки ферментациялаш тарзида қайта ишлаш йўли билан олинадиган препаратлар. Улар жумласига майдаланган ўсимлик хом ашёлари ёки кукун кўринишидаги ўсимликлар, настойкалар, экстрактлар, эфир мойлари, эзиб чиқарилган шарбатлар ва қайта ишланган экскудатлар киради.

Изоҳ: Атама ва таъриф 7-иловага тааллуқли. «Herbal preparation» атамаси Европа фармакопеясининг «herbal drug preparation» атамасига эквивалент ҳисоблади.

Ўсимлик субстанциялари; ўсимлик хом ашёси (herbal substances): Барча, қайта ишланмаган қуритилган баъзида янги, асосан бутун, қисмларга бўлинган ёки кесилган ўсимликлар, ўсимликлар қисмлари, сув ўтлари, замбуруглар, лишайниклар. Махсус қайта ишланмаган, маълум бир экскудатлар ҳам ўсимликлар субстанциялари сифатида қаралади. Ўсимликлар субстанциялари ўсимликнинг ишлатиладиган қисми ва бинар тизим (нав, тур, хил ва муаллиф)га мувофиқ унинг ботаника номи билан аниқ белгилаб кўрсатилган.

Изоҳ: Атама ва таъриф 7-иловага тааллуқли. «Herbal substance» атамаси Европа фармакопеяси «herbal drug» атамасининг эквиваленти ҳисоблади.

Регенерация ёки қайта тиклаш (recovery): Ишлаб чиқаришнинг маълум бир босқичида талаб қилинган сифатга эга олдинги серияларнинг барчасини ёки бир қисмини бошқа серияга қўшиш.

Резервуар (tank): Суюлтирилган ёки криоген газни сақлаш учун стационар контейнер.

Хавф-хатар (risk): Зарар эҳтимоли ва бу зарарнинг жиддийлиги комбинацияси.

Босимни тушириш (blowing down): Босимни атмосфера босими даражасигача тушириш.

Серия (партия) (batch or lot): бир ёки бир қатор технологик жараёнларда кетма-кетлик билан ишлов бериладиган хом ашё, ўраб-жойлаш материаллари ёки маҳсулотларнинг муайян миқдори бўлиб, бу ишлов жараёнида белгиланган чегараларда маҳсулотнинг бир хиллигини таъминлаш мўлжалланади. Тайёр маҳсулотни назорати нуқтаи назаридан серия дори воситаларининг дозаланган турлари (дори шакллари)нинг дастлабки материалнинг битта ҳажмидан ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ягона кетма-кетлиги ёки стерилизациянинг ягона кетма-кетлигидан ўтган

микдорлари йигиндисини, узлуксиз ишлаб чиқаришда эса берилган вақт интервалида ишлаб чиқарилган барча микдорларни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришнинг айрим босқичларини тугатиш учун баъзан серияни муайян микдордаги кичик серияларга бўлиш зарур, кейинчалик улар якуний бир хил серияни олиш учун бирлаштирилади. Узлуксиз ишлаб чиқаришда серия тушунчаси, бир хиллиги билан тавсифланувчи, маҳсулотларнинг муайян қисмига тегишли бўлиши лозим. Бунда серия ўлчами ёки қайд қилинган микдори, ёки муайян вақт оралигида ишлаб чиқарилган микдор билан аниқланиши мумкин.

Сижилган газ (compressed gas): Босим остида қадоқлашда $-50\text{ }^{\circ}\text{C}$ ҳароратда тўлик газсимон ҳисобланган газ (ISO 10286).

Суюлтирилган газ (liquified gas): Босим остида қадоқлашда $-50\text{ }^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қисман суюқликка ўтган газ (суюқлик устидаги газ).

Система (system): Ташкиллаштирилган бутунликни яратиш учун бирлаштирилган, ўзаро боғланган ҳаракатлар ва техник воситаларни тартибга солинадиган модель.

Стерилликни кафолатлаш тизими (sterility assurance system): Маҳсулотнинг стериллигини таъминлаш учун қилинадиган тадбирларнинг умумий мажмуи. Якуний стерилизация қилинадиган дори воситалари учун бундай тадбирлар қуйидагилардан иборат:

а) тегишли равишда дори воситасини яратиш,

б) хом ашёлар ва технологик ёрдамчи материаллар (масалан, газлар ва мойлар)нинг микробиологик тавсифини билиш, шунингдек, мумкин қадар, уларнинг назорати,

в) микроорганизмларнинг препарат ичига кириши ва уларнинг кўпайиши мумкинлигидан олдини олиш учун ишлаб чиқариш жараёнида контаминациянинг назорати. Бунга, одатда, маҳсулот билан алоқага кирадиган юзаларни тозалаш ва санитар ишлов бериш, тоза биналарда ишларни олиб бориш орқали ҳаводан бўладиган контаминацияни олдини олиш, жараённи олиб бориш фильтрация жараёнларида вақтини чегаралашни назорат қилиш йўли билан эришилади.

г) стерилланган ва стерилланмаган маҳсулотлар оқимларини аралаштириб юборишдан огоҳлантириш,

д) дори воситаларининг бутунлигини сақлаш,

е) стерилизация жараёни,

ж) ўзгаришлар назорати, ўқитиш, йўриқномалар, чиқариш вақтидаги назорат, режали техник профилактика хизматини кўрсатиш, номувофиқликлар таҳлили, инсон томонидан йўл қўйиладиган хатоликлардан огоҳлантириш, валидация, калибровка ва стерилликни таъминлашни қамраб олувчи, бир бутун сифат тизими.

Сифат тизими (quality system): Сифат сиёсатини жорий этадиган ва сифатга оид мақсадларга эришишни таъминлайдиган тизимнинг барча жабхаларининг йигиндисини.

Спецификация (specification): Тегишли синовлар учун рақамли чегаралар, интерваллар ёки бошқа критерияларни ўзида ифодаловчи синовлар, аналитик йўриқномаларга ҳаволалар ва мувофиқлик критериялари рўйхати. Спецификация, материалнинг мўлжалланган қўлланишига мақбул ҳисобланиши учун, материалнинг мувофиқ келувчи критериялар тўпламини белгилайди. «Спецификацияга мувофиқ келиши» келтирилган аналитик услубларга кўра текширувлардан ўтган материал келтирилган мувофиқлик критерияларига мос келишини англатади.

D'ZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NAZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH

BOSHOQARMASI

Стандарт намуна, бирламчи (reference standard, primary): Стандартли намуна - асл модда ҳисобланадиган ФФИ – субстанцияси ҳисобланади, бунинг исботланиши кенгайтирилган аналитик текширувлар ёрдамида амалга оширилади. Стандартли намуна юқори тозалик даражасига эга бўлиши лозим. Бу стандарт: 1) расман тан олинган манбадан олинган ёки 2) мустақил синтез воситасида тайёрланган ёки 3) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган юқори тозалик даражасидаги мавжуд моддадан олинган ёки 4) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган мавжуд моддани кейинги тозаланиши воситасида тайёрланган бўлиши мумкин.

Стандарт намуна, иккиламчи (reference standard, secondary): Бирламчи стандарт намунаси билан таққослаш йўли билан исботланган ва мунтазам равишдаги кундалик лаборатория таҳлиллари учун стандарт намуна сифатида кундалик фойдаланиладиган белгиланган сифатга эга ва белгиланган тозаликдаги модда.

Ҳомий (sponsor): Клиник тадқиқотнинг бошланиши, унинг ташкиллаштирилиши, назорат қилиниши ва/ёки молиялаштирилиши учун жавобгар саналувчи жисмоний шахс, компания, муассаса ёки ташкилот.

Аниқлаш имконияти (detectability): Хавф-хатарни аниқлаш, унинг мавжудлиги, хозирда бўлиши мумкинлиги ёки ҳақиқатан бор эканлигини белгилаб олиш имконияти

Стерилланганликни кафолатлаш даражаси; стерилизациянинг ишончлилиқ даражаси (sterility assurance level - SAL): Препарат серияси стерил эканлиги эҳтимоли (SAL худди 10-н дек ифодаланади).

Стериллик (sterility): тирик организмларнинг мавжуд эмаслиги. Стерилликни текшириш шарт-шароитлари тегишли норматив ҳужжатларда келтирилган.

Тенденция (trend): Кўрсаткичларнинг ўзгариш йўналиши ёки даражасини англатувчи статистик атама.

Технологик жараён; ишлаб чиқариш (production): Хом ашёни олишдан бошланадиган, ишлов бериш ва қадоқлаш билан давом этадиган ва тайёр маҳсулотни олиб, жиҳозлаш билан тугалланадиган, дори воситаларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар.

Талаблар (requirements): Беморларнинг ёки уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчилар (масалан, тиббиёт ходимлари, бошқарув ваколатли ва қонунчилик органлари ходимлари) нинг аниқ ёки назарда тутилган эҳтиёжлари ёки тилаклари. Мазкур ҳужжатда «талаблар» қонунда белгиланган қонунчилик ёки бошқарув талабларинигина эмас, балки шунингдек, эҳтиёжлар ва тилақларини ҳам ифодалайди.

Қувурлар линияси (manifold):

1. Битта манбадан бир ёки ундан кўп газ контейнерларини бир вақтнинг ўзида тўлдириш учун мўлжалланган ускуна ёки аппаратура.

2. бир ёки ундан кўп газ контейнерларини бир вақтнинг ўзида бўшатиш ва газни қадоқлаш учун мўлжалланган ускуна ёки аппаратура.

Жиддийлик (severity): Хавф-хатардан кутилаётган оқибатлари ўлчами.

Ўраб-жойлаш (packaging): Қадоқланмаган маҳсулот тайёр маҳсулот бўлиши учун зарур бўлган барча жараёнлар, шу жумладан қадоқлаш ва тамғалаш.

Изоҳ: Стерил маҳсулотнинг дозаланиши, ўраб-жойлаш жараёнининг бир қисми сифатида қаралмаслиги керак, чунки бунда маҳсулот бирламчи ўрамга дозаланади, лекин охиригача ўраб-жойланмайди.

D'ZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NAZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH

BOSHQARMASI

Ўраб-жойлаш материали (packaging material): Транспортда ташиш ёки юклашда фойдаланиладиган транспорт тараларидан ташқари, дори воситасини қадоқлашда фойдаланиладиган ҳар қандай материал. Ўраб-жойлаш материаллари дори препарати билан бевосита контактда бўлиши ёки бўлмаслигига қараб, улар бирламчи ёки иккиламчи турларига бўлинади.

Ваколатли шахс (Qualified Person/Authorised Person): корхонанинг юқори раҳбарияти томонидан тайинланган, зарур илмий ва техник тайёргарликка эга бўлган, шунингдек, зарур малакавий талабларга жавоб берувчи шахс (тегишли олий маълумот ва амалий иш тажрибасига эга бўлиши лозим).

Хавф-хатарни бошқариш (risk management): Хавф-хатарни умумий баҳолаш, назорат қилиш, шарҳлаш ва мувофиқ равишда хабардор қилиш мақсадида белгиланган йўриқнома ва қоидалар асосида сифатни бошқарувини тизимли амалга ошириш.

Сифатга оид хавф-хатарни бошқариш (quality risk management): Препаратнинг ҳаётий цикли мобайнида дори воситасининг сифатига оид хавф-хатарларни умумий баҳолаш, назорат қилиш, хабардор қилиш ва шарҳлашнинг тизимли жараёни.

Ҳавони ажратиш учун қурилма (air separation plant): Тозалаш, компрессия, совутиш, суюлтириш ва дистилляция жараёнлари ёрдамида атмосфера ҳавосини газларга (кислород, азот ва аргон) ажратиш учун қурилма.

Қатнашувчи (stakeholder): Хавф-хатарга таъсир кўрсатувчи, уларга хавф-хатар таъсир кўрсатувчи ёки ўзларини хавф-хатар остида деб ҳисобловчи бирор-бир шахс, гуруҳ ёки муассаса. Қарорлар қабул қилиш учун масъул шахслар ҳам қатнашувчилар бўлиши мумкин. Мазкур ҳужжатда бемор, тиббиёт ходими, ваколатли орган ва саноат биринчи даражали қатнашчилар ҳисобланади.

Озуқа муҳитларини қадоқлаш (mediafill): Микроорганизмларнинг ўсиши учун озуқа муҳитларидан фойдаланиш билан асептик шароитларда ўтказиладиган жараённи баҳолаш усули. (Озуқа муҳитларини қадоқлаш қуйидаги тушунчаларнинг синоними саналади: моделловчи препаратни қадоқлаш (simulated products fills), бульон билан текшириш (broth trials), бульонни қадоқлаш (brothfills) ва бошқалар).

Тоза ҳудуд (clean area): Атроф муҳити контаминацияловчи (ифлослантирувчи) заррачалар ва микроорганизмларнинг мавжудлигига назорат қилинадиган, ҳудуд ичига контаминантларнинг кириши, ҳосил бўлиши ва сақланишини камайтирадиган қилиб қурилган ва фойдаланиладиган ҳудуд.

Изоҳ: Атроф муҳит назорати учун турли хил синфлар «Стерил дори воситаларини ишлаб чиқариш» 1-иловасида белгилаб кўрсатилган.

Тоза/изоляцияланган ҳудуд (clean/contained area): Бир вақтнинг ўзида тоза ҳудуд ва изоляцияланган ҳудуд сифатида фойдаланиш мумкинлиги эътиборга олиниб қурилган ва фойдаланиладиган ҳудуд.

Экзотик организм (exotic organism): Ушбу мамлакат ёки географик ҳудудда касаллик кўзгатувчиси мавжуд бўлмаган, ёки мазкур касаллик мазкур мамлакатда ёки географик ҳудудда амалга ошириладиган профилактик тадбирлар ёки бартараф этиш дастурлари объекти бўлиб ҳисобланадиган биологик агент экзотик организм дейилади.

3 НОРМАТИВ ҲАВОЛАЛАР

Мазкур стандартда куйидаги меъёрий ҳужжатларга ҳаволалар берилган:

ISO 7966:1993 Acceptance Control Charts

ISO 8258:1993 Shewhart Control Charts

ISO 7871:1997 Cumulative Sum Charts

ISO 10286:2007 Gas Cylinder - Terminology IEC 61025 Fault Tree Analysis (FTA)

ISO/IEC Guide 51:1999 Safety Aspects - Guideline for their inclusion in standards

IEC 60812 Analysis Techniques for system reliability - Procedures for failure mode and effects analysis (FMEA)

IEC 61882 Hazard Operability Analysis (HAZOP)

ГОСТ 27.310

ГОСТ Р ИСО 14971-2006 Изделия медицинские. Применение менеджмента риска к медицинским изделиям (ISO 14971:2000, IDT)

ГОСТ Р ИСО 14644-1-2000 Чистые помещения и связанные с ними контролируемые среды. Классификация чистоты воздуха (ISO 14644-1:99, IDT)

ГОСТ Р ИСО 14644-2-2001 Чистые помещения и связанные с ними контролируемые среды.

Изоҳ - Ушбу стандартдан фойдаланилганда, Ўзбекистан ҳудудида жорий йилнинг 1-январ ҳолатига тузилган мос келувчи стандартлар кўрсаткичи ва жорий йилда тузилган ахборот кўрсаткичига мос келувчи ҳавола қилинган стандартларни амал қилинишини текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳавола қилинган стандартлар алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, ушбу стандартдан фойдаланилганда, алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиниши керак. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, ҳавола қилинган қоидалар, ушбу ҳаволага тегмайдиган қисмида қўлланилади.

4 БЕЛГИЛАНИШ ВА ҚИСҚАРТМАЛАР

БЦЖ - Кальметт-Герен бациллаларидан вакцина

ЖССТ – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

ДНК – дезоксирибонуклеин кислотаси

ЕИ – Европа Иттифоқи

КОЕ – колония ҳосил қилувчи бирликлар (микроорганизмлар)

РНК – рибонуклеин кислотаси

DQ - design qualification (лойиҳа квалификацияси)

СНМР ёки - Committee for Medicinal Products for Human Use (СНМР бўйича қўмита – инсон учун дори воситалари)

СВМР - Committee for Medicinal Products for Veterinary Use (Ветеринарияда қўллаш учун дори воситалари бўйича қўмита)

ЕС/ЕАА - European Community / European Economic Area (Европа ҳамкорлиги / Европа иқтисодий ҳудуди)

ЕМЕА - European Medicines Agency (Дори воситалари бўйича Европа агентлиги)

ГАСР - good agricultural and collection practice (етиштириш ва йиғишнинг яхши амалиёти)

UZBEKISTAN AGENCY
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

GMP - Good manufacturing practice (яхши ишлаб чиқариш амалиёти)

HEPA-фильтр – high-efficiency particulate air filter (юқори самарали махсус ҳаво фильтри)

HMPC - Committee on Herbal Medicinal Products (ўсимликларга мансуб дори воситалари бўйича қўмита)

HVAC - heating, ventilation and air conditioning (ҳавони иситиш, вентиляциялаш ва кондиционерлаш)

ICH - International Conference on Harmonisation of Technical Requirements for Registration of Pharmaceuticals for Human Use (Инсон учун дори препаратларини рўйхатга олиш техник талабларини уйғунлаштириш бўйича халқаро анжуман)

IQ - installation qualification (монтаж қилиш квалификацияси)

ISO - International Standardization Organization (Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот)

MRA - Mutual Recognition Agreement (ўзаро тан олиш ҳақида келишув)

OQ - operational qualification (ишлаш квалификацияси)

PAT - Process Analytical Technologies (тахлилий жараён технологияси)

PIC/S - Pharmaceutical Inspection Co-operation Scheme (фармацевтик назоратлар бўйича ҳамкорлик тизими)

PQ - performance qualification (фойдаланиш сифатлари квалификацияси)

QA - Quality Assurance (сифатни таъминлаш)

QC - Quality Control (сифат назорати)

QP - Qualified Person (Ваколатли шахс)

WHO - World Health Organization (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти)

5 ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ЯХШИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ

5.1 СИФАТНИ БОШҚАРИШ

5.1.1 Тамойил

Дори воситаларини ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган ишлаб чиқарувчи корхоналар дори воситаларининг белгиланган вазифасига, рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига мувофиқ бўлишини, беморлар учун ҳавфсизлигини таъминлаган ҳолда, дори воситаларининг сифати ёки самарадорлиги етарли бўлмаганлиги билан боғлиқ бўлган ҳавфга йўл қўймасдан ишлаб чиқаришлари лозим. Сифатни таъминлаш раҳбариятнинг асосий вазифаси ҳисобланади ва ишлаб чиқарувчи-корхонанинг турли бўлинмалари ёки компаниянинг барча даражадаги ходимларининг, шунингдек, етказиб берувчилар ва дистрибьюторларнинг иштирокини ва жавобгарлигини талаб қилади. Бунинг учун атрофлича ишлаб чиқилган ва тўғри юритилган сифатни таъминлаш тизими шакллантирилиб, у яхши ишлаб чиқариш амалиётини, сифат назоратини ва сифат учун ҳавфни бошқаришни ўз ичига олган бўлиши лозим. Бу тизим тўлиқ ҳужжатлаштирилиши, унинг самарадорлиги эса назорат қилиниши лозим. Сифатни таъминлаш тизимининг барча таркибий қисмлари тегишли тарзда малакали ходимлар, етарли миқдорда тегишли бинолар, жиҳоз-ускуналар ва техник воситалар билан таъминланган бўлиши лозим. Ишлаб чиқариш фаолиятига лицензия олган лицензиат ва ваколатли шахс(лар) қўшимча равишда ҳуқуқий жавобгар саналади.

DAVLET N. ZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

Сифатни таъминлаш, яхши ишлаб чиқариш амалиёти, сифат назорати ва сифат учун хавфни бошқаришнинг асосий ғоялари ўзаро боғлиқ. Дори воситаларини ишлаб чиқариш ва назорат қилишда уларнинг боғлиқлигини ва муҳим аҳамиятини таъкидлаш учун улар мазкур стандартда баён қилинган.

5.1.2 Сифатни таъминлаш

Сифатни таъминлаш кенг камровли тушунча бўлиб, у маҳсулот сифатига алоҳида ёки тўлақонли таъсир кўрсатувчи барча масалаларни ўзида жамлайди. Бу ташкилий тадбирлар йигиндиси дори воситалари сифатининг уларнинг белгиланган вазифасига мувофиқлигини кафолатлаш мақсадини кўзлайди. Сифатни таъминлаш мазкур GMP стандарти ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларини бажаришга асосланади.

Дори воситаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган сифатни таъминлаш тизими қуйидагиларни кафолатлаши лозим:

а) дори воситалари GMP - Яхши ишлаб чиқаришнинг тегишли қондалари талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва синовлардан ўтганлиги;

б) барча ишлаб чиқариш ва сифат назорати жараёнларига мазкур GMP стандарти талабларига мувофиқ келувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги;

в) барча ходимларнинг жавобгарлиги ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилганлигини;

г) хом ашё ва ўраб-жойлаш материалларини белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва қўллашни таъминловчи чоралар назарда тутилганлигини;

д) оралиқ маҳсулотнинг барча зарур назорати, ҳар қандай бошқа ишлаб чиқариш назорати ва валидацияси ўтказилганлигини;

е) тайёр маҳсулот белгиланган йўриқномаларга мувофиқ тўғри ишлаб чиқарилган ва текширилганлигини;

ж) ваколатли шахс томонидан чиқаришга рухсат берилмагунга қадар дори воситаларини реализация қилишга йўл қўйилмайди. Ваколатли шахс, маҳсулотнинг ҳар бир серияси дори воситалари давлат рўйхатидан ўтказилган вақтида белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқарилганлиги ва текширилганлигини тасдиқлаши лозим;

з) дори воситаларининг сифати уларнинг яроқлилик муддати даврида сақлаш, тарқатиш ва кейинги муомаласида сақланиб туришини кафолатлайдиган етарли тадбирлар амалга оширилганлигини;

и) сифатни таъминлаш тизимининг самарадорлиги ва яроқлилигини мунтазам баҳолаб бориладиган ўз-ўзини назорат қилиш ва ёки сифат аудитини ўтказиш йўриқномаи мавжудлигини.

5.1.3 Дори воситаларининг яхши ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)

Яхши ишлаб чиқариш амалиёти сифатни таъминлаш тизимининг бир қисми ҳисобланиб, у маҳсулотнинг доимий равишда белгиланган вазифасига мувофиқ сифат стандарти бўйича, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари ва спецификацияларига мувофиқ ишлаб чиқарилиши ва назорат қилинишини кафолатлайди,

Яхши ишлаб чиқариш амалиёти ишлаб чиқариш (технологик жараён) билан бир қаторда сифат назорати билан ҳам боғлиқ.

GMP нинг асосий талаблари:

а) барча ишлаб чиқариш жараёнлари аниқ белгиланиши лозим; уларни тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, мунтазам равишда қайта куриб чиқиш лозим;

UZSTANDART AGENTLIGI
 MA'RUFLASHTIRISH VA
 DAVLAT NAZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

спецификацияларга мувофиқ талаб қилинган сифатга эга бўлган дори воситаларини доимо ишлаб чиқариш имконияти мавжудлигини намойиш қилиш зарур;

б) ишлаб чиқариш жараёнининг критик босқичлари ва технологик жараённинг сезиларли ўзгаришлари валидациядан ўтиши лозим;

в) GMP учун барча воситалар мавжуд бўлиши лозим, шу жумладан:

- зарурий малакага эга бўлган, ўқитилган ходимлар;
- тегишли бинолар ва майдонлар;
- зарур асбоб-ускуналар ва уларга тўғри хизмат кўрсатилиши;
- тегишли хом ашё, материаллар, ўрамлаш ва ёрликлаш воситалари;
- тасдиқланган услубий қўлланмалар ва йўриқномалар;
- сақлаш ва ташишнинг тегишли жараёнлари;

г) йўриқномалар ва СТЖлар кўрсатмалар шаклида тайёрланиб, аниқ ва бир маънони ифодалаган ҳолда баён этилиши лозим, ҳамда мавжуд бўлган воситаларга муайян равишда қўлланадиган бўлиши лозим;

д) ходимлар СТЖ ва йўриқномаларни тўғри бажаришига ўқитилган бўлиши лозим;

е) ишлаб чиқариш вақтида, белгиланган СТЖ ва йўриқномаларда талаб этиладиган барча босқичлар ҳақиқатда ҳам амалга оширилганлигини, шунингдек, маҳсулотнинг миқдори ва сифати режалаштирилган меъёрларга мос келишини ҳужжатлар асосида тасдиқловчи баённомалар қўлёзма усулида ва/ёки ёзиб оладиган асбобдан фойдаланган ҳолда тузилиши лозим. Ҳар қандай сезиларли четланишлар тўлиқ баённомалаштирилиши ва текширилиши лозим;

ж) маҳсулот серияси баённомалари, шу жумладан дистрибуция баённомаси ҳар бир серияни ишлаб чиқарилишини кузатишга имкон бериши ҳамда тушунарли ва олиними осон бўлган шаклда сақланиши лозим;

з) маҳсулот дистрибуциясида (улгуржи сотувида) унинг сифатини пасайиши хавфи минимумга олиб борилиши лозим;

и) маҳсулотларнинг ҳар қандай сериясини сотувдан ёки етказиб бериш жараёнидан чақириб олиш тизимини ташкил қилиш лозим;

к) маҳсулотлар сифатига рекламацияларни синчиклаб кўриб чиқиш лозим, сифатнинг ёмонлашиши сабабларини ўрганиш, уларни бартараф қилиш бўйича тегишли чораларни қабул қилиш лозим.

5.1.4 Сифат назорати

Сифат назорати – бу яхши ишлаб чиқариш амалиётининг бир қисми бўлиб, ўз ичига намуналарни танлаш, спецификацияларни расмийлаштириш ва синовлар ўтказиш, шунингдек ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, ҳужжатлаштириш ва рухсат бериш жараёнларини қамраб олади. Бу жараёнда ҳақиқатан барча зарур ва тегишли синовлар ўтказилганлигини ва хом ашё ва материалларнинг ишлатилишига ва тайёр маҳсулот реализацияга ёки етказиб беришга уларнинг сифати қониқарли деб тан олинмагунга қадар рухсат этилмаслигини кафолатланади.

Сифат назоратига қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

а) зарур бинолар ва асбоб-ускуналар, ўлчов воситалари, ўқитилган ходимлар ва хом ашё, ўраб-жойлаш материаллари, оралиқ қатламга ва тайёр маҳсулотлар намуналарини танлаб олиш, назорати ва синови, шунингдек зарур ҳолларда, мазкур

STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT N. ZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

стандартни бажариш мақсадида атроф-муҳитни назорат қилиш учун тасдиқланган услубларнинг мавжудлиги;

б) хом ашё, ўраб-жойлаш материаллари, оралик, қадоқланмаган ва тайёр маҳсулотлар намуналарини танлаб олиш сифат назорати бўлими томонидан тасдиқланган ходимлар томонидан ва тегишли усуллар билан амалга оширилади;

в) синов усуллари валидациядан ўтиши лозим;

г) намуналарни танлаб олиш, назорат қилиш ва синов услублари бўйича барча тадбирлар ҳақиқатан амалга оширилганлигини хужжатлар асосида тасдиқловчи баённомалар (кўлёзма усулида ва/ёки ёзиб оладиган асбобдан фойдаланган ҳолда) тузилиши лозим. Барча кескин четланишлар тўлиқ баённомалаштирилган ва ўрганилган бўлиши лозим;

д) тайёр маҳсулот таркибига сифат ва миқдор таркиби бўйича рўйхатдан ўтказиш хужжатида мувофиқ бўлган фаол ингредиентлар ва ёрдамчи моддалар кириши лозим; улар талаб этилган тозалик даражасига эга бўлиши, тўғри ўраб-жойланган ва ёрликланган бўлиши лозим;

е) маҳсулотни баҳолаш тегишли ишлаб чиқариш хужжатларини шарҳлаш ва баҳолашни, ҳамда белгиланган услублардан четланишларни баҳоланишини қамраб олиши лозим. Хом ашё, материаллар, оралик, қадоқланмаган ва тайёр маҳсулотларни назорат қилиш ва синов натижалари бўйича тузилган баённомалар спецификация талаблари билан расман таққосланган бўлиши лозим;

ж) тайёр маҳсулотларнинг ҳеч бир сериясини, унинг рўйхатга олиш хужжатлари ва ишлаб чиқариш лицензияси талабларига мувофиқ келишини ваколатли шахс тасдиқламагунига қадар сотиш ва етказиб беришга рухсат берилмайди;

з) маҳсулот синовини ўтказишга имкон берадиган даражада етарли миқдорда хом ашё ва препаратларнинг назорат намуналарини сақлаб қўйиш зарур (зарур ҳолларда); препаратни яқуний ўрамда сақлаш лозим, жуда катта ўрамлар бундан мустасно.

5.1.5 Маҳсулот сифатининг шарҳи

Мавжуд жараённинг доимийлигини, хом ашё, тайёр маҳсулотнинг амалдаги спецификацияларига мувофиқлигини тасдиқлаш, маҳсулот ва жараёнларни такомиллаштириш имкониятини белгилаш, ривожланишининг маълум бир тенденцияларни аниқлаш, мақсадида, барча рўйхатдан ўтказилган дори воситалари, жумладан, экспортга тайёрланадиган препаратлар сифатини мунтазам равишда шарҳлаб бориш лозим. Бундай шарҳларни, олдинги шарҳларни эътиборга олган ҳолда ҳар йили амалга ошириш ва хужжатлаштириш лозим; улар энг камида қуйидагиларни қамраб олиши лозим:

а) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган, хом ашё ва ўраб-жойлаш материаллари шарҳи; янги етказиб берувчиларнинг хом ашё ва ўраб-жойлаш материалларига алоҳида эътибор қаратиш лозим;

б) тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва назорат қилишда назорат критик нукталарининг шарҳи;

в) белгиланган спецификацияларга мувофиқ келмаган барча сериялар ва тегишли текшириш натижалари шарҳи;

г) барча катта четланишлар ва номувофиқликлар, у билан боглиқ текширишлар, қабул қилинган коррективка (четланишларни бартараф этиш) ва олдини олиш чораларнинг самарадорлигининг шарҳи;

д) жараёнлар ва аналитик услубларга киритилган ўзгаришларнинг шарҳи.

U'ZSTANDART AGENTLIGI

DAVLAT NIZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH

BOSHQARMOSI

- е) рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига, шу жумладан, фақат экспорт учун мўлжалланган препаратларнинг бошқа мамлакатларга берилган ҳужжатларига юборилган / тасдиқланган / рад қилинган ўзгаришлар шарҳи;
- ж) барқарорлик назорати дастурларининг натижалари ва салбий тенденциялар шарҳи;
- з) барча сифат билан боғлиқ қайтариб бериш, рекламация ва чақириб олишлар, шунингдек ўша пайтда ўтказилган текширишлар шарҳи;
- и) ишлаб чиқариш ёки асбоб-ускуналар бўйича олдинги коррективировка (четланишларни бартараф этиш) чораларнинг тўғрилиги шарҳи;
- к) янги рўйхатдан ўтказганлик гувоҳномалари олинган ёки рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган ҳолларда рўйхатдан ўтказгандан кейинги мажбуриятлар шарҳи;
- л) тегишли асбоб-ускуналар ёки техник воситаларнинг квалификация статуси, масалан, HVAC (ҳавони иситиш, вентиляциялаш ва кондиционерлаш) тизимлари, сув, сиқилган газлар билан таъминлаш тизимлари в.б.;
- м) бирор-бир контракт келишувларининг шарҳи, уларнинг янгиланганлигига ишонч ҳосил қилиш учун.

Ишлаб чиқарувчи, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг эгаси (агар у бир ва айнан шу шахс бўлмаса) бундай шарҳлар натижаларини баҳолаши ва коррективировка (четланишларни бартараф этиш) ва олдини олиш чора-тадбирлар ёки ревалидация ўтказиш зарурлиги ҳақида хулоса чиқариши лозим. Бундай коррективировка қилинувчи ҳаракатларнинг сабаблари ҳужжатлаштирилиши лозим.

Қабул қилинадиган коррективировка (четланишларни бартараф этиш) ва олдини олиш хатти-ҳаракатлари самарали ва белгиланган муддатда ўтказилиши лозим. Бу ҳаракатлар бажарилишини назорат қилиш ва уларнинг натижаларини баҳолаш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилиши лозим. Бу йўриқномаларнинг самарадорлиги ўз-ўзини назорат қилиш жараёнида текширилиши лозим.

Сифат шарҳларини илмий асослашда маҳсулотларни турлари, масалан, қаттиқ дори шакллари, суюқ дори шакллари, стерилланган препаратлар ва бошқалар бўйича гуруҳлаш мумкин.

Агар рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг эгаси ишлаб чиқарувчи ҳисобланмаса, томонлар ўртасида уларнинг, унда сифат шарҳи бўйича тегишли мажбуриятлари белгиланган техник келишув бўлиши лозим. Сериянинг якуний сертификациясига жавобгар бўлган ваколатли шахс, рўйхатдан ўтказганлик гувоҳномаси эгаси билан бирга, сифат шарҳи ўз вақтида ва пухта ўтказилишини кафолатлаши лозим.

5.1.6 Сифатга оид хавф-хатарни бошқариш

5.1.6.1 Сифатга оид хавф-хатарни бошқариш дори воситаларининг сифатига оид умумий баҳолаш, назорат қилиш, ахборот узатиш учун, шунингдек, хавфлар шарҳи учун хизмат биладиган тизимли жараён ҳисобланади. Ундан ҳам перспектив (истикболни белгилашда), ҳам ретроспектив (Жорий фаолиятда) фойдаланиш мумкин.

5.1.6.2 Сифатга оид хавфни бошқариш жараёни куйидагиларни кафолатлаши лозим:

- сифатга оид хавфни баҳолаш жараёнга оид илмий билимларга, тажрибага асосланишини ва охир оқибатда, беморни ҳимоя қилиш билан боғлиқлигини;
- саъи-ҳаракатлар, формализм ва сифатга оид хавф-хатарни бошқариш жараёнини ҳужжатлаштириш даражаси хавф-хатар даражасига мувофиқлигини

STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Сифатга оид хавф-хатарни бошқариш жараёни ва қўллаш мисолларини 20-иловадан ҳам топиш мумкин.

5.2 ХОДИМЛАР

5.2.1 Тамойил

Тегишли сифат тизимини ва дори воситаларини яхши ишлаб чиқарилишини ташкил қилиниши ва фаолият юритиши инсонларга боғлиқ. Шунинг учун ишлаб чиқарувчининг жавобгарлиги доирасида бўлган барча масалаларни хал қилиш учун етарли миқдорда малакали ходимлар зарур. Ҳар бир ходим индивидуал жавобгарликни аниқ тушуниши, бундай жавобгарлик эса ҳужжатлаштирилиши лозим. Барча ходимлар фаолиятларига тегишли бўлган яхши ишлаб чиқариш амалиёти тамойилларини билиши, шунингдек, мажбуриятларига мувофиқ равишда дастлабки ва давомий равишда таълим жараёнларини, шу жумладан гигиена талабларни бажариш бўйича йўл-йўриқ, кўрсатма олишлари керак.

5.2.2 Умумий талаблар

5.2.1.1 Ишлаб чиқарувчи тегишли малака ва амалий иш тажрибасига эга бўлган ходимларнинг зарурий миқдорига эга бўлиши лозим. Сифат пасайишининг хавфини олдини олиш мақсадида ҳар қандай ходим мажбуриятларининг доираси жуда ҳам кенг бўлмаслиги лозим.

5.2.2.2 Ишлаб чиқарувчида ташкилий тузилма схемаси бўлиши лозим. Масъул лавозимдаги ходимлар лавозим йўриқномаларида кўрсатилганидек, муайян мажбуриятларни бажаришлари ва уларни бажариш учун тегишли ваколатларга эга бўлишлари лозим. Уларнинг хизмат мажбуриятлари маъмурият томонидан тайинланган етарли малака даражасига эга бўлган, ўринбосарларига юклатилиши мумкин. Ходимлар мажбуриятларининг доираси яхши ишлаб чиқариш амалиётининг барча томонларини қамраб олиши, аммо жавобгарлик соҳаси асосланмаган ҳолда бир-бирини такрорламаслиги лозим.

5.2.3 Раҳбар ходимлар

5.2.3.1 Раҳбар ходимларга ишлаб чиқариш раҳбари ва сифатни назорат қилиш бўлими раҳбари киради; бундан ташқари, агар ишлаб чиқариш раҳбари ва сифатни назорат қилиш бўлими раҳбарларига Ваколатли шахс учун кўзда тутилган мажбуриятлар юклатилмаган бўлса, Ваколатли шахс(лар) ҳам раҳбар ходимлар рўйхатига киради. Раҳбар ходимлар, одатда, тўлиқ иш кунда ишлаши лозим. Ишлаб чиқариш ва сифатни назорат қилиш бўлими раҳбарлари бир биридан мустақил бўлишлари лозим. Йирик ташкилотларда 5.2.3.3, 5.2.3.4 ва 5.2.3.5. бандларда келтирилган айрим вазифаларни бошқа ходимларга топшириш зарурати юзага келиши мумкин.

5. 2.3.2 Ваколатли шахс қуйидаги хизмат мажбуриятларига эга:

- а) Ваколатли шахс ишлаб чиқарилган дори воситаларининг ҳар бир серияси ЎзРсининг амалдаги қонунчилигига ва рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилганлигини ва синовдан ўтказилганлигини/текширилганлигини тасдиқлаши лозим;
- б) Ваколатли шахс импорт асосида келтириладиган ФФИ ва in-bulk маҳсулотнинг ҳар бир серияси ЎзРсида тўлиқ сифат ва миқдорий таҳлилидан ҳеч бўлмаганда, барча фаол ингредиентлари бўйича, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ

STANDART AGENTLARI
STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT N. ZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

равишда дори препаратлари сифатини кафолатлаш учун зарур бўлган барча бошқа синовлар ва текширишлардан албатта ўтганлигини тасдиқлаши лозим;

в) Ваколатли шахс жараёнлар қандай ўтказилганлигини реестрда ёки унга эквивалент бўлган ҳужжатда қайд қилиши, шунингдек, дори воситасини муомалага чиқаришга ҳар қандай рухсат бериши олдидан маҳсулотнинг ҳар бир серияси белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқарилганлигини ва/ёки синовдан ўтказилганлигини / текширилганлигини тасдиқлаши лозим. Бундай ҳужжат барча жараёнлар бажарилиши якунланганидан сўнг камида 5 йил муддатда сақланиши керак ва зарур ҳолларда, мутасадди ваколатли орган ходимларига тақдим этилиши лозим.

Ишлаб чиқариш лицензиясининг эгаси доимо Ваколатли шахс(лар)нинг хизматидан фойдаланишлари лозим. Унинг (уларнинг) мажбурияти фақат бошқа Ваколатли шахс(лар)га берилиши мумкин. Ваколатли шахслар зарурий малакавий талабларга жавоб беришлари лозим.

5.2.3.3 Ишлаб чиқариш бўлими раҳбарининг мажбуриятлари, одатда, қуйидагилардан иборат бўлади:

- а) зарур сифатга эришиш учун тасдиқланган ҳужжатларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва сақлашни таъминлаш;
- б) ишлаб чиқариш жараёнларига доир йўриқномаларни тасдиқлаш ва уларнинг қатъий бажарилишини таъминлаш;
- в) сифат назорати бўлимига топшириш олдидан ишлаб чиқариш ҳужжатларининг ваколатли ходимлар томонидан баҳоланиши ва имзоланишини таъминлаш;
- г) ишлаб чиқариш бинолари ва асбоб-ускуналарининг ҳолатини назорат қилиш;
- д) тегишли валидация ўтказилишини таъминлаш;
- е) муайян шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўз бўлими ходимларини зарурий бошлангич ва мунтазам равишда кейинги ўқитилишини таъминлаш.

5.2.3.4 Сифат назорати бўлими бошлиғининг мажбуриятларига, одатда, қуйидагилар кирази:

- а) хом ашё, ўраб-жойлаш материалларини, шунингдек оралик, қадоқланмаган ва тайёр маҳсулотларни маъқуллаши ёки агар у буни зарур деб ҳисобласа, рад этиши (брак (нуқсонли) деб ҳисоблаши);
- б) сериялар баённомаларини баҳолаш;
- в) барча зарур синовларнинг ўтказилишини таъминлаш;
- г) спецификациялар, намуналарни танлаб олиш бўйича йўриқномалар, синов усуллари ва сифат назорати бўйича бошқа услубларни тасдиқлаш;
- д) контракт бўйича ишга жалб қилинган аналитикларнинг номзодларини тасдиқлаш ва уларнинг назоратини амалга ошириш;
- е) ўз бўлимининг ҳолати, хизмат кўрсатилиши, хоналари ва ускуналарини назорат қилиш;
- ж) тегишли валидация ўтказилишини таъминлаш;
- з) аниқ шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўз бўлимининг ходимларини зарур бирламчи ва кейинги ўқитилишини таъминлаш.

Сифат назорати бўлими ходимларининг бошқа мажбуриятлари мазкур стандартнинг 6-қисмида умумлаштирилган.

5.2.3.5 Ишлаб чиқариш бўлими ва сифат назорати бўлими раҳбарлари, одатда, сифатга тегишли айрим умумий ёки биргаликда бажариладиган мажбуриятларга эга. Бу мажбуриятлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- хужжатлаштирилган йўриқномалар ва бошқа хужжатларни келишиш, шу жумладан уларни тузатиш;
- ишлаб чиқаришда атроф муҳит кўрсаткичларини назорат қилиш ва кузатувини олиб бориш;
 - корхонада гигиена талабларига риоя қилинишини назорат қилиш;
 - жараёнлар валидацияси;
 - ходимларни ўқитиш;
 - хом ашё ва материаллар таъминотчиларини тасдиқлаш ва уларнинг назоратини олиб бориш;
 - контракт бўйича ишларни бажарадиган ишлаб чиқарувчиларни тасдиқлаш ва уларни назорат қилиш;
 - материаллар ва маҳсулотлар сақлаш шароитларини аниқлаш, шунингдек, уларга риоя қилинишни назорат қилиш;
 - баённомаларни сақлаш;
 - яхши ишлаб чиқариш амалиёти талабларига риоя қилинишини назорат қилиш;
 - маҳсулот сифатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни текшириш мақсадида назорат қилиш, тадқиқ қилиш ва намуналар олиш.

5.2.4 Ўқитиш

5.2.4.1 Ишлаб чиқарувчи, хизмат мажбуриятлари юзасидан ишлаб чиқариш ҳудудларида ёки назорат лабораторияларида бўлиши талаб қилинадиган ходимларни (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар, шунингдек, тозалаш ишларини олиб боровчи ходимларни), шу билан бирга фаолияти маҳсулот сифатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ходимларни ҳам ўқитилишини таъминлаши лозим.

5.2.4.2 GMP назарияси ва амалиётини қамраб олган асосий ўқитишдан ташқари, ҳар бир ишга қабул қилинган ходим, унга бириктирилган мажбуриятларига мувофиқ равишда ўқитилиши лозим. Шунингдек, ўқитишнинг амалий самарадорлигини даврий равишда баҳолаб бориб, давомий ўқитишни ҳам ўтказиб туриш лозим. Тегишли равишда ёки ишлаб чиқариш раҳбари ёки сифат назорати бўлими раҳбари томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари бўлиши лозим. Ўқиш баённомаларини сақлаш лозим.

5.2.4.3 Контаминация хавф туғдирадиган, масалан, тоза ҳудудларда ёки кучли таъсир кўрсатувчи, токсик, инфекцион ёки сенсбилизация келтириб чиқарадиган моддаларга ишлов бериладиган ҳудудларда ишлайдиган ходимлар махсус таълим олишлари лозим.

5.2.4.4 Ташриф буюрувчилар ёки ўқитилмаган ходимлар ишлаб чиқариш ва сифат назорати ҳудудларига киритилмасликлари керак. Агар бунинг иложи йўқ бўлса, унда улар олдиндан, ходимга қўйиладиган гигиеник талаблар ва ҳимоя кийимларидан фойдаланиш бўйича йўл-йўриқ, кўрсатма берилиши лозим. Уларни синчковлик билан назорат қилиш зарур.

5.2.4.5 Ўқитишда сифатни таъминлаш концепцияси ҳам, уни тушуниш ва амалга оширишни яхшилайдиган барча чоралар ҳам батафсил муҳокама қилиниши лозим

5.2.5 Ходимларга қўйиладиган гигиеник талаблар

5.2.5.1 Меҳнат гигиенаси бўйича, корхона ичида турли эҳтиёжларга мослаштирилган мукамал дастурлар тузилган бўлиши керак. Улар ходимларнинг соғлиги, гигиена коидаларига риоя қилиши ва кийимларига тегишли услубларни ўқитишга олиши керак.

Мажбуриятлари ишлаб чиқариш ёки назорат қилиш ҳудудларида бўлишни талаб қиладиган ҳар бир ходим мазкур услубларни тушуниши ва уларга аниқ риоя қилиши керак. Раҳбар ходимлар меҳнат гигиенаси бўйича дастурларни ривожлантиришга кўмаклашишлари керак ҳамда улар ўқитиш давомида кенг муҳокама қилиниши керак.

5.2.5.2 Ҳар бир ишга қабул қилинаётган ходим тиббий кўрикдан ўтиши керак. Ишлаб чиқарувчи ходим саломатлигининг маҳсулот сифатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолати ҳақидаги ахборот билан таъминловчи йўриқномалар мавжудлигига маъсул ҳисобланади. Биринчи тиббий кўрикдан сўнг, кейингилари давомий равишда, шунингдек, у ходимлар иши ва соглиги учун зарур бўлган ҳолатларда ҳам ўтказилади.

5.2.5.3 Юқумли касалликлар билан касалланган ва тана аъзоларининг очик қисмлари шикастланган шахслар дори воситаларини ишлаб чиқариш билан шуғулланишга кўйилмайди.

5.2.5.4 Ишлаб чиқариш ҳудудларига кирадиган ҳар бир шахс, ўзи бажарадиган жараёнларига мувофиқ равишда, ҳимоя кийимини кийиши лозим.

5.2.5.5 Ишлаб чиқариш ҳудудларида ва сақлаш ҳудудларида овқатланиш, ичиш ёки чекиш, шунингдек, овқат, ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ёки шахсий дори воситаларини сақлаш тақиқланган бўлиши лозим. Ишлаб чиқариш ҳудудларида ёки ҳар қандай бошқа ҳудудларда гигиеник талабларнинг бузилишига сабаб бўлувчи маҳсулот сифатига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган барча ҳаракатлар тақиқланган бўлиши лозим.

5.2.5.6 Операторнинг қўллари очик маҳсулотлар билан бевосита контактда бўлмаслиги керак, шунингдек, маҳсулот билан контактга кирадиган ускунанинг ҳар қандай қисми билан ҳам таъсирга киришмаслиги лозим.

5.2.5.7 Ходимлар қўлларини ювиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларига ўргатилган бўлишлари лозим.

5.2.5.8 Маҳсулотларнинг асосий гуруҳлари, масалан, стерил препаратлар ишлаб чиқарилишига белгиланган турли махсус талаблар иловаларда акс этган.

5.3 БИНОЛАР ВА УСКУНАЛАР

5.3.1 Тамойил

Бино ва ускуналарни шундай тарзда жойлаштириш, лойиҳалаштириш, конструкциялаш, мослаштириш ва улардан шундай фойдаланиш лозимки, улар амалга ошириладиган жараёнларга мос келсин. Уларнинг жойлашиши ва конструкциялари хатолар хавфини минимумга олиб бориши, тўқнаш контаминацияни бартараф этилиши, чанг ёки ифлослик тўпланиши, маҳсулотнинг сифати учун ҳар қандай нохуш омилларнинг олдини олиниши, самарали тозалаш ва хизмат кўрсатиш имкониятини таъминлаши лозим.

5.3.2 Бинолар

5.3.2.1 Умумий талаблар

5.3.2.1.1 Биноларнинг атроф муҳити, ишлаб чиқаришни барча ҳимоя чораларни кўрган ҳолда, материаллар ва маҳсулотларнинг контаминацияси жиҳатидан минимал хавф касб этиши лозим.

5.3.2.1.2 Бинолардан, таъмирлаш ва фойдаланиш маҳсулотлар сифати учун ҳеч қандай хавф-хатар тугдирмаслигини кафолатлаган ҳолда, зиён-заҳмат етказмай

DAVLAT STANDARTLASH TIRISH VA
BOSHQARMASI

DAVLAT NIZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш лозим. Биноларни тозалаш ва дезинфекциялаш батафсил ёзма услубларга мувофиқ ўтказилиши лозим.

5.3.2.1.3 Ёруғлик, ҳарорат, намлик ва вентиляция тегишли равишда мувофиқ бўлиб, дори воситаларига уларни ишлаб чиқариш вақтида ва сақлашда, ускуналарнинг аниқ ишлашига ҳеч қандай ножўя (бевосита ёки билвосита) таъсир кўрсатмаслиги лозим.

5.3.2.1.4 Бинолар шундай тарзда лойиҳалаштирилиши ва ёритилиши керакки, ҳашаротлар ёки ҳайвонларнинг уларнинг ичига киришидан максимал ҳимоя қилиниши таъминласин.

5.3.2.1.5 Бегона шахсларнинг биноларга киришини олдини олувчи чоралар кўрилиши лозим. Ишлаб чиқариш, сақлаш ва сифат назорати ҳудудлари, уларда ишламайдиган ходимлар учун ўтиш жойи (йўлак) сифатида фойдаланилмаслиги лозим.

5.3.2.2 Ишлаб чиқариш ҳудуди

5.3.2.2.1 Тўқнаш контаминация оқибатида истеъмолчилар саломатлиги учун жиддий хавф-хатарни минимумга олиб келиш учун, муайян дори воситалари, кучли сенсбилизацияловчи моддалар (масалан, пенициллинлар) ёки биологик препаратлар (масалан, тирик микроорганизмлар) кабиларни ишлаб чиқариш учун алоҳида, фақат бу учун мўлжалланган техник воситалар (бинолар, ускуналар, хизмат кўрсатиш воситалари ва бошқалар) бўлиши керак. Айрим бошқа маҳсулотлар, баъзи антибиотиклар, гормонлар, цитотоксинлар, кучли таъсир қилувчи дори воситалари ва нотиббий мақсадли маҳсулотларни ишлаб чиқариш – бир турдаги воситалар ёрдамида амалга оширмаслиги лозим. Бундай маҳсулотлар учун айрим ҳолларда, агар алоҳида эҳтиёт чоралари кўрилган ва зарур валидация ўтказилган бўлса, бир турдаги техник воситалар ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнини қўллаш мумкин. Дори воситаларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган биноларда техник мақсадли пестицид ва гербицидлар каби заҳарларни ишлаб чиқариш тақиқланади.

5.3.2.2.2 Бинолар жойлашуви, ишлаб чиқариш жараёни операцияларининг мантиқий кетма-кетлигига ва тозаланиш талаб қилинган даражаларига мувофиқ бажарилиши маъқул.

5.3.2.2.3 Турли хил дори воситалари ёки уларнинг компонентларини аралаштириб юбориш хавфини минимумга тушириш, тўқнаш контаминацияни ва ишлаб чиқаришда ёки назорат қилишда ҳар қандай босқичнинг ўтказиб юборишни ёки нотўғри амалга оширилишини олдини олиш учун мувофиқ келувчи иш майдони ва ишлаб чиқариш жараёнида ускуналар ва материалларни тартибли ва мантиқли кетма кетликда жойлаштиришга имкон берувчи сақлаш учун майдон бўлиши лозим.

5.3.2.2.4 Хом ашё ва бирламчи ўраб-жойлаш материаллари, оралик ва қадокланмаган маҳсулотларга атроф-муҳит таъсир қилиши мумкин бўлган жойлар, ички юзалар (деворлар, поллар ва шифтлар) текис, туташиб жойлари тирқишсиз ва ёриқсиз бўлиши, улардан заррачалар ажралмаслиги керак, шунингдек улар осон ва самарали тозаланиши ва зарурият бўлганда дезинфекция қилиниши лозим.

5.3.2.2.5 Қувур линиялари, ёруғлик ускуналари, вентиляция қурилмалари ва бошқа хизмат кўрсатиш тизимлари шундай тарзда лойиҳалаштирилиши ва жойлаштирилиши лозимки, тозаланиш қийинлаштирувчи чуқурликлар бўлмаслиги керак. Уларга хизмат кўрсатиш имкон даражасида, ишлаб чиқариш ҳудудидан ташқарида бўлиши лозим.

STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

5.3.2.2.6 Оқава сувларининг қувурлари мувофиқ келувчи ўлчамларда бўлиши ва қайта оқимнинг олдини олиш учун жиҳозланиши лозим. Имкон даражасида, оқава сувларини чиқаришда очиқ тарновлардан фойдаланмаслик лозим; агар улар зарур бўлса, уларни тозалашни енгиллаштириш ва дезинфекция қилиш учун жуда чуқур бўлмаслиги лозим.

5.3.2.2.7 Ишлаб чиқариш ҳудудлари еамарали вентиляция қилиниши лозим; уларда қайта ишланадиган маҳсулотлар, ўтказиладиган жараёнлар ва ташқи атроф - муҳитга мос келувчи ҳаво параметрларини (ҳароратни ва зарур жойларда, намлик ва фильтрацияни) назорат қилиш учун воситалар бўлиши лозим.

5.3.2.2.8 Хом ашёни тортиш, одатда, махсус мўлжалланган алоҳида хонада амалга оширилиши лозим.

5.3.2.2.9 Чанг пайдо бўладиган ҳолатларда (масалан, намуналарни танлаб олиш, ўлчаш, аралаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнида, қуруқ маҳсулотларни ўраб-жойлаш пайтида) тўқнаш контаминациянинг олдини олиш ва тозалашни енгиллаштириш мақсадида махсус эҳтиёт чораларини қўллаш лозим.

5.3.2.2.10 Қадоклаш хоналари дори воситаларини адаштириб юбориш ёки тўқнаш контаминациядан сақланиш мақсадида махсус лойиҳалаштирилиши ва жойлаштирилиши лозим.

5.3.2.2.11 Ишлаб чиқариш ҳудудлари, айниқса, визуал назорат ўтказиладиган жойлар яхши ёритилган бўлиши лозим.

5.3.2.2.12 Ишлаб чиқариш жараёнида ўтказиладиган назорат, агар технологик жараён учун хавф туғдирмаса, ишлаб чиқариш ҳудудида ўтказилиши мумкин.

5.3.2.3 Омборхона ҳудудлари

5.3.2.3.1 Омборхона ҳудудлари. уларда турли тоифадаги материал ва маҳсулотлар: хом ашё ва ўраб-жойлаш материаллари, оралик, қадокланмаган ва тайёр маҳсулотлар, шунингдек, карантинда бўлган, чиқариш учун рухсат берилган, нўқсонли (брак), қайтариб топширилган ёки қайтариб йигиб олинган препаратларни тартибли сақланишини таъминлаш учун етарли даражада кенг сиғимли бўлиши лозим.

5.3.2.3.2 Омборхона ҳудудлари, яхши сақлаш (GSP) шароитларини таъминлайдиган қилиб, лойиҳалаштирилиши ёки мослаштирилиши лозим. Жумладан, улар тоза ва қуруқ бўлиши лозим, уларда талаб қилинган ҳарорат таъминланиши зарур. Агар сақлашнинг махсус шароитлари (масалан, ҳарорат, намлик) талаб қилинса, унда уларни таъминлаш, текшириш ва назорат қилиш лозим.

5.3.2.3.3 Қабул қилиш ва жўнатиш зона ҳудудларида материал ва маҳсулотларнинг об -ҳаво шароитлари таъсиридан ҳимояси таъминланиши лозим. Қабул қилиш ҳудудлари, олинаётган маҳсулотлар юкланган тараларни омборга жойлаш олдидан, тозалаш имкониятини берадиган қилиб, лойиҳалаштирилган ва жиҳозланган бўлиши керак.

5.3.2.3.4 Агар карантин маҳсулотларни фақат алоҳида ҳудудларда сақлаш билан таъминланса, унда бундай ҳудудлар аниқ ёрлиқланиши лозим, у ёққа кириш эса фақат ваколат берилган ходимгагина рухсат берилади. Алоҳида ҳудудга карантинга ўтказиш ўрнига қўлланадиган ҳар қандай карантин тизими унга тенглаштирилган хавфсизликни таъминлаши лозим.

5.3.2.3.5 Хом ашёнинг намуналарини танлаб олиш учун, одатда, алоҳида ҳудуд бўлиши лозим. Намунани танлаш сақлаш ҳудудида амалга оширилса, контаминация ёки тўқнаш контаминациянинг олди олинадиган тарзда ўтказилиши лозим.

5.3.2.3.6 Нўқсонли (брак), қайтариб топширилган ёки қайтариб йиғиб олинган материал ёки маҳсулотларни сақлаш учун алоҳида ажратилган ҳудудлар бўлиши лозим.

5.3.2.3.7 Кучли таъсир қилувчи хом ашё ёки кучли таъсир қилувчи маҳсулотларни хавфсиз ва ҳимоя қилинган ҳудудларда сақлаш зарур.

5.3.2.3.8 Ўраб-жойлаш материаллари дори воситалари сифати учун критик ҳисобланганлиги сабабли, бу материалларни хавфсиз ва кафолатли равишда сақлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

5.3.2.4 Сифатни назорат қилиш ҳудудлари

5.3.2.4.1 Одатда, сифат назорати бўйича лабораториялар ишлаб чиқариш ҳудудларидан ажратилган бўлиши лозим. Бу, айниқса, имуннобиологик препаратлар, шунингдек, радиоизотоплар назорати бўйича лабораториялар учун муҳим.

5.3.2.4.2 Назорат лабораториялари уларда ўтказиладиган таҳлил жараёнларига мувофиқ тарзда лойиҳалаштирилган бўлиши лозим. Адаштириб юбориш ва тўқнаш контаминациядан сақланиш учун улар етарли даражада кенг бўлиши лозим. Намуналар ва баённомаларни сақлаш учун мос ва мувофиқ келувчи ҳудудларни ажратиш зарур.

5.3.2.4.3 Вибрация, намлик, электр майдони каби ҳалал берадиган омиллардан ҳимояга муҳтож сезгир асбоб-ускуналар учун алоҳида хоналарни ажратиш мумкин.

5.3.2.4.4 Биологик ва радиоактив намуналар каби ўзига хос ФФИ-субстанциялар билан ишлайдиган лабораторияларда, махсус талаблар белгиланиши зарур.

5.3.2.5 Ёрдамчи ҳудудлар

5.3.2.5.1 Дам олиш хоналари ва ошхоналар бошқа ҳудудлардан ажратилган бўлиши лозим.

5.3.2.5.2 Кийим алмаштиришда, шунингдек ювинишда қўлланадиган ва ҳожатхоналар учун мўлжалланган воситалар ишлатишга қулай тарзда жойлаштирилган бўлиши керак ва уларнинг миқдори фойдаланувчилар сонига тўғри келиши лозим. Ҳожатхоналарни ишлаб чиқариш ва омборхона ҳудудлари билан бевосита ёнма-ён жойлашишига руҳсат этилмайди.

5.3.2.5.3 Устахоналар, имкон даражасида, ишлаб чиқариш ҳудудларидан ажратилган бўлиши лозим. Агар эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ҳудудларида сақланса, унда уларни бу учун кўзда тутилган хоналарда ёки алоҳида жойларда сақлаш лозим.

5.3.2.5.4 Ҳайвонлар сақланадиган бинолар бошқа ҳудудлардан яхшилаб ажратиб қўйилган бўлиши, алоҳида кириш (ҳайвонлар олдига кириш жойи) ва алоҳида ҳаво тозалаш тизими бўлиши лозим.

5.3.3 Асбоб-ускуналар

5.3.3.1 Ишлаб чиқариш ускунаси ўзининг белгиланган вазифасига мувофиқ равишда лойиҳалаштирилиши, жойлаштирилиши ва унга хизмат кўрсатилиши лозим.

5.3.3.2 Ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича ишлар маҳсулотнинг сифати учун хавф-хатар тугдирмаслиги лозим.

5.3.3.3 Ишлаб чиқариш ускунаси шундай лойиҳалаштирилиши лозимки, уни осон ва тўлақонли тозалаш мумкин бўлсин. Тозалаш батафсил ёзилган қўлланмага мувофиқ ўтказилиши, ускуналар фақат тоза ва куруқ ҳолатда сақланиши лозим.

5.3.3.4 Ювиш ва тозалаш учун қўлланиладиган ускуна (инвентар)ни шундай танлаш ва фойдаланиш лозимки, у контаминация манбаси бўлмасин.

5.3.3.5 Ускуналар хатолик ёки контаминация хавфига йўл қўйилмайдиган тарзда ўрнатилиши лозим.

5.3.3.6 Ишлаб чиқариш ускунаси маҳсулот учун ҳеч қандай хавф-хатар туғдирмаслиги лозим. Ишлаб чиқариш ускунасининг маҳсулотга тегадиган қисмлари у билан реакцияга киришмаслиги, маҳсулотнинг сифатига таъсир этиши мумкин бўлган даражада моддаларни ажратиши ёки абсорбция қилиши ва шу орқали қандайдир хавф-хатар юзага келтирмаслиги лозим.

5.3.3.7 Ишлаб чиқариш ва назорат жараёнларида тегишли диапазон ва аниқликда ўлчаш учун корхона ихтиёрида тарозилар ва ускуналар бўлиши лозим.

5.3.3.8 Ўлчов воситалари, тарозилар, ёзиб олувчи ва назорат қилувчи асбобларни, маълум бир вақт оралиғида калибровка қилиниши ва тегишли усуллар билан текширилиши лозим. Бундай синовларнинг баённомаларини юритиш ва уларни сақлаш зарур.

5.3.3.9 Стационар қувур линиялари (коллекторлар) уларнинг ичидан ўтадиганларни кўрсатган ҳолда аниқ тамғаланиши лозим; зарур бўлганда оқим йўналиши белгиланган бўлиши керак.

5.3.3.10 Дистилланган, деионизацияланган ва зарур ҳолларда бошқа сувлар (тозаланган сув, инъекция учун сув) учун қувур линияларига тегишли қўлланмаларга мувофиқ санитария ишлови берилиши лозим. Қўлланмаларда, микроб контаминациясининг белгиланган чегаралари ва бартараф этишнинг зарурий чоралари батафсил баён қилиниши керак.

5.3.3.11 Носоз ускуна, имкон даражасида, ишлаб чиқариш ҳудудларидан ва сифат назорати ҳудудларидан чиқариб юборилиши ёки ҳеч бўлмаганда, носоз деб тамғаланиши лозим.

5.4 ҲУЖЖАТЛАР

5.4.1 Тамойил

Ҳужжатлар, сифатни таъминлаш тизимининг ажралмас қисмини ташкил этади. Аниқ ёзилган ҳужжатлар оғзаки муомалада юзага келган хатоликларнинг олдини олади ва сериялар тарихини кузатиб боришга имкон яратади. Спецификациялар, ишлаб чиқариш рецептуралари ва йўриқномалар, услублар ва баённомаларда хато бўлмаслиги учун улар ёзма кўринишда мавжуд бўлиши зарур. Ҳужжатларнинг аниқлиги муҳим аҳамият касб этади.

5.4.2 Умумий талаблар

5.4.2.1 Спецификацияларда талаблар батафсил ифодаланади, бу талаблар ишлаб чиқариш вақтида фойдаланиладиган хом ашё ва материалларга ёки олинadиган маҳсулотларга мувофиқ келиши лозим. Улар сифатни баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш рецептуралари, технологик йўриқномалар, ураб-жойлаш бўйича йўриқномалар ўзида барча фойдаланиладиган хом ашёлар ҳақидаги маълумотларни

UZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

сақлайди ҳамда барча технологик жараёнлар ва ўраб-жойлаш жараёнларини белгилаб беради.

Йўриқномалар (стандарт технологик жараёнлар) муайян жараёнларни, масалан: тозалаш, иш кийимларини кийиш, муҳит назорати, намуналарни танлаш, синовларни ўтказиш, ускуналардан фойдаланиш каби жараёнларни бажариш учун кўрсатма беради.

Баённомалар асосида маҳсулот ҳар бир сериянинг тарихи, дистрибуциясини ҳам ўз ичига олган ҳолда, ҳамда тайёр маҳсулотнинг сифатига боғлиқ бўлган барча бошқа ҳолатлар тасдиқланади.

5.4.2.2 Хужжатлар мазкур стандартга мувофиқ ҳолда пухта ишлаб чиқилиши, тайёрланиши, қайта кўриб чиқилиши ва тарқатилиши лозим.

5.4.2.3 Хужжатлар тасдиқлаш ваколати бўлган шахслар томонидан тасдиқланиши, имзоланиши ва сана қўйилиши лозим.

5.4.2.4 Хужжатларнинг мазмуни бир маъноли бўлиши лозим; уларнинг номи, тури ва нимага мўлжалланиши аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Хужжатлар, уларнинг назоратини ўтказиш энгил бўлиши учун тартиб билан жойлаштирилиши лозим. Хужжатларнинг нусхаси аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Иш хужжатларининг асладан нусха олинганда, нусхалаштириш жараёнида юзага келадиган ҳеч қандай хатоликларга йўл қўйилмаслиги керак.

5.4.2.5 Хужжатларни мунтазам равишда қайта кўриб чиқиб, замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаб туриш лозим. Агар хужжат қайта кўриб чиқилган бўлса, унда кучини йўқотган хужжатларнинг хато қўлланишини бартараф қилувчи тадбирлар кўрилган бўлиши лозим.

5.4.2.6 Хужжатлар қўлёзма ҳолатда бўлмаслиги лозим, шунда хужжатларга масалан, бланкларга маълумотларни қўлёзма киритиш кўзда тутилган бўлса, унда қўлёзма йўли билан ёзилган ёзувлар ўчириш мумкин бўлмайдиган ҳолда аниқ ва равшан бўлиши керак. Бундай ёзувлар учун бланкларда етарли жой бўлиши лозим.

5.4.2.7 Хужжатга киритиладиган ҳар қандай ўзгариш, имзо билан тасдиқланган ва сана қўйилган бўлиши лозим; ўзгариш бирламчи ахборотни ўқиш имконини бериши керак. Зарурат бўлса, ўзгариш сабаби ҳақида баённома тузилади.

5.4.2.8 Ҳар бир амалга ошириладиган ҳатти-ҳаракат давомида баённомаларни тузиш, уларни тўплаб бориш лозим ва шу орқали, дори воситаларини ишлаб чиқаришга тааллуқли муҳим фаолиятни кузатиш мумкин бўлсин. Улар, ҳеч бўлмаганда, тайёр маҳсулотнинг яроқлилиқ муддати тугаганидан кейин бир йил сақланиши лозим.

5.4.2.9 Маълумотларни қайд этиш маълумотларни қайта ишлашнинг электрон тизимлари, фотография ёки бошқа ишончли воситалар ёрдамида амалга ошириши мумкин. Бунда фойдаланиладиган тизимни қўллаш бўйича батафсил қўлланма бўлиши, ёзувларнинг аниқлигини эса текшириш талаб этилади. Агар хужжатлаштириш маълумотларни қайта ишлаш электрон тизимлари ёрдамида олиб борилса, унда фақат бунга ваколатли шахс компьютерга маълумотларни киритиши ёки уларни ўзгартириши мумкин; ахборотни ўзгартириш ёки уни ўчириш баённомалар ёрдамида қайд этилиши лозим; ахборот базасига кириш парол ёки бошқа воситалар орқали ҳимоя қилинган бўлиши лозим. Аҳамиятли маълумотларни киритиш натижалари мустақил назорат остида бўлиши лозим. Серия баённомалари электрон хотирада сақлаш, қогоз нусхасини чиқариб ёки ахборотни сақлашнинг бошқа усули билан ҳимоя қилинган бўлиши лозим. Сақлаш вақтида ахборотдан фойдаланиш энгиллигини таъминлаш жуда муҳим.

DAVLT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQ. RMASI

5.4.3 Талаб қилинадиган ҳужжатлар

5.4.3.1 Спецификациялар

Хом ашё, ўраб-жойлаш материаллари ва тайёр маҳсулотга, зарур ҳолларда эса оралиқ ва қадоқланмаган маҳсулотга тегишли тарзда рухсат берилган (тасдиқланган) ва сана қўйилган спецификациялар мавжуд бўлиши зарур.

5.4.3.2 Хом ашё ва ўраб-жойлаш материалларининг спецификациялари

Хом ашё ва бирламчи ва/ёки ўраб-жойлаш материаллари спецификациялари қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) хом ашё ва материаллар тавсифи:

- номланиши ва/ёки ички код;
- фармакопея мақоласига, ёки бошқа меъёрий ҳужжатга кўрсатма, у мавжудлигида;
- тасдиқланган таъминотчилар ва агар имкони бўлса, маҳсулот ишлаб чиқарувчисининг номи;
- босма материаллар намунаси;

б) намуна танлаб олиш ва синовлар ўтказиш бўйича йўриқнома ёки услубларга ҳавола;

в) сифат ва миқдорий таҳлиллар, кўрсаткичларнинг рухсат берилган чегараларини (четланишларни) кўрсатган ҳолда;

г) сақлаш шароитлари ва эҳтиёт чоралари;

д) яроқлилик муддати ёки такрорий назоратгача сақлашнинг максимал вақти.

5.4.3.3 Оралиқ ва қадоқланмаган маҳсулотлар спецификациялари

Агар оралиқ ва қадоқланмаган маҳсулот сотиб олинса ёки сотилса ёки оралиқ маҳсулотлар ҳақидаги маълумотлардан тайёр маҳсулотни баҳолаш учун фодаланилса, оралиқ ва қадоқланмаган маҳсулот спецификациялари мавжуд бўлиши лозим. Бу спецификациялар тегишли равишда хом ашё ёки тайёр маҳсулот спецификацияларига ўхшаш бўлиши лозим.

5.4.3.4 Тайёр маҳсулот спецификациялари

Тайёр маҳсулот спецификацияларида қуйидагилар ифодаланиши лозим:

а) дори воситасининг номи ва коди, қўллаш имкони бўлса;

б) таркиби ёки ҳужжатга ҳавола;

в) дори шаклининг тавсифи ҳамда ўрами ва ёрлиқланиши ҳақида батафсил маълумотлар;

г) намуналарни танлаб олиш ва синовларни ўтказиш бўйича кўрсатма ёки услубларга ҳавола;

д) рухсат берилган чегараларини кўрсатган ҳолда сифат ва миқдорий таҳлилларга белгиланган талаблар;

е) зарурият бўлганда сақлаш шароитлари бўйича ва муомалада бўлган ҳолдаги ҳар қандай алоҳида эҳтиёт чоралари;

ж) яроқлилик муддати.

5.4.4 Ишлаб чиқариш рецептураси ва технологик йўриқномалар

Ҳар бир ишлаб чиқариладиган препаратга ва ҳар бир сериясига, расмий тасдиқланган ишлаб чиқариш рецептураси ва технологик йўриқномалар бўлиши зарур. Ишлаб чиқариш рецептураси ва технологик йўриқномаларни битта ҳужжатга бирлаштиришга рухсат берилади.

5.4.4.1 Ишлаб чиқариш рецептураси қуйидагилардан иборат бўлади:

а) маҳсулот номи ва маҳсулот спецификациясига мувофиқ унинг коди ва ҳавола;

б) дори шаклининг тавсифи, препарат дозаси ва серия миқдори

- в) барча фойдаланиладиган хом ашёнинг рўйхати ва ҳар бирининг миқдори кўрсатилган ҳолда; шунингдек технологик жараён вақтида йўқолиши мумкин бўлган ҳар қандай модда номи келтирилиши лозим;
- г) тайёр маҳсулотларнинг кутилаётган чиқиши, рухсат берилган чегаралари кўрсатилган ҳолда ва имкони бўлган жойда тегишли оралик маҳсулотлар чиқиши ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

5.4.4.2 Технологик йўриқномаларда қуйидагилар бўлиши лозим:

- а) жараёни олиб бориш жойи ва қўлланиладиган асосий ускуналар ҳақида маълумотлар;
- б) энг зарур ускуналарни ишга тайёрлаш учун (масалан, тозалаш, монтаж, калибрлаш, стериллаш) фойдаланиладиган усуллар ва усулларга ҳаволалар;
- в) ҳар бир ҳаракатни батафсил ифодалаган технологик йўриқномалар (масалан, хом ашёни текшириш, дастлабки ишлов бериш, хом ашёни юклаш тартиби, аралаштириш вақти, ҳарорат);
- г) ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳар қандай назорат бўйича йўриқномалар, чегара қийматлари кўрсатилган ҳолда;
- д) зарурият бўлса, қадоқланмаган маҳсулотларни сақлашга талаблар, тара, ёрликланиши ва махсус сақлаш шароитларини ўз ичига олган ҳолда (талаб қилинса);
- е) рия қилиниши лозим бўлган барча алоҳида эҳтиёт чоралари.

5.4.5 Ўраб-жойлаш бўйича йўриқномалар

Ҳар бир препарат, ўрам тури ва миқдори учун ўрамлаш бўйича расман тасдиқланган йўриқномалар бўлиши лозим. Одатда, улар қуйидаги маълумотлар ёки уларга бериладиган ҳаволаларни ўз ичига олиши лозим:

- а) препаратнинг номи;
- б) унинг дори шакли ва унинг дозаси тавсифи, зарур бўлса;
- в) препаратнинг якуний ўрамдаги дона, масса ёки ҳажмда кўрсатилган миқдори;
- г) барча ўраб-жойлаш материалларининг тўлиқ рўйхати, ҳар бир ўраб-жойлаш материали спецификацияларига тааллуқли код ёки рақами кўрсатилган, миқдори, ўлчамлари ва турлари келтирилган;
- д) зарур ҳолларда, тегишли ўраб-жойлаш босма материалларининг намунаси ёки нусхаси ва маҳсулотнинг серия рақами ва яроқлилиқ муддати қўйилиш жойи кўрсатилган намуналари;
- е) иш бошлашдан олдин линиянинг тозалигига ишонч ҳосил қилиш учун, ҳудудларни ва ускуналарни пухта текшириш бўйича кўрсатмалар ва рия қилиниши лозим бўлган алоҳида эҳтиёт чоралари;
- ж) ўраб-жойлаш жараёнининг тавсифи, барча асосий ёрдамчи жараёнлар ва фойдаланилган ускуналар билан бирга;
- з) ишлаб чиқариш жараёнида назорат ўтказишнинг батафсил тавсифи, намуналарни танлаб олиш бўйича йўриқномалар ва рухсат берилган чегара қийматлари билан бирга.

5.4.6 Серияларни ишлаб чиқариш баённомалари

Ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот сериясига, серияларни ишлаб чиқариш баённомалари сақланиши лозим. Улар тасдиқланган ишлаб чиқариш рецетураси ва технологик йўриқномаларининг тегишли қисмларига асосланган бўлиши лозим. Бу баённомаларни тайёрлаш тартиби шундай бўлиши лозимки, нусхалаштиришда

хатоликларга йўл қўйилмасин. Баённомада ишлаб чиқарилган серия рақами кўрсатилиши лозим.

Ҳар қандай технологик жараёни бошлашдан олдин, ускуна ва иш худуди, режалаштирилаётган жараён учун талаб қилинмайдиган олдинги маҳсулот, ҳужжатлар ва материаллардан бўшатирилганлиги ва ускуна тоза ҳамда фойдаланишга тайёрлигини текшириш ва баённома тузиш зарур.

Технологик жараён бораётганда, ҳар бир бажариладиган ҳаракат пайтида у ҳақидаги ахборот баённомада қайд этилиши лозим бўлади; жараёнлар якунланганидан сўнг, баённома технологик жараёнга жавобгар шахс томонидан келишилиши, сана қўйилиши ва имзоланиши ҳамда унда қуйидаги ахборотлар бўлиши лозим:

- а) маҳсулот номи;
- б) технологик жараённинг, шунингдек, асосий, оралик жараёнлар бошланиши ва тугаш санаси ва вақти;
- в) технологик жараённинг ҳар бир босқичи учун масъул шахснинг фамилияси;
- г) технологик жараённинг турли хил муҳим босқичлари бўйича операторнинг, зарур ҳолларда бу жараёнларнинг (масалан, огирлигини аниқлаш) ҳар бирини текширган шахснинг фамилияси;
- д) ҳар бир хом ашёнинг серия рақами ва/ёки таҳлил назоратининг рақами, ҳамда ҳақиқатда тарозида тортилган миқдори, (шу жумладан, регенерацияланган ёки қайта ишланган ҳар бир хом ашёнинг қўшилган миқдори ва серия рақами);
- е) ишга боғлиқ бўлган ҳар қандай технологик жараён ёки вазиятлар, шунингдек, фойдаланилган муҳим ускуналар тўғрисида маълумотлар;
- ж) ишлаб чиқариш жараёнидаги назорат баённомалари ва уларни бажарган шахс (лар)нинг фамилиялари, шунингдек, олинган натижалар;
- з) ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида маҳсулотнинг чиқиши;
- и) ўзига хос муаммолар ҳақида батафсил маълумотлар; ишлаб чиқариш рецептуралари ва технологик йўриқномалардан ҳар қандай четланишларга рухсат берувчи имзоланган рухсатнома.

5.4.7 Серияларни ўраб-жойлаш баённомалари

Ҳар бир ишлаб чиқарилган серия ёки сериянинг бир қисмига, серияни ўраб-жойлаш баённомаси сақланиши лозим. У ўраб-жойлаш бўйича йўриқномаларнинг тегишли қисмларига асосланган бўлиши, мазкур баённомаларни тайёрлаш усули нусхалаштириш пайтида хатоларга йўл қўйилишини олдини олиш имкониятини бериши лозим. Баённомада, ўраб-жойланиши лозим бўлган қадокланмаган маҳсулотнинг серия рақами ва миқдори, шунингдек, олинмайдиган тайёр маҳсулотнинг серия рақами ва режалаштирилган миқдори кўрсатилган бўлиши лозим.

Ўраб-жойлаш бўйича ҳар қандай технологик жараёни бошлашдан олдин, ускуна ва иш худуди, режалаштирилган жараён учун талаб қилинмайдиган олдинги маҳсулот, ҳужжатлар ва материаллардан бўшатирилганлиги ва ускунанинг тозаланишини ҳамда фойдаланишга тайёрлигини текшириш ва баённома тузиш зарур.

Ҳар бир бажарадиган ҳаракат пайтида у ҳақидаги ахборот баённома тарзида тузилиши лозим бўлади; жараёнлар якунланганидан сўнг баённома ўраб-жойлашга масъул шахс томонидан келишилиши, сана қўйилиши ва имзоланиши ҳамда унда қуйидаги ахборот бўлиши лозим:

STANDARTLASHTIRISH VA
DAVL T N.ZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQ. MSSI

- а) маҳсулот номи;
- б) ўраб-жойлаш жараёнлари ўтказилган сана ва вақти;
- в) ўраб-жойлаш жараёнини амалга ошириш бўйича масъул шахснинг фамилияси;
- г) ҳар хил муҳим босқичлар операторларининг фамилиялари;
- д) айнан шу маҳсулотлиги ва ўраб-жойлаш бўйича йўриқномаларга мувофиқлигини текшириш баённомалари, ишлаб чиқариш назорати натижаларини ҳам ўз ичига олган ҳолда;
- е) фойдаланилган ускуналар ва ўраб-жойлаш линияларига кўрсатма берилган ҳолда, ўраб-жойлаш бўйича амалга оширилган операциялар ҳақида батафсил маълумотлар;
- ж) имкон бўлса, фойдаланилган босма ўраб-жойлаш материалларининг намуналари, серияни рақами, яроқлилик муддатини ва бошқа қўшимча босма ёзувларни қўйилишини кўрсатувчи намуналар билан бирга;
- з) айрим муаммолар ёки ноодатий вазиятлар ҳақида батафсил маълумотлар; ишлаб чиқариш рецептураси ва ўраб-жойлаш бўйича йўриқномалардан ҳар қандай четланишларга рухсат берилган, имзоланган рухсатнома;
- и) омборхонадан берилган, фойдаланилган, йўқ қилинган ёки унга қайтарилган барча босма ўраб-жойлаш материаллари ва ўраб-жойланмаган маҳсулот рақами ва миқдорига ҳавола, шунингдек, тегишли баланс тузиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори бўйича маълумотлар.

5.4.8 Услуб (йўриқномалар) ва баённомалар

5.4.8.1 Қабул қилиш

5.4.8.1.1 Ҳар бир етказиб берилган хом ашё, бирламчи ва босма ўров материалларини қабул қилишга ёзма услуб (йўриқнома)лар ва баённомалар бўлиши лозим.

5.4.8.1.2 Қабул қилиш баённомаларида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- а) материалнинг юк хатидаги ва тарадаги номи;
- б) материалнинг корхонадаги номланиши ва/ёки коди (агар у “а” банд бўйича номланишдан фарқланса);
- в) қабул қилиш санаси;
- г) таъминотчининг ва агар имкони бўлса, ишлаб чиқарувчининг номи;
- д) ишлаб чиқарувчининг серия рақами ёки маълумотнома рақами;
- е) қабул қилинган ўрам бирликларининг умумий миқдори ва сони;
- ж) қабул қилингандан сўнг берилган серия рақами;
- и) ишга алоқадор (масалан, таралар ҳолати бўйича) ҳар қандай изоҳлар.

5.4.8.1.3 Корхона ичида хом ашёни, ўраб-жойлаш материалларини ва зарур бўлса, бошқа материалларни ёрликлаш, карантинга ўтказиш ва сақлаш бўйича ёзма услуб (йўриқнома)лар бўлиши лозим.

5.4.8.2 Намуналарни танлаб олиш

Намуналарни танлаб олиш учун, намуналар танлаб олишга ваколатли шахс(лар) ҳақидаги маълумотлар, фойдаланиладиган усул ва ускуналар, танлаб олиниши лозим бўлган миқдорлар ва материал контаминацияси ёки материал сифатининг ҳар қандай ёмонлашишидан ҳар қандай эҳтиёт чораларига риоя қилиш ҳақида ёзма услуб (йўриқнома)лар бўлиши лозим (5.6.5.3 - бандга қаранг).

UZBEKISTAN STANDARD AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

5.4.8.3 Синовлар ўтказиш

4.23. Ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида материалларни ва маҳсулотларни синаш усуллари ва фойдаланиладиган ускуналарни таърифловчи ёзма услуб (йўриқнома)лар бўлиши лозим. Ўтказилган синовлар бўйича баённома тузилиши керак (5.6.6.3 - бандга қаранг).

5.4.8.4 Бошқалар

5.4.8.4.1 Материаллар ва маҳсулотларга рухсат бериш ва рад этишни белгилаб берувчи, жумладан 5.2.3.2 бандда баён қилинган талабларга мувофиқ равишда тайёр маҳсулотни сотувга чиқаришга ваколатли шахс(лар) томонидан рухсат берилишини белгилаб берувчи ёзма услублар мавжуд бўлиши лозим.

5.4.8.4.2 Зарурат туғилганда маҳсулотни қайтариб йиғиб олишни енгиллаштириш мақсадида маҳсулотнинг ҳар бир сериясига дистрибуцияси баённомаларини олиб бориш ва уларнисаклаш лозим (4.8- бўлимга қаранг).

5.4.8.4.3 Қуйидаги олиб борилган ҳаракатлар ёки хулосалар бўйича ёзма услуб (йўриқнома)лар ва уларнинг ўтказилганлиги тўғрисида баённомалар бўлиши зарур:

- валидация;
- ускуна монтажи ва калибровкаси;
- техник хизмат кўрсатиш, тозалаш ва санитар ишлов бериш;
- ходимларга оид масалалар, жумладан ўқитиш, махсус кийим ва гигиена талаблари;
- муҳит назорати;
- паразитлар, зарарли ҳашаротлар ва ҳайвонлар билан кураш;
- рекламациялар;
- маҳсулотни қайтариб йиғиб олиш;
- қайтарилган маҳсулотлар.

5.4.8.4.4 Ўта муҳим ишлаб чиқариш ва назорат қилиш ускуналари учун, улардан фойдаланиш бўйича аниқ услублар мавжуд бўлиши лозим.

5.4.8.4.5 Энг муҳим ёки критик ускуналар учун, валидация, калибровка, техник хизмат кўрсатиш, тозалаш ва таъмирлаш бўйича зарур бўладиган барча ишларни, бу ишларни бажарган шахсларни ва саналарни кўрсатган ҳолда, баённома тузиб, журналларга ёзиб бориш керак.

5.4.8.4.6 Ишлатилган энг муҳим ёки критик ускуналар ва маҳсулотлар қайта ишланган ҳудудлар хронологик тартибда журналларда қайд қилиниши лозим.

5.5 ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН

5.5.1 Тамойил

Технологик жараён аниқ белгиланган услуб (йўриқнома)лар бўйича амалга оширилиши керак. Улар, талаб қилинадиган сифатга эга маҳсулот олиш мақсадида, яхши ишлаб чиқариш амалиёти тамойилларига жавоб бериши ва ишлаб чиқариш лицензияси ва рўйхатдан ўтказиш тааллуқли ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим.

5.5.2 Умумий талаблар

5.5.2.1 Технологик жараён малакали ходимлар томонидан амалга оширилиши ва назорат қилиниши лозим.

U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT N ZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

5.5.2.2 Қабул қилиш ва карантин, намуналарни танлаб олиш, сақлаш, ёрлиқлаш, ишлов бериш, жойлаш ва дистрибуция каби материаллар ва маҳсулотлар билан ўтказиладиган ҳар қандай ҳаракатлар ёзма услуб(қўлланма)лар ёки йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилиши ва зарур ҳолларда баённома тузилиши лозим.

5.5.2.3 Буюртмага мос равишда таъминотни кафолатлаш учун барча етказиб бериладиган материалларни текшириш зарур. Контейнерлар (таралар) зарурат тугилганда тозаланиши ва тегишли ахборотларни кўрсатган ҳолда ёрлиқланиши лозим.

5.5.2.4 Контейнерлар (таралар)га зарар етиши ва материал сифатига ноҳуш таъсир кўрсатувчи ҳар қандай бошқа сабаблар текширилиши, баённомада акс эттирилиши, улар ҳақидаги ахборотлар эса сифатни назорат қилиш бўлимига етказилиши лозим.

5.5.2.5 Келиб тушадиган материалларни ва тайёр маҳсулотни қабул қилиш ва қайта ишлашдан сўнг фойдаланиш ёки тарқатиш (дистрибуция)га рухсат берилгунга қадар карантинда алоҳида сақлаш ёки мувофиқ келувчи маъмурий тадбирлар ёрдамида ушлаб туриш лозим.

5.5.2.6 Агар оралиқ ва қадоқланмаган маҳсулот сотиб олинса, уларни қабул қилаётган пайтда уларга хом ашё тарзида муносабатда бўлиш лозим.

5.5.2.7 Барча материаллар ва маҳсулотларни, ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган, тегишли шароитларда, сериялар бўйича ажратиш ва омборхона захираси айланмасини таъминлаш учун, муайян тартибда сақлаш лозим.

5.5.2.8 Рухсат берилган чегаралардан ошадиган четланишлар йўқлигини кафолатлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотни текшириш ва миқдорларни таққослаш зарур.

5.5.2.9 Бир худуднинг ўзида бир вақтда ёки кетма-кетликда турли маҳсулотлар билан ишлаш мумкин эмас; адаштириб юбориш ёки тўқнаш контаминация хавфи мавжуд бўлмаган айрим ҳоллар бундан мустасно.

5.5.2.10 Хом ашё ва маҳсулотни ишлов беришнинг ҳар бир босқичида микроб ва бошқа турдаги контаминациядан ҳимоя қилиш зарур.

5.5.2.11 Куруқ моддалар ва маҳсулотлар билан ишлашда чангларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида алоҳида эҳтиёт чоралари кўрилиши лозим. Айниқса бу кучли таъсир қилувчи ёки сенсбилизация қилувчи моддалар билан муомала қилганда жуда муҳим.

5.5.2.12 Ишлов беришнинг барча даври мобайнида барча фойдаланилган материаллар, қадоқланмаган маҳсулотлар учун контейнерлар, асосий ускуналар ва зарур ҳолларда бинолар, ишлов бериладиган маҳсулот ёки моддалар, шунингдек, уларнинг фаоллиги (агар бу зарур бўлса) ва серия рақамлари кўрсатилган ҳолда, ёрлиқлар билан ёки бошқа усул билан ёрлиқланиши лозим. Лозим бўлса, бундай ёрлиқлашда технологик жараён босқичи ҳам кўрсатилиши керак.

5.5.2.13. Контейнерларга, ускуналарга ёки биноларга ёпиштирилган ёрлиқлар аниқ, бир маъноли бўлиши, уларнинг шакли эса корхонада қабул қилинганига мос келиши лозим. Кўпинча ёрлиқлардаги ахборотларга қўшимча равишда мақомини (масалан, карантинда, қабул қилинди, брак қилинган, тоза ва бошқаларни) кўрсатиш учун турли ранглардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

5.5.2.14 Маҳсулотларни бир зонадан бошқасига ўтказиш учун қўлланладиган кувур линияларининг ва ускуналарнинг бошқа қисмларини тегишли равишда бириктирилганлигини кафолатловчи текширувлар ўтказилиши лозим.

UZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

5.5.2.15 Имкон даражасида, йўриқномалар ёки қўлланмалардан ҳар қандай четланишга йўл қўймаслик лозим. Агар четланиш юз берган бўлса, унда унга ваколатли шахс томонидан, зарур ҳолларда, сифатни назорат қилиш бўлимини жалб қилиб, ёзма равишда рухсат бериш бўйича кўриб чиқилиши лозим.

5.5.2.16 Ишлаб чиқариш биноларига кириш, фақат бунга ваколоти бор ходимларгагина рухсат берилади.

5.5.2.17 Нотиббий маҳсулотни дори воситаларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ҳудудларда ва ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилишига йўл қўйилмаслиги керак.

5.5.3 Технологик жараёни олиб боришда тўқнаш контаминацияни олдини олиш

5.5.3.1 Хом ашё ёки маҳсулотларнинг бошқа хом ашё ёки маҳсулотлар билан контаминациясига йўл қўймаслик лозим. Бу тасодифий тўқнаш контаминация хавфи чанг, газ, буғ, аэрозоллар ёки микроорганизмларнинг назорат қилинмайдиган тарқалиши, материаллар ва маҳсулотларга ишлов бериш натижасида, ускуналарда ва технологик кийимларда қолиб кетган қолдиқларнинг мавжудлиги сабабли вужудга келади. Хавф даражаси ифлослантирувчи материал ва ифлосланадиган маҳсулот турига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Энг хавfli ифлослантирадиган материалларга кучли сенсibiliзацияловчи моддалар, тирик микроорганизмлар сақловчи биологик препаратлар, айрим гормонлар, цитостатиклар ва бошқа кучли таъсир этувчи моддалар киради. Инъекциялар учун мўлжалланган препаратлар катта дозаларда ва/ёки узоқ вақт қабул қилинадиган препаратлар контаминацияси энг хавfli ҳисобланади.

5.5.3.2 Тўқнаш контаминацияни тегишли техник ёки ташкилий тадбирлар ёрдамида олдини олиш лозим, масалан:

- а) алоҳида ҳудудларда ишлаб чиқариш (пенициллинлар, тирик бактерияларни сақловчи тирик вакциналар, препаратлар ва айрим бошқа биологик препаратлар каби маҳсулотлар). Яхши ишлаб чиқариш жараёни цикллари ва вақтлари бўйича ажратиб, цикллар орасида бинолар ва ускуналарни тозалаш ишлари бажарилади
- б) тегишли ҳаво шлюзлари ва ҳавони тортадиган ускуналар билан таъминлаш;
- в) рециркуляция сабабли ёки қайта ишланмаган ёки етарли даражада ишланмаган ҳавонинг қайта тушиши оқибатида юзага келадиган контаминация хавфини имкон қадар камайтириш.
- г) химоя кийимларини тўқнаш контаминация алоҳида катта хавф туғдирадиган маҳсулотлар ишланадиган ҳудуд ичида сақлаш;
- д) самарасиз тозаланган ускуна тўқнаш контаминация манбаи ҳисобланади, шу сабабли самарадорлиги маълум бўлган тозалаш ва деконтаминация услубларини қўллаш лозим;
- е) ишлаб чиқаришда «ёпик тизимлар»дан фойдаланиш;
- ж) олдинги маҳсулот қолдиқлари ва ювиш воситалари қолдиқлари мавжудлигини назорат қилиш ҳамда ускуналарнинг тозалик мақомини кўрсатган ҳолда ёрлиқлаш.

5.5.3.3 Қарама-қарши контаминациянинг олдини олиш бўйича тадбирларни ва уларнинг самарадорлигини белгиланган услубларга мувофиқ вақти-вақти билан текшириш лозим.

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

5.5.4 Валидация

5.5.4.1 Валидация чора тадбирлари яхши ишлаб чиқариш амалиётига кўмаклашиши лозим; уларни белгиланган услубларга мувофиқ ўтказиб, натижалар ва хулосалар бўйича баённома тузилиши лозим.

5.5.4.2 Агар янги ишлаб чиқариш рецептураси ёки янги ишлаб чиқариш усули киритилса, унда уларнинг узлуксиз серияли ишлаб чиқариш учун яроқлилигини намоёни қилувчи хатти-ҳаракатлар ўтказилган бўлиши лозим. Ўрнатилган жараён спецификациядаги моддалар ва ускуналардан фойдаланилганда доимий равишда талаб қилинган даражадаги сифатга эга маҳсулот олиш имкониятини бериши исботланиши лозим.

5.5.4.3 Маҳсулотлар сифати ва/ёки жараённинг репродуктивлигига (такрорий самарадорлигига) таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, ишлаб чиқариш жараёнидаги муҳим ўзгаришлар, шу жумладан ускуналар ёки материаллардаги ҳар қандай ўзгаришлар валидациядан ўтиши лозим.

5.5.4.4 Талаб қилинган натижаларга эришишни доимо тасдиқлаш учун технологик жараёнлар ва услубларнинг критик ревалидациясини ўтказиш лозим.

5.5.5 Хом ашё

5.5.5.1 Хом ашёни сотиб олиш муҳим жараён ҳисобланади, унга таъминотчилар ҳақида батафсил ва тўлиқ маълумотларга эга бўлган ходимлар жалб қилиниши лозим.

5.5.5.2 Хом ашёни, фақат тасдиқдан ўтган, тегишли спецификацияларда кўрсатилган таъминотчилардан ва агар имкони бўлса, бевосита ишлаб чиқарувчидан сотиб олиш лозим. Хом ашёга ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган спецификацияларни таъминотчилар билан муҳокама қилиш тавсия қилинади. Хом ашёни ишлаб чиқариш ва назорат қилишнинг барча жиҳатлари, муомаласи, ёрликлаш, ўраб-жойлаш, шунингдек, рекламациялар ва четланишларни аниқлаш услублари ишлаб чиқарувчи ва таъминотчи ўртасида муҳокама қилиниши фойдалидир.

5.5.5.3 Ҳар бир етказиб берилган контейнерларни ўрамлари ва пломба(тамға)ларининг бутунлиги текширилади, шунингдек, таъминотчининг юк хати ва ёрликларида кўрсатилган маълумотларнинг ўзаро тўғри келишини назорат қилиш лозим.

5.5.5.4 Агар хом ашёнинг бир етказиб беришда турли хил сериялар келтирилган бўлса, унда намуналарни танлаб олиш, синовларни ўтказиш ва фойдаланишга рухсат беришда ҳар бир серияни алоҳида кўриб чиқиш зарур бўлади.

5.5.5.5 Омборхона ҳудудида жойлашган хом ашё тегишли тарзда ёрликланиши лозим. (5.5.2.13 бандга қаранг). Ёрликлар, ҳеч бўлмаганда қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

- маҳсулот номи ва зарурат бўлганда завод ичидаги код;
- қабул қилинганда қўйилган серия рақами;
- таркибининг мақоми (масалан, карантинда, синовда, рухсат берилган, брак қилинган), агар қўллаш имкони бўлса;
- яроқлилиқ муддати ёки ундан сўнг қайта назорат талаб қилинадиган сана, агар қўллаш имкони бўлса.

Агар омборхона хўжалиги компьютерлар билан тўлиқ таъминланган бўлса, юқорида кўрсатилган барча ахборотларни ёрликда кўрсатиш мажбурий эмас.

ЎЗбекистон Республикаси
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

5.5.5.6 Тегишли йўриқномалар ва тадбирлар ёрдамида ҳар бир контейнернинг ичидаги хом ашёнинг чинлиги кафолатланиши лозим. Намуналар танлаб олинган тара ёрлиқланиши лозим.

5.5.5.7 Фақат сифат назорати бўлими томонидан рухсат берилган ва яроқлилик муддати ҳали тугамаган хом ашёнигина ишлатиш лозим.

5.5.5.8 Зарур хом ашё тоза ва тегишли тарзда ёрлиқланган идишга аниқ тортилган ёки ўлчанганлигини кафолатланиши учун, хом ашёни фақат тайинланган масъул шахслар томонидан хужжатлаштирилган йўриқномага мувофиқ берилиши лозим.

5.5.5.9 Ҳар бир берилган модданинг, шунингдек, унинг массаси ва ҳажмининг мустақил текширувини амалга ошириш зарур; бу текширув натижалари бўйича баённома тузилиши лозим.

5.5.5.10 Ҳар бир серия учун берилган моддалар бир жойда сақланиши ва шуни кўрсатган ҳолда аниқ ёрлиқланган бўлиши лозим. Бир сериядаги дори воситаларини ишлаб чиқаришда бир ишлаб чиқарувчи корхонанинг турли сериядаги ФФИ ларини ишлатиш мумкин.

5.5.6 Технологик жараёнлар: оралиқ ва қадоқланмаган маҳсулотлар

5.5.6.1 Ҳар қандай технологик жараён бошланишидан олдин иш ҳудуди ва ускуналар тозаллиги ва режалаштирилган жараён учун талаб қилинмайдиган ҳар қандай хом ашё, маҳсулотлар, уларнинг қолдиқлари ёки аввалги жараён хужжатларидан холи эканлигини кафолатловчи чоралар кўрилиши лозим.

5.5.6.2 Оралиқ ва қадоқланмаган маҳсулотларни мувофиқ келувчи шароитларда сақлаш лозим.

5.5.6.3 Критик (хавф-хатарли) жараёнлар валидациядан ўтказилиши лозим. (5.5.4.1-5.5.4.4 бандларга қаранг.).

5.5.6.4 Ишлаб чиқариш жараёнидаги барча зарур назоратлар ва ишлаб чиқариш муҳитининг назорати натижалари баённомалаштирилиши керак.

5.5.6.5 Кутилаётган натижадан ҳар қандай четланишлар бўйича баённома тузилиши ва тафтиш қилиниши лозим.

5.5.7 Ўраб-жойлаш материаллари

5.5.7.1 Бирламчи ва босма ўраб-жойлаш материалларини харид қилиш ва назорат қилишга, шунингдек, улар билан муомалага, худди хом ашёга бўлганидек эътибор қаратиш лозим.

5.5.7.2 Босма материалларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Уларни етарли даражада хавфсиз, бегона шахсларнинг киришига йўл қўйилмайдиган жойларда сақлаш лозим. Қирқиб қўйилган ёрлиқлар ва бошқа турли босма материалларни сақлаш ва ташиш, алмаштириб юборишни олдини олиш учун, алоҳида ёпиқ идишларда амалга оширилиши лозим. Ўраб-жойлаш материалларини тасдиқланган ва хужжатлаштирилган йўриқномага мувофиқ, ишлатиш учун фақат бунга ваколати бор ходимларгагина берилиши керак.

5.5.7.3 Босма ёки бирламчи ўраб-жойлаш материалнинг ҳар бир етказиб берилиши ёки сериясига махсус рақам ёки идентификацияланган белги берилиши лозим.

5.5.7.4 Қўллаш муддати ўтган ёки қўлланишга яроқсиз бўлган бирламчи ёки босма ўраб-жойлаш материални йўқ қилиш керак, йўқ қилинганлик ҳолати бўйича эса баённома тузилиши лозим.

UZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

5.5.8 Ўраб-жойлаш жараёнлари

5.5.8.1 Ўраб-жойлаш жараёнларининг режаларини тузишда тўқнаш контаминация, чалкаштириб юбориш ёки алмаштириб қўйиш хавфининг минимумга етказишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Турли хил маҳсулотларни, алоҳида ҳудудларда ажратишни кўзда тутадиган ҳолатлардан ташқари, бир бирига бевосита яқинликда ўраб-жойлаш мумкин эмас.

5.5.8.2 Ўраб-жойлаш бўйича жараёнларни бошлаш олдидан иш ҳудуди, ўраб-жойловчи линиялар, босма машиналар ва бошқа ускуналар тоза бўлиши ва аввал фойдаланилган ҳар қандай препаратлар, материаллар ёки ҳужжатлардан (агар улар режалаштирилган жараёнлар учун талаб қилинмаса), холи бўлишини кафолатловчи чоралар кўрилиши лозим. Линияларни тозалаш, тасдиқланган жараёнларга мувофиқ тегишли назорат рўйхатига асосан амалга оширилиши лозим.

5.5.8.3 Ишлов бериладиган маҳсулотларнинг номи ва серия рақами ҳар бир ўраб-жойла-надиган жой ва ўрамлаш линияларида яққол кўрсатилиши лозим.

5.5.8.4 Барча фойдаланиладиган ўрамлаш материаллари ва маҳсулот ўраб-жойлаш бўлимига етказишда миқдори, айнан бир хиллиги ва ўраб-жойлаш йўриқномаларига мослигига текширилиши лозим.

5.5.8.5 Қадоклаш учун тайёрланган ўрамлар тоза бўлиши лозим. Шиша синиқлари ва металл бўлақларига ўхшаш ҳар қандай контаминацияни келтириб чиқадиган омилларни бартараф этиш ва олдини олишга эътибор қаратиш лозим.

5.5.8.6 Ёрликлаш ишларини қадоклашдан ва тикинлашдан сўнг, иложи борича, жуда тез амалга оширилиши лозим. Агар бунинг иложи бўлмаса, алмаштириб юбориш ёки хато ёрликланишини олдини олувчи ва кафолатловчи тегишли чоралар кўрилиши зарур.

5.5.8.7 Алоҳида технологик жараён сифатида ёки ўраб-жойлаш жараёнида бажариладиган ҳар қандай штамп босиш жараёнларининг (масалан, серия рақамлари, яроқлилиқ муддати тугаши санасини қўйиш) тўғри бажарилаётганлиги текширилиши ва баённомалаштирилши лозим. Штамп босиш ишларини қўлда бажаришга эътиборни қаратиш, уни мунтазам қайта-қайта текшириш лозим.

5.5.8.8 Қирқиб қўйилган ёрликлардан фойдаланишда, шунингдек, штамп босиш ишлари ўраб-жойлаш линиясидан ташқарида амалга оширилганда алоҳида эҳтиёткорликка риоя қилиш лозим. Одатда, рулон ўрамдаги ёрликлардан фойдаланиш самаралироқ бўлиб, қирқилган ёрликларга қараганда, чалкашиб кетишнинг олдини олиш имкониятини беради.

5.5.8.9 Кодни ўқийдиган барча электрон қурилмалар, ёрликларни ҳисобга олиш мосламалари ва шунга ўхшаш қурилмалар тўғри ишлаётганлигини кафолатловчи текширишлар ўтказилиши лозим.

5.5.8.10 Ўраб-жойлаш материалларида босма ёки бўрттириб ёзиш йўли билан келтириладиган ахборот яққол кўриниши, ёруғлик таъсирига чидамли бўлиши ва ўчиб кетмаслиги керак.

5.5.8.11 Маҳсулотларни ўраб-жойлаш линиясидаги назорат ўз ичига қуйидагиларни олиш лозим:

- а) ўрамларнинг умумий ташқи кўриниши;
- б) ўрамлар комплектининг тўлиқлиги;
- в) тегишли маҳсулотлар ва ўраб-жойлаш материаллари фойдаланилганми;
- г) ҳар бир босма ишларининг тўғрилиги;
- д) линиядаги назорат қурилмалари ишлашининг тўғрилиги;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
TANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHOQARMASI

Ўраб-жойлаш линияларидан олинган намуналар орқага қайтарилмаслиги лозим.

5.5.8.12 Агар маҳсулотлар ўраб-жойланаётганида кўзда тутилмаган вазиятлар бўлиб ўтса, унда бундай маҳсулот, махсус назорат ва ҳар томонлама текширув ўтказилгандан сўнг, бунга ваколатли ходим рухсати билан яна жараёнга қайтарилиши мумкин. Бу жараённинг батафсил баённомаси сақланиши лозим.

5.5.8.13 Қадоқланмаган маҳсулот, босма ўраб-жойлаш материали ва ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот миқдори бўйича баланс тузилаётган вақтда аниқланган аҳамиятли ёки ноодатий тафовут аниқланса, бу маҳсулотни муомалага чиқаришга рухсат беришдан олдин, ушбу тафовут сабабини аниқлаб, ҳар томонлама текширув ўтказиш зарур.

5.5.8.14 Ўраб-жойлаш бўйича жараёнлар тугаганидан сўнг серия рақами қўйилган барча фойдаланилмаган ўраб-жойлаш материални йўқ қилиниши ва бу факт бўйича баённома тузилиши лозим. Код (серия рақами) қўйилмаган материалларни омборхонага қайтариш, ҳужжатлаштирилган йўриқномаларга мувофиқ ўтказилиши лозим.

5.5.9 Тайёр маҳсулот

5.5.9.1 Тайёр маҳсулотни муомалага чиқаришга якуний рухсат берилгунча, у ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган шароитларда карантинда сақланиши лозим.

5.5.9.2 Маҳсулотни сотувга чиқаришга рухсат бериш олдидан зарур бўлган тайёр маҳсулотни ва ҳужжатларни баҳолаш жараёни 5.6-бўлимида тавсифланган («Сифат назорати»).

5.5.9.3 Муомалага чиқаришга рухсат берилгандан сўнг, тайёр маҳсулотни фойдаланиш учун яроқли захира сифатида, ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган шароитларда сақлаш лозим.

5.5.10 Нўқсонли (брак қилинган), қайта ишланган ва қайтарилган материаллар

5.5.10.1 Брак қилинган (нўқсонли) материаллар ва маҳсулотларни аниқ ёрликлаш ва кириш чекланган ҳудудларда алоҳида сақлаш лозим. Уларни таъминотчига қайтариш ёки имконият даражасида қайта ишлаш ёки йўқ қилиш зарур. Ушбу вазиятларда ўтказиладиган ҳал ҳар қандай ҳатти – ҳаракатга бунга ваколатли ходимнинг рухсати олиниши ва баённомалаштирилиши лозим.

5.5.10.2 Брак қилинган маҳсулотларни қайта ишлаш айрим ҳоллардагина ўтказилиши мумкин. Бунга фақат тайёр маҳсулот сифати ёмонлашмаса, спецификацияга риоя қилинса ва қайта ишлаш белгиланган ва рухсат берилган йўриқномага мувофиқ амалга оширилсагина рискни баҳолаган ҳолда рухсат берилади. Қайта ишлаш баённомаси сақланиши лозим.

5.5.10.3 Талаб қилинаётган сифатга эга бутун серияни ёки олдинги серияларнинг қисмларини, ишлаб чиқаришнинг маълум бир босқичида худди шундай маҳсулотнинг сериясига киритишга олдиндан рухсат берилиши лозим. Бундай киритишни белгиланган йўриқномага мувофиқ, юзага келадиган хавф (риск)ни, жумладан яроқлилик муддатига ҳар қандай таъсир эҳтимолини баҳолагандан сўнг амалга ошириш лозим. Бундай киритиш фаолияти баённома асосида қайд этилади.

5.5.10.4 Қайтадан ишланган маҳсулот ёки қайта ишланган маҳсулот қўшилган ҳар қандай тайёр маҳсулотни қўшимча синовлардан ўтказиш зарурати сифат назорати бўлими томонидан белгиланиши лозим.

U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

5.5.10.5 Сотувдан қайтган ва ишлаб чиқарувчининг назоратидан чиққан маҳсулотлар, унинг сифати кониқарли ҳисобланишига гумон бўлмаган ҳолатлардан ташқари, йўқ қилиниши лозим; унинг сотувга қайтарилиши, қайтадан ёрликланиши ёки кейинги серияларга киритилиши ҳақидаги масала, сифат назорати бўлими томонидан ҳужжатлаштирилган йўриқномага мувофиқ ўтказилган танкидий баҳолашдан сўнггина кўриб чиқилиши мумкин. Бундай баҳолашда маҳсулот тури (табиати), сақлаш шароитларига алоҳида талаблар, унинг ҳолати ва тарихи, шунингдек, чиқариш пайтидан бошлаб ўтган вақт ҳам эътиборга олинishi лозим. Маҳсулот сифатига нисбатан ҳар қандай гумоннинг вужудга келиши, унинг қайтадан чиқарилиши ёки фойдаланилиши ҳақидаги масалани, фаол ингредиент регенерацияси учун атрофлича кимёвий қайта ишлаш ўтказилиши мумкин бўлса ҳам, кўриб чиқилмайди. Ҳар қандай қабул қилинган ҳаракат бўйича тегишли тарзда баённома тузилиши лозим.

5.6 СИФАТ НАЗОРАТИ

5.6.1 Тамойил

Сифат назорати намуналарни танлаш, спецификациялар ва синовлар ўтказиш жараёнларига тааллуқли. Шу билан бирга у зарур синовлар ўтказилганлигини ва сифати кониқарли деб эътироф этилмагунча хом ашё ва ўраб-жойлаш материалларини қўллашга рухсат берилмаганлигини, маҳсулот эса сотиш ёки етказиб бериш учун рухсат берилмаганлигини қафолатловчи ташкиллаштириш, ҳужжатлаштириш ва рухсат бериш жараёнлари билан боғлиқ.

Сифат назорати лаборатория ишлари билан чекланмайди, у маҳсулот сифатига тааллуқли барча қарорларнинг қабул қилинишига жалб қилиниши лозим. Сифат назорати бўлимининг кониқарли иши учун энг муҳим тамойил унинг ишлаб чиқариш бўлиmidан мустақил эканлиги ҳисобланади .

5.6.2 Умумий талаблар

5.6.2.1 Ишлаб чиқариш учун лицензия олган ҳар бир лицензиат сифат назорати бўлимига эга бўлиши лозим. Бу бўлим бошқа бўлимлардан мустақил бўлиши, ҳамда бу бўлимнинг раҳбарлиги бир ёки бир нечта назорат лабораторияларини бошқарадиган, тегишли малака ва тажрибага эга шахс томонидан амалга оширилиши лозим. Сифат назорати бўйича барча тадбирлар самарали ва ишончли ўтказилаётганлигини қафолатлаш учун етарли ресурслар мавжуд бўлиши зарур.

5.6.2.2 Сифат назорати бўлими раҳбарининг асосий мажбуриятлари 2-бўлимда умумлаштирилган. Шу билан бирга сифат назорати бўлими сифат назорати бўйича барча йўриқномаларни ишлаб чиқиш, валидацияси ва бажарилишини таъминлаш, материаллар ва препаратларнинг назорат намуналарини сақлаш, материал ва препарат ўрамларининг тўғри ёрликланишини таъминлаш, маҳсулот турғунлигини кузатиш, маҳсулотлар сифатига нисбатан рекламацияларнинг текширувида иштирок этиш каби кўплаб бошқа мажбуриятларга ҳам эга. Бу барча жараёнлар ҳужжатлаштирилган йўриқномаларга мувофиқ равишда амалга оширилиши ва зарур ҳолларда уларнинг натижалари баённомаларда қайд этилади.

5.6.2.3 Тайёр маҳсулотларни баҳолаш унга тааллуқли барча омилларни, жумладан, ишлаб чиқариш шароитларини, ишлаб чиқариш жараёнидаги синовлар натижаларини, ишлаб чиқариш ҳужжатларининг шарҳи (ўраб-жойлаш бўйича ҳужжатлар билан бирга),

UZSTANDART AGENT LLC
STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NAZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

тайёр маҳсулот спецификацияларига мувофиқ келишини ва якуний тайёр ўрамларни текширишни камраб олиши лозим.

5.6.2.4 Сифат назорати бўлими ходимларининг намуналарни танлаб олиш ва текширувларни олиб бориш учун ишлаб чиқариш ҳудудларига киришга рухсати бўлиши лозим.

5.6.3 Сифат назорати яхши лаборатория амалиёти

5.6.3.1 Назорат лабораторияларининг хоналари ва ускуналари 5.3-бўлимда келтирилган сифат назорати ҳудудларининг умумий ва ўзига хос талабларига жавоб бериши лозим.

5.6.3.2 Лабораториялардаги ходимлар, хоналар ва ускуналар, ишлаб чиқариш жараёнларининг характери и масштаблари билан ўзаро боғлиқ бўлган вазифаларга мос келиши лозим. Бошқа ташқи лабораториялардан фойдаланиш алоҳида сабаблар бўйича 5.7-бўлим («Контракт асосида ишлаб чиқариш ва таҳлил»)да батафсил баён этилган тамойилларга мувофиқ рухсат этилиши мумкин, аммо бу сифат назорати баённомаларида акс эттирилиши лозим.

5.6.4 Хужжатлар

5.6.4.1 Лаборатория хужжатлари 5.4-бўлимда баён қилинган тамойилларга мос келиши лозим. Бу хужжатларнинг асосий қисми сифат назоратига боғлиқ бўлиб, сифат назорати бўлими тасарруфида хужжатларнинг қуйидаги тоифалари бўлиши лозим:

- спецификациялар;
- намуналар танлаб олиш йўриқномалари;
- синовларни ўтказиш йўриқномалари ва баённомалар (аналитик иш варақалари ва/ёки лаборатория журналлари);
- аналитик ҳисоботлар ва/ёки сертификатлар;
- ишлаб чиқариш муҳити (ҳаво, сув, ва бошқа муҳит омиллари)нинг назорати маълумотлари, агар улар талаб қилинса;
- зарур ҳолларда синов усуллари валидациясининг баённомалари;
- асбобларни калибрлаш ва ускуналарга техник хизмат кўрсатиш йўриқномалари ва баённомалари.

5.6.4.2 Сифат назорати бўйича, сериялар баённомасига алоқадор ҳар қандай хужжатни серия ярқилик муддати тугашидан кейин бир йил ва Ваколатли шахс томонидан белгиланган тартибда тасдиқлаганидан сўнг беш йил сақланиши лозим.

5.6.4.3 Маълумотларнинг айрим турлари (масалан, аналитик синовлар натижалари, ишлаб чиқарилган маҳсулот микдори, муҳит назорати натижалари ва бошқалар) учун тенденцияларни баҳолашга имкон берувчи усул билан баённомаларни тузиш тавсия қилинади.

5.6.4.4 Сериялар баённомасининг таркибий қисми ҳисобланувчи ахборотларга қўшимча равишда бирламчи ахборот манбалари фойдаланиш осон бўладиган ҳолда сақланиши керак, улар лаборатория журналлари ва/ёки баённомалар каби хужжатларда акс эттирилиши лозим.

**Ў'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

5.6.5 Намуналарни танлаб олиш

5.6.5.1 Намуналар танлаб олиш тасдиқланган хужжатлаштирилган йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилиши лозим, уларда қуйидагилар белгиланади:

- а) намунани танлаб олиш усули;
- б) фойдаланиладиган ускуна;
- в) танлаб олинадиган намуна миқдори;
- г) намунани талаб қилинадиган ҳар қандай тақсимланиши бўйича йўриқномалар;
- д) намуна учун фойдаланиладиган идишнинг тури ва ҳолати;
- е) идишни танланган намуналар билан идентификацлаштириш;
- ж) ҳар қандай роя қилиниши лозим бўлган, (масалан стерил ёки зарарли моддалар намуналарини танлаб олишда) ўзига хос эҳтиёт чоралари;
- з) сақлаш шароитлари;
- и) намуналарни танлаб олишда ишлатиладиган асбоб- ускуналарни тозалаш ва сақлаш бўйича йўриқномалар.

5.6.5.2 Синовлар учун юборилган назорат намуналари, қайси материал ёки препарат сериялардан танлаб олинган бўлса унга репрезентатив бўлиши лозим. Жараённинг энг муҳим босқичлари (масалан, унинг бошланиши ёки якуни) назорати учун бошқа намуналар танлаб олинishi ҳам мумкин.

5.6.5.3 Намуналар солинган идиш ёрликланиб, унда маҳсулот номи, серия рақами, намуна танлаб олиш санаси, ҳамда намуналар олинган идиш ўринлари кўрсатилиши лозим.

5.6.5.4 Назорат ва архив намуналарига нисбатан қўшимча талаблар 19-иловада келтирилган.

5.6.6 Синовлар ўтказиш

5.6.6.1 Аналитик усуллар валидациядан ўтказилиши зарур. Тегишли рўйхатдан ўтказиш хужжатларида келтирилган синовлар ўтказилиши бўйича барча жараёнлар тасдиқланган усулларга мувофиқ ўтказилиши лозим.

5.6.6.2 Олинган натижаларнинг бир бирига мувофиқ келишига ишонч ҳосил қилиш учун улар баённомалаштирилиши ва текширилиши зарур. Барча ҳисоб китоблар ҳар томонлама текширилиши лозим.

5.6.6.3 Бажарилган синовлар баённомалаштирилиши зарур; баённомалар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

- а) материал ёки препарат номи ва зарур ҳолларда дори шакли;
- б) серия рақами ва зарур ҳолларда ишлаб чиқарувчи ва/ёки етказиб берувчининг номи;
- в) тегишли спецификациялар ва синов ўтказиш йўриқномаларига кўрсатмалар;
- г) синов натижалари, шу жумладан, кузатиш, ҳисоблаш натижалари ва барча таҳлил сертификатларига кўрсатмалар бериш билан бирга;
- д) синовларни ўтказиш саналари;
- е) синовларни ўтказган шахсларнинг фамилияси;
- ж) зарур ҳолларда ўтказилган синовлар ва ҳисоблашларни текширган шахсларнинг фамилиялари;
- з) муомалага рухсат бериш ёки рад этиш ҳақида (ёки бошқа мақомни бериш ҳақида қарор) аниқ хулоса ва тайинланган масъул шахснинг санаси кўрсатилган имзоси.

5.6.6.4 Ишлаб чиқариш жараёнидаги барча назорат, шу жумладан, ишлаб чиқариш ходимлари томонидан ишлаб чиқариш ҳудудида бажариладиган назорат сифат назорати

STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

бўлими томонидан тасдиқланган усулларга мувофиқ амалга оширилиши, унинг натижалари бўйича эса баённома тузилиши зарур.

5.6.6.5 Лаборатория реактивлари, ўлчов идишлари ва титрланган эритмалар, стандарт намуналар ва озуқа муҳит сифатига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Уларни хужжатлаштирилган йўриқномаларга мувофиқ тайёрлаш лозим.

5.6.6.6 Узоқ муддатда фойдаланиш учун мўлжалланган лаборатория реактивлари тайёрланган санаси ва уларни тайёрлаган шахснинг имзоси кўрсатилган ҳолда ёрликланган бўлиши зарур. Барқарор бўлмаган реактивлар ва озуқа муҳитларнинг яроқлилиқ муддатлари, шунингдек, ўзига хос сақлаш шароитлари ёрликларда кўрсатилган бўлиши зарур. Бундан ташқари, титрланган эритмалар учун титрнинг охириги аниқланган санаси ва тегишли охириги тўғрилаш коэффициентлари кўрсатилиши зарур.

5.6.6.7 Зарур ҳолларда, синовларни ўтказиш учун фойдаланиладиган ҳар бир модданинг (масалан, реактивлар ва стандарт намуналарнинг) олинган санаси идишларда кўрсатилиши лозим. Уларнинг фойдаланилиши ва сақланиши бўйича йўриқномаларга амал қилиш зарур. Айрим ҳолларда реактивлар олингандан сўнг ёки улардан фойдаланишдан олдин уларнинг чинлиги синови ва/ёки бошқа синовларни ўтказиш зарурияти бўлиши мумкин.

5.6.6.8 Компонентлар, материаллар ёки препаратлар синовларини ўтказиш учун фойдаланиладиган ҳайвонларни улар билан ишлашдан олдин зарур ҳолларда карантинда сақлаш лозим. Ҳайвонларни, режалаштирилган синовларга тўғри келадиган бўлишини таъминлайдиган ҳолда сақлаш ва назорат қилиш талаб этилади. Ҳайвонлар идентификатлаштирилиши лозим; улардан фойдаланиш тарихи акс эттирилган тегишли баённомалар ёзиб борилиши зарур.

5.6.7 Барқарорликнинг кейинги синовлари дастури

5.6.7.1 Дори воситаси бозорга чиқарилгандан сўнг унинг барқарорлиги, савдо ўрамадаги шу таркибли дори воситасини барқарорлиги билан боғлиқ бўлган ҳар қандай муаммо (масалан, ёт моддалар даражаси ёки эриш профилини ўзгариши)ни аниқлашга имкон берувчи, доимий асосда амал қилувчи тегишли дастурга биноан назорат қилинади.

5.6.7.2 Барқарорликни кейинги ўрганиш дастурининг мақсади, маҳсулот яроқлилиги муддати мобайнида уни назорат қилиш ва препарат ёрлигида кўрсатилган шароитларда сақланса, тегишли спецификацияларга мувофиқ қолишини (мувофиқ қолиши мумкинлигини тахмин тахмин қилиш мумкинлигини) аниқлаш.

5.6.7.3 Бу дастур асосан сотиш учун мўлжалланган ўрамдаги дори воситасига тааллуқли, аммо қадокланмаган маҳсулотлар барқарорлигини ҳам синашни дастурга киритилишига ҳам эътибор қаратиш лозим. Масалан, агар қадокланмаган маҳсулот ўраб-жойланишидан олдин ва/ёки ишлаб чиқариш участкасидан ўраб-жойлаш участкасига ўтказилишидан олдин узоқ вақт сақланса, ўраб-жойланган маҳсулотлар барқарорлигига бундай шароитлар таъсирини баҳолаш ва ўрганиш зарур. Бундан ташқари, узоқ вақт сақланиладиган ёки ишлатилладиган оралиқ маҳсулотларга эътиборни қаратиш лозим. Қўллаш учун тайёрланган дори воситаларининг барқарорлигини текшириш препаратни ишлаб чиқиш босқичида амалга оширилади; шундай қилиб, унинг барқарорлигини кейинги синов дастурлари ёрдамида назорат қилишнинг зарурияти йўқ. Аммо агар бу зарур ҳисобланса, қўллаш учун тайёрланган дори воситасининг барқарорлигини ҳам назорат қилиш лозим.

5.6.7.4 Барқарорликнинг кейинги синовлари дастури 5.4-бўлимда келтирилган умумий қоидаларга мувофиқ равишда ҳужжатлаштирилган баённомада ифодаланиши, натижалар эса ҳисобот кўринишида расман тақдим қилиниши лозим. Барқарорликнинг кейинги синовлари дастури учун фойдаланиладиган ускуна (жумладан, иқлим камералари) квалификациядан ўтиши ва унга хизмат кўрсатиш 5.3-бўлимда ҳамда 13-иловада баён қилинган умумий қоидаларга мувофиқ бўлиши лозим.

5.6.7.5 Барқарорликнинг кейинги синовлари дастури учун баённома яроқлилик муддатининг тугашигача бўлган даврни қамраб олиши ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим (аммо улар билан чегараланмаслик керак):

- турли хил дозалар ва серияларнинг турли миқдорлари учун серия(лар) рақами, агар бу қўлланилса;
- тегишли физик, кимёвий, микробиологик ва биологик синов усуллари;
- мақбуллик критериялари;
- синов усулларига кўрсатмалар;
- контейнер/тиқинланадиган элемент тизимининг тавсифи;
- такрорий синовлар орасидаги вақт (вақт бўйича назорат нуқтаси);
- сақлаш шароитларининг тавсифи (препаратни ёрликлашда кўрсатилган, шароитларга мувофиқ келувчи 1 барқарорликнинг узок муддатли синовлари учун ICH стандартлаштирилган шароитларни қўллаш лозим);
- мазкур дори воситаси учун ўзига хос бошқа зарур кўрсаткичлар.

5.6.7.6 Барқарорликнинг кейинги синовлари дастури бўйича тузилган баённома, рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида тақдим қилинган барқарорликнинг дастлабки узок муддатли синовларидан фарқланиши мумкин (масалан, такрорий синовлар орасидаги вақтдаги фарқлар ёки ICH тавсияларини актуаллаштиришдаги ўзгаришлар), бу баённомада асосланган ва ҳужжатлаштирилган бўлиши шарт.

5.6.7.7 Сериялар сони ва такрорий синовлар орасидаги вақт, тенденциялар таҳлилини ўтказиш учун етарли маълумотлар билан таъминлаши лозим. Агар бошқа асос бўлмаса, барқарорликни синаш дастурига ҳар йили, ишлаб чиқарилган препаратнинг минимум, ҳар бир дозасидан ва бирламчи упаковканинг бирламчи қадокнинг ҳар бир туридан битта сериядан киритиш лозим (йил давомида битта ҳам серия ишлаб чиқарилмаган ҳолатлар бундан мустасно).

Дори воситалари барқарорлигининг кейинги синовлари учун ҳайвонлардан фойдаланган ҳолда синовларни ўтказиш зарур бўлса ва альтернатив валидацияланган йўриқномалар мавжуд бўлмаса, такрорий синовлар орасидаги вақтни, хавф-хатарни баҳолаш имкониятини беришини ҳисобга олиб, белгилаш мумкин. Агар илмий асосланса, баённомада брэкетинг ва матрицани қўллаб, тузилган режалардан фойдаланилиш мумкин.

5.6.7.8 Айрим ҳолларда, барқарорликни кейинги синаш дастурига қўшимча серияларни қўшиш лозим. Масалан, барқарорликни кейинги синовини ишлаб чиқариш ёки ўраб-жойлаш жараёнидаги ҳар қандай сезиларли ўзгаришлар ёки сезиларли четланишлардан сўнг амалга ошириш зарур. Дастурга киритиш учун такрорий ишлов бериш, қайта ишлов бериш ёки регенерация бўйича ҳар қандай жараёнлар эътиборга олиниши лозим.

5.6.7.9 Барқарорликнинг кейинги синов натижалари маъсул ходимлар ва айниқса Ваколатли шахс(лар)да сақланиши лозим. Агар барқарорликнинг кейинги урганилиши қадокланмаган маҳсулот ёки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ташқарида,

Q'Z STANDART AGENTLIGI
 STANDARTLASHTIRISH VA
 DAVLAT NIZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

бошқа участкада амалга оширилса, иштирокчи томонлар орасида ёзма келишув бўлиши лозим. Барқарорликнинг кейинги, синов натижалари ваколатли орган томонидан текширувда учун мавжуд бўлиши учун ишлаб чиқариш участкасига тақдим этилиши лозим.

5.6.7.10 Спецификацияларга номувофиклик ёки муҳим ноодатий ўзгаришларни текшириш лозим. Спецификациядан четга чиққан, тасдиқланган ҳар қандай хавфли ҳолат натижалари ёки сезиларли салбий тенденциялар ҳақида тегишли ваколатли органларни хабардор қилиш лозим. Шу ҳолатда мазкур қўлланманинг 5.8-бўлими талабларига мувофиқ, шунингдек, тегишли ваколатли органларнинг вакиллари билан маслаҳатлашиб, бозорда мавжуд бўлган серияларга нисбатан ҳаракатларни кўриб чиқиш лозим.

5.6.7.11 Барча олинган маълумотларнинг хулосалари, жумладан дастур бўйича ҳар қандай оралик хулосаларни ёзиб бориш лозим. Бундай хулосалар даврий равишда шарҳланиши лозим.

5.7 КОНТРАКТ БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТАҲЛИЛ

5.7.1 Тамойил

Контракт бўйича ишлаб чиқариш ва сифат назоратини ўтказиш, англашилмовчиликка йўл қўймаслик учун тўғри таърифланиши, келишилиши ва назорат қилиниши лозим, чунки улар маҳсулотлар ёки бажариладиган ишлар сифатининг қониқарсиз бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Буюртмачи ва ижрочи ўртасида, ҳар бир томоннинг мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган ёзма шартнома бўлиши талаб қилинади. Контрактда маҳсулотларнинг ҳар бир сериясини сотувга чиқаришга руҳсат берувчи Ваколатли шахс, ўз мажбуриятларини қандай тарзда бажараётганлиги аниқ белгиланган бўлиши лозим.

Изоҳ. Мазкур қисмда келтирилган талаблар, ишлаб чиқарувчиларнинг дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари олдидаги жавобгарлигини белгилаб беради. Улар ижрочи ва буюртмачининг истеъмолчи олдидаги жавобгарлигини белгиламайди. Бу жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг бошқа тегишли норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5.7.2 Умумий талаблар

5.7.2.1 Контракт бўйича ишлаб чиқаришнинг ва/ёки контракт бўйича таҳлилнинг ва уларга боғлиқ барча техник тадбирларни қамраб олувчи ёзма контракт тузилиши лозим.

5.7.2.2 Контракт бўйича ишлаб чиқариш ва таҳлил қилишдаги барча тадбирлар ва /ёки ҳар қандай таклиф қилинган техник ёки бошқа ўзгаришлар, тегишли маҳсулотни рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим.

5.7.3 Буюртмачи

5.7.3.1 Буюртмачи ижрочи зарур ишни муваффақиятли бажара олишини баҳолашга, мазкур қўлланмада шарҳланган яхши ишлаб чиқариш амалиёти тамойиллари ва қоидаларига риоя қилишни кафолатлайдиган ҳолатларни контрактга киритишга масъул ҳисобланади.

5.7.3.2 Буюртмачи рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари ва бошқа қонунлаштирилган талабларга мувофиқ ижрочи томонидан буюртма қилинган ишлар тўғри бажарилиши учун, уни тегишли ахборот билан тўлиқ таъминлаши зарур. Буюртмачи, маҳсулот ёки иш билан боғлиқ ҳолда ижрочининг биносига, ускуналарига, ходимларига, бошқа материаллари ёки

U'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT N'ZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

бошқа маҳсулотларига хавф туғдириши мумкин бўлган барча масалалар ҳақида ижрочини тўлиқ хабардор бўлишини кафолатлаши лозим.

5.7.3.3 Буюртмачи, ижрочи томонидан унга етказиб берилган барча ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва материалларини, ўз спецификацияларига мувофиқ эканлигига ёки маҳсулот Ваколатли шахс томонидан чиқаришга рухсат берилганига кафолатлаши мажбурийдир.

5.7.4 Ижрочи

5.7.4.1 Ижрочи буюртмачи томонидан топширилган ишларни кониқарли бажариши учун тегишли бино ва ускуналарга, зарур билим ва тажрибага, шунингдек, етарли маълумоти бўлган малакали ходимларга эга бўлиши лозим. Ишлаб чиқаришга лицензияси бўлган ишлаб чиқарувчигина контракт бўйича ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олиши мумкин.

5.7.4.2 Ижрочи, унга етказиб берилган барча маҳсулотлар ва материаллар кўзланган мақсад учун яроқли эканлигига кафолат бериши лозим.

5.7.4.3 Ижрочи контракт бўйича унга топширилган ҳеч бир ишни, буюртмачи томонидан олдиндан баҳоланмасдан ва унинг рухсатисиз учинчи томонга топшириши мумкин эмас. Ижрочи ва ҳар қандай учинчи томон орасидаги келишув, ишлаб чиқариш ва синовлар ҳақидаги ахборотни дастлабки буюртмачи ва ижрочи ўртасида қандай бўлган бўлса, шундай тарзда тақдим қилинишини кафолатлаши лозим.

5.7.4.4 Ижрочи буюртмачи учун ишлаб чиқарилган ва/ёки таҳлил қилинган маҳсулотлар сифатига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятдан сақланиши лозим.

5.7.5 Контракт

5.7.5.1 Буюртмачи ва ижрочи ўртасида, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва назорат қилиш бўйича, уларнинг ўзаро мажбуриятлари белгиланадиган контракт тузилиши лозим. Контрактнинг техник жиҳатларини фармацевтик технология, аналитик кимё ва яхши ишлаб чиқариш амалиётининг тегишли билимларига эга ваколатли шахслар тузишлари лозим. Ишлаб чиқариш ва таҳлил бўйича барча келишувлар рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига мувофиқ келиши ва икки томонлама келишилган бўлиши лозим.

5.7.5.2 Контрактда сотувга чиқаришга рухсат берувчи Ваколатли шахс рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳар бир серия ишлаб чиқарилганини ва текширилганини қандай тарзда кафолатлаши аниқ кўрсатилиши лозим.

5.7.5.3 Контрактда хом ашё ва материалларни харид қилишга, синовларни ўтказишга ва хом ашё ҳамда материалларни қўллашга рухсат бериш, технологик жараён ва сифат назоратини олиб боришга ҳамда ишлаб чиқаришни назорат қилишга ким масъул бўлиши, ҳамда намуналарни танлаб олиш ҳамда сифат назорати учун жавобгар шахслар аниқ ёзиб қўйилиши лозим. Контракт бўйича сифат назорати ўтказиладиган ҳолатда шартномада ижрочи ишлаб чиқарувчининг бино ва хоналарида намуналар танлаб олишга мажбур ёки мажбур эмаслиги белгилаб берилиши лозим.

5.7.5.4 Ишлаб чиқариш, таҳлил ва дистрибуция баённомалари, шунингдек, назорат намуналари буюртмачида сақланиши ёки улардан фойдаланиш кулай бўлиши лозим. Маҳсулот сифатини баҳолашга тааллуқли барча баённомалар, рекламация ёки талабларга номувофиқлик тахмин қилинган ҳолатларда буюртмачи ва ижрочи ўртасида қандай бўлган бўлса, шундай тарзда тақдим қилинишини кафолатлаши лозим.

сақланиши ва унинг нўқсонли маҳсулотни қайтариб йигиб олиш йўриқномаларида кўрсатилиши лозим.

5.7.5.5 Контрактда буюртмачи томонидан ижрочига ўтказилаётган аутсорсинг фаолиятини (техник воситалари, технологик жараёнлар ва сифат назорати жараёнини) аудит қилиш ҳуқуқи кўзда тутилиши лозим, бу фаолият ижрочи ёки ўзаро келишилган ҳолда учинчи томон томонидан бажарилиши мумкин.

5.7.5.6 Контракт бўйича сифат назорати ўтказиладиган ҳолда, ижрочи ваколатли орган томонидан назорат қилиниши керак.

5.8 РЕКЛАМАЦИЯ ВА МАҲСУЛОТНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ

5.8.1 Тамойл

Нуксони бор маҳсулотлар тўғрисидаги барча рекламациялар ва бошқа ахборотлар ҳужжатлаштирилган йўриқномаларга мувофиқ пухта кўриб чиқилиши лозим. Зарурият туғилганда нуксони маълум ёки тахмин қилинган нуксонли маҳсулотни савдо тармоқларидан тез ва самарали қайтиб йигиб олиш имкониятини яратувчи тизим тузилиши лозим, яъни агар:

- а) дори препаратини одатдаги шароитларда қўллашда зарарли эканлиги ҳақида истеъмолчилардан кўп мартаба шикоят мурожаатлари тушаётганлиги аниқланса;
- б) қўллаш бўйича тадқиқот натижаларида кўзда тутилмаган ҳолда дори препаратининг ҳар қандай жиддий ножўя таъсири кузатилган вақтда;
- в) сифат ва миқдор таркиби рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида кўрсатилганига мувофиқ бўлмаса;
- г) дори воситалари ва/ёки ингредиентларининг назорати, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнининг оралиқ босқичларида назорат ўтказилмаса ёки ишлаб чиқаришга лицензия бериш шартларига таъаллуқли айрим бошқа талаблар ёки мажбуриятлар бажарилмаса.

Ваколатли органлар дори воситасини тарқатишни таъқиқлаш ёки фақат камчиликлари аниқланган сериялардаги дори воситаларини савдодан қайтиб йигиб олишни жорий этишлари мумкин.

5.8.2 Рекламация

5.8.2.1 Рекламациялар билан ишлаш ва қабул қилинадиган чораларни танлови учун масъул шахс тайинланиши лозим; бу шахснинг қўл остида етарли миқдорда ёрдамчи ходимлар бўлиши лозим. Агар бу шахс Ваколатли шахс ҳисобланмаса, унда ҳар қандай рекламация, текшириш ёки чақириб олиш ҳақида Ваколатли шахс хабардор қилиниши лозим.

5.8.2.2 Нуксони тахмин қилинган маҳсулотга оид рекламация олинган ҳолларда, талаб этиладиган ҳаракатларни ёки қайтариб йигиб олиш тўғрисида қарор қабул қилишни белгиладиган ҳужжатлаштирилган йўриқномалар мавжуд бўлиши лозим.

5.8.2.3 Маҳсулот нуксонига алоқадор ҳар қандай рекламация барча тафсилотлари билан баённомалаштирилиши ва синчиклаб текширилиши лозим. Сифат назоратига жавобгар шахс, одатда, шундай турдаги муаммоларни ўрганишда иштирок этиши лозим.

5.8.2.4 Агар маҳсулотда нуксон аниқланса ёки қайсидир битта сериясида мавжудлиги тахмин қилинса, унда шундай камчилик бошқа серияларга ҳам тегишли эканлигини аниқлаш учун бошқа серияларни текшириш ҳақида қарор қабул қилиниши

лозим. Нуқсони бор серияларни қайта ишлашда олинган маҳсулот серияларини текширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

5.8.2.5 Рекламация бўйича қабул қилинган барча қарорлар ва чоралар тўғрисида баённомалар тузилиши ва тегишли сериялар баённомаларига киритилиши лозим.

5.8.2.6 Эътибор қаратишни талаб қилувчи, ва балки, сотилган маҳсулотни қайтариб йигиб олишни талаб қилувчи такрорланувчи ёки ўзига хос муаммоларни аниқлаш учун рекламациялар ҳақидаги ёзувларни доимий равишда кўриб бориш лозим.

5.8.2.7 Рекламация қалбакилаштириш натижаси бўлганлиги ёки бўлмаганлигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

5.8.2.8 Агар ишлаб чиқарувчи яхши ишлаб чиқариш амалиёти қоидаларига риоя қилмаслик оқибати бўлган маҳсулот сифатининг бузилиши ёки маҳсулот сифати билан боғлиқ бошқа муҳим муаммолар келтириб чиқариш эҳтимоли бор хатти-ҳаракатларни кўзда тутса, ваколатли органлар хабардор қилиниши лозим.

5.8.3 Қайтариб йигиб олиш

5.8.3.1 Қайтариб йигиб олишни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш, тезкорликни таъминлаш учун етарли миқдордаги ходимлари бўлган масъул шахс тайинланиши талаб этилади. Бу масъул шахс, одатда, сотиш ва маркетинг бўлимларидан мустақил (тобе бўлмаган) бўлиши лозим. Агар бу масъул шахс Ваколатли шахс ҳисобланмаса, унда қайтариб йигиб олиш бўйича ҳар қандай ҳаракат ҳақида Ваколатли шахс хабардор қилиниши лозим.

5.8.3.2 Қайтариб йигиб олиш бўйича барча фаолиятни ташкиллаштириш учун доимий текшириб туриладиган ва зарур ҳолларда актуаллаштириладиган ҳужжатлаштирилган йўриқномалар ишлаб чиқилиши лозим.

5.8.3.3 Қайтариб йигиб олиш бўйича ҳаракатларни дарҳол ва ҳар қандай вақтда бошлаш мумкин бўлсин.

5.8.3.4 Агар маҳсулот мавжуд ёки тахмин қилинган нуқсон сабабли қайтариб йигиб олинмоқчи бўлса, унда бу маҳсулот етказилиши мумкин бўлган барча давлатларнинг ваколатли органлари дарҳол хабардор қилиниши зарур.

5.8.3.5 Қайтариб йигиб олиш учун масъул шахс(лар)га дистрибуция баённомалари олиниши осон бўлиши ва маҳсулотни олган улгуржи савдо қилувчилар ҳамда бевосита буюртмачилар тўғрисида (манзили, куну-тун ишлайдиган телефон ва/ёки факс рақамлари, етказиб берилган маҳсулотнинг серия рақамлари ва миқдори кўрсатилган ҳолда), шу билан бирга маҳсулот экспорти ва дори воситалари намуналарини етказиб бериш билан алоқадор шахслар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳолда, етарли ахборотга эга бўлиши лозим

5.8.3.6 Қайтариб йигиб олинган маҳсулот идентификатлаштирилиши ва уни нима қилиш ҳақида қарор қабул қилингунча, алоҳида хавфсиз ҳудудда сақланиши лозим.

5.8.3.7 Қайтариб йигиб олиш жараёнида барча воқеаларнинг бориши бўйича баённома тузилиши ва етказиб берилган ҳамда қайтарилган маҳсулотлар миқдори орасидаги ўзаро нисбат (баланс) ифодаланган якуний ҳисобот берилиши лозим.

5.8.3.8 Қайтариб йигиб олиш бўйича тадбирларнинг самарадорлигини доимий баҳолаб бориш лозим.

5.9 ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

5.9.1 Тамойил

Яхши ишлаб чиқариш амалиёти тамойилларига мос келиши ва унинг қоидалари бажарилишини назорат қилиш, шунингдек, зарур огоҳлантирувчи ва тўғриловчи ҳаракатларни таклиф қилиш мақсадида ўз-ўзини назорат қилиш жараёни ўтказилиши лозим.

5.9.1.1 Бино, хоналар, ускуналар, ҳужжатлар, технологик жараён, сифат назорати, дори воситалари дистрибуцияси, ходимларга тааллуқли масалалар, рекламациялар билан ишлаш ва қайтариб йигиб олиш тадбирлари, шунингдек, ўз-ўзини назорат қилиш бўйича фаолиятни, сифатни таъминлаш тамойилларига мос келишини олдиндан белгиланган дастурга мувофиқ мунтазам равишда ўрганиб бориш лозим.

5.9.1.2 Ўз-ўзини назоратни компания ходимлари ичидан тайинланган ваколатли шахс(лар) мустақил ва пухта (синчиклаб) ўтказишлари лозим. Зарур ҳолларда четдаги ташкилотларнинг экспертлари томонидан мустақил аудит ўтказилиши мумкин.

5.9.1.3 Барча ўтказилган ўз-ўзини назоратлар бўйича баённома тузилиши лозим. Ҳисоботлар назоратлар вақтида қилинган барча кузатишларни ва зарур ҳолларда, огоҳлантирувчи ва тўғриловчи ҳаракатларни ўз ичига олиши лозим. Шунингдек, назоратлар туфайли қабул қилинган ҳаракатлар ҳақида расмий ҳисоботлар тузилиши лозим.

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

1-ИЛОВА (ВСПМИ)**(мажбурий)****СТЕРИЛ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ****1 Тамойил**

Стерил маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида талаблар қўйилади, яъни уларнинг микроорганизмлар, заррачалар ва пирогенлар билан контаминацияланиш хавфини энг оз миқдорга етказиш талаб этилади. Бунда кўп нарса ишловчи ходимларнинг малакаси, билими ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилишига боғлиқ бўлади. Сифатни таъминлаш алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқаришнинг аниқ белгиланган ва валидациядан ўтган тайёрлаш йўллари ва усулларига қатъий тарзда амал қилиш зарур бўлади. Жараённинг охири босқичи ёки тайёр маҳсулотнинг синовлари, унинг стериллиги ёки сифатини бошқа томонларини тасдиқловчи ягона омил сифатида кўриб чиқилмайди.

Изоҳ. Мазкур қўлланмада микроорганизмлар ва заррачалар миқдорига нисбатан ҳаво, юза қисмлар ва бошқаларнинг тозалигини аниқлаш бўйича батафсил усуллар баён этилмаган. Маълумотларни бошқа ҳужжатлар, масалан, EN/ISO стандартлари ва ёки ЎзРнинг амалдаги норматив ҳужжатларидан олиш мумкин.

2 Умумий талаблар

2.1. Стерил маҳсулотни тоза ҳудудларда ишлаб чиқариш зарур, уларга ходимларнинг кириши ва ёки ускуналар ва ашёларнинг келиб тушиши ҳаво шлюзлари орқали амалга оширилиши лозим. Тоза ҳудудлар тозалик стандартига жавоб бериши учун тегишли тарзда хизмат кўрсатилиш зарур бўлади; уларга мувофиқ самарали филтрлардан ўтган ҳаво етказилиб берилиши зарур.

2.2. Маҳсулот компонентлари, маҳсулотни тайёрлаш ва қуйиш каби турли жараёнларни тоза ҳудуд ичидаги алоҳида ҳудудларда амалга ошириш лозим. Ишлаб чиқариш жараёнлари икки тоифага бўлинади: биринчи- маҳсулот якуний стерилизацияланди (якуний бирламчи қадоқ) ва иккинчи- жараёнларнинг бир неча ёки барча босқичлари асептик шароитларда бажарилади.

2.3. Стерил маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун тоза ҳудудлар, ташқи муҳитнинг керакли тавсифларига мувофиқ ҳолда таснифланади. Ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот ёки қайта ишланаётган ашёларнинг микроорганизмлар ёки заррачалар билан ифлосланиш хавфини энг оз миқдорга етказишни, “Ишчи” ҳолатидаги ташқи муҳитнинг мувофиқ даражадаги тозалигини талаб қилади.

“Ишчи” ҳолат шароитлари талабларга мос келиши учун, ушбу зоналар “Жиҳозланган” ҳолатида ҳаво тозалигини аниқ белгиланган даражасини таъминлай оладиган бўлиб лойиҳалаштирилиши лозим. “Жиҳозланган” ҳолат – бу тоза хоналар тизими тўлиқ тайёрланган, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари тўлиқ ўрнатилган ва ишга тайёрланган, аммо ишловчи ходимлар йўқ бўлган шароит. “Ишчи” ҳолат – бу тоза хоналар тизими ва асбоб-ускуналарда, маълум бир сондаги ишловчи ходимлар белгиланган тартибда ишлаётган шароит.

“Ишчи” ҳолат ва “Жиҳозланган” ҳолатлар ҳар бир тоза хона ёки тоза хоналар мажмуаси учун аниқланган бўлиши зарур.

Стерил дори воситаларини ишлаб чиқариш учун тўртта тозалик синфи ажратилади.

А синф: Маҳсулот сифати учун юқори хавф ташвишларни жараёнлардан муайян жойдаги ҳудуд, масалан: дозалаш, идишларни тикиш ва филтрларни очиш,

UZBEKISTAN REPUBLIC
STANDARTS AUTHORITY

DAVLAT N: ZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHO' RMASI

асептик шароитларда аралаштириш худуллари. Одатда, бундай шароитлар иш жойида ҳавонинг ламинар оқими орқали таъминланади. Ҳавонинг ламинар оқими тизимлари, ҳавонинг 0,36-0,54 m/s чегарасидаги оқим тезлигини (раҳбарий меъёр) бир маромда кечишини таъминлаб бериши лозим, буни тоза хонадаги очик ишчи жойига татбиқ қилса бўлади. Ламинарликни сақлаб туриш тасдиқланган ва валидация қилинган бўлиши лозим. Ёпиқ изоляторлар ва боксларда қўлқоп орқали бир томонлама йўналтирилган паст тезликлардаги ҳаво оқимидан фойдаланиш мумкин.

В синф: Асептик шароитларда тайёрлаш ва тўлдириш ҳолатларида А синф ҳудудлари учун атроф муҳит.

С ва D синфлари: Стерил маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг камроқ критик босқичларини амалга ошириш учун тоза ҳудудлар.

3 Тоза ҳаво билан таъминладиган тоза хоналар ва асбоб-ускуналар таснифи

Тоза ҳаво билан таъминладиган тоза хоналар ва асбоб-ускуналарни EN ISO 14644-1 стандарти ва/ёки амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ ҳолда таснифлаш лозим. Синфни, жараён давомида атроф муҳит мониторингини ўтказиш билан аниқ чегаралаб олиш зарур.

Ҳар бир синф учун ҳавода рухсат этилган заррачалар миқдори 1 жадвалда келтирилган.

1 жадвал.

Синф	Заррачаларнинг 1 m ³ ҳавода максимал рухсат этилган миқдори, уларнинг ўлчамлари			
	Жиҳозланган ҳолат		Ишчи ҳолат	
	0,5 mkm	5,0 mkm	0,5 mkm	5,0 mkm
A	3 520	20	3 520	20
B	3 520	29	352 000	2 900
C	352 000	2 900	3 520 000	29 000
D	3 520 000	29 000	меъёрланмайди	меъёрланмайди

А синф зоналарида синфни белгилаш учун бир жойдан олинган ҳаво намунасининг энг кичик ҳажми 1 m³ ташкил этиши керак. Таснифланиши бўйича А синф ҳаводаги заррачалар миқдори бўйича ISO 4.8 синфига мувофиқ келиб, >5,0 mkm ўлчамдаги заррачалар учун чегараларни белгилашга нисбатан мос келади. Таснифланиши бўйича В синф (жиҳозланган ҳолатида) ҳаводаги заррачалар миқдори бўйича ISO 5 синфига мувофиқ келиб, кўрсатилган иккала ўлчамдаги заррачаларга нисбатан мос келади. Таснифланиши бўйича С синф (жиҳозланган ва ишчи ҳолатларида) ҳаводаги заррачалар миқдори бўйича мувофиқ равишда ISO 7 ва ISO 8 синфига мос келади. Таснифланиши бўйича D синф (жиҳозланган ҳолатида) ҳаводаги заррачалар миқдори бўйича ISO 8 синфига мос келади. Синфни белгилаш учун EN ISO 14644-1 ва ГОСТ Р ИСО 14 644-1 стандартларида методология баён қилинган бўлиб, унда намуналар олинган жойларнинг энг кам сони ҳамда кўрсатилган ўлчамлардан энг катта заррачалар миқдорлари учун чегараларни ҳисобга олиб намуна ўлчами, шунингдек, олинган натижаларни баҳолаш усули ҳам белгиланган.

Синфни белгилаш учун намуна олишда катта миқдордаги намуналардан фойдаланиш лозим, чунки узун найчали намуна олишдаги системаларда

D'ZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTRISH

DAVLAT N. ZUKHTINI

**MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

5,0 mkm katta ўлчамдаги заррачалар нисбатан юқори даржада чўқади. Ҳавонинг бир йўналишдаги оқими бор системаларида намуналарни олиш учун изокинетик учликлардан фойдаланиш лозим.

Ишчи ҳолатида, синф тозалик даражаси одатдаги иш пайтида, моделлаштирилган ишчи жараёнларида ёки «энг ёмон ҳолат» модели орқали озуқа муҳитларни қадоқлаш жараёнида тасдиқланиши мумкин. EN ISO 14644-2 ва ГОСТ Р ИСО 14644-2N стандартларида белгиланган тозалик синфига доимий мувофиқликни тасдиқлаш учун ўтказиладиган синовлар ҳақида ахборот берилган.

4 Тоза хоналар ва тоза ҳаводаги асбоб-ускуналарнинг мониторинги

Тоза хоналар ва тоза ҳаводаги асбоб-ускуналарни ишлаш вақтида назорат қилиб туриш лозим бўлади, жорий назорат учун намуналарни олиш нуқталарини тоза хоналар ва/ёки тоза ҳудудлар валидациясида (аттестациясида) олинган натижалар ва хавфни таҳлил қилиш орқали танлаш керак.

А синф ҳудудлари учун заррачалар назоратини жараённинг ҳамма вақти мобайнида, шу жумладан ускуналарни йиғиш жараёнида ҳам ўтказиш лозим бўлади. Тегишли асослашда, ифлословчи моддаларни қўллаш жараёнлари истисно қилинади, чунки улар заррачаларни ҳисоблагичини шикастлаши ёки ўзи хатарли бўлиши (масалан, тирик организмлар) ёки радиологик хавф туғдириши мумкин. Бундай ҳолатларда, мониторинг қилишни ускуналарни созлаш бўйича оддий жараёнлар вақтида, хавф вужудга келгунга қадар амалга ошириш лозим бўлади. Жараёнларни моделлаштириш пайтида ҳам мониторинг ўтказиш керак. А синф ҳудудларини шундай муддатларда ва мувофиқ ҳажмдаги намуна олиш билан назорат қилиш лозимки, барча аралашилар, тасодифий ходисалар ва тизимнинг ҳар қандай бузилишлари қайд қилиниши, огоҳлантирувчи чегарадан чиққан пайтда эса хавфни билдирувчи сигнал кўтарилиши мумкин бўлсин. Қадоқлаш жойида, технологик жараёнда, маҳсулотнинг ўзидан заррачалар ёки томчиларни ҳосил бўлишида, ҳар доим ҳам >5,0 mkm ўлчамдаги заррачаларнинг паст даражасини намоён қилишнинг имконияти бўлмайди.

Худди шундай тизимни В синф ҳудудлари учун ҳам қўллаш тавсия этилади, гарчи намуналарни олиш даврийлиги кам бўлса ҳам. Заррачаларни назорат қилиш тизимларининг муҳимлиги ёнма-ён жойлашган А ва В синф ҳудудлари орасини ажратиш самарадорлиги билан аниқланиши лозим. В синф ҳудудларини шундай даврийликда ва мувофиқ ҳажмдаги намуналарни олиш билан назорат қилиниши лозимки, бунда ифлосланиш даражасининг ўзгариши ва тизимнинг ҳар қандай шикастланишлари қайд қилиниши, огоҳлантирувчи чегарадан чиққан вақтда эса хавф сигнали ёқилиши мумкин бўлсин.

Заррачаларга нисбатан ҳавони назорат қилиш тизимлари заррачаларнинг алоҳида ҳисоблагичларидан иборат бўлиши керак; намуналар олиш нуқталарининг кетма-кет жойлашган тизими, қувурўтказгичлар орқали заррача ҳисоблагичларининг биттасига уланган бўлиши; ёки бу икки ёндашувни бирлаштиришдан ташкил топган бўлиши керак. Танланган тизимлар, заррачаларнинг ўлчамини ҳисобга олган ҳолда мувофиқ келиши лозим. Агар намуналарни олишнинг дистанцион системалари қўлланилса, найчада заррачаларнинг йўқотилишини назарда тутиб, найчанинг узунлиги ва найчанинг ҳар қандай букилган жойи радиусига эътибор қаратиш керак бўлади. Назорат тизимларини танлашда, ишлаб чиқариш жараёнлари вақтида фандаланган материаллар томонидан

юзага келадиган ҳар қандай хавфни, масалан, тирик организмлар ёки радиофармацевтик препаратларни ҳам эътиборга олиш лозим бўлади.

Автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланилганда, назорат қилиш мақсадида олинадиган намуналар ўлчами, одатда, намуналарни олиш даражаси фойдаланиладиган системанинг вазифаси ҳисобланади. Намуналар ҳажми, тоза хоналар ёки тоза ҳаводаги ускуналар синфини расмий қабул қилинган пайтдагидек бўлишининг зарурати йўқ.

А ва В синфли ҳудудларда $>5,0$ мкм ўлчамдаги заррачалар концентрациясининг мониторинги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу номувофикликни эрта аниқлаш учун диагностиканинг муҳим воситаси ҳисобланади. Баъзан $>5,0$ мкм ўлчамдаги заррачаларнинг микдорий кўрсаткичлари электрон шовқин, ташки ёруглик, тасодифий ҳолатларнинг бири-бирига тўғри келиб қолиши ва ҳ.к. ҳисобига хато бўлиши мумкин. Бироқ, паст даражаларни узлуксиз ёки доимий равишда аниқланиши мумкин бўлган ифлосланиш ҳолатининг кўрсаткичи ҳисобланиб, бунда текширув ўтказилиши зарур. Бундай ҳолатлар HVAC тизимларининг дастлабки номувофиқлиги, қадоклаш ускуналарини шикастланганлигидан далолат бериши ёки ускуналарни ўрнатиш ва оддий ишлаш вақтида қоидаларга риоя қилинмаганлигини ҳам кўрсатиши мумкин.

1 жадвалда кўрсатилган, жиҳозланган ҳолатида рухсат этилган заррачалар микдорига, ходимлар йўқлигида, жараёнлар тугаганидан сўнг 15-20 дақиқа мобайнида тозаланилганидан сўнг эришиш керак бўлади.

Жараёнлар ўтказишда С ва D синф ҳудудларининг назоратини сифат учун хавф бошқаруви тамойилларига мувофиқ ҳолда амалга ошириш лозим. Огоҳлантирувчи чегара ва чоралар кўришни талаб қилувчи чегарага қўйиладиган талаблар, бажариладиган жараёнлар тавсифига боғлиқ бўлади, аммо тавсия қилинган «тозалаш даври»га эришиш зарур.

Ҳарорат ва нисбий намлик каби бошқа кўрсаткичлар маҳсулот ва бажариладиган жараёнлар тавсифига боғлиқ бўлади. Бу параметрлар тозаланишнинг белгиланган стандартларига таъсир этмаслиги лозим.

Тозаликнинг ҳар хил синфли зоналарида бажариш лозим бўлган жараёнларга мисоллар 2 жадвалда келтирилган (яна мазкур илованинг 10.7-11.4 пунктларига қ.).

2-жадвал

Синф	Бирламчи қадокда стерилизацияланадиган маҳсулот учун жараёнларга мисоллар (мазкур илованинг 10.7-10.9 бандларига қаранг.)
A	Хавф-хатарга деярли йўл қўйилмаганида, маҳсулотни қадоклаш
C	Хавф-хатарга деярли йўл қўйилмаганида, эритмаларни тайёрлаш. Маҳсулотни қадоклаш
D	Эритмаларни тайёрлаш ва кейинги қадоклаш учун компонентларни ҳозирлаш

Синф	Асептик шароитларда тайёрлаш учун жараёнларга мисоллар (мазкур илованинг 10.10-11.4 бандларига қ.)
A	Асептик шароитларда тайёрлаш ва қадоклаш
C	Филтрация қилинадиган эритмаларни тайёрлаш
D	Ювишдан сўнг бирламчи қадоклаш компонентлари билан ишлаш

4.1 Заррачалар бўйича тозаликнинг турли хил синфларини назорат қилиш учун ҳудудларни “Ишчи” ҳолатда текшириш зарур.

4.2 Асептик шароитларда жараёнларни бажаришда, пластинага седиментация қилиш, ҳаво ҳажмидан ва юза қисмлардан (масалан, ювиб намуна олиш ва контакт пластиналар ёрдамида намуна олиш) намуналарни олиш каби усуллардан фойдаланиб, тез-тез назорат ўтказиш лозим. Ишлатилаётган ҳолатида намуналарни олиш усуллари ҳудудлар ҳимоясига зарар етказмаслиги керак. Назорат натижалари тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга рухсат бериш учун серия баённомаси ҳужжатини кўришда қараб чиқилиши лозим. Критик (маъсулятли) жараёнлардан сўнг юза қисмлар ва ходимларни назоратдан ўтказиш зарур.

Шунингдек, технологик жараёнлар ўтказилмаётганида, масалан, тизимларнинг валидацияси, тозалаш ва санитар ишлов берилишидан сўнг, қўшимча тарзда микробиологик назоратни амалга ошириш лозим.

Ишлатилиш вақтида тоза ҳудудларнинг микробиологик назоратда тавсия қилинган чегараларни 3 жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Микробиологик контаминациянинг тавсия қилинган чегаралари (а)				
Синф	Ҳаво намунаси (КХБ/м ³)	Пластинадаги седиментация (d = 90 mm), КХБ/4 соат (б)	Контакт пластинаси (d = 55 mm), КХБ/пластинка	Қўлқопдаги 5 бармоқнинг изи (КХБ/қўлқоп)
A	< 1	< 1	< 1	< 1
B	10	5	5	5
C	100	50	25	-
D	200	100	50	-

Изоҳ:
 (а) Ўртача кўрсаткичлари келтирилган.
 (б) Седиментация учун алоҳида пластиналар камида 4 соат туриши мумкин.

4.3 Заррачалар ва микроорганизмлар назоратининг натижалари бўйича мувофиқ келувчи чегаралар белгиланиши лозим: огоҳлантирувчи чегара ва чоралар кўришни талаб қилувчи чегара. Агар бу чегаралар ошириб юборилган бўлса, ишчи йўриқномаларга тўғирловчи ҳаракатлар киритилиши лозим.

5 Изоляциялаш технологияси

5.1 Изоляциялаш технологиясидан фойдаланиш ишлаб чиқариш ҳудудларида одамнинг иштирок этиш заруриятини камайтиради, бунинг натижасида асептик шароитларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг атроф муҳитдан микробиологик ифлосланиш хавфи сезиларли даражада камаяди. Изоляторлар ва узатма қурилмаларнинг кўплаб турлари мавжуд. Изолятор ва уни ўраб турган муҳит шундай тарзда тузилган бўлиши лозимки, мувофиқ ҳудудда хавонинг керакли сифати таъминлансин. Турли хил материаллардан тайёрланган изоляторларда, кўп ёки кам даражада изоляция ва герметизациянинг бузилишларини кўриш мумкин. Узатма қурилмаларнинг конструкцияси, битта ёки иккита эшикли тизимлардан тўлиқ герметизацияланган қурилмаларгача (шу жумладан, стерилизация) бўлган қурилмада бўлиши мумкин.

Материалларни қурилманинг ичкараси ва ташқарисига ўтиб қолиши ифлосланишнинг энг муҳим потенциал манбалари ҳисобланади. Одатда, изолятор ичидаги ҳудуд юқори хавfli манипуляциялар учун чегараланган ҳудуд ҳисобланади, гарчи, шундай қурилмаларнинг ҳамма ишчи ҳудудида ҳавонинг ламинар оқими мавжуд бўлмаслиги мумкин.

Изоляторни ўраб турувчи ҳудуддаги ҳавонинг тозалигига талаблар, унинг тузилиши ва вазифаларига боғлиқ бўлади. Бундай ҳудуднинг тозалигини назорат қилиш лозим; асептик шароитлардаги ишлаб чиқариш, ҳеч бўлмаганда, D синфни талаб қилади.

5.2 Изоляторлардан фойдаланишни фақат тегишли валидация ўтказилганидан сўнг бошлаш мумкин. Изоляцияланган технологияларнинг барча жиддий омилларини, масалан, изоляторнинг ичкараси ва ташқарисидаги (ўраб турувчи ҳудуд) ҳавонинг сифати, изоляторга санитар ишлов берилиши, узатиш жараёнлари ва изоляторнинг бутунлигини валидацияда ҳисобга олиниши лозим.

5.3 Изолятор ва кўлқоп/енг тугунларининг герметиклигини тез-тез такрорланиб турадиган текширувларини қамраб олган назоратни доимий равишда ўтказиб туриш зарур.

6 Пуфлаш / дозалаш / герметизациялаш технологияси

Пуфлаш / дозалаш / герметизациялаш учун қурилмалар – бу махсус конструкцияланган машиналар бўлиб, бунда битта автоматик мажмуада, бир узлуксиз жараён мобайнида термопласт гранулятидан контейнерлар (бирламчи қадоклар) муайян шаклга келтирилади, улар тўлдирилади ва герметизацияланади. Асептик шароитларда ишлаб чиқариш учун фойдаланадиган пуфлаш / дозалаш / герметизациялаш технологиялари учун ускуналар А синф ҳавосининг самарали оқими билан, ҳеч бўлмаганда, А/В синфлар учун кийиладиган кийимлардан фойдаланиш шarti билан С синфли атроф муҳитда ўрнатилиши мумкин. Жихозланган ҳолатида атроф муҳит ҳам заррачалар миқдори бўйича, ҳам тирик микроорганизмлар миқдори бўйича, ишчи ҳолатида эса фақат тирик микроорганизмлар миқдори бўйича меъёрлар талабларини қониқтириши лозим. Якуний стерилизациялаш ўтказиладиган (бирламчи қадокда) маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган пуфлаш / дозалаш / герметизациялаш технологиялари учун ускуналар, ҳеч бўлмаганда, D синфли атроф муҳитда ўрнатилиши зарур.

Ушбу технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари ва спецификациясини ҳисобга олиб, ҳеч бўлмаганда, қуйидагига алоҳида эътибор қаратиш керак:

- ускуналарнинг тузилиши ва малакаси;
- «жойида тозалаш» и «жойида стерилизациялаш» жараёнларини бир хилда қайтарилишининг валидацияси;
- ускуналар жойлаштирилган ҳудуд учун атроф муҳит ҳисобланадиган тоза хона майдонига;
- операторни ўқитиш ва унинг кийимига;
- ускуналарнинг критик ҳудудларига аралашув, шу жумладан асептик шароитдаги дозалашни бошлаш олдидан ҳар қандай йиғиш ишлари.

7 Якуний стерилизация қилинадиган маҳсулотлар

Компонентларни тайёрлаш ва кўпгина маҳсулотларни ишлаб чиқаришни, ҳеч бўлмаганда, D синфли атроф муҳитда амалга ошириш зарур, чунки бунда фильтрациялаш ва стерилизациялашга мос келадиган заррачалар ва микроорганизмлар билан ифлосланиш

хавфининг етарлича паст даражаси таъминланади. Микроб контаминацияси маҳсулотлар учун алоҳида хавф тугдирса, масалан, маҳсулот микроорганизмларнинг ўсиши учун яхши озуқа муҳити ҳисобланса ёки унинг стерилизациясигача етарлича узоқ вақт ўтган бўлса, ёки технологик жараён асосан очиқ идишларда олиб борилса, маҳсулотни тайёрлашни С синфли атроф муҳитда амалга ошириш лозим.

Якуний стерилизациялашдан олдин маҳсулотларни дозалашни, ҳеч бўлмаганда, С синфли атроф муҳитда амалга ошириш керак.

Агарда, маҳсулотларни атроф муҳитдан ифлосланишининг юқори хавфи мавжуд бўлса, масалан, дозалаш жараёни секин амалга оширилса ёки контейнерларнинг (бирламчи кадоқлар) оғзи кенг бўлса, ёки герметизациялаш олдидан бир неча сониядан кўпроқ вақтда очиқ қолиб кетса, тўлдиришни А синф ва атроф муҳити, ҳеч бўлмаганда, С синф бўлган зонада амалга ошириш зарур. Якуний стерилизациялаш олдидан малҳамлар, кремлар, суспензиялар и эмульсияларни тайёрлаш ва кадоқлаш, одатда, С синфли атроф муҳитда амалга оширилади.

8 Асептик шароитларда тайёрлаш

Ювишдан сўнг кадоқлаш копонентлари (бирламчи кадоқлаш) билан ишлашни, ҳеч бўлмаганда, D синфли атроф муҳитда амалга ошириш лозим. Агарда, кейинчалик стерилизация ёки стерилизацияловчи филтрация мўлжалланмаган бўлса, стерил хом ашёлар ва компонентларнинг қайта ишловини В синфли атроф муҳитдаги А синфли ишчи худудда амалга ошириш лозим бўлади.

Технологик жараёни вақтида, стерилизацияловчи филтрациядан ўтказиладиган эритмаларни тайёрлашни С синфли атроф муҳитда ўтказиш керак; агарда стерилизацияловчи филтрация ўтказилмаса, унда ашёларни тайёрлаш ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни В синфли атроф муҳитдаги А синфли ишчи худудда амалга ошириш зарур.

Асептик шароитларда тайёрланган маҳсулотга ишлов бериш ва кадоқлашни В синфли атроф муҳитдаги А синфли ишчи худудда амалга ошириш зарур.

Тўлақонли тиқинланмаган (масалан, лиофилизация қилинган маҳсулотлар) контейнерларни (бирламчи кадоқлар) маҳсулот билан узатишни (маҳсус транспортда ташишни), тиқинлаш жараёни тугагунга қадар В синфли атроф муҳитдаги А синфли худудда, ёки зич ёпиладиган узатувчи боксларда, В синфли атроф муҳитда амалга ошириш лозим.

Стерил суртмалар, крем, суспензия ва эмульсияларни тайёрлаш ва кадоқлашни, агарда маҳсулот очиқ идишларда бўлса ва кейинчалик стерилизацияловчи филтрация қилинмаса, В синфли атроф муҳитдаги А синфли ишчи худудда ўтказиш керак.

9 Ходимлар

9.1 Тоза худудларда зарур ходимлар мумкин қадар кам бўлиши талаб қилинади, бу айниқса асептик шароитларда қайта ишлашда жуда муҳимдир. Текшириш ва назоратни, имкони борича, тоза худудлар ташқарисидан амалга ошириш лозим.

9.2 Бундай худудларда ишлайдиган барча ходимлар (тозаловчи ва техник хизмат кўрсатувчи ходимларни қўшиб ҳисоблаганда), стерил маҳсулотларни тегишли ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган фанлар, шу жумладан тийиша масалалари ва микробиология асослари бўйича мунтазам равишда таълим олиши зарур. Агарда

бундай ўқишни ўтамаган бегона ходимлар (масалан, шартнома асосида ишлайдиган қурувчилар ёки ускуналарни созловчилар) тоза хоналарда бўлишлари лозим бўлса, унда улар билан батафсил инструктаж ўтказилган бўлиши ва улар устидан қатъий назорат ўрнатилиши лозим.

9.3 Ҳайвонлар тўқималаридан олинган материалларга ишлов беришда қатнашадиган ёки микроорганизмлар культуралари билан ишлайдиган, жорий ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмайдиган ходимлар, агарда улар у ҳудудларга кириш бўйича қатъий ва аниқ белгиланган қўлланмаларга риоя қилмасалар, стерил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳудудларига киришлари мумкин эмас.

9.4 Шахсий гигиена ва тозалikka қатъий талаблар зарур. Стерил дори препаратлари ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимлар, ифлосланишнинг турлари ва меъёрдан ортик миқдорини тарқалишига сабабчи бўладиган ҳар қандай ҳолатлар тўғрисида хабар беришга мажбур эканликлари тўғрисида инструктаж олган бўлишлари керак; бундай ҳолатлар юзага келганда, ходимларнинг соғлигини ваткти-вакти билан текширишдан ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ. Микробиологик ифлосланиш манбаси бўлиши мумкин бўлган ходимларга нисбатан кўриладиган зарур чоралар, бунга тайинланган ваколатли шахс томонидан белгиланиши лозим.

9.5 Тоза ҳудудларда ишлаш ва тоза ҳудудларга ифлос нарсаларни олиб кирмаслик ва кийимдан ифлосланиш бўлиш хавфини энг кичик кўрсаткичга тушириш учун ишлаб чиқилган ёзма қўлланмаларга мувофиқ ҳолда ечиниш кийиниш ва ювиниш зарур.

9.6 Тоза ҳудудларда қўл соатлари ва заргарлик зеб-зийнатларни тақиш, шунингдек, пардоз буюмларидан фойдаланишга рухсат берилмайди.

9.7 Кийим ва унинг сифати жараён ва ишчи ҳудуднинг синфига мос келиши зарур. Кийимни шундай кийиш лозимки, бунда маҳсулот ифлосланишдан ҳимоя қилинган бўлиши керак.

Ҳар бир синф учун зарур кийимлар тавсифи куйида келтирилган.

D синф: сочлар ва соқол (бўлса) ёпилган бўлиши лозим. Одатдаги ҳимоя кийими ва унга мос оёқ кийими ёки бахилла кийиш зарур. Ташқаридан тоза ҳудудга тушадиган ҳар қандай ифлосланишнинг олдини олиш учун тегишли чоралар кўрилиши лозим.

C синф: сочлар ҳамда соқол ва мўйловлар (бўлса) ёпилган бўлиши лозим. Билакларга маҳкам ёпишиб турадиган ва баланд ёқали комбинзон ёки шимли костюм, шунингдек, мос оёқ кийими ёки бахилла кийиш зарур. Улардан тола ёки парчалар ажралмаслиги керак.

A/B синф: бош кийим сочлар ҳамда соқол ва мўйловларни (бўлса) тўлиқ ёпиб туриши лозим; у костюм ёқасига кўшилган бўлиши керак; юзда тер томчилари тарқаллишининг олдини олиш учун ниқоб тақиш зарур. Мувофиқ тарзда стерилизация қилинган ва упаланмаган резинали ёки пластик қўлқоплар ва стерилизацияланган ёки дезинфекцияланган бахиллалар кийиш лозим бўлади. Иш кийимининг пастки қисми бахиллаларга, кийимларнинг энги қўлқопларга қистирилган бўлиши зарур. Ҳимоя кийими ўзидан тола ёки парчалар ажратмаслиги ва бадандан ажралиб турадиган заррачаларни тутиб қолиши керак.

9.8 Кундалик кийимларни В ва С синфли хоналарга олиб борувчи кийиниш хоналарига олиб кириш тақиқланади. А/В синф ҳудудидаги ҳар бир ишчи, ҳар бир смена учун тоза, стерилланган (стерилизация қилинган ёки тегишли санитар ишловдан ўтган) ҳимоя кийими билан, ҳеч бўлмаганда, бир кунга, агар бу назорат натижалари билан

оқланган бўлса, таъминланиши зарур. Иш вақтида қўлқопларни доимий равишда дезинфекциялаш лозим. Ниқоб ва қўлқопларни, ҳеч бўлмаганда, ҳар сменада алмаштириш лозим.

9.9 Тоза хоналар учун кийиладиган кийимни тозалаб туриш зарур ва у кейинчалик контаминацияга сабабчи бўлиши мумкин бўлган қўшимча ифлосланишига йўл қўймаслик лозим. Бу ишларни ёзма қўлланмаларга мувофиқ ҳолда бажариш лозим бўлади. Бундай кийимлар учун, мумкин қадар алоҳида кирхоналар бўлиши лозим. Кийимларга нотўғри ишлов бериш газлама толасига зарар етказди, натижада заррачалар ажралишининг хавфи ортади.

10 Хоналар

10.1. Тоза ҳудудларда, заррачалар ёки микроорганизмларнинг ҳосил бўлиш ва тўпланиш хавфини энг кичик даражага тушириш учун барча очик юзалар, текис ва ялтироқ, шикастланмаган ва ҳеч нима ўтказмайдиган, шунингдек, ювувчи ва зарур ҳолатларда дезинфекцияловчи воситаларни кўп маротаба ишлатишга имкон берадиган бўлиши лозим.

10.2 Чангларнинг тўпланишини камайтириш ва тозалашни енгиллаштириш учун хоналарда тозалаш имконини бермайдиган чуқурликлар бўлмаслиги ва токча, жавон ва ускуналарда иложи борича бўртиб чиққан қирралар бўлмаслиги керак. Эшиклар тозалаш учун қийин бўлмайдиган чуқурликларсиз қурилган бўлиши зарур; шу сабабли икки ёққа суриладиган эшиклардан фойдаланилмагани маъқул.

10.3 Осилиб турадиган шифтлар, уларнинг устидаги бўшлиқдан ифлосланиш бўлиши олдини олиш мақсадида зич ёпилган бўлиши керак.

10.4 Қувур, канал ва бошқа коммунал қурилмалар шундай тарзда ўрнатилган бўлиши керакки, чуқурликлар ҳосил бўлмасин ва ёпилмаган тешиклар қолмасин, шунингдек, тозалаш учун қийин бўлган юзалар бўлмаслиги керак.

10.5 Ишлаб чиқариш асептик шароитларда амалга ошириладиган А/В синф ҳудудларида раковина ва сув чиқариладиган қурилмаларнинг бўлиши тақиқланади. Бошқа ҳудудларда машина ва раковина ёки сув оқиб кетадиган қурилма ўртасида ҳаволи бўшлиқлар бўлиши лозим. Тозалик синфи пастроқ бўлган хоналарда, полдаги сув кетадиган қурилмаларда қайта оқимнинг олдини олиш учун сифонлар ёки сув тамбаси билан таъминланган бўлиши зарур.

10.6 Кийиниш учун хоналар ҳаво шлюзлари каби қурилган бўлиб, кийимлар алмаштиришининг ҳар хил босқичларини алоҳида ҳудудларда ўтказилишини таъминлаш учун фойдаланилиши зарур ва шундай қилиб, ҳимоя кийимларини микроорганизм ва заррачалар билан ифлосланишини энг кичик даражага олиб келиши лозим. Улар филтрланган ҳаво билан самарали вентиляция қилиниб турилиши керак. Кийиниш хонасининг охириги қисми, жиҳозланган ҳолатида, тозалик даражаси бўйича у олиб борадиган ҳудуддаги каби бўлиши зарур. Баъзан тоза ҳудудларга кириш ва чиқишда кийимларни алмаштириш учун алоҳида хоналардан фойдаланиш маъқул. Одатда, кийиниш учун хонанинг фақатгина бошлангич қисмида қўл ювиш учун қурилма бўлиши лозим.

10.7 Ҳаво шлюзининг икки эшиги бир вақтнинг ўзида очик бўлмаслиги керак. Бир вақтнинг ўзида биттадан ортиқ эшик очилишини олдини олиш ва ёпиллаштириш тизими ёки кўз билан кузатиш ва/ёки товушли огоҳлантирувчи тизим ишлатиш лозим.

10.8 Филтрланган ҳавони узатиш барча ишлаш шароитларида тозаликнинг паст даражали атроф муҳит ҳудудларига нисбатан юқори босимни таъминлаб бериши лозим, ҳаво оқими эса ҳудуддан самарали оқиб ўтиши зарур. Тозаликнинг ҳар хил синфига мансуб ёнма-ён хоналар 10-15 Pa босимдаги фарққа эга бўлиши лозим. Маҳсулот сифати учун юқори хавф туғдирадиган ҳудудларни, яъни маҳсулотга ёки маҳсулот билан бевосита алоқа қиладиган тозаланган компонентларга таъсир кўрсатадиган атроф муҳитдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ҳар хил ҳаво узатиш ва босимлар фарқлари билан боғлиқ рационал модификацияларга руҳсат берилади, улар айрим материаллар, масалан, патоген, юқори захарли, радиоактив ёки тирик вируслар ёки бактериал материаллар ёки улардан тайёрланган препаратлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Айрим жараёнлар учун техник воситаларнинг деконтаминацияси ва тоза ҳудудлардан чиқадиган ҳавони қайта ишлаш зарур бўлади.

10.9 Ҳаво оқимларининг тавсифи контаминация хавфини келтириб чиқармаслигини намойиш қилиши зарур бўлади, масалан, манбаси одам, ўтказиладиган жараён ёки машина ҳисобланадиган заррачалар маҳсулот сифати учун энг хавфли ҳудудга ҳаво оқимлари билан келиб тушмаяпти.

10.10 Ҳавонинг етарли даражада узатилмаётганлиги ҳақида хабар берувчи огоҳлантирувчи тизим тайёр ҳолатда бўлиши лозим. Агарда иккита хона ўртасидаги босим фарқи муҳим ҳисобланса, унда улар орасидаги босим фарқини аниқловчи ўлчagичларни ўрнатилш зарур. Босимдаги фарқни доимий равишда баённомалаштириб бориш ёки бошқа усулда ҳужжатлаштириб бориш зарур.

11 Ускуналар

11.1 А ёки В синф тозалик ҳудудларини, тозалиги паст синфга мансуб ишлаб чиқариш ҳудуддан ажратиб турувчи тўсикдан конвейер лентасини ўтиши тақиқланади. Конвейер лентаси тўхтовсиз стерилизация қиладиган тоннелдан ўтадиган ҳолатлар бундан мустасно.

11.2 Ускуналар, фиттинглар ва хизмат кўрсатиш воситалари имкони бориша шундай лойиҳалаштирилган бўлиши лозимки, бунда ишчи жараёнлар, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини тоза ҳудуддан ташқарида ўтказиш мумкин бўлсин. Агар стерилизациялаш зарур бўлса, унда ускуналарнинг тўлиқ монтаждан сўнг ўтказилиши керак бўлади.

11.3 Агарда ускуналарни таъмирлаш тоза ҳудуднинг ичида олиб борилган ва бундай ишлар вақтида тозалик ва/ёки асептика меъёрлари бузилган бўлса, унда жараён қайта ишга тушишидан олдин ҳудуд тозаланган, дезинфекцияланган ва/ёки стерилизация (нима тўғри келишига мос равишда) қилинган бўлиши лозим.

11.4 Сувни тайёрлаш қурилмалари ва унинг тарқатилиш тизимлари шундай лойиҳалаштирилган, қурилган бўлиши керакки, улардан фойдаланилганида мувофиқ сифатдаги сув билан ишончли таъминланиши зарур. Улардан лойиҳада кўзда тутилганидан юқори қувватда фойдаланиш мумкин эмас. Инъекция учун сувларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва тарқатишни микроорганизмларнинг ўсишини олдини оладиган қилиб ташкиллаштириш зарур, масалан сувни 70 °C дан юқори ҳароратда доимий циркуляциясини таъминлаб.

11.5 Барча ускуналар (масалан, стерилизаторлар), ҳавони қайта ишлаш ва филтрациялаш тизимлари, туйнук ва газ филтрлари, сувни қайта ишлаш, ҳосил қилиш,

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

саклаш ва тарқатиш тизимлари валидация қилиниши ва уларга режа асосида техник хизмат кўрсатилиши зарур; уларни қайта ишга тушириш учун рухсат берилиши лозим.

12 Санитария

12.1 Тоза худуларга санитария ишлови бериш жуда муҳим аҳамиятга эга. Худудларни ёзма дастурга мувофиқ яхшилаб тозалаш зарур. Дезинфекция ўтказиладиган ҳолатда дезинфекцияловчи воситаларнинг бир неча турларини қўллаш, лозим. Микроорганизмларнинг чидамли штаммларини аниқлаш учун доимий равишда назорат амалга оширилиши керак.

12.2 Ювиш ва дезинфекцияловчи воситаларни микробиологик тозаликка нисбатан назорат қилиш зарур. Уларнинг эритмаларини олдиндан тозаланган контейнерларда (идишларда) ушлаш ва белгиланган муддатлар давомидагина саклаш (стерилланадиган эритмалардан ташқари) лозим бўлади. А ва В синфли зоналарда фойдаланиладиган ювиш ва дезинфекцияловчи воситалар, ишлатилишидан олдин стерилланган бўлиши керак.

12.3 Тозалашни амалга ошириб бўлмайдиган жойларда микробиологик ифлосланишни камайтириш учун тоза худудларнинг фумигацияси фойдали бўлиши мумкин.

13 Ишлов бериш

13.1 Барча ишлаб чиқариш босқичларида, жумладан, стерилизациялашдан олдинги босқичларда, ифлосланишни энг кам даражага олиб келувчи чоралар кўрилиши лозим.

13.2 Келиб чиқиши микробиологик бўлган препаратларни, бошқа дори воситалари ишлаб чиқариладиган худудларда ишлаб чиқариш ёки қадоқлаш мумкин эмас; аммо ўлдирилган микроорганизмлар ёки инактивациялангандан сўнг экстракцияланган бактериялардан тайёрланган вакциналарни бошқа стерил дори воситалари қадоқланадиган хоналарда қадоқлаш мумкин.

13.3 Асептик шароитларда ўтказиладиган валидация жараёнлари, синовни моделлаштириш жараёнида озуқа муҳитларни қўллашни (озуқа муҳитларни қадоқлаш) ўз ичига олиши керак. Озуқа муҳитни препаратнинг дори шакли ҳамда унинг селективлиги, тиниқлиги, концентрацияси ва озуқа муҳитни стерилизациялаш учун яроқлилигини ҳисобга олиб танлаш лозим. Синовнинг моделлаштирилган жараёни асептик шароитлардаги ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ такрорлаши керак ва ишлаб чиқаришнинг барча кейинги критик босқичларини инобатга олиши зарур. Шунингдек, одатий технологик жараён вақтида ҳамда «энг ёмон ҳолат» шароитларида юзага келиши мумкин бўлган ҳар хил аралашувларни ҳисобга олиш зарур.

Синовнинг моделлаштирилган жараёни бирламчи валидация вақтида ҳар бир смена учун унча кетма-кет қониқарли моделлаштирилган синовларни қамраб олиши лозим; кейин уларни белгиланган вақт оралиғида, шунингдек, HVAC тизими, ускуналар, жараён ёки смена сонидаги ҳар қандай сезиларли ўзгаришлардан сўнг такрорлаш лозим. Одатда, синовнинг моделлаштирилган жараёнини ҳар бир смена ва жараён учун йилда икки марта такрорлаш зарур. Озуқа муҳитларни қадоқлаш учун мўлжалланган контейнерлар миқдори (бирламчи ўрамлар), ишончли баҳолашни таъминлаш учун етарли бўлиши керак. Унча катта бўлмаган серияли ҳолатда, озуқа муҳитларни қадоқлаш учун мўлжалланган контейнерлар сони, энг камида маҳсулот серияси миқдorigа мувофиқ келиши лозим. Микроорганизмларнинг ўсмаслигини таъминлашга стандарт қилиш, бироқ ушбу

- Агарда 5 000 дан кам қадок тўлдирилса, битта ҳам контаминацияланган қадок бўлмаслиги керак.

- Агар 5 000 дан 10 000 гача қадок тўлдирилса:

- а) бир (1) контаминацияланган қадок бўлса, озук мухитларнинг қайта қадоклашни кўриб чиқиш учун текширишга асос бўлади;

- б) икки (2) контаминацияланган қадок бўлса, текширишдан сўнг ревалидацияни ўтказиш учун асос сифатида кўрилади.

- Агар 10 000 ва ундан ортиқ қадок тўлдирилган бўлса:

- а) бир (1) контаминацияланган қадок текшириш учун асос бўлади;

- б) икки (2) контаминацияланган қадок бўлса, текширишдан сўнг ревалидацияни ўтказиш учун асос сифатида кўрилади.

Қадокнинг ҳар қандай миқдорда вақти-вақти билан учраб турадиган микроб контаминацияси ифлосланишнинг паст даражасидаги контаминацияни кўрсатиши мумкин, буни текшириб чиқиш лозим бўлади. Сезиларли муваффақиятсизликларни текшириш, озук мухитларнинг охириги муваффақиятли қадокланишидан сўнг ишлаб чиқарилган серияларнинг стериллигини таъминлашга озук мухитнинг таъсирини текширишни камраб олиши лозим.

13.4 Ҳар қандай валидация технологик жараёнлар учун хавф туғдирмаслигини таъминлаш зарур.

13.5 Сув манбалари, сувни қайта ишлаш учун ускуналар ва қайта ишланган сувни кимёвий ва биологик контаминацияни ҳамда зарур бўлганида эндотоксинлар билан контаминациясини доимий равишда назорат қилиб бориш зарур. Назорат натижалари ва барча амалга оширилган ҳаракатларга баённома тузиш лозим.

13.6 Тоза ҳудудларда, айниқса, асептик шароитларда ишлов берилганида, ходимлар фаолияти энг кам миқдорда бўлиб, уларнинг ҳаракатланиши қатъий тартибли ва назоратда бўлиши керак, чунки бунда кўп ҳаракатли фаоллик натижасида ортиқча заррача ва микроорганизмлар ажралишининг олди олинади. Атроф мухитнинг ҳарорати ва намлиги, фойдаланиладиган кийимларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ноқулайлик яратмаслиги лозим.

13.7 Хом ашёнинг микробиологик контаминацияси энг кам даражада бўлиши лозим. Агарда бунинг зарурлиги мониторинг жараёнида аниқланган бўлса, спецификацияларда микробиологик тозалikka нисбатан талаблар бўлиши керак.

13.8 Тоза ҳудудларда тола ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлган контейнер ва материаллар энг кам миқдорда бўлиши керак.

13.9 Тайёр маҳсулотларни заррачалар билан контаминация бўлиш эҳтимоллигини энг кам миқдоргача етказиш чораларини кўриш лозим.

13.10 Компонентлар (бирламчи ўрамлар), контейнерлар (сигимлар) ва ускуналарни тозаланиш жараёни якунланганидан кейин, уларнинг қайта контаминациясини юзага келтирмидиган чора – тадбирлар белгиланиши керак.

13.11 Компонентлар, контейнерлар ва ускуналарни ювиш, қуриштириш ва стерилизациялаш орасидаги вақт оралиқлари, шунингдек, уларни стерилизациялаш ва кейинги қўллаш орасидаги вақт мумкин қадар кам бўлиб, сақлаш шароитларига мувофиқ келувчи вақт бўйича чегараланган бўлиши лозим.

13.12 Эритмаларни тайёрлаш ва уларнинг стерилизацияси еки стерилизацияловчи филтрацияси орасидаги вақт энг кам муддатни таъминлаш керак. Маҳсулотнинг ҳар

UZSTANDART AGENTLIGI

DAVLAT NIZMATI

MUVOFIQLASHTIRISH

BOSHQARMASI

бир тури учун унинг таркиби ва тасдиқланган сақлаш усуллари ҳисобга олиб, энг узоқ мумкин бўлган вақт белгиланиши зарур.

13.13 Стерилизация қилиш олдидан микроб миқдори даражасини назорат қилиш зарур. Бевосита стерилизация қилишдан олдин, қўлланиладиган усулнинг самарадорлиги билан ўзаро боғлиқ бўлган контаминациянинг ишчи чегаралари белгиланиши лозим. Микроб миқдори даражасини, ҳам асептик шароитларда қадокланган маҳсулотнинг, ҳам охирида стерилизация қилинадиган маҳсулотнинг ҳар бир серияси учун миқдоран аниқлаш керак бўлади. Агарда, охирида стерилизация қилинадиган препаратлар учун стерилизациянинг жуда қатъий кўрсаткичлари белгиланган бўлса, микроб миқдори даражаси назарда тутилган мувофиқ жадвалдаги вақт оралиқлари орқалигина назорат қилиш мумкин. Ишлаб чиқариш тизими ҳолатида, микроб миқдори даражасини миқдорий кўрсаткичлари бўйича аниқлашни ҳар бир серия учун ўтказиш ва бунга ишлаб чиқариш жараёнидаги синов сифатида қабул қилиш лозим бўлади. Керак бўлганида, эндотоксинлар миқдорини назорат қилиш зарур бўлади. Барча эритмаларни, айниқса, катта ҳажмдаги инфузион суюкликларни, имкони борича тўғридан-тўғри қадоклаш олдидан стерилизацияловчи фильтрациядан ўтказиш керак.

13.14 Тоза ҳудудда, айниқса, асептик шароитларда ишлаш пайтида зарур бўладиган компонентлар, контейнерлар, ускуна ва ҳар қандай бошқа буюмлар стерилизация қилинган бўлиши ва у ерга контаминациянинг олдини олувчи, девор ичига икки томонлама олинадиган ёки бошқа усул билан қурилган стерилизатор орқали берилиши лозим. Ёнмайдиган газлар микроорганизмларни тутиб қолувчи филтёрлардан ўтиши зарур.

13.15 Ҳар қандай янги бажариладиган иш тартибининг самарадорлиги валидацияда тасдиқланиши лозим ва валидация натижалари ҳисобга олинган жадвалга мувофиқ, шунингдек, жараён ёки ускуналардаги ҳар қандай сезиларли ўзгаришлар бўлганда доимий равишда валидация ўтказилиб турилиши керак.

14 Стерилизациялаш

14.1 Стерилизациялашнинг барча жараёнлари валидациядан ўтиши лозим. Агар стерилизациялашнинг танланган усули Европа Фармакопеясининг амалдаги нашрида ёки бошқа тегишли норматив ҳужжатларда кўрсатилмаган бўлса ёки ундан оддий сувли ёки ёғли эритма ҳисобланмайдиган маҳсулот учун фойдаланилса, унга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Имкон даражасида, термик стерилизация қўлланилиши зарур. Барча ҳолатларда стерилизация жараёнлари рўйхатга олиш ҳужжатлар тўплами ва ишлаб чиқариш лицензиясига мос келиши лозим.

14.2 Ҳар қандай стерилизациялаш жараёнини танлаш олдидан, танлов муайян маҳсулот учун мувофиқ келиши ва юклашнинг ҳар қандай турининг барча қисмларида стерилизациянинг зарур шароитларига эришиш мумкинлигини физик ўлчовлар ёки имкони бўлса, биологик индикаторлар ёрдамида кўрсатиб бериш керак. Жараён валидациясини жадвалда белгиланган давр оралиғида, аммо йилда бир мартадан кам бўлмаган, шунингдек, ускунага жиддий ўзгартиришлар киритилган пайтларда, ўтказиш лозим. Натижалар акс этган баённомаларни сақлаш керак.

14.3 Самарали стерилизациялаш учун бор материалга тўлиқ равишда ишлов берилиши лозим, жараён эса бунга эришишни кафолатлайдиган тарзда ташкиллаштирилган бўлиши зарур.

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

14.4 Стерилизациялашнинг барча жараёнлари учун юклаш усуллари ишлаб чиқиши ва уларнинг валидацияси ўтказилиши лозим.

14.5 Биологик индикаторларнинг қўлланилишини, стерилизациялашни назорат қилишнинг факатгина кўшимча усули сифатида кўрилиши керак. Биологик индикаторларни ишлаб чиқарувчининг йўриқномаларига мувофиқ сақлаш ва фойдаланиш лозим, уларнинг сифати эса ижобий назорат усуллари ёрдамида назорат қилиниши зарур. Биологик индикаторлардан фойдаланиш вақтида, уларнинг ўзидан микроб контаминациясини олдини олувчи қатъий чоралар кўрилиши лозим.

14.6 Стерилланмай қолган маҳсулотлар ва стерилизациядан ўтган маҳсулотларни фарқлашнинг аниқ усуллари бўлиши лозим. Маҳсулотлар ёки компонентлар (бирламчи ўрамлар) учун ҳар бир сават, маҳсус ёки бошқа идиш, материал номи, унинг серия рақами ва у стерилланган ёки стерилланмай қолганлиги аниқ кўрсатилиб таъғаланиши лозим. Автоклав лентаси каби индикаторлардан, зарур ҳолларда, серия (ёки сериянинг қисми) стерилизациялаш жараёнини ўтган-ўтмаганлигини кўрсатиш учун фойдаланиш мумкин, бироқ улар сериянинг ҳақиқатда стерилланганлиги ҳақида ишончли кўрсатма бера олмайди.

14.7 Стерилизациялашнинг ҳар бир цикли учун баённомалар тузиш зарур. Улар серияни ишлаб чиқаришга рухсат берилаётганда ҳужжатлар қисми сифатида тасдиқланиши лозим.

15 Термик стерилизациялаш

15.1 Термик стерилизациялашнинг ҳар бир цикли тегишли шкала узунлигида ёки керакли аниқликка эга бошқа ускуналарда вақт / ҳарорат диаграммасида ёзилиши мумкин. Назорат ва/ёки ёзувлар учун қўлланиладиган ҳарорат зондларининг жойлашиш ўрни валидация вақтида белгиланган бўлиши ва зарур ҳолларда, айти ўша жойда жойлашган бошқа алоҳида ҳарорат зонди билан ҳам текширилиши лозим.

15.2 Кимёвий ёки биологик индикаторлардан ҳам фойдаланиш мумкин, бироқ улар физик ўндовларнинг ўрнини боса олмайди.

15.3 Стерилизациялаш вақтини ҳисоблаш бошланишига қадар, бутун сиғимдаги жами юк зарур ҳароратга эришиши учун етарли вақт кўзда тутилиши лозим. Бу муддат стерилланадиган юкнинг ҳар қайси тури учун аниқланган бўлиши зарур.

15.4 Термик стерилизациялаш циклининг юқори ҳароратли фазаси тугаганидан кейин, стерилланган юкни совитиш вақтида, контаминацияни олдини оладиган эҳтиёт чораларни кўриш лозим бўлади. Бирорта ҳам герметик бўлмаган контейнер, фойдаланиш учун рухсат берилмаслиги қафолатланган ҳолатлардан ташқари, маҳсулот билан ўзаро таъсирлашишига қарши қандай совитувчи суюқлик ёки газ стерилланган бўлиши лозим.

16 Нам иссиқлик

16.1 Нам иссиқ билан стерилизациялаш жараёнини назорат қилиш учун ҳарорат ва босимни ҳам текшириш зарур. Бошқарув асбоблари, одатда, назорат асбоблари ва ёзув ускуналаридан алоҳида бўлиши лозим. Бу мақсадлар учун автоматлаштирилган бошқарув ва назорат тизимларидан фойдаланилаётганда, улар нозик жараённинг талабларига риоя қилинишини қафолатлаши учун валидациядан ўтиши зарур. Бошқарув тизими ва стерилизациялаш циклидаги бузилишлар назорат тизими орқали қайд этилиши ва оператор назорати остида бўлиши керак. Стерилизациялаш даври мобайлида мустақил

U'Z STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

харорат зонди кўрсаткичини ўзи ёзувчи диаграмма кўрсаткичларига нисбатан солиштириб, доимий равишда текшириб бориш лозим. Камера тагида, сув чиқиш жўмраги билан жиҳозланган стерилизаторларда, стерилизациялашнинг бутун даври мобайнида ўша жойдаги хароратни қайд этиш зарур. Агарда стерилизациялаш цикли вакуум фазасини ўз ичига олса, камеранинг зич ёпилганлигини тез-тез текшириб туриш зарур.

16.2 Стерилизацияланиши зарур бўлган объектлар, зич ёпилган контейнерлардаги (бирламчи ўрамлардаги) маҳсулотлардан ташқари, стерилизациялашдан сўнг қайта контаминациянинг олдини олувчи, ҳаво ва буғни ўтказадиган материалга ўраб қўйилиши лозим. Юкнинг барча қисмлари стерилловчи омил билан керакли вақт мобайнида зарур хароратда алоқада бўлиши лозим.

16.3 Стерилизациялаш учун, маҳсулотлар ёки ускуналар контаминациясини чақирини мумкин бўлмаган миқдорда аралашмаларни сақловчи тегишли сифатдаги буғни қўллашни таъминлаш зарур.

17 Куруқ иссиқлик

Стерилизациялаш жараёнида куруқ иссиқлик қўлланилганида, камера ичида ҳавонинг айланишини ва унга ностерил ҳаво кирмаслиги учун ортикча босимни ушлаб туриш талаб этилади. Барча узатиладиган ҳаво HEPA филтрлари орқали ўтказилиши лозим. Агарда бу жараён пирогенларни ҳам бартараф қилишга мўлжалланган бўлса, унда валидациянинг бир қисми сифатида, эндотоксинлардан атайлаб фойдаланиш кўзда тутилган снповлар ўтказилиши лозим.

18 Нурлантириш билан стерилизациялаш

18.1 Нурлантириш билан стерилизациялашдан, асосан, иссиққа сезгир материал ва маҳсулотларни стерилизациялашда фойдаланилади. Кўпгина дори воситалари ва айрим қадокими материаллари нурланишга таъсирчан бўлади, шу сабабли, ушбу усулнинг маҳсулотга зарарли таъсири йўқлиги тажрибада тасдиқлангандагина, уни қўллашга рухсат берилади. Ультрабинафшали нурланиш, одатда, стерилизациялашнинг мақбул усули ҳисобланмайди.

18.2 Стерилизациялаш жараёни вақтида нурланиш дозасини ўлчаш зарур. Ушбу мақсадлар учун дозиметрлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки уларнинг кўрсаткичлари нурланишнинг тезлигига боғлиқ бўлмайди, аммо стерилизация қилинаётган маҳсулот ютаётган нурланиш дозаларининг миқдорий қайд этилишини таъминлайди. Дозиметрлар, юклар орасида етарли миқдорда ва нурланишга йўлиқадиган, барча жойларда, бир бирига жуда яқин масофада жойлаштирилиши лозим. Пластмассали дозиметрлар уларнинг калибрланиш таъсир муддати чегарасидагина қўлланилиши керак. Дозиметрларнинг кўрсаткичларини нурланиш тугаганидан сўнг қисқа вақт ичида ёзиб олиш зарур.

18.3 Қўшимча назорат учун биологик индикаторлардан фойдаланиш мумкин.

18.4 Валидация жараёнлари ҳар хил зичликдаги жойлашнинг таъсири ҳисобга олинганлигини кафолатлаши лозим.

18.5 Материаллар билан ишлаш жараёнлари нурланган ва нурланмаган материаллар орасидаги чалкашликнинг олдини олиши лозим. Ҳар бир ўрамда, нурланган ўрамни нурланмаган ўрамдан фарқлаш учун, нурланишга таъсирчан рангли индикатор бўлиши лозим.

U'ZBEKISTAN AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

18.6 Нурланишнинг умумий дозаси белгиланган қисқа вақт мобайнида берилиши лозим.

19 Этилен оксиди билан стерилизациялаш

19.1 Бошқа усулдан фойдаланишнинг имконияти бўлмагандагина ушбу усулдан фойдаланиш мумкин. Валидация жараёни вақтида, маҳсулотга кўзда тутилган дегазация учун шароитлар ва муддатининг зарар етказувчи таъсири йўқлиги асосланиши, қолдиқ газ миқдори ва реакция маҳсулотлари мазкур турдаги маҳсулот ёки материал учун мақбул, белгиланган чегараларда эканлиги тасдиқланиши керак.

19.2 Газ ва микроб хужайралари орасидаги бевосита алоқа муҳим аҳамиятга эга; кристаллар ёки куруқ оксил каби материалга микробларнинг кириши имкониятини бартараф этувчи эҳтиёткорлик чоралари кўрилиши зарур. Қадоқлаш ашёларининг тури ва миқдори жараёнга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

19.3 Газ билан ишлов беришдан олдин, материалларнинг намлиги ва ҳароратини, жараён талабларига мослигини таъминлаш лозим бўлади. Бунинг учун зарур бўлган вақтни, қарама-қарши талаб, мос равишда - стерилизациялаш олди вақтини энг кичик муддатга келтириш керак бўлади.

19.4 Стерилизациялашнинг ҳар бир циклини тегишли биологик индикаторлар ёрдамида назорат қилиш лозим бўлади, уларнинг етарли сони барча юклашлар бўйича тенг тақсимланган бўлиши керак. Бундан олинган маълумотлар сериялар баённомасининг қисмини ташкил этиши зарур.

19.5 Стерилизациялашнинг ҳар бир цикли учун, жараён вақтида камерадаги циклининг тўлиқ яқунланиш вақти, босими, ҳарорати ва намлиги, шунингдек, фойдаланилган газнинг концентрацияси ва умумий миқдори кўрсатилган баённомалар тузиш лозим бўлади. Босим ва ҳароратни бутун цикл мобайнида диаграммада қайд этиб бориш керак. Ушбу баённома(лар) сериялар баённомаси қисмини ташкил қилиши зарур.

19.6 Қолдиқ газ ва реакция маҳсулотларини қабул қилинган чегарагача туширишни таъминлаш мақсадида, стерилизациялашдан сўнг юкни, ҳавони вентиляция шароитларида назорат остида сақлаш лозим. Бу жараён валидация қилинган бўлиши керак.

20 Яқуний бирламчи ўрамда стерилизация қилиб бўлмайдиган дори воситаларининг фильтрацияси

20.1 Агар яқуний бирламчи ўрамда стерилизация қилишнинг имкони бўлса, унда битта фильтрациянинг ўзи етарли усул сифатида кўрилмайди. Мавжуд бўлган усулларни эътиборга олиб, устунликни буғ билан стерилизациялашга бериш лозим. Агарда маҳсулотни яқуний бирламчи ўрамда стерилизация қилиш мумкин бўлмаса, унда эритма ёки суюқликларни белгиланган ўлчами 0,22 мкм (ёки камроқ) бўлган стерил фильтр орқали филтрланади ёки олдиндан стерилланган контейнерларга (бирламчи ўрамлар) микроорганизмларни тутиб қолишга қодир ўхшаш фильтр орқали филтрлаш мумкин бўлади. Бундай филтрлар кўпгина бактериялар ва замбуругларни тутиб қолиши мумкин, ammo барча вирус ёки микоплазмаларни эмас. Шунинг учун, фильтрация жараёнига қўшимча равишда маълум бир даражадаги термик ишлов бериш имкониятини кўриб чиқиш лозим бўлади.

U'ZBEKISTAN
 STANDART AGENTLIGI
 STANDARTLASHTIRISH VA
 DAVLAT NAZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

20.2 Стерилизацияловчи фильтрацияда стерилизациянинг бошқа жараёнларига нисбатан потенциал қўшимча хавф мавжуд бўлади, шу сабабли, бевосита қадоқлаш олдиан, микроорганизмларни тутиб қолувчи қўшимча стерилизацияловчи фильтр орқали иккинчи фильтрация ўтказилиши мақбул бўлиши мумкин. Охириги стерилизацияловчи фильтрацияни, имкони борича, қадоқлаш жойига яқинроқ жойда амалга ошириш зарур.

20.3 Фильтрларнинг тола ажратиш қобилияти энг кам даражада бўлиши лозим.

20.4 Стерилизацияловчи фильтрнинг бутунлиги қўллашдан олдин текширилиши лозим ва фойдаланиб бўлиши билан тегишли усул, масалан, нуқтали кўпикчаларнинг юзага келиши, диффузияли оқим синови ёки босим таъсиридаги синов кабилар билан тасдиқланиши лозим. Валидация пайтида қадоқланмаган эритманинг маълум бир ҳажмини фильтрация қилиш вақтини ва фильтрнинг турли томонларидаги босимнинг фарқини аниқлаш керак бўлади; оддий ишлаб чиқариш вақтида бу кўрсаткичлардаги ҳар қандай сезиларли четга чиқишларни ёзиб бориш ва текшириш зарур бўлади. Бундай текширишларнинг натижаларини серия баённомасига киритиш лозим. Критик газ ва ҳаво вентиляция фильтрларининг бутунлигини фойдаланиб бўлинганидан сўнг тасдиқлаш зарур. Бошқа фильтрларнинг бутунлигини тегишли вақт оралиғи ўтганидан кейин тасдиқлаш лозим.

20.5 Битта филтрдан бир иш кунидан кўпвақт мобайнида фойдаланиш мумкин эмас, валидациядан ўтган ҳолатларда узоқ фойдаланиш бундан мустасно.

20.6 Фильтр, маҳсулотга унинг ингредиентларини ушлаб қолиш ёки унга моддаларнинг ажратиш йўли билан таъсир этмаслиги лозим.

21 Стерилланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнини яқунлаш

21.1 Қисман тикинланган лиофилизацияланган маҳсулотли флаконларга, тикин мустаҳкам қўйилмагунча бўлган муддат мобайнида, А синф шароитларида қайта ишлов бериш лозим бўлади. Контейнерлар (бирламчи қадоқлар) валидациядан ўтган тегишли усуллар билан тикинлаб қўйилиши лозим. Кавшарлаб ёпилган контейнерлар, масалан, шиша ёки пластмасса ампулаларни 100 % ҳолатларда бутунликка синовдан ўтказиш керак. Бошқа бирламчи қадоқларнинг намуналарини тегишли усулларга мувофиқ бутунликка текшириб кўриш зарур.

21.2 Асептик шароитларда тўлдириладиган, флаконлар тарзидаги контейнерни тикинлаш тизими, алюминийли қопқоқ тикинланган флаконга қисиб мустаҳкамланмагунча бутун хисобланмайди. Яъни, қопқоқни сиқишни иложи борича флакон тикинланганидан сўнг тезда амалга ошириш зарур. Флаконларда қопқоқларни сиқиш учун фойдаланиладиган ускуна қатта миқдордаги кўринмайдиган заррачалар манбаи бўлиши мумкинлиги сабабли, уни алоҳида вазият сифатида хисоблаб, мос келувчи сўриб оладиган вентиляция тизими билан жиҳозлаб жойлаштириш мумкин. Флаконларда қопқоқларни сиқишни асептик шароитларда стерилизацияланган қопқоқларни қўллаш билан ёки асептик ҳудудлардан ташқарида тоза хона шароитида амалга ошириш мумкин. Агарда охириги усул қабул қилинса, флаконлар асептик ҳудудларни тарк этмагунча ва кейинчалик тикинланган флаконлар қопқоқлар билан сиқиб ёпилмагунча, флаконлар А синф тозалигидаги ҳудудда сақланиши ва тоза ҳаво берилишини таъминлаш йўли билан ҳимоя қилиниши лозим. Тикинларез флаконлар ёки тикинлари силжиган флаконлар бўлса, уларни қопқоқлари сиқилгунча олиб ташлаш лозим бўлади. Агар қопқоқларни бекор қилишда асептик иштироки зарур бўлса, флаконлар билан бевосита алоқани қолдириш ва микроб

контаминациясининг энг кам даражада бўлиши учун тегишли технологиядан фойдаланиш керак бўлади. Зарур шароитларни таъминлаш ва қопқоқларни сиқиш жараёнига одамнинг бевосита аралашинини энг кам даражага тушириш учун кириш йўлини чегараловчи тўсиқлар ва изоляторлардан фойдаланиш мақбул бўлиши мумкин. Вакуум остида тикинланган контейнерларда (бирламчи ўрамларда) олдиндан, белгиланган вақт оралиғида вакуумнинг сақланишини текшириш зарур.

21.3 Парентерал юбориш учун маҳсулотлар билан тўлдирилган контейнерларни (бирламчи ўрамларни) ёт заррачалар ёки бошқа камчиликлар бор-йўқлигини доналар назорат қилиш зарур. Агар назорат кўз билан ўтказилса, унда уни тегишли ҳолда ёритилган ва назорат қилинадиган шароитларда амалга ошириш лозим. Назоратни амалга оширувчи операторлар доимий равишда кўз ўткирлиги текширувидан, зарур бўлса кўзойнакда ўтишлари зарур; бундай назорат турини бажаришда тез-тез танаффус берилиши лозим. Агарда назоратнинг бошқа усулларидан фойдаланилса, унда жараён валидациядан ўтиши лозим, ускуналарнинг фойдаланиш сифатларини эса вақти-вақти билан текшириб бориш зарур. Натижалар бўйича баённома тузилиши зарур.

22 Сифат назорати

22.1 Тайёр маҳсулотни стерилликка текширишни, стерилликни кафолатловчи назорат тадбирларнинг охириги босқичи сифатида қараш лозим. Бундай текширув ҳар бир тегишли маҳсулот учун валидациядан ўтиши зарур.

22.2 Ишлаб чиқаришга рухсат бериш ишлаб чиқариш жараёнининг параметрлари бўйича тасдиқланган ҳолларда, унинг валидацияси ва тўлиқ назоратига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

22.3 Стерилликка текшириш учун танлаб олинган намуналар барча сериялар учун репрезентатив бўлиши лозим, айниқса, энг кўпроқ контаминация хавфи бўлиши тахмин қилинадиган сериянинг қисмларидан намуналар танлаб олиш зарур, масалан:

- а) асептик шароитларда дозалаш амалга оширилган маҳсулотлар учун намуналар, серияни тайёрлашнинг бошида ва охирида қадоқлаш ўтказилган, шунингдек, ҳар қандай сезиларли аралашинлардан сўнг қадоқланган контейнерларни (бирламчи ўрамларни) камраб олиши лозим;
- б) якуний бирламчи ўрамда термик стерилизация қилинган маҳсулотлар учун юклашнинг потенциал энг совуқ қисмларидан намуналарни танлаб олишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHOQARMASI

2-ИЛОВА (ВСПМИ)
(мажбурий)
БИОЛОГИК (ШУ ЖУМЛАДАН, ИММУНОБИОЛОГИК)
ФАРМАЦЕВТИК СУБСТАНЦИЯЛАР ВА ДОРИ
ПРЕПАРАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

1 Қўллаш соҳаси

1.1 Биологик (жумладан иммунобиологик) фармацевтик субстанциялар ва биологик дори препаратлари (бундан кейин - "биологик фармацевтик субстанциялар ва дори препаратлари")ни ишлаб чиқариш технологияси тегишли назорат органи белгилайдиган муҳим ва маъсулиятли омил ҳисобланади. Фармацевтик субстанциялар ва дори препаратлари кўпчилик ҳолларда уларнинг ишлаб чиқариш технологиясидан келиб чиқиб, биологик маҳсулот сифатида қаралиши мумкин. Мазкур илова биологик фармацевтик субстанциялар ва биологик дори препаратларининг барча спектри учун дастур бўлиб хизмат қилади.

1.2 Мазкур иловада белгиланган талаблар, антибиотиклар ишлаб чиқаришнинг биологик босқичларида жорий этилади. Фракцияланган донор қони ёки плазмасидан олинган дори препаратларини ишлаб чиқариш қоидалари мазкур қоидаларнинг № 12 иловасида, нотрансген доривор ўсимлик препаратлари учун эса мазкур қоидаларнинг № 5 иловасида белгиланган.

1.3 Мазкур илова қуйидаги икки асосий қисмга бўлинган:

а) Умумий дастур – экиладиган культуралар ва хужайралар банклари назоратидан бошлаб, яқуний жараёнлар ва синовлар ўтказиш билан тугайдиган биологик фармацевтик субстанциялар ва дори препаратларини ишлаб чиқаришнинг кўшимча қоидаларидан иборат;

б) Маҳсулотларнинг алоҳида турлари бўйича махсус дастур – биологик фармацевтик субстанциялар ва дори препаратларининг алоҳида турлари учун кўшимча дастурдан иборат.

1.4 Мазкур иловани қўллаш соҳаси қуйидаги иккита йўналишни қамраб олади:

а) ишлаб чиқариш босқичи:

- биологик фаол субстанция;

- биологик дори воситаларини ишлаб чиқариш;

б) маҳсулотлар тури: мазкур илова биологик дори препаратларининг барча спектри учун раҳбарий ҳужжат ҳисобланади.

1.5 Бу икки йўналиш 1-жадвалда кўрсатилган. Талаблар даражаси биологик фармацевтик субстанциялар ишлаб чиқаришнинг аввалги босқичларидан охириги босқичларига ўтган сари кучайтирилади, мазкур қоидалар тамойилларига ҳамма вақт риоя қилиниши лозим.

1.6 Агар Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатларида махсус талаблар қўйилган бўлса:

а) айрим биологик дори препаратлар турлари учун биологик фармацевтик субстанциялар бўладиган, дори воситаларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган тўқималар ва хужайралар учун;

б) текори технологик дори препаратларида қон ёки қон компонентлари хом ашё сифатида қўлланилганда донорларни танлаб олишга, қон олиш сифати ва хавфсизлигига,

текширишга, ишлов беришга, сақлашга ва одам қони ва унинг компонентларини ташиш бўйича қўйиладиган талабларни белгилашда;

в) генетик модификацияланган организмларни ишлаб чиқариш ва назорат қилиш учун, уларга нисбатан тегишли изоляция ва бошқа чоралар таъминланиши ва риоя қилиниши лозим. Объектларда генетик модификацияланган организмлар билан ишлар амалга оширилганда тегишли биологик хавфсизлик даражасини белгилаш ва унга риоя қилиш мақсадида, бундай талабларга амал қилиниши лозим.

1-жадвал. Мазкур иловани қўллаш соҳаси

Материаллар тури ва манбаи	Маҳсулот намунаси	Ишлаб чиқариш босқичларига мазкур қоидаларни қўллаш (кулранг фон билан ажратилган)			
1. Ҳайвонлар ёки ўсимликлар нотрансгенлар	Гепарин, инсулин, ферментлар, оксиллар, экстрактлар аллергенлар, юқори технологик дори препаратлари, иммун зардоблар	Ўсимликлар, органлар, тўқималар ёки суюқликлар ни йиғиш <1>	Кесиш, аралаштириш ва (ёки) бирламчи ишлов бериш	Ажратиш ва тозалаш	Тайёрлаш, тўлдириш
2. Вируслар ёки бактериялар/ хужайралар ферментацияси /	Вирус ёки бактериал вакциналар, ферментлар, оксиллар	Бош <2> ва ишчи хужайра банклари, бош ва ишчи вирус экиш материалларини яратиш ва кўмаклашиш	Хужайралар культураси ва (ёки) ферментация	Инактивация (зарур бўлса) ажратиш ва тозалаш	Тайёрлаш, тўлдириш
3. Биотехнология хужайра культураси ферментацияси	Рекомбинант маҳсулотлар, моноклональ антителалар, аллергенлар, вакциналар, ген, даволаш дори препаратлари(Бош ва ишчи хужайралар банкани, асосий ва ишчи экиладиган культуралар банкани яратиш ва	Хужайралар культураси ва (ёки) ферментация	Ажратиш тозалаш, модификация	Тайёрлаш, тўлдириш

**U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHOQARMASI**

	вирус ва вируссиз векторлар, плазмидалар)	қўмаклашиш			
4. Ҳайвонлар трансгенлар	Рекомбинант оксиллар, юқори технологияли дори препаратлари	Асосий ва ишчи трансген банк	Кесиш, аралаштириш ва (ёки) бирламчи ишлов бериш	Ажратиш, тозалаш ва модификация	Тайёрлаш, тўлдириш
5. Ўсимликлар трансгенлар	Рекомбинант оксиллар, вакциналар, аллергенлар	Асосий ва ишчи трансген банк	Ўсимликларни ўстириш, йиғиш <3>	Бирламчи, экстракция, ажратиш, тозалаш, модификация	Тайёрлаш, тўлдириш
6. Одамлар	Ферментлар, сийдикдан олинган, гормонлар	Суюқликларни йиғиш	Аралашиш ва (ёки) бирламчи ишлов бериш	Ажратиш ва тозалаш	Тайёрлаш, тўлдириш
7. Одамлар ва (ёки) ҳайвонлар	Ген даволаш препаратлари	Донация, етказиб бериш ва хужайра бирламчи тўқимасини синаш <5>	Ишлаб чиқариш векторлари <4>, хужайраларни тозалаш ва ишлов бериш Тозалаш ва ишлов бериш ишлаб чиқариш векторлари <5> ва хужайралари	Организмдан ташқари хужайраларнинг генетик модификацияси	Тайёрлаш, тўлдириш
	Дори терапия препаратлари соматик	Донация, етказиб бериш ва	Яратиш асосий ва ишчи	Изоляция Хужайралар,	Тайёрлаш, тўлдириш

	хужайралар	синовлар бошланғич тўқималар / хужайралар <5>	банклар хужайралар ёки хужайра захира	тозалаш экин, хужайрасиз компонентлар билан бириктириш	
	Дори тўқима препаратлари муҳандислиги	Донация, етказиб бериш ва синовлар Бошланғич тўқималар / хужайра <5>	Бирламчи ишлов бериш, изоляция ва тозалаш, асосий ва ишчи хужайра банклари яратиш бирламчи хужайралар	Изоляция хужайра, тозалаш экин, хужайрала рсиз компонентлар бириктириш	Тайёрлаш, тўлдириш

Талабларни кучайтириш

Терминлар мазкур иловада келтирилган.

<1> Мазкур илованинг 12.1 банди.

<2> Мазкур илованинг 9.1 – 9.9 бандлари.

<3> Дала шароитларида ўстириш, йиғиб олиш ва бирламчи ишлов бериш учун.

<4> Бу вирус векторлари бўлганда, 2-жадвал мисралари қўлланади.

<5> Дори воситалари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган инсон тўқималари ва хужайраларига талаблар Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатларида берилган.

2 ТАМОЙИЛ

2.1 Биологик фармацевтик субстанциялар ва дори препаратлар ишлаб чиқариш маҳсулотлари характери ва ишлаб чиқариш технологияси билан белгиланадиган ўзига хослигига эга бўлади. Биологик дори препаратларининг ишлаб чиқариш, назорат қилиш ва қўллаш характери эҳтиёткорликнинг ўзига хос чораларини қўллашни тақозо қилади.

2.2 Биологик фармацевтик субстанциялар ва дори препаратлари ишлаб чиқариш, ишончлилиқнинг юқори даражасини намоиш қилишга яроқли кимёвий ва физик усуллардан фойдаланиш билан ишлаб чиқариладиган одатдаги дори воситаларидан фарқли равишда, хужайраларни ўстириш ёки тирик организмлардан материални ажратиш олиш каби биологик жараёнларни ва материалларни ўз ичига қамраб олади. Кўрсатилган биологик жараёнлар уларга хос ўзгаришларни намоиш қилиши мумкин, бу ҳар хил табиатли қўшимча маҳсулотларнинг жиддий диапазонда бўлишига олиб келади. Шунинг учун сифат учун хавфларни бошқариш қоидалари шу сифатдаги материаллар учун

жуда муҳим ва ўзгарувчанликни минималлаштириш, контаминация ва қарама-қарши контаминацияни камайтириш учун ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида назорат усуллари ишлаб чиқишда риоя қилиниши лозим.

2.3 Материаллар, озуқа муҳитлар ва мақсадли микроорганизмлар, хужайра культуралари, вирусларни ўстириш шароитлари кўпчилик ҳолатларда контаминацияловчи агентлар ўсишига ҳам имкон яратади. Кўпчилик дори препаратлари кенг спектрдаги тозалаш усулларга чекланган чидамликка эга, айниқса, инактивациялаш ёки бегона вирус контаминантларни бартараф қилиш учун мўлжалланган усулларга. Бундай контаминация имконини минимумга олиб келиш учун ишлаб чиқарувчи технологик жараёни режалаштиришга, ускуналар конструкциясига, биноларга, таъминлаш тизимига, буферлар ва реагентларни тайёрлаш ва қўшиш шароитларига, намуналар танлашга ва ходимларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

2.4 Маҳсулот спецификациялари (жумладан, умумий фармакопея мақолалари, фармакопея мақолалари, рўйхатга олиш ҳужжатларидаги спецификациялар) моддалар ва материаллар бионагрузканинг маълум даражасига эга бўла оладими (агар эга бўла олса, унда қанчалик даражада ва қайси босқичга) ёки улар стерилланган бўлиши лозимлигини аниқлаши лозим. Шунингдек, ишлаб чиқариш рўйхатга олиш ҳужжатлари ёки клиник синовлар (масалан, экиладиган культура ёки хужайралар банки орасидаги генерациялар миқдори (кўпайишлар, пассажлар) баённомасида ифодаланган бошқа талабларга мувофиқ келиши лозим.

2.5 Стерилизация қилиб бўлмайдиган биологик материаллар учун (масалан, фильтрация йўли билан) контаминантларнинг кириш хавфини минималлаштириш учун, уларни ишлаб чиқаришни асептик шароитларда олиб бориш лозим. Муайян ишлаб чиқариш усуллари регламентлаш учун, масалан, вирусларни йўқотиш ёки инактивация қилиш учун, тегишли тасдиқланган жараён ҳужжатларига амал қилиш зарур. Ишлаб чиқариш муҳити ҳолати юзасидан тегишли назорат ва мониторингни қўллаш ва қаерда имкони бўлса, тозалаш тизими ва “жойида” стерилизациялашдан ёпиқ тизимлар билан бирга фойдаланиш сезиларли даражада тасодифий контаминация ва қарама-қарши контаминация хавфини камайтиради.

2.6 Назорат биологик аналитик усуллардан иборат бўлиб, улар физик-кимёвий усулларга қараганда, юқори вариабеллик билан характерланади. Шунинг учун биологик фармацевтик субстанциялар ва дори препаратларини ишлаб чиқаришда яхши чиқариш жараёни ҳал қилувчи ўрин тутати ва ишлаб чиқариш жараёнида назорат ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга.

2.7 Таркибига донор тўқималари ва хужайралари кирадиган биологик дори препаратлари, масалан, айрим юқори технологияли дори препаратлари тартиб билан ишлаб чиқариш қисмида, даволаш пайтидаги номувофиқ реакциялар ва клиник ҳодисалар ҳақида ваколатли органни хабардор қилиш, шунингдек, техник талаблар жиҳатдан донор тўқималари ва хужайраларини идентификациялаштириш, ишлов бериш, эҳтиёт қилиш, сақлаш ва транспортда ташиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ келиши лозим. Материаллар олиш ва синовлар ўтказиш, стандартлар ва техник талаблар белгилаб берилган сифат тизимига мувофиқ ўтказилиши лозим.

2.8 Тиббиётда ва ветеринарияда қўллаш учун тайёрланган дори препаратлари орқали ҳайвонлар говакли энцефалопатияси кўзғатувчилари ва латент вируслар юқини хавфини камайтириш бўйича биологик фармацевтик субстанциялар ва дори препаратлари

Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлари талабларига мос келиши лозим.

3 Ходимлар

3.1 Маҳсулотларни, ходимларни ҳимоя қилиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун эҳтиёткорликнинг барча ўзига хос меъёрларини инобатга олиб, ўз мажбуриятларига ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар спецификасига мувофиқ равишда, биологик фармацевтик субстанциялар ва дори препаратларини ишлаб чиқариш ва назорат қилиш ҳудудларида ишлаётган ходимлар (шу билан бирга, тозалаш, хизмат кўрсатиш ва сифатни назорат қилувчи ходимлар) ўқиш ва вақти-вақти билан такрор ўқишни ўташлари лозим.

3.2 Маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш учун ходимлар соғлиғини эътиборга олиш лозим. Ишлаб чиқариш, техник хизмат кўрсатиш, ҳайвонларни синовдан ўтказиш ва уларга қараш билан банд бўлган ходимлар (жумладан, назоратни амалга оширувчи ходимлар), зарур ҳолларда, тегишли специфик вакциналар билан вакцинация қилинишлари, шунингдек, доимий тиббий кўрикдан ўтишлари лозим.

3.3 Маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ходимларнинг ҳар қандай касаллиги сабабли, ишлаб чиқариш ҳудудида бундай ходимларнинг ишлашига тўсқинлик қилиш керак, бу ҳақдаги тегишли ёзувлар эса сақланиши лозим. БЦЖ вакцинаси ва туберкулин препаратларини ишлаб чиқаришда фақат иммун статуси ва кўкрак қафасини рентген текширувдан мунтазам равишда ўтказиб турувчи ходимлар банд бўлиши мумкин. Ходимлар дучор бўлиши мумкин бўлган хавфни ҳисобга олган ҳолда тиббий кўрикдан ўтишлари лозим. Тиббий кўрик хавфли организмлар билан ишлайдиган ходимлар учун ҳам талаб қилинади.

3.4 Қарама-қарши контаминация имкониятини минималлаштириш мақсадида ходимлар ҳаракатини (жумладан, сифатни назорат қилувчи ходимларнинг, хизмат кўрсатиш ва тозалаш бўйича мутахассисларнинг) сифат учун хавфларни бошқариш тамойиллари асосида чеклашни назорат қилиш зарур. Одатда, ходимларнинг тирик микроорганизмлар, генетик модификацияланган организмлар, токсинлар ёки ҳайвонлар билан контактда бўлиши мумкин бўлган ҳудуддан бошқа маҳсулотлар, инактивацияланган маҳсулотлар ёки бошқа организмлар билан ишлар ўтказиладиган ҳудудларга ўтишига йўл қўйилмайди. Агар бундай ўтишлардан қочишнинг иложи бўлмаса, сифат учун хавфларни бошқариш тамойилларига кўра контаминацияни назорат қилиш учун чоралар кўрилиши лозим.

4 Иморатлар ва асбоб-усукуналар

4.1 Ишлаб чиқариш биноларида ишлаб чиқариш муҳитини зарралар ва микроорганизмларга нисбатан контаминацияланишини назорат қилиш даражаси фармацевтик субстанциялар турига, оралик ва тайёр маҳсулотлар ва технологик жараён босқичларига мувофиқ бўлиши керак. Бунда бошланғич материаллар контаминацияси даражасини ва тайёр маҳсулот учун хавф даражасини эътиборга олиш зарур. Агар сифат учун хавфларни бошқариш жараёнида специфик микроорганизмлар (жумладан, хўжайин-организм, ачитки замбуруғлар, моғор замбуруғлари, анаэроб микроорганизмлар) кўрсатилган бўлса, ишлаб чиқариш муҳити мониторинги дастурига уларни аниқлаш учун қўшимча усуллар киритилиши лозим.

4.2 Ишлаб чиқариш ва омборхона бинолари, тозалаш синфларига қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилиши, жараёнлар эса маҳсулотларни

U'Z STANDART AGENTLIGI
 STANDARTLASHTIRISH VA
 DAVLAT NIZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

ёт моддалар билан контаминацияланишини олдини олишни ҳисобга олиб, режалаштирилган бўлиши лозим. Контаминацияни олдини олиш, гарчи контаминация ферментация ва хужайра культураларини ўстириш каби ишлаб чиқариш жараёнларида пайдо бўлиши мумкин бўлса-да, уни аниқлаш ва йўқотишга нисбатан жуда самарали ҳисобланади. Ташқи муҳитнинг бевосита таъсирига учраши мумкин бўлган маҳсулот ишланадиган (масалан, ёрдамчи моддаларни қўшимча, муҳитлар, буферлар, газлар қўшиладиган вақтда, юқори технологик дори препаратларини ишлаб чиқариш вақтида) очик жараёнлар ўтказиладиган участкаларда назорат ўлчовлари, таъминлаш тизимлари назорати ва ишлаб чиқариш муҳити назорати сифат учун хавфларни бошқариш тамойиллари асосида ўтказилиши лозим. Ишлаб чиқариш биноларида тозалик синфларини кетма-кетлигини ва назоратнинг тегишли усулларини танлашда сифат учун хавфларни бошқариш тамойиллари мазкур қоидалардаги № 1 илованинг тегишли пунктларида баён қилинган тамойилларни эътиборга олиши лозим.

4.3 Ишлаб чиқариш бинолари муҳитига чидамли, тирик хужайралар билан ишлашга махсус мўлжалланган биноларда амалга оширилиши лозим. Агар ишлаб чиқаришда патоген микроорганизмлар (масалан, патогенликнинг 1 ва 2 гуруҳлари) қўлланилса, унда фақат бу учун махсус мўлжалланган ишлаб чиқариш биноларидан фойдаланиш зарур.

4.4 Агар қуйида санаб ўтиладиганлар ёки муқобил омиллар ва тадбирлар (тегишли равишда кўриб чиқиладиган) қарама-қарши контаминацияни олдини олишга йўналтирилган назоратнинг самарали стратегияси қисми ҳисобланса, бир қанча дори препаратлари ишлаб чиқариш учун битта бинодан фойдаланишга рухсат этилиши мумкин.

а) битта бинода амалга ошириладиган ишларда қўлланиладиган барча хужайралар, организмлар ва ҳар қандай бегона агентларнинг (масалан, патогенлиги, ажратиб олиш имконияти, чидамлилиги, инактивацияга мойиллиги) асосий тавсифларини билиш;

б) назорат стратегияси ишлаб чиқиш босқичларида, ҳар хил хом ашёлардан (масалан, хужайралар технологияси асосида олинган дори препаратлари) олинадиган, кўплаб кичик сериялардан маҳсулотлар ишлаб чиқаришда маҳсулотларни тўла йўқотиш хавфини камайтириш мақсадида донорларнинг саломатлиги ҳолати каби омиллар эътиборга олиниши лозим;

в) қарама-қарши контаминациянинг барча потенциал маршрутларини аниқлаш, бир марталик компонентлар ва тегишли муҳандислик тадбирларидан фойдаланиш (масалан, ёпиқ тизимлар) йўли билан тирик микроорганизмларни, спораларни ёнма-ён бинолар ёки ускуналарга тушишини олдини олиш;

г) бошқа маҳсулотларнинг кейинги ишлаб чиқарилиши олдидан микроорганизмлар ва спораларни йўқотиш бўйича назорат тадбирларининг мавжудлиги. Микроорганизмлар ва споралардан тозалаш ва

деконтаминация жараёнлари валидация қилиниши лозим (жумладан, иситиш тизимлари, вентиляция ва ҳаво кондиционерлари учун);

д) агар микроорганизмлар ишлаб чиқариш муҳити шароитларига чидамли ҳисобланса ва ихтиёрига олинадиган микроорганизмлар учун махсус тегишли усуллар, ишлаб чиқариш муҳити назорати мавжуд бўлса, ишлаб чиқариш вақтида ва тугаганидан сўнг ёнма-ён ҳудудларда тозалаш ва деконтаминация ўтказилиши зарур. Шунингдек, тирик ва (ёки) споралар ҳосил қилувчи микроорганизмлар билан ишлар олиб бориладиган ҳудудларда муайян назорат-ўлчов ускуналаридан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хавфларни ҳам (масалан, ҳаводаги заррачаларни аниқлаш учун) эътиборга олиниши лозим.

D'ZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

е) маҳсулот, ускуна, ёрдамчи ускуна (масалан, калибровка ва валидация учун) ва бир марталик материаллар ишлаб чиқаришнинг ҳар хил босқичларида бошқа ҳудуд ва бошқа маҳсулотларнинг контаминациясини олдини олган ҳолда ўзига ажратилган зоналар чегарасида ҳаракатланиши ва чиқариб юборилиши (жумладан, инактивацияланган маҳсулотлар ёки анатоксинларни инактивацияланмаган маҳсулотлар билан контаминациясининг олдини олиш) лозим;

ж) ишлаб чиқаришнинг бир турдаги циклларини (кампанияларини) ўтказиш тамойили асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

4.5 Охирги ишлов бериш учун (жумладан, тайёрлаш, қадоқлаш, жиҳозлаш учун) ихтисослаштирилган хоналар бўлиши зарурлиги юқорида санаб ўтилган омилларга, шунингдек, биологик дори препаратларининг спецификасидан келиб чиқадиган кўшимча омилларга ва бошқа маҳсулотлар, шу жумладан айнан шу биноларда ишлаб чиқариладиган ҳар қандай нобиологик маҳсулотлар тавсифига боғлиқ бўлади. Якуний босқичларда моддалар кўшишни аниқ белгиланган тартибини, аралаштириш тезлигини, вақт ва ҳароратни назорат қилишни, ёруғлик ва герметизация (изоляция) таъсирининг чегараланган вақтини, шунингдек, тўкилиш (сочилиш) ҳолатларида ўтказиладиган тозалаш жараёнларига назорат қилишнинг бошқа чоралари талаб қилиниши мумкин.

4.6 Ишлаб чиқариш муҳити ва ходимлар хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган тадбирлар ва жараёнлар, маҳсулот сифатини таъминлаш учун зарур бўлган тадбирлар ва жараёнларга зид бўлиши мумкин эмас.

4.7 Ҳаво тайёргарлиги тизимлари ҳар хил ишлаб чиқариш ҳудудлари орасида қарама-қарши контаминация хавфига йўл қўймаслик учун лойиҳалаштирилиши, конструкция қилиниши ва хизмат қилиши лозим. Шунингдек, муайян ҳудудлар учун алоҳида ҳаво тайёргарлиги тизимларига зарурият вужудга келиши мумкин. Рециркуляциясиз вентиляция тизимларидан фойдаланиш тўғрисида қарор сифат учун хавфларни бошқариш тамойиллари асосида қабул қилиниши лозим.

4.8 Стерил маҳсулотлар билан ишлашни ортқча босимли ҳудудларда олиб бориш зарур, аммо патоген микроорганизмлар билан ишланадиган махсус ҳудудларда бу ҳудудлардан контаминантлар тарқалишининг олдини олиш учун босимнинг даражалар фарқи салбий бўлиши керак. Агар алоҳида хавфни ташкил қилувчи материаллар (масалан, патоген микроорганизмлар) билан асептик шароитларда ишлаш учун пасайтирилган босимли ҳудудлар ёки хавфсизлик бокслари қўлланилса, бунда уларни ортқча босимли мувофиқ тозалик классига мансуб ҳудудлар билан ўраб олиш лозим бўлади. Босимнинг даражалари аниқ белгиланган бўлиши лозим ва авария сигнализациясини мос равишда созлаш билан доимий назорат остида бўлиши лозим.

4.9 Тирик микроорганизмлар ва хужайралар билан ишлаш учун фойдаланиладиган ускуналар, шу жумладан намуналарни танлаб олиш учун асбоб-ускуналар, уларда ишланаётган пайтда контаминацияга йўл қўймаслиги керак.

4.10 Бирламчи изоляцияни таъминловчи конструкция бевосита иш жойида биологик агент ташқарига чиқиш хавфига йўл қўймаслиги лозим, бу муайян даврийлик билан ўтказилган тест натижалари билан тасдиқланиши лозим.

4.11 Имконият бўлганда “жойида тозалаш” ва “жойида буғ билан ишлов бериш” (“жойида стерилизациялаш”) тизимларидан фойдаланиш тавсия қилинади. Ферментаторлардаги вентилятор конструкцияси уларнинг буғ билан стерилизациялаш имконини кўзда тутиши лозим.

STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

4.12 Хаво филтрлари гидрофоб бўлиши лозим, уларнинг хизмат муддати сифат учун хавфларни бошқариш тамойилларига мувофиқ уларнинг бутунлигини маълум даврийлик билан текширилган валидация жараёнида белгиланиши лозим.

4.13 Дренаж тизимлари конструкцияси қарама-қарши контаминация хавфини йўқотиш учун оқава сувларининг самарали нейтралзацияси ва деконтаминациясини ўтказишга имкон яратиши лозим. Ишлаб чиқариш чиқиндиларининг биологик хавфи билан боғлиқ бўлган хавфлар билан атроф муҳитни контаминацияланишини минималлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларини бажариш таъминланган бўлиши лозим.

4.14 Биологик дори воситалари ёки уларни ишлаб чиқариш жараёнлари хусусиятларининг ўзгарувчанлиги сабабли технологик жараён вақтида қайсидир мос келувчи ва (ёки) бошланғич хом ашёни (масалан, озуқа муҳитлар ва буферлар) ўлчаш ёки тортиш зарур. Бундай ҳолларда ишлаб чиқариш ҳудудида тегишли мезонлар (масалан, сериялар ишлаб чиқарилишининг узоқлиги ёки кампаниялар узоқлиги) асосида белгиланган муддат мобайнида хом ашёнинг катта бўлмаган захираларини сақлашга йўл қўйилади.

5 Ҳайвонлар

5.1 Биологик дори препаратлари ишлаб чиқариш учун ҳайвонларнинг ҳар хил турларидан фойдаланилади. Манбаларнинг иккита катта гуруҳини ажратиш мумкин:

а) гуруҳларга, тўдаларга, подаларга бирлашган тирик ҳайвонлар. Масалан, маймунлар (полиомиелитга қарши вакцина), отлар, қўйлар ва эчкилар (илонлар захрига ва қоқшолга қарши иммун зардоблар), мушуклар (аллергенлар), қуёнлар, сичқонлар ва оғмахонлар (қутуришга қарши вакцина), эчкилар, йирик моллар (трансген маҳсулотлар);

б) ҳайвонники бўлган, ўлдирилган ҳайвонлар (қўйлар ва чўчқалар)дан олинган, юқори технологияли дори препаратлари ишлаб чиқариш учун ёки ферментлар, антикоагулянтлар ва гормонлар учун хом ашё сифатида фойдаланиладиган тўқималар ва хужайралар.

5.2 Ҳайвонлар, шунингдек, спецификацияларга мувофиқ равишда (пирогенлик, захарлилик, безарарлик, специфик фаолликни) назорат қилиш учун фойдаланилади.

5.3 Ҳайвонларнинг говакли энцефалопатиясига нисбатан меъёрий талабларни бажаришга қўшимча, бошқа хавfli агентлар (ҳайвонларнинг зоонозлар, антропозоонозлар кўзгатувчилари) доимий амал қилувчи мониторинг дастурига кўра назорат қилиниши ва рўйхатга олиниши лозим. Бундай дастурларни ташкиллаштириш учун тегишли мутахассиснинг маслаҳатини олиш зарур. Хом ашё сифатида фойдаланиладиган ҳайвондонорлар ёки ҳайвонлар касалланган ҳолатларда, бу ҳайвонларнинг ярқилилиги ва ишлаб чиқаришда (бошланғич материаллар ёки хом ашё), маҳсулотлар сифатининг назоратида, хавфсизликни аниқлаш синовларида ишлатиладиган касал ҳайвонлар билан контактда бўлган ҳайвонларнинг ярқилилиги бўйича тегишли текширувлар ўтказилиши ва рўйхатга олиниши лозим. Таркибига бошланғич материал ёки хом ашё сифатида ҳайвондан олинган шундай материал кирадиган ёки ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган биологик фармацевтик субстанциялар ёки дори препаратининг ярқилилигига нисбатан қарор қабул қилиш имконини берувчи ретроспектив таҳлил жараёни ишлаб чиқилиши лозим. Касаллик мавжудлигининг салбий натижасини охириги марта донацияларнинг қайси бири кўрсатганлигини белгилаш учун, қаерда у қўлланган бўлса, ҳайвондонордан (агар шунақалар бўлса) материалнинг олдинги олинган вақти ва шартларининг такрор

тестлари ўтказилади, бу мазкур қарорнинг қабул қилиш жараёнига таъсир қилади. Дастурлардан ҳайвонларни чиқариш даврини аниқлашда ҳам ашё сифатида фойдаланилган ҳайвон-донор ёки ҳайвонларга юборилган дори воситаларининг чиқарилиш даври ҳисобга олиниши лозим, у ҳужжат билан расмийлаштирилиши лозим.

5.4 Ҳом ашё сифатида фойдаланиладиган ҳайвонларнинг ва ҳайвон-донорлар юқумли касалликларининг олдини олиш ва мониторинг қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Кўриладиган чоралар манбалар, бинолар, яйловлар назоратини, биологик хавфсизлик, синовлар ўтказилиши тартиби назоратини, ҳайвонлар учун ёрдамчи материаллар ва ем-хашак назоратини қамраб олиши лозим. Специфик патогенлардан холи бўлган ҳайвонларни текшириш алоҳида аҳамиятга эга. Бошқа ҳайвонларнинг (масалан, тўда ва галаларда яшовчилар) соғлигини сақлаш ва мониторинг қилиш талаблари белгиланган бўлиши лозим.

5.5 Трансген ҳайвонлардан фойдаланиш билан ишлаб чиқарилган дори препаратлари учун, трансген ҳайвонлар яратиш учун фойдаланилган бошланғич ҳайвонларни кузатиб борилиши таъминланиши лозим.

5.6 Тажриба мақсадларида фойдаланиладиган ҳайвонларни ҳимоя қилиш, ҳайвонлар сақланадиган виварийларга нисбатан қўйиладиган талаблар, ҳайвонларга қараш ва карантинда сақлаш масалаларини тартибга соладиган Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлари талабларининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилган бўлиши лозим. Биологик фармацевтик субстанциялар ва дори препаратларини ишлаб чиқариш ва назорат қилиш учун фойдаланиладиган ҳайвонлар сақланадиган виварийлар, ишлаб чиқариш ва сифатни назорат қилиш ҳудудларидан ажратилган бўлиши лозим.

5.7 Ҳайвонларнинг ҳар хил турлари учун асосий кўрсаткичлар белгиланиши, сўнгра улар назорат қилиниши ва расмийлаштирилиши лозим. Кўрсаткичлар ҳайвонларнинг ёши, жинси, оғирлиги ва соғлигининг ҳолатини қамраб олиши мумкин.

5.8 Ҳайвонлар, биологик агентлар ва ўтказилган синовлар натижаларини янглишиб кетиши ва хавф-хатар бўлиши мумкинлигининг олдини олиш учун уларнинг идентификатлаштириш тизими мавжуд бўлиши лозим.

6 Ҳужжатлар

6.1 Биологик дори препаратларини ишлаб чиқаришда ҳам ашё ва бошланғич материаллар учун манба, келиб чиқиши, таъминлаш занжири, ишлаб чиқариш усули ва назоратнинг зарур ҳажмини таъминлаш учун сифат назоратида, жумладан, микробиологик назоратда қўлланиладиган усуллар ҳақида қўшимча ахборот талаб қилиниши мумкин.

6.2 Маҳсулотларнинг айрим турлари учун, серияларга кирадиган материалларнинг жумладан, юқори технологияли дори препаратларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган, соматик ҳужайралар специфик тавсифи талаб қилиниши мумкин. Аутологик дори препаратига ва маҳсус танланган донордан олинган дори препаратига нисбатан маҳсулот битта серия сифатида қаралиши лозим.

6.3 Ишлаб чиқаришида одам ҳужайралари ва донорлар тўқималари фойдаланиладиган дори препаратлари учун дастлабки ҳам ашё ва материаллар, жумладан, ҳужайралар ва тўқималар билан алоқада бўлган барча моддалар ҳақидаги маълумотлардан бошлаб, дори препаратининг қўлланиш жойида олинганлигини тасдиқлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу билан бир вақтда, саморегуляция аномалии

ва уларнинг соглиқлари ҳақидаги маълумотларнинг махфийлиги таъминланиши лозим. Дори препаратининг текширилиши таъминланган тегишли ёзувлар дори препаратининг яроқлилиқ муддати тугаган санадан бошлаб ўттиз йил мобайнида сақланиши лозим. Махсус ҳолатларда фойдаланиладиган специфик дори препаратларининг текширилишини таъминлашга, масалан, махсус танлаб олинган донор ҳужайраларига, алоҳида эътибор қаратиш лозим. Хом ашё ёки материаллар сифатида қон компонентларидан фойдаланиш, дори воситалари ишлаб чиқариш қонунчилиқ талабларига мос келиши лозим. Юқори технологияли дори препаратларини ишлаб чиқаришда одам ҳужайраларини, жумладан, гемопэтик ствол ҳужайраларини текширилиши таъминланиши лозим. Зарур бўлган вақт мобайнида ҳужжатларни текширилишини ва сақланишини таъминлаш тадбирлари, бундай фаолиятга жалб қилинган томонлар орасидаги техник келишувда кўрсатилган бўлиши лозим.

7 Ишлаб чиқариш

7.1 Биологик моддалар ва маҳсулотлар хусусиятларининг юқори ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, маҳсулотлар ҳаётий циклининг ҳар хил босқичларида (масалан, жараёни ишлаб чиқиш босқичида) жараёндан вариабелликни камайтириш ва бир хил ишлаб чиқаришни ошириш йўли билан, унинг ишончлилиги ва чидамлилигини оширишни таъминлаш зарурдир. Такрорий баҳолаш маҳсулотлар сифатининг умумий назорат жараёнида ўтказилиши лозим.

7.2 Ўстириш шароитларида муҳитлар ва реактивлар одатда, монокультуралар ҳисобланадиган ҳужайралар ёки микроорганизмлар кўпайишини таъминлаши сабабли, биоюкламани ва у билан боглиқ бўлган метаболитлар ва эндотоксинлар билан ифлосланишининг олдини олиш ва минималлаштиришни кафолатлаш учун сифатни назорат қилиш стратегиясига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Одатда кам серияда тайёрланадиган ҳужайралардан олинадиган юқори технологияли дори препаратлари учун саломатлиги турли хил ҳолатда бўлган ҳар хил донорлардан олинган ҳужайралардан тайёрланган дори препаратлари орасидаги қарама-қарши контаминация хавфи белгиланган талаблар ва процедураларга мос равишда назорат қилиниши лозим.

8 Бошланғич хом ашё ва материаллар

8.1 Биологик хом ашё ва бошланғич материалларнинг, улардан кейинчалиқ фойдаланиш (масалан, криопротекторлар, озуқа ҳужайралари, реагентлар, озуқа муҳитлар, буферлар, зардоблар, ферментлар, цитокинлар, ўсиш омиллари) учун манбаси, келиб чиқиши ва яроқлилигини аниқ белгилаб олиш лозим. Агар зарур синовларни ўтказиш кўп вақтни олса, бошланғич материалларга бу синовларнинг натижалари олингунча ишлов беришга руҳсат берилади, аммо бу бошланғич материаллардан фойдаланиш учун, мос келмаслиги аниқланган вазиятда уларнинг бошқа серияларга таъсири эътиборга олинishi ва сифат учун хавфларни бошқариш тамойилларига кўра хавфлар баҳоланиши лозим бўлади. Бундай ҳолларда тайёр маҳсулотлар серияларини ишлаб чиқаришга руҳсат бериш хом ашё синовларининг қониқарли натижаларига боглиқ бўлади. Ишлаб чиқаришнинг тегишли босқичлари талаблари асосида барча бошланғич материалларини идентификацлаштириш лозим бўлади.

8.2 Хом ашё ва бошланғич материалларнинг кўпайишини хавфларини баҳолашда, уларнинг етказиб бериш занжири бўйича ўтиши вақтида хайвонлар говакли

энцефалопатияси ва латент вируслар билан боғлиқ бўлган хавфга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шунингдек, бевосита технологик ускуналар ёки маҳсулотлар (асептик қуйиш симуляцияси учун фойдаланиладиган озуқа муҳитлар ва маҳсулот билан контактга киришиши мумкин бўлган мойлайдиган материаллар кабилар) билан контактга кирадиган бошланғич материалларга эътибор қаратиш лозим бўлади.

8.3 Контаминацияларнинг кириш хавфи ва унинг тайёр дори препарати учун оқибатлари ишлаб чиқариш босқичига боғлиқ бўлмаслиги сабабли, маҳсулотлар ҳимояси учун назорат стратегиясини ўрнатиш, аралашмалар, буферлар ва қўшиладиган компонентлар тайёрлаш мазкур қоидаларнинг № 1 иловасининг тегишли пунктларида мавжуд бўлган тамойиллар ва амал қилинадиган кўрсатмаларга асосланиши лозим. Бошланғич материаллар сифатини текшириш учун, шунингдек, хужайралар асосида асептик шароитда ишлаб чиқариладиган, якуний босқичда стерилизация имкони бўлмаган ва микроблар қўшимча маҳсулотларини йўқотиш имкони чегараланган маҳсулотлар учун назорат тадбирлари алоҳида аҳамиятга эга. Рўйхатга олиш ҳужжатларида ёки клиник текширишлар баённомасида биоюкламани йўл қўйилган тури ва даражаси белгиланса, масалан, фармацевтик субстанциялар олиш босқичида, унда назорат қилиш стратегиясида белгиланган биоюклама даражасини тутиб туриш усуллари олдиндан кўзда тутилиши лозим.

8.4 Хом ашё ва материалларни стерилизациялаш зарурияти туғилганда, бундай стерилизациялаш, имкони мавжуд бўлса, термик усул орқали амалга оширилиши лозим. Керак бўлса, биологик материалларни инактивациялаш учун бошқа мувофиқ келувчи усуллар (жумладан, радиация ва фильтрация) дан ҳам фойдаланиш мумкин.

8.5 Бошқа тадбирларни ўтказиш талаб қилиниши мумкин, жумладан тирик тўқима ва хужайраларни етказиб беришда йўл қўйилиши мумкин бўлган биоюкламани камайтириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичларида антибиотиклардан фойдаланиш мумкин. Имкон даражасида бундай тадбирлардан қочиш тавсия қилинади, аммо зарур ҳолларда улардан фойдаланиш асосланган бўлиши лозим, уларни технологик жараёнларда қўллашни тўхтатиш эса рўйхатга олиш досъеларида ва клиник текширишлар баённомаларида кўрсатилган бўлиши лозим.

8.6 Биологик дори воситалари учун бошланғич материаллар сифатида фойдаланиладиган одам тўқималари ва хужайралари учун қуйидаги талабларни эътиборга олиш зарур:

а) уларни олиш, донация ва текширишлар ўтказиш ЎзР норматив ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Хом ашёни етказиб берувчи ташкилотлар, ЎзР қонунчилигига мувофиқ бошқарув ҳокимияти вакиллик органлари рухсатномасига эга бўлишлари лозим. Зарур рухсатномаларнинг мавжудлиги етказиб беришни бошқариш тизимлари доирасида текширилган бўлиши лозим;

б) бошқа мамлакатлардан одам тўқималари ва хужайраларини импорт қилиш ҳолатларида, ЎзР норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ келадиган сифат назорати ва хавфсизлиги стандартларига риоя қилиниши лозим;

в) айрим ҳолларда биологик дори препаратлари учун бошланғич материаллар сифатида фойдаланиладиган хужайралар ва тўқималар билан ишлаш, тўқималарни олиш ва (ёки) текшириш ташкилотларида, жумладан хужайра асрий банкни қратишда, ёки бунгача бўлган бошланғич хужайра банклари ёки хужайра линияларини яратишда амалга оширилади. Бундай ҳолларда ЎзР да кўрсатилган иш босқичларига жавоб берадиган шахс

тайинланиши лозим;

г) тўқималарни олиш ва (ёки) текширишни амалга оширувчи ташкилотдаги масъул шахс тўқима ва хужайралардан фойдаланишга, уларни дори препарати ишлаб чиқарувчига етказиб берилишидан олдин рухсат беради, ундан сўнг бошлангич материалларни назорат қилиш стандарт жараёнлари қўлланилади. Тўқималарни олиш ва (ёки) текширишни амалга оширувчи ташкилот томонидан барча тўқима ва хужайралар синовларининг натижалари дори препарати ишлаб чиқарувчисига тақдим қилиниши лозим. Берилган ахборотдан материалларни мос равишда бўлиш ва сақлаш усулларини аниқлашда фойдаланилиши лозим. Зарур ҳолларда тўқима ва хужайралар, тўқималарни олиш ва (ёки) текширишни амалга оширувчи ташкилот томонидан синовлар натижалари олингунча дори препарати ишлаб чиқарувчисига етказилиши мумкин. Бу тўқималар ва хужайралар билан қарама-қарши контаминацияларнинг олдини олиш учун назоратнинг тегишли чоралари мавжудлигида бўлиши мумкин. Бундай етказиб бериш тўқималарни олиш ва (ёки) текширишни амалга оширувчи ташкилотдаги жавобгар шахс рухсати билан қилиниши мумкин;

д) одам тўқималари ва хужайраларини ишлаб чиқариш майдончасига транспортда ташиш жавобгар томонлар орасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилиши лозим. Ишлаб чиқариш майдончаларида тегишли махсус сақлаш ва транспортда ташиш шароитларига риоя қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши лозим;

е) тўқималарни олиш ва (ёки) текширишни ташкил қилишдан бошлаб, олувчига етказилишигача, бунда тўқималар ва хужайралар билан контактда бўлган материаллар ҳам қамраб олинган ҳолда, текшириб бориш талабларига риоя қилиниши лозим;

ж) масъул томонлар орасида ҳар бир томоннинг жавобгарлик доирасини аниқлаб берувчи келишув (жавобгар ва ваколатли шахсларни кўрсатган ҳолда) тузилиши лозим (масалан, ишлаб чиқарувчилар, тўқималарни олувчи ва (ёки) текширувчи ташкилотлар, хомийлар, номига рўйхатга олиш гувоҳномаси берилган шахслар билан).

8.7 Ген терапиясига нисбатан қуйидаги талабларни эътиборга олиш зарур:

а) вирус векторларидан фойдаланиш билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун бошлангич материаллар компонент ҳисобланади, улардан вирус вектори, яъни асосий вирус экин материали ёки плазмидалар олинади, улар билан ўраб боғланадиган хужайралар ва ўраб боғланадиган хужайралар линиялари учун фойдаланиладиган асосий хужайралар банки трансфикация қилинади;

б) вируслар ва вирус векторларидан ташқари, плазмидалар, вируссиз векторлар ва генетик модификацияланган микроорганизмлардан фойдаланиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун хужайра-продуцентлар яратиш учун фойдаланиладиган компонентлар, яъни плазмидалар, бактерия-хўжайин ва рекомбинант микроорганизмларнинг асосий банки бошлангич материаллар деб ҳисобланадилар;

в) генетик модификацияланган хужайралар учун, генетик модификацияланган хужайралар олиш учун фойдаланиладиган компонентлар, яъни векторлар ишлаб чиқариш учун бошлангич материаллар, шунингдек, одам ёки ҳайвон хужайралари бошлангич материаллар ҳисобланади;

г) мазкур қоидалар тамойиллари генни кўчириш учун фойдаланиладиган вектор ёки плазмидалар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хужайра банклари тизимидан бошлаб қўлланилади.

8.8 Одам ва ҳайвон хужайралари озуқа хужайралари билан фойдаланиладиган

D‘Z STANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NIZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH

BOSHQARMASI

ишлаб чиқариш жараёнларида берилган материалларни манбаларини, синовларини, транспортда ташиш ва сақлашни тегишли назорати Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига мувофиқ ўтказилиши лозим.

9 Экиладиган культура ва хужайралар банки тизими

9.1 Микроорганизмлар культураларидан, хужайралар культураларидан ёки хайвонларнинг эмбрионларида, тўқималарида ва оргаиларида кўпайтириш йўли билан олинадиган биологик фармацевтик субстанцияларни ва дори препаратларини ишлаб чиқариш, кўп марта қайтадан экиш ёки генерацияларнинг аниқ миқдорлари сабабли юзага келиши мумкин бўлган хусусиятларининг номақбул ўзгаришларини олдини олиш учун вирусларнинг бош ва ишчи экиладиган культураси ва (ёки) хужайра банклари тизимига асосланиши лозим. Бундай тизим юқори технологияли дори препаратларининг барча турларига жорий қилинмаслиги мумкин.

9.2 Экиладиган культура ёки хужайра банки ва биологик фармацевтик субстанция ёки дори препарати орасидаги генерациялар миқдори (икки марта ошиш, пассажлар) рўйхатга олиш ҳужжатларидаги спецификация талаблари ёки клиник синовлар баённомаси талабларига мос келиши лозим.

9.3 Бош ва ишчи экиладиган культуралар билан бирга экиладиган культуралар ва хужайралар банки тизимини яратиш, маҳсулотларнинг ҳаётий даврини бошқаришнинг бир қисми ҳисобланиши ва тегишли шароитларда ўтказилиши лозим. Экиладиган культуралар ва хужайралар банки тизими, шунингдек, улар билан ишлайдиган ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш муҳити тегишли назорат остида бўлиши лозим. Экиладиган культуралар ва хужайралар банкани яратишда бир вақтнинг ўзида бошқа тирик ёки касал юқтирадиган материаллар (масалан, вируслар, хужайра линиялари ёки штаммлари) билан, бир ва айнан шу зонада ёки бир ва айнан шу ходимни ишлашига рухсат этилмайди. Фақат мазкур коидалар тамойиллари қўлланилиши мумкин бўлган, бош экиладиган культура генерацияси ва бош хужайралар банкдан олдин келадиган босқичларнинг кузатилишини таъминлайдиган тегишли ҳужжатлар қўлланилиши керак. Мазкур ҳужжатлар ишлаб чиқиш вақтида фойдаланиладиган ва маҳсулотлар хавфсизлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган (масалан, келиб чиқиши биологик бўлган реагентлар) бошлангич манбадан ва бош хужайра ёки бош экин банкигача, агар қўлланилса, компонентларга нисбатан бўлган ахборотни қамраб олиши лозим.

9.4 Асосий ва ишчи хужайра банклари ва экиладиган культуралар шакллантирилганидан сўнг карантин ва банклардан фойдаланишга рухсат бериш тартибларига риоя қилиниши лозим. Контаминантларга нисбатан тегишли квалификация ва синовлар ўтказилган бўлиши лозим. Уларнинг кейинги ярокчилиги маҳсулотларнинг кейинги сериялари тавсифи ва сифатининг барқарорлиги билан тасдиқланган бўлиши лозим. Экиладиган культуралар ёки хужайралар банкнинг барқарорлиги ва қайта ишлаб чиқарилиши далили ҳужжат орқали расмийлаштирилиши зарур. Ёзувлар мазмуни фикрларни баҳолашга имкон яратиши лозим.

9.5 Экиладиган культуралар ёки хужайралар банкани шундай яратиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш зарурки, уларнинг контаминацияланиш хавфи ёки ўзгариши минимал даражада (масалан, герметик контейнерларда суяқ азотда сақлаш) бўлсин. Хар турдаги экиладиган культуралар ёки хужайралар банкани айнан битта ҳудудларда сақлаш ёки улар учун айнан битта ускуналардан фойдаланиш зарурки, уларнинг

инфекцион табиатини ҳисобга олиб, адашиш ва қарама-қарши контаминациянинг олдини олиш бўйича чоралар кўрилиши лозим.

9.6 Одатда, ҳужайралар асосидаги дори препаратлари, чегараланган миқдордаги пассажлардан олинган ҳужайра захирасидан ишлаб чиқарилади. Ҳужайраларнинг асосий ва ишчи банкларининг икки даражали тизимларидан фарқли равишда, ҳужайралар захираси асосидаги ишлаб чиқариш цикллариининг сони ўсишдан сўнг олинган алиқвот миқдори билан чегараланган ва маҳсулотларнинг бутун ҳаётий циклига тадбиқ этилмайди. Валидация баённомаси ҳужайра захираси ўзгаришини эътиборга олиши лозим.

9.7 Сақлаш учун идишлар герметик зич ёпилган ва аниқ тамғаланган бўлиши лозим; уларни мос келувчи ҳароратда сақлаш зарур. Сақланаётган идишларнинг ҳужжатлаштирилган ҳисобини олиб бориш зарур. Сақлаш ҳароратини узлуксиз рўйхатга олиш лозим, суюқ азот қурилмаларида эса унинг сатҳини назорат қилиш лозим. Сақлаш параметрларининг даражасини белгиланган чегаралардан четга чиқиши ва ҳар қандай кўзда тутилувчи тузатишлар ва огоҳлантирувчи ҳаракатлар ҳужжат билан расмийлаштирилган бўлиши лозим.

9.8 Тўлиқ йўқотишни олдини олиш учун захираларни қисмларга бўлиш ва алоҳида сақлаш тавсия этилади. Ўрнатилган жойининг назорати юқорида кўрсатилган талабларнинг бажарилишини таъминлаши лозим.

9.9 Сақлаш шароитлари ва захираларга ишлов бериш ана шу тартиблар ва параметрларга кўра аниқланиши лозим. Экиладиган культуралар ёки ҳужайралар банки омборхонасидан контейнерлар олингандан сўнг уларни қайта омборхонага қайтаришга йўл қўйилмайди.

10 Ишлаш тамойиллари

10.1 Ўзгаришларни бошқаришда белгиланган даврийлик билан таъсирлар, шу жумладан кумулятив таъсирлар, тайёр дори воситасининг сифати, хавфсизлиги ва самарадорлигига таъсир этувчи ўзгаришлар (масалан, ишлаб чиқариш жараёнларида) кўриб чиқилиши зарур.

10.2 Дори воситаси сифатига таъсир кўрсатувчи муҳим жараён (технологик) ёки бошқа бошланғич кўрсаткичлар аниқланиши, валидация қилиниши, ҳужжатлаштирилиши ва белгиланган талабларга мос равишда олиб борилиши лозим.

10.3 Ишлаб чиқариш зоналарига хом ашё ва материаллар келиб тушишини назорат қилиш стратегияси сифат учун хавфларни бошқариш тамойилларига асосланиши лозим. Асептик жараёнлар учун тоза ёки тоза ва ажратилган ҳудудга олиб кириладиган иссиққа чидамли хом ашё ва материаллар, иложи борица, ўртасидаги автоклав ёки қуруқ иссиқ шкаф орқали киритилиши керак. Иссиққа чидамсиз хом ашё ва материаллар, сатҳига самарали санитар ишлов бериш жараёнлари амалга оширилиб, тўсиқли эшиклари бор ҳаво шлюзлари орқали олиб кирилиши зарур. Буюм ва материаллар стерилизацияси бошқа жойда ўтказилишига, улардаги ўрамлар сони тоза ҳудудга ўтиш учун зарур босқичларни ўтганлигига тўғри келувчи сонга тўғри келган ҳолатда рухсат берилади ва юзаларига санитар ишлов бериш йўли билан эҳтиёткорлик чораларига риоя қилинган ҳолда ҳаво шлюзи орқали унга киритилади.

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

10.4 Кўзда тутилаётган мақсадларда фойдаланиш учун озуқа муҳитларнинг ўстирувчи хусусиятлари тасдиқланган бўлиши лозим. Озуқа муҳитлар имкониятга кўра жойида стерилизация қилиниши зарур. Газлар, озуқа муҳитлар, кислота ёки ишқорлар, кўпикларни босувчиларни ферментерларга режали узатишда имкон борича узатиш линиясига ўрнатилган, стерилизация қилувчи филтёрлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

10.5 Ферментерлар ва бошқа идишларга модда ёки культураларни қўшиш, шунингдек, улардан намуналар олишни, контаминациянинг олдини олиш учун синчковлик билан назорат қилинадиган шароитларда ўтказиш зарур. Қўшимчалар қўшиш ёки намуналарни олишда идишларнинг ўзаро тўғри уланганлигини назорат қилиш керак.

10.6 Агар бу зарур бўлса, айрим ишлаб чиқариш жараёнларини (масалан, ферментация) доимий назоратини амалга ошириб, олинган назорат натижаларини ишлаб чиқариш сериялари бўйича ёзиб бориш лозим. Ишлаб чиқаришда узлуксиз ўстириш усулидан фойдаланиш билан бирга, бундай ишлаб чиқариш усулини танлаш натижасида лозим бўлган сифат назоратининг махсус талабларига риоя қилиши зарур.

10.7 Маҳсулотларни центрифугалаш ва аралаштириш жараёнларида аэрозоллар ҳосил бўлиши мумкин, шунинг учун қарама-қарши контаминациянинг олдини олиш мақсадида бундай жараёнларни ажратилган ҳудудларда ўтказиш лозим.

10.8 Тирик микроорганизмлар тасодифан чиқиб кетса, хавфсизликнинг шошилинич чораларини кўриш зарур. Микроорганизмларнинг ҳар бир тури ёки гуруҳи учун деконтаминация бўйича махсус чора-тадбирлар кўзда тутилиши лозим. Бир турдаги бактерияларнинг ҳар хил штаммлари ёки жуда ўхшаш вируслардан фойдаланилса ва уларда деконтаминацияга мувофиқ келувчи агентга (агентларга) чидамлилигида сезиларли фарқлар бўлмаса, ушбу жараённи фақат улардан бирига валидация қилиниши мумкин.

10.9 Агарда ишлаб чиқариш ва назорат учун фойдаланиладиган материаллар, жумладан, қоғоз ҳужжатлар аниқ контаминацияланган бўлса, масалан, суюқликлар, аэрозоллар ёки потенциал хавфли микроорганизмлар тўкилган бўлса, унда улар мувофиқ равишда дезинфекцияланиши ёки маълумот бошқа усуллар билан жўнатилиши лозим.

10.10 Ишлаб чиқариш пайтида вирусларни инактивация қилиш ёки йўқотишда ишлов берилган маҳсулотларни ишлов берилмаган маҳсулотлар томонидан такрор контаминацияланишига қарши чораларни кўриш зарур.

10.11 Реагентларни қўшиш ёрдамида инактивацияланадиган маҳсулотлар (масалан, вакциналар ишлаб чиқариш жараёнидаги микроорганизмлар) учун жараён тирик микроорганизмларнинг тўлиқ инактивациясини кафолатлаши лозим. Культуралар ва инактивация қилувчи агент синчковлик билан аралаштирилганидан сўнг культура билан мулоқотда бўлган, маҳсулот билан мулоқотда бўлувчи ҳамма юзалари ҳисобга олиниши лозим.

10.12 Хроматографик усулларни қўллашда турли хил ускуналардан фойдаланилади. Сифат учун хавфларни бошқариш тамойиллари сорбентлар, колонка корпуслари ва бошқа ускуналарнинг назорати стратегиясини ишлаб чиқишда, кампаниялар тўғрисида ёки ишлаб чиқариш муҳитида, маҳсулотларнинг бир қанча турларини ишлаб чиқариш учун улардан

фойдаланишда мўлжалланган. Ҳар хил технологик босқичларда бир хил сорбентлардан фойдаланиш тавсия қилинмайди. Иш шартлари, қайта тикланиш усуллари, колонкаларнинг хизмат қилиш муддати ва уларни стерилизациялаш ёки дезинфекциялаш усулларининг мақбуллик мезонлари белгиланиши зарур.

10.13 Нурланган ускуналар ва материаллардан фойдаланиш бўйича қўшимча йўриқномалар мазкур Қоидалардаги №12 иловада баён қилинган.

10.14 Контейнерлар тўлдирилгандан кейин, уларнинг бутунлиги ва зич ёпилганлиги қафолатланган тизим мавжуд бўлиши ва агарда маҳсулот ёки оралик маҳсулот алоҳида хавфни намоён этган ҳолларда, ҳар қандай оқиб чиқиб кетиш ёки бехосдан тўкиб юбориш ва тўкилиш ҳолатида қўлланиладиган тадбирлар кўзда тутилиши лозим. Қуйиш ва қадоклаш жараёнлари учун белгиланган чегараларда (масалан, вақт ва (ёки) ҳарорат) маҳсулот сақланишини таъминлайдиган шароитларга риоя қилиш бўйича тартиблар мавжуд бўлиши зарур.

10.15 Биологик агентлар сақланадиган контейнерлар билан ишлаш (масалан, ампулалар, флаконлар) шундай тарзда олиб борилиши лозимки, бунда уни бошқа дори препаратлари билан контаминацияланиши ёки ишлаб чиқаришда ёки атроф муҳитга тирик агентларнинг тушишини олди олиниши керак. Мазкур хавфлар бошқарувига нисбатан қарорларни қабул қилиш учун бундай организмларнинг яшовчанлиги ва уларнинг биологик таснифига (патогенлик гуруҳига) эътибор бериш лозим бўлади.

10.16 Қадокларга ёрликларни тайёрлаш, тамғалаш, сақлаш ва ёпиштиришга, шунингдек, бирламчи ва иккиламчи ўрамларга пациент-специфик маҳсулотлар ёки ген муҳандислик усулларида фойдаланилганлиги ҳақида мижозлар учун махсус ахборотлар ёпиштирилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Агарда юқори технологик дори препаратлари аутологик қўллаш учун мўлжалланган бўлса, ёрликда мижознинг ноёб белгиси кўрсатилиши ва “фақат аутологик қўллаш учун” деган ёзуви бўлиши зарур. Агар ташқи ўрами йўқ бўлса, мазкур маълумот бирламчи ўрамда кўрсатилиши керак.

10.17 Сақлашда жуда паст ҳароратлар қўлланилганда ёрликнинг ушбу ҳароратларига чидамлилиги тасдиқланган бўлиши лозим.

10.18 Маҳсулот сифатига дахлдор бўлган донор (одам ёки ҳайвон) соғлиги ҳолати ҳақидаги маълумот, маҳсулот сотиб олинганидан сўнггина маълум бўлса, уни баҳолаш жараёнларида эътиборга олиниши лозим.

11 Сифат назорати

11.1 Бошқа дори препаратларига нисбатан, биологик фармацевтик субстанция ва дори препаратларини ишлаб чиқариш жараёнида назорат қилиш уларнинг сифат тургунлигини таъминлашда жуда муҳим ҳисобланади. Жараёнларро назорат, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тегишли босқичларида, унинг сифати учун муҳим ҳисобланувчи шароитларни назорат қилиш мақсадида амалга оширилиши керак.

11.2 Агарда оралик маҳсулотлар узоқ муддатли бўлганда (кўп ҳолларда ёки кўпроқ) сақланадиган бўлса, ишлаб чиқариш жараёнида (қўшимча) ёки юқори

D'Z STANDART AGENTLARI
 D'Z STANDART TASHKILMISH VA
 DAVLAT NAZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

муддатли оралик маҳсулотлардан тайёрланган тайёр маҳсулотларнинг сериялари барқарорлигини текширишнинг жорий дастурига киритилишини кўриб чиқиш зарур.

11.3 Агарда бу қайд этиш ҳужжатларида рухсат этилган бўлса, чекланган миқдорларда бўладиган ҳужайраларнинг маълум бир турлари учун (масалан, юқори технологияли дори препаратлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган аутологик ҳужайралар), синовлар ўтказиш ва назорат намуналарини сақлаш тартиби ўзгартирилиши мумкинлиги ҳужжат орқали расмийлаштирилади.

11.4 Юқори технологияли ҳужайрали дори воситаларида, бактерия ва замбуруғлар контаминацияси йўқлигини исбот қилиш, шунингдек, махсус ундириш шароитларини талаб қилувчи организмларни топиш учун (агар қўллаш мумкин бўлса) стерилликка текшириш тестини, антибиотиклардан ҳоли ҳужайра культуралари ёки ҳужайра банкларини ўтказиши лозим.

11.5 Яроқлилиқ муддати қисқа биологик дори препаратлари ишлаб чиқариш учун тегишли назорат стратегияси амалга оширилиши зарур, мазкур иловада белгилаб берилганидек, 14 кунгача бўлган муддатда, улар учун тайёр маҳсулотнинг барча партияларининг сифат синовларини ўтказиш тугашидан олдин серияни ишлаб чиқариш талаб қилинади (масалан, стерилликни текшириш). Бундай назорат дори препаратининг хоссалари ва ишлаб чиқариш жараёнини чуқур англаган ҳолда ташкил этилиши ҳамда бошланғич хом ашё ва материалларнинг назорати ва тавсифли хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари, жумладан ишлаб чиқариш ва аналитик маълумотларни баҳолашда қатнашувчи алоҳида ишчиларнинг мажбуриятлари аниқ ва тўлиқ ёзилиши зарур. Сифатни таъминловчи тизимнинг самарадорлигини баҳолашни узлуксизлигини амалга ошириш, жумладан йўналишларни баҳолашга имкон берувчи қайдларни олиб бориш керак. Агар тайёр дори воситаси яроқлилиқ муддатининг қисқалиги ҳисобига синовларни ўтказишнинг имкони бўлмаса, серияларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи дастлабки текширувларни ўтказишга имкон бериб, тегишли натижаларни олишнинг альтернатив усуллари (масалан, тезкор микробиологик усуллар) олдиндан кўзда тутилиши лозим. Мувофиқликни тасдиқлаш ва серияларни ишлаб чиқариш жараёни икки ва ундан кўпроқ босқичда ўтказилиши мумкин:

а) жавобгар шахс(лар) томонидан, ишлаб чиқариш шароитлари, стандарт жараёнлардан барча четланишлар ва ваколатли шахс томонидан маҳсулот бирламчи серияларини ишлаб чиқаришга рухсат бериш учун мавжуд бўлган таҳлил натижаларини қамраб олувчи, серияни ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муҳитлари мониторинги натижалари қайдномаларини баҳолаш;

б) ваколатли шахс томонидан, серияларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини сўнгги марта тасдиқлаш учун якуний таҳлилий синовлар натижалари ва бошқа олиш мумкин бўлган ахборотларни баҳолаш.

11.6 Спецификациялар чегарасидан чиққан синов натижалари олинган ҳолатда, зарур тадбирларни белгиловчи ҳатти-ҳаракат кўзда тутилган бўлиши зарур (жумладан, тиббий ходимлар билан биргаликдаги ҳаракат). Бундай стандарт талабларга мувофиқ ҳудудчи тўғирловчи текширилиши, қайталанишини олдини олишга йўналтирилган мувофиқ ҳудудчи тўғирловчи ва огоҳлантирувчи ҳаракатлар амалга оширилиши ва ҳужжатда қайд этилиши лозим.

12 МАҲСУЛОТЛАРНИНГ АЛОҲИДА ТУРЛАРИ**БЎЙИЧА МАХСУС ҚЎЛЛАНМА****12.1 Ҳайвонлардан олинадиган дори воситалари**

12.1.1 Мазкур қўлланма ҳайвонлардан, жумладан, қушхонага ўхшаган корхоналардан олинадиган материалларга нисбатан қўлланилади. Етказиб бериш тизими кенг ва мураккаб эканлиги сабабли сифат учун хавфларни бошқариш тамойилларига асосланган назорат воситаларини қўллаш зарур. Бунда норматив ҳужжатлар талаблари билан бирга, маълум бир босқичларда мувофиқ синовларни ўтказишни ҳисобга олиш зарур. Етказиб бериш тизими ҳар бир қатнашчисининг вазифаси аниқ кўрсатилган, жумладан, етказиб бериш тизимининг схемалари етарли даражада батафсил ёзилганлигини кузатиб борилишини таъминлайдиган тегишли ҳужжатлар олиб борилиши лозим.

12.1.2 Одам учун хавфли бўлган ҳайвонлар касалликларининг мониторинг дастурлари мавжуд бўлиши зарур (ветеринар текшируви). Хавф омилларини баҳолашда, давлат ҳудудида касалликнинг тарқалишига оид манбалар ишончлилигига эътибор берса арзийдиган хабарлар, жумладан, ҳайвонларнинг соғломлик ҳолати текширилганлиги тўғрисидаги маълумот ва давлат ҳамда маҳаллий даражалардаги назорат дастури(лари), шу билан бирга, ҳайвонлар олинадиган манбаларни назорат қилиш тадбирлари (масалан, моллар учун фермалар ёки молхоналар) ва қушхонага ҳайвонларни ташиш вақтидаги назорат ҳақидаги ахборотлар эътиборга олиниши лозим. Жаҳонда, ҳайвонлар касалланиши мониторингини амалга оширувчи ташкилотлардан бири Халқаро эпизоотик бюро ҳисобланади.

12.1.3 Ҳайвонлар тўқималарини етказиб берувчи қушхоналар ЎзР норматив ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши зарур. Ваколатли органдан, ЎзР ва ЎзРга хом ашё импорт қиладиган бошқа мамлакатларнинг норматив ҳужжатларида белгиланган, ем-хашакнинг хавфсизлиги ва сифати талабларига риоя қилинганлигини тасдиқловчи маълумотларни эътиборга олиш керак.

12.1.4 Қушхона каби корхоналарда хом ашё ва материаллар назорати бўйича тадбирлар, назорат ва барқарорлик, материалларнинг кузатуви, ходимларнинг касб маҳорати даражаси қониқарлилигини таъминлаш учун сифат бошқаруви тизимининг маълум бир қисмларини қамраб олиши лозим.

12.1.5 Бошланғич материаллар ва хом ашёлар сифатига таъсир кўрсатувчи аралашувларнинг олдини олишни таъминлайдиган, ёки энг камида, материаллар ва хом ашёларни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш занжирлари бўйича ўтказилган шундай тадбирлар тўғрисида маълумот берилиши назарда тутилиши лозим. Мазкур тадбирлар материаллар ёки хом ашёларнинг бирламчи йиғиш жойини ўзгартирилиши, сақлаш жойигача қисман ва тўлиқ тозалашни ўтказиш, тўплаш, жойлаш ва воситачиларда бўлишига нисбатан ўтказилиши лозим. Маҳсулотларнинг кузатувини таъминлайдиган, жумладан, ҳар қандай бузилишлар ва улар билан боғлиқ бўлган текширувлар ва тизим чегарасида кўрилган чораларни аниқ қайд этилишини амалга ошириш зарур.

**U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

12.1.6 Ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида хом ашё ва материаллар назорати талабларига риоя қилинганлигини тасдиқловчи, хом ашё ва материалларни етказиб берувчиларнинг назорат қилиш талабларига риоя қилишни таъминлайдиган доимий баҳолашни ўтказиш зарур. Ишлаб чиқарувчи, ҳодисаларнинг аҳамиятига мувофиқ ҳолда синчковлик билан текширилганлиги ҳақидаги тўлиқ ҳужжатларга эга бўлиши лозим. Тўғирловчи ва огоҳлантирувчи ҳаракатларни самарали ўтказилишини таъминлайдиган тизимлар мавжуд бўлиши лозим.

12.1.7 Ксеноген ҳужайрали дори воситалари ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ҳужайра, тўқима ва аъзолар бошқа ҳайвонлар билан алоқада бўлмаган шароитларда, фақатгина ушбу мақсадлар учун махсус етиштириладиган ва тутқунликда сақланадиган ҳайвонлардангина олинishi керак. Ҳеч қачон ёввойи ҳайвонлар ёки қушхонадаги ҳайвонларнинг ҳужайра, тўқима ва аъзоларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Шунингдек, асосчи-ҳайвонларнинг (бегона генни ташувчи тирик организм) тўқималаридан фойдаланишга рухсат берилмайди. Ҳайвонларнинг соғломлик ҳолатини кузатиб бориш ва бу тўғрисида ҳужжатлар юритиш зарур.

12.1.8 Ксеноген ҳужайралар билан даволаниш ва ксеноген дори воситаларининг муомаласида, ҳайвонлар ҳужайраларини етказиб бериш ва синовдан ўтказишга доир ЎЗР норматив ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши лозим.

12.2 Аллергенларнинг дори воситалари

12.2.1 Бошланғич материаллар табиий манбалардан олинган ёки рекомбинант ДНК технологиясидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган бўлиши мумкин.

12.2.2 Бошланғич материалларни етказиб бериш мувофиқлигини кафолатлаш учун уларнинг керак бўлган тафсилотларини қамраб олган таърифи, хусусан, умум қабул қилинган ва илмий номи, келиб чиқиши, табиати, контаминантларнинг миқдор чегаралари, бундай материалларни олиш усули мавжуд бўлиши лозим. Ҳайвонлардан олинадиган материаллар соғлом ҳайвонлардан олинishi зарур. Аллергенлар экстракцияси учун фойдаланиладиган колониялар (масалан, каналар, ҳайвонлар) учун биологик хавфсизликни таъминловчи, назорат қилишнинг мувофиқ келувчи тизими мавжуд бўлиши керак. Аллергенларнинг дори воситалари, уларнинг сифатини таъминлайдиган тегишли шароитларда сақланиши лозим.

12.2.3 Дастлабки қайта ишлаш, экстрактлаш, филтрлаш, диализ қилиш, концентрлаш ёки лиофилизатлашни қамраб олган технологик жараён босқичлари батафсил тавсифланиши ва валидация қилинган бўлиши лозим.

12.2.4 Модификация қилинган аллергия экстрактларининг (масалан, аллергиялар, конъюгатлар) модификациялаш жараёнлари тегишли ҳужжатларда тавсифланган бўлиши зарур. Технологик жараёндаги оралик маҳсулотлар идентификатлаштирилган ва назорат қилинган бўлиши лозим.

12.2.5 Аллерген экстрактларининг аралашмалари битта манбадан олинган, бошланғич материалларнинг алоҳида экстрактларидан бўлиши зарур. Ҳар бир алоҳида экстракт алоҳида фармацевтик субстанция сифатида тавсифланиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН АСОСИЙ
 СТАНДАРТИ
 DAVLAT NIZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH VA
 BOSHQARMASI

12.3 Ҳайвонларнинг иммун зардобидан тайёрланган дори воситалари

12.3.1 Ишлаб чиқарувчи, биологик келиб чиқишга эга бўлган антигенларнинг сифатини кафолатлаш, барқарорлигини таъминлаш ва кўшимча агентларнинг йўқлигини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Ҳайвонларнинг иммунизацияси учун қўлланиладиган материалларни (масалан, антигенлар, гаптен-ташувчилар, адъювантлар, мустақкамловчи агентлардан фойдаланиш ва киритиш) тайёрлаш ва бевосита иммунизация қилиш олдидан бундай материалларни сақлаш ҳужжатлар билан расмийлаштирилган жараёнларга мувофиқ олиб борилиши керак.

12.3.2 Иммунизация қилиш жараёнлари, қонни текшириш ва қонни танлаб олиш рўйхатга олиш ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши лозим.

12.3.3 Антителоларнинг субфрагментларидан тайёрланган дори воситалари (масалан, Fab ва $F(ab')_2$ антигеннинг боғловчи қисмлари) ва ҳар қандай кейинги модификациялар валидация қилинган ва тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ келиши керак. Агарда, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ферментлар, бир қанча компонентлардан иборат бўлса, уларнинг барқарорлиги таъминланиши зарур.

12.4 Вакциналар

12.4.1 Қушларнинг эмбрионларидан фойдаланилганда, уларни олиш учун фойдаланиладиган барча галаларнинг соғлом бўлиши таъминланиши лозим (маҳсус патогенлардан холи галалар ва соғлом галалар учун).

12.4.2 Оралиқ маҳсулотларни сақлаш учун фойдаланиладиган контейнерларнинг бутунлиги ва уларда сақлаш муддати валидация қилинган бўлиши зарур.

12.4.3 Тирик биологик агентлар сақланадиган ҳудудларда, инактивация қилинган дори воситалари мавжуд бўлган идишларни очиш ва улардан намуналар олиш тақиқланади.

12.4.4 Оралиқ ёки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида фаол компонентлар, адъювантлар ва ёрдамчи моддаларни қўшишнинг кетма-кетлиги технологик йўриқномаларга мувофиқ келиши лозим.

12.4.5 Ишлаб чиқариш ва текшириш учун биологик хавф-хатарнинг энг юқори даражаси берилган микроорганизмлардан (масалан, пандемик штаммлар) фойдаланилган ҳолда, изоляция қилишнинг зарурий чоралари таъминланиши керак. Эслатиб ўтилган тадбирларни ўтказишда, ижро ҳоқимиятининг тегишли вакиллик органларидан ҳужжат орқали тасдиқланган рухсатнома олинishi лозим. Ушбу ҳужжатлар мавжуд бўлиши ва текшириш учун осон бўлиши зарур.

12.5 Рекомбинант маҳсулотлар

12.5.1 Маълум бир чегарада рухсат берилган кўшимчаларни тутувчи дори воситаси хусусиятларининг доимийлигини таъминлаш учун ҳужайралар ўсиши, оқсиллар экспрессияси ва тозалаш технологик жараёнларнинг валидация қилинган шароитларига риоя қилиниши лозим. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ҳужайраларнинг муайян турларида вирус контаминацияси йўқлигини таъминлаш учун кўшимча чоралар талаб

қилиниши мумкин. Кўпайтиришда хужайраларни кўп марталаб йиғиб олиш кўзда тутилган дори воситалари учун унинг давомийлиги тасдиқланган чегараларда бўлиши лозим.

12.5.2 Манбаси хўжайин хужайраси ҳисобланувчи номақбул маҳсулотлар, хусусан, оксиллар, нуклеин кислоталар, углеводлар, вируслар ва бошқа қўшимчалардан тозалаш жараёнлари муайян валидация қилинган чегаралар доирасида ўтказилиши лозим.

12.6 Моноклонал антителолардан тайёрланган дори воситалари

12.6.1 Моноклонал антителолар сичқон ёки одам гибридмаларидан ёки рекомбинант ДНК технологияси ёрдамида ишлаб чиқарилиши мумкин. Дори воситаси хавфсизлиги ва сифатини таъминлашда гибридмалар ва (ёки) хужайралар линияларини яратиш учун фойдаланиладиган бошланғич хужайралар (жумладан, озиклантирувчи хужайралар, улардан фойдаланилган бўлса) ва материалларга нисбатан тегишли назорат тадбирлари ўтказилиши керак. Мазкур тадбирлар тасдиқланган чегараларда ўтказилишига ишонч ҳосил қилиш лозим. Дори воситаларида вируслар йўқлигига тасдиқ бўлишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бир хил технологик асосда ишлаб чиқарилган дори воситаларининг яроқчилигини тасдиқлаш учун, улардан биттасини текшириб олинган маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

12.6.2 Ишлаб чиқариш жараёнининг оралиқ ва охириги босқичларидаги мезонлар назорат қилинаётганлиги ва тасдиқланган чегаралар ичида эканлиги бўйича текширув ўтказилиши зарур.

12.6.3 Антителоларнинг субфрагментларини (масалан, Fab, F(ab')₂, scF v) ва ҳар қандай бошқа модификацияларни (масалан, радиофаол тамгаларни жорий этиш, конъюгациялар, кимёвий бирикмаларни киритиш) тайёрлаш учун ишлаб чиқариш шароитлари валидация қилинган кўрсаткичларга мувофиқ келиши керак.

12.7 Трансген ҳайвонларнинг дори воситалари

12.7.1 Трансген манбадан олинган бошланғич материалнинг ўзгармаслигини таъминлаш, стандарт нотрансген биотехнологик манбалардан фойдаланилгандан кўра кўпроқ муаммоли ҳисобланади. Шундай экан, дори воситасининг сериядан сериягача барча хусусиятларини ўзгармаслигини тасдиқлаш учун юқори талабларга риоя қилиниши лозим.

12.7.2 Биологик дори воситаларини ишлаб чиқариш учун ҳайвонларнинг ҳар хил турларини ишлатиш, шу билан бирга, биологик суюқликларни (масалан, сут) олиш ва тозалашни амалга ошириш керак бўлади. Ҳайвонлар аниқ ва ягона кўринишда тамгаланган бўлиши ва бирламчи идентификацияланган тамга йўқотилган ҳолатда қўшимча чоралар кўзда тутилган бўлиши лозим.

12.7.3 Ҳайвонларни сақлаш ва боқиш шароитлари, уларни патоген агентлар ва зоонозалар билан, имконияти борича кам алоқада бўлишини таъминлаши зарур. Атроф муҳитни ҳимоя қилишнинг мувофиқ келувчи чоралари ишлаб чиқилган бўлиши керак. Ҳайвонлар соғломлигини кузатиб бориш дастури ишлаб чиқилган ва хужайраларда тегишли қайдлар олиб борилган бўлиши лозим. Шунингдек, жароҳатнинг олди олинган ҳолисалар

текширилган бўлиши ва уларни ҳайвондан кейинчалик фойдаланиш имконияти ва олдин олинган маҳсулотлар сериясига таъсири аниқланган бўлиши зарур. Ҳайвонларни даволаш учун қўлланиладиган ҳар қандай дори воситалари, ишлаб чиқариладиган дори воситаларига контаминация қилмаслигига ишонч ҳосил қилиш зарур.

12.7.4 Насл бошловчиси бўлган ҳайвон-асосчидан бошлаб ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ҳайвонларгача бўлган ҳужжатлар мавжуд бўлиши керак. Ҳайвонларнинг турли хил трансген линияларидан олинган материалларни аралаштириш тақиқланади, чунки улар турли хил ҳайвон-асосчилардан келиб чиққан бўлади.

12.7.5 Материалларни олиш амалга ошириладиган шароитлар, рўйхатга олиш ҳужжатидаги меъёрлар ва клиник текширувлар баённомасига мос келиши лозим. Материал олиш жадвали ва ҳайвонларни дори воситасини ишлаб чиқариш жараёнидан чиқариб ташлаш шароитлари, мувофиқликнинг тасдиқланган жараёнлари ва мезонларига мос келиши зарур.

12.8 Трансген ўсимликларнинг дори воситалари

12.8.1 Трансген манбадан олинган бошланғич материалнинг ўзгармаслигини таъминлаш, стандарт нотрансген биотехнологик манбалардан фойдаланилганидан кўра кўпроқ муаммоли ҳисобланади. Шундай экан, дори воситасининг сериядан сериягача барча хусусиятларининг ўзгармаслигини тасдиқлаш учун юқори талабларга риоя қилиниши лозим.

12.8.2 Ўсимликдан келиб чиққан ёт материаллар ва тегишли ёт омиллар билан асосий ва ишчи трансген банкларнинг контаминациясини олдини олиш учун умумий дастурда кўрсатилган (мазкур илованинг 12.7.3-11.6 бандлари) олдинги ёки кейинги тадбирлардан сўнг қўшимча чоралар кўриш зарур бўлиб қолади. Ген барқарорлигини назорат қилиш белгиланган миқдордаги генерациялар давомида ўтказилиши лозим.

12.8.3 Ўсимликларнинг турли хил экинларидан ўзгармас ҳосил йиғилишини таъминлаш учун ўсимликлар аниқ ва ягона тамгага эга бўлиши ва уларнинг асосий хусусиятлари кўрсатилган бўлиши зарур. Хусусан, ўсимликларнинг соғломлик ҳолати, етиштириш даври давомида белгиланган даврийликда назорат қилиниши керак.

12.8.4 Экинларни ҳимоя қилиш учун эҳтиёткорлик чоралари белгиланган бўлиши лозим. Иложи борича, уларни микробиологик агентлар билан контаминацияланиши ва бошқа турдаги ўсимликлар билан қарама-қарши контаминация бўлишини энг кичик миқдорга етказиш зарур. Пестицидлар ва ўғитлар каби материаллар билан дори воситаларининг контаминацияланишини олдини олиш учун чоралар кўрилган бўлиши лозим. Ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритган ҳолда мониторинг дастури ишлаб чиқилган бўлиши, шунингдек, ҳар қандай нохуш ҳодисалар текшириб борилиши ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида экинлардан кейинчалик фойдаланиш имкониятига бўладиган таъсирини аниқлаш зарур.

12.8.5 Ўсимликларни ишлаб чиқариш жараёнидан чиқариб ташлаш мумкин бўлган ҳолатларни аниқловчи шартлар аниқ тавсифланиши лозим. Маҳсулотларни тозалаш жараёнига халақит бериши мумкин бўлган материаллар (масалан, асосий оқсиллар)

U'Z STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

мақбуллик чегаралари ўрнатилиши зарур. Натижалар белгиланган меъёрлар чегарасида эканлиги тасдиқланиши керак.

12.8.6 Дори воситасининг сифат хусусиятларига, шунингдек, рекомбинант оксилнинг ишлаб чиқариш маҳсулига, экиш вақтидан бошлаб, ўстириш мобайнида ва йиғиш маҳалигача ва йиғиштирилган материалларни оралиқ сақлашигача таъсир кўрсатиши мумкин бўлган атроф муҳит шароитлари (харорат, ёмғир) қайд қилиниши лозим. Кўрсатилган ҳужжатларни расмийлаштиришда, ўсимликларни ўстириш ва йиғиш масалалари тартибга солинган Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши лозим.

12.9 Ген терапияси дори воситалари

12.9.1 Ген терапияси дори воситаларининг бир қанча турлари мавжуд бўлиб (рекомбинант нуклеин кислоталар ёки генетик модификацияланган микроорганизм(лар) ёки вирус(лар) кетма-кетлигини сақловчи ва генетик модификацияланган ҳужайраларни сақловчи ген терапияси дори воситалари), улар мазкур Илованинг 12.9.1-12.9.13 бандларида қамраб олинган. Ген терапиясининг ҳужайралар асосидаги дори воситалари учун мазкур Илованинг 12.10.1-12.10.8 бандларида баён қилинган айрим низомлар қўлланиши мумкин.

12.9.2 Ген терапияси дори воситаларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ҳужайралар ёки одамлардан (аутологик ёки аллоген) ёки ҳайвонлардан (ксеноген) олинганлиги натижасида, қўшимча омиллар билан уларнинг контаминацияланиш хавфи юқори эканлиги мавжуд. Касал юктирган донорлардан олинган аутологик материалларни ажратиш учун алоҳида тадбирлар кўзда тутилиши лозим. Бундай бошланғич материаллар, шунингдек, криопротекторлар, озуқа муҳитлари, ҳужайра ва векторлар учун назорат ва синов тадбирларининг ишончлилиги сифат учун хавфни бошқариш тамойилларига асосланиши ва рўйхатга олиш ҳужжатига мос келиши лозим. Вирус векторларини ишлаб чиқариш учун яратилган ҳужайра линиялари ва назорат қилиш ҳамда синов тадбирларини ўтказиш ҳам сифат учун хавфларни бошқариш тамойилларига асосланиши керак. Зарур ҳолларда, вирусларнинг экилган культуралари ва ҳужайраларнинг банк тизимларидан фойдаланиш мумкин.

12.9.3 Қўшимчалар, ёт омиллар миқдори ва қарама-қарши контаминацияга ирсий материал табиати, вектор (вирусли ёки вируссиз) ва ҳужайра тури каби омиллар таъсир кўрсатади, бу хавфни энг кичик даражага туширишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши лозим. Мазкур стратегия асосида технологик жараён ишлаб чиқилиши, ишлаб чиқариш, омборхона бинолари ва ускуналар лойиҳалаштирилиши, тозалаш ва деконтаминациялаш, шунингдек, қадоқлаш, ёрлиқлаш ва сотиш жараёнлари ишлаб чиқилган бўлиши зарур.

12.9.4 Ген терапияси дори воситаларини ишлаб чиқариш ва синовдан ўтказиш тайёр дори воситалари хавфсизлиги ва сифатининг махсус масалаларини ҳамда беморлар ва ходимлар хавфсизлиги масалаларини ечишни талаб қилади. Ходимлар, атроф-муҳит ва беморлар хавфсизлигини таъминлаш учун хавфни бошқаришга асосланган ёндошишни қўллаш, шунингдек, биологик хавфсизликнинг белгиланган даражасига мувофиқ назорат

DAVLAT STANDART AGENTLARI
 STANDARTLASHTIRISH VA
 DAVLAT NIZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

чоралари кўрилиши лозим. Хавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлари талабларига мос келиши керак.

12.9.5 Ходимларнинг ҳаракатланиши (сифатни назорат қилувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар билан бирга) ва материаллар оқими, жумладан, сақланадиган ва синов қилинадиган материаллар (масалан, бошланғич материаллар, ишлаб чиқаришнинг ички назорати учун намуналар, тайёр дори воситаси ва ишлаб чиқариш атроф-муҳити намуналари) сифат учун хавфларни бошқариш тамойиллари асосида ташкиллаштирилиши лозим. Бунда имкон борида бир йўналишли оқимлардан фойдаланилади. Турли хил ирсий модификацияланган организмлар сақловчи ҳудудлар ва ирсий модификацияланмаган организмлар сақланадиган ҳудудлар ўртасидаги ҳаракатланиш эътиборга олинishi зарур.

12.9.6 Хоналар ва ускуналарни лойиҳалаштиришда барча бўлиши мумкин бўлган, дори воситаси ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган деконтаминациялар ёки организмлардан тозалаш учун талаб қилинадиган махсус жараёнлар эътиборга олинishi лозим. Ишлаб чиқариш муҳити ҳолатининг мониторинг дастури, агар бу мумкин бўлса, кўпайтирилиши амалга оширилган, махсус микроорганизмлар мавжудлигини аниқлаш усуллари билан тўлдирилган бўлиши зарур.

12.9.7 Репликацияси чегараланган вирус векторларидан фойдаланилганида, ёввойи турдаги вируслар тушишининг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим, чунки бу репликацияга қодир рекомбинант векторларни вужудга келтириши мумкин.

12.9.8 Тирик микроорганизмлар тасодифий ташқарига чиққан ҳолатда авария тадбирлари режаси кўзда тутилган бўлиши лозим. Режа микроорганизмларни чегаралаш, операторлар ҳимояси, тозалаш, деконтаминациялаш ва фойдаланиш хавфсизлигини қайтадан тиклаш бўйича усуллар тавсифи ва жараёнларини қамраб олган бўлиши зарур. Ташқарига чиққан микроорганизмларни бевосита яқинликда жойлашган дори воситаларига ва ушбу ҳудудларда жойлашган ҳар қандай бошқа дори воситаларига таъсири баҳоланиши керак.

12.9.9 Вирус векторларини ишлаб чиқариш учун хоналарни бошқа ҳудудлардан ажратиш бўйича чоралар кўзда тутилиши лозим. Бўлиниш учун қўлланиладиган чораларнинг самарадорлиги тасдиқланган бўлиши зарур. Қўллаш мумкин бўлган барча жойларда, ёпиқ тизимлардан фойдаланиш лозим бўлади. Намуналарни танлаб олиш, қўшимчалар қўшиш ва материалларни ўтказишда вирус материалининг ташқарига чиқишини олди олинishi керак.

12.9.10 Ген терапиясининг турли векторларини битта ҳудудда ишлаб чиқарилишига руҳсат берилмайди. Вируссиз векторларни битта жойда, бир вақтда ишлаб чиқаришни, сифат учун хавфларни бошқариш тамойилларига кўра назорат қилиниши зарур. Кампаниялар ўртасида жараёнларнинг ўзаро ўтиши самарали эканлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

12.9.11 Дори воситаларини бошланғич босқичлардан (плазмидалар, мақсадли генлар ва назорат кетма-кетлиги, хужайралар банки, шунингдек, вирусли ёки вируссиз векторлар захираси) тайёр дори воситаларигача текшириб, боришни таъминлаш учун векторлар

STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

ва ирсий модификацияланган хужайралар ишлаб чиқарилишининг батафсил баёни мавжуд бўлиши лозим.

12.9.12 Ирсий модификацияланган организмлардан иборат дори воситаларини ташиш қонун талабларига мувофиқ келиши керак.

12.9.13 Организмдан ташқарида амалга ошириладиган, хужайра-реципиентларга генларни ўтказишга қуйидаги талаблар қўйилади:

а) бундай жараён мавжуд ҳаракатлар учун мўлжалланган ва ҳимоянинг тегишли даражасига эга бўлган хоналарда ўтказилиши лозим;

б) ҳар хил мижозлардан олинган хужайраларни қарама-қарши контаминацияланиши ва адаштириб юборилиш имкониятини камайтириш учун чоралар (мазкур илованинг 4.6 бандида кўрсатилган талаблар билан бирга) кўрилиши зарур. Тозалашнинг валидация қилинган жараёнларидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилиши керак. Ҳар хил вирус векторларидан бир вақтнинг ўзида фойдаланишни, сифат учун хавфларни бошқариш тамойилларига мувофиқ назорат қилиш лозим. Ирсий модификацияланган хужайраларни ишлаб чиқаришда, репликация қилиш имконига эга бўлган бегона векторнинг уларда йўқлиги тасдиқланмагунча, айрим вирус векторларидан (масалан, ретро- ва лентивируслар) фойдаланишга рухсат этилмайди;

в) текшириб бориш талабларига риоя қилиниши лозим. Хужайра хом ашёсидан бошлаб, тайёр дори воситалари солинган контейнерида тугайдиган маҳсулотлар серияларининг аниқ таърифи зарур;

г) ишлаб чиқаришда, генни етказиб бериш учун нобиологик воситалардан фойдаланилганда, дори воситаларининг физик-кимёвий хоссалари текширилиши ва ҳужжат билан тасдиқланиши лозим.

12.10 Соматик хужайралар билан даволаш дори воситалари ва тўқима муҳандислиги дори воситалари

12.10.1 Ген терапияси дори воситалари сифатида қабул қилинмаган, ирсий модификацияланган хужайрали дори воситалари учун мазкур Илованинг 12.9.1-12.9.13 бандлари қўлланиши мумкин.

12.10.2 Ушбу дори воситаларини ишлаб чиқариш учун иложи борича қўшимча материалларнинг (хусусан, хужайра маҳсулотлари, биомолекулалар, биоматериаллар, тутиб турувчи тизимлар, матрицалар) рухсат берилган манбаларидан (масалан, қўллашга рухсат берилган дори воситалари ёки тиббий буюмлар) фойдаланиш мумкин.

12.10.3 Агарда тиббий буюмлар, жумладан, буюртмага ишлаб чиқариладиганлари, тайёр маҳсулотнинг таркибий қисми саналса, қуйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

а) дори воситаси ишлаб чиқарувчи ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчи ўртасида, юқори технологик дори воситаси ишлаб чиқариш вақтида-унинг хусусиятларини ўзгаришидан ҳоли бўлиш учун, тиббий маҳсулот ҳақида етарли ахборотни сақловчи тутувчи келишув

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NIZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH

BOSHQ'RMAS

тузилади. Кўрсатилган келишув тиббий буюм учун таклиф қилинган ўзгаришларни назорат қилиш ҳақидаги талабдан иборат бўлиши лозим;

б) дори воситалари ишлаб чиқарувчиси ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчиси ўртасида келишув бўлиши, тиббий буюм ишлаб чиқаришда кузатилган фарқлар ҳақида ахборот алмашишни ҳам кўзда тутиши лозим.

12.10.4 Соматик ҳужайралар одамлардан (аутологик ёки аллоген) ёки ҳайвонлардан (ксеноген) олинганлиги натижасида, кўшимча омиллар билан уларнинг контаминацияланиш хавфи юқори эканлиги мавжуд. Касал юқтирган донорлардан олинган аутологик материалларни ажратиш учун алоҳида тадбирлар кўзда тутилиши лозим. Бундай бошланғич материаллар учун ишончли назорат ва текширув тадбирларининг ишончилиги таъминланиши зарур.

12.10.5 Стандарт усуллар, масалан, фильтрация ёрдамида тайёр дори воситасининг стерилизациясини ўтказиш мумкин бўлмаса, технологик жараён босқичлари асептик шароитларда ўтказилиши керак.

12.10.6 Криоконсервациянинг барча босқичлари, масалан, музлатиш ва эритиш вақтида ўзгарувчи ҳарорат тезлигини ўлчаш учун махсус талабларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Сақлаш камерасининг турлари, материалларни жойлаштириш ва чиқариб олиш жараёнлари қарама-қарши контаминациянинг энг кам хавфига олиб келиши, дори воситалари сифатини таъминлаши ва уларни тўғри чиқариб олишига кўмаклашиши лозим. Таркибига мусбат серологик маркерлар кирадиган дори воситалари билан ишлаш хавфсизлигини таъминлаш, шушундек, ушбу дори воситаларини сақлаш учун расман хужжатлаштирилган жараёнлардан фойдаланиш лозим.

12.10.7 Антибиотиклар сақламайдиган ҳужайра культуралари ва банкларида бактериял ёки замбуруғ контаминацияси йўқлиги бўйича стериллик синовлари ўтказилиши зарур. Алоҳида кўпайтириш шароитларини талаб қилувчи махсус микроорганизмларни аниқлаш зарурлигини ҳам ҳисобга олиш лозим.

12.10.8 Зарур ҳолларда, мавжуд назорат ва архив намуналарини қамраб олувчи, кейинги текширишлар ўтказиш учун етарли бўлган миқдорда барқарорлик мониторинги дастурини ўтказиш керак.

13 АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Мазкур Илованинг мақсади учун мазкур қоидalarda кўзда тутилган атамалар ва тушунчалардан ташқари, қуйидаги асосий махсус тушунчалар ҳам қўлланилади:

адъювант – антигенга нисбатан иммун реакцияларни кучайтирувчи кимёвий ёки биологик модда;

аллергенлар – организмни сенсбилизация қилувчи ва аллергияни чақирувчи антиген ёки гаптен табиатли моддалар;

аллергоидлар - E иммуноглобулиннинг (IgE) реактивлиги камайган кимёвий ўзгартирилган аллергенлар;

D‘Z STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

антигенлар – махсус иммун реакциялар чақиришга қодир моддалар (масалан, токсинлар, ёт оқсиллар, бактериялар, тўқима хужайралари);

моноклональ антителолар – лимфоцитлар ягона клонидан ёки рекомбинант ДНК технологияси ёрдамида олинган битта эпитопга (антиген детерминантаси) боғланишга қодир антителоларнинг гомоген популяцияси;

поликлональ антителолар – лимфоцитларнинг бир неча клонидан олинган ва (ёки) антигенни киритилишига жавоб сифатида одам ёки ҳайвон организмида ишлаб чиқарилган антителолар;

антитело - В-лимфоцитлар томонидан ишлаб чиқарилган оқсиллар, улар маълум бир антигенлар билан махсус боғланади. Уларни ишлаб чиқариш усулларида муҳим фарқлари асосида антителоларнинг иккита тури ажратилади: моноклональ ва поликлональ антителолар;

хужайралар банки – муайян шароитларда сақланадиган, ичида бир турдаги таркибдан иборат контейнерларнинг мажмуи. Ҳар бир контейнер ичидаги хужайраларнинг қарали ягона йиғиндисидан иборат;

биологик фармацевтик субстанция – биологик манбадан фойдаланиб ёки биологик манбадан экстракция қилиб олинган фармацевтик субстанция бўлиб, у физик, кимёвий ва биологик текширувлар қўлланилиб тавсифланиши лозим ва унинг сифати мазкур текширувлар билан бирга уни ишлаб чиқаришдаги назоратида аниқланади;

биологик дори воситаси – фармацевтик субстанцияси биологик фармацевтик субстанция бўлган дори воситаси;

биоюклама - бошланғич ашё, фармацевтик субстанция ишлаб чиқариш учун бошланғич ашё, оралиқ маҳсулот ёки фармацевтик субстанция таркибида бўлиши мумкин бўлган микроорганизмларнинг (масалан, тўғри келмайдиган ёки рухсат этилган микроорганизмлар) даражаси ва тури. Биоюкламани контаминация деб ҳисоблаб бўлмайди, агарда унинг миқдорлари белгиланган чегара даражаларидан ошмаса ёки рухсат этилмаган деб ҳисобланадиган микроорганизмлар аниқланмаса;

вектор – ирсий ахборотни битта хужайра ёки организмдан бошқасига ташувчи трансмиссия агенти, масалан, плазмидалар, липосомалар, вируслар;

вирусли вектор – айрим вирусларни, аммо ҳаммасини эмас, она вирус генларини ушлаб қолиш учун молекуляр биология усуллари ёрдамида вирусни модификация қилиш йўли билан ишлаб чиқилган вектор. Репликацияга масъул вирус генлари йўқотилганида, яратилган вектор репликация қила олмайдиган ҳисобланади;

тирик организмдан ташқарида – бажариладиган ишлар тирик организмдан ташқарида тўқима ёки хужайраларда ўтказилиб, кейинчалик уларни тирик организмга қайтариш йўли билан амалга ошириладиган жараён;

тирик организм ичида – тирик организмлар ичида бажариладиган ишлар;

ёрдамчи моддалар – ишлаб чиқариш жараёнида дори воситаларига зарур бўлган физик-кимёвий хусусиятларни бериш учун фойдаланиладиган ноорганик ёки органик табиатли моддалар, фармацевтик субстанциялар ва ўраб-жойлаш материаллардан ташқари;

гаптен - ўз табиати бўйича "ташувчи-молекула" билан конъюгация бўлиш пайтигача антиген ҳисобланмайдиган, молекуляр оғирлиги кичик молекула;

ген - бир ёки бир неча оксилларни кодлайдиган ДНК кетма-кетлиги;

ирсий модификацияланган организм (ГМО) – одам организмидан ташқари ҳар қандай организм, унда ирсий материал шундай тарзда ўзгартирилганки, табиий чашиштириш ва (ёки) табиий рекомбинация натижасида бундай ўзгаришга эришишнинг имкони йўқ;

гибридома – исталган (моноклонал) антителоларни ишлаб чиқарувчи ва одатда, ўсма хужайралари билан В-лимфоцитларнинг сунъий йўл орқали бирлаштириш билан олинадиган хужайраларнинг иммортализациялашган ("ўлмас") линияси;

хужайраларнинг асосий банки – муайян бир шароитларда хужайраларнинг аниқ бир клонидан олинган, кўп контейнерларга тарқатилган ва маълум бир шароитларда сақланадиган битта йиғиндили хужайраларнинг кичик бир миқдори;

асосий вирусли экиш материали – муайян бир шароитларда вирусларнинг аниқ бир клонидан олинган, кўп контейнерларга тарқатилган ва маълум бир шароитларда сақланадиган битта йиғиндили вирусларнинг кичик бир миқдори;

асосий трансгенли банк – муайян бир шароитларда хужайраларнинг аниқ бир клонидан олинган, кўп контейнерларга тарқатилган ва маълум бир шароитларда сақланадиган трансген ўсимликларнинг ёки хайвонларнинг битта йиғиндили хужайраларининг кичик бир миқдори;

ёпиқ тизим – фармацевтик субстанция ёки дори воситаси билан ишлаб чиқариш муҳити ўртасида бевосита алоқа мавжуд бўлмаган тизим;

худуд – битта бино чегарасидаги маълум бир тўплам хоналар мажмуаси, уларда бир ёки бир қанча дори воситалари ишлаб чиқарилади ва улар алоҳида ҳаво тайёрлаш тизимига эга;

зооноз – одамга юқиши мумкин бўлган ҳайвонларнинг юқумли ва инвазион касалликлари;

изоляция қилинган шароитларда фойдаланиш – қандайдир усул билан ирсий модификацияланган организмлар олинадиган, кўпайтириладиган, сақланадиган, ташиладиган, парчаланадиган, йўқ қилинадиган ёки фойдаланиладиган ҳар қандай фаолият ва бунда организмлар тарқалишини чегаралаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш учун чегаралашнинг махсус чораларидан фойдаланилади;

бошланғич материаллар – дори воситаси ёки фармацевтик субстанция ишлаб чиқариладиган ёки ажратиб олинадиган барча материаллар, қалоклаш материаллари бундан мустасно. Биологик дори воситалари учун бошланғич материаллар, келиб чиқиши биологик

бўлган ҳар қандай субстанциялар, масалан, микроорганизмлар, ўсимликлар ёки ҳайвонлардан олинадиган орган ва тўқималар, одам ёки ҳайвондан олинадиган ҳужайралар ёки суюкликлар (жумладан, қон ва плазма), шунингдек, бирламчи ҳужайралар билан бирга, биотехнологик ҳужайра субстратларини (рекомбинант ва табиий) билдиради;

ҳужайра захираси – ҳужайраларнинг белгиланган миқдоригача кўпайган, кичик бир миқдорларгача бўлинган ва ҳужайралар асосида дори воситалари серияларининг чегараланган миқдорини ишлаб чиқариш учун бошланғич материал сифатида қўлланиладиган бирламчи ҳужайралар;

масъул шахс – ташкилотда биологик (жумладан, иммунобиологик), фармацевтик субстанциялар ва дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича махсус тайинланган шахс, у қуйидагилар учун жавобгар саналади:

- биологик материал (жумладан, одам ҳужайралари ва (ёки) тўқималари) дори воситаси ишлаб чиқариш жараёнида олинганлиги, текширилганлиги, фойдаланилганлиги, жумладан, тайёр маҳсулот сифатини назорат қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ сақланганлиги ва чиқарилганлигини таъминлаш;
- ижро этувчи ҳокимиятнинг ваколатли органларига аккредитациялаш ёки лицензиялаш кўрсатмалари, рухсатномаларига тегишли зарурий ахборотларни тақдим этиш;
- ташкилотда биологик (жумладан, иммунобиологик), фармацевтик субстанциялар ва дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамма талабларини бажариш.

Масъул шахс малака жиҳатдан қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

- олий тиббий, фармацевтик ёки биологик маълумотга эга бўлиши;
- мувофиқ ихтисосликда бир ёки бир неча ташкилотларда икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши.

Жавобгар шахснинг юқорида кўрсатилган мажбуриятларини бажариш учун мос келувчи малака ва иш стажига эга бўлган бошқа шахсларга берилиши мумкин.

Биологик (жумладан, иммунобиологик), фармацевтик субстанциялар ва дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, ижро этувчи ҳокимиятнинг ваколатли органларига масъул шахснинг фамилияси, исми ва шарифи (бор бўлса) ҳамда масъул шахснинг мажбуриятлари ўтказилган шахслар ҳақида, уларга юклатилган аниқ бир мажбуриятлари билан бирга ахборот беришлари лозим.

Агарда масъул шахс ёки жавобгар шахснинг мажбуриятлари берилган шахслар доимий ёки вақтинчалик асосда алмаштирилса, биологик (жумладан, иммунобиологик), фармацевтик субстанциялар ва дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар янги масъул шахснинг фамилияси, исми ва шарифи (бор бўлса) ва унинг тайинланиши санаси ҳақида ижро этувчи ҳокимиятнинг ваколатли органларининг тезда жавобдор қилишлари лозим.

STANDART-AGENT I G I
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

генларни кўчириш – хужайраларда генни кўчириш жараёни, жумладан, вектор деб аталувчи, етказиб бериш тизими таркибига кирувчи экспрессия тизими. Вектор келиб чиқиши бўйича ҳам вирусли, ҳам вируссиз бўлиши мумкин. Генлар кўчиришдан сўнг ирсий модификацияланган хужайралар “трансформация қилинган хужайралар” деб аталиши мумкин;

озиклантирувчи хужайралар – ўзак хужайралари плюрипотентлигини (кўплаб махсуслашган хужайра турларига табақаланиш хоссаси) таъминлаш учун комбинацияланган културада фойдаланиладиган хужайралар. Одам эмбрионал ўзак хужайралари култураси учун мос озиклантирувчи қатламлар сичқонлар эмбрионал фибробластлари (СЭФ) ёки одам эмбрионал фибробластларидан (ОЭФ) ташкил топган бўлиб, уларда махсус усуллар билан кўпайишининг олди олинган бўлади;

плазмида - одатда, хужайра хромосомаларидан ажралган ҳолда, ҳалқасимон тузилма кўринишида бактерия хужайрасида мавжуд бўлган ДНКнинг бўлаги. Плазмида молекуляр биология усуллари ёрдамида модификацияланиши, бактерия хужайрасидан ажратиб олиниши ва ДНКни бошқа хужайра геномига кўчириш ва ичига киритиш учун фойдаланиш мумкин;

тутиб турувчи тизим (scaffold) – тутиб турувчи восита, етказиб бериш ёки матрица воситаси, улар хужайралар ва (ёки) биологик фаол молекулаларни тузилишини таъминлайди ёки миграцияси, бирикиши ёки ташилишига кўмаклашади;

бир неча дори воситаларини ишлаб чиқариш учун хоналар – кетма-кет ишлаб чиқариш ёки турли гуруҳ биологик фармацевтик субстанциялар ва дори воситаларининг кампаниялар тамойиллари бўйича ишлаб чиқариш учун хоналар, уларда фойдаланиладиган ускуналар тўплаш ҳар бир алоҳида гуруҳ субстанциялар ёки дори воситалари учун махсуслашган ёки махсуслашмаган бўлиши мумкин;

олдиндан мўлжалланган ташқарига чиқариб юбориш – ирсий ўзгартирилган организмларни атроф муҳитга олдиндан мўлжалланган ташқарига чиқариб юбориш, улар учун ушбу организмларнинг тарқалишини чеклаш ва аҳоли ҳамда атроф муҳитнинг хавфсизлигини таъминлаш учун чегаралашнинг махсус чоралари қўлланилмайди;

кампаниялар тамойили бўйича ишлаб чиқариш – вақтнинг маълум бир муддати давомида битта дори воситасининг бир неча серияларини кетма-кет ишлаб чиқариш, ундан сўнг бошқа дори воситасини ишлаб чиқаришга ўтказилиши олдиндан қатъий назорат қилиш тадбирлари ўтказилади. Турли дори воситалари бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилмайди, аммо уларни ишлаб чиқаришда битта ускунадан фойдаланиш мумкин;

ретроспектив таҳлил жарёни - ҳужжат билан расмийлаштирилган жараён бўлиб, яроқсиз ҳайвон ёки одамларнинг материалларини (ушбу материалларда контаминацияловчи агент(лар) бор бўлса ёки бу материалларнинг манбаи бўлган салбий омиллар ҳайвон ёки одамларда топилса) ишлатилиши натижасида номувофиқ сифати номувофиқ биологик фармацевтик субстанциялар ёки дори воситаларини текшириб, топиб борилишини таъминлайди;

UZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

хужайраларнинг ишчи банки - асосий хужайра банкдан олинган ва контейнерларнинг маълум бир миқдорда бир хилда тақсимланган микроорганизмлар ёки хужайраларнинг гомоген миқдори. Хужайраларнинг ишчи банки, унинг барқарорлиги ва ишлаб чиқаришда фойдаланилишини таъминлайдиган шароитларда сақланади;

вируснинг ишчи экма материали – вируснинг асосий экма материалдан олинган ва контейнерларнинг маълум бир миқдорда бир хилда тақсимланган вирусларнинг гомоген миқдори. Вируснинг асосий экма материали, унинг барқарорлиги ва ишлаб чиқаришда фойдаланилишини таъминлайдиган шароитларда сақланади;

ишчи трансген банк – асосий трансген банкдан олинган ва контейнерларнинг маълум бир миқдорда бир хилда тақсимланган, трансген ўсимликлар ёки ҳайвонлар хужайраларининг гомоген миқдори. Ишчи трансген банки, унинг барқарорлиги ва ишлаб чиқаришда фойдаланилишини таъминлайдиган шароитларда сақланади;

махсус патогенлардан ҳоли – маълум бир патогенлардан ҳоли, ҳайвонлар гуруҳлари (масалан, пода ёки галалар) дан олинган, биологик дори воситаларини ишлаб чиқариш ёки сифатини назорат қилиш учун фойдаланиладиган ҳайвонларнинг материаллари (масалан, товуклар, эмбрионлар ёки хужайра культуралари). Бундай пода ёки галалар ҳайвонлар гуруҳлари сифатида аниқланади, улар умумий муҳитда яшайди ва уларга қараб турувчи ходим мавжуд бўлиб, у махсус патогенлардан ҳоли бўлмаган ҳайвонлар билан алоқада бўлмайди;

соматик хужайралар – одам ёки инсон танасидаги ҳамма хужайралар, репродуктив хужайралар бундан мустасно. Ушбу хужайралар аутологик (айнан шу беморнинг ўзидан), аллоген (бошқа одамдан) ёки ксеноген (ҳайвондан) олинган соматик тирик хужайралар бўлиб, организмдан ташқаридаги шароитларда манипуляция ёки ўзгартиришлар қилиниб, даволаш, ташхис қўйиш ёки профилактик таъсирга эришиш учун одам организмига юборилади;

трансген – биологик фармацевтик материаллар экспрессияси учун ўзининг одатдаги ирсий тузилмасида ёт генни тутувчи организм;

биологик хавфсизлик даражаси – патогенликнинг турли хил даражасидаги микроорганизмлар (патогенликнинг 4-гуруҳи (одам касалланишига олиб келиши эҳтимоллигининг энг кам хавфи)дан бошлаб, патогенликнинг 1-гуруҳигача (тез тарқаладиган, оғир касалланишни кўзгайдиган хавфнинг энг юқориси) билан хавфсиз ишлаш учун талаб қилинадиган чегаралашнинг шароитлари;

тоза культура (аксеник культура) – бошқа ҳар қандай организмлар билан контаминацияланмаган ва бир хилдаги микроорганизмлар тутувчи культура.

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NITOBATI
MUVOFIQLASH TIZIMI
BOSHOQ BOSHQ

3-ИЛОВА

(мажбурий)

**РАДИОФАОЛ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ (РАДИОФАРМАЦЕВТИК
ПРЕПАРАТЛАР)НИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ****1 Тамойил**

Радиофармацевтик препаратларни ишлаб чиқариш мазкур Қоидаларга мувофиқ ташкил этилиши лозим. Мазкур иловада радиофармацевтик препаратларни ишлаб чиқаришга хос бўлган талаблар белгиланган.

Изоҳлар:

1.1 Мазкур илова ихтисослаштирилган дорихоналарда (даволаш муассасалари ёки мустақил фаолият олиб борувчи) лицензияга мувофиқ (рўйхатга олиш ҳужжатлари билан) радионуклид генераторлар ва реагентлар тўпламидан фойдаланиш йўли билан радиофармацевтик препаратлар тайёрлашга жорий қилинмайди.

1.2 Радиация хавфсизлиги талабларига мувофиқ тиббий мақсадларда радиацияни қўллашда жавобгарлик даволаш муассасалари (шифокорлар) зиммасида бўлади. Ташхис ва даволаш мақсадларида радиофармацевтик препаратларни қўллаш чоғида тиббий физика бўйича мутахассиснинг иштироки ва бошқа талабларнинг бажарилиши таъминланиши лозим.

1.3 Мазкур илова клиник синовларда қўлланиладиган радиофармацевтик препаратлар учун ҳам жорий этилади.

1.4 Радиофармацевтик препаратларни транспортда ташиш Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)нинг радиация хавфсизлиги бўйича талаблари ҳамда ЎЗР қонунидаги норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

1.5 Мазкур иловада келтирилган усуллардан фарқ қилувчи, аммо маҳсулот сифатини таъминлаш бўйича талабларнинг бажарилиши имконини берувчи усуллардан фойдаланиш мумкин. Бу усуллар қўлланилганда, уларнинг ҳеч бўлмаганда, мазкур илова талабларига муқобил сифат даражасини таъминланиши исботланиши лозим.

2 Кириш

2.1 Радиофармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш ва улар билан ишлаш потенциал хавф тугдиради. Хавф даражаси нурланиш тури, нурланиш энергияси ва радионуклидларнинг ярим емирилиш даврига боғлиқ бўлади. Қарама-қарши ифлосланиш, радиофаол материаллар қолдиқлари мавжудлигининг олдини олиш ва чиқиндиларни йўқотишга алоҳида эътибор бериш лозим.

2.2 Радионуклидлар қисқа сақлаш муддатига эга эканлиги сабабли айрим радиофармацевтик препаратларни сифат назорати тугагунича ишлаб чиқаришга рухсат этилади. Бундай ҳолатда препаратларни ишлаб чиқариш тартиби, жумладан, ходимларнинг жавобгарлиги ва сифатни таъминловчи тизим самарадорлигининг узлуксиз баҳоланишига қўйилган талаблар махсус йўриқномада аниқ ва батафсил белгиланган бўлиши лозим.

2.3 Мазкур Иловани қўллаш соҳаси қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва сифати назорати билан шугулланувчи саноат корхоналари, ядро марказлари, институтлари ва ПЭТ-марказларининг фаолияти ҳисобланади:

- радиофармацевтик препаратлар;
- ПЭТ (позитрон-эмиссион томография) учун радиофармацевтик препаратлар;

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT N'ZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHOQARMA'SI

- радиофармацевтик препаратлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган радиофаол моддалар;
- радионуклид генераторлар.

1-Жадвал

Ишлаб чиқариш тури	Қоида жорий қилинмайди <*>	Мазкур қоидалар талаблари бажарилиши лозим (ишлаб чиқариш босқичининг тайёр маҳсулотга яқинлашишига ва тегишли иловаларга кўра)			
Радиофармацевтик препаратлар ПЭТ учун радио - фармацевтик препаратлар Дастлабки радиофаол моддалар	Реакторлар ва циклотронлар маҳсулоти <1>	Кимёвий синтез	Тозалаш босқичлари	Қайта ишлаш, шакллантириш, жиҳозлаш (тўлдириш, кадоқлаш)	Асептик шароитда тайёрлаш ёки якуний стериллаш
Радионуклид генераторлар	Реакторлар ва циклотронлар маҳсулоти <2>	Технологик жараён			

Изоҳ:

<*> Нишон ҳамда циклотрондан синтез қурилмасигача узатувчи тизим фаол фармацевтик субстанциялар ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичи сифатида қаралиши мумкин.

<1> Нурлантирилган радиофаол нишондан радионуклиднинг радиокимёвий ажралиши натижасида олинган маҳсулот.

<2> Нурлантирилган радиофаол нишондан асосий радионуклидининг радиокимёвий ажралиши натижасида олинган маҳсулот.

2.4 Тайёр радиофармацевтик препарат ишлаб чиқарувчи корхона фаол фармацевтик субстанция, тайёр дори воситаси ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни баёнига эга бўлиши лозим.

2.5 Радиофармацевтик препаратларни ишлаб чиқариш радиация хавфсизлиги нормалари талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2.6 Парентерал юбориш учун мўлжалланган радиофармацевтик препаратларни ишлаб чиқариш ушбу препаратлар стериллигига қўйиладиган талаблар, зарур ҳолларда, мазкур қоидаларнинг 1- иловасига мувофиқ ишлаб чиқаришнинг асептик шароитларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим.

2.7 Радиофармацевтик препаратлар ва уларнинг сифат назорати усулларига қўйиладиган талаблар фармакопея мақолалари ёки бошқа ҳужжатларда белгиланган.

3 Клиник синовлар

Клиник синовлар учун мўлжалланган радиофармацевтик препаратларни ишлаб чиқариш учун ҳам мазкур Қоидаларнинг 11-илоvasи татбиқ қилинади.

DAVLAT STANDARTLASH TIRISH VA MUVOFIQLASH TIRISH BOSHQARMASI

4 Сифатни таъминлаш

4.1 Радиофармацевтик препаратларни ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш, уларнинг ўзига хослиги, сериялар ҳажмининг кичиклиги ва айрим ҳолларда, сифат назорати тугатилгунга қадар қўллаш зарурияти нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади.

4.2 Маҳсулотларни ифлосланиш ва қарама-қарши ифлосланишдан сақлаш, дори воситасини ишлаб чиқариш жараёнидагидек таъминланган бўлиши лозим. Аммо мазкур ҳолатда ходимларни ионланган нурланишдан ҳимоя қилиш бўйича қўшимча талаблар қўйилади.

4.3 Бинолар ва ускуналар уларнинг технологик жараёндаги аҳамиятига кўра баҳоланиши ва уларнинг назорати тўғрисидаги маълумотлар қайд этилиши лозим.

4.4 Радиофармацевтик препаратлар ишлаб чиқарилишида хавфларни бошқаришни ҳисобга олган ҳолда мазкур қоидалар ва радиация хавфсизлиги бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ тегишли валидация (аттестация) ўтказилиши лозим.

5 Ходимлар

5.1 Барча технологик жараёнлар радиация хавфсизлиги бўйича махсус тайёргарликка эга ходимлар томонидан бажарилиши лозим.

Радиофармацевтик препаратлар сифати назорати ва ишлаб чиқарилишида банд бўлган ходимлар ушбу препаратларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган махсус ўқишда малака оширишлари лозим. Баколатли шахс радиофармацевтик препаратларни ишлаб чиқишга тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

5.2 Радиофармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш зонасида хизмат қилувчи ходимлар (жумладан тозалаш ва техник хизмат кўрсатиш билан банд бўлган) жараёнлар ва маҳсулотларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ бўлган қўшимча ўқишда малака оширишлари лозим.

5.3 Ишлаб чиқариш бинолари ва ускуналари синовлар ўтказилишида фойдаланилган тақдирда, тадқиқот ўтказувчи ходимлар ҳам мавжуд қоидалар бўйича малака оширишлари лозим. Сифатни таъминлаш хизмати тадқиқотларнинг ишлаб чиқаришга хавfli таъсирини бартараф қилиш мақсадида тадқиқотлар ўтказилиши билан боғлиқ бўлган ишларни кўриб чиқиши ва уларни амалга оширишга рухсат бериши лозим.

6 Бинолар ва ускуналар

6.1 Радиофармацевтик препаратларни ишлаб чиқариш атроф-муҳит ва радиация хавфсизлиги талабларига риоя қилинадиган ва назорат қилинадиган ҳудудларда ташкил қилиниши лозим. Барча технологик жараёнлар радиофармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган махсус бинолар ва махсус ускуналарда амалга оширилиши лозим.

6.2 Ходимлар, материаллар, радиофаол материаллар ва бошқалардан қарама-қарши ифлосланишнинг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим. Ҳамма ерда, имкон қадар, ёпиқ ёки алоҳида жойлаштирилган ускуналардан фойдаланиш лозим. Очiq ускуналардан фойдаланилганда ифлосланиш хавфини минималлаштириш чоралари кўрилиши лозим. Хавфни баҳолашда атроф муҳит тозаллиги ишлаб чиқариладиган маҳсулот турига қўйиладиган талабларни қондириши кўрсатилиши лозим.

UZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHOQARMASI

6.3 Ишлаб чиқариш ҳудудларига кириш кийиниш хоналари (санитар ўтказувчилари) орқали амалга оширилиши ва улардан фойдаланиш ҳукукига эга ходимлар учунгина белгиланиши лозим.

6.4 Иш ўринлари ва атроф муҳитда радиофаол ифлосланиш ва зарралар мавжудлигининг (уларни микдорини) назорати амалга оширилиши лозим. Назорат ўтказиш тартиби иш жараёнида амалга оширилган валидация (аттестация)да белгиланади.

6.5 Бинолар ва ускуналарнинг мувофиқ ишлашини таъминлаш мақсадида уларга техник хизмат кўрсатилиши, калибрлаш (қиёслаш) ва валидацияни (аттестацияни) амалга ошириш лозим. Ушбу фаолият малакали ходимлар томонидан амалга оширилиши ва олинган натижалар ҳужжатлар асосида расмийлаштирилиши лозим.

6.6 Бинолар ва ускуналарни радиофаол ифлосланишдан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўрилиши лозим. Дозиметрлар ёрдамида бевосита ёки ювиш сувларида аниқлаш усули ёрдамида радиофаол ифлосланишнинг назорати ташкил этилиши лозим.

6.7 Маҳсулот билан бевосита алоқада бўлувчи усакуна юзаси у билан реакцияга кирмаслиги, унинг таркибига ҳеч нима аралаштирмаслиги ва маҳсулот хоссаларини ўзгартирмаслиги учун уни шиммаслиги лозим.

6.8 Рециркуляцияни қўллаш зарурлиги асосланган ҳолатлардан ташқари, радиофармацевтик препаратлар билан фаолият олиб бориладиган биноларда ҳаво рециркуляциясига йўл қўйилмайди. Ҳавони тортиб олиш тизимларида атроф муҳитни радиофаол зарралар ва газлар билан ифлосланишдан ҳимоялаш кўзда тутилиши лозим. Назорат қилинадиган ҳудудларда зарралар ва микроорганизмлар билан ифлосланишдан ҳимоялаш кўзда тутилиши лозим.

6.9 Радиофаол зарраларнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун очиқ маҳсулот мавжуд ҳудудларда салбий босимни қўллаш зарурати бўлиши мумкин. Шу билан бирга маҳсулот атроф муҳитдан ифлосланишдан ҳимояланиши лозим. Бунга барьер технологияси ва ҳаво шлюзларини қўллаш ёрдамида эришилиши мумкин.

7 Стерилланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш

7.1 Стерилланган радиофармацевтик препаратлар икки гуруҳга бўлинади:

- якуний стерилланиши лозим бўлган препаратлар, яъни бирламчи якуний ўрамда стериллаш;

- якуний стерилланиши мумкин бўлмаган препаратлар, уларни ишлаб чиқариш асептик шароитларда амалга оширилиши лозим.

Биноларнинг тозалигига қўйиладиган талаблар препаратнинг қайси гуруҳга мансуб эканлиги билан белгиланади. Маҳсулот ёки бирламчи ўрам атроф ҳавоси билан бевосита алоқада бўлиши мумкин бўлган иш ҳудудлари тозалигига талаблар мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган.

7.2 Босим даражалари фарқига, ҳаво оқими йўналиши ва унинг сифатига талабларни аниқлаш учун хавфларни бошқариш усулларида фойдаланиш мумкин.

7.3 Одатда кимёвий синтез қурилмалари, тозалаш тизимлари, ёпиқ автоматлаштирилган "линияларда" стерилловчи филтрлаш тизими ўрнатилган иссиқ камералардан иборат ёпиқ автоматлаштирилган тизимларда С зона назарда тутилиши лозим. Ёпиқ ҳолда фаолият кўрсатувчи иссиқ камераларга, юқори даражада тозаликдаги ҳаво юборилиши зарур. Асептик жараёнлар А зонада амалга оширилиши лозим.

U'Z STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

7.4 Ишлаб чиқариш бошлангунига қадар стерил ускуналар ва уларнинг таркибий қисмларини (найчалар, стерилловчи фильтрлар) йиғиш, тикинлаш ва стерилланган флаконлар герметизацияси асептик шароитларда амалга оширилиши лозим.

8 Хужжатлар

8.1 Радиофармацевтик препаратларни ишлаб чиқаришга тааллуқли хужжатларни ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва бериш тартиби махсус йўриқномада баён қилиниши лозим.

8.2 Хом ашё ва ўраш воситалари, ёрлиқлар ва бошқа тамгалашнинг воситалари, муҳим оралик воситалар ва тайёр маҳсулотга талаблар спецификацияларда кўрсатилиши лозим. Спецификациялар, шунингдек, жараёнда қўлланилувчи ва маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи муҳим воситалар ва таркибий қисмларга (ёрдамчи моддалар, зичлагич, стерилловчи фильтрлаш тўпламлари ва ҳ.к.з.) ишлаб чиқилади.

8.3 Радиофармацевтик препаратлар хоссаларининг ўзгаришининг чегараланган қийматлари, шунингдек, ишлаб чиқариш ва сақлаш муддатларига қўйиладиган талаблар (масалан, радиокимёвий тозалик, ҳажмий фаоллик, радионуклид тозалик ва солиштира фаоллик) белгиланиши лозим.

8.4 Фойдаланиш, тозалаш, дезактивация, дезинфекция (стериллаш), техник хизмат кўрсатиш баённомаларида жараёнларнинг бажарилиш санаси ва вақти кўрсатилиши ва жараёни амалга оширган шахснинг имзоси билан тасдиқланиши, зарур ҳолларда, маҳсулот номи ва серия рақами кўрсатилиши керак.

8.5 Баённомалар, агар бошқа хужжатларда бошқача муддат кўрсатилмаган бўлса, камида уч йил давомида сақланиши лозим.

9 Ишлаб чиқариш

9.1 Бир ишлаб чиқариш зонасида (иссиқ камера, ламинар зона ёки кабинетларда) турли радиофармацевтик препаратларнинг бир вақтда ишлаб чиқарилишига рухсат этилмайди, бунга сабаб радиофаол моддалар билан қарама-қарши ифлосланиш ёки воситаларни адаштириш хавфини минимумга тушириш зарурлигидир.

9.2 Жараёнлар ва ускуналар, шу жумладан компьютер бошқарувига эга тизимлар валидацияси (аттестацияси) мазкур Қоидаларнинг 13 иловасига мувофиқ амалга оширилади. Янги жараёнлар истиқболли валидация (аттестация)ланади.

9.3 Критик параметрлар одатда, валидация (аттестация)гача ёки амал қилиш жараёнида аниқланиши лозим. Бунда тургун ишлаб чиқариш учун зарур бўлган параметрлар ўзгаришининг чекланган қийматлари аниқланиши лозим.

9.4 Асептик шароитларда тўлдириладиган маҳсулотлар учун радиация хавфсизлиги ва фильтрлар стериллигини сақлашни таъминлаш мақсадида, мембрана фильтрлари бутунлигининг назоратини ўтказиш лозим.

9.5 Тайёр маҳсулотнинг радиация фаоллигини эътиборга олиб, ишлаб чиқариш бошланишидан олдин бирламчи ўрамни тамгалашга рухсат этилади. Стерил бўш ёпиқ флаконларни тўлдиришдан олдин флаконлар айрим маълумотлар билан тамгаланиши мумкин, бунда стериллик бузилмаслиги ва тўлдирилган флаконларнинг визуал назоратига ҳалал берилмаслиги лозим.

U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

10 Сифат назорати

10.1 Айрим радиофармацевтик препаратлар серия учун хужжатларни баҳолаш асосида барча кимёвий ва микробиологик синовлар тугагунча чиқарилиши ва фойдаланилиши мумкин.

Радиофармацевтик препаратларни чиқаришга рухсат икки ва ундан ортик босқичларда тўлиқ аналитик назоратдан олдин ва ундан сўнг расмийлаштирилиши мумкин:

а) серияни чиқариш учун рухсат ушбу серия баённомаси баҳоланганидан сўнг расмийлаштирилиб, унда ишлаб чиқариш шароитлари ва аналитик назорат натижалари фойдаланилиши лозим, препарат клиникага жўнатилгунча "карантинда" мақомига эга бўлади;

б) аналитик назорат натижалари баҳоланиб, нормал жараёндан барча четга чиқишлар хужжат орқали расмийлаштирилиб, асосланиб ва тасдиқлангандан сўнг, ваколатли шахсдан махсулотни чиқаришга рухсат олинади. Агар назоратнинг айрим натижаларини препаратдан фойдаланилгунга қадар олишнинг имкони бўлмаса, унда ваколатли шахс препаратдан фойдаланилгунга қадар уни чиқаришга шартли рухсатнома расмийлаштирилиши ва узил-кесил рухсатномани назоратнинг барча натижалари олинганидан сўнг расмийлаштирилиши лозим.

10.2 Қатор радиофармацевтик препаратлардан қисқа муддат ичида фойдаланилади. Препаратнинг яроқлилик муддати аниқ кўрсатилиши лозим.

10.3 Ярим емирилиш даври катта бўлган радиофаол изотоплар мавжуд препаратларнинг барча талабларга мувофиқлигининг назорати ваколатли шахс томонидан чиқаришга рухсатнома расмийлаштирунига қадар амалга оширилиши лозим.

10.4 Намуналар талаб қилинган фаоллигининг камайишини таъминлаш мақсадида, уларнинг назорати танлаб олингандан сўнг дархол ўтказилмаслиги лозим. Назоратнинг барча турлари, жумладан стериллик назорати имкон қадар тезроқ амалга оширилиши лозим.

10.5 Махсулот чиқаргунча ўтказилиши лозим бўлган, махсулот ва унинг назорат натижаларини баҳолаш тартиби махсус йўриқномада баён қилиниши лозим.

10.6 Белгиланган талабларга номувофик махсулотлар қайтарилиши лозим.

Махсулотни қайта ишлаш кўзда тутилган бўлса, қайта ишлаш йўриқнома асосида бажарилиши лозим. Тайёр махсулот белгиланган талабларга жавоб бериши лозим бўлиб, ушбу талаблар махсулот чиқарилгунга қадар тасдиқланиши лозим. Қайтарилган махсулотни қайта ишлашга рухсат берилмайди, унга радиоактив фаол чиқиндидек муносабатда бўлиш керак.

10.7 Жўнатилган махсулотнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар спецификацияга номувофиқлиги аниқланган ҳоллардаги ваколатли шахснинг бажарилиши лозим бўлган амаллар тартиби махсус йўриқномада белгиланган бўлиши лозим.

Бундай ҳоллар тадбирлар режаси ишлаб чиқиш йўли билан бартараф қилиниши ва хужжат асосида расмийлаштириш орқали текшириб кўрилиши лозим.

10.8 Зарурат туғилганда даволаш муассасасининг масъул ходими хабардор қилиниши лозим. Ушбу амалиёт барча ҳаракатлар расмийлаштирилгани ҳолда амалга оширилиши лозим.

10.9 Хом ашёлар назорати тартиби ишлаб чиқилиши лозим. Таъминотчини танлаш ва уни тасдиқлашда, унинг томонидан етказиб берилган хом ашёнинг доим спецификация талабларига мувофиқ келишига ишонилганда, унинг расмийлаштирилиши лозим.

жараёнлар учун хом ашё, ўраб-жойлаш воситалари ва ёрдамчи воситалар фақатгина тасдиқланган таъминотчилардан сотиб олиниши лозим.

11 Назорат ва архив намуналари

11.1 Қадокланмаган маҳсулотнинг ҳар бир сериясидан намуналар (назорат ва архив намуналари) танлаб олиниши, хавфлар таҳлилини ўтказишда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, намуналар тайёр маҳсулотнинг яроқлилиқ муддати тугаганидан сўнг камида олти ой давомида сақланиши лозим.

11.2 Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган эритувчи, газ ва сувдан бошқа хом ашё намуналари маҳсулот ишлаб чиқарилганидан сўнг камида икки йил давомида сақланиши лозим. Агар восита спецификациясида нисбатан қисқа тургунлик даври кўрсатилган бўлса, ушбу муддат қисқартирилиши мумкин.

11.3 Индивидуал буюртма бўйича ёки кам миқдорда ишлаб чиқарилган маҳсулот, унинг хом ашёсини сақлашда қийинчиликлар туғилса, ваколатли органлар билан келишилган ҳолда, улар намуналари (назорат ва архив намуналари) танлаб олинишининг бошқа тартиби белгиланиши мумкин.

12 Реализация қилиш

Агар сотиш жараёни назорат остида бўлса ва таҳлил натижалари олингунгача ва жавобгар шахс томонидан улар баҳолангунча препаратдан фойдаланилмаса, тайёр маҳсулотнинг синовлари олингунгача сотилишига рухсат этилади.

13 Атамалар ва тушунчалар

Тайёрлаш (preparation): даволаш муассасаларида генераторлардан эллюирланган радионуклид ёки радиофаол хом ашёдан радионишонланган тўплам тайёрлаш. Тўпламлар, генераторлар ва радиофаол хом ашё белгиланган тартибда рўйхатга олиниши, ишлаб чиқарувчи корхоналар эса мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлишлари лозим.

Ишлаб чиқариш (manufacturing): фаол ФФИ-субстанциялар ва бошқа хом ашёдан олинган радиофармацевтик препаратларни ишлаб чиқариш, сифатини назорат қилиш, чиқариш ва етказиш.

Иссиқ камера (Hot-cell): радиоактив воситаларни ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш учун химояланган (экранлаштирилган) иш жойи. Иссиқ камера изолятор бўлиши шарт эмас.

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
СТАНДАРТЛАСHTИРИШ ВА
ДАВЛАТ НАЗРАТИНИ
МУВОФИҚЛАСHTИРИШ
БОШҚАРМАСИ

4-ИЛОВА

(мажбурий)

ТИББИЙ ГАЗЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

1 Тамойил

Мазкур илова, қоидага кўра фармацевтик бўлмаган компаниялар томонидан амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланган, махсус саноат микёсида тиббий газларни ишлаб чиқаришга бағишланган. Ушбу илова Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги томонидан тартибга солинадиган, шифохоналарда тиббий газларни ишлаб чиқариш ва уларни муомаласига татбиқ этилмайди. Аммо, мазкур илованинг тегишли бўлимлари бундай фаолият учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тиббий газларни ишлаб чиқариш одатда ёпиқ ускунада амалга оширилади. Шунинг учун маҳсулотнинг атроф-муҳитдан ифлосланиш хавфи минималдир. Аммо бошқа газлар билан қарама-қарши контаминация хавфи мажуд.

Тиббий газларни ишлаб чиқариш GMPнинг асосий қоидалари, тегишли иловалари, фармакопея стандартлари ва қуйида батафсил келтирилган қоидалар асосида амалга оширилиши керак.

2 Ходимлар

2.1 Тиббий газларни чиқаришга рухсатнома бериш учун масъул ваколатли шахс тиббий газларни ишлаб чиқариш ҳамда назорат қилиш соҳасида чуқур билимга эга бўлиши керак.

2.2 Тиббий газлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи барча ходимлар GMPнинг тиббий газларга бўлган талабларини яхши тушуниши, шунингдек, тиббий газ шаклидаги дори воситаларининг муҳим салбий жиҳатлари ҳамда беморлар учун потенциал хавфи ҳақида хабардор бўлиши лозим.

3 Бино ва ускуналар

Бино ва хоналар

3.1 Тиббий ва нотиббий газлар билан тўлдириш алоҳида ҳудудларда амалга оширилиши лозим; ушбу ҳудудлараро контейнерлар алмаштириш таъқиқланган. Истисно тариқасида алоҳида эҳтиёткорлик чоралари ва тегишли валидация ўтказилганлиги шарт билан, кампания ўтказиш шароитларида бир ҳудудда тўлдиришга йўл қўйилиши мумкин.

3.2 Чалкашиб кетиш хавфини бартараф этиш мақсадида ҳажмлари газларни ишлаб чиқариш, синовларини ўтказиш ва сақлаш имкониятини берадиган хоналар бўлиши лозим. Хоналарни тоза сақлаш; уларда фаолиятни тўғри ташкил этиш ва газларни тегишли равишда сақлаш учун тартибга риоя этилиши лозим.

3.3 Қуйидагилар таъминланиши учун, қадоқлаш ҳудудларидаги хоналар тегишли ўлчамларга эга ва тўғри режалаштирилган бўлиши лозим:

а) турли газлар учун мўлжалланган алоҳида ҳудудларни яратиш;

б) бўш ва жараённинг турли босқичларидаги баллонларни аниқ фарқлаш ва бир-биридан ажратиш учун аниқ идентификатлаштириш (масалан, «тўлдирилиши лозим», «тўлдирилган», «карантин», «маъқулланган», «яроқсиз»).

Ажратишнинг турли даражаларига эришиш учун қўлланиладиган усул технологик жараённинг характери, ҳажми ва мураккаблигига боғлиқ бўлган амалдаги белгилар қўйилган, қисмларга бўлувчилар, тўсиқлар, белгилар ва ҳудудлар мажжуд бўлган ҳудудлардан фойдаланиш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Асбоб-ускуналар

3.4 Ишлаб чиқариш ва таҳлил воситалари мунтазам равишда вазиятга кўра такомиллаштирилиши ва калибрланиши лозим.

3.5 Газни тегишли газ учун мўлжалланган контейнерга жойлаштирилишини таъминлаш лозим. Турли газлар ўтадиган қувурларда туташган жойлар бўлмаслиги керак бўлиб, автоматик қадоклашнинг валидациядан ўтган жараёни бундан мустасно. Қувурларга бошқа газ учун мўлжалланган контейнер янглишилиб уланмаслиги учун фақат мазкур газ ёки аниқ газлар аралашмалари сиғим вентилларига мос келувчи бириктирувчи элементлар билан жиҳозланиши лозим. (Қувурлар ва контейнерларни бирлаштириш учун қўлланиладиган вентиλλар халқаро ёки миллий стандартлар билан белгиланиши мумкин).

3.6 Таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишлари тиббий газлар сифатига таъсир қилмаслиги лозим.

3.7 Тиббий газларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ҳудуд ва воситаларда, нотиббий газлар билан тўлдириш амалга оширилмаслиги керак. Нотиббий мақсадларда фойдаланадиган газ сифати камида тиббий газ сифатига тенг бўлиб, GMP стандартларига риоя қилинган ҳолларда, истисноларга йўл қўйилиши мумкин. Тиббий газ контаминациясини бартараф этиш учун ҳудудни нотиббий газлар билан таъминловчи линияда газнинг орқага ҳаракатланишига тўсқинлик қилувчи валидацияланган усул қўлланилиши лозим.

3.8 Сақлашга мўлжалланган резервуар ва етказиб бериш мобил резервуарлари тегишли сифатга эга битта газ учун мўлжалланиши керак. Аммо суюлтирилган тиббий газлар ва ўхшаш нотиббий газларнинг сифати камида тиббий газ сифатига тенг бўлсагина, уларни битта резервуарларда сақлаш ва ташиш мумкин.

4 Ҳужжатлар

Тўлдирилган баллонларнинг ҳар бир серияси учун баённомаларга киритилган маълумотлар ҳар бир баллонни тўлдириш тегишли босқичларининг муҳим жиҳатларини кузатиш имкониятини таъминлаши керак. Тегишли ҳолатларда серия баённомалари куйидагиларни акс эттириши лозим:

- маҳсулот номи;
- тўлдириш амалга оширилган сана ва вақти;
- тўлдириш учун ишлатилган қурилмага ҳавола;
- қўлланилаётган асбоб-ускунага ҳавола;
- газ ёки аралашма таркибига кирувчи ҳар бир газ номи ва спецификацияга ҳавола;
- тўлдиришгача бажарилган амаллар;
- тўлдиришгача ва тўлдиришдан кейинги баллонлар сони ва уларнинг ҳажми;
- тўлдиришни амалга оширган шахс исми;
- ҳар бир муҳим босқич (линияни тозалаш, баллонларни қабул қилиш, баллонларни бўшатиш ва х.к.) операторлари исми-шарифи;
- стандарт шароитларда тўғри тўлдиришни кафолатловчи асосий кўрсаткичлар;
- сифат назорати натижалари ва агарда синов воситаси ҳар бир синов олдидан калибрланса, газ спецификациясига ҳавола ва калибрлашни текшириш натижалари;
- баллонларнинг тўлдирилганлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадидаги тегишли текширувлар натижалари;
- серияси кўрсатилган ёрлик намунаси;

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

- ҳар қандай муаммолар ёки ноодатий ҳолатлар тўғрисида батафсил маълумотлар ва тўлдириш йўриқномасидан ҳар қандай чекиниш учун имзоланган рухсатнома;
- тўлдириш жараёни учун жавобгар назоратчи розилигини тасдиқлаш учун унинг имзоси ва санаси.

5 Технологик жараён

5.1 Турли ишлаб чиқариш жараёнларининг барча муҳим босқичлари валидация қилиниши лозим.

5.2 Қадокланмаган маҳсулот ишлаб чиқариш.

5.3 Тиббиётда қўллаш учун мўлжалланган қадокланмаган газлар кимёвий синтез йўли билан ишлаб чиқарилиши ёки табиий манбалардан зарур ҳолларда кейинги тозалаш йўли билан олиниши мумкин (масалан ҳавони ажратувчи ускунада). Бундай газлар миллий ваколатли орган қарорига кўра ФФИ-субстанциялар ёки қадокланмаган дори воситалари сифатида қаралиши мумкин.

5.4 Тегишли ҳолатларда тозалиги, бошқа таркибий қисмлари, хом ашё гази ва тозалаш жараёнидаги газда бўлиши мумкин бўлган бошқа аралашмалар аниқланган ҳужжат бўлиши керак. Ҳар бир алоҳида жараён учун технологик чизмалар бўлиши лозим.

5.5 Барча ажратиш ва тозалаш босқичлари максимал равишдаги самарадорликни кўзлаган ҳолда режалаштирилиши лозим. Масалан, тозалаш босқичига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган аралашмалар босқич олдидан олиб ташланиши керак.

5.6 Ажратиш ва тозалаш босқичлари самарадорлиги бўйича валидацияланиши ва валидация натижаларига мувофиқ назорат қилиниши керак. Зарурият туғилганда, ишлаб чиқаришдаги назорат узлуксиз таҳлилни ўз ичига олиши лозим. Назорат ва валидация натижаларига кўра воситаларга техник хизмат кўрсатишни амалга ошириш ҳамда унинг сарф қисмлари, масалан тозалаш филтрларини алмаштириш лозим.

5.7 Тегишли ҳолларда жараён ҳароратининг чегаравий қийматларини ҳужжатлаштириш лозим; бунда ишлаб чиқариш назорати ҳароратни ўлчашни ўз ичига олиши керак.

5.8 Жараёнларни бошқариш ёхуд назорат қилиш компьютер тизимлари валидация қилиниши зарур.

5.9 Узлуксиз жараён пайтидаги серияни аниқлаш ҳужжатлаштирилиши ва қадокланмаган газ таҳлили билан қиёсланиши лозим.

5.10 Газ тайёрланишида газ сифати ва аралашмалари таркиби доимий назорат қилиниши лозим.

5.11 Ҳаво компрессияси вақтида совутиш учун қўлланиладиган сув тиббий газ билан алоқага киришса, унинг микробиологик сифати назорат қилиниши лозим.

5.12 Суюлтирилган газларни дастлабки сақлаш жойидан кўчириш билан боғлиқ барча амаллар, жумладан кўчириш олдидаги назорат, контаминациянинг олдини олиш мақсадида ёзма йўриқномалар асосида амалга оширилиши лозим. Газ ўтиши лозим бўлган қувур қайтариш вентили ёки унга муқобил восита билан жиҳозланган бўлиши керак. Эгилувчан бириктирувчи элементлар ва шланглар, шунингдек, бирикиш жойларини тозалашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

5.13 Олиб келтирилган газ олдин олиб келтирилган худди шу турдаги қадокланмаган газни сақлаш учун мўлжалланган резервуарга қўшилиши мумкин. Бунда намуна таҳлили натижалари етказиб берилмаётган газ сифатининг қоникарли эканлигини тасдиқлаши лозим. Бундай намуналар қуйидагилардан танлаб олиниши мумкин:

UZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

- янги олиб келтирилган газ қўшилишидан олдин олиб келтирилган газ; ёки
- қўшиш ёки аралаштиришдан кейин кадоқланмаган газли резервуардан.

5.14 Тиббиёт амалиётида қўллаш учун мўлжалланган кадоқланмаган газларни серия сифатида белгилаб, тегишли фармакопея монографияларига мувофиқ назорат қилиш ва сўнгра тўлдиришга рухсат бериш керак.

5.15 Тўлдириш ва тамғалаш

5.16 Тиббий газлар билан тўлдирилиши учун серия аниқланиши лозим.

5.17 Тиббий газлар учун мўлжалланган контейнерлар белгиланган техник спецификацияларга мос бўлиши керак. Тўлдиришдан сўнг вентилнинг чиқиш тирқишлари биринчи марта очилганини назорат қилиш учун тамғаланиши керак. Контаминациядан етарли химоялаш мақсадида баллонлар минимал босимни сақлаб турувчи вентиллар билан таъминланиши мақсадга мувофиқ.

5.18 Тиббий газлар билан тўлдириш қувурлари, баллонлар сингари, битта газ ёки аниқ газлар аралашмаси учун мўлжалланган бўлиши лозим. Баллонлар ва вентилларни назорат қилиш имконини берувчи тизимга эга бўлиш лозим.

5.19 Тўлдириш ускунаси ҳамда қувурлар ёзма йўриқномаларга кўра тозаланиши лозим. Ушбу талаб айниқса тизим техник кўрикдан ўтказилганидан сўнг ёки унинг яхлитлиги бузилганда муҳимдир. Линиядан фойдаланиш учун рухсатнома берилишидан олдин уни контаминацияланувчи моддалар йўқлигига текшириш лозим. Баённомалар юритилиши ва сақланиши лозим.

5.20 Корхоналардаги баллонлар қуйидаги ҳолатларда визуал назорат қилиниши лозим:

- агарда улар янги бўлса;
- гидростатик босим ёки унга муқобил усул ёрдамида текшириш муносабати билан.

Вентиль ўрнатилганидан сўнг ташқаридан контаминацияланишдан сақлаш учун уни ёпиқ ҳолатда сақлаш талаб этилади.

5.21 Тўлдириш олдидан амалга ошириладиган текширишлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- баллоннинг бўш эмаслигига амин бўлиш учун қолдиқ босимни (>3 дан 5 bar гача) аниқлаш учун текширув;

- баллонларда қолдиқ босим мавжуд бўлмаган ҳолларда, сув ёки бошқа ифлословчи моддалар билан контаминацияланиши мавжуд эмаслигини тасдиқлаш мақсадида қўшимча чоралар амалга ошириш учун уларни бошқа баллонлардан ажратиб қўйиш лозим. Ушбу чоралар қаторига, валидацияланган усуллар ёрдамидаги тозалаш ёки асосланган бўлса қараб, визуал назорат ўтказиш:

- серияни идентификатлаштирувчи барча ёрлиқларни ва яроқсиз х олга келган ёрлиқларнинг йўқ қилинганини тасдиқловчи текширув;
- ҳар бир вентиль ва контейнерда эзилган жойлар, ёйсимон пайвандлаш излари, ёриқлар, бошқа шикастланишлар ва мойлар билан ифлосланиш бор-йўқлигини кўздан кечириш. Баллонларни тозалаш, синаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тегишли равишда амалга оширилиши лозим;

- баллон ёки криоген идишнинг ҳар бир вентил ёрдамида бириктирилган соҳасини унинг мазкур тиббий газга мос эканлигини аниқлаш учун текшириш;

- синов гидростатик босим ёки унга муқобил синов ёрдамида ўтказилганлиги ҳамда чиндан ҳам миллий ва халқаро талабларга мувофиқ амалга оширилганини тасдиқловчи “тажриба санаси коди”ни текшириш;

- ҳар бир контейнерда тегишли стандартга мувофиқ рангли код борлигини тасдиқловчи текширув.

5.22 Газ билан қайта тўлдириш учун қайтарилган баллонлар контаминация хавфини минималлаштириш мақсадида диққат билан тайёрланиши лозим. Сиқилган газлар учун аралашма мавжудлигининг максимал назарий қиймати 500 ppm (ҳажм/ҳажм) 200 bar (тўлдириш босимининг бошқа катталиклари учун эквивалент қийматлар) тўлдириш босимида олиниши керак.

Баллонлар қуйидагича тайёрланиши мумкин:

- баллонларда қолган ҳамма газни ҳар бир контейнердан тортиб чиқариш йўли билан (150 миллибаргача бўлган мутлақ босимгача) йўқотилади ёки

- ҳар бир контейнерда босимни тушириш ва сўнгра валидацияланган усуллар ёрдамида уни тозалаш (қисман 7 bar дан кам бўлмаган ортиқча босимни яратиш, ва сўнгра уни тушириш).

Агарда босим мусбат бўлса, қолдик (мусбат) босим клапанлари билан жиҳозланган баллонлар учун 150 миллибаргача вакуум остида бир марта тортиб олиш етарлидир. Акс холда ҳар бир контейнерда қолган газнинг тўлиқ таҳлилини ўтказиш талаб этилади.

5.23 Контейнерларнинг тўлганлигини тасдиқловчи тегишли текширувларни амалга ошириш шарт. Контейнернинг тегишли даражада тўлганлигини тасдиқловчи кўрсаткичларидан бири тўлдириш жараёнида контейнерга қўл теккизилганда, иссиқликнинг ҳис қилинишидир.

5.24 Ҳар бир баллон тамғаланиши ва рангли кодга эга бўлиши лозим. Серия рақами ва/ёки тўлдириш санаси, шунингдек яроқлилик муддати алоҳида ёрликларда кўрсатилиши мумкин.

6 Сифат назорати

6.1 Гидростатик босим билан текширишда қўлланиладиган сувнинг сифати камида ичимлик суви сифатига тенг бўлиши керак ва микробиологик тозаланишнинг одатий назорати амалга оширилиши лозим.

6.2 Ҳар бир тиббий газ унинг спецификациясига кўра текширилиши лозим ва мувофиқлиги тасдиқлангандагина чиқаришга рухсат берилиши лозим. Қўшимча равишда ҳар бир тиббий газнинг фармакопея талабларига мослигини текшириш ушбу талабларнинг доимий амал қилинишини таъминловчи муддатларда олиб борилиши лозим.

6.3 Етказиб берилган қадоқланмаган газга тўлдирилишга рухсат берилиши лозим.

6.4 Агар бир вақтнинг ўзида бир нечта баллонларни тўлдириш учун мўлжалланган қувурдан фақат бир турдаги тиббий газ етказиб берилса, ҳар бир баллонни алмаштиришда ҳар бир тўлдирувчи қувурдан камида биттадан баллон газни чинлиги, миқдорий кўрсаткичи ва зарур ҳолларда сув мавжудлигига текширилиши лозим.

6.5 Ҳар бир баллон бир тиббий газ билан айрим жараён ёрдамида кетма-кет тўлдирилганида, камида битта баллон таркиби чинлик ва миқдорий кўрсаткичи бўйича текширилиши лозим. Бир ишлаб чиқариш сменасида, бир ҳодим томонидан бир сериядаги газнинг тўлдирилиши узлуксиз цикл намунаси сифатида қабул қилиниши мумкин.

STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSNQA RMASI

6.6 Агар бир баллонда бир қувурдан тўлдирилган икки ёки ундан ортиқ газни аралаштириш йўли билан тиббий газлар аралашмаси тайёрланса, ҳар бир тўлдириш циклида камида бир баллондаги газ аралашмаси барча таркибий қисмларининг чинлиги, миқдорий таҳлили, зарур ҳолларда, сувнинг мавжудлиги, шунингдек аралашмадаги газлар нисбатининг тўғрилиги текширилиши лозим. Агарда баллонлар айрим тўлдирилса, ҳар бир баллон газ аралашмаси барча таркибий қисмларининг чинлиги ва миқдорий таркиби бўйича текширилиши ва камида ҳар бир узлуксиз тўлдириш циклидаги бир баллон аралашмадаги газлар нисбатининг тўғрилигига текширилиши лозим.

6.7 Агар газлар тўлдиришдан олдин линияда аралаштирилса (масалан, азот оксиди ва кислородни аралаштириш), қадоқланаётган аралашма доимий таҳлил қилиниши лозим.

6.8 Агарда баллон бир газ билан тўлдирилмаса, тўлдириш жараёнида газларнинг ҳар бир баллонда тўғри аралашуви ва аралашманинг бир хиллигини таъминлаш керак.

6.9 Ҳар бир тўлдирилган баллон биринчи марта очилишининг назоратини амалга ошириш учун пломбалашдан олдин тегишли усул ёрдамида газ сизиб чиқмаслигига текширилиши лозим. Намуналар олиниб, текширувлар амалга оширилган ҳолда эса, газ сизиб чиқмаслигининг текшируви улардан сўнг ўтказилиши лозим.

6.10 Истеъмолчиларга етказиб бериш учун криоген идишлар криоген газ билан тўлдирилса, ҳар бир идиш таркиби чинлик ва миқдорий таҳлил кўрсаткичлари бўйича текширилиши керак.

6.11 Тўлдирилган криоген идишлар истеъмолчиларда бўлиб, улар кўчма цистерналар ёрдамида тўлдирилса, тўлдиришни амалга ошираётган компания цистернадан олинган намуна анализи сертификатини тақдим этса, улардан намуналар олиш шарт эмас. Истеъмолчиларда сақланаётган криоген идишлар вақти-вақти билан уларнинг таркибидаги газни фармакопея талабларига жавоб берилишига текширилиши лозим.

6.12 Бошқа тартиб ўрнатилмаган бўлса, намуналарни сақлаш шарт эмас.

7 Сақлаш ва чиқариш

7.1 Тўлдирилган баллонлар ваколатли шахс томонидан чиқариш учун рухсатнома берилгунига қадар карантинда сақланиши лозим.

7.2 Газ баллонлар усти ёпиқ жойда кескин ҳароратлар таъсиридан ҳимояланган ҳолда сақланиши лозим. Баллонлар қўлланилгунга қадар уларнинг тозаллигини сақлаш мақсадида улар сақланаётган зоналар тоза, қуруқ ва яхши шамоллатиладиган бўлиши зарур, ва уларда ёнувчи материаллар бўлмаслиги керак.

7.3 Сақлаш тартиби турли газ сақловчи баллонлар, тўла ёки бўш баллонларни алоҳида сақланишини кўзда тутиши, шунингдек “биринчи келди – биринчи берилди” тартиби асосида омборхона захирасининг муомаласини таъминлаши керак.

7.4 Газ баллонлари ташилиши пайтида ноқулай об-ҳаво таъсиридан муҳофаза қилиниши керак. Музлаганда фазаларга бўлиниши содир бўладиган газ аралашмалари учун алоҳида сақлаш ва ташиш шартларига риоя қилиш керак.

**ЎЗЎСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

5 -ИЛОВА

(мажбурий)

ЎСИМЛИКЛАРДАН ОЛИНАДИГАН
ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

1 Тамойил

Хом ашёни назорат қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш ўсимликлардан олинадиган дори воситаларини ишлаб чиқаришда, уларнинг мураккаб таркиби ва ўзгарувчан хусусияти туфайли алоҳида аҳамият касб этади.

Ўсимликлардан олинадиган дори воситаларини ишлаб чиқаришда хом ашё доривор ўсимлик, ўсимлик субстанцияси ёхуд ўсимлик препарати бўлиши мумкин. Ўсимлик хом ашёси сифати талаб даражасида бўлиши лозим, буни тасдиқловчи маълумотлар эса ўсимликлардан олинадиган ўсимлик препарати / дори воситасини ишлаб чиқарувчига тақдим этилиши керак. Ўсимлик хом ашёсини доимий сифатини таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича батафсил маълумот керак бўлиши лозим. Уруғларни саралаб олиш, культивация ва ҳосилни териш шароитлари ўсимлик хом ашёси сифатининг муҳим жиҳати бўлиб, тайёр препарат ўзгармаслигини таъминлаши мумкин. «Ўсимликлардан олинадиган хом ашёни етиштириш ва териш амалиёти бўйича қўлланма»да доривор ўсимликларни етиштириш ва ҳосилни териш масалалари бўйича сифатни таъминлаш тизимига оид тавсиялар келтирилган.

Мазкур илова ўсимликлардан олинадиган асос материаллар: доривор ўсимликлар, ўсимлик субстанциялари (ўсимлик хом ашёси) ёки ўсимлик препаратларига нисбатан қўлланилади.

1 - Жадвал Ўсимликлардан олинадиган дори воситаларига нисбатан қўлланиладиган яхши ишлаб чиқариш амалиёти қоидаларининг қўлланилиши;

Иш турлари	Ўсимликлардан олинадиган хом ашёни яхши етиштириш ва териш амалиёти бўйича қўлланма	GMP яхши ишлаб чиқариш амалиётининг ушбу қоидалари	GMP яхши ишлаб чиқариш амалиётининг 21 иловаси
Ўсимликлар, сув ўтлари, қўзиқорин ва лишайникларни культивация қилиш ва йигиш, экссудатларни териш	+	-	-
Ўсимликлар, сув ўтлари, қўзиқорин, лишайник ва экссудатларни кесиш ва қуритиш	+	+	+
Ўсимликлар сувини олиш ва қайта ҳайдаш	-	O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH VA	

DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Майдалаш, экссудатларни қайта ишлаш, ўсимликлар экстракцияси, фракциялаш, тозалаш, қуюлтириш ёки ўсимлик субстанциялари ферментацияси	-	+	+
Дори шаклига келтириш мақсадида яна қайта ишлаш, шунингдек, дори воситаси сифатида кадоқлаш	-	+	+

Изоҳлар:

- GMP бўйича ўсимликлардан олинадиган материаллар таснифи, ундан фойдаланиш, ишлаб чиқариш гувоҳномасига эга бўлган алоҳида шахсга боғлиқ бўлади. Материал таъсир килувчи восита, оралик маҳсулот ёки тайёр маҳсулот кабиларга бўлинади. GMP бўйича тегишли таснифни таъминлаш, дори воситасини ишлаб чиқарувчининг вазифасига киради.

- Ишлаб чиқарувчилар мазкур босқичлар рўйхатга олиш ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишига кафолат бериши керак. Далада амалга ошириладиган бундай бошланғич босқичларга нисбатан (бу рўйхатга олиш ҳужжатларига асосланган) ўсимликлардан олинадиган асос материалларни ўстириш ва териш амалиёти стандартларини қўллаш мумкин. GMP кесиш ва қуриштиришнинг кейинги босқичларига нисбатан қўлланилади.

- Ўсимликлар сиқиб шарбатини олиш ва ҳайдашга келганда эса (бу ишлар тасдиқланган спецификациялар доирасида маҳсулот сифатини сақлаб қолиш мақсадида ҳосил йигиш жараёнининг ажралмас қисмини ташкил этиши керак бўлган тақдирда), уларни культивациялаш тегишли шароитларда амалга ошириш шарти билан далада амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бундай шарт-шароитларни истисно сифатида қараб, рўйхатга олиш ҳужжатларида асослаш керак. Далада амалга ошириладиган ишларга нисбатан GMP тамойилларига мувофиқ тегишли ҳужжатлаштириш ишлари, назорат ва валидацияни таъминлаш лозим. Ваколатли органлар GMP га мос келишини баҳолаш мақсадида бундай фаолиятни инспекция қилиши мумкин.

2 Бино ва асбоб-ускуналар

Сақлаш ҳудудлари

2.1 Ўсимлик субстанциялари (ўсимлик хом ашёси) алоҳида ҳудудларда сақланиши лозим. Сақлаш муддати шундай жиҳозланиши керакки, унга ҳашоратлар ёки ҳайвонлар, айниқса, кемирувчилар кирмаслиги керак. Ўсимликлар билан бирга келиб қолган бундай ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг кўпайишини олдини олиш, пўпанак ферментация ёки моғор ҳосил бўлишининг олдини олиш, шунингдек, аралашиб кетишига йўл қўймасликнинг барча самарали чора-тадбирлари қўлланиши керак. Келиб тушаётган ўсимлик хом ашёси ва рухсат берилган (тасдиқланган) ўсимлик хом ашёси карантини учун ҳар хил (алоҳида) ёпиқ ҳудудлардан фойдаланиш лозим.

Сақлаш ҳудуди яхши вентилизацияланиши керак; контейнерлар шундай жойлаштирилиши керакки, уларда ҳаво алмашинуви учун тўсиқлар бўлмаслиги лозим.

2.2 Сақлаш ҳудудларининг тозалигига ва керакли даражада хизмат кўрсатилишига алоҳида аҳамият қаратиш лозим, айниқса чанг ҳосил бўладиган жойларга кўпроқ эътибор бериш керак.

2.3 Ўсимлик субстанциялари (ўсимлик хом ашёси) ва ўсимлик препаратларини сақлашда намлик, ҳарорат ва ёруғликдан ҳимояланиш нуктаи назаридан алоҳида шароитлар талаб этилиши мумкин; бундай шароитларни таъминлаш ва назорат қилиш керак.

Ишлаб чиқариш ҳудуди

2.4 Тозалаш жараёнини енгиллаштириш ва намуналарни олиш, вазнини тортиш, аралаштириш, ўсимлик хом ашёси ва ўсимлик препаратларини аралаштириш ва қайта ишлаш амаллари вақтида қарама-қарши контаминация жараёнининг олдини олиш мақсадида, чанг ҳосил бўлиш хавфи юқори бўлганлиги учун алоҳида эҳтиёткорлик чоратadbирларига риоя қилиш керак, масалан, чангни йўқотиш, махсус хоналардан фойдаланиш ва ҳ.к.

Асбоб-ускуналар

2.5 Ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган асбоб-ускуналар, фильтрловчи материаллар ва ҳ.к.лар доривор ўсимликни экстракция қилишда ишлатиладиган эритувчилар билан мутаносиб бўлиши лозим. Эритувчи асосий таъсир этувчи моддани абсорбцияламаслиги ва асбоб-ускуналардан ёт моддаларни эритиб чиқармаслиги керак.

3 Хужжатлаштириш

Бирламчи материаллар спецификацияси

3.1 Ўсимликлардан олинадиган дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар улар фақат GMP ва рўйхатга олиш ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўсимликлардан олинадиган хом ашёдан фойдаланаётганлигига кафолат беришлари керак. Ўсимликлардан олинадиган дори воситасини ишлаб чиқарувчининг ўзи ёхуд унинг кўрсатмаси билан ўсимликлардан олинадиган хом ашёни етказиб берувчилар аудитига оид барча ҳужжатлар бўлиши керак. Таъсир этувчи моддаларнинг «аудиторлик изи» бирламчи материаллар сифати учун асос бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқарувчи ўсимлик хом ашёси/препарати етказиб берувчилари яхши етиштириш ва териш амалиётига мувофиқ ишлашига кафолат бериши керак.

3.2 Мазкур қўлланма (2.4 бўлим)да белгиланган талабларга риоя қилиш учун ўсимлик хом ашёси/препарати спецификацияси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- бинар тизимга мувофиқ ўсимликнинг илмий номи (тури, хили, кўриниши, шунингдек, муаллифи (масалан, Linnaeus); керак бўлса, ишга алоқадор бошқа маълумотлар, масалан, нав номи ва хемотипи кабилар кўрсатилиши керак;

- ўсимликнинг келиб чиқиши хусусидаги батафсил маълумотлар (ўсимлик ўсадиган ёки маданийлаштирган мамлакат ёки уни ҳудуди, териш вақти, териш усули, ишлатилиши мумкин бўлган пестицидлар, бўлиши мумкин бўлган радиоактив зарарланиш ва ҳ.к.);

- ўсимликнинг қайси қисмларидан фойдаланганлиги тўғрисида маълумот;

- қуритилган ўсимликлардан фойдаланилганда, қуритиш усули тўғрисида маълумот;

- ўсимлик хом ашёси тавсифи ва унинг макроскопик ва микроскопик экспертизаси;

- айнанлиги текширилганлиги тўғрисидаги маълумот, шунингдек, зарурият туғилганда, терапевтик фаоллиги маълум бўлган ингредиентлар ёки маркерларнинг чинлиги текширилганлиги тўғрисидаги маълумот. Агарда ўсимлик хом ашёсини фальсификация / алмаштириб қўйиш хавфи бўлса, махсус дифференциация тестларини ўтказиш талаб этилади. Идентификация қилши учун стандарт аутентик намуна бўлиши зарур;

- тегишли фармакопеяга мувофиқ, ёки тегишли норматив ҳужжатларга кўра аниқланадиган ўсимлик хом ашёси таркибидаги намлик,

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NAZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

- терапевтик фаоллиги маълум бўлган компонентлар ёки зарурият тугилганда маркерлар микдорини аниқлаш услубияти; тегишли фармакопеяга мувофиқ, ёки тегишли норматив ҳужжатларга кўра пестицидлар билан контаминацияланиши эҳтимоли ва мақбуллик чегараларини аниқлайдиган усуллар;

- замбуруғ ва/ёки микроб контаминацияси, шу жумладан, афлотоксин, бошқа микотоксин ва паразитлар инвазияси кабиларни аниқлаш бўйича синовлар, шунингдек керак бўлганда, мақбул чегаралар;

- токсик металллар мавжудлиги, шунингдек, ифлосланиш ёки ёт аралашмалар хавфини текшириш усуллари;

- ёт материаллар бор-йўқлигини текшириш йўриқномаси;

- зарурият тугилганда, тегишли фармакопеянинг умумий мақоласига мувофиқ, ёки тегишли норматив ҳужжатларга кўра, ёки ўсимлик субстанциясига бўлган хусусий монографияга биноан бошқа қўшимча тестлар.

- Замбуруғ/микроб контаминацияси ёхуд бошқа инвазияни камайтириш учун амалга оширилган ҳар бир қайта ишлашни ҳужжатлаштириш лозим. Жараён ва текширувлар, шунингдек, қолдиқ контаминация чегаралари тўғрисидаги батафсил маълумотларни ўз ичига олувчи спецификациялар ва йўриқномаларга эга бўлиш лозим.

Технологик йўриқномалар

3.3 Технологик йўриқномаларда ўсимлик хом ашёси билан амалга ошириладиган турли амаллар, масалан тозалаш, қуритиш, майдалаш, элаш кабилар тавсифланиши, қуритиш вақти ва ҳарорати, шунингдек, бўлақлар ёки заррачалар катталикларини назорат қилишда ишлатиладиган усуллар кўрсатилиши лозим.

Хусусан, ўсимлик хом ашёси бўлган ҳар бир контейнер фальсификация/алмаштириб қўйиш ёки металл ёки шиша қисмлари, ҳайвонлар қисмлари ёки уларнинг чиқиндилари, тош, қум ва х.к. ёки қипиқ ва чириш белгиларини аниқлаш мақсадида текширилганлигини кафолатловчи ёзма кўрсатмалар ва баённомалар бўлиши керак.

Технологик йўриқномаларда ишончли элаш ёки ёт материаллар ёки моддалардан тозалашнинг бошқа усуллари ва ўсимликлардан олинадиган моддаларни тозалаш/саралашнинг уларни маъқулланган ўсимлик хом ашёси сифатида сақлаш ёки ишлаб чиқаришдан олдин ўсимликлардан олинадиган моддаларни тозалаш ва тиклаб олишнинг тегишли усуллари баён қилиниши керак.

Ўсимлик хом ашёлари асосида олинадиган препаратларни ишлаб чиқаришга келганда эса, йўриқномалар эритувчи, экстрактлаш вақти ва ҳарорати тўғрисидаги батафсил маълумотлар, концентратлашнинг барча босқичлари ва фойдаланиладиган усуллар тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олиши лозим.

4 Сифат назорати

Намуналарни танлаб олиш

4.1 Доривор ўсимликлар/ўсимлик хом ашёси табиатан гетерогенлигини ҳисобга олиб, улардан намуналарни олишни катта тажрибага эга ходимлар алоҳида масъулият билан амалга ошириши керак. Ҳар бир серияни ҳужжатларга кўра айнан шу серия учун идентификатлаштириш лозим.

Ўсимлик хом ашёси тегишли фармакопеяда таърифланмаган ҳолларда, ўсимлик материалнинг стандарт намунаси бўлиши керак. Қўшимча фойдаланилган ҳолларда майдаланмаган ўсимлик хом ашёси намуналари талаб этилади.

UZSTANDART AGENTLIGI
 STANDARTLASHTIRISH VA
 DAVLAT NAZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

4.2 Сифат назорати бўлими ходимлари идентификацлаштириш бўйича синовлар ўтказиш ва замбуруғлар ўсиши, инвазия, етказиб берилган хом ашё бир хил эмаслигини, қалбакилаштирилмаганлигини аниқлаш учун ўсимлик хом ашёси ва/ёки ўсимликлардан олинадиган дори воситаларини махсус экспертизадан ўтказиш кўникмаси ва тажрибасига эга бўлишлари лозим.

4.3 Ўсимлик хом ашёси, ўсимлик препаратлари ўсимликлардан олинадиган дори воситаларининг айнанлиги ва сифатини ишга таллуқли бўлган, ўсимликлардан олинадиган дори воситалари ва ўсимликлардан олинадиган анъанавий дори воситаларининг сифати ва спецификацияси бўйича қўлланмалар, шунингдек, керак бўлса, фармакопеянинг хусусий монографиялари, шунингдек тегишли меъёрий ҳужжатларга биноан аниқлаш лозим.

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSQARMASI

6-ИЛОВА

(мажбурий)

ХОМ АШЁ ВА ЎРАБ-ЖОЙЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИДАН НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАБ ОЛИШ

1 Тамойил

Намуналарни танлаб олиш муҳим жараён бўлиб, бунда фақат сериянинг кичик бир қисми танлаб олинади. Бутун серияга нисбатан хулосалар репрезентатив бўлмаган намуналарда ўтказилган синовларга асосланиши мумкин эмас. Шу сабабли, намуналарни тўғри танлаб олиш сифатни таъминлаш тизимининг ажралмас қисми саналади.

Изоҳ. Намуналарни танлаб олиш мазкур қўлланманинг 6 бўлимида кўриб чиқилган (5.6.5.1-5.6.5.4 бўлимларга қаранг). Мазкур иловада хом ашё ва қадоклаш материаллари намуналарини танлаб олишга бўлган қўшимча талаблар мавжуд.

2 Ходимлар

Намуналарни танлаб оладиган ходимлар бошланғич ўқув машғулотларини ўтиши лозим ва келгусида намуналарни тўғри танлаб олишга алоқаси бор фанлар бўйича мунтазам равишда таълим олиши керак. Бундай ўқув машғулотлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- намуналарни танлаб олиш режаси;
- намуналарни танлаб олиш бўйича йўриқномалар;
- намуналарни танлаб олиш учун техник усуллар ва жихозлар;
- қарама-қарши контаминация хавфи;
- барқарор бўлмаган ва/ёки стерил моддаларга нисбатан эҳтиёт чоралари;
- материаллар, идишлар ва ёрликлар ташқи кўринишини кўздан кечиришнинг аҳамияти;

- ҳар қандай фавкулудда ёки ғайриоддий вазиятларни баённомалаштириш аҳамияти.

3 Хом ашё

3.1 Алоҳида намуналар барча идишлардан олинган ва ҳар бир намуна айнанлиги текширилган ҳолдагина хом ашёнинг бутун серияси чинлигини кафолатлаш мумкин. Хом ашёли бирорта идиш нотўғри ёрликланмаганлигини кафолатловчи, валидациядан ўтган услубият мавжудлиги шарти билан, намуналарни идишларнинг бир қисмидан олишга рухсат берилади.

3.2 Бундай валидацияда камида қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиш керак:

- ишлаб чиқарувчи ва таъминотчини тавсифи ва мақоми, шунингдек, GMPнинг фармацевтика соҳасидаги талабларини тушуниши;
- хом ашё ишлаб чиқарувчиси сифатни таъминлаш тизимини;
- хом ашё ишлаб чиқариладиган ва назорат қилинадиган ишлаб чиқариш шaroитлари;
- ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин бўлган хом ашё ва дори воситаларининг хусусиятлари.

Бундай тизимда валидациядан ўтган ва ҳар бир келаётган идишдаги хом ашё чинлигини текширмаслик имкониятини берувчи қуйидагилар учун қабул қилиниши мумкин:

- битта ишлаб чиқарувчи ёки битта корхонадан келаётган хом ашё;
- бевосита ишлаб чиқарувчидан ёки ишлаб чиқарувчи томонидан муҳрланган идишда келаётган хом ашё, агар унинг чинлигига шубҳа бўлмаса ва харидор (дори

U'ZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NAZORATINI

U'ZVOF'IQLASHTIRISH

BOSHQARMASI

воситаси ишлаб чиқарувчиси) ёки расман аккредитациядан ўтган орган томонидан мунтазам равишда ишлаб чиқарувчи сифатини таъминлаш тизими аудити ўтказилса.

Бундай услубият қуйидагилар учун валидациядан коникарли ўтиши ва қабул қилиниши мумкин эмас:

- ишлаб чиқарувчиси номаълум бўлган ёки аудит қилинмайдиган воситачилар, масалан брокерлар томонидан етказиб бериладиган хом ашё;

- парентерал дори воситаларини тайёрлаш учун қўлланиладиган хом ашё.

3.3 Хом ашё серияси сифати тақдим этилаётган намунани танлаш ва синовдан ўтказиш вақтида баҳоланиши мумкин. Бу мақсадда чинлигини синовдан ўтказиш учун танлаб олинган намуналардан фойдаланиш мумкин. Репрезентатив намунани тайёрлаш учун танлаб олинган намуналар миқдори статистик нуқтаи назардан аниқланиши ва намуналарни танлаб олиш режасида кўрсатилиши керак. Таркибий намуна учун аралаштирилиши мумкин бўлган алоҳида намуналар миқдори материал табиати, етказиб берувчи ва таркибий намуна бир хиллиги ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

4 Ўраб-жойлаш материаллари

Ўраб-жойлаш материаллари намуналарини танлаб олиш режасида камида қуйидагилар ҳисобга олинishi лозим: қабул қилинган миқдор, талаб қилинувчи сифат, материал тавсифи (масалан, бирламчи ўраб-жойлаш материали ва/ёки босма ўраб-жойлаш материали), тайёрлаш усуллари, аудитларни ўтказиш натижаларига асосланган ўраб-жойлаш материалларини ишлаб чиқарувчисининг сифатни таъминлаш тизими тўғрисидаги маълумотлар.

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

7-ИЛОВА**(мажбурий)****СУЮҚЛИК, КРЕМ ВА СУРТМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ****1 Тамойил**

Суюқлик, крем, суртма ва бошқа юмшоқ дори воситаларини ишлаб чиқаришда микроблар ва бошқалар билан контаминацияланиш хавфи жуда юқори. Шунинг учун ҳар қандай контаминацияни олдини олишнинг махсус чоралари кўрилиши зарур.

Юмшоқ дори воситалари махсус реологик хусусиятларга эга бўлиб, қатор ҳолларда улар гетероген дисперс тизимлар ҳисобланади.

Маҳсулот таркибий қисмлари нотеkis тарқалиши, газ эмульсиялари ҳосил бўлиши, дисперс тизимлар турғунлигининг бузилиши туфайли маҳсулот турлилигининг олдини олиш мақсадида технологик жараённинг тўғри олиб борилиши, қўлланиладиган воситалар, маҳсулот сақланадиган ҳарорат режимларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

2 Бино ва асбоб-ускуналар

2.1 Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ташишда уни контаминациядан ҳимоя қилиш мақсадида ёпик тизимлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Атроф муҳит таъсиридан ҳимояланмаган ишлаб чиқариш ҳудудлари, маҳсулот ёки очик контейнерлар филтрланган ҳаво ёрдамида самарали шамоллатиб турилиши лозим.

2.2 Идишлар, контейнерлар, кувурлар ва насослар шундай лойиҳаланиши ва ўрнатилиши лозимки, уларни тозалаш ва зарурий ҳолларда санитария талабларига биноан ишлов бериш қулай бўлсин. Хусусан, жиҳоз конструкциясида маҳсулот колдиклари тўпланиб, микроорганизмларнинг кўпайиши учун шароит яратиб берувчи “ўлик” ҳудудлар мумкин қадар бўлмаслиги лозим.

2.3 Имкон қадар шишадан ясалган аппаратлардан фойдаланишдан воз кечиш лозим. Маҳсулот билан алоқага киришадиган воситалар қисмлари, талабга биноан, юқори сифатли зангламайдиған пўлатдан тайёрланиши керак.

3 Технологик жараён

3.1 Фойдаланилаётган сув сифати кимёвий ва микробиологик тозаллиги жиҳатдан белгилаб қўйилиши ва назорат қилиниши лозим. Сув таъминоти тизими назорат қилиниши ва таъмирланишида микроорганизмларнинг кўпайиб кетиш хавфининг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим. Сув таъминоти тизими кимёвий санитария нуқтаи назаридан тозаланганидан сўнг, улар дезинфекцияловчи моддалардан самарали холи бўлишини таъминловчи валидацияланган усул ёрдамида ювилиши лозим.

3.2 Идишларга ангро ҳолида жойланадиган моддаларнинг сифати, уларни сақлаш учун мўлжалланган сиғимларга солинишидан олдин текширилиши лозим.

3.3 Материаллар кувурлар ёрдамида ташилишида уларнинг айнан тегишли манзилга етказилиши таъминланиши лозим.

3.4 Маҳсулот ёки тоза контейнерлар атроф-муҳит таъсиридан ҳимояланмаган ҳудудларда тола ёки бошқа контаминацияловчи моддалар ажралиши мумкин бўлган материаллар (картон, ёғоч қипиқлари ва ҳ.к.) бўлмаслиги лозим.

3.5 Қадоклаш жараёнида аралашма, суспензия ва ҳ.к.ларнинг бир жинслилиги сақлаб қолинишини таъминлаш керак. Аралаштириш ва қадоклаш жараёнлари валидациядан ўтиши лозим. Бир жинслиликни сақлаб қолишни кафолатлаш мақсадида қадоклаш жараёнининг боши ва охирида, шунингдек, иш оралигидаги танаффусларда алоҳида эътибор талаб этилади.

STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

3.6 Агар қадокланмаган маҳсулот дарҳол қадокланмаса, тайёр маҳсулот эса дарҳол идишларга солинмаса, уларни сақлаш муддатининг максимал чегаралари белгиланиши ва уларга қатъий амал қилиниши лозим.

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

8-ИЛОВА**(мажбурий)****ИНГАЛЯЦИЯЛАР УЧУН БОСИМ ОСТИДА ДОЗАЛАНГАН АЭРОЗОЛ
ПРЕПАРАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ****1 Тамойил**

Ингаляция учун мўлжалланган ва дозаловчи клапанлари билан босим остидаги аэрозол препаратларни ишлаб чиқариш, дори шаклининг ўзига хос хусусияти туфайли алоҳида эътиборни талаб этади. Буни микроорганизмлар ва заррачалар билан ифлосланишини минимум даражага туширувчи шароитларда амалга ошириш керак. Шунингдек, клапан деталлари сифатини таъминлаш суспензиялар учун эса – бир хилликни таъминлаш жуда муҳим.

2 Умумий талаблар

Ҳозирги кунда аэрозоллар ишлаб чиқариш ва тўлдиришнинг иккита кенг тарқалган усули мавжуд, хусусан:

а) икки марта тўлдириш тизими (босим остида тўлдириш). Таъсир этувчи модда пропеллентда юқори қайнаш ҳарорати билан суспензияланади, суспензия дозаси контейнерга узатилади, клапан ўрнатилиб, қисилади ва клапан штоки орқали тайёр маҳсулот олиш учун паст қайнаш ҳароратли пропеллент киритилади. Бунда буғланиш ҳисобига йўқотиш хавфини пасайтириш мақсадида пропеллентдаги таъсир қилувчи модда суспензиянинг паст ҳарорати саклаб турилади;

б) бир марта тўлдириш жараёни (совук тўлдириш). Таъсир этувчи модда пропеллентлар аралашмасида суспензияланади ва босим остида ёки паст ҳароратда ёки бир пайтнинг ўзида босим остида ва паст ҳароратда суспензия саклайди. Сўнг суспензия контейнерга бир ҳаракат билан дозаланани.

3 Иншоот ва жиҳозлар

3.1 Имкониятга кўра ишлаб чиқариш ва қадоқлаш ёпиқ тизимда амалга оширилиши керак.

3.2 Маҳсулот ёки тоза компонентлар атроф-муҳит таъсиридан ҳимояланмаган ҳудуд филтрланган ҳаво билан таъминланиб, ҳеч бўлмаса, атроф-муҳит D синфига бўлган талабларга мос келиши лозим; ҳудудга ҳаво шлюзлари орқали кириш керак.

4 Технологик жараён ва сифат назорати

4.1 Аэрозоллар учун дозаловчи клапанлар фармацевтика саноатида ишлатиладиган аксарият қадоқлаш идишларига караганда мураккаброқ тузилишга эга. Бу уларнинг спецификацияларида, шунингдек намуналарни танлаб олиш ва синовдан ўтказишда ҳисобга олиниши керак. Клапанлар ишлаб чиқарувчиларда сифатни таъминлаш тизимининг аудитини ўтказиш алоҳида аҳамият касб этади.

4.2 Барча суюқликлар (масалан, суюқ ёки босим остида суюлтирилган газсимон, пропеллентлар) ўлчамлари 0,2 ml дан катта бўлган зарралардан тозалаш мақсадида филтрлаш лозим. Агарда имконияти бўлса, бевосита тўлдиришдан олдин қўшимча филтрлаш мақсадга мувофиқ.

4.3 Контейнер ва клапанлар препарат мақсадига мос келувчи ва ишлаб чиқариш ёрдамчи материаллари (масалан, мойлаш моддалари) билан ифлосланиш ёки меъёрдан ортиқ микробиологик контаминация каби ҳар қандай контаминацияни истисно қилувчи, валидациядан ўтган методикага кўра тозаланиши лозим. Тозалашдан сўнг клапанларни тоза

**ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

ёпиқ идишларда сақлаш лозим; ундан ташқари, кейинги ишлар, масалан намуналарни танлаб олишда контаминация олдини олувчи эҳтиёт чоралари кўрилиши лозим. Контейнерлар тўлдириш линиясига тоза ҳолда келтирилиши керак ёки уларни линияда бевосита тўлдириш олдидан тозалаш лозим.

4.4 Тўлдириш жараёни давомида, дозалаш пайтида суспензия бир хиллилигини таъминловчи чораларни кўриш керак.

4.5 Агар икки марта тўлдириш жараёни қўлланилса, тўгри таркибга эга бўлиш учун ҳар иккала доза ҳам аниқ массага эга бўлишини таъминлаш керак. Одатга кўра, бунинг учун ҳар бир боскичда 80 % масса назоратини ўтказиш мақсадга мувофиқ.

4.6 Тўлдиришдан кейин назорат, ёпиқ клапанларда сизиб чиқмасликни кафолатлаши керак. Сизиб чиқмасликни микроб контаминацияси ёки қолдиқ намлик ҳосил бўлмайдиган қилиб текшириш керак.

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

9-ИЛОВА

(мажбурий)

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМЛАР

1 Тамойил

Ишлаб чиқариш, жумладан сақлаш, дистрибуция ва сифат назорати тизимига компьютерлашган тизимларни жорий қилиш мазкур қўлланманинг бошқа бўлимлари ва иловаларида баён этилган тегишли тамойилларга риоя қилиш заруриятини бекор қилмайди. Агар компьютерлашган тизим қўл меҳнатининг ўрнини босса, бу маҳсулот сифатининг пасайиши ёки сифат таъминотига таъсир қилишига олиб келмаслиги керак. Жалб этилган операторларни қисқартириш натижасида юзага келиши мумкин бўлган, олдинги тизимнинг айрим элементлари йўқотилиши хавфини эътиборга олиш лозим.

2 Ходимлар

2.1 Компьютер тизимлари билан иш кўрувчи бошқарувчи ходим ва ходимлар ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлаш лозим. Масъулиятли лавозимларни эгаллаган шахслар компьютерлар қўлланиладиган тизимлардан фойдаланиш ва уларни бошқариш бўйича ўқув машғулотларини (улар масъулияти доирасида) ўтишлари керак. Шу билан бирга, компьютер тизимларини лойиҳалаштириш, валидациялаш, ўрнатиш ва фойдаланиш масалалари бўйича маслаҳат берилишида тегишли эксперт баҳоланишидан фойдаланишни таъминлаш керак.

2.2 Валидация

Тегишли валидация кўлами омиллар миқдори, жумладан, ўрнатилаётган тизимларнинг вазифаси, валидация тури (перспектив ёки ретроспектив), шунингдек, янги элементлар киритилган-киритилмаганлигига боғлиқ бўлиши лозим,. Валидация компьютер тизими бутун ҳаёт даврининг бир қисми сифатида қаралиши лозим. Бу давр лойиҳалаш, ихтисослаштириш, дастурлаш, синовдан ўтказиш, хужжатлаштириш, фойдаланиш, назорат ва модификация қилиш босқичларини ўз ичига олади.

3 Тизим

3.1 Жихозларни ташқи омиллар тизимга таъсир қилмайдиган тегишли шароитларда жойлаштириш керак.

3.2 Тизимнинг батафсил таърифини (зарур бўлганда чизмани ҳам киритиш билан) тузиш ва мунтазам равишда актуаллаштириш лозим. Унда тизимдан фойдаланиш, тамойиллари, мақсадлари, хавфсизлик чоралари ва қўлланиш соҳаси, компьютер ишлатиладиган соҳа хусусиятлари, шунингдек, ушбу тизимнинг бошқа тизимлар ва жараёнлар билан ўзаро таъсири баён қилиниши лозим.

3.3 Дастурий таъминот компьютерлаштирилган тизимнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бундай дастурий таъминот фойдаланувчиси яратилган дастурий таъминот тизимининг сифатни, таъминлаш тизимига мослигини кафолатлайдиган барча чоратadbирларни амалга ошириши лозим.

3.4 Зарурият бўлганда, тизим киритилаётган ва қайта ишланаётган маълумотларнинг тўғрилигини текширадиган, ўрнатилган дастурларга эга бўлиши лозим.

U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

3.5 Компьютердан фойдаланувчи тизимни ишга туширишдан олдин уни яхшилаб текшириш ва у керакли натижаларга эга бўлишга кодирлигини тасдиқлаш лозим. Агарда бунда қўл тизими алмаштирилса, икки тизим (қўл ва компьютерлашган) вақтинча ушбу синовлар ва валидацияни ўтказишнинг бир қисми сифатида параллел равишда ишлаши лозим.

3.6 Фақат ваколатли шахсларгина маълумотларни киритиши ва ўзгартириши мумкин. Маълумотларни санкцияланмаган равишда киритишдан химоя қилишнинг тегишли усуллари калит, рухсатнома, шахсий код ва компьютер терминалларига киришни чегаралаш кабилардан фойдаланишни ўз ичига олади. Маълумотларни киритиш ва ўзгартириш ваколатини тақдим этиш, бекор қилиш ва ўзгартириш, шу жумладан, шахсий паролларни ўзгартириш бўйича маълум усуллар бўлиши лозим. Ваколатли бўлмаган шахсларнинг киришга бўлган уринишларини қайд этиш имконини берувчи тизимлар ўрнатилиши лозим.

3.7 Критик маълумотлар қўл билан киритилганда (масалан, тайёрлаш ва тақсимлаш жараёнидаги ингредиент массаси ва серия рақами), ёзув тўғри бажарилганлигини яна бир бор текшириш лозим. Бу текширув бошқа оператор ёки валидациядан ўтган электрон усуллар орқали амалга оширилиши лозим.

3.8 Тизим критик маълумотларни киритувчи ёки тасдиқловчи операторларнинг шахсини қайд этиши лозим. Киритилган маълумотларни ўзгартириш ваколати чегараланган доирадаги аниқ шахсларга берилиши керак. Критик маълумотлар ўзгартирилганда, албатта бунини қонунийлаштириш ва ўзгартириш киритилганлигининг сабабини кўрсатган ҳолда баённомалаштириш керак. Тизимда барча киритиш ва ўзгартиришларни тўла рўйхатга олиш (“ўзгаришлар занжирини текшириш”) имкониятини яратишга алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

3.9 Тизим ёки компьютерлашган дастурга ўзгартиришларни валидация ўтказиш, ўзгартиришларни текшириш, тасдиқлаш ва киритишни кўзда тутувчи усулга мувофиқ киритиш мумкин. Бундай ўзгартиришларни фақат ўзгартириш киритилаётган тизим учун жавобгар шахс билан келишган ҳолдагина амалга ошириш мумкин; ўзгартиришларни баённомалаштириш лозим. Ҳар бир муҳим ўзгартириш валидациядан ўтиши лозим.

3.10 Сифат аудитини ўтказиш учун электрон хотирада сақланаётган маълумотларнинг аниқ нусхаларини олиш имконияти бўлиши шарт.

3.11 Маълумотларни мазкур қўлланманинг 5.4.2.9 бандига мувофиқ онгли ёки тасодифан зиён етказишдан жисмоний ёки электрон воситалар ёрдамида химоялаш лозим: Сақланаётган маълумотларнинг тўғрилиги, тўлиқ сақланганлиги ва уларни олиш осонлигини текшириб туриш лозим. Агарда компьютер қурилмаси ёки дастурларга ўзгартириш киритиш режалаштирилаётган бўлса, юқорида эслатиб ўтилган текширувлар қўлланилаётган сақлаш соҳасига мувофиқ интерваллар оралиғида ўтказилиши керак.

3.12 Доимо ўрнатилган вақтлар оралиғида эҳтиёт нусхаларини яратиш йўли билан маълумотларни химоя қилиш керак. Эҳтиёт нусхаларини керакли муддатгача алоҳида ва хавфсиз жойда сақлаш керак.

3.13 Компьютер тизими ишдан чиққанда айнан ўхшаш ёки альтернатив қурилмалар бўлиши лозим. Альтернатив қурилмаларни ишга тушириш учун сарфланадиган вақт, бундай зарурат тугилганда улардан фойдаланиш тезкорлигига боғлиқ бўлиши лозим. Масалан, маҳсулотни самарали равишда қайтариш керак бўлган маълумот дарҳол олинishi керак.

Q'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

3.14 Тизим бузилганда ёки тўхтаб қолганда амал қилиниши лозим бўлган усул белгиланиши лозим; ушбу усул валидациядан ўтган бўлиши лозим. Ҳар қандай шикастланишлар ва уларни бартараф этиш йўлида амалга оширилган ҳаракатлар баённомалаштирилиши лозим.

3.15 Хатоларни қайд этиш ва таҳлил қилиш, шунингдек уларни бартараф этиш чора-тадбирлари усули ишлаб чиқилиши лозим.

3.16 Компьютер хизмати таъминоти учун бегона ташкилот жалб этилса, ушбу бегона ташкилот билан мажбуриятлари аниқ кўрсатилган расмий шартнома бўлиши керак (мазкур қўлланманинг 5.7 бўлимига қаранг).

3.17 Агар серияни сотиш ёки етказиб бериш учун ишлаб чиқаришга рухсатнома бериш компьютерлашган тизим ёрдамида амалга оширилса, у ҳолда компьютер тизими фақат ваколатли шахсгагина серияларни ишлаб чиқаришга рухсат беришига имконият яратиши керак, шунингдек, серияни ишлаб чиқариш учун рухсат берган шахсни аниқ идентификатлаштириш ва шахсини қайд этиб бориши лозим.

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

10-ИЛОВА

(мажбурий)

**ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИОНЛОВЧИ НУРЛАНИШДАН
ФЙДАЛАНИШ****Кириш**

Ионловчи нурланиш ишлаб чиқариш жараёнида турли мақсадларда жумладан, микроблар микдорини камайтириш ва хом ашё, кадоқлаш материаллари ёки маҳсулот стерилизацияси, шунингдек кон препаратларини қайта ишлаш жараёнида қўлланилиши мумкин.

Икки турдаги ионловчи нурланиш қўлланилади: радиоактив манбадан гамма-нурланиш ва тезлаткич ёрдамида юкори энергетик электрон нурланиш (бета-нурланиш).

Гамма-нурланишда икки турли усул қўлланиши мумкин:

а) серияли усул – маҳсулот нурланиш манбаси атрофида доимий жойларда жойлаштирилади ва ионловчи нурланиш манбаси очик турганида тўлдирилиши ёки бўшатирилиши мумкин эмас;

б) узлуксиз усул – автоматик тизим маҳсулотни радиацион камерага, сўнг эса камерадан тегишли тезликда маълум йўналишда очик ионловчи нурланиш манбаси ёнидан ўтказди.

Электрон нурлантиришда маҳсулот харакати йўналиши бўйлаб ўтадиган юкори энергетик электронларнинг узлуксиз ёки тебраниб турувчи тутамидан ўтади.

1 Масъулият

1.1 Нурлантириш билан қайта ишлаш, дори воситалари ишлаб чиқарувчиси ёки шартнома бўйича радиацион курилма оператори (“шартнома бўйича ишлаб чиқарувчи”) томонидан амалга оширилиши мумкин, улардан ҳар бири ишлаб чиқариш учун тегишли лицензияга эга бўлиши лозим.

1.2 Дори воситалари ишлаб чиқарувчиси маҳсулот сифати, жумладан нурлантириш натижасида мақсадига эришилгани учун жавобгардир. Шартнома бўйича ишлаётган радиацион курилма оператори ишлаб чиқарувчи томонидан талаб этилаётган нурлантириш дозаси нурлантирилаётган контейнерга (яъни, маҳсулот сақловчи нурлантирилаётган контейнерга, жумладан манбадан энг узоқ бўлган контейнерга ҳам) берилгани учун жавобгар.

1.3 Талаб этилган нурлантириш дозаси, жумладан, белгиланган чегаравий доза, дори воситасининг рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилиши лозим.

2 Дозани ўлчаш

2.1 Дозани ўлчаш бу – дозиметрлар ёрдамида ютилган нурланиш дозасини аниқлашдир. Техник ёндашишларни тушуниш ва тўғри қўллаш, валидация, жараёни тайёрлаш ва назорат қилишда ниҳоятда муҳимдир.

2.2 Оддий дозиметрларнинг ҳар бир сериясини калибровка қилиш миллий ёки халқаро стандартларга мувофиқ бўлиши лозим. Калибровканинг амал қилиш даври белгиланиши, асосланиши ва унга қатъий амал қилиниши лозим.

2.3 Калибрлаш эгри чизиғини олиш ҳамда нурлантиришдан сўнг ютилган дозанинг ўзгаришини ўлчаш учун одатда, бир воситадан масалан оддий дозиметрлардан фойдаланиш лозим. Турли воситалар қўлланилганида ҳар бир восита ютган мутлақ доза аниқланиши керак.

U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2.4 Ишлатилаётган дозиметр турига қараб, маълум сабабларга кўра вужудга келиши мумкин бўлган хатолар, жумладан, намликнинг ўзгариши, ҳароратнинг ўзгариши, нурлантириш ва уни ўлчаш оралиғида ўтган вақт, нурлантириш дозаси қувватининг ҳисоби олиниши лозим.

2.5 Дозиметрлар томонидан ютилган дозалар ўзгаришини ўлчаш учун ишлатиладиган воситанинг тўлқин узунлиги ва уларнинг зичлигини ўлчаш учун ишлатиладиган восита, фойдаланиш барқарорлиги, мақсади ва қўллаш усулига кўра белгиланган вақт оралиғида калибровка йўли билан текширилиши лозим.

3 Жараён валидацияси

3.1 Валидация бу – жараён, яъни маҳсулот томонидан ютилиши мўлжалланган дозанинг етказиб берилиши кутилаётган натижани беришини исботловчи фаолиятдир.

3.2 Валидация маҳсулот белгиланган тартибда жойлаштирилган нурлантирилаётган контейнер ичида ютилган дозанинг тақсимланишини белгилаш учун доза харитасини тузишни ўз ичига олиши керак.

3.3 Нурлантириш жараёни спецификацияси камида қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) маҳсулотнинг ўрама ҳақида тўлиқ маълумотлар;

б) контейнер ичига нурлантириш учун маҳсулот жойлаштириш схема (лари). Агар нурлантирилаётган контейнер ичида ҳар хил турдаги маҳсулотлар бўлса, зич маҳсулотнинг тўлиқ доза ютиши ва бир маҳсулот иккинчисини тўсиб қолмаслигига алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Аралаш маҳсулотнинг ҳар бир жойлашуви спецификациялаштирилиши ва валидацияланиши лозим;

в) нурлантирилаётган контейнерларнинг манба атрофига жойлаштириш схемаси (серияли усулда) ёки камера орасидан ҳаракатланиш траекторияси намунаси (узлуксиз усулда);

г) маҳсулот томонидан ютилган нурлантириш дозасининг юқори ва пастки чегаралари (ва дозани ўлчашнинг одатий усуллари);

д) нурлантирилаётган контейнер томонидан ютилган нурланиш дозасининг юқори ва пастки чегаралари ва ютилган нурланиш дозасини назорат қилиш учун дозиметриянинг тегишли усуллари;

е) жараённинг бошқа параметрлари, жумладан, нурлантириш дозаси қуввати, экспозициянинг максимал вақти, экспозициялар сони ва ҳ.к.

Агарда нурлантириш шартнома асосида ўтказилса, ушбу шартномада лоақал, нурлантириш жараёни спецификациясини белгилаб берувчи (г) ва (д) бандлари баён қилиниши лозим.

4 Қурилмани тайёрлаш

Умумий ҳолатлар

4.1 Тайёрлаш – жараён спецификациясига мувофиқ ишлаш жараёнида радиацион қурилма олдиндан белгиланган чегараларда ишлашининг ҳужжатлаштирилган исботидир. Мазкур илова матнида олдиндан белгиланган чегаралар - нурлантирилаётган контейнер томонидан ютилиши мўлжалланган максимал ва минимал дозаларнинг операторсиз ишлаганида контейнерга ушбу чегаралардагидан кўпроқ доза берилиш эҳтимоли бартараф этилиши лозим.

BU STANDART AGENTLARI
 STANDARTLASHTIRISH VA
 DAVLAT NAZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

4.2 Тайёрлаш жараёни куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- а) режалаштириш;
- б) доза харитасини тузиш;
- в) хужжатлаштириш;
- г) қайта тайёрлашга бўлган талаблар.

Гамма-нурлатгичлар

Режалаштириш

4.3 Нурлатгич атрофидаги ҳар қандай нуқтада нурлантирилаётган контейнернинг маълум бир қисми томонидан ютилаётган нур дозаси, биринчи навбатда, куйидаги омилларга боғлиқ:

- а) манба фаоллиги ва геометрияси;
- б) манбадан контейнергача бўлган масофа;
- в) белгиланган таймер ёки конвейер тезлиги билан назорат қилинадиган нурлантириш вақтининг давомийлиги;
- г) манба ва контейнернинг маълум қисми орасида жойлашган материал (жумладан бошқа маҳсулот) таркиби ва зичлиги.

4.4 Ютилган дозанинг умумий миқдори доим ишлаб турувчи нурлатгичдан ўтадиган контейнерлар траекторияси ёки серияли нурлантиришдаги юклаш схемаси, шунингдек нурлантириш цикллари сонига боғлиқ бўлади.

4.5 Доим ишлаб турувчи нурлатгичдан фойдаланилгандаги ўзгармас траекторияда ёки серияли нурлатгичдан фойдаланган ҳолатдаги юкланма ўзгармас бўлганда ва манбанинг белгиланган жадаллиги ва белгиланган маҳсулот турида оператор назорат қилиши шарт бўлган қурилманинг асосий параметри конвейер тезлиги ёки таймерда белгиланган вақтдир.

Доза харитасини тузиш

4.6 Доза харитасини тузиш жараёнда радиацион қурилма модел маҳсулот ёки бир хил зичликдаги репрезентатив маҳсулот билан қадокланган нурлантириладиган контейнерлар билан тўлдирилиши лозим. Дозиметрлар контейнерлар ёки модел маҳсулот билан ўраб олинган нурлатгичдан ўтувчи нурлантиришга мўлжалланган камида учта тўлдирилган контейнерларга жойлаштирилган бўлиши керак. Агар маҳсулот бир текисда жойлаштирилмаган бўлса, дозиметрлар кўпроқ контейнерларга ўрнатилиши керак.

4.7 Дозиметрлар жойлашуви нурлантирилаётган контейнер ўлчамига боғлиқ. Масалан, $1 \times 1 \times 0,5$ m ўлчамдаги контейнерлар учун бутун контейнер ҳажми бўйлаб, жумладан, ташқи юзалари бўйлаб уч ўлчамли 20 см ли тўр шаклидаги жойлаштириш тўғри келиши мумкин. Нурлатгичларнинг олдинги эксплуатацион сифатлари тавсифларидан минимал ва максимал доза жойлари маълум бўлса, бир нечта дозиметрлар ўртача дозалар ҳудудларидан олиб экстремал дозали ҳудудлардаги 10 см ли тўр шаклида жойлаштирилиши мумкин.

4.8 Ушбу жараён сўнгида қурилманинг белгиланган параметрлари, маҳсулот зичлиги ва юкланма схемаси шароитида маҳсулот ва контейнер юзаси томонидан ютилган минимал ва максимал дозалар белгиланади.

4.9 Идеал шароитда доза харитасини тузиш учун эталон дозиметрлардан фойдаланиш керак, зеро улар нисбатан аниқроқ. Шунингдек, оддий дозиметрлардан фойдаланишга ҳам рухсат берилади, аммо улар ёнида ҳар бир нурланаётган контейнерда минимал ва максимал доза кутилаётган жойларда ва одатда, назорат қилинадиган жойда

эталон дозиметрларни жойлаштириш тавсия қилинади. Кузатилаётган доза қийматларида тасодифий четланишлар бўлиши мумкин бўлиб, уларни қайта ўлчашда олинган турли қийматларни солиштириш йўли билан баҳолаш мумкин.

4.10 Оддий дозиметр ёрдамида барча нурлантирилган контейнерлар талаб этилган минимал дозани ютганлигини кафолатлаш учун оддий дозиметр ёрдамида ўлчанган минимал кузатиладиган доза оддий дозиметрлар билан ўлчашдаги хатоларни инобатга олган ҳолда белгиланиши лозим.

4.11 Доза харитасини тузишда, нурлатгич параметрларини доимийлигини сақлаш, назорат қилиш ва баённомалаштириш лозим. Ушбу баённомалар дозиметрия натижалари ва бошқа барча баённомалар билан бирга сақлаб қўйилиши лозим.

Электрон-нурли нурлатгичлар

Режалаштириш

4.12 Нурлантирилаётган маҳсулотнинг маълум қисми томонидан ютилган доза асосан қуйидаги омилларга боғлиқ:

- а) нур тутами олинган тавсифлари, яъни: электрон энергияси, ўртача нур тутами оқими, сканерлаш кенглиги ва сканерлаш бир текислиги;
- б) конвейер тезлиги;
- в) маҳсулот таркиби ва зичлиги;
- г) чиқиш дарчаси ва маҳсулотнинг маълум қисми оралиғидаги материал таркиби, зичлиги ва калинлиги;
- д) чиқиш дарчаси ва контейнер оралиғидаги масофа.

4.13 Оператор назорат қилиши лозим бўлган асосий параметрлар нур тутами тавсифлари ва конвейер тезлиги.

Доза харитасини тузиш

4.14 Доза харитасини тузишда дозиметрлар, маҳсулотни моделловчи бир жинсли абсорбцияловчи пластиналар оралиғида ёки бир хил зичликдаги репрезентатив маҳсулот қатламлари орасида шундай жойлаштирилиши керакки, бунда электронлар таъсирининг максимал радиусида камида ўнта ўлчов қилиниши керак. Ушбу илованинг 4.7-4.10 бандларида баён этилган талабларга риоя этилиши лозим.

4.15 Доза харитасини тузиш вақтида нурлатгич параметрлари доимий ушлаб турилиши, назорат қилиниши ва баённомалаштирилиши лозим. Ушбу баённомалар дозиметрия натижалари ва бошқа барча баённомалар билан бирга сақлаб қўйилиши лозим.

Қайта тайёрлаш

4.16 Жараён ёки нурлантирилаётган контейнерда дозанинг тақсимланишига таъсир этувчи ёки нурлатгич характеристикаларида ўзгаришлар (масалан, стерженларни алмаштириш) содир бўлса, тайёрлаш жараёни қайта ўтказилиши керак. Қайта тайёрлаш даражаси нурлатгич ёки юкламадаги ўзгариш даражасига боғлиқ бўлади. Гумон пайдо бўлганда қайта тайёрлаш талаб этилади.

5 Иншоотлар

Иншоотларни контаминацияга йўл қўймайдиган қилиб, лойиҳалаштириш ва фойдаланиш керак. Нурлантирилган контейнерлар нурланмаган контейнерлардан алоҳида сақланишлари лозим. Агар материаллар нурлантириш учун ёпиқ контейнерларда қайта ишланса, келгусида контаминация хавфи бўлмаслиги шарти билан фармацевтик ва нофармацевтик материалларни бир-биридан ажратмаслик мумкин.

UZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Маҳсулотларнинг манбаадан радионуклидлар билан ҳар қандай контаминацияланиш хавфи бартараф этилиши керак.

6 Ишлов бериш

6.1 Нурлантириш учун контейнерларни валидацияда белгиланган юклаш чизмасига мувофиқ юклаш керак бўлади.

6.2 Жараён пайтида нурлантирилаётган контейнерлар учун нурлантириш дозаси валидациядан ўтган дозиметрик усуллар ёрдамида назорат қилиниши лозим. Ушбу доза ва контейнер ичидаги маҳсулот ютган доза ўртасидаги нисбат, валидация ҳамда қурилмани тайёрлаш жараёнида белгиланиши лозим.

6.3 Нурлантирилган ва нурлантирилмаган контейнерларни фарқлаш учун радиацион индикаторлардан фойдаланиш лозим. Уларни ягона фарқлаш усули ёки жараённинг қониқарли натижалари сифати деб қабул қилиш тавсия этилмайди.

6.4 Қурилмани тайёрлаш тажрибасидан ёки бошқа манбалардан олинган маълумотларга кўра айрим контейнерлар томонидан ютилган нур дозаси, белгиланган чегараларда қолганлиги маълум бўлгандан сўнггина радиацион камерадаги контейнерларнинг аралаш юкламасини нурлантириш мумкин бўлади.

6.5 Талаб этилаётган нурлантириш дозаси бирдан ортиқ экспозиция ёки радиацион камерада бир марта ўтказишдан сўнг олинса, ушбу ҳолат рўйхатга олиш ҳужжатлари эгаси билан келишилган бўлиши керак; ундан ташқари, ушбу доза олдиндан белгиланган вақт оралигида ютилиши керак.

Нурлантириш жараёнидаги режалаштирилмаган тўхташлар нурлантириш вақтини олдиндан келишилган вақтга нисбатан узайтираётган бўлса, рўйхатга олиш ҳужжатлари эгаси бундан хабардор қилиниши керак.

6.6 Нурлантирилмаган маҳсулот доимо нурлантирилган маҳсулотдан ажратилиши лозим. Унга радиацион индикаторлардан фойдаланиш (мазкур илованинг 6.3 бандига қаранг) ва хоналарнинг тегишли режалаштирилиши билан эришилади.

Гамма-нурлатгичлар

6.7 Узлуксиз қайта ишлаш усулида дозиметрлар шундай жойлаштирилиши керакки, бутун жараён давомида камида иккита дозиметр бир вақтнинг ўзида нурлантириш таъсирида бўлиши керак.

6.8 Серияли усулда, камида иккита дозиметр минимал доза олинаётган жойларда ионловчи нурланиш таъсирида бўлиши керак.

6.9 Узлуксиз қайта ишлаш усулида манба тўғри жойлашувининг ижобий индикацияси ва манба ҳолати ва конвейер ҳаракати ўртасида боғлиқлик бўлиши керак. Конвейер тезлиги доимий равишда назорат қилиниши ва баённомалаштирилиши лозим.

6.10 Серияли қайта ишлаш усулида ҳар бир серия учун манба ҳаракати ва экспозиция вақтини назорат қилиш ва баённомалаштириш лозим.

6.11 Исталган дозани олиш учун, таймер ўрнатилиши ва конвейер тезлиги манбанинг радиоактив парчаланиши ва манбадаги аралашмаларга боғлиқ мослаштирилиши лозим. Тезлик ва вақтнинг белгиланган қийматлари баённомалаштирилиши ва уларга қатъий амал қилиниши керак.

Электрон-нурли нурлатгичлар

6.12 Ҳар бир контейнерга дозиметр жойлаштирилиши лозим.

6.13 Нур тутамининг ўртача оқими, электронларнинг сони ва энергияси ва конвейерлар тезлиги мунтазам қайд қилиниши лозим. Ушбу маълумотларнинг саноатликларни,

**DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

конвейер тезлигидан ташқари, тайёрлаш вақтида аниқлаб белгиланган чегаралар доирасида назорат қилиш лозим, зеро улар бир вақтнинг ўзида ўзгаради.

7 Хужжатлар

7.1 Олинган, нурлантирилган ва жўнатилган контейнерлар сони ўзаро ва тегишли хужжатлар маълумотларига мос келиши керак.

Ҳар қандай номувофикликлар ҳақида хабардор қилиш, унинг сабаблари аниқланиши керак.

7.2 Радиацион қурилма оператори мазкур серия ёки етказиб берилган партиядоги ҳар бир нурлантирилган контейнер томонидан ютилган доза диапазонларини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

7.3 Ҳар бир нурлантирилган серия учун жараёни олиб бориш ва назорат қилиш баённомалари белгиланган масъул шахс томонидан текширилиши, имзоланиши ва сақланиши лозим. Сақлаш усули ва жойи радиацион қурилма оператори ва рўйхатга олиш хужжатлари эгаси ўртасида келишилган бўлиши керак.

7.4 Радиацион қурилма валидацияси ва уни тайёрлашга оид хужжатларни маҳсулотни яроқлилик муддати ўтганидан сўнг бир йил ёки қайси вақт нисбатан узоқроқ эканлигига қараб, қурилмада нурлантирилган сўнгги маҳсулот чиқарилганидан сўнг беш йил давомида сақлаш керак.

8 Микробиологик назорат

Дори воситалари ишлаб чиқарувчиси микробиологик назорат учун масъул. Бундай назорат, рўйхатдан ўтказиш хужжатларида белгиланганига кўра, маҳсулот ишлаб чиқарилиш жойидаги атроф-муҳит назоратини ва нурлантиришдан олдинги маҳсулот назоратини ўз ичига олиши мумкин.

**U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

11-ИЛОВА

(мажбурий)

ТАДҚИҚОТ СИНОВЛАР УЧУН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

1 Тамойил

Синов учун дори воситалари мазкур қўлланмада баён этилган дори воситаларининг яхши ишлаб чиқариш амалиёти тамойиллари ва батафсил қоидаларига мувофиқ тайёрланиши лозим. Шунингдек, ишга тааллуқли бўлиб, препаратни ишлаб чиқиш босқичи талабларига жавоб берадиган бошқа қўлланмалар ҳам эътиборга олинади лозим. Жараён борасидаги билимлар кенгайтириши муносабати билан ўзгартиришлар киритиш имконияти бўлиши учун қўлланилган усуллар дори воситаси ишлаб чиқиш босқичлари талабларига жавоб берадиган ва мослашувчан бўлишлари керак.

Клиник синовларда иштирокчи субъектлар бозордаги препаратларни истеъмол қилувчи беморларга қараганда қўпроқ хавф-хатарга дучор бўлишлари мумкин. Синов учун мўлжалланган дори воситаларига нисбатан GMP ни қўллаш синов субъектларига хавф-хатар йўқлигини кафолатлаш, шунингдек, клиник синовлар натижаларига талаб даражасида бўлмаган ишлаб чиқариш оқибатлари натижасида етарли бўлмаган хавфсизлик, сифат ёки самарадорликка таъсир қилмаслигини таъминлаш учун керак. Бу талаблар, битта ёки ҳар хил клиник синовларда қўллашга мўлжалланган дори воситаларининг, сериядан серияга доимий сифатини таъминлаш, шунингдек, синовдан ўтаётган дори воситасини ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгаришларни тўғри ҳужжатлаштириш ва асослашни кўзда тутати.

Синов учун мўлжалланган дори воситалари клиник синовларининг дизайнлари турли хиллиги туфайли уларни ишлаб чиқаришда белгиланган тартибнинг йўқлиги ва шу сабабли ўрам дизайнларининг турличалиги, рандомизация ва дори воситаси номини кўрмасдан синовдан ўтказиш, қарама-қарши контаминация ва препаратларни адаштириб юбориш хавфининг юқорилиги сабабли рўйхатга олинган дори воситаларига қараганда қўшимча қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Бундан ташқари, препаратни таъсир кучи ёки захарлилиги борасидаги билимлар тўлиқ бўлмаслиги мумкин, жараённинг тўлиқ валидацияси бўлмаслиги, қайта қадоқланган ёки бирон-бир тарзда модификацияланган рўйхатга олинган дори воситалари ҳам ишлатилиши мумкин.

Мана шундай муаммолар мавжудлиги боис тегишли ўқув машғулотларини ўтган, синовдан ўтаётган дори воситаларига нисбатан GMP ни қўллашни яхши тушунадиган ходимлар керак. Клиник синовларнинг барча жиҳатлари, шунингдек синовдан ўтказилаётган дори воситалари учун энг катта жавобгарликка эга клиник синовлар ҳомийси билан ҳамкорлик қилиши лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблиги юқори бўлганлиги сабабли юқори самарали сифат тизими керак.

Мазкур илова талаб даражасидаги клиник амалиёт қоидаларига ҳамоҳанг ва уларни тўлдирувчи клиник синовларга мўлжалланган дори воситаларни клиник синовларга мўлжалланган дори воситаларни буюртма бериш, юкни тушириш/ташиш ва клиник синов буюртмаларни қайтариш қоидаларини ҳам ўз ичига олган.

Изох. Клиник синов субъектларига синовдан ўтказилмаётган, плацебо ёки қиёслаш препаратлари бўлмаган препаратлар ҳам тақдим этилиши мумкин. Бундай препаратлар қўшимча терапия, касалликнинг олдини олиш, таъминлаш ва даволаш мақсадида, субъектлар учун мўлжалланган оқилона тиббий қаровни таъминлаш учун қўлланиши мумкин. Бундай воситалар баённомага мувофиқ физиологик ҳолатни таъминлаш

U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

мақсадида қўлланиши мумкин. Бундай препаратлар синовга мўлжалланган дори воситалари эмас; уларни ҳомий ёки тадқиқотчи етказиб бериши мумкин. Ҳомий улар клиник синовни ўтказишга руҳсат бериш талабномасига мос келиши ва синов мақсадини ҳисобга олган ҳолда талаб даражасидаги сифатга эгаллигини кафолатлаши керак; бунда у препаратлар манбасини эътиборга олиши лозим, улар рўйхатдан ўтган дори воситаларими ва қайта кадоқланганми. Бунинг учун Ваколатли шахс маслаҳати ва иштироки тавсия этилади.

2 Сифатни бошқариш

2.1 Ишлаб чиқарувчи ёки импортёр томонидан ташкил этилган, жорий этилган ва амалга ошириладиган сифат тизими ҳомий томонидан тасдиқланган йўриқномаларда ҳужжатлаштирилиши ва синовга мўлжалланган дори воситаларига нисбатан қўлланадиган GMP тамойиллари ва қоидаларини ҳисобга олиши лозим.

2.2 Препарат спецификациялари ва ишлаб чиқариш йўриқномалари ишлаб чиқариш жараёнида ўзгартирилиши мумкин, аммо тўлиқ назорат ва ўзгаришларни кузатиб боришни таъминлаш керак.

3 Ходимлар

3.1 Фаолияти синовга мўлжалланган дори воситалари билан боғлиқ барча ходимлар бундай маҳсулот турлари учун хос бўлган талаблар борасида тегишли курсларда ўқиган бўлиши керак.

3.2 Ваколатли шахс мазкур илова талабларига жавоб берадиган тизимлар мавжудлиги учун жавобгар бўлиши лозим; у фармацевтик ишлаб чиқариш ва клиник синов жараёнлари борасида чуқур билимларга эга бўлиши керак. Синов учун мўлжалланган дори воситаларини сертификатлаш билан боғлиқ кўрсатмалар мазкур қўлланманинг 12.1-12.4 бандларида келтирилган.

4 Бино ва асбоб-ускуналар

Дори воситаларнинг захарлилиги, таъсир кучи ва аллергия таъсири охиригача маълум бўлмаган бўлиши мумкин; шу сабабли қарама-қарши контаминация хавф-хатарини минимум даражага тушириш зарурияти ошиб боради. Қурилма ва иншоотлар конструкцияси, инспекциялаш/синов усуллари ва тозалашдан сўнг фойдаланадиган мақбул чегаралар бундай хавф-хатар характерини ҳисобга олиши лозим. Агар иложи бўлса, кампаниялар тамойилига кўра ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш лозим. Тозалаш учун эритувчи танлаш масаласида препарат эрувчанлигини ҳисобга олиш лозим.

5 Ҳужжатлар

Спецификациялар ва йўриқномалар

5.1 Спецификациялар (хом ашё, бирламчи кадоқлаш материаллари, оралик, кадоқланмаган ва тайёр маҳсулотлар учун), ишлаб чиқариш рецептуралари, технологик йўриқномалар ва ўраб-жойлаш бўйича кўрсатмалар жорий билим даражаси йўл қўядиган даражада мукамал бўлиши лозим. Уларни ишлаб чиқариш жараёнида вақти-вақти билан баҳолаш ва керак бўлса, актуаллаштириш лозим. Ҳар бир янги версияда энг сўнгги маълумотлар, ҳозирги вақтда қўлланадиган технология, меъёрий ва фармакопёя талаблари ҳисобга олиниши керак; кузатувни таъминлаш учун янги версияда олдинги версияга ҳавола бўлиши керак. Препарат сифати учун салбий оқибатлар, хусусан, барқарорлиги ва биоэквивалентлиги олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ўзгаришлар, ёзма йўриқномаларга мувофиқ киритилиши лозим.

5.1.2 Ўзгаришлар киритиш сабабларини баённомалаштириш лозим; препарат сифати ва бошқа ҳар қандай клиник синовлар борасидаги ўзгаришлар оқибатлари ўрганилиши ва ҳужжатлаштирилиш керак.

6 Буюртма

Буюртма, маълум бирлик миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва/ёки ўраб-жойлаш, ва/ёки уни ташиш учун талабларидан иборат бўлиши лозим. Фақат ҳомий, ёки унинг номидан иш юритувчи шахсгина ишлаб чиқарувчига буюртма бериши мумкин. Буюртма ёзма тарзда (шунингдек, электрон воситалар орқали узатилиши ҳам мумкин) баён қилинган ва ҳар хил талқин қилишнинг олдини олиш мақсадида аниқ бўлиши керак; буюртма расман тасдиқланиши ва спецификациялар ҳужжатларига ва клиник синовнинг тегишли баённомасига ҳаволалар бўлиши керак.

7 Препарат спецификацияси ҳужжатлари

Препарат спецификацияси ҳужжатлари (“Атама ва тушунчалар таърифи” бўлимига қаранг), олдинги версияларнинг кузатилишини таъминлаган ҳолда препаратни ишлаб чиқиш жараёнига мувофиқ мунтазам равишда актуаллаштириш керак. Ҳужжат куйидаги ҳужжатлар (ёки уларга бўлган ҳаволалар) дан иборат бўлиши керак:

- Хом ашё ва ўраб-жойлаш материаллари, оралиқ, қадоқланмаган ва тайёр маҳсулотларга спецификация ва таҳлил усуллари.
- Ишлаб чиқариш усуллари.
- Ишлаб чиқариш жараёнидаги синовлар ва усуллар.
- Ёрликнинг тасдиқланган нусхаси.
- Клиник синовлар тўғрисидаги тегишли баённомалар ва рандомизация кодлари керак бўлса,
- Буюртмачи билан тузилган тегишли техник шартномалар керак бўлса,
- Барқарорлик бўйича маълумотлар.
- Сақлаш ва ташиш шароитлари.

Юқорида келтирилган рўйхат чекланиб қолиш учун мўлжалланмаган; у тугал рўйхат эмас. Препарат ва ишлаб чиқиш босқичига қараб, ҳужжатлар мазмуни ўзгариши мумкин. Маълумот Ваколатли шахс учун сертификатлаштириш ва аниқ сериани ишлаб чиқаришга рухсатнома бериш мақсадида яроқлиликни баҳолаш учун асос бўлиши керак; ва шу тариқа унга мазкур маълумотни олишга имкон бўлиши керак. Агар ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичлари ҳар хил Ваколатли шахслар жавобгар бўлган ҳар хил ҳудудларда амалга оширилса, алоҳида ҳужжатлар мажмуи тузиш, унга тегишли ҳудудлардаги фаолиятга алоқадор маълумотларни киритиш керак.

8 Ишлаб чиқариш рецептураси ва технологик йўриқномалар

8.1 Ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни ёки таъминот учун аниқ ва етарли ёзма йўриқномалар ва ёзма баённомалар бўлиши керак. Агарда жараён қайта такрорланадиган бўлмаса, ишлаб чиқариш рецептураси ва технологик йўриқномаларни тузиш зарурати йўқ. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси олингандан сўнг, одатий усулда ишлаб чиқаришда фойдаланадиган ҳужжатларнинг якуний нусхасини тайёрлашда, баённомалар алоҳида аҳамият касб этади.

8.2 Ишлаб-чиқариш, қадоқлаш, сифат назорати синовлари, сақлаш ва ташиш жараёнлари учун батафсил ёзма йўриқномаларни яратишда **STANDART** спецификациялари ҳужжатларидаги маълумотлардан фойдаланиш керак.

**STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

9 Ўраб-жойлаш бўйича йўриқнома

9.1 Клиник синовга мўлжалланган дори воситалари, ҳар бир субъект учун индивидуал усулда қадокланади. Ўраб-жойлаш лозим бўлган маҳсулот миқдори сифат назорати учун керак бўлган миқдор ва сақлаш лозим бўлган архив намуналарини ҳисобга олган ҳолда ўраб-жойлаш бошлангунга қадар аниқланиши керак. Жараённинг ҳар бир босқичида ҳар бир зарур препаратнинг миқдори тўғри ҳисобланганлигини кафолатлаш учун баланс тузиш керак.

9.2 Ишлаб чиқариш, синовдан ўтказиш ва серияни ўраб-жойлаш баённомалари

9.2.1 Серия баённомалари жараёнлар кетма-кетлигини аниқ кузатиш учун етарли даражада батафсил маълумотларни ўз ичига олиши лозим. Ушбу баённомалар ишга тааллуқли ва препарат ҳақидаги мавжуд билимларни кенгайтириш ва ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш имконини берувчи хатти-харакатлар ёки киритилган ўзгаришларни асослайдиган барча маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

9.2.2 Серияни ишлаб чиқариш баённомалари, мазкур серия қўлланилган клиник синов расман тўхтатилганидан сўнг, 5 йилдан кам бўлмаган муддатда сақланиши лозим.

10 Технологик жараён

10.1 Хом ашё

Технологик жараён доимийлигига хом ашё сифати таъсир қилиши мумкин. Шу сабабли, хом ашёнинг физик ва кимёвий хусусиятлари аниқланиши, унинг спецификацияларида ҳужжатлаштирилиши ва назорат қилиниши керак. Дори воситалари спецификациялари имкон қадар тугал бўлиб, ҳозирги билим даражасига мос бўлиши лозим. Ишлаб чиқариш жараёнида, ҳам дори воситалари, ҳам ёрдамчи воситалар спецификацияларини вақти-вақти билан қайта кўриш ва керак бўлса, актуаллаштириш лозим.

Технологик жараёндаги ҳар қандай ўзгаришни аниқлаш ва зарурат тугилганда уни ҳал этиш учун дори ва ёрдамчи моддаларнинг сифати тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиш лозим.

10.2 Қадоклаш материаллари

Спецификациялар ва сифат назорати мезонларида қадоклаш материаллари ҳар хил серияларининг ташқи кўринишидаги фарқлар туфайли режалаштирилмаган раскодировканинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилиши керак.

10.3 Ишлаб чиқариш жараёнлари

10.3.1 Ишлаб чиқиш босқичида жараённи назорат қилиш учун ишлаб чиқариш жараёнидаги критик параметрлар ва назорат нуқталарини белгилаш лозим. Технологик жараённинг муваққат параметрлари ва назорат нуқталарини орттирилган тажриба, шу жумладан, олдинги ишлаб чиқиш ишларида олинган тажриба асосида белгилаш мумкин. Раҳбар ходимлар керакли йўриқномаларни тузиш ва ишлаб чиқариш жараёнида орттирилган тажриба асосида уларни мунтазам равишда мослаштиришга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Белгиланган ва назорат қилинадиган параметрлар жорий билимларни ҳисобга олган ҳолда асосланган бўлиши керак.

10.3.2 Синовдан ўтказилаётган дори воситалари учун технологик жараёнлар одатий ишлаб чиқариш учун зарур бўлган даражада валидацияланиши шарт эмас, аммо хоналар ва курилмалар валидациядан ўтиши шарт. Стерил препаратлар ҳолатида стерилизация жараёнлари валидациясини рўйхатдан ўтказилган препаратлар учун бўлган стандартлар

DAVL: T N: ZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

бўйича амалга ошириш мумкин. Ундан ташқари, зарур бўлганда, биотехнология усули билан олинадиган препаратлар хавфсизлигини кафолатлаш учун ушбу соҳада амал қилувчи тегишли қўлланмаларда баён этилган илмий тамойиллар ва усулларга мувофиқ вируслар ва/ёки биологик асосдаги бошқа аралашмалар инактивацияси/йўқотилганлигини исботлаш керак.

10.4 Қиёслаш препаратига қўлланадиган тамойиллар

10.4.1 Агарда препарат модификацияланса, бундай ўзгаришлар препаратнинг бошланғич тавсифларига катта таъсир кўрсатмаслигини исботловчи маълумотлар (масалан, барқарорлиги, нисбий эрувчанлиги, биосамарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар)га эга бўлиш лозим.

10.4.2 Препарат бошқа контейнерга қайта қадоқланган бўлса, бу қадоқ препаратни эквивалент ҳимоясини таъминламаслиги ёки препарат билан номутаносиб бўлиши мумкин, шу сабабли препаратнинг оригинал ўрамдаги яроқлилик муддати, санаси қайта қадоқлангандагига тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун, ҳомий ёки унинг номидан иш юритувчи шахс препаратни ишлатиш мумкин бўлган мақбул санани кўрсатишлари лозим; шу билан бирга препарат табиати, контейнер тавсифлари ва препарат сақланадиган шароитларни эътиборга олиш лозим. Бу санани асослаб бериш керак; у дастлабки ўрамдаги яроқлилик муддати санасидан кечроқ бўлиши мумкин эмас. Яроқлилик муддатининг тугаш санаси клиник синов давомийлиги билан мувофиқланиши керак.

10.5 Кодлаш бўйича амаллар

Агар препаратлар кодланса, кодировкага эришиш ва уни сақлаб туришни таъминловчи, аммо керак бўлганда, кодланган (“номаълум”) маҳсулот, шу жумладан кодлаш бўйича жараёнгача бўлган препарат сериялари рақамларини идентификатлаштириш имконини берувчи тизимлар бўлиши лозим. Ўта зарур бўлганда, препаратни тезкор идентификациялатлаштириш имкониятини таъминламоқ лозим.

10.6 Рандомизация коди

Синовга мўлжалланган жойлаб, ўралган дори воситалари учун ишлатилган ҳар қандай рандомизация кодини яратиш, ҳимоя қилиш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва сақлаш баён этилган йўриқномаларга, шунингдек, декодлаш механизмларига эга бўлиш лозим. Тегишли баённомаларни сақлаш лозим.

10.7 Ўраб-жойлаш

10.7.1 Синовга мўлжалланган дори воситаларини ўраб-жойлаш вақтида битта ўраб-жойлаш линиясида бир вақтнинг ўзида турли препаратларни қадоқлаш зарурати туғилиши мумкин. Тегишли жараёнлар йўли билан ва/ёки махсус қурилмалардан фойдаланиш ва ходимларни мос равишда ўқитиш ёрдамида препаратларни адаштириб юбориш хавф-хатарини минимум даражага тушириш керак.

10.7.2 Рўйхатдан ўтказилган препаратларга қараганда клиник синовга мўлжалланган дори воситалари қадоғи ва ёрлиқланиши мураккаброқ ва хатоларга кўпроқ мойил бўлиши (уларни ҳам аниқлаш нисбатан мураккаб) мумкин, айниқса, ташқи кўриниши ўхшаш бўлган “номаълум” препаратлар ишлатилганда. Нотўғри ёрлиқланишга нисбатан хавфсизлик чора тadbирларини кўриш, масалан, ёрлиқлар балансини тузиш, линияни тозалаш, тегишли тайёргарликдан ўтган ходимлар томонидан бажариладиган ишлардаги нозорат каби хавфсизлик чоралари кучайтирилиши лозим.

STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH 140
BOSHQARMASI

10.7.3 Синов учун мўлжалланган дори воситаси ўрами, тайинлашган оралик пунктларида ташиш ва сақлаш вақтида яхши ҳолатни сақлаб қолинишини таъминлаши керак. Хар қандай аралашув ёки ташиш вақтида иккиламчи қадоқнинг очилганлиги маълум бўлиши керак.

10.8 Тамғалаш

10.8.1 1-жадвалида куйида келтирилган 10.8.1-10.8.5 пунктлар мазмунининг йигиндиси кўрсатилган. Тамғалаш субъект ҳимояси ва кузатувни таъминлаши, шунингдек, препарат ва синовни идентификатлаштириш имконини бериши ва синовга мўлжалланган дори воситасининг тўғри қўлланиш имконини бериш керак. Ёрликда куйидаги маълумот бўлиши лозим (агарда унинг йўқлиги, масалан, марказлашган рандомизация электрон тизимининг қўлланилиши каби ҳолатлар билан асосланмаган бўлса):

а) ҳомий, шартномадаги тадқиқот муассасаси ёки тадқиқотчи (препарат, клиник синов ва зудлик билан декодировка қилиш билан боғлиқ маълумотлар учун асосий алоқаги шахе) номи (исми), манзили ва телефон рақами;

б) дори шакли, киритиш йўли, дозаланган birlikлар миқдори ва очиқ синовлар вазиятида ном/идентификатор, шунингдек таъсир кучи;

в) серия рақами ва/ёки ичидаги модда идентификацияси ва ўраб-жойлаш жараёни учун код;

г) тиббиёт муассасаси, тадқиқотчи ва ҳомийни идентификатлаштириш имкониятини берувчи синов рақами (код), агарда буларнинг барчаси бошқа жойда кўрсатилмаган бўлса;

д) клиник синов субъектининг идентификация рақами/даволаш рақами ва керак бўлса, ташриф рақами;

е) тадқиқотчи исми (агарда (а) ёки (г) бандларига мувофиқ кўрсатилмаган бўлса);

ж) қўллаш йўриқномаси (варақа ёки тиббий қўллаш йўриқномаси, ёки клиник синов субъекти ёки препаратни киритувчи шахсга мўлжалланган бошқа тушунтириш ҳужжатига ҳавола келтирилиши мумкин);

з) «Фақат клиник синовлар учун» ёки муқобил формулировка;

и) сақлаш шароитлари;

к) қўлланилиш муддати, йил ва ой ноаниқликлар келиб чиқмайдиган қилиб кўрсатилиши керак (препаратни қайси санагача ишлатилиши мумкинлиги ёки яроқлилик муддати келтирилиши мумкин);

л) «Болалар учун хавфсиз жойда сақлансин», клиник синовларда фойдаланаётган препаратлар синов субъектлари томонидан уйга олиб кетилмайдиган ҳолатлар истисно бўлиши мумкин.

10.8.2 Ёрликда препарат, клиник синов ва зудлик билан раскодировка қилиш борасидаги маълумотлар учун асосий алоқадаги шахс манзили ва рақами кўрсатилмаслиги мумкин, агар синов субъектига мана шу маълумотлар кўрсатилган варақа тақдим этилган, шунингдек уларни доим ёнида олиб юриш кўрсатмаси берилган бўлса.

10.8.3 Маълумотлар синовга мўлжалланган дори воситаси қўлланиладиган мамлакатнинг расмий тили (тиллари)да келтирилиши лозим. Мазкур қўлланманинг 10.8.1 бандида келтирилган маълумотлар ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи (мазкур илованинг 10.8.4 ва 10.8.5 бандларида баён этилган ҳолатлардаги бирламчи ўрамлардан ташқари) ўрамда бўлиши керак. Бирламчи ва иккиламчи ўрам ёрликлари мазмунига доир

UZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

талабларнинг жами 1-жадвалда келтирилган. Шунингдек, бошқа тиллардаги маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

10.8.4 Агарда препарат синов субъекти ёки препаратни киритувчи шахс учун тайёрланган бўлса, бирламчи контейнерда иккиламчи контейнер билан биргаликда мазкур қўлланманинг 10.8.1 бандида келтирилган маълумотлар бўлиши керак, бирламчи контейнер (ёки бирламчи контейнер бўлган бошқа ҳар қандай беркитилган дозаловчи қуролма) ёрлиғида қуйидаги маълумотни кўрсатиш керак:

- а) ҳомий, шартномадаги тадқиқот муассасаси ёки тадқиқотчи номи (исми);
- б) дори шакли, киритиш йўли (оғиз орқали қабул қилишга мўлжалланган қаттиқ дори шакллари учун кўрсатилмаса ҳам бўлади), дозаланган бирликлар миқдори ва очик синовлар вазиятида ном/идентификатор, шунингдек таъсир кучи;
- в) ичидаги модда идентификацияси ўраб-жойлаш жараёни учун серия рақами ва/ёки коди;
- г) тиббиёт муассасаси, тадқиқотчи ва ҳомийни идентификатлаштириш имкониятини берувчи синов рақами (код), агарда буларнинг барчаси бошқа жойда кўрсатилмаган бўлса;
- д) клиник синов субъектининг идентификация рақами/даволаш рақами ва керак бўлса, ташриф рақами.

10.8.5 Агарда бирламчи ўрам блистер бўлса, ёки унинг ҳажми жуда кичик бўлса, масалан ампулалар ва шу сабабли мазкур илованинг 10.8.1 бандида келтирилган маълумотларни жойлаштириш имкони бўлмаса, мана шу маълумотларнинг барчасини ўз ичига олган ёрликлар иккиламчи ўрам ёрлиғи кўзда тутилиши керак. Бироқ бирламчи қадоқда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- а) ҳомий, шартномадаги тадқиқот муассасаси ёки тадқиқотчи номи (исми);
- б) дори шакли, киритиш йўли (оғиз орқали қабул қилишга мўлжалланган қаттиқ дори шакллари учун кўрсатилмаса ҳам бўлади) ва очик синовлар вазиятида ном/идентификатор, шунингдек таъсир кучи;
- в) ичидаги модда идентификацияси учун серия ва ўраб-жойлаш жараён учун серия ва қадоқлаш операцияси рақами ва/ёки коди;
- г) синов, тиббиёт муассасаси, тадқиқотчи ва ҳомийни идентификатлаштириш қилиш имкониятини берувчи синов рақами (код), агарда буларнинг барчаси бошқа жойда кўрсатилмаган бўлса;
- д) клиник синов субъектининг идентификация рақами/даволаш рақами ва керак бўлса, ташриф рақами.

10.8.6 Юқорида кўрсатилган маълум ахборотни изоҳлаш учун рамз ёки пиктограммалардан фойдаланиш мумкин. Препаратни қўллаш бўйича қўшимча ахборот ва/ёки қўллаш йўриқномаси тақдим этилиши мумкин.

10.8.7 Клиник синовлар ҳолатларида, қуйидаги вазиятларда,:

- а) алоҳида ишлаб чиқариш ёки ўраб-жойлаш жараёнларига эҳтиёж йўқ;
- б) синовларда амалдаги қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинган дори воситалар қўлланганда;
- в) синовларда рўйхатдан ўтказиш вақтида тасдиқланган қўллаш йўриқномасида кўрсатилган қўллаш кўрсатмаларига мос келадиган касалликларга чалинган беморлар иштирок этса,

г) оригинал контейнерда асосий ёрлик матнини ёпиб қўймаган ҳолда қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар келтирилиши лозим:

**O'Z STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA**

DAVLAT NIZORATINI

**MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

- шартномадаги тадқиқот муассасаси ёки тадқиқотчи ҳомийси номи (исми);
- тиббиёт муассасаси, тадқиқотчи ва синов субъектини идентификацлаштириш қилиш имкониятини берувчи синов рақами (коди).

10.8.8 Қўллаш муддатини ўзгартириш керак бўлса, текширилаётган дори воситасига қўшимча ёрлик ёпиштириш керак. Ушбу қўшимча ёрликда препаратни қўллаш мумкин бўлган янги сана кўрсатилиши керак, шунингдек, унда серия рақами такрорланиши лозим. Уни эски яроқлилиқ муддати устига ёпиштириш мумкин, аммо бошланғич серия рақам устига ёпиштириш керак эмас, зеро бу сифат назорати билан боғлиқ. Бу жараёни тегишли равишда лицензияланган ишлаб чиқариш майдончасида амалга ошириш лозим. Аммо бу асосланса, ушбу жараён тадқиқот муассасаларида клиник синов фармацевтика ёки унинг кузатуви остида ёки бошқа тиббиёт ходими томонидан амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Агарда бунинг имконияти бўлмаса, бу жараёни тегишли ўқув курсларида ўқиган клиник синов монитор(лар)и амалга ошириши мумкин. Жараёни GMP тамойиллари, махсус ва стандарт ишчи йўриқномаларига мувофиқ ва керак бўлса, шартнома бўйича амалга ошириш мумкин; жараёни иккинчи шахс назорат қилиши керак. Қўшимча ёрликлашни, ҳам клиник синов ҳужжатларида, ҳам серия баённомаларида батафсил ҳужжатлаштириш керак.

11 Сифат назорати

11.1 Жараёнлар стандартлашмаган ёки тўла валидацияланмаган бўлиши мумкинлиги сабабли ҳар бир серия ўз спецификациясига мос келишини қафолатлаш нуқтаи назаридан янада кўпроқ аҳамият касб этади.

11.2 Сифат назоратини препарат спецификацияси ҳужжатларига ва клиник синов ўтказишга рухсат олиш учун сўров берилганда ҳомий томонидан ваколатли органга тақдим этилган ахборотга мувофиқ амалга ошириш лозим. Кодировка самарадорлигини текшириш ва уни баённомалаштириш лозим.

11.3 Мазкур серия ишлатилган сўнгги клиник синов тугаган ёки расман тўхтатилганидан сўнг, камида 5 йил ичида синов учун мўлжалланган дори воситалари ҳар бир сериясининг, шу жумладан кодланган препарат намуналарини сақлаш лозим.

11.4 Синов натижалари қарама-қарши бўлганда текширув ўтказиш жараёнида препарат айнанлигини тасдиқлаш имкониятини таъминлаш учун клиник синовлар тўғрисидаги ҳисобот тузилишига қадар, ҳар ўрам цикли/синов даври учун намуналарни сақлашга эътибор қаратиш лозим.

12 Серияни чиқаришга рухсатнома бериш

12.1 Синов учун мўлжалланган дори воситаларини чиқаришга рухсатнома Ваколатли шахс сифат назорати қониқарли ўтазилганлиги, шунингдек, мазкур қўлланма (мазкур илованинг 13.1 бандига қаранг)да баён этилган яхши ишлаб чиқариш амалиёти ва мазкур 12.2 илова талабларига риоя этилганилиги тасдиқлангунига қадар берилмаслиги лозим. Ваколатли шахс мазкур илованинг 12.3 бандига келтирилган омилларни ҳисобга олиши керак.

12.2 Ваколатли шахсининг синов учун мўлжалланган дори воситаларига доир мажбуриятлари, содир бўлиши мумкин бўлган турли вазиятларга боғлиқ бўлади; улар қуйида кўрсатилган:

O'Z STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

а) Препарат ЎЗР да ишлаб чиқарилган, аммо ЎЗРда рўйхатдан ўтказилмаган: синов учун мўлжалланган дори воситалари мазкур қўлланмада баён этилган яхши ишлаб чиқариш амалиёти талаблари, препарат спецификациялари хужжатларига, клиник синов ўтказиш учун рухсат сўралганда, ҳомий томонидан ваколатли органга тақдим этилган маълумотларга мувофиқ ишлаб чиқарилиб, текширилганлигини хужжатлаштириш керак.

б) Препарат ЎЗР бозорида мавжуд, лицензияси бор ишлаб чиқарувчи ёки дистрибьютор томонидан етказилади ва қаерда ишлаб чиқарилишидан қатъий назар ЎЗР да рўйхатдан ўтказилган: мажбуриятлар юқорида кўрсатилди, аммо сертификатлаштириш кўлами препаратлар клиник синов ўтказишга рухсат олиш сўровномаси ва кодлаш, махсус ўрам ёки ушбу синов учун тамғалаш мақсадидаги бошқа қайта ишлашга мос келишини тасдиқловчи хужжат билан чекланиши мумкин. Препарат спецификацияси хужжаилари ҳажми бўйича ҳам чегараланган бўлиши мумкин (мазкур илованинг 7 бандига қаранг).

в) Препарат бевосита бошқа мамлакатдан импорт қилинган: синов учун мўлжалланган дори воситалари яхши ишлаб чиқариш амалиёти (камида, мазкур қўлланмада келтирилганларга эквивалент) талаблари, препарат спецификациялари хужжатлари, клиник синов ўтказиш учун рухсат сўралганда ҳомий томонидан ваколатли органга тақдим этилган маълумотларга мувофиқ ишлаб чиқарилиб, текширилганлигини хужжатлаштирилиши керак. Агар синов учун мўлжалланган дори воситалари бошқа давлатдан импорт қилинган бўлиб, ЎЗР ва ўша давлат ўртасида ўзаро тан олиш келишуви (Mutual Recognition Agreement - MRA) каби шартнома объекти бўлса, ўзаро тан олиш ҳақидаги ҳар қандай келишув мана шу препаратга оид яхши ишлаб чиқариш амалиётига эквивалент стандартларни қўллашни кўзда тутди. Ўзаро тан олиш шартномаси бўлмаганда Ваколатли шахс ишлаб чиқарувчи сифат тизими ҳақидаги ахборот ёрдамида яхши ишлаб чиқариш амалиётига эквивалент стандартлар қўлланаётганини аниқлаши керак. Бундай маълумот, одатга кўра, ишлаб чиқарувчилар сифат тизими аудитида иштирок этиш орқали олинади. Ҳам биринчи, ҳам иккинчи ҳолатда Ваколатли шахс бошқа мамлакат ишлаб чиқарувчиси томонидан тақдим этилган хужжатлар асосида сертификатлаштиришни амалга ошириши мумкин (мазкур илованинг 12.3 банди).

г) Қийёслаш учун импорт қилинган препаратларни, ҳар бир серияси яхши ишлаб чиқариш амалиётига эквивалент стандартларига мувофиқ ишлаб чиқарилганини тасдиқлаш учун тўла қафолат олиш имконияти мавжуд бўлмаганда, Ваколатли шахс ҳар бир ишлаб чиқарилган серия, ҳомий томонидан ваколатли органга тақдим этилган маълумотига кўра унинг сифати клиник синовни ўтказишга сўровнома юборилганида лозим бўлган барча тегишли таҳлиллар, синовлар ёки текширувларни ўтганлигини тасдиқлаб бериши керак.

12.3 Чиқаришга рухсатнома бериш олдидан сертификатлаштириш учун ҳар бир серияни баҳолаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) серия баённомалари, шунингдек, назорат баённомалари, ишлаб чиқариш жараёнидаги назорат баённомалари ва спецификация хужжатларининг препарат, буюртмаси рандомизация ва баённомаси кодига мослигини тасдиқловчи чиқаришга рухсатнома бериш баённомалари. Бу баённомалар барча чекланишлар ёки режалаштирилган ўзгаришлар, шунингдек, кейинги ҳар қандай қўшимча текширув ёки синовларни ичига олади, улар тўла, сифат тизими талабларига мувофиқ бўлиши ва ваколатли ходимлар билан келишилган бўлиши керак;

б) ишлаб чиқариш шароитлари;

в) техник воситалар, жараёнлар ва усулларнинг валидацион мақомидан VA

D'ZSTANDART AGENTLIGI

DAVLAT NIZORATI

MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

- г) яқуний ўрамни текшириш;
- д) импорт қилингандан кейин ўтказилган ҳар қандай таҳлил ва синов натижалари агар зарурати бўлса;
- е) барқарорлик ҳисоботлари;
- ж) таъминот манбаси, сақлаш ва ташиш шароитларини текшириш;
- з) ишлаб чиқарувчининг сифат тизими аудитлари тўғрисида ҳисоботлар;
- и) экспорт қилувчи мамлакатнинг ишлаб чиқарувчига, тегишли ваколатли органи томонидан синовлар учун дори воситаларни ишлаб чиқариш учун берилган лицензияга ёки тегишли ҳужжатларга эгаллигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- к) керак бўлганда, рўйхатга олиш гувоҳномаси, GMP стандартларини қўллашга оид тартибга солиш талаблари ва GMP талабларининг бажарилганлиги ҳақидаги ҳар қандай расмий тасдиқномалар;
- л) Ваколатли шахс серия сифати учун муҳим деб ҳисоблаган бошқа ҳар қандай омиллар.

Юқорида келтирилган омиллар аҳамияти, препарат ишлаб чиқариладиган мамлакат, ишлаб чиқарувчи, шунингдек, препаратнинг бозордаги мақомига (у рўйхатга олинганми, ЎЗР ёки бошқа давлатларда рўйхатга олинганми), ишлаб чиқиш фазасига боғлиқ.

Ҳомий, серияни сертификатлаштирувчи Ваколатли орган томонидан маълумот учун қабул қилинган барча омиллар, клиник синов ўтказишга рухсат сўралганда, ҳомий томонидан ваколатли органга тақдим этилган ахборотга мос эканлигини кафолатлаши керак. Мазкур илованинг 13.2 бандига ҳам қаранг.

12.4 Агар синов учун мўлжалланган дори воситалари ҳар хил Ваколатли шахслар масъул бўлган ҳар хил ҳудудларда ишлаб чиқарилиб, жойлаб, ўралса амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилиш керак.

12.5 Агар амалдаги қонунчиликка кўра ўраб-жойлаш ва тамгалаш тадқиқот муассасасида клиник синов фармацевтика томонидан ёки унинг назорати бошқа тиббиёт ходими томонидан амалга оширилса, Ваколатли шахс бу фаолиятни сертификатлаштирамаслиги керак. Аммо, ҳомий иш тўғри ҳужжатлаштирилгани ва GMP тамойилларига мувофиқ амалга оширилганини кафолатлаш учун масъул; у ушбу масалада Ваколатли шахс билан маслаҳатлашиши керак.

13 Юклаш/ташиш

13.1 Синов учун препаратларни ташиш ҳомий ёки унинг номидан иш юритувчи шахс томонидан тақдим этилган кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

13.2 Синов учун дори воситаларини, чиқаришга рухсат бериш икки босқичли жараёнини тугатишгача ҳомий назорати остида сақлаш лозим: Ваколатли шахс томонидан сертификатлаштириш, амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилинганидан сўнг чиқаришга рухсатнома бериш.

13.3 Синов учун дори воситаларни тадқиқот ҳудудига етказиб беришдан олдин, тегишли мажбуриятлари бор ходимлар учун раскодировкани амалга ошириш бўйича шартномалари имзоланиши лозим.

13.4 Ишлаб чиқарувчи ёки импортёр томонидан тузилган таъминотнинг батафсил рўйхатини сақлаш лозим. Адресат (олувчи)ни идентификатлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

13.5 Синов учун дори воситаларини битта тадқиқот ҳудудидан бошқа ҳудудга ўтказишни фақат истисно ҳоллардагина амалга ошириш лозим. Бундай ўтказишларни стандарт ишчи йўриқномаларда баён қилиш лозим. Препарат ишлаб чиқарувчи назорати остида бўлмаган вақтда препарат тарихини текшириш керак, масалан, клиник синов мониторлари ҳисоботлари ёки олдинги тадқиқот майдончасида сақлаш шароитларини рўйхатга олиш баённомалари ёрдамида; бундай текшириш препаратнинг бошқа ерга ўтказишга яроқли эканлиги бўйича баҳолашни бир қисми бўлиши керак; унга Ваколатли шахсни жалб этиш керак. Зарурат юзасидан ва қайта маркировка қилиш учун препаратни ишлаб чиқарувчи ёки бошқа лицензияга эга ишлаб чиқарувчига, сертификатлаштириш учун Ваколатли шахсга қайтариш лозим. Баённомаларни сақлаш керак ва уни тўла кузата олиш имконияти бўлиши лозим.

14 Рекламациялар

Препарат сифати билан боғлиқ рекламация муносабати билан ўтказилган ҳар қандай тадқиқот натижалари бўйича хулосалар ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи ва ҳомий (агар улар битта шахс бўлмаса) ўртасида муҳокама қилиниши лозим. Бунинг учун препаратни ишлаб чиқиш ва синов субъектларига ҳар қандай потенциал таъсирни баҳолаш учун Ваколатли шахс ва тегишли клиник синовлар учун масъулларни жалб этиш лозим.

15 Чақириб олиш ва қайтариш

15.1 Чақириб олиш

15.1.1 Синовга мўлжалланган дори воситаларини чақириб олиш ва уни хужжатлаштириш йўриқномаси ҳомий томонидан ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи билан мувофиқлаштирилиши керак (агарда улар битта шахс бўлмаса). Тадқиқотчи ва монитор қайтариш жараёнига нисбатан ўз мажбуриятларини тушунишлари керак.

15.1.2 Ҳомий клиник синовларда фойдаланадиган қиёслаш препарати ёки бошқа дорилар таъминотчисини ҳар қандай препаратни чақириб олиш тизими мавжудлиги тўғрисида ҳомийни огоҳлантиришни таъминлаши керак.

15.2 Қайтаришлар

15.2.1 Синов учун мўлжалланган дори воситаларини ҳомий томонидан белгиланган ва ёзма йўриқномаларда баён этилган шартларга амал қилинган ҳолда қайтариш лозим.

15.2.2 Синовга мўлжалланган, қайтарилган дори воситаларини аниқ идентификатлаштириш лозим; уларни махсус назорат қилинадиган ҳудудда сақлаш керак. Қайтарилган дори воситалари таърифланган баённомаларни сақлаш лозим.

16 Йўқ қилиш

16.1 Ҳомий синов учун мўлжалланган, ишлатилмаган ва/ёки қайтарилган дори воситаларини йўқ қилиш учун масъулдир. Синов учун мўлжалланган дори воситалари ҳомийнинг ёзма рухсатсиз йўқ қилиниши мумкин эмас.

16.2 Ҳар бир тадқиқот участкаси в ҳар бир синов даври учун ҳомий ёки унинг номидан иш юритувчи шахс етказиб берилган, ишлатилган ва қайтарилган препарат миқдорини баённомалаштириши, балансини тузиши ва назорат қилиши керак.

Маълум тадқиқот ҳудуди ёки маълум синов вақтида синов учун мўлжалланган ишлатилмаган дори воситаларни йўқ қилиш ҳар қандай мувофиқлаштирилган текширилиб,

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

кониқарли тушунтириб берилганидан ва баланс тузилганидан сўнггина йўқ қилиниши мумкин. Йўқ қилиш бўйича жараёнларни баённомалаштиришни шундай амалга ошириш керакки, улар бўйича ҳисобот бериш мумкин бўлсин. Баённомалар ҳомийда сақланиши керак.

16.3 Агарда препарат йўқ қилинаётган бўлса, ҳомийга санаси қўйилган гувоҳнома ёки йўқ қилиш тўғрисида имзоланган хат тақдим этилиши лозим. Ушбу ҳужжатларда беморларнинг рақами ва/ёки серия рақами (ёки уларни кузатиш имконини беришни таъминлаш) ва йўқ қилинган препаратларнинг ҳақиқий миқдори аниқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

1 Жадвал – тағлаш бўйича умумий маълумот

<p>(а) ҳомий, шартномадаги тадқиқот муассасаси ёки тадқиқотчи номи (исми), манзили ва телефон рақами (препарат бўйича, клиник синов ўтказиш ва зудлик билан декодлаш борасидаги маълумот учун алоқа қилиш мумкин бўлган шахс);</p> <p>(б)дори шакли, киритиш усули, дозаланган бирликлар миқдори ва очиқ синов учун номи/идентификатор, шунингдек таъсир кучи;</p> <p>(в)серия рақами ва/ёки ичидаги моддани идентификатлаш ва қадоқлаш жараёни бўйича код;</p> <p>(г)синов, синов жойи, тадқиқотчи ва ҳомийни идентификатлаш имкониятини берувчи синов рақами (коди), агарда улар бошқа жойда кўрсатилмаган бўлса;</p>	<div style="border: 1px solid black; padding: 10px; text-align: center;"> <p>а¹-л бандларда келтирилган ахборот</p> </div> <p style="text-align: center;">Умумий ҳолатлар Бирламчи ва иккиламчи қадоқ учун (10.8.1 банд)</p>
<p>(д)клиник синов субъектининг идентификация рақами/даволаш рақами ва зарурият бўлса, ташриф рақами;</p> <p>(е)тадқиқотчи исми (агарда (а) ёки (д) бандларга мувофиқ кўрсатилмаган бўлса);</p> <p>(ж)Қўллаш бўйича йўриқнома (варақа ёки қўллаш йўриқномаси, ёки клиник синов субъекти ёки препаратни киритувчи шахсга мўлжалланган тушунтириш ҳужжатига илова қилиш мумкин);</p> <p>(з)«Фақат клиник синовлар учун» ёки шунга ўхшаш формулировка;</p> <p>(и) сақлаш шароитлари;</p>	<div style="border: 1px solid black; padding: 10px; text-align: center;"> <p>а², б³, в, г, д бандларда келтирилган ахборот</p> </div> <p style="text-align: center;">Бирламчи контейнер бирламчи ва иккиламчи қадоқ бирга сақланганда (10.8.4 банд)⁵</p>
<p>(к) ой ва йили кўрсатилиб, ҳар қандай ноаниқликка йўл қўймаган ҳолдаги сақлаш муддати; (препаратни қўллаш мумкин бўлган бўлган охири санаси, яроқлилик муддати ёки қайта назорат санаси)</p> <p>(л) «Болалар учун хавфсиз жойларда</p>	<div style="border: 1px solid black; padding: 10px; text-align: center;"> <p>а², б^{3,4}, в, г, д бандларда келтирилган ахборот</p> <p>U'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH VA DAVLAT NIZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH BOSHQARMASI</p> </div>

<p>сақлансин» клиник синовларда фойдаланадиган препарат, синов субъектлари томонидан уйга олинмаган ҳолатлар бундан мустасно.</p>	<p>Бирламчи қадоқ Блистерлар ёки кичик ҳажмли қадоқлар (10.8.5 банд) ⁵</p>
--	---

Изоҳлар:

¹Агар синовлар субъектига, шу ахборотлар келтирилган илова-варақа ёки карточка берилиб ва улар доимо унинг ёнида бўлиши ҳақида кўрсатма берилган бўлса (шу иловани 10.8.2 бандига қаранг), клиник синов препаратлари ва зудлик билан декодлаш препаратларининг ёрликлардаги ахборотда асосий контактдаги шахснинг манзили ва телефон рақами кўрсатилмаслиги мумкин.

²Клиник синов препаратлари ва зудлик билан декодлаш препаратларининг ёрликлардаги ахборотда асосий контактдаги шахснинг манзили ва телефон рақами кўрсатилмаслиги керак.

³Оғиз орқали қабул қилинадиган дори воситаларида, қабул қилиш йўли кўрсатилмаслиги мумкин.

⁴Дори шакли ва ўрамдаги дозаланган дори воситалари сони кўрсатилмаслиги мумкин.

⁵Иккиламчи ўрамда шу иловани 10.8.1 бандида келтирилган ахборотлар бўлса.

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
 STANDARTLASHTIRISH VA
 DAVLAT NAZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI**

2 Жадвал – ЕИда синов ўтказишга мўлжалланган дори воситалари сериясини ишлаб чиқаришга рухсатнома бериш бўйича маълумот

Хисобга олинишни лозим бўлган омиллар ⁽³⁾	ЕИ бозорда мавжуд		Учинчи мамлакатлардан импорт қилинган препарат		
	ЕИда сотиш лицензиясиз ишлаб чиқарилган препарат	ЕИда мавжуд, сотиш лицензияси бор бўлган препарат	ЕИда сотиш лицензияси бўлмаган препарат	ЕИда сотиш лицензияси бўлган препарат	Препарат 91/356/ЕЕС ⁽⁴⁾ Директивасида баён қилинган, ёки унга муқобил талабларга мувофиқ ишлаб чиқарилганни тасдиқловчи ҳужжатларни олиш мумкин бўлмагандаги қиёслаш препарати
Клиник синовлар учун қайта ишлашдан олдин	Ҳа				
а) Ташиш ва сақлаш шартлари.	Ҳа				
б) Ишга алоқадор ва ҳар бир серия 91/356/ЕЕС ⁽⁴⁾ Директивасига ёки камида 91/356/ЕЕС ⁽⁴⁾ Директивасида баён этилганларга муқобил бўлган GMP меъёрларига мувофиқ ишлаб чиқаришга рухсат берилганлигига гувоҳлик берувчи барча омиллар.	2) д				
с) Ҳар бир серия ЕИда GMP ЕС (2001/83/ЕС Директивасининг 51-бандига қараит) талабларига мувофиқ ишлаб чиқаришга рухсат берилганлигига гувоҳлик берувчи ҳужжатлар ёки препарат ЕИ бозорда мавжудлигига ва 2001/83/ЕС Директивасининг 80(б) бандига мувофиқ етказиб берилишига гувоҳлик берувчи ҳужжатлар.	Ҳа				
д) Препарат маҳаллий бозорда мажбуллигини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек, маҳаллий бозорга чиқаришга рухсатнома бериш ва уни рўйхатга олишга бўлган маҳаллий тартибга солиш талабларига мос қилишни тасдиқловчи ҳужжатлар.	Ҳа				

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
 СТАНДАРТИЛАСHTIRISH VA
 DAVLAT NAZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

<p>е) Савдо лицензияси талаблари (2001/83/ЕС Директивасининг 51b бандига қаранг) га мувофиқ импорт қилинган серия сифатини баҳолаш учун амалга ошириладиган таҳлиллар, синовлар ва текширувлар натижалари ёки буюртма, тартибга солиш ваколатли органларига аризанинг 9.2 моддасига биноан спецификация хужжатлари. Агар ушбу таҳлил ва тестлар ЕИдан ташқарида ўтказилган бўлса, буни асослаш керак, Ваколатли шахс эса улар камида 91/356/ЕЕС⁽⁴⁾ Директивасида баён этилганларга муқобил бўлган GMP меъёрларга мувофиқ амалга оширилганлигига гувоҳлик бериши керак.</p>		<p>Ха Ха</p>	<p>Ха Ха</p>	<p>Ха Ха</p>
<p>Клиник синовлар учун қайта ишлашдан сўнг</p>				
<p>ф) Клиник синовлар учун қайта ишлашдан олдин амалга ошириладиган баҳолашга қўшимча равишда, ҳар бир серия кодировка мақсадида қайта ишланганлигига, синов учун мўлжалланган махсус кадокка кадокланганлигига, 91/356/ЕЕС⁽⁴⁾ Директиваси ёки камида 91/356/ЕЕС⁽⁴⁾ Директивасида баён этилганларга муқобил бўлган GMP меъёрларига мувофиқ маркировка қилиниб, синовдан ўтказилганлигига гувоҳлик берадиган барча қўшимча омиллар (1).</p>	<p>Ха</p>		<p>(2)^д</p>	
<p>Изох. (1) Ушбу омиллар 40 баида келтирилган. (2) Агарда MRA (Ўзаро бир-бирини таи олиш тўғрисида шартнома (Mutual Recognition Agreement - MRA)) ёки бошқа шартнома мавжуд бўлиб, GMP нинг муқобил меъёрлари қабул қилинса (3) Барча ҳолларда 2001/20/ЕС директивасининг 9(2) моддасига мувофиқ кўреатилган барча маълумотлар ишлаб чиқаришга рухсатнома беришдаи олдин серияни сертификатлаштирувчи Ваколатли шахс томондан ҳақиқатдан хисобга олинувчи далилларга жавоб бериши лозим. (4) 91/356/ЕЕС директиваси 2003/94/ЕС директивасига алмаштирилган, шу боис «2003/94/ЕС директивасида» деб ўқниш лозим.</p>				

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

12-ИЛОВА

(мажбурий)

**ДОНОР ҚОНИ ЁКИ ПЛАЗМАСИДАН ОЛИНАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ****1 АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР****Асосий тушунчалар:**

қон компоненти – турли усуллар билан тайёрланиши мумкин бўлган терапевтик қон таркиби (эритроцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитлар ва плазма);

қон – донордан олиниб, трансфузия ёки кейинчалик ишлаб чиқариш учун қайта ишланган қон;

донор қони ёки плазмасидан олинадиган дори воситалари – олинган, қон компонентлари асосида sanoat усули билан ишлаб чиқарилган дори воситалари;

қайта ишлаш – қон олинганидан сўнг, қон компонентларини олишдан олдин амалга ошириладиган қон компонентларини олишнинг босқичларидан бири, масалан, қон компонентларини ажратиш ва музлатиш. Мазкур Иловада қайта ишлаш деганда, кўшимча равишда, фракциялаш учун ишлатиладиган плазма учун хос бўлган ва қон олиш ташкилотларида бажариладиган жараёнлар тушунилади;

плазманинг асосий хужжати – дори воситасини рўйхатга олиш хужжатига кирмайдиган алоҳида хужжат. Кўрсатилган хужжат хом ашё сифатида ишлатиладиган донор плазмаси таърифига оид батафсил тўлиқ маълумотни қамраб олади, ундан плазма, дори воситалари ёки тиббий ашёларнинг бир қисми бўлган оралиқ фракциялар ва (ёки) субфракциялар, ёрдамчи моддалар ва фармацевтик ФФИ-субстанциялар ишлаб чиқаришда фойдаланилади;

масъул шахс – ташкилотда қон олиш ва уни текшириш учун махсус тайинланган шахс бўлиб, у қуйидагилар учун жавобгар:

- қон ёки унинг компонентлари уларнинг қўлланилишидан қатъий назар, ҳар бир алоҳида олинганлиги ва текширилганлигини, шунингдек, улар трансфузия учун мўлжалланган ҳолларда, уларга ишлов бериш, сақлаш ва тарқатилиши ЎзР қонунчилигига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;
- ижро ҳокимиятининг ваколатли органларига буйруқлар, рухсатномалар, аккредитация ёки лицензиялашга оид керакли маълумотларни тақдим этиш;
- ташкилотда қон олиш ва текширишда ЎзР қонунчилигидаги барча талабларни бажариш.

Масъул шахс малакаси бўйича қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- олий тиббий ёки биологик маълумотга эга бўлиш;

ЎЗЎСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHITIRISH
BOSHQARMASI

- қон олиш ва уни текшириш ва (ёки) унинг компонентларини текшириш ёки уларни олиш, сақлаш ва тақсимлашни амалга оширувчи битта ёки бир неча ташкилотларда икки йилдан кам бўлмаган муддатли меҳнат стажига эга бўлиши.

Масъул шахснинг юқорида кўрсатилган мажбуриятлари ушбу мажбуриятларни бажариш учун тегишли малака ва меҳнат стажига эга бўлган бошқа шахслар зиммасига юклатилиши мумкин.

Қон олиш ва тайёрлаш ташкилотлари, ижро этувчи ҳокимиятнинг ваколатли органларига масъул шахснинг фамилияси, исми ва шарифи (бор бўлса) ҳамда масъул шахснинг мажбуриятлари ўтказилган шахслар ҳақида, уларга юклатилган аниқ бир мажбуриятлари билан бирга ахборот беришлари лозим.

Агарда масъул шахсе ёки жавобгар шахснинг мажбуриятлари берилган шахслар доимий ёки вақтинчалик асосда алмаштирилса, қонни олиш ва текшириш ташкилотлари янги масъул шахснинг фамилияси, исми ва шарифи (бор бўлса) ва унинг тайинланиши санаси ҳақида ижро этувчи ҳокимиятнинг ваколатли органларини тезда хабардор қилишлари лозим.

фракциялаш учун плазма – антикоагулянтли контейнерга олинган, қоннинг хужайра компонентлари ажратиб олингандан кейин қоладиган, ёки аферез қилиш жараёнида аникоагулянтли қонни центрифугалаш ёки узлуксиз фильтрация ёрдамида ажратилгандан сўнг қоладиган донор қонининг суyoқ қисми. Фракциялаш учун плазма, плазмадан олинадиган дори воситалари: альбумин, қон ивиш омиллари ва одам иммуноглобулинларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

қон препаратлари – донор қони ёки плазмасидан олинадиган дори воситалари;

қон оладиган ва тайёрлайдиган ташкилот – келгусида қайси мақсадда ишлатилишидан қатъий назар, донор қонни олиш ва донор қони ёки қон компонентларини текшириш ҳамда агар улар трансфузия учун мўлжалланган бўлса, уларни қайта ишлаш, сақлаш ва етказиб беришга жавобгарликни олган юридик шахс. Ушбу атама плазмаферез ўтказадиган ташкилотлар, касалхоналардаги қон банкига ҳам таъаллуқли;

фракциялаш, фракцияловчи ташкилот – корхонадаги технологик жараён бўлиб (фракциялаш корхонаси), бунда турли физик ёки кимёвий усуллар, масалан, чўктириш, хроматография кабилар ёрдамида плазма компонентлари ажратилади.

2 ҚЎЛЛАШ СОҲАСИ

2.1 Мазкур Илова қоидалари донор қони ёки плазмасидан олинадиган дори воситаларига тааллуқли. Мазкур Илова дори воситалари (масалан, донор плазмаси) учун хом ашёга ҳам дахлдор. Мазкур Иловада белгиланган талаблар донор қонининг барқарор фракцияларига ёки плазманинг тиббиётда қўлланиладиган маҳсулотларга (масалан, альбуминга) нисбатан ҳам қўлланилади.

2.2 Мазкур Илова донор қони ёки плазмасидан олинадиган дори воситаларини ажратиш ва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган донор плазмасини ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташиш борасидаги махсус талабларни белгилайди.

Q ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2.3 Мазкур Илова трансфузияга мўлжалланган қон компонентларига нисбатан қўлланилмайди.

3 ТАМОЙИЛЛАР

3.1 Донор қони ёки плазмасидан олинадиган дори воситалари (шунингдек, уларнинг хом ашё сифатида ишлатиладиган фармацевтик АФИ-субстанциялари), мазкур Қоидалар талаблари ҳамда дори воситасининг рўйхатга олиш хужжатида мувофиқ келиши керак. Уларга биологик дори воситалари ва одам хужайралари ёки суюқликлари (жумладан, қон ёки плазма) каби биологик субстанциялар сақловчи хом ашё сифатида қаралади. Хом ашё манбалари биологик табиатига эга эканлиги сабабли ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, хом ашё инфекцияловчи агентлар, айниқса вируслар билан контаминацияланган бўлиши мумкин. Шунинг учун, бундай дори воситаларининг сифати ва хавфсизлиги, хом ашё назорати ва унинг келиб чиқиш манбаи, шунингдек, келгуси технологик жараёнлар, жумладан, инфекция маркерларга текшириш, вирусларни йўқотиш ва зарарсизлантириш кабиларга боғлиқ бўлади.

3.2 Дори воситалари учун хом ашё сифатида ишлатиладиган барча фармацевтик ФФИ-субстанциялар мазкур Қоидалар талабларига жавоб бериши зарур (мазкур Илованинг 3.1 банди). Донор қони ёки плазмасидан олинадиган хом ашёни олиш ва текширишда куйидаги қоидаларга амал қилиш лозим. Олиш ва текшириш мақбул сифат тизими, Ўзбекистон Республикасининг тегишли меъёрий хужжатлари (МХ) ва спецификацияларига мувофиқ бажарилиши керак. Донордан реципиентгача назорат қилиш ва ножўя таъсирлар ва кутилмаган реакциялар хусусида огоҳлантириш борасида Ўзбекистон Республикасининг меъёрий хужжатлари билан белгиланган талаблар бажарилиши керак.

3.3 Мазкур Қоидалар қонни олиш ва текширишдан кейинги барча босқичларига (масалан, қайта ишлаш, шу жумладан, ажратиш, музлатиш, сақлаш ва ишлаб чиқарувчига ташиш) тааллуқли. Қоидага кўра, кўрсатилган фаолият, ишлаб чиқарувчининг ваколатли шахси масъуллиги доирасида бўлиши керак.

3.4 Плазмадан олинадиган дори воситалари учун хужжатлар ва хом ашёга тааллуқли бошқа тадбирлар плазманинг асосий хужжатида кўрсатилади.

4 СИФАТ БОШҚАРУВИ

4.1 Сифат бошқаруви донорларни танлашдан бошлаб, тайёр маҳсулотни етказиб беришгача бўлган барча босқичларни қамраб олиши лозим. Плазмани фракцияловчи корхонага етказиб беришгача бўлган босқичдан етказиб бериш босқичида, шунингдек, дори воситаларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган донор қони ёки плазмасини олиш ва текшириш билан боғлиқ барча босқичларда назоратга қўйилган талабларга риоя қилиниши керак.

4.2 Дори воситаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган хом ашё сифатида ишлатиладиган қон ёки плазмани йиғишни, қонни олиш ва текшириш шартликларида амалга ошириш керак, текширишни эса Ўзбекистон Республикаси меъёрий хужжатларида белгиланган талабларга жавоб берадиган, сифат тизимига эга, ваколатли назорат органи

томонидан берилган тегишли рухсатномаси бор ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан мунтазам равишда назорат қилинадиган лабораторияларда ўтказилиши лозим.

4.3 Фракцияловчи корхона ёки тайёр дори воситалари ишлаб чиқарувчи, таъминловчи ҳисобланадиган қон олиш ва текшириш ташкилотлари билан шартнома тузиши керак.

4.4 Бундай шартномаларга хусусан, қуйидаги шартларни киритиш тавсия қилинади:

- мажбурият ва масъулиятларни белгилаш;
- сифат назорати ва ҳужжатларга бўлган талаблар;
- донорларни танлаш ва текшириш мезонлари;
- қонни компонентлар ва плазмага ажратишга бўлган талаблар;
- плазмани музлатиш;
- плазмани сақлаш ва ташиш;
- қон топшириш ва олишдан сўнг назорат қилиш ва ахборот бериш (шу жумладан, ножўя таъсирлари хусусида).

4.5 Фракцияловчи корхона ёки дори воситаларини ишлаб чиқарувчида қон олиш ва текшириш корхонаси томонидан етказиб берилган хом ашёнинг барча бирликлари текширувининг натижалари бўлиши керак. Агар босқичлардан бири субпудратчи томонидан амалга оширилса, бундай шартнома ёзма равишда расмийлаштирилган бўлиши зарур.

4.6 Маҳсулот сифати ва хавфсизлиги ёки уни назоратига таъсир қилиши мумкин бўлган барча ўзгаришларни режалаштириш, баҳолаш ва расман ҳужжатлаштириш учун ўзгаришларни назорат қилишнинг мақбул тизими ўрнатилиши лозим. Таклиф этилаётган ўзгаришларнинг потенциал таъсирини баҳолаш зарур. Қўшимча текширишлар ёки валидация ўтказиш зарурати, айниқса вирусларни зарарсизлантириш ва йўқотиш босқичлари учун аниқланиши керак.

4.7 Инфекцион агентлар ва янги инфекцион агентлар билан боғлиқ хавф-хатарларни камайтириш учун хавфсизлик борасидаги мақбул чора-тадбирлар тизими жорий этилиши лозим.

5 ҚОН ОЛИШДАН СЎНГ ЎТКАЗИЛАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ

5.1 Донор топширган қон ёки плазманинг ҳар бир дозаси ҳамда уни қон олиш ва текшириш ташкилоти орқали олиш жараёнидан **DAVLAT NAZORATINI MUVOFICLASHTIRISH VA BOSHQARMASI** бўлиши лозим. Тайёр дори воситаларининг сериясигача бўлган, шунингдек, жараённи охиридан бошқариш назорат қилиб бериш имконини берувчи тизим ташкил этилиши зарур.

**DAVLAT NAZORATINI
MUVOFICLASHTIRISH VA
BOSHQARMASI**

5.2 Маҳсулотни назорат қилиб бориш учун жавобгарлик белгиланиши лозим (назоратдан бирон бир босқичнинг тушиб қолишига йўл қўйилмайди):

- донор ва қонни олиш ва текшириш ташкилотида олинган дозадан фракцияловчи корхонагача, бўлган жараёни назорат қон олиш ва тайёрлаш ташкилотининг масъул шахсининг вазифаси ҳисобланади;
- фракцияловчи ташкилотдан дори воситаси ишлаб чиқарувчиси ва ҳар қандай субпудратчигача, у дори воситаси ёки тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, ваколатли шахс вазифаси ҳисобланади.

5.3 Агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса, назорат қилиш учун лаборатория маълумотларини 30 йилдан кам бўлмаган муддатда сақлаш лозим.

5.4 Мазкур Илованинг 4.3 бандида кўрсатилган қон олиш ва текшириш ташкилоти (шу жумладан, назорат лабораториялари) ва фракцияловчи ташкилот ёки ишлаб чиқарувчи ўртасидаги шартномалар, қонни олишдан кейинги назорат қилиш, плазма олишдан бошлаб, тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга рухсатнома беришгача бўлган бутун занжирни қамраб олиб ишлаб чиқарувчиларга тайёр маҳсулотни чиқаришга рухсат бериш масъулиятини юклайди.

5.5 Қонни олувчи ва тайёрловчи ташкилотлар, фракцияловчи корхона ёки ишлаб чиқарувчини маҳсулот сифати ёки хавфсизлигига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолат ҳақида огоҳлантириши, шунингдек, донорни қабул қилиш ёки плазмани чиқаришга рухсатнома берилганидан сўнг олинган бошқа муҳим маълумотни, масалан, (қон олишдан кейин олинган маълумотни) тақдим этиши керак.

5.6 Агар қон олиш ва текшириш ташкилотини ижро ҳокимиятининг ваколатли органи томонидан текширилиши натижасида лицензияси бекор қилинса, мазкур Илованинг 12.20 бандига кўра билдириш хати жўнатилиши лозим.

5.7 Стандарт операцион процедураларда, қон олишдан сўнг олинган маълумотларни бошқариш тавсифланиши керак, бунда лицензион талаблар ва ижро ҳокимияти ваколатли органига ахборот бериш тартиби ҳисобга олиниши керак. Қон олишдан сўнг ўтказиладиган тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатлари билан белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

6 ХОНА ВА УСКУНАЛАР

6.1 Микроблар билан контаминацияланиш ёки плазма сериясига ёт материалларнинг қўшилиб кетиш хавфининг олдини олиш мақсадида музлаган плазмани эритиш ва плазмаларни қўшиш мазкур Қоидаларнинг №1 Иловасида белгиланган, тозалиги D синфидан паст бўлмаган тозалик даражасига мос талабларга жавоб берадиган зоналарда амалга оширилиши лозим. Тегишли кийимлар, жумладан, тиббий юз ниқоблари ва қўлқопларидан фойдаланиш лозим. Технологик жараён давомида очик маҳсулот билан амалга ошириладиган бошқа барча жараёнлар мазкур Қоидаларнинг №1 Иловасида белгиланган тегишли талабларга мувофиқ келувчи шароитларда ўтказилиши лозим.

6.2 Мазкур Қоидаларнинг №1 Иловасида белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб-чиқариш атроф-муҳитининг доимий мониторинги амалга оширилиши зарур, айниқса плазма сақлаган контейнерларни очиш вақтида, шунингдек, музлаган плазмани эритиш ва қўшиш жараёнлари давомида. Мақбуллик мезонлари белгиланиши лозим.

6.3 Донор плазмасидан олинадиган дори воситаларини ишлаб чиқаришда, вирусларни инактивация қилиш ёки йўқотишнинг тегишли усуллари қўлланиб, қайта ишланган маҳсулот ва қайта ишланмаган маҳсулотнинг аралашиб кетишининг олдини олиш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилиши керак. Вирусларни инактивация қилишдан кейин ўтказиладиган технологик жараён босқичлари учун махсус мўлжалланган хона ва ускуналардан фойдаланиш лозим.

6.4 Жорий ишлаб чиқаришдаги масъулиятни валидация синовлари вақтида ишлатиладиган вируслар билан аралашиб кетиш хавфини олдини олиш мақсадида вируслар миқдорини пасайтириш усулларининг валидацияси, ишлаб чиқариш техник воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилмаслиги керак. Кўрсатилган вазиятда валидацияни Ўзбекистон Республикасининг тегишли меъёрий ҳужжатлари билан белгиланган талабларига мувофиқ ўтказиш зарур.

7 ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Хом ашё

7.1 Хом ашё ЎЗР меъёрий ҳужжатлари талабларига жавоб бериши, шунингдек, тегишли рўйхатга олиш ҳужжатида, шу жумладан, плазманинг асосий ҳужжатидаги шартларга мос келиши керак. Кўрсатилган шартлар қон олиш ва уни текшириш ташкилоти ва фракцияловчи корхона ёки ишлаб чиқарувчи ўртасидаги шартномага (мазкур Илованинг 5.1 банди) киритилади. Кўрсатилган талабларга риоя қилинишини сифат тизими ёрдамида назорат қилиш лозим.

7.2 Қон йиғишни турига қараб (масалан, қонни йиғиш ёки автоматик аферез), турли қайта ишлаш босқичлари керак бўлиши мумкин. Барча ишлов бериш босқичлари (масалан, ажратиш, шу жумладан, центрифугалаш, намуналарни танлаб олиш, тамғалаш, музлатиш) йўриқномаларда белгиланиши лозим.

7.3 Намуналар ва бирликларни, айниқса, тамғалаш пайтида, адаштириб юборишдан, шунингдек, ҳар қандай контаминациядан сақланиш лозим, масалан, найчалар сегментларини кесиб ташлаш ёки контейнерларни тикинлаш жараёнларида.

7.4 Музлатиш плазмадаги ўзгарувчан протеинларни, масалан, ивитиш омилларини ажратишда муҳим босқичдир. Шу сабабли, музлатиш қон олишдан сўнг иложи борича тезроқ валидация қилинган усуллар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

7.5 Қон ёки плазмани сақлаш ва фракцияловчи корхонага ташиб бериш шароитлари белгиланиб, етказиб бериш занжирининг барча босқичларида расман ҳужжатлаштирилган бўлиши зарур. Фракцияловчи корхонани белгиланган ҳарорат меъёридан чиққан барча ҳолатлар тўғрисида огоҳлантириш керак. Квалификациядан ўтган ускуналар ва валидациядан ўтган жараёнларни қўллаш лозим.

U'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
 O'ZSTANDART AGENTLIGI
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
 O'ZSTANDARTLASHTIRISH VA
 DAVLAT NAZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

8 Хом ашё сифатида ишлатиладиган фракциялашга мўлжалланган плазмани баҳолаш ва уни ишлаб чиқаришга рухсатнома бериш

8.1 Фракциялашга мўлжалланган плазмани (карантиндан сўнг) ишлаб чиқариш учун рухсатнома беришни, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган сифатни таъминловчи тизим ва процедуралар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Фракциялаш учун плазма мувофиқ шартномаларда белгиланган талаб ва спецификацияларга мос келиши ваколатли шахс томонидан расман тасдиқланиб, барча босқичлар мазкур Қоидаларга мувофиқ ўтказилгани хужжат билан тасдиқланганидан сўнггина плазма фракцияловчи корхона ёки ишлаб чиқарувчига етказиб берилиши мумкин.

8.2 Фракцияловчи корхонага фракциялашга мўлжалланган плазма келиб тушганида, плазма солинган барча контейнерлардан фойдаланишга ваколатли шахс рухсат бериши лозим. Ваколатли шахс плазмани фармакопея мақолаларининг барча талабларига мос келишини тасдиқлаши лозим.

9 Фракцияланувчи плазмани қайта ишлаш

9.1 Фракциялаш жараёнининг босқичлари маҳсулот ва ишлаб чиқарувчига қараб фарқланади. Одатда, улар фракциялашнинг турли жараёнларини ўз ичига олади, улардан айримлари инактивация қилиши ёки эҳтимолий контаминациянинг олдини олиш имкониятини бериш мумкин.

9.2 Кўшиш, кўшилган плазмадан намуналарни танлаб олиш, фракциялаш ва вирусларни инактивация қилиш ёки йўқотиш жараёнларига бўлган талаблар ўрнатилиши ва уларга риоя қилиниши лозим.

9.3 Вирусларни инактивациялаш жараёнида ишлатиладиган усулларни валидация қилинган жараёнларга қатъий амал қилган ҳолда қўллаш керак. Бундай усуллар вирусларни инактивациялаш жараёнларини валидация қилишда қўлланган усулларга мувофиқ келиши лозим. Вирусни инактивациялаш амалга ошира олинмаган барча муваффақиятсиз жараёнлар синчковлик билан текширилиши зарур. Валидацияланган технологик жараёнга амал қилиш вируслар миқдорини камайтириш жараёнларида айниқса муҳимдир, модомики ҳар қандай чекинишлар тайёр маҳсулот хавфсизлиги учун хавфлар туғдириши мумкин. Кўрсатилган хавфларни ҳисобга олувчи жараёнлар бўлиши лозим.

9.4 Ҳар қандай қайта ёки бошқатдан ишлашнинг сифат учун хавфларини бошқариш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилганидан сўнггина ва фақат технологик жараённинг маълум бир босқичларидагина амалга ошириш мумкин, бу тегишли sanoat регламентида кўрсатилади.

9.5 Вирус юкламасини камайтириш жараёнини ўтган ва ўтмаган дори воситалари ёки оралиқ маҳсулотларни аниқ ажратиш ва (ёки) фарқлаш учун тизим ташкил этилган бўлиши лозим.

9.6 Синчковлик билан ўтказилган хавфларни бошқариш жараёни натижасига қараб (эпидемиологик маълумотлардаги эҳтимолий фарқларни ҳисобга олган ҳолда) ишлаб

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

чиқариш босқичлари тамойилига кўра ишлаб чиқаришга, агарда битта ишлаб чиқариш майдончасида плазма ёки келиб чиқиши турлича бўлган оралиқ маҳсулот қайта ишлайс, шу жумладан, аниқ фарқлаш бўйича керакли жараёнлар ва белгиланган валидацияланган тозалаш жараёнлари бўлса рухсат бериш мумкин. Бундай чоралар учун талаблар Ўзбекистон Республикасининг тегишли меъёрий ҳужжатларига асосланиши керак. Учинчи томонлар билан фракциялаш дастурлари шартнома асосида амалга оширилмоқчи бўлган ҳолда хавфларни бошқариш жараёни ёрдамида махсус ускуналардан фойдаланиш кераклиги масаласи ҳал қилиниши лозим.

9.7 Сақлаш учун мўлжалланган оралиқ маҳсулотнинг сақлаш муддатини, барқарорлиги бўйича маълумотлари асосида белгилаш зарур.

9.8 Таъминотнинг барча босқичларида оралиқ маҳсулот ва тайёр дори воситаларини сақлаш ва ташишга бўлган талаблар белгиланган ва расман ҳужжатлаштирилган бўлиши керак. Квалификациядан ўтган ускуна ва валидация қилинган жараёнлардан фойдаланиш лозим.

10 СИФАТ НАЗОРАТИ

10.1 Вирус ёки бошқа инфекцион агентларни аниқлаш синовларини ўтказишга бўлган талаблар, инфекцион агентлар тўғрисидаги янги билимлар ва валидация қилинган текшириш усулларининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

10.2 Плазманинг биринчи бир турдаги пулини (масалан, криопресипитат плазмадан ажратилганидан сўнг) тегишли фармакопея мақолаларига биноан мақбул сезувчанлик ва ўзига хосликка эга бўлган, валидацияланган усулларни қўллаган ҳолда назорат қилиш лозим.

11 ОРАЛИҚ ВА ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИ ЧИҚАРИШГА РУХСАТ БЕРИШ

11.1 Назорат қилиш натижасида қон орқали юқадиган вирусли инфекциялар маркерлари йўқлиги аниқланган, шунингдек, фармакопея мақолалари (жумладан, вируслар миқдорини чекловчи махсус чегаралар) ва тасдиқланган спецификациялар (хусусан, плазманинг асосий ҳужжати) талабларига мос келувчи плазма тўпламларидан ишлаб чиқарилган сериялар учунгина рухеат бериш керак.

11.2 Ишлаб чиқариш майдончаси ичида қайта ишлаш ёки бошқа ишлаб чиқариш майдончасига етказиб беришга мўлжалланган оралиқ маҳсулотни чиқаришга рухеат бериш, шунингдек, тайёр дори воситаларини чиқаришга рухсат бериш, ваколатли шахс томонидан белгиланган талабларга амал қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

11.3 Ваколатли шахс оралиқ ёки тайёр маҳсулотни чиқариш учун рухсат беришни амалга ошириши лозим.

12 ПЛАЗМА ПУЛЛАРИ НАМУНАЛАРИНИ САҚЛАШ

Битта плазма тўплами бир нечта серия ва (ёки) бир неча хил дори воситаларини ишлаб чиқариш учун ишлатилиши мумкин. Ҳар бир плазма тўпламининг назорат намуналари, шунингдек, тегишли ёзувлар мазкур плазма тўпламидан тайёрланган барча

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ
 МУВОФИҚLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

дори воситалари ичида энг кўп сақлаш муддатига эга бўлган дори воситасининг сақлаш муддати тугаганидан сўнг, камида бир йил сақланиши лозим.

13 ЧИҚИНДИЛАРНИ ЙЎҚОТИШ

Чиқинди, бир марталик ва яроқсиз деб топилган материалларни (масалан, контаминацияланган маҳсулот, юқумли касалликлар топилган донорлардан олинган маҳсулот ҳамда сақлаш муддати тугаган қон, плазма, оралиқ маҳсулот ёки тайёр дори воситаси) хавфсиз сақлаш ва йўқотиш жараёнларини тасдиқлаш ва расман хужжатлаштириш зарур.

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

13-ИЛОВА**(мажбурий)****КВАЛИФИКАЦИЯ ВА ВАЛИДАЦИЯ****1 Тамойил**

Мазкур иловада дори воситаларини ишлаб чиқаришга нисбатан қўлланадиган квалификация ва валидация тамойиллари тавсифланган. GMP талабларига кўра, ишлаб чиқарувчилар ўтказилаётган ёки аниқ қайсидир жараёнларнинг критик жабҳаларини тасдиқлаш учун валидация бўйича қайси ишни амалга ошириш кераклигини аниқлаши лозим. Техник воситалар, қурилма ва жараёнларга киритиладиган катта ўзгаришлар валидациядан ўтган бўлиши керак. Валидация ўтказиш соҳаси ва кўламини аниқлаш учун хавф-хатарларни баҳолашга асосланган ёндашувни қўллаш лозим.

2 Валидацияни режалаштириш

2.1 Валидация бўйича бутун фаолиятни режалаштириш лозим. Валидация дастурининг асосий элементларини аниқлаш ва асосан, валидация соҳасидаги хужжатлар (validation master plan – VMP) ёки тегишли хужжатлар билан расмийлаштириш лозим.

2.2 Валидациянинг асосий режаси умумлашма хужжат бўлиб, қисқа, аниқ ва лўнда бўлиши лозим.

2.3 Асосий валидация режаси камида қуйидаги ахборотларни ўз ичига олиши лозим:

- а) валидация сиёсати;
- б) валидация бўйича фаолиятнинг ташкилий структураси;
- в) валидацияланиши лозим бўлган техник воситалар, тизимлар, жихозлар ва жараёнларнинг қисқача таърифи;
- г) хужжат шакли; баённома ва ҳисоботлар ёзишда фойдаланиладиган шакл;
- д) жадвал тузиш ва режалаштириш;
- е) ўзгаришлар назорати;
- ж) мавжуд хужжатларга ҳавола.

2.4 Йирик лойиҳаларда алоҳида асосий валидация режаларини тузиш зарурати тугилиши мумкин.

3 Хужжатлар

3.1 Квалификация ва валидация қандай ўтказилиши кўрсатилган ёзма баённома ишлаб чиқилиши керак. Бундай баённома текширилиб, тасдиқланиши лозим. Баённомада критик босқичлар ва мақбуллик мезонлари кўрсатилиши лозим.

3.2 Олинган натижаларни умумлаштирувчи ва ҳар қандай чекинишлар ва хулосалар, шу жумладан, камчиликларни тузатиш учун тавсия этиладиган ўзгаришларга оид изоҳлар келтирилган, квалификация ва ёки валидация баённомасига ҳавола келтирилган ҳисобот тайёрланиши керак. Баённомада келтирилган режага киритилган ҳар қандай ўзгаришларни тегишли асосга биноан хужжатлаштириш лозим.

3.3 Ижобий натижали квалификация ниҳоясига етгач, квалификация ва валидациянинг кейинги босқичига ўтиш учун расмий ёзма рухсатнома хужжатлаштирилиши лозим.

**D‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

4 Квалификация

Лойиха квалификацияси

4.1 Янги техник воситалар, тизимлар ёки қурилмалар валидациясининг биринчи элементи лойиха квалификацияси бўлиши мумкин (Design Qualification - DQ).

4.2 Лойиханинг GMP талабларига мослигини исботлаш ва хужжатлаштириш керак.

Монтаж квалификацияси

4.3 Монтаж квалификациясини (Installation Qualification - IQ) янги ёки модификацияланган техник воситалар, тизим ва қурилмалар учун ўтказиш лозим.

4.4 Монтаж квалификацияси қуйидаги элементларни ўз ичига олиши керак (аммо улар билан чекланмаслик керак):

а) қурилма, қувурлар, ёрдамчи тизим ва асбоб-ускуналарнинг амалдаги техник чизмалар ва спецификацияларга мос келишини текшириш;

б) таъминотчининг ишга тушириш ва қўллаш йўриқномалари, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш талабларини танлаш ва солиштириш;

в) калибровкага бўлган талаблар;

г) конструкцияларда ишлатилган материалларни текшириш.

Ишлаш квалификацияси

4.5 Ишлаш квалификацияси (Operational Qualification - OQ) монтаж квалификациясидан сўнг келтирилиши лозим.

4.6 Ишлаш квалификацияси қуйидаги элементларни ўз ичига олиши керак (аммо улар билан чекланмаслик керак):

а) жараёнлар, тизимлар ва қурилмалар ҳақидаги билимлар асосида ишлаб чиқилган синовлар;

б) ишчи параметрларнинг юқори ва пастки чегараларини қамраб олган шарт ёки қатор шартларни ўз ичига олган синовлар, уларни баъзан “энг ёмон ҳолат” шартларига киритишади.

4.7 Ишлаш квалификациясини муваффақиятли тугатиш калибровка, иш бажариш ва тозалаш, операторларни ўқитиш методикалари, шунингдек профилактик техник хизмат кўрсатиш талабларини шакллантиришга олиб келиши керак. Бу техник воситалар, тизим ва қурилмаларни расман чиқариш имкониятини беради.

Ишлаш сифатлари квалификацияси

4.8 Ишлаш сифатлари квалификацияси (Performance Qualification - PQ) монтаж квалификацияси ва ишлаш квалификациясидан сўнг амалга оширилиши керак.

4.9 Ишлаш сифатларини квалификация қилиш қуйидаги элементларни ўз ичига олиши керак (аммо улар билан чекланмаслик керак):

а) жараён, шунингдек, техник воситалар, тизим ва қурилмалар ҳақидаги билимлар асосида ишлаб чиқилган ишлаб чиқаришда қўлланиладиган материаллар, муқобил хоссаларга эга моддалар ёки моделловчи препаратлар ёрдамидаги синовлар;

б) ишчи параметрларнинг юқори ва қуйи чегараларини қамраб олувчи шарт ёки бир қатор шартларни ўз ичига олган синовлар.

4.10 Ишлаш сифатлари квалификацияси (PQ) алоҳида фаолият тури сифатида тавсифланган бўлсада, айрим ҳолларда уни ишлаш квалификацияси (IQ) билан бирга ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўрнатилган (қўлланадиган) техник воситалар, тизим ва қурилмалар квалификацияси

4.11 Қўлланилаётган қурилма критик ўзгарувчиларининг ишчи параметрлари ва чегараларини асослайдиган ва тасдиқлайдиган маълумотларга эга бўлиши лозим. Ундан ташқари, калибровка, тозалаш, профилактик техник хизмат кўрсатиш ва қурилмани ишлатиш, операторларни ўқитиш бўйича жараёнларни хужжатлаштириш, шунингдек, ушбу фаолият турлари бўйича баённомаларни юритиш лозим.

5 Жараён валидацияси

Умумий ҳолатлар

5.1 Мазкур иловада қисқача баён қилинган талаб ва тамойиллар дори шакллари ишлаб чиқаришга нисбатан қўлланилиши мумкин. Улар янги жараёнларнинг дастлабки валидацияси, ўзгарган жараёнларнинг келгуси валидацияси ва ревалидацияга ҳам тааллуқли.

5.2 Жараён валидацияси, одатда, дистрибуция ва дори воситаси сотилгунига (истикболли валидация) қадар тугатилиши лозим. Бундай валидациянинг имкони бўлмаган истисно ҳолларда, жараёнларни серияли ишлаб чиқариш (ёндош валидация) вақтида валидациялаш керак бўлиши мумкин.

5.3 Қўлланиладиган техник воситалар, тизим ва қурилмалар квалификацияланган, аналитик синов усуллари эса валидацияланган бўлиши лозим. Валидация ишида иштирок этувчи ходим тегишли равишда ўқитилган бўлиши керак.

5.4 Техник воситалар, тизим, қурилма ва жараёнлар тасдиқланган шаклда ишлашда давом этаётганлигини тасдиқлаш учун уларни вақти-вақти билан баҳолаш лозим.

Истикболли валидация

5.5 Истикболли валидация қуйидаги элементларни ўз ичига олиши керак (аммо улар билан чекланмаслик керак):

- а) жараённинг қисқача тавсифи;
- б) синовдан ўтиши керак бўлган жараённинг критик босқичлари хақида қисқача маълумот;
- в) қўлланиладиган қурилма/техник воситалар (шу жумладан, ўлчаш / назорат қилиш / рўйхатга олиш қурилмалари) рўйхати, шунингдек, калибровкаси мақоми;
- г) чиқаришдаги тайёр маҳсулотга бўлган спецификациялар;
- д) аналитик усуллар рўйхати керак бўлса;
- е) ишлаб чиқариш жараёнидаги таклиф этилаётган назорат нуқталари ва мақбуллик мезонлари;
- ж) мақбуллик мезонлари ва аналитик валидация билан бирга ўтказилиши лозим бўлган қўшимча синовлар керак бўлганда;
- з) намуналарни танлаб олиш режаси;
- и) рўйхатга олиш усуллари ва натижаларни баҳолаш;
- к) функция ва вазифалар;
- л) таклиф этиладиган вақт оралиқлари жадвали.

5.6 Белгиланган жараён ёрдамида (спецификацияларга мос келадиган компонентларни қўллаган ҳолда) одатий шароитларда бир қатор тайёр маҳсулот сериялари ишлаб чиқаришни амалга ошириш мумкин. Назарий жиҳатдан, бажарилган ишлаб чиқариш цикллари ва амалга оширилган кузатишлар вариация ва тенденциянинг одатий даражасини белгилаш, шунингдек баҳолаш учун кераклик миқдордаги маълумотлар

D:ZSTANDART AGENTLIGI

STANQAZERBASHTIRISHDA

DAVL: T N: ZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

билан таъминлаш имконини бериш учун етарли бўлиши керак. Одатда, мақбул жараён валидацияси учун якуний мувофиқлашган мезонлар чегарасидаги учта кетма-кет сериялар/цикллар етарли бўлади.

5.7 Жараён валидацияси учун ишлаб чиқарилган сериялар саноат ишлаб чиаришга режалаштирилган сериялар ўлчамида бўлиши керак.

5.8 Агар валидация жараёнида ишлаб чиқарилган серияларни сотиш ёки етказиб бериш назарда тутилса, улар рўйхатдан ўтказиш хужжатлари ва GMP талабларига жавоб бериши ва шу жумладан, валидациянинг қониқарли натижасига мос келиши лозим.

Ёндош валидация

5.9 Истисно ҳолларда валидация дастурини серияли ишлаб чиқариш бошлангунига қадар тугатмасликка йўл қўйилади.

5.10 Ёндош валидацияни ўтказиш тўғрисидаги қарор ваколатли шахс томонидан асосланиши, хужжатлаштирилиши ва тасдиқланиши керак.

5.11 Ёндош валидация учун хужжатларга бўлган талаблар истиқболли валидацияга белгиланган талаблар билан бир хил.

Ретроспектив валидация

5.12 Ретроспектив валидация фақат яхши ишлаб чиқилган жараёнларга нисбатан қўлланиши мумкин, агар препарат, ишчи йўриқномалар ёки қурилма таркибига яқинда ўзгаришлар киритилган бўлса, ундан фойдаланиш мумкин эмас.

5.13 Бундай жараёнлар валидацияси ретроспектив маълумотларга асосланиши керак. Махсус баённома ва маълумотларни кўздан кечириш натижалари ҳақидаги ҳисоботни тузиш ва унинг сўнгида хулоса ва тавсиялар чиқариш зарурий босқич саналади.

5.14 Бундай валидация учун маълумотлар базаси куйидагиларни ўз ичига олиши керак (аммо улар билан чекланмаслик керак): қайта ишлаш ва серияни қадоклаш баённомалари, жараён назорати диаграммаси, техник хизмат кўрсатиш журналлари, ходимларни алмаштириш баённомалари, тайёр маҳсулот, шу жумладан, тенденциялар, шунингдек, саклашдаги барқарорликни ўрганиш натижаларини акс эттирадиган жадваллар тўғрисидаги маълумотлар.

5.15 Ретроспектив валидация учун танланган сериялар текширилаётган давр мобайнида ишлаб чиқарилган барча сериялар, шу жумладан, спецификацияларга мос келмайдиган сериялар учун репрезентатив бўлиши лозим; уларнинг миқдори жараён доимийлигини исботлаш учун етарли бўлиши керак. Жараённи ретроспектив тасдиқлаш учун, зарур бўлган миқдор ёки зарур маълумотлар турини олиш учун архив намуналарини қўшимча равишда синовдан ўтказиш керак бўлади.

5.16 Ретроспектив валидацияда, шунингдек жараён доимийлигини баҳолаш учун, одатда, 10-30 кетма-кет сериялар учун маълумотларни ўрганиш лозим, аммо тегишли асос бўлганда, синовдан ўтказилаётган сериялар миқдори қисқариши мумкин.

Тозалаш валидацияси

5.17 Тозалаш валидациясини тозалаш жараёни самарадорлигини тасдиқлаш учун ўтказиш лозим. Препарат қолдиқлари, тозалаш воситалари, шунингдек, микроблар контаминацияси учун танланган чегаралар асосланган ва қўлланадиган материаллар хоссаларига асосланиши керак. Чегаралар эриштириш мумкин ва уларни текшира оладиган даражада бўлиши лозим.

5.18 Қолдиқ ёки ифлословчи моддаларни аниқлаш учун валидацияланган аналитик усулларни қўллаш лозим. Ҳар бир аналитик усул учун аниқлаш чегараси, қолдиқ ёки ифлословчи модданинг белгиланган даражасини аниқлаш учун етарли бўлиши керак.

5.19 Одатда, фақат маҳсулот билан алоқага киришадиган қурилма юзаларини тозалаш жараёнлари валидациясини ўтказиш лозим. Аммо маҳсулот билан алоқага киришмайдиган ҳудудларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Фойдаланиш ва тозалаш, шунингдек, тозалаш ва қурилмадан қайта фойдаланиш орасидаги вақт оралиқлари валидацияланиши лозим. Тозалаш вақти ва усулларини аниқлаш лозим.

5.20 Жуда ўхшаш препарат ва жараёнлар билан боғлиқ тозалаш жараёнлари учун ўхшаш препарат ва жараёнлар репрезентатив қаторини танлашга йўл қўйилади. Бундай ҳолларда, барча критик масалалар ҳисобга олинган “энг ёмон ҳолат” ёндашувидан фойдаланган ҳолда битта валидацион тадқиқот ўтказиш мумкин.

5.21 Тозалаш усули валидацияланганини исботлаш учун, одатда, тозалаш жараёнини кетма-кет уч марта ўтказиш ва барча тозалашлар муваффақиятли ўтганлигини кўрсатиш керак.

5.22 “Тоза бўлгунга қадар синовдан ўтказиш” амалиёти тозалаш валидациясига альтернатив бўла олмайди.

5.23 Тозаланаётган моддалар токсик ёки зарарли бўлса, истисно сифатида улар ўрнига бундай моддаларнинг физик-кимёвий хоссаларини моделловчи маҳсулотлардан фойдаланиш мумкин.

6 Ўзгаришларни назорат қилиш

6.1 Маҳсулот сифати ёки жараённи ўтказилишига тиклашга таъсир қилиши мумкин бўлган, хом ашё, препарат компонентлари, технологик қурилмалар, атроф-муҳит (ёки ҳудуд), ишлаб чиқариш усули ёки синов усули ёки бошқаларда қандайдир ўзгариш кўзда тутилганда, қандай амаллар бажарилиши кераклиги баён қилинган ёзма йўриқномалар бўлиши лозим. Ўзгариш назорат қилишдаги тадбирлар ўзгарган жараённинг тасдиқланган спецификацияларга мос келишини ва тегишли сифатдаги маҳсулотни олишга имкон беришини тасдиқлаш учун етарли миқдордаги маълумотларни олишни таъминлаши керак.

6.2 Маҳсулот сифати ёки жараён олиб борилишига таъсир қилиши мумкин бўлган барча ўзгаришлар расман талаб қилиниши, хужжатлаштирилиши ва тасдиқланиши керак. Техник воситалар, тизимлар ва қурилмаларнинг ўзгариши маҳсулот ўзгаришига таъсир қилиши мумкинлигини баҳолаш лозим, шунингдек, хавф-хатарлар таҳлилини ўтказиш керак. Реквалификация ва ревалидация зарурати ва ҳажмини аниқлаш лозим.

7 Ревалидация

Техник воситалар, тизимлар ва жараёнлар, шунингдек, тозалашни улар тасдиқланган ҳолатда қолганлигини тасдиқлаш учун вақти-вақти билан баҳолаб туриш керак. Агар валидацияланган мақомга эга техник воситалар, тизимлар, қурилмалар ва жараёнларга жиддий ўзгаришлар киритилмаган бўлса, ревалидация учун уларнинг белгиланган талабларга мос келишини исботлайдиган текширувни ўтказиш лозим.

14-ИЛОВА

ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН СЕРИЯНИ ЧИҚАРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

1 ҚЎЛЛАШ СОҲАСИ

1.1 Мазкур Илова дори воситалари (шу жумладан, рўйхатдан ўтказилган ва экспорт учун ишлаб чиқарилган дори воситалари) серияларини фуқаролар муомаласига киритишда Ваколатли шахс (бундан буён ВШ) томонидан бажариладиган мувофиқликни тасдиқлаш тартибини белгилайди.

1.2 Мазкур Илова маҳсулот сериясини ишлаб чиқариш ёки таҳлилларни ўтказиш турли жойларда ёки турли ишлаб чиқарувчилар томонидан бажариладиган бир қанча босқичларга бўлинган ҳолатлар, шунингдек, оралик ёки қадоқланмаган маҳсулот серияси тайёр маҳсулотнинг икки ёки ундан ортиқ сериясига ажратилган ҳолатлар учун ҳам тааллуқли. Мазкур Илова клиник синовлар учун мўлжалланган дори воситаларига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

1.3 ЎЗР меъёрий ҳужжатлари билан фуқаролик муомаласига айрим кон препаратлари ва иммунобиологик дори воситаларини киритишга махсус талаблар белгиланган бўлса, бундай талабларга риоя қилиниши лозим.

1.4 Маҳсулот сериясини ишлаб чиқаришга бўлган асосий талаблар тегишли рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари, саноат регламенти ва спецификацияларда келтирилади. Мазкур илова қоидалари бундай асосий талабларга зид бўлмаган ҳолатда амал қилади.

2 ТАМОЙИЛ

2.1 Тайёр маҳсулотнинг ҳар бир серияси маҳсулот ички бозор ёки экспортга чиқарилгунига қадар ВШ томонидан унинг белгиланган талабларга мос келиши тасдиқланиши лозим.

2.2 Серияни чиқариш жараёнини тартибга солишдан мақсад:

серия дори воситаларини ишлаб чиқариш лицензияси, рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари, мазкур қоидалар талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилгани ва текширилганини кафолатлаш.

Зарур ҳолларда, серияни ишлаб чиқаришга рухсат берган ВШ томонидан яроқсиз маҳсулотни ёки серияни қайтариб олишни текшириш ва тегишли ёзувларнинг осонлик билан идентификатлаштиришни кафолатлаш.

3 КИРИШ

3.1 Дори воситалари сериясини ишлаб чиқариш, шу жумладан, сифат назорати, турли ишлаб чиқариш майдонларида турли ишлаб чиқарувчилар томонидан бажарилиши мумкин бўлган босқичларга бўлинади. Ҳар бир босқич саноат регламенти, мазкур стандарт талабларига мувофиқ амалга оширилиши шарт. Тайёр маҳсулот сериясини чиқаришдан олдин, унинг белгиланган талабларга мослигини тасдиқлайдиган ВШ, кўрсатилган талабларга риоя қилиши керак.

3.2 Амалиётда бир ВШ ҳар бир ишлаб чиқариш босқичи хусусиятларини билмаслиги мумкин. Тайёр маҳсулот серияси мослигини тасдиқловчи ВШ айрим масалалар бўйича бошқа ВШ хулосаларига таяниши мумкин. Бундай ҳолларда ВШ шахсий тажрибасидан

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZOMATINING
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

келиб чиққан ҳолда ёки белгиланган сифат тизими ичидаги бошқа ВШлардан олинган тасдиқнома асосида ушбу хулосаларнинг ишончилигига олдиндан ишонч ҳосил қилган бўлиши керак.

3.3 Ишлаб чиқариш айрим босқичларининг бошқа мамлакатда амалга оширилишида ишлаб чиқаришнинг мувофиқлиги ва сифат назоратини ўтказишга бўлган талаблар мазкур давлатдаги ишлаб чиқариш иштирокчисидан ҳам талаб этилади. Бундай ҳолда дори воситаларини ишлаб чиқариш рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Ишлаб чиқарувчи ўз мамлакати қонунларига мувофиқ фаолият олиб бориши учун лицензияга эга бўлиши ва мазкур стандарт ёки дори воситаларини яхши ишлаб чиқариш қоидалари талабларига, шунингдек мазкур стандарт талабларидан кам бўлмаган талабларни бажариши керак.

4 УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

4.1 Бир сериядаги тайёр маҳсулотни чиқаришдан олдин уни ишлаб чиқариш, олиб кириш, назорат қилиш ва сақлашнинг турли босқичлари (этаплари) турли ишлаб чиқариш майдонларида амалга оширилиши мумкин. Ушбу ишлаб чиқариш майдонларининг ҳаммаси лицензияланиши лозим ва серияни чиқаришдан олдин унинг белгиланган талабларга мослигини тасдиқлайдиган камида битта ВШ назорати остида ўз фаолиятини амалга ошириши лозим. Аммо аниқ бир маҳсулот сериясини яхши ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш майдонлари миқдоридан қатъий назар серияни чиқаришдан олдин, унинг белгиланган талабларга мослигини тасдиқлайдиган ВШнинг умумий назорати остида бўлиши лозим.

4.2 Маҳсулотнинг турли сериялари ЎзР билан ишлаб чиқариш ва сотиш шартларини ўзаро тан олиш ҳақидаги келишуви бўлган турли мамлакатларда ишлаб чиқарилиши ёки импорт қилиниши мумкин. Бунда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилган шахс, шунингдек, маҳсулот серияларини чиқариш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир ишлаб чиқариш майдончаси маҳсулотнинг аниқ серияси чиқарилган майдончанинг аниқ манзили ва унинг белгиланган талабларга мослигини тасдиқлаш учун масъул ВШ ҳақидаги маълумотга эга бўлиши лозим.

4.3 Тайёр маҳсулот сериясининг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ВШ, маҳсулотни чиқаришга рухсат беришдан олдин, ўз қарорини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган барча иншоотлар ва жараёнлар, ишлаб чиқарувчи персонал тажрибаси ва ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиладиган сифат тизими бўйича билимларига асосан чиқариши мумкин. Ушбу ВШ бир ёки бир неча ВШнинг ишлаб чиқариш оралиқ босқичларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги қарорига ҳам таяниши мумкин.

4.4 Бошқа ВШ томонидан берилган ушбу қарор ҳужжат билан расмийлаштирилган бўлиши ва мувофиқликни тасдиқлашни аниқ мақсадини белгилаши керак. Тасдиқлаш тартиби ҳужжат асосида расмийлаштирилиши лозим.

4.5 Ушбу Илованинг 4.4 бандида кўрсатилган тасдиқлаш тартиби ВШнинг бошқа ВШ қарорига таянган барча ҳолатларда риоя қилиниши керак. Бундай ҳужжат ушбу Қоидаларнинг 4.7 бўлимида келтирилган талабларга мувофиқ бўлиши лозим. Тайёр маҳсулот сериясининг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ВШ, ушбу ҳужжатда белгилаб берилган фаолият бажарилишини қафолатлаши лозим. Тасдиқлаш тартиби баён этилган ҳужжат шакли томонларнинг ўзаро муносабатларига мос бўлиши

лозим. Масалан, ушбу хужжат ишлаб чиқарувчининг стандарт операцион жараёнлари ёки турли ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги шартнома бўлиши мумкин, гарчи улар бир хил компаниялар гуруҳига кирса ҳам.

4.6 Ишлаб чиқарувчилар ўртасида тузилган шартнома қадоқланмаган ёки оралик маҳсулот провайдери томонидан спецификация чегарасидан чиқувчи оғишлар, натижалар, ушбу стандарт талабларига номувофиқликлар, тайёр маҳсулот сериясининг барча белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун жавобгар ВШ инobatга олиши лозим бўлган текширишлар, талаблар ва бошқа маълумотлар билан барча олувчилар хабардор қилинишлари лозимлиги ҳақидаги мажбуриятни ўз ичига олади.

4.7 Мувофиқликни тасдиқловчи хужжат расмийлаштирилиши ва маҳсулот серияси чиқарилиши жараёнида компьютер тизимидан фойдаланилган ҳолатларда ушбу стандартнинг 9 иловасида кўзда тутилган талабларнинг бажарилишига алоҳида аҳамият берилиши лозим.

4.8 Тайёр маҳсулот сериясининг мувофиқлигини тасдиқловчи ВШ томонидан берилган хужжат мавжудлигида, Ўзбекистон Республикаси билан ўхшаш тартиблар натижаларининг тан олиниши борасидаги келишувга эга давлатларда бундай тартибнинг қайта ўтказилиши талаб этилмайди.

4.9 Серия мувофиқлигини тасдиқлаш ва чиқариш бўйича аниқ тартиблардан қатъий назар, истеъмолчи учун хавф туғдириши мумкин бўлган барча маҳсулотларни тезликда аниқлаш ва қайтариш тартиби мавжуд бўлиши лозим.

5 СИНОВ ЎТКАЗИШ ВА МАҲСУЛОТ СЕРИЯСИНИ ЧИҚАРИШ

5.1 Ишлаб чиқариш бир ишлаб чиқариш майдонида лицензияланган ҳолатларда:

Агар ишлаб чиқариш ва назорат қилиш босқичлари лицензияланган бир ишлаб чиқариш майдонида амалга оширилса, айрим текширув ва назорат жараёнларини бажариш бошқа шахсларга юклатилиши мумкин. Мазкур ишлаб чиқариш майдонида тайёрланган маҳсулот сериясининг мослигини тасдиқлайдиган ВШ белгиланган сифат назорати тизими доирасида текширув натижаларининг ишончлилиги учун шахсан жавобгардир. Аммо ВШ маълум босқич учун масъул бўлган бошқа ВШ томонидан берилган оралик босқичларнинг белгиланган талабларга мос келиши тўғрисидаги хулосаларни ҳам эътиборга олиши мумкин.

5.2 Агар ишлаб чиқаришнинг турли босқичлари бир ишлаб чиқарувчининг ҳар хил ишлаб чиқариш майдонларида амалга оширилса:

Агар маҳсулот сериясини ишлаб чиқаришнинг турли босқичлари бир ташкилотга қарашли турли ишлаб чиқариш майдонларида амалга оширилса (дори воситаларни ишлаб чиқаришга берилган бир лицензия улар учун амал қилиши ёки амал қилмаслигидан қатъий назар), ВШ ҳар бир ишлаб чиқариш босқичи учун жавоб беради. Тайёр маҳсулот сериясининг белгиланган талабларга мос келишининг тасдиқланиши ишлаб чиқарувчи ВШ томонидан амалга оширилиб, у барча ишлаб чиқариш босқичлари учун шахсан жавобгар бўлади ёки ушбу босқичлар учун масъул ВШ томонидан расмийлаштирилган олдинги босқичлар хусусидаги хулосаларни эътиборга олади.

5.3 Айрим оралик ишлаб чиқариш босқичлари шартнома асосида босқич ташкилот томонидан амалга оширилган ҳолатда:

Ишлаб чиқариш ва сифат назоратининг бир ёки ундан ортиқ оралик босқичлари

мазкур стандартнинг 7 бўлимида кўзда тутилган талабларга мувофиқ шартнома асосида бошқа ташкилот томонидан амалга оширилиши мумкин. Буюртмачи ВШ бажарувчи ВШнинг тегишли боскич ҳақидаги хулосасини эътиборга олиши мумкин, аммо у мазкур фаолиятнинг шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилишининг таъминланиши учун жавобгар эмас. Тайёр маҳсулот сериясининг белгиланган талабларга мослигини тасдиқлаш, маҳсулот сериясини ишлаб чиқаришга масъул ВШ томонидан бажарилиши лозим.

5.4 Агар қадоқланмаган маҳсулот сериясидан турли ишлаб чиқариш майдонларида бир рўйхатга олиш гувоҳномаси асосида бозорга чиқариладиган тайёр маҳсулотнинг бир неча сериялари ишлаб чиқарилса:

а) Дори воситаларини ишлаб чиқариш лицензиясига эга, қадоқланмаган маҳсулот сериясини ишлаб чиқарувчи ВШ тайёр маҳсулот барча серияларини чиқаришдан олдин, уларнинг мувофиқлигини тасдиқлаши мумкин. Бундай ҳолда ВШ барча ишлаб чиқариш боскичлари учун шахсий жавобгарликни ўз бўйнига олади, ёки ушбу боскичларни амалга оширувчи майдонлар ВШлари томонидан берилган қадоқлаш ва (ёки) ўраш боскичлари тўғрисидаги хулосаларини эътиборга олади;

б) Шунингдек, қадоқлаш ва (ёки) ўраш якуний жараёнини амалга оширган ишлаб чиқарувчи ВШ томонидан тайёр маҳсулотнинг ҳар бир сериясини чиқаришдан олдин, унинг мувофиқлигини тасдиқлаб берилишига йўл қўйилади. Бундай ҳолда ВШ барча ишлаб чиқариш боскичлари учун жавобгарликни ўз бўйнига олади, ёки қадоқланмаган маҳсулот серияси чиқарилган майдондаги ВШ томонидан берилган серия сифати ҳақидаги хулосани эътиборга олиши лозим;

в) Бир рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси асосида турли жойларда турли ишлаб чиқариш майдонларида тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ташкил этилган ҳолларда бир масъул шахс (одатда, қадоқланмаган маҳсулот серияси ишлаб чиқарувчиси ВШ) белгиланиши лозим бўлиб, у қадоқланмаган маҳсулотнинг бир сериясидан олинган тайёр маҳсулотнинг барча серияларини чиқариш учун жавобгардир. Мазкур шахс тайёр маҳсулотнинг ҳар бир серияси сифати билан боғлиқ барча муаммолар хусусида хабардор бўлиши ва қадоқланмаган маҳсулот серияси борасидаги муаммо муносабати билан бажариладиган барча зарурий чора-тадбирларнинг амалга оширилишини тартибга солиши лозим.

Қадоқланмаган ва тайёр маҳсулот серия рақамлари мое тушиши шарт эмаслигига қарамай, боғлиқликни аудит вақтида таъминлаш мақсадида ушбу серия рақамлари орасидаги алоқани расман хужжатлаштириш лозим.

5.5 Қадоқланмаган маҳсулотнинг бир сериясидан турли жойларда турли ишлаб чиқариш майдонларида турли рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари асосида чиқарилувчи тайёр маҳсулотнинг бир неча сериялари қадоқланган ва (ёки) жиҳозланган ҳолат (трансмиллий компания бир нечта давлатларда миллий рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаларига эга бўлган, ёки ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган дори воситалари ишлаб чиқарувчиси қадоқланмаган дори препаратни олиб, қадоқлаб ва (ёки) ўраб жойлаб, ўз рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси асосида тайёр дори воситасини ишлаб чиқарадиган ҳолатлар бунга мисол бўлиши мумкин):

а) Тайёр маҳсулот сериясининг белгиланган талабларга мослигини тасдиқловчи ишлаб чиқарувчи ВШ барча ишлаб чиқариш боскичлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши ёки қадоқланмаган маҳсулот ишлаб чиқарувчиси вақолатли шахсидан

UZBEKISTAN GOVERNMENT
STATE REGISTRATION VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

олинган хулосага таяниши мумкин;

б) Тайёр маҳсулот ҳар қандай серияси сифати билан боғлиқ ва қадокланмаган маҳсулотнинг дастлабки серияси билан боғлиқ ҳар қандай муаммо борасида қадокланмаган маҳсулотнинг мазкур серияси сифатини тасдиқлаш учун масъул ВШ хабардор қилиниши лозим. Шундан сўнг ушбу ВШ қадокланмаган маҳсулотнинг мазкур сериясидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг барча сериялари бўйича тегишли чора-тадбирларни қўллаши лозим. Бундай ҳоллардаги ҳатти-харакатлар тартиби шартномада белгиланиши лозим.

5.6 Дори воситаларини ишлаб чиқариш лицензиясига эга ишлаб чиқарувчи тайёр маҳсулот сериясини сотиб олиб, ўз рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига мувофиқ, реализация қиладиган (масалан, ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган дори воситасини етказиб берувчи ишлаб чиқарувчи шахс бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқариладиган дори воситасининг рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси эгаси бўлган ҳолат) ва биринчи ишлаб чиқарувчи мувофиқлиги ишлаб чиқарувчиси томонидан тасдиқланмаган тайёр маҳсулотни харид қилиб, уни ўз лицензияси ва ўз рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига мувофиқ чиқарадиган ҳолатда:

Маҳсулотни харид қилувчи ва унинг мослигини тасдиқловчи расмий ҳужжатларга эга бўлмаган ишлаб чиқарувчининг ВШ мазкур маҳсулот сериясини чиқаришдан олдин, унинг белгиланган талабларга мос келишини ўзи тасдиқлаши керак. Бунда харид қилаётган ишлаб чиқарувчининг ВШ ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олади ёки етказиб берувчи ВШнинг маҳсулот серияси сифати борасидаги хулосага асосланади.

5.7 Дори воситалари сифати назорати лабораторияси ва ишлаб чиқарувчи турли ташкилотлар бўлган ҳолатда:

Тайёр маҳсулот сериясининг белгиланган талабларга мослигини тасдиқловчи ВШ шунга ўхшаш лаборатория томонидан ўтказилган лаборатория синовлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши ёки синовлар учун бошқа ВШ томонидан берилган тасдиқномани ҳисобга олиши мумкин. Бундай тасдиқнома бўлмаса, ВШ мазкур лаборатория иши ва мазкур тайёр маҳсулот сифатининг мувофиқлигини тасдиқлаш учун лабораторияда қўлланиладиган усуллардан тўла хабардор бўлиши лозим.

6 АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Мазкур Илова мақсадлари учун мазкур стандартда кўзда тутилган атама ва таърифлардан ташқари қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

тайёр маҳсулот серияси мувофиқлигини баҳолаш – тайёр маҳсулот сериясини чиқаришдан олдин, унинг белгиланган талабларга мувофиқлигини ҳужжат билан расмийлаштириш;

тасдиқнома – жараён ёки синовлар дори воситаларини ишлаб чиқариш ва улар сифатини назорат қилишни ташкил этиш стандарт талаблари ва давлат рўйхатидан ўтказилишда белгиланган, тайёр маҳсулот сериясини чиқаришдан олдин унинг мувофиқлигини баҳолаш учун масъул ВШ билан ёзма равишда келишилган талабларга мувофиқ бажарилганлиги тўғрисидаги имзоланган гувоҳнома;

тайёр маҳсулот серияси – чиқаришга тайёр, якуний ўрамдаги маҳсулот серияси;

қадокланмаган маҳсулот серияси – дори воситаларини рўйхатдан ўтказишда белгиланган ҳажмдаги, қадоклашга тайёр, якуний ўрамдаги маҳсулот серияси тартибдаги

ўрамлардаги ва якуний ўрамларни йиғиш учун тайёр маҳсулот серияси. Қадокланмаган маҳсулот серияси, масалан, суюқ қадокланмаган маҳсулот, қаттиқ дори шакллари (таблетка ёки капсулалар) ёки тўлдирилган ампулалардан иборат бўлиши мумкин;

ўзаро тан олиш келишуви – олиб кириладиган дори воситалари ишлаб чиқариладиган (дори воситалари олиб келинадиган) мамлакат билан текширишларнинг ўзаро тан олиниши келишуви.

7 Фармацевтика ташкилотининг ваколатли шахси (GMP стандартига ўтувчи ташкилотлар учун мажбурий)

Ваколатли шахсга (бундан буён ВШ) дори воситаси (бундан буён ДВ) лицензия шартлари, GMP тамойиллари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқарилганини тасдиқлаш бўйича масъулият юклатилади.

7.1 Қўллаш

1. Доимий равишда ҳамда вақтинча ВШ мақомига эга ташкилот ходимлари томонидан қўлланилиши учун мўлжалланган.

2. Дори воситалари муомаласи соҳасида банд бўлган барча ВШлар – дори воситалари, фаол ФФИ-субстанциялар, фаол ва ёрдамчи моддалар ишлаб чиқарувчилари, шунингдек дистрибюторларга тааллуқли.

3. Меъёрлар халқаро амалиётда қабул қилинган умумий профессионал ва ахлоқий тамойилларга таянади:

- Касбий компетентлик;
- Касбий масъулият;
- Ижтимоий (фуқаролик) масъулият;
- Ҳаққонийлик;
- Ташкилотнинг ҳар бир ходими, мулкдор вакили ва давлат идоралари ҳуқуқ ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш.

4. Мазкур илова GMP/GDP га нисбатан қўшимча норматив талабларни белгиламайди ва мавжуд норматив талаблар нуқтаи назаридан баҳолалиши лозим.

5. Ҳар бир ВШ ўз тамойилларини мажбуриятлари, қарашлари ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, аммо қонунчилик меъёрларини бузмаган ҳолда қўшиши мумкин.

7.2 Ваколатли Шахс компетентлиги

6. ВШ профессионал фаолияти унинг маълумоти ва тегишли раҳбарликдан олинган тажрибага асосланган компетентлик доирасида амалга оширилади.

7. Қўшимча талабларга қуйидагиларга нисбатан халқаро талабларнинг асосий тамойилларини билиш ва тушуниш киради:

- Фарманазоарт тизимининг амал қилиши;
- Сифат, биоинфосланиш ва ҳ. к. бўйича хавфларни бошқариш методологияси;
- Қарама-қарши ва микроб билан инфосланишни баргараф этиш, тоза хоналарни жорий назорат қилишни ташкил этиш бўйича асосий чора-тадбирлар;
- ДВни рўйхатдан ўтказиш ва маҳсулоти экспорт қилинадиган барча импортер мамлакатлар учун ўзгартиришлар киритиш тартиблари;
- ДВларнинг биосамарадорлиги ва биомутаносиблиги, клиник синовларини ташкил этиш ва кузатиш;
- ISO 9001, ICH Q10 га мувофиқ жараёний ёндашув;

D'ZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NIZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH

BOSHQARMASI

- хом ашё ва қадоклаш материаллари етказиб берувчиларини бошқариш тизимлари;
- халқаро профессионал ташкилотлар структураси ва фаолияти (ICH, PIC/S, EC, WTO ва ҳ.к.)

7.3 Ваколатли шахс мақоми

8. ВШ вазифасини бажарувчи ходим ўзининг асосий лавозимидан ташқари ВШ мақомига эга бўлиши лозим. ВШ вазифасини бажарувчининг вазифалари ВШ вазифаларига зид бўлмаслиги керак. Таъминот учун корхонанинг юқори раҳбарияти масъул.

9. ВШ учун низомлар, меҳнат тартиби Қоидалари ва меҳнат шартномаси тузилган корхонанинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлари амал қилади. ВШ бундай ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

10. ВШ ўз профессионал имкониятлари, мавжуд ресурслар ҳажмининг чекланганлигини англаши ва мавжуд чекланишлар доирасида эришиш мумкин бўлган вазифаларнигина бажариши лозим.

7.4 Ваколатли шахс мустақиллиги тамойили

11. ДВ серияси реализацияси учун рухсатнома берувчи ВШ ишлаб чиқаришдан мустақил бўлиши лозим.

12. Мустақиллик тамойилини сақлаш учун ВШ корхона фаолиятининг қуйидаги йўналишлари учун жавобгар бўла олмайди:

- Янги дори препаратларининг фармацевтик ишлаб чиқилиши;
- Хом ашё, сарф ва ўрам материаллари сотиб олишни ташкил этиш;
- Тайёр маҳсулотни тижорат йўлида сотишни ташкил этиш.

13. Ўзига юклатилган барча вазифаларини амалга ошириш учун, ВШ мақомини юқори раҳбарият вакилларида бирига бериш мақсадга мувофиқ.

7.5 Ваколатли шахс мажбуриятлари

14. ВШ мажбуриятлари илгари кўриб чиқилган умумий тамойилларга асосланиб, спецификациянинг ДВни чиқаришга ва унинг хавфсизлиги борасида етарли маълумотларни олишга йўналтирилган.

15. ВШнинг асосий жорий мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- Реализация учун ДВ сериясини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш (мазкур иловага мувофиқ);
- ДВ сериясини тайёрлаш жараёнидаги оғишларни аниқлаш чоғида бажарилиши мумкин бўлган вазифалар тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Чиқарилган ДВнинг жиддий ножўя таъсирлари тўғрисидаги даъволар, маълумотларни кўриб чиқишда иштирок этиш;
- ДВ бўйича йиллик сифат шарҳини шакллантириш.

16. Дори воситаси аниқ бир сериясини реализация қилишга рухсатнома берилгунига қадар ВШ қуйидаги қоидалар бажарилганига ишонч ҳосил қилиши керак:

- ДВнинг баҳоланадиган серияси учун ишлаб чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларидаги барча талабларнинг бажарилганлигига;
- Даъво қилинган барча GMP тамойилларига амал қилинганлигига;
- Фойдаланиладиган барча сифат назорати жараёнлари ва усуллари яроқлилик тўғрисидаги расмий ҳужжат (валидация билан ~~DAVLAT N: ZORATINI~~ бидеңлаштилганлигига;
- Кўзда тутилган барча назорат синовлари ~~STANDARTLASH TIRISH VA~~ текширувлари бажарилганлигига;

серияни тайёрлаш ва ўрам баённомалари қўриб чиқилганига;

- ДВ сериясини тайёрлаш ва сифат назорати жараёнида аниқланган ҳар қандай режали ўзгартиришлар ва оғишлар серияни реализация қилишга рухсатнома беришдан олдин белгиланган тартибда расмийлаштирилганига;

- Бундай режали ўзгартириш ва оғишларга йўл қўйилишини тасдиқлашга қаратилган қўшимча синовлар, текширувлар ва ишлар, жумладан, серия намуналарини барқарорликни жорий тасдиқлашга жойлаштириш ўтказилганига;

- Тайёрлаш ва сифат назорати бўйича барча тегишли хужжатлар талаб даражасида расмийлаштирилганига ва тегишли малакали раҳбарлар томонидан имзоланганига;

- Назорат синовлари бўйича ёзувлар (баённома, журналлар ва ҳ.к.) олинган натижаларнинг ишончилиги ва ҳаққонийлигини тасдиқлашига;

- Назорат ва архив намуналари репрезентатив эканлигига, тегишли малакага эга ходимлар томонидан танлаб олинганлигига (GMP нинг 19 Иловасига мувофиқ);

- Малакали ваколатли ходимлар томонидан ўз-ўзини инспекция қилиш ва таъминотчининг аудити ўтказилганлигига;

- Барча таъсир этувчи омиллар, жумладан, ДВнинг баҳоланувчи сериясига бевосита алоқадор бўлмаган омиллар ҳисобга олинганлигига;

- Ишлаб чиқариш муҳити жорий назоратининг натижалари (тоза хоналардаги босим ўзгаришлари, биоинфосланишларни назорат қилиш) маҳсулот инфосланиши мумкин эмаслигини тасдиқлашига;

- Импорт қилувчи мамлакатнинг барча қонунчилик талаблари бажарилганига.

17. ВШ маҳсулот тайёрлашнинг реал шароитлари, киритилаётган ўзгаришлар ва ходимлар компетентлигини баҳолаш имкониятига эга бўлиш учун ишлаб чиқаришни баҳолаш учун етарли вақт ажратиши керак.

18. ДВ сериясини реализация қилишга рухсатнома бериш бўйича қарор қабул қилишда ВШ олинадиган барча натижалар, шунингдек спецификация доирасидан чиқиб кетадиган натижалар (OOS) ни эътиборга олиши лозим.

19. ВШ нинг муваффақиятли иши GMP, ICH Q10, ISO 9001 ва бошқаларга асосланган фармацевтик сифат тизимини ташкил этиш ва йўлга қўйишга боғлиқ эканлиги сабабли, ВШ вазибаларига сифат тизимининг ишлашини назорат қилишни киритиш маъкул саналади.

20. Агарда хаддан ортиқ юкланмани вужудга келтирмаса ва унинг мустақиллик тамойилига зид келмаса, ВШ бошқа вазибаларни ҳам бажариши мумкин.

- Валидация ишларида иштирок этиш;

- Ўз-ўзини инспекция қилиш ва аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш бўйича назорат;

- Тозалаш валидацияси натижаларини ҳар томонлама баҳолашдан сўнг ишлаб чиқариш майдонига янги препарат киритилишини маъқуллаш;

- Таклиф этилаётган ўзгартиришлар мақсадга мувофиқлигини маъқуллаш ва ёки баҳолаш;

- Ташқи инспекцияни кузатиш ва ҳ.к.

7.6 Ваколатли Шахслар сони

21. Лицензияловчи орган кутаётган натижаларга мувофиқ ДВ ни ишлаб чиқаришга лицензияси бор ҳар бир ташкилот камида битта ВШ хизматларидан фойдаланиши

D'Z STANDARD AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

мумкин.

22. Корхона мураккаб ташкилий тузилиш ва/ёки бир неча ишлаб чиқариш майдонларига, айрим махсус ДВ ишлаб чиқариши мумкинлигини эътиборга олиб, ВШ вазифаларини ташкилотнинг бошқа ходимларига юклаш ёки ваколатларни қисман бошқа ваколатли ходимларга бериш зарурати туғилиши мумкин.

23. Айрим ҳолларда (Европа Иттифоқининг 2001/20/ЕС директивасига мувофиқ) клиник синовлар учун мўлжалланган препаратларга рухсатнома бериш учун масъул ВШни тайинлаш зарурати туғилиши мумкин.

24. Фармацевтик сифат назоратининг мураккаблигига қараб, бири фармацевтик сифат тизими учун жорий назоратни таъминловчи, бошқаси эса чиқарилаётган ДВ серияси учун ҳужжатларни баҳолаш учун жавоб берадиган бир нечта ВШни тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Корхонанинг ташкилий тузилишига қараб, бир нечта ВШ бўлганда, уларни алоҳида ташкилий бўлинма сифатида ажратиш ва/ёки Катта (етақчи, бош) ВШ лавозимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

25. Бир неча ВШ бўлганда ВШ масъулиятини аниқ чегаралаб олиш ва барча ВШлар ўртасида вазифаларни тақсимлаб олишга эътибор қаратиш лозим.

7.7 Ваколатларни тақсимлаш

26. ВШ тегишли синов ва текширувларни ўтказиш учун шахсан ва профессионал жавобгарликка эга. Аммо бу ВШ ушбу синовлар ва текширувларни ўзи бажариши ёки уларни ўтказишни бевосита ўзи бошқариши керак дегани эмас.

27. ВШ ўзининг айрим вазифаларини ташкилотнинг бошқа ходимларига (одатда, сифат хизмати вакилларига) юклашга ҳақли. Бошқа ходимга юклатилган ҳар қандай вазифа аниқ регламентланиши, юклатилган масъулият доирасида ўз мажбуриятларини ёзма равишда тасдиқлаган ваколатли ва малакали ходим томонидан бажарилиши керак.

28. Жавобгарлик юклатилаётган шахсга бўлган ишонч даражаси бундай шахснинг тажрибаси ва компетентлигига, мазкур бошқарувни қандай қабул қилганлигига бевосита боғлиқ.

29. Юклатиладиган вазифалар ҳажми амалдаги фармацевтик сифат тизими чиқарилаётган маҳсулотга нисбатан белгиланган барча талабларнинг қай даражада қафолатлашига бевосита боғлиқ.

30. ВШ, ҳар қандай қарорни қабул қилишда юклатилган барча вазифалар тўла ва етарли равишда сифатли бажарилганлигининг тўла қафолати ва расмий тасдиғини олиши керак. Агар ДВ сериясига рухсатнома беришда ВШ юклатилган вазифаларнинг бажарилиш сифатини таъминламаётгани аниқланса, ушбу ҳолат ВШнинг касбий талабларга мос эмаслигини кўриб чиқиш учун сабаб бўлиши мумкин.

7.8 Ваколатли шахсни вақтинча алмаштириш

31. Ҳар бир ВШ ўзи вақтинча ишда бўлмаган вақтда (меҳнат таътили, меҳнат сафари, касаллик ва ҳ.к.) ваколатларни топшириш механизми ва топширилаётган вазифалар рўйхатини аниқ белгилаши лозим.

32. Серия реализацияси (серияни чиқариш)га рухсатнома талаб даражасида ваколатлар юклатилмаган бошқа шахслар томонидан берилса, бу ВШнинг касбий малакасизлиги натижаси саналади.

33. ВШ етарли даражадаги тажриба ва билимга эга бўлмаса, маҳсулот чиқаришда ўз вазифаларидан воз кечиш ВШнинг касбий бурчи саналади. Ушбу айниқса вақтинча ВШ вазифалари юклатилган шахсларга тегишли.

D'ZSTANDART AGENTLIGI
 DAVLAT NIZORATINI
 MUVOFIQLASH FIRIISH
 BOSHQARMASI

7.9 Дори воситаларини контракт асосида ишлаб чиқаришда Ваколатли Шахс вазифалари

34. Агар тайёр маҳсулот рўйхатга олиш гувоҳномаси эгаси номидан тайёрланса, ВШ масъулияти ва ваколатлари ҳар бир вазият учун алоҳида тегишли шартноманинг алоҳида бўлимида акс этирилиши керак.

35. Яхши ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) тавсиясига мувофиқ ижрочи (дори воситасини ишлаб чиқариш лицензияси эгаси) унинг ВШ ўз вазифаларини амалга ошириш учун керакли маълумот ва ваколатларига эга бўлган ҳолдагина маҳсулотни чиқариш учун масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин.

36. Агар буюртмачи (рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси эгаси) ўз ВШ хизматларидан фойдаланса, унда шартномага кўра, у ВШга барча зарур маълумотлар билан танишиш ҳуқуқини бериши керак.

7.10 Мулкдор ва ташкилот раҳбарияти билан ўзаро муносабати

37. Ишга қабул қилинаётганда, ВШ ўзининг касбий малакаси ва иш тажрибаси хусусида иш берувчига аниқ ва тўлиқ ахборот тақдим этиши лозим.

38. Корхона раҳбарияти ўз мажбуриятларини бажариши учун ВШни барча зарур воситалар билан таъминлаши, шунингдек, барча тизимлар, жумладан алоқа воситалари ишини таъминлаши керак, GMP талабларидан оғиш ҳоллари аниқланса, зарурият бўлса, ёзма равишда ВШ томонидан раҳбарият хабардор қилиниши керак. Бу мажбурият ВШ ёки ВШ вазифаси юклатилган мутахассис лавозим йўриқномасида кўрсатилиши лозим.

39. ДВ сифатини таъминлаш билан боғлиқ ВШга маълум бўлган барча оғишлар ва номувофиқликлар, аниқланган потенциал хавфлар борасида юқори раҳбариятни хабардор қилиш ВШ нинг бевосита мажбурияти ҳисобланади.

40. Касбий мажбуриятларини бажаришда, қандай вазиятлар ундаганлигидан қатъий назар, ВШ ҳеч қачон онгли равишда ҳақиқатни яширмаслиги керак.

41. Ташкилот мулкдорлари ва иш берувчи билан ўзаро муносабатда ВШ конфиденциаллик тамойилларига қатъий риоя қилиши керак. Тўпланган конфиденциал маълумотдан ВШ ташкилот мулкдорлари, юқори раҳбарият вакиллари, ҳамкасблар, тартибга солиш органлари вакиллари ва бошқа шахслар обрўсига путур етказадиган тарзда фойдаланмаслиги лозим. Касбий ёки этика тамойилларига кўра ВШ вазият ҳақида миллий лицензияловчи органни хабардор қилиши лозим бўлган ҳолатлар истисно саналади.

7.11 Таъминотчилар / буюртмачилар билан ВШ ўзаро муносабати

42. Таъминотчилар ва буюртмачилар билан ўзаро муносабатда ВШ шартнома мажбуриятларида кўзда тутилган шартларга қатъий риоя қилиши керак.

43. Хом ашё ва қадоқлаш материаллари таъминотчиларини, шунингдек хизмат кўрсатувчиларни маъқуллашда иштирок этаётганда ВШ потенциал таъминотчиларга нисбатан ҳалоллик ва ҳаққонийликни сақлаб қолиши, таъминотчилар вакиллари ва таъминотни ташкил этиш учун масъул ҳамкасблар билан норасмий муомалада бўлмаслиги лозим.

44. ВШнинг буюртмачилар/аутсорсинг хизматлар ижрочилари билан ўзаро муносабати мазкур иловага мувофиқ шакллантирилиши лозим.

7.12 Компетентликнинг узлуксиз ривожланиши

45. ВШга юклатилган вазифаларнинг ҳажмидан қатъий назар фармацевтик соҳа ривожланишида эришилган даражага мувофиқ ўз билим ва тажрибасини тулдириб бориш

ZSTANDARD AGENTLIGI
 HISSA DARAJASHTIRISH VA
 DAVLAT NAZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

шахсий ва касбий мажбуриятлари юклатилади.

46. Масъулият доираси сезиларли ўзгарган вазиятда (масалан, янги дори воситалар ҳисобига ассортиментни кенгайтириш) ВШ ўз билим ва тажрибасини танқидий баҳолаши ва зарурият бўлганда, қўшимча малака ошириши керак ёки ўз вазифаларини кенгайтиришдан воз кечиши лозим.

**D'ESTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

15-ИЛОВА**(мажбурий)****ПАРАМЕТРЛАР БЎЙИЧА ЧИҚАРИШ****1 Тамойил**

1.1 Мазкур иловада қўлланган “параметрлар бўйича чиқариш” («Parametric Release») термини таърифи Европа сифат ташкилоти (European Organization for Quality) томонидан тавсия этилган таърифга асосланади: «Ишлаб чиқариш жараёнида, шунингдек, параметрлар бўйича чиқаришга оид GMP тегишли талабларига мослиги асосида маҳсулот талаб этилаётган сифатга эгаллигини кафолатлайдиган чиқариш тизими».

1.2 Параметрлар бўйича чиқариш GMP асосий талаблари, тегишли иловалар ва қуйида баён этилган қоидаларга мос келиши лозим.

2 Параметрлар бўйича чиқариш

2.1 Ишлаб чиқариш жараёнида ўтказиладиган кенг қамровли синовлар ва назорат жараёнлари мажмуи тайёр маҳсулот синовларидан кўра кўпроқ тайёр маҳсулотнинг спецификацияларга мос келишининг катта кафолатини таъминлаб бериши мумкинлиги умум тан олинган.

2.2 Параметрлар бўйича чиқариш тайёр маҳсулотнинг одатий синов муқобили сифатида айрим махсус параметрларга нисбатан санкцияланиши мумкин. Параметрлар бўйича чиқаришни санкциялаш, уни рад этиш ёки рухсатномани бекор қилиш маҳсулот сифати учун жавобгар шахслар ва GMP инспекторлари биргаликда амалга ошириши лозим.

3 Стерил маҳсулот учун параметрлар бўйича чиқариш

3.1 Мазкур иловада параметрлар бўйича чиқаришнинг стериллигини синовдан ўтказмасдан тайёр маҳсулотни одатий усулда чиқаришга алоқадор томонигина кўриб чиқилган. Стерилликни синовдан ўтказишга олдиндан аниқланган валидацияланган стериллаш шартларига эришилганлигини исботловчи маълумотлар мавжуд бўлгандагина истисно қилиниши мумкин.

3.2 Стерилликни синовдан ўтказиш стерилликни кафолатлаш тизимидаги фақат йирик қоидабузарликларни аниқлаш имконини берадики, бу усулнинг статистик жиҳатдан чекланганлиги билан боғлиқ.

3.3 Параметрлар бўйича чиқариш, агар серия тўғри қайта ишланганлигини исботловчи маълумотлар ўз-ўзидан маҳсулот стериллигини таъминлаш учун ишлаб чиқилган ва валидацияланган жараён ҳақиқатдан амалга оширилганлигини тасдиқласа, санкцияланиши мумкин.

3.4 Ҳозирги кунда параметрлар бўйича чиқариш якуний бирламчи ўрамда якуний стерилланадиган препаратлар учунгина тасдиқланиши мумкин.

3.5 Параметрлар бўйича чиқариш учун Европа фармакопеяси ёки бошқа тегишли фармакопея, ёки Европа фармакопеяси билан уйғун бўлган меъёрий ҳужжатлардаги талабларга мувофиқ буғ, куруқ иссиқ ва ионловчи нурлантиришдан фойдаланишни кўзда тутадиган стерилизация усуллари кўриб чиқилиши мумкин.

3.6 Параметрлар бўйича чиқариш тамоман янги препарат учун ярокли деб тан олинishi эҳтимолдан йироқ, зеро мақбуллик мезонларининг бир қисми маълум вақт ичида стерилликни текшириш синовларининг қоникарли натижаларини ташкил этиши лозим. Бошқа препаратлар учун мавжуд стерилликни текшириш синовлари ҳақидаги

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NƏZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

маълумотлар стерилликни кафолатлаш нуктаи назаридан кичик ўзгаришлар киритилган янги препарат учун етарли деб ҳисоблаш мумкин бўлган ҳолатлар эҳтимолдан холи эмас.

3.7 Стерилизацияланмаган маҳсулотни чиқариш хавф-хатарини баҳолашга эътиборни жамлаб, стерилликни кафолатлаш тизимини таҳлил қилиши лозим.

3.8 Олдинги ишлаб чиқариш тажрибаси ишлаб чиқарувчи томонидан GMP талабларига риоя қилинганлигига гувоҳлик бериши керак.

3.9 GMP талабларига мослигини баҳолашда стерил эмас бўлиб чиққан препаратларни ишлаб чиқаришнинг олдинги тажрибаси, шунингдек, кўриб чиқиладиган препарат стериллигини синовдан ўтказиш натижалари ва у ёки бу стерилликни кафолатлаш муқобил тизимига мувофиқ ишланадиган препаратлар тўғрисидаги маълумотларни эътиборга олиш лозим.

3.10 Ишлаб чиқариш ва стерилизация ҳудудида, одатда, стерилликни кафолатлаш билан боғлиқ иш тажрибасига эга малакали муҳандис ва малакали микробиолог бўлиши лозим.

3.11 Препаратни тегишли ишлаб чиқиш ва дастлабки валидация ҳар қандай шароитда тизим яхлитлиги сақланишини кафолатлаши керак.

3.12 Ўзгаришларни назорат қилиш тизими стерилликни таъминлаш бўйича ходимлар томонидан уларни таҳлил қилишни кўзда тутиши керак.

3.13 Стерилизациядан аввал препарат микробиологик контаминациясини назорат қилиш тизими бўлиши лозим.

3.14 Стерилланган ва стерилланмаган маҳсулотнинг аралашиб кетишига йўл қўймаслик керак. Бундай кафолат жисмоний жиҳатдан ажратиш ёки валидацияланган электрон тизимлар ёрдамида таъминланиши мумкин.

3.15 Стерилизация баённомаларини камида иккита мустақил назорат тизими ёрдамида спецификацияга мослигига текшириш лозим. Бундай назоратни 2та киши амалга ошириши мумкин ёки битта одамни жалб этиб, валидацияланган компьютер тизимидан фойдаланиш мумкин.

3.16 Ҳар бир препарат сериясини чиқаришдан олдин қўшимча равишда қуйидагилар тасдиқланиши лозим:

а) техник хизмат кўрсатиш бўйича барча режадаги ишлар ва қўлланиладиган стерилизаторнинг эскирган усулдаги текширувлари бажарилганлиги;

б) таъмирлаш ва модификация бўйича барча ишлар стерилликни таъминловчи муҳандис ва микробиолог томонидан тасдиқланганини;

в) бутун асбоб-ускуна калибровка қилинганлигини;

г) стерилизатор ҳозирга келиб маҳсулотни қайта ишлаш учун мазкур юкланмага нисбатан валидацияланганлигини.

3.17 Параметрлар бўйича чиқаришга рухстаномга берилган бўлса, серияни чиқариш ёки уни яроқсиз деб билиш ҳақидаги қарор тасдиқланган спецификацияларга асосланиши лозим. Параметрлар бўйича чиқариш учун спецификацияларга мос келмасликни стериллик синовлари муваффақиятли амалга ошган ҳолатларда амалда эмас деб тан олиш мумкин эмас.

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

16-ИЛОВА
(мажбурий)

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХУДУДИНИНГ ХУЖЖАТЛАРИ

1 Кириш

Ишлаб чиқариш майдончаси хужжати фармацевтик ишлаб чиқарувчи томонидан тузилади, бунда сифатни бошқариш бўйича сиёсат ва чора-тадбирлар, кўрсатилган ишлаб чиқариш майдончасида ўтказиладиган фармацевтик ишлаб чиқаришнинг назорати ва ёки технологик жараёнлари ёндош ва қўшни бинолардаги бошқа узвий боғлиқ жараёнлар ҳақида ҳам аниқ маълумотлардан иборат бўлиши керак. Агар мазкур ишлаб чиқариш майдончасида фармацевтик жараёнларнинг бир қисмигина ўтказилса, бу ҳолда хужжатларда фақат шу жараёнлар тавсифланиши лозим, масалан, таҳлил, ўраб-жойлаш ва х.к.лар.

Ишлаб чиқариш майдончаси хужжатлари ваколатли тартибга солиш органларига тақдим этилиши боис, унда ҳам умумий таассурот олиш учун, ҳам самарали режалаштириш ва GMPга мос келишини назорат қилиш учун фойдали бўлиши мумкин бўлган ишлаб чиқарувчининг GMPга риоя қилиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлари тўғрисида аниқ маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Ишлаб чиқариш майдончаси хужжатларида керакли ахборотни жамлаши лозим, аммо имкон қадар иловаларни ҳисобга олмаган ҳолда А4 форматдаги 30-40 варақдан ошмаслиги керак. Матнли тафсилотлардан кўра оддий схематик чизмалар ёки схематик режалар мақсадга мувофиқ. Ишлаб чиқариш майдончаси хужжати, шу жумладан, А4 форматда чиқарилган иловалар, яхши ўқиладиган кўринишда бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш майдончаси хужжатлари ишлаб чиқарувчи сифат менежменти хужжатларининг бир қисми бўлиб, шунга мувофиқ актуал ҳолатда сақланиши лозим. Ушбу хужжатда версия рақами, шунингдек, жорий қилиш ва қайта кўриб чиқиш санаси бўлиши керак. Доимий равишда янгилаб бориш ва жорий тадбирларни акс эттириш мақсадида уни мунтазам равишда қайта кўриб чиқиб турилади. Ҳар бир илова уни хужжатларни бошқа бўлимлардан мустақил равишда янгилаб бориш имконини берувчи индивидуал жорий этиш санасига эга бўлиши мумкин.

2 Умумий талаблар ва тавсиялар

2.1 Умумий ахборот

2.2 Ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги қисқача ахборот (номи ва манзили билан), бошқа хуудларга муносабати ва ишлаб чиқариш жараёнларини тушунишга алоқадор ҳар қандай ахборот.

Тавсия этилади:

2.3 Умумий кўринишда мазкур хужжатлар хууд баёнига қўшимча сифатида фирма ва бошқа хуудлар фаолиятини баён қилиш; (А4 форматда 1 варақ/250 та сўздан ортиқ эмас).

2.4 Миллий ваколатли орган томонидан лицензия доирасидаги ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисидаги ахборот.

Тавсия қилинади:

UZBEKISTAN
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

2.5 Ваколатли орган томонидан берилган хужжат, лицензия хужжатининг амал қилиш муддати, шунингдек бошқа ҳар қандай шарт ва/ёки чекланишларга ҳавола қилиш керак.

2.6 Худудда амалга ошириладиган бошқа ҳар қандай ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисидаги маълумот.

Тавсия этилади:

2.7 Ҳам фармацевтик, ҳам нофармацевтик фаолият тўғрисидаги ахборотни келтириш.

2.8 Худуднинг аниқ номи ва манзили, шу жумладан, телефон ва факс рақамлари, сутка давомида ишлайдиган телефон рақамлари.

Тавсия этилади:

Худуд номи ва манзилини келтириш:

2.9 Ишлаб чиқарувчи ташкилот ва/ёки компания номи (ва савдо ташкилоти номи, агар у бошқа бўлса). Почта манзили индекси билан.

2.10 Алоқа телефони рақами.

2.11 Алоқа факси рақами.

2.12 Сутка давомида ишлайдиган алоқа телефони рақами.

2.13 Худудда расман ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари (“ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари” бўлимига қаранг), ва ишда қўлланадиган ҳар қандай ниҳоятда захарли ёки хавфли моддалар тўғрисидаги ахборот, ва уларни ишлаб чиқариш усулларига ҳавола (махсус мўлжалланган техник воситалардан фойдаланиб, ёки кампанияда қабул қилинган тамойил асосида).

Тавсия этилади:

2.14 Худудда ҳақиқатдан ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини келтириш:

2.15 Мазкур илованинг “Ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари” бўлимида кўрсатилганидек ҳозирги вақтда ишлаб чиқариладиган препарат турлари рўйхати.

2.16 Ишда қўлланадиган ҳар қандай токсик ёки хавфли ФФИ-субстанциялар рўйхати, масалан: антибиотиклар, гормонлар, цитостатиклар. Махсус мўлжалланган техник воситалар ёрдамида ёки кампанияни ўтказиш тамойили асосида ишлаб чиқарилишини кўрсатиш.

2.17 Худуднинг қисқача таърифи (ўлчами, жойлашуви, уни бевосита қуршаб олган мухит ва худуддаги бошқа ишлаб чиқариш фаолияти).

Тавсия қилинади:

2.18 Худуднинг қисқача таърифини келтириш (А4 форматда 1 варақ/250 та сўздан ортиқ эмас/):

2.19 Худуд жойлашуви ва унинг атроф-муҳитини таърифлаш.

2.20 Худуд ўлчами, бино турлари ва улардан фойдаланиш муддатини кўрсатиш.

2.21 Худуддаги бошқа ишлаб чиқариш фаолиятини кўрсатиш.

2.22 Ишлаб чиқариш, сифат назорати, сақлаш ва тақсимлаш (дистрибуция)да банд бўлган ходимлар сони.

Тавсия қилинади:

2.23 Қуйидагиларда банд бўлган ходимлар сонини кўрсатиш:

2.24 Технологик жараён билан.

2.25 Сифат назорати билан (сифатни таъминлаш).

2.26 Сақлаш ва тақсимлаш (дистрибуция).

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

2.27 Техник ва муҳандислик ёрдамчи ишлар билан.

2.28 Ходимларнинг умумий сони, шу жумладан, тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган иш кунига эга ходимлар, ва олий маълумотга эга ва эга бўлмаган шахслар ўртасидаги нисбатни кўрсатиш.

2.29 Ишлаб чиқариш ва таҳлилга доир ишларда ташқаридан илмий, таҳлилий ёки бошқа техник ёрдамдан фойдаланганлик.

Тавсия қилинади:

2.30 Ташқаридан олинган ҳар бир пудратчи учун кўрсатилсин:

2.31 Ташкилот ёки корхона (компания) номи ва манзили.

2.32 Телефон рақами.

2.33 Факс рақами.

2.34 Фаолиятнинг қисқача таърифи (А4 форматда 1/2 варақ/100 та сўздан ортиқ эмас).

2.35 Ишлаб чиқарувчи корхона ёки ишлаб чиқариш учун масъул фирманинг сифат бошқаруви тизимининг қисқача баёни.

Тавсия қилинади:

2.36 Қисқача таърифни келтириш (А4 форматда 3 варақ/750 та сўздан кўп эмас):

2.37 Сифат бўйича фирма сиёсатини баён қилиш.

2.38 Сифатни таъминлаш тизими фаолияти учун масъулларни кўрсатиш.

2.39 Сифатни таъминлаш тизими элементларини таърифлаш, масалан:

ташкилий тизим, масъулият, услубиятлар, жараёнлар;

спецификациялар, синон усуллари ва сифатга тааллуқли бошқа маълумотлар.

2.40 Ўз-ўзини назорат қилиш ёки бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган аудит дастурларини тавсифлаш.

2.41 Объектга нисбатан сифат тизими тўғрилиги, яъни препарат сифати, самарадорлиги ва хавфсизлигини намойиш этиш учун натижалар қандай текширилишини баён қилиш.

2.42 Таъминотчиларни баҳолаш учун ISO 9001 стандартлари ишлатилган бўлса, кўрсатилсин.

2.43 Критик хом ашё ва ўраб-жойлаш материаллари: дори ва ёрдамчи моддалар, контейнерлар (бирламчи ўраб-жойлаш материали), тиқинлаш ва босма ёзма материаллари (агар бундай баҳолаш амалга оширилган бўлса) етказиб берувчиларини баҳолаш қандай ўтказилганлигини батафсил баён қилиш.

2.44 Тайёр маҳсулотни чиқаришга рухсат бериш жараёнини баён қилиш.

3 Ходимлар

3.1 Сифат назорати бўйича чора-тадбирлар, шу жумладан, тайёрлаш ва сифат назорати баён этилган ташкилий чизма (18.1.9.3 бандига қаранг).

3.2 Бошқарувчи ходимлар малакаси, тажрибаси ва мажбуриятлари.

3.3 Умумий кўринишда асосий ўқитиш ва жойлардаги ўқитишлар бўйича баённомаларни юритиш ва сақлаш тадбирларини баён қилиш.

3.4 Ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар соғлигига қўйиладиган талаблар.

3.5 Ходимларга, хусусан, кийимларга бўлган гигиенни талаблар.

Тавсия қилинади:

Ходимлар тўғрисидаги маълумотларни баён қилиш (А4 форматда 2 варақ/500 та сўз):

U'ZBEKISTAN STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

3.6 Ташкилий чизма:

Тайёрлаш ва сифат назоратини ўз ичига олган сифат таъминотининг ташкилий чизмаси (расм шаклидаги)ни келтириш. Фақат асосий раҳбарлар ва бошлиқларни кўрсатиш.

3.7 Бошқарув ходимлари малакаси, тажрибаси ва масъулиятини кўрсатиш.

Мазкур малакага мувофиқ илмий малака ва ишга тааллуқли қисқача ахборотни келтириш, шунингдек, мазкур малакани олганидан сўнг тегишли тажриба орттирилган муддат (йиллар)ни кўрсатиш.

3.8 Асосий ўқитиш ва жойларда ўқитиш, шунингдек баённомаларни сақлаш тадбирларининг қисқача баёнини келтириш.

Қуйидаги тартибда ўқитиш дастури, шу жумладан, мотивация ва узлуксиз таълимнинг қисқача баёнини келтириш:

3.9 Ўқиш зарурати қандай ва ким томонидан аниқланишини тавсифлаш.

3.10 GMP талабларини ўзлаштириш билан боғлиқ ўқув жараёнини батафсил таърифлаш.

3.11 Таълим шакли, масалан кундузги ёки кечки шаклини, шунингдек, амалий тажриба қандай орттирилишини ва бунинг учун қандай ходимлар жалб этилишини кўрсатиш.

3.12 Таълим самарадорлиги қандай баҳоланишини тушунтириш, масалан анкеталаш ёрдамида.

3.13 Қайта тайёрлаш зарурати қандай аниқланишини тушунтириш.

3.14 Баённомаларни сақлашнинг қисқача таърифини бериш.

3.15 Ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар соғлиғига қўйиладиган талабларни кўрсатиш.

3.16 Ходимлар соғлиги ҳолатини назорат қилишга ким жавобгар эканлигини кўрсатиш.

3.17 Ишга қабул қилишдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш ёки ўтмаслигини кўрсатиш.

3.18 Бажарилаётган ишнинг характериға қараб ходимлар соғлиги вақти-вақти билан текширилишини кўрсатиш.

3.19 Критик ҳудудда ишлашдан олдин касаллик ёки касаллар билан алоқада бўлганлик хусусида хабар бериш тизими мавжудлигини кўрсатиш.

3.20 Касалликдан сўнг ишга чиқиш ҳақида хабар қилиш тизими мавжудлигини кўрсатиш.

3.21 Тоза ҳудудларда (A-D синфлари) ишлайдиган ходимлар қўшимча назоратдан ўтишини кўрсатиш.

3.22 Ходимларга қўйиладиган гигиеник талаблар, хусусан, унинг кийимига қўйиладиган гигиеник талаблар ҳақида маълумот келтириб, унда қуйидагиларни кўрсатиш лозим:

3.23 Ювиниш, кийим алмаштириш ва дам олиш учун қулай ҳудудлар борми?

3.24 Бажариладиган ишга мос келадиган кийим борми? Кийимни қисқача таърифлаш.

3.25 Ҳимоя кийимидан фойдаланиш бўйича аниқ кўрсатмалар борми, уни қачон алмаштириш лозим. Батафсил йўриқномалар талаб қилинмайди. Узининг хусусий ёки бошқа кир ювиш ускунаси ишлатиладими?

U'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NIZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

4 Хона ва асбоб-ускуналар

Хоналар

4.1 Оддий ёки масштаби кўрсатилган чизма ҳолда ишлаб чиқариш ҳудудлари тавсифи (меъморий ёки муҳандислик чизмалари талаб этилмайди).

4.2 Конструкцияси ва ишлов бериш типи.

4.3 Вентиляция тизимларининг қисқача таърифи. Ҳаво оқими билан контаминация хавф- хатари бўлган критик ҳудудлар учун таъриф батафсилроқ бўлиши лозим (иложи бўлса, тизимларнинг схематик чизмаларини илова қилиш керак). Стерил препаратларни ишлаб чиқариш учун хоналар таснифи кўрсатилиши лозим.

4.4 Юқори заҳарли, ҳавфли ва кучли сенсбилизация хусусиятига эга бўлган моддалар билан ишлаш учун махсус ҳудудлар.

4.5 Сув таъминоти тизимларининг, шу жумладан санитар қайта ишлаш тизимининг қисқача таърифи (иложи борича, тизимларни схематик чизмаларини илова қилиш).

4.6 Техник хизмат (режалаштирилаётган профилактик хизмат кўрсатиш дастури ва уни баённомалаштириш тизимини таърифлаш).

Ускуналар

4.7 Асосий технологик ускуна ва назорат лабораториялари асбоб-ускунанинг қисқача таърифи (қурилма рўйхати талаб қилинмайди).

4.8 Техник хизмат кўрсатиш (режалаштирилаётган профилактик хизмат кўрсатиш дастури ва уни баённомалаштириш тизимини таърифлаш).

4.9 Квалификация ва калибровка, шу жумладан баённомалаштириш тизими. Компьютерлашган тизимлар валидацияси бўйича тадбирлар.

Санитария

4.10 Ёзма спецификациялар ва ишлаб чиқариш ҳудудлари ва хоналарини тозалаш йўриқномаларининг мавжудлиги.

Тавсия қилинади:

4.11 Хоналар ва асбоб-ускуналар тўғрисида қисқача маълумот келтириш:

4.12 Хоналар:

4.13 Ишлаб чиқариш ҳудудлари акс этирилган ҳудуд чизмасини келтириш.

4.14 Ҳар бир ишлаб чиқариш ҳудудининг оддий чизмасини масштабни кўрсатган ҳолда келтириш. Ҳудудларни белгилаш ва чизмани номларини кўрсатган ҳолда изоҳлар келтириш.

4.15 План чизмалар аниқ бўлиб, А4 форматдаги қоғозда бажарилиши лозим. Зарурият бўлганда, планлар А3 форматдаги қоғозда бажарилиши мумкин.

4.16 Стерил маҳсулот ишлаб чиқариладиган ҳудудлар учун хона ва ҳудудлар таснифи, шунингдек, турли синфлардаги ёпиш ҳудудлар ўртасидаги босим фарқини келтириш.

4.17 Конструкция ва ишлов бериш типини баён шаклида келтириш (А4 форматдаги 2 варақ/500 та сўз).

Йирик мураккаб завод таърифининг ҳажмини қисқартириш мақсадида фақат критик ҳудудлар, шу жумладан, барча қайта ишлаш ва ўраб-жойлаш ҳудудлари, шунингдек, критик сақлаш ҳудудларининг таърифини батафсил баён қилиш лозим.

4.18 Вентиляция тизимлари ва ҳ.к. нинг қисқача таърифи (А4 форматда 2 варақ/500 та сўз)

Ҳаво орқали ўтадиган заррачалар билан контаминация хавфи бўлган критик ҳудудларни батафсил баён қилиш лозим. Бу стерил маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳудудлари, шунингдек кукунларни қайта ишлаш, гранулалаш ва таблеткаланиш ҳудудларига ҳам тааллуқли. Стерил маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳудудлари учун энг сўнгги квалификация/реквалификация натижаларининг қисқача баёни келтирилиши лозим.

Таъриф ҳажмини қисқартириш учун схематик чизмалардан фойдаланиш лозим.

Қуйидаги маълумотларни келтириш:

4.19 Лойиҳа мезонлари, масалан:

- Ҳаво узатиш тизими спецификацияси;
- ҳарорат;
- намлик;
- босим фарқи ва ҳаво алмашиш қарралиги;
- оддий узатиш ёки рециркуляция (%).

4.20 Фильтрлар конструкцияси ва самарадорлиги.

Вентиляция тизимга таалуқли ҳар қандай хабардор қилиш тизимини батафсил таърифлаш.

4.21 Фильтрларни алмаштириш муддатларини кўрсатиш.

4.22 Агар диоктилфталат қўллansa, унинг жойини кўрсатиш.

4.23 Тизим ревалидацияси муддатларини кўрсатиш.

4.24 Юқори захарли, хавфли ва кучли сенсбилизация хусусиятига эга бўлган моддалар билан ишлаш учун ажратилган махсус ҳудудларни кўрсатиш ва юқоридаги 16.3.1. бандда баён этилганга мувофиқ таърифлаш.

4.25 Сув таъминоти тизимларининг қисқача баёнини, шу жумладан санитар қайта ишлашни кўрсатган ҳолда келтириш (А4 форматда 2 варақ/500 та сўз).

Тизимларнинг схематик чизмалари, шунингдек қуйидаги ахборотни келтириш мақсадга мувофиқ:

4.26 Чизма, шу жумладан шаҳар тизими билан уланишни кўрсатган ҳолда.

4.27 Тизим қуввати (бир соатда бажариладиган максимал миқдор).

4.28 Идиш ва қувурлар конструкция материаллари.

4.29 Тизимдаги ҳар қандай фильтрлар спецификациялари.

4.30 Агар сув сақланса ва циркуляция қилинса, қайтиш нуқтасидаги ҳароратни кўрсатиш.

4.31 Ишлаб чиқариладиган сув спецификацияси:

- а) кимёвий таркиби;
- б) электрўтказувчанлиги;
- в) микробиологик тозаллиги.

4.32 Намуна олиш нуқталари ва синовлар муддатлари.

4.33 Санитар қайта ишлаш йўриқномаси ва муддатлари.

4.34 Техник хизмат кўрсатишни тавсифлаш (А4 форматда 1 варақ/250 та сўз):

(Мазкур илова матнида “техник хизмат кўрсатиш” ишлаб чиқарувчи томонидан, “сервис хизмат кўрсатиш” эса бошқа пудратчи томонидан бажарилади).

4.35 Режали профилактик техник хизмат кўрсатиш дастурини баён қилиш.

4.36 Техник ва сервис хизмат кўрсатиш учун ёзилган стандартларнинг маъқул шакллари бор-йўқлигини кўрсатиш. Сервис хизматини шартли равишда режага риоя қилиш ва

сервис хизмат кўрсатиш тафсилотлари муддатлари, таъмирлаш ва модификациялар баённомалаштириладими?

4.37 Техник хизмат кўрсатишнинг маълум тартибларини маҳсулот сифатига таъсир кўрсатиш имконияти аниқ белгиланганлигини кўрсатиш.

4.38 Фойдаланувчилар баённомалар билан танишганликларини кўрсатиш.

4.39 Асбоб-ускуналар:

Асосий технологик асбоб-ускуна ва назорат лабораториялари ускуналарини қисқача таърифлаш (А4 форматда 1 варақ/250 та сўз).

Ускуналарнинг моделлари ва модел рақамларини кўрсатиш талаб этилмайди. Аммо қуйидагиларни кўрсатиш тавсия этилади:

4.40 Асбоб-ускуна тегишли материалдан тайёрланганми (масалан, маҳсулот билан алоқага киришувчи ускуна учун тегишли маркадаги зангламайдиган пўлат)?

4.41 Бошқа материаллар тегишли валиядациядан ўтганми (масалан, полипропилен, хромланган листли латунь, нореактив пластик материаллар ва ҳ.к.)?

4.42 Асбоб-ускуна уни тозалашни осонлаштирадиган тарзда қурилганми?

4.43 Технологик ускуна учун фақат умумий таъриф, масалан, роторли таблетка пресси ва ҳ.к. Агар ускуна қўшимча қурилмаларга эга бўлса, бунини кўрсатиш лозим, масалан, принтерли автоматик тарози; ёрликлаш машинаси штрих-кодини ўқийдиган қурилма ўрнатилган; серия ва ярқилик муддатини белгилаш учун принтер; пар билан стерилизацияловчи қурилмаси бор сублимацион қуритиш ускунаси; бошқарув пульти бор, куракли, парракли ва турбинали аралаштиргичлар билан таъминланган реактор-аралаштиргич ва ҳ.к.

4.44 Лаборатория асбоб-ускунаси учун фақат умумий таъриф, масалан: газ хроматографи учун хроматографик қурилма параметрлари; компьютер тизимли юқори самарадор, суюқлик хроматографи, заррача ўлчамлари анализаторлари билан.

4.45 Микробиологик тадқиқотларга мўлжалланган асбоб-ускуналар учун умумий таъриф, масалан; инкубаторлар (ҳарорат диапазонлари), LAL-тест бажариш учун қурилма, мембранали филтрация усули билан стерилликни текшириш, антибиотикларни таҳлил қилиш учун ускуна ва ҳ.к.

4.46 Заводда компьютерлар, микропроцессорларнинг ишлатилиши бўйича қисқача ахборот ва ҳ.к.

4.47 Техник хизмат кўрсатиш:

Техник хизмат кўрсатишни қисқача таърифлаш (А4 форматда 1 варақ/250 та сўз) ва унда қуйидагиларни кўрсатиш:

4.48 Техник ва сервис хизмат кўрсатиш учун жавобгарлик кимнинг зиммасида?

4.49 Ёзма равишдаги йўриқномалар ва шартнома асосида амалга ошириладиган ишлар учун батафсил тузилган шартномалар борми?

4.50 Техник хизмат кўрсатиш маълум тартибларининг маҳсулот сифатига таъсири аниқ кўрсатилганми?

4.51 Баённомаларда қуйидагилар қайд этиладими:

1) сервис хизмат кўрсатиш/текширувлари тури ва муддатлари;

2) таъмирлаш хизмати ва модификацияларни батафсил таърифлаш?

4.52 Фойдаланувчилар баённомалар билан танишганми?

4.53 Квалификация, валидация ва калибровка (А4 форматда 3 варақ/750 та сўз):

UZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

4.54 Ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг квалификация ва валидация (истикболли ва ретроспектив)га нисбатан умумий сиёсатини қисқача тавсифлаш.

4.55 Критик ускуна мунтазам равишда ревалидациядан ўтказиладими.

4.56 Жараён валидациясини умумий кўринишда таърифлаш ёки мазкур илованинг 5.4 бандига мувофиқ маълумотга ҳавола қилиш.

4.57 Чиқариш ёки ишлаб чиқариш ва валидация вақтида ишлаб чиқарилган серияларни етказиб беришга рухсатнома бериш тизимини таърифлаш.

4.58 Компьютерларни валидациялаш тадбирлари, шу жумладан, дастурий таъминот валидацияси қандайлигини кўрсатиш.

4.59 Асбоб-ускуна калибровкасига нисбатан корхона сиёсатни таърифлаш ва баённомалар борлигини кўрсатиш.

4.60 Санитария. Ишлаб чиқариш ҳудудлари ва ускуналарни тозалаш йўриқномасини қисқача (А4 форматда 1 варақ/250 та сўз) баён қилиш, уларда қуйидагиларни кўрсатиш лозим:

4.61 Мазкур тозалаш методи ва муддатлари учун концентрацияси кўрсатилган тозалаш воситаларига ёзма спецификациялар ва тозалаш йўриқномалари борми?

4.62 Тозалаш воситалари вақти-вақти билан алмаштириладими?

4.63 Тозалаш йўриқномаси валидациядан ўтганми? Уларнинг самарадорлигини баҳолаш учун қандай усул қўлланди?

4.64 Кимёвий ёки микробиологик усуллар ёрдамида тозалаш усуллари доимий равишда назорат қилинадими?

4.65 Сув таъминоти, ҳавони қайта ишлаш ва чангни йўқ қилиш тизимлари учун тозалаш усуллари (ва уларнинг муддатлари) қандай?

5 Хужжатлар

5.1 Ишлаб чиқариш учун керакли хужжатларни тайёрлаш, қайта кўриш ва тақсимлаш бўйича чора-тадбирлар.

5.2 Бошқа ҳеч қаерда эслатилмайдиган, препарат сифатига мансуб бошқа ҳар қандай хужжатлар (масалан, ҳаво ва сувни микробиологик назорат қилиш).

Тавсия қилинади:

5.3 Хужжатлар ҳақида қисқача ахборот келтириш (А4 форматда 2 варақ/500 та сўз): (Мазкур бўлим ишлаб чиқаришда қўлланадиган барча хужжатларга тааллуқли. Ишлаб чиқариш дори воситалар технологик жараёни ва уларни назорат қилишга мансуб барча фаолият турларини қамраб олади.)

5.4 Хужжатларни тайёрлаш, қайта кўриш ва тақсимлаш бўйича чора-тадбирлар:

Хужжатлаштириш тизими баёни мавжудми, кўрсатинг?

Хужжатларни тайёрлаш, қайта кўриш ва тақсимлаш жавобгарлиги кимнинг зиммасида эканлигини кўрсатиш?

Асосий хужжатлар қаерда сақланишини кўрсатиш.

5.5 Хужжатлар қандай тузилиши тўғрисидаги стандарт шакллар ва кўрсатмалар борлигини кўрсатиш, хусусан қуйидагиларни:

а) маҳсулот/жараён спецификацияси;

б) хом ашё спецификацияси;

в) ўраб-жойлаш компонентлари спецификацияси;

г) технологик йўриқномалар, шу жумладан ўраб-жойлаш йўриқномаси;

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

д) серия баённомалари, шу жумладан ўраб-жойлаш ҳам;

е) аналитик йўриқномалар;

ж) сифат таъминоти йўриқномалари.

5.6 Хужжатлар қандай назорат қилинишини кўрсатиш.

5.7 Серия чиқарилганидан сўнг хужжатлар қанча муддат сақланишини кўрсатиш?

5.8 Электрон ёки микрофильм баённомаларни қайд этиш усуллари ҳақида батафсил тўхталиш.

5.9 Сифат назоратига мансуб бошқа хужжатлар ҳақида маълумотлар келтириш; хусусан, қуйидаги хужжатлар борлиги ва фойдаланилишини кўрсатиш:

5.10 Асбоб-ускуна спецификациялари.

5.11 Тозалаш материаллари спецификациялари.

5.12 Стандарт операцион жараёнлар.

5.13 Сифат назорати йўриқномалари.

5.14 Ўқитиш йўриқномалари.

5.15 Компьютер дастурлари спецификациялари.

5.16 Жараёнлардаги чекинишларни назорат қилиш бўйича хужжатлар.

5.17 Калибровка ва синовлар бўйича хужжатлар.

5.18 Валидация бўйича хужжатлар.

5.19 Хом ашё, асосий ўраб-жойлаш материаллари, яъни дастлабки ўраб-жойлаш материаллари ва тайёр маҳсулот сериялари учун босма материаллар балансини тузиш бўйича хужжатлар.

5.20 Доимий равишда фойдаланиладиган ҳар қандай қўшимча типик хужжатлар (турларини санаб ўтиш ва қисқача тушунтириш).

6 Технологик жараён

6.1 Мухим параметрлари кўрсатилган технологик чизмалар, жадваллар илова қилиб келтирилган технологик жараёнларнинг қисқача баёни (мазкур илованинг “Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури” бандига қаранг).

6.2 Хом ашё, ўраб-жойлаш материаллари ва қадоқланмаган ва тайёр маҳсулот билан ишлаш, шу жумладан, намуналарни саралаб олиш, карантин, чиқариш ва сақлашга рухсатнома бериш бўйича чора-тадбирлар.

6.3 Яроқсиз хом ашё ёки маҳсулотлар билан ишлаш чора-тадбирлари.

6.4 Жараён валидациясига нисбатан умумий сиёсатнинг қисқача баёни.

Тавсия қилинади:

6.5 Қуйидагиларни кўрсатган ҳолда технологик жараённи қисқача баён қилиш:

(Технологик жараён тўғрисидаги маълумотлар тавсифий шаклда келтириш лозим; улар минимал ҳажмга эга бўлиши керак; иложи борича умумлашган чизмаларни қўллаш лозим).

6.6 Мавжуд техник воситалар ёрдамида ҳудудда ўтказилиши мумкин бўлган жараёнларни ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини кўрсатган ҳолда тавсифлаш (мазкур илованинг 2.14 банди ва “Ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари” бўлимига қаранг).

Агар фақат ўраб-жойлаш амалга оширилса, унинг қисқача таърифини келтириш (масалан, тамғалаш, қадоқлаш ва ҳ.к.) ва қўлланилган бирламчи ўраб-жойлаш

материаллари (масалан, пакет, шиша контейнерлар, алюмин тубалар ва ҳ.к.) турини кўрсатиш лозим.

Цитотоксик ёки радиоактив моддалар билан ишлаш ҳолларида маҳсулотнинг батафсил тавсифини келтириш лозим.

Имкон қадар технологик чизмалардан фойдаланган ҳолда технологик жараёнларини тавсифлаш. Техник тафсилотлар талаб этилмайди.

Маҳсулот қай тариха идентификациялаштирилиши қилиниши ва технологик жараён вақтида сақлаш қандай ташкил этилганлигини таърифлаш.

6.7 Хом ашё, ўраб-жойлаш материаллари, қадокланмаган маҳсулот ва тайёр маҳсулот билан ишлаш, шу жумладан, намуналарни танлаб олиш, карантин, чиқариш ва сақлашга рухсатнома бериш бўйича чора-тадбирларни тавсифлаш, хусусан қуйидагилар бўйича:

а) етказиб берувчининг серия рақами ва ишлаб чиқарувчи корхона (компания) серияси рақамларини идентификациялаштириш,

б) намуна танлаб олиш режалари,

в) тамғалаш тартиби (масалан, ёрликлардан фойдаланган ҳолда ёки компьютерлар ёрдамида),

г) ишлаб чиқариш ва ўраб-жойлаш учун хом ашё ва материалларни бериш; ўлчашни назорат қилиш;

д) назорат усуллари,

е) ишлаб чиқаришда қўлланадиган моддаларни идентификациялаштириш ва улардан фойдаланишга рухсатнома бериш.

6.8 Қадокланмаган маҳсулотни ишлаб чиқариш назоратини таърифлаш:

а) ишлаб чиқариш жараёнида асосий параметрларни текшириш (масалан, аралаштириш вақти, филтрлар бутунлигини синовдан ўтказиш ва ҳ.к.),

в) асосий параметрлар баённомаларини тузиш,

г) ишлаб чиқариш жараёнидаги назорат,

д) ишлаб чиқариш жараёнидаги назорат баённомаларни тузиш,

е) рўйхатга олиш ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш.

6.9 Ўраб-жойлашни, хусусан, қуйидагиларни таърифлаш:

а) жойлаб-ўралмаган маҳсулот, оралик маҳсулот, ўраб-жойлаш материалларидан фойдаланишга рухсатнома бериш тартиби,

б) айнан ўзи эканлигини тасдиқлаш ва технологик линия тозаллигини текшириш тартиби,

в) ўраб-жойлаш жараёнида назорат.

6.10 Карантин ва тайёр маҳсулотни чиқаришга рухсатнома бериш тартибини баён қилиш; рўйхатга олиш ҳужжатларига мослигини баҳолаш.

6.11 Ваколатли шахс(лар) вазифасини тушунтириб бериш.

6.12 Яроқсиз маҳсулотлар ва препаратлар билан ишлаш чора тадбирларини баён қилиш, хусусан қуйидагиларни кўрсатиш:

6.13 Яроқсиз маҳсулотлар ва препаратлар аниқ тамғаланадими? Улар кириш чекланган алоҳида ҳудудларда сақланадими?

6.14 Ушбу материаллар ва уларни йўқотишга оид қарорларни қабул қилиш чора-тадбирлари. Йўқотиш баённомалаштириладими?

6.15 Жараённи валидация қилишнинг умумий сиёсатини қандай таърифлаш.

D'Z STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA

MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Жараён валидацияси баённомасини умумий кўринишда баён қилиш талаб этилади холос (4.56 бандга қаранг).

7 Сифат назорати

7.1 Сифат назорати тизими ва сифат назорати бўлими фаолиятини таърифлаш. Тайёр маҳсулотни чиқаришга рухсатнома бериш йўриқномаси.

Тавсия қилинади:

7.2 Қуйидагиларни кўрсатган ҳолда сифат назорати ҳақидаги ахборотни келтириш:

7.3 Сифат назорати бўлими фаолияти.

7.4 Таҳлилий синовлар, ўраб-жойлаш ва тикинловчи материаллар, биологик ва микробиологик синовларга оид фаолиятнинг қисқача баёни.

7.5 Серияни хужжатлаштиришни кўздан кечириш ва якуний хужжатларни бериш жараёнини батафсил баён қилиш, агар бу сифат назорати бўлимида амалга оширилса (2.40 бандга ҳам қаранг).

7.6 Хужжатларни тайёрлаш, қайта кўриб чиқиш ва тақсимлаш чора-тадбирларидаги иштирокни умумий кўринишда баён қилиш, айниқса, спецификацияга киритилган синов йўриқномалари ва чиқаришга рухсатнома бериш мезонларига оидларини, агарда улар бошқа ҳеч қаерда эслаб ўтилмаган бўлса (2.35 ва “Хужжатлар” бўлимининг 5 бандига қаранг).

8 Шартнома асосида ишлаб чиқариш ва таҳлил қилиш

8.1 Бажарувчининг GMP талабларига мослигини баҳолаш усулини баён қилиш.

Тавсия қилинади:

8.2 Шартнома бўйича ишлаб чиқариш ва таҳлилни қисқача баён қилиш, хусусан, буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги техник шартнома деталлари, шунингдек, препарат сифатининг рўйхатга олиш хужжатлар талабларига мослигини таъминлаш учун яхши ишлаб чиқариш (GMP) амалиёти талабларини бажаришни баҳолаш усули.

9 Дистрибьюция, рекламациялар ва маҳсулотни қайтариш

9.1 Тақсимлаш (дистрибьюция) чора-тадбирлари ва баённомалаштириш тизими.

9.2 Маҳсулот рекламацияси ва қайтариб олиш чора-тадбирлари.

Тавсия қилинади:

9.3 Дистрибьюция тўғрисидаги маълумотни келтириш:

9.4 Сақлаш ва дистрибьюция бўйича фаолиятни таърифлаш ва қуйидагиларни кўрсатиш:

Омборхона кўриқланадими?

Атроф-муҳит назорат қилинадими?

Совутилган ҳолатда сақлаш имконияти мавжудми?

Маҳсулот ва материаллар қандай сақланади, масалан, токчаларга жойлаштирилганми?

Маҳсулот мақоми қандай назорат қилинади, масалан, компьютер ёрдамида, ёрликлар ёрдамида?

Маҳсулотни истеъмолчиларга дистрибьюция қилишнинг қандай усуллари мавжуд?

Жўнатиш тартиби серия рақамининг керакликети келлиги ва идентификациясини таъминлайдими?

D:ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT N:ZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

9.5 Дистрибьюция бўйича фаолиятни баённомалаштириш бўйича ахборотни келтириш.

Сақланадиган баённомалар сериянинг сотилган санаси, харидор тўғрисидаги ахборот ва жўнатилган миқдор ҳақидаги ахборотга тегишли ташкилотдан истеъмолчигача бўлган бутун тарихини кузатиш имкониятини берадими? Ундан ташқари қуйидагиларни баён қилиш:

9.5.1 Рекламация билан ишлаш тартиби, қуйидагиларни кўрсатган ҳолда:

-Рекламация бўйича ёзма йўриқнома мавжудми?

9.5.2 Қуйидагилар учун ким масъул:

1) рўйхатга олиш;

2) тасниф;

3) рекламацияларни текшириш;

-Ҳисоботлар ёзма шаклда тузиладими?

- Ушбу ҳисоботларни ким кўриб чиқади?

- Рекламация баённомалари қандай муддатда сақланади?

9.5.3 Маҳсулотни қайтариб олиш тартиби қуйидагиларни кўрсатган ҳолда:

-Қуйидаги амалларнинг кетма-кет бажарилишини белгиловчи ёзма йўриқнома мавжудми:

а) тақсимот маълумотларини топиш,

б) харидорларни хабардор қилиш,

в) қайтарилган маҳсулотни олиш/алоҳида сақлаш/кўриб чиқиш,

г) сабабини текшириш ва ҳисобот бериш,

д) тўғриловчи ҳаракатлар ҳақида ҳисобот бериш?

- Маҳсулотни қайтариб олишни мувофиқлаштириш учун ким масъул?

- Ваколатли органни рекламация ва қайтариб олиш ҳақида ким хабардор қилади?

- Ваколатли орган рекламация ва қайтариб олиш ҳақидаги қарорларни кўриб чиқишда иштирок этадими?

- Чакана савдодан самарали қайтариб олиш имконияти мавжудми?

10 Ўз-ўзини назорат қилиш

10.1 Ўз-ўзини назорат қилиш тизимини қисқача баён қилиш.

Тавсия қилинади:

10.2 Ўз-ўзини назорат қилиш тизими сифатга таъсир қилувчи фаолият турлари режалаштирилган тадбирларга мос келишини баён қилиш.

10.3 Сифат назорати тизимини самарадорми, кўрсатинг.

10.4 Ўз-ўзини назорат қилиш тизими ва келгусидаги ҳаракатлар учун ёзма йўриқномалар мавжудми, кўрсатиш.

10.5 Ўз-ўзини назорат қилиш натижалари ҳужжатлаштирилиши, натижалари назорат қилинган ҳудуд ва фаолият учун масъул шахсларга етказилиши кўрсатилиши керак.

10.6 Мазкур тизим ҳудуд ёки фаолият учун масъул шахслар аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида ўз вақтида, тўғри ҳаракатларни амалга оширишини кафолатлайдими?

11 Ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури

UZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

A. Стерил дори воситалари:

A. 1 Суюқ дори воситалари (катта ҳажмдаги эритмалар, шунингдек парентерал юбориш учун катта ҳажмли эритмалар ва чайиш учун эритмалар:

A. 1.1 Асептик шароитда тайёрланадиган препаратлар.

A. 1.2 Бирламчи ўрамда стерилланадиган препаратлар.

A.2. Суюқ дори турлари (кичик ҳажмдаги эритмалар, шунингдек парентерал юбориш учун кичик ҳажмли эритмалар ва кўз томчилари):

A.2.1 Асептик шароитда тайёрланадиган препаратлар.

A.2.2 Бирламчи ўрамда стерилланадиган препаратлар.

A.3 Юмшоқ дори турлари.

A.4 Қаттиқ дори турлари.

A.4.1 Қаттиқ ҳолатда қадоқланадиган дори турлари.

A.4.2 Лиофилизацияланган дори турлари.

B. Ностерил дори воситалари:

B.1. Суюқ дори турлари.

B.2. Юмшоқ дори турлари.

B.3. Қаттиқ дори турлари:

B.3.1. Бир дозали шакл (таблетка, капсула, шамдорилар, пессарийлар).

B.3.2. Кўп дозали шакл (кукун, гранулалар).

C. Биологик дори воситалари:

C.1 Вакциналар.

C.2 Зардоблар.

C.3 Қон препаратлари.

C.4 Бошқа препаратлар (тавсифлаш).

D. Ўта токсик ва хавфли ФФИ-субстанциялар:

D.1 Пенициллинлар.

D.2 Цефалоспоринлар.

D.3 Гормонлар.

D.4. Цитостатиклар.

D.5 Бошқа ФФИ-субстанциялар (тавсифлаш).

E. Фақат қадоқ:

E.1 Суюқ дори турлари.

E.2 Юмшоқ дори турлари.

E.3 Қаттиқ дори турлари.

F. Шартнома асосида ишлаб чиқариш (препаратлар тури):

Ҳисобот берувчи фирма қуйидаги:

F.1. Ижрочи.

F.2 Буюртмачи.

G. Шартнома бўйича таҳлил:

Ҳисобот берувчи фирма қуйидаги:

E.1 Ижрочи.

E.2 Буюртмачи.

H. Клиник текширувлар учун дори воситалари.

**U'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

17-ИЛОВА

(мажбурий)

НАЗОРАТ ВА АРХИВ НАМУНАЛАРИ

Қўлланиш соҳаси

1.1 Дори воситаларини мақбул ишлаб чиқариш амалиёти бўйича қўлланма (GMP бўйича мазкур қўлланма) нинг мазкур иловаси бошланғич хом ашёнинг назорат намуналари, ўраб-жойлаш материаллари ёки тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотнинг архив намуналарини саралаб олиш ва сақлаш борасидаги кўрсатмалардан иборат.

1.2 Текширилаётган дори воситаларига нисбатан махсус талаблар мазкур қўлланманинг 11 иловасида қайд этилган.

1.3 Мазкур илова параллел равишда импорт қилинадиган/етказиб бериладиган дори воситалари учун архив намуналарини саралаб олиш борасидаги кўрсатмалардан иборат.

2 Тамойил

2.1 Намуналар икки мақсадда сақланади; биринчидан, таҳлилий тадқиқотлар учун намуна билан таъминлаш учун, иккинчидан, бутунлай тайёр бўлган маҳсулот намунаси билан таъминлаш учун. Шу тариқа, намуналарни иккита категорияга ажратиш мумкин:

Назорат намунаси (Reference sample): сақлаш муддати давомида серия ишига тааллуқли зарурат туғилганда таҳлил қилиш мақсадида сақланадиган хом ашё, ўраб-жойлаш материали ёки тайёр маҳсулот сериясидан намуна. Агар барқорорлик йўл қўйса, ишлаб чиқарувчи назорати доирасидан ташқарига етказиб бериладиган критик оралик босқичлар (масалан, таҳлилий синовлар ва чиқаришга рухсатнома талаб этувчи) ёки оралик маҳсулотлар назорат намуналарини сақлаш лозим.

Архив намунаси (Retention sample): тайёр маҳсулот сериясининг тўла қадокланган бирлиги намунаси. У идентификация мақсадида сақланади. Масалан, серия ишига алоқадор сақлаш муддати даврида намуна ёки қадок, ёрликлаш, қўлланиш йўриқномаси, серия рақами, яроқлилиқ муддатини тақдим этиш зарурати келиб чиқиши мумкин. Ушбу талаб намуна дубликатларини сақламаган ҳолда бажариладиган истисно ҳолатлар бўлиши мумкин, масалан, агар кичик сериялар турли бозорлар учун қадокланса ёки жуда қиммат дори воситалар ишлаб чиқарилганда.

Тайёр маҳсулот учун кўпгина ҳолларда назорат ва архив намуналари бир хил, яъни тўла қадокланган бирликлар сифатида тақдим этилади. Бундай ҳолларда назорат ва архив намуналари ўзаро алмашвчи намуналар деб қабул қилиниши мумкин.

2.2 Ишлаб чиқарувчи, импортчи ёки серияни чиқаришга рухсатнома бериш ҳудудида (мазкур илованинг 7 ва 8 бўлимларида кўрсатилганидек) тайёр маҳсулотнинг ҳар бир сериясидан назорат ва/ёки архив намуналари, ишлаб чиқарувчида эса – хом ашё (истиснолардан ташқари - мазкур илованинг 3.2 бандига қаранг) ва/ёки оралик маҳсулотнинг ҳар бир сериясидан назорат намуналари сақланиши лозим. Ҳар бир қадоклаш ҳудудида бирламчи қадоклаш материаллари ва босма материалларнинг ҳар бир сериясидан назорат намуналарини сақлаш лозим. Тайёр маҳсулотнинг назорат ва/ёки архив намуналарининг бир қисми сифатидаги босма материалларни сақлаш мақсадга мувофиқ.

2.3 Назорат ва/ёки архив намуналари тайёр маҳсулот ёки хом ашё баённомасининг бир қисми бўлиб, ва, масалан, дори шакллари сифатида оид рекламациялар, рўйхатга олиш досъесига **STANDARTLASH TIRISH VA MUVOFIQLASHTIRISH VA BOSHQARMASI** мувофиқ.

маркировка/кадоқ ёки фармоконазорат ҳисоботи борасидаги сўровномалар ҳолатида баҳоланиши мумкин.

2.4 Намуналарни кузатиб бориш баённомалари сақланиши лозим; уларни ваколатли органлар кўриши учун имкониятлар бўлиши керак.

3 Сақлаш муддати

3.1 Ҳар бир тайёр маҳсулот сериясининг назорат ва архив намуналарини маҳсулотнинг яроқлилик муддати тугаганидан сўнг камида бир йил сақлаш керак. Назорат намунаси бирламчи кадоқ ёки препарат бозорга чиқариладиган бирламчи контейнер материалдан бўлган кадоққа кадоқланиши керак.

3.2 ЎзРнинг амалдаги қонунчилигига биноан узоқроқ муддат сақлаш талаб этилган истисно ҳолатларни ҳисобга олмаганда, хом ашё намуналарини (ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган эритувчи, газ ёки сувдан ташқари), препарат чиқарилганидан сўнг камида икки йил давомида сақланиши керак. Материал (хом ашё) яроқлилик муддати, тегишли спецификацияда қамроқ кўрсатилган бўлса, сақлаш муддати қисқартирилиши мумкин.

4 Назорат ва архив намуналари миқдори

4.1 Назорат намунаси, тегишли ваколатли орган/органлар томонидан баҳоланган ва тасдиқланган рўйхатга олиш ҳужжатларига мувофиқ, камида иккита тўлиқ аналитик таҳлил ўтказиш имкониятини берадиган миқдорда бўлиши керак. Агар бундай таҳлил зарурати бўлса, ҳар доим таҳлил ўтказиш учун очилмаган кадоқлардан фойдаланиш лозим. Мазкур шартдан ҳар қандай таклиф этилаётган истисно, асосланиши ва ваколатли орган томонидан тасдиқланиши лозим.

4.2 Назорат намуналари ва, керак бўлса, архив намуналари миқдорига нисбатан амалдаги талабларга риоя қилиш лозим.

4.3 Назорат намуналари, улар саралаб олинган хом ашё серияси, оралик маҳсулот ёки тайёр маҳсулот учун репрезентатив бўлиши лозим. Шунингдек, жараённинг энг жиддий босқичлар назорати (масалан, жараён бошланиши ёки охири) учун бошқа намуналар ҳам тиклаб олиниши мумкин. Агар серия иккита ёки ундан ортиқ алоҳида операциялар ёрдамида кадоқланса, ҳар бир алоҳида кадоқлаш операциясидан камида биттадан архив намунани саралаб олиш лозим. Мазкур шартдан ҳар қандай таклиф этилаётган истисно, асосланиши ва ваколатли орган томонидан тасдиқланиши лозим.

4.4 Сўнгги ишлаб чиқарилган сериянинг яроқлилик муддати тугаганидан сўнг яна бир йил спецификацияларда келтирилган барча синовларни ўтказиш учун керакли таҳлилий материаллар ва қурилмалар сақланишини (ёки улардан фойдаланиш осон бўлишини) таъминлаш керак.

5 Сақлаш шартлари

5.1 Тайёр маҳсулот ва фаол ФФИ-субстанцияларининг назорат намуналари дори воситалар ва таъсир этувчи моддаларни сақлаш шартларини декларация қилиш бўйича қўлланманинг амалдаги версиясига мувофиқ сақланиши лозим.

5.2 Сақлаш шароитлари рўйхатдан ўтказиш ҳужжатиغا мувофиқ бўлиши керак (масалан, керак бўлса, пасайтирилган ҳароратда сақлаш).

6 Ёзма шартномалар

6.1 Агар рўйхатга олиш гувоҳномаси ағаси бир вақтнинг ўзида ЎзР да серияни чиқаришга масъул ҳудуд (ҳудудлар) номидан иш кўрувчи юридик шахс бўлмаса, назорат/архив намуналарини саралаб олиш ва сақлаш мажбурияти яхши ишлаб чиқариш

U'Z STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

амалиёти бўйича мазкур қўлланманинг 7 бўлимига мувофиқ икки томон ўртасидаги ёзма шартномада белгилаб олинishi лозим. Бу шарт ишлаб чиқариш ёки серияни чиқариш бўйича қандайдир фаолият, ЎзР бозоридаги серия учун умумий жавобгар бўлган ҳудудда амалга оширилмайдиган ҳолатлар учун ҳам тааллуқли; ёзма шартномада ҳар бир ҳудуд билан назорат ва архив намуналарини танлаб олиш ва сақлаш борасидаги келишувлар аниқлаб олинishi лозим.

6.2 Серияни сотиш учун сертификациялаган ваколатли шахс тегишли назорат ва архив намуналари, тегишли вақт ичида фойдаланиш имконияти борлигини кафолатлаши керак. Зарурат туғилганда, бундай имконият борасидаги барча келишувлар ёзма шартномада белгиланиши лозим.

6.3 Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда бирдан ортиқ ҳудуд иштирок этса, ёзма келишувлар борлиги назорат ва архив намуналарини саралаб олиш ва жойлаштиришни бошқаришнинг асосий шарти ҳисобланади.

7 Назорат намуналари – умумий ҳолатлар

7.1 Назорат намуналари таҳлил учун керак, демак, улардан валидацияланган методологияли лабораториялари фойдалана олиши лозим. ЎзРда ишлаб чиқарилган дори воситалар учун ишлатиладиган хом ашё учун намуналарни сақлаш жойи тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг дастлабки ҳудуди ҳисобланади. ЎзРда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар учун бундай сақлаш жойи дастлабки ишлаб чиқариш ҳудуди ҳисобланади.

Бошқа мамлакатларда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулот учун:

7.2 Ўзаро тан олиш ҳақида жорий келишув мавжуд бўлса (Mutual Recognition Agreement - MRA), назорат намуналари саралаб олиниб, ишлаб чиқарувчи ҳудудида сақланиши мумкин. Бу ёзма равишда (ушбу илованинг 6 бандларида кўрсатилганидек) импорт қилувчи/серияни чиқариш ҳудуди ва ЎзРдан ташқарида жойлашган ишлаб чиқарувчи ўртасида тузилган келишувда аниқлаб олинishi лозим.

7.3 Ўзаро тан олиш ҳақида жорий келишув мавжуд бўлмаса (MRA), тайёр дори воситаларининг назорат намуналарини саралаб, ЎзР ҳудудида жойлашган ваколатли шахсда сақлаш лозим. Ушбу намуналарни ишга тааллуқли барча томонлар ўртасидаги ёзма келишувга мувофиқ танлаб олиш лозим. Ушбу намуналарни импорт қилинаётган маҳсулот синовлари амалга оширилаётган жойларда сақлаш мақсадга мувофиқ.

7.4 Хом ашё ва қадоқлаш материалларининг назорат намуналари дори препаратларини вақтида, улар ишлатиладиган ҳудудларда сақланиши лозим.

8 Архив намуналари – умумий қоидалар

8.1 Архив намуналари тайёр дори воситалар сериясини ЎзРга дистрибьюторлар томонидан етказиладиган ҳолда бўлиши ва улар нотехник тавсифини тасдиқлаш учун таҳлил қилиш, рўйхатга олиш ҳужжатларига мослигини ёки ЎзР қонунчилигига мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадидаги таҳлиллар учун керак бўлиши мумкин. Демак, архив намуналари ҳар қандай ҳолатда ҳам ЎзР да бўлиши керак. Уларни тайёр маҳсулот сериясини сертификатловчи Ваколатли шахс жойлашган ҳудудда сақлаш мақсадга мувофиқ.

8.2 8.1 банд (юқорига қаралсин)га мувофиқ ўзаро тан олиш ҳақида жорий шартнома (MRA) мавжуд бўлиб, назорат намуналари ЎзР дан ташқаридаги давлатдаги ишлаб чиқарувчида сақланса, алоҳида архив намуналари амалдаги қонунчиликка мувофиқ ЎзРда сақланиши шарт. (юқоридаги 7.2 бандга қарама-қарши)

8.3 Архив намуналари етарли маълумотга эга бўлган ваколатли шахс ундан шошилишч фойдалана олишига имкон берадиган лицензияга эга ишлаб чиқарувчида сақланиши лозим.

8.4 Тегишли препаратни ишлаб чиқариш/импорт қилиш/қадоқлаш/синовдан ўтказиш/ишлаб чиқаришга рухсатнома беришда ЎзРдаги бирдан ортиқ ишлаб чиқариш худудлари иштирок этса, архив намуналарини танлаб олиш ва сақлаш учун масъулият иштирок этаётган томонлар ўртасида ёзма келишувларда аниқланиши лозим.

9 Параллел импорт қилинадиган / етказиб бериладиган назорат ва архив намуналари

9.1 Агар иккиламчи қадоқ очилмаса, ишлатиладиган қадоқлаш материални сақлаш лозим, зеро маҳсулотни адаштириб юбориш хавфи йўқ ёки у катта эмас.

9.2 Агар иккиламчи қадоқ, масалан, картон қутиси ёки қўллаш йўриқномасини алмаштириш учун очилса, ичида препарати бор битта назорат намунаси қадоқлаш жараёнидан сўнг танлаб олиниши лозим, зеро, комплектация жараёнида маҳсулотнинг алмашиб кетиш хавфи бор. Алмашиб кетишда ким (дастлабки ишлаб чиқарувчи ёки параллел импорт қилинадиган препаратлар қадоқчиси) жавобгар эканлигини аниқлаш муҳим бўлиб, бу қайтариб олиш оқибатида ишлаб чиқариладиган маҳсулот кўламига таъсир қилиши мумкин.

10 Ишлаб чиқарувчи фаолияти тўхтатилган ҳолатдаги назорат ва архив намуналари

10.1 Агар ишлаб чиқарувчи фаолиятини тўхтатиб, ишлаб чиқариш лицензияси бекор қилинса, тўхтатилса, бозорда мана шу ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган ва яроқлилиқ муддати ўтиб кетмаган кўплаб дори воситалар қолган бўлиши мумкин. Бозорда қолган сериялар учун ишлаб чиқарувчи сақлаш бўйича ваколатли худудга назорат ва архив намуналарини бериш бўйича батафсил келишув (шунингдек, GMP бўйича тегишли хужжат) тузиши керак. Ишлаб чиқарувчи, ваколатли органи сақлаш келишувлари қониқарли эканлигини намуналар эса осон олинадиган жойда ва уларни таҳлил қилиш мумкинлигини қафолатлаши керак.

10.2 Агар ишлаб чиқарувчи керакли келишувларни тузиш учун жойида бўлмаса, бу вазифа бошқа ишлаб чиқарувчига топширилиши мумкин. Рўйхатга олиш гувоҳномаси эгаси бу тариқа ваколатни ўтказиш ва ваколатли органга керакли ахборотни етказиш учун масъул. Ундан ташқари, рўйхатга олиш гувоҳномаси эгаси бозорида яроқлилиқ муддати тугамаган серия сотилаётган ЎзР ваколатли органи билан назорат ва архив намуналарини сақлашга оид таклиф этилаётган келишувларнинг мақсадга мувофиқлиги борасида маслаҳатлашиши керак.

10. Бу талаблар ЎзРдан ташқаридаги ишлаб чиқарувчи ўз фаолиятини тўхтатган ҳолатларга ҳам тааллуқли. Бу ҳолларда импортчи қониқарли келишувлар борлигини таъминлаш ва ваколатли орган/органлар билан маслаҳатлар ўтказилганлиги учун алоҳида масъулдир.

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHITIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHITIRISH
BOSHQARMASI

18-ИЛОВА

СИФАТГА ОИД ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШ
(Тавсиявий)

КИРИШ

Хавф-хатарларни бошқариш тамойиллари бизнес ва давлат бошқарувининг кўплаб соҳалари, шу жумладан, молия, суғурта, меҳнат муҳофазаси, соғлиқни сақлаш, фармаконадзорат ва ушбу секторларни бошқарадиган ташкилотларда самарали қўлланилади. Сифат учун хавф-хатарларни бошқаришнинг фармацевтик соҳада қўлланишига мисоллар маълум бўлса-да, улар анчагина чекланган бўлиб, хавф-хатарларни бошқаришни таклиф этиши мумкин бўлган қўлланиш соҳасини тўла акс эттира олмайди. Ундан ташқари, фармацевтик саноатда сифат тизимининг аҳамияти тан олинган бўлиб, сифат учун хавф-хатарларни бошқариш самарали сифат тизимининг қимматли бўлими эканлиги ойдинлашди.

Одатда хавф-хатар бу зарар етказиш ва ушбу зарар оғирлиги эҳтимоллигининг уйғунлиги деб қабул қилинган. Аммо турли манфаатдор томонлар ўртасида хавф-хатарларни бошқаришни қўллашда тушунишга эришиш мушкул, зеро ҳар бир манфаатдор томон турли даражадаги зарарни кўриши, ҳар бир эҳтимолий зарарни турлича баҳолаши, ҳар бир зарар турига турли оғирлик даражасини белгилаши мумкин. Манфаатдор томонларнинг кўплиги боис, шу жумладан, беморлар ва амалиётчи шифокорлар, ҳукумат ва саноат, фармацевтик препаратларга нисбатан сифат учун хавф-хатарларни бошқариш орқали беморни ҳимоя қилиш энг муҳим йўналиш сифатида қабул қилиниши лозим.

Дори воситаларини, шу жумладан, уларнинг таркибий қисмларини ишлаб чиқариш ва қўллаш, доим маълум даражадаги хавф-хатар билан боғлиқ. Уларнинг сифати учун хавф-хатар умумий хавф-хатарнинг бир қисмигина холос. Маҳсулотнинг сифати, сифат учун муҳим бўлган кўрсаткичлари, унинг бутун яшаш даври мобайнида дори воситасининг клиник синовларда ишлатилган намуналардагидек сақланиши кераклигини тушуниш жуда муҳим. Сифат учун хавф-хатарларни самарали бошқариш ёндашуви, ундан ташқари ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш мобайнида сифат борасидаги муаммоларни аниқлаш ва назорат қилиш профилактик чора-тадбирларини таклиф этиб, бемор учун дори воситасининг юқори сифатини таъминлаши мумкин. Ундан ташқари, сифат учун хавф-хатарларни бошқаришни қўллаш, сифат билан боғлиқ бўлган муаммоларда қарор қабул қилиш жараёнини яхшилаши мумкин. Сифат учун хавф-хатарларни самарали бошқариш энг яхши, кўпроқ ахборотлашган қарорларни қабул қилишда ёрдам бериши, ваколатли бошқарувчи органларига компаниянинг потенциал хавф-хатарлар билан ишлаш имконияти борасида катта ишонч бериши, назорат органларининг назорат ҳажми ва даражасига ижобий таъсир қилиши мумкин.

Мазкур ҳужжатдан мақсад – сифат учун хавф-хатарларни бошқаришнинг тизимли ёндашувини таклиф этиш. У “Сифат” бўлимидаги бошқа ICH ҳужжатларга боғлиқ бўлмаган ҳолда сифат бўйича мавжуд услубий материаллар, фармацевтик саноат ва уни тартибга солиш соҳасидаги стандарт ва қўлланмаларни қўллаб-қувватлайди ва тўлдиради. У, хусусан, ҳам ваколатли тартибга солиш органлари, ҳам сифат учун дори воситаларининг яшаш даври давомида унинг сифатини таъминлаш учун хавф-хатарларга

DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

асосланган самарали ва изчил қарорлар қабул қилишга кўмаклашиши мумкин. Хужжат мавжуд талабларни тўлдириш учун янги тартибга солиш қоидаларини киритиш мақсадини кўзламайди.

Хавф-хатарларнинг формаллашган бошқариш жараёнини (маълум инструментларни ва/ёки ички жараёнлар, масалан стандарт операцион жараёнлар (СОП)) ни қўллаш доим ҳам ўринли ва зарур эмас. Хавф-хатарларни бошқаришнинг ноформал жараёнини қўллаш ҳам ўринли бўлиши мумкин (эмпирик усуллар ва/ёки ички жараёнлар). Сифат учун хавф-хатарларни бошқаришни самарали қўллаш, ишлаб чиқарувчиларнинг ваколатли тартибга солиш органларининг талабларига риоя қилишини енгиллаштириши мумкин, аммо улардан озод қилмайди ва саноат ҳамда ваколатли тартибга солиш органлари ўртасидаги мақбул мулоқот ўрнини босмайди.

1 Қўлланиш соҳаси

Мазкур қўлланма фармацевтик сифатнинг турли жабҳалари, шу жумладан, ишлаб чиқиш, реализация, инспекциялаш, дори воситалар, биологик ва биотехнологик препаратлар (шу жумладан, хом ашё, эритувчилар, ёрдамчи моддалар, ўраб-жойлаш ва ёрлиқлаш материалларидан фойдаланиш)нинг яшаш даври мобайнидаги рўйхатга олиш аризаларини тақдим этиш ва кўриб чиқишга татбиқ этилиши мумкин бўлган сифат учун хавф-хатарларни бошқариш тамойиллари ва йўлларини акс эттиради.

2 СИФАТ УЧУН ХАВФ-ХАТАРНИ БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Қуйидаги иккита тамойил сифат учун хавф-хатарларни бошқаришда асосий ҳисобланади:


- Сифат учун хавф-хатарини баҳолаш илмий билимларга асосланиши керак ва натижада беморни ҳимоялаш билан боғлиқ бўлиши лозим;
- Сифат учун хавф-хатарларни бошқариш жараёни ҳаракатлари, расмий ҳолати ва хужжатлари даражаси хавф-хатар даражасига мувофиқ бўлиши керак.

3 СИФАТ УЧУН ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ УМУМИЙ ЖАРАЁНИ

Сифат учун хавф-хатарларни бошқариш маҳсулотнинг бутун яшаш даври мобайнида дори воситалари сифати учун хатарларни баҳолаш, назорат қилиш, коммуникация ва қайта кўриб чиқиш учун тизимли жараён ҳисобланади. Сифат учун хавф-хатарларни бошқариш модели чизмада кўрсатилган (1 расм). Бошқа моделлар ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу тизимнинг ҳар бир алоҳида компоненти бир ҳолатдан иккинчи ҳолатгача ўзгариши мумкин, аммо ишончли жараён барча элементларни шундай батафсил маълум бир хавфга мувофиқ келадиган даражасигача кўриб чиқишни ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган чизмада қарор қабул қилиш нуқталари кўрсатилмаган, зеро, қарор жараённинг ҳар қандай нуқтасида қабул қилиниши мумкин. Бу қарорлар қуйидагича бўлиши мумкин: олдинги қадамга қайтиш ва қўшимча баҳолашни қидириш, хавф-хатар моделларини тартибга солиш ёки стандартларни қўллаб-

кувватловчи ахборотга асосланган хавф-хатарни бошқариш жараёнини аниқлаш. Ушбу чизмадаги “тўғри келмайдиган” изоҳи нафақат меъёрий, қонунчилик ёки тартибга солувчи талабларни бажаришга тааллуқли, улар шунингдек, хавф-хатарларни баҳолаш жараёнига қайтиш заруратини аниқлатади.



4 Масъулият

Одатда, аммо доим эмас, сифат учун хавф-хатарларни бошқариш ҳаракатлари турли соҳалардаги мутахассислар гуруҳи томонидан амалга оширилади. Гуруҳни шакллантиришда унинг таркибига сифат учун хатарни бошқариш жараёни соҳасидаги мутахассисларга қўшимча равишда тегишли соҳа мутахассисларини (сифат хизмати, тижоратни ривожлантириш бўлими, муҳандислик хизмати, тартибга солиш масалалари, ишлаб чиқариш, сотиш ва маркетинг, юридик бўлим, статистика гуруҳи, клиник тадқиқотлар) киритиш лозим.

Қарор қабул қилувчи шахслар қуйидагиларга мажбур:

- Ўз ташкилотининг турли хизматлари ва бўлинмалари ўртасида сифат учун хатарларни бошқаришни мувофиқлаштиришга жавобгар бўлиш;
- сифат учун хатарларни бошқариш жараёни аниқланганлигини, қўлланиши ва қайта кўриб чиқиладигани, ва бунинг учун оқилона манбалар борлигини кафолатлаши.

5 Сифат учун хавф-хатарларни бошқариш жараёнини бошлаш.

Сифат учун хатарларни бошқариш хатарга оид илмий асосланган қарорларни мувофиқлаштириш, энгиллаштириш ва яхшилаш учун систематик жараёнларни ўз ичига олиши керак. Сифат учун хатарларни бошқариш жараёнини бошлаш ва режалаштириш учун қўлланадиган қуйидаги ҳаракатлар бўлиши мумкин:

- Муаммо ва/ёки хавф-хатарни, шу жумладан, хавф-хатарлар бўлиши мумкинлигини аниқлайдиган тегишли тахминлар;
- Хатарни баҳолаш учун хавф, зарар, дастлабки ахборотни ва инсон соғлигига таъсири ҳақидаги маълумотларни йиғиш;
- Бошлиқни тайинлаш ва керакли ресурсларни ажратиш;
- Иш жадвали тузиш, кутиладиган натижалар ва хатарларни бошқариш жараёни учун қарор қабул қилишнинг мақбул даражасини аниқлаш.

6 Хатарларни баҳолаш

6.1 Хатарларни баҳолаш хавфларни идентификатлаштириш, хатарларни таҳлил қилиш ва ушбу хавф-хатарларга (қуйида берилгандек) таъсир қилиш билан боғлиқ бўлган хатарлар ҳақида хулосалар чиқаришдан иборат. Сифат учун хатарларни баҳолаш, муаммоларни ёки хатарларни батафсил тавсифлашдан бошланади. Кўриб чиқиладиган хатар аниқ белгиланганда хатарларни бошқаришнинг мақбул усуллари ва мана шу хатарларни кўриб чиқиш учун зарур ахборот турларини танлаш осонроқ кечади (5-бўлимдаги мисолларга қаранг). Хатарларни бошқаришда уларни аниқ белгилаш учун ёрдам тариқасида кўпинча учта фундаментал савол фойдали бўлади:

1. Нима нотўғри кетиши мумкин?
2. Бу нотўғри кетишининг эҳтимоли қандай?
3. Оқибатлари (оғирлиги) қандай бўлиши мумкин?

6.2 Хатарларни идентификатлаштириш – бу кўриб чиқиладиган хатарга ҳавола қилган ҳолда хавфларни идентификатлаштириш учун ахборотдан систематик равишда фойдаланиш ёки муаммони таърифлаш. Ахборотда тарихий маълумотлар, назарий таҳлил, ахборот етказилган шахслар фикри, манфаатдор томонлар хавфлари бўлиши мумкин. Хатарларни идентификатлаштириш “Нима нотўғри кетиши мумкин?” деган саволга, шунингдек, эҳтимолий оқибатларни аниқлашга ҳам тааллуқли. Бу сифат учун хатарларни бошқариш жараёнидаги бўлғуси қадамлар учун асос ярашади.

6.3 Хатарлар таҳлили – бу идентификация қилинган хавфлар билан боғлиқ хатарларни баҳолаш. Бу зарарнинг келиб чиқиши ва унинг оғирлигини боғлаб турувчи сифат ёки миқдорий жараён. Хатарларни бошқаришнинг айрим усулларида зарарни аниқлаш имконияти хатарни баҳолашнинг кўшимча омили саналади.

6.4 Хатарлар ҳақидаги хулосалар идентификация қилинган ва таҳлил қилинган хатарларни хатарнинг берилган мезонлари билан қиёслайди. Хатарлар ҳақидаги хулоса барча учта фундаментал савол бўйича далилларнинг ишончилигини кўриб чиқади.

Хатарларни самарали баҳолаш учун олинган маълумотлар ишончилиги муҳим, зеро у натижа сифатини белгилайди. Тахминларнинг тушунтирилиши ва ноаниқликлар манбасини асослаш натижага ишончни оширади ва/ёки унинг чегараларини аниқлаш имконини беради. Ноаниқлик жараён ҳақидаги тўлиқ бўлмаган ахборот билан унинг кутилаётган ва олдиндан кўриб бўлмайдиган ўзгарувчанлигининг уйғунлиги натижасида пайдо бўлади. Ноаниқликнинг типик манбалари билимларнинг етарли эмаслиги (масалан фармацевтика илми соҳасида ва жараённи тушунишдаги оқсашлар), зарарнинг сабаблари (масалан, жараённи рад этиш механизмлари, ўзгаришлар манбалари) ва муаммоларни аниқлаш эҳтимоли бўлиши мумкин.

Хатарларни баҳолаш натижалари хатарни миқдорий баҳолаш ёки хатар кўламини сифатини тавсифлаш бўлиши мумкин. Агар хатар миқдорий намоён этилган бўлса, рақамли эҳтимоллар шкаласи қўлланилади. Ёхуд хатар сифат кўрсаткичларни, масалан, “юқори”, “ўртача” ёки “паст” кабиларни қўллаш билан ифодаланиши мумкин, уларни иложи борича аниқроқ таърифлаш керак. Баъзан хатарларни таснифлашда кўрсаткичларни аниқлаш учун хатарларни оддий баллар билан баҳолаш қўлланилади. Хатарларни миқдорий баҳолашда тахминий баҳо хатарлар манбалари мажмуи билан характерланадиган берилган ҳолатлардаги ўзига хос оқибатлар эҳтимолини кўрсатади. Шу тариқа, хатарларни миқдорий баҳолаш битта аниқ оқибат учун фойдали. Хатарларни бошқаришнинг айрим муқобил усулларида қиёсий хатарни умумий баҳолашдаги оғирлик ва эҳтимолликнинг бир нечта даражасини комбинация қилиш йўли билан хатарни қиёсий ўлчаш қўлланилади. Оралиқ босқичларда, шкалани ўрнатиш жараёнида баъзан хатарларни миқдорий баҳолаш қўлланилади.

7 Хатарни назорат қилиш

7.1 Хатарни назорат қилиш хатарни камайтириш ва/ёки уни тан олиш бўйича қарор қабул қилишни ўз ичига олади. Хатарни назорат қилишдан мақсад, хатарни мақбул даражагача камайтиришдир. Хатарни назорат қилишга сарфланган ҳаракатлар миқдори хатар аҳамиятига мутаносиб бўлиши керак. Хатар бўйича қарор қабул қиладиган шахслар хатарни назорат қилишнинг оптимал даражасини тушуниш учун турли жараёнлар, шу жумладан фойда/ҳаражат нисбатини таҳлил қилишни қўллашлари мумкин.

Хатарни назорат қилиш қуйидаги масалаларга қаратилиши мумкин:

- Хатар мақбул даража доирасидан чиқмоқдами?
- Хатарни камайтириш ёки йўқотиш учун нима қилиш мумкин?
- Фойда, хатар ва ресурслар ўртасидаги оптимал баланс қандай?
- Идентификация қилинган хатарларни назорат қилиш натижасида янги хатарлар пайдо бўладими?

7.2 Хатарларни камайтириш хатарлар маълум бир (мақбул) чегаралардан чиққанда сифат учун хатарларни камайтириш ёки йўқотиш жараёнларига қаратилган (1-расмга қаранг). Хатарни камайтириш зарар эҳтимолини камайтириш ва эҳтимолини

пасайтириш бўйича ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин. Сифат учун хавф ва хатарларни аниқлаш имкониятини яхшиловчи жараёнлар хатарларни назорат қилиш стратегиясининг бир қисми сифатида қўлланиши мумкин. Хатарларни пасайтириш бўйича тадбирларни бажаришда тизимда янги хатарлар пайдо бўлиши ёки мавжуд хатарларнинг аҳамияти ортиши мумкин. Шунинг учун хатарни пасайтириш жараёни амалга оширилганидан сўнг хатардаги бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва баҳолаш учун хатарни баҳолашни қайта кўриб чиқиш маъқул.

7.3 Хатарни қабул қилиш – бу хатарни қабул қилиш қарори. Хатарни қабул қилиш қолдиқ хатарни қабул қилиш борасидаги расмий қарор бўлиши мумкин ёки бу қолдиқ рисклар аниқланмаслиги мумкин бўлган қарорни пассив равишда қабул қилмасликда ифодаланиши мумкин. Зарарнинг айрим турлари учун ҳатто сифат учун хатарларни бошқаришнинг энг яхши усуллари ҳам хатарни бутунлай йўқ қилолмайди. Бундай ҳолларда сифат учун хатарларни бошқариш бўйича энг мақбул стратегия қўлланганлиги ва сифат учун хатар маълум (мақбул) даражагача пасайганлигини маъқуллаш мумкин. Бу мақбул даража кўплаб параметрларга боғлиқ бўлиб, ҳар бир аниқ ҳолатда аниқлаб олиниши лозим.

8 Хатар ҳақида ахборот бериш

8.1 Хатар ҳақида ахборот бериш – қарор қабул қилувчи ва бошқа шахслар ўртасида хатар ва уни бошқариш ҳақидаги ахборот алмашиш ёки узатиш. Томонлар хатарларни бошқаришнинг исталган босқичида бир-бири билан боғланиши мумкин (1 расмга қаранг: пунктир йўналишли кўрсаткичлар). Сифат учун хатарларни бошқариш жараёни натижалари ҳужжатлаштирилиши ва тегишли томонга хабар қилиниши лозим (1 расмга қаранг: сидирға йўналишли чизиқлар). Ахборот алмашиш манфаатдор томонлар, масалан, назорат органлари ва саноат, ишлаб чиқарувчилар ва беморлар, компания, соҳа ёки ваколатли тартибга солиш органи билан алоқани ўз ичига олиши мумкин. Бунда ахборот сифат учун хатарнинг мавжудлиги, табиати, шакли, эҳтимоли, оғирлиги, мақбуллиги, назорати, хатарни тўғрилаш, аниқлаш ёки унинг бошқа жабҳаларига тааллуқли бўлиши мумкин. Ҳар бир хатарни қабул қилишда бу каби маълумот алмашишни амалга ошириш шарт эмас. Ишлаб чиқарувчилар ва сифат учун хатарларни бошқариш борасидаги назорат органлари тегишли меъёрий ҳужжатлар ва қўлланмаларда белгиланган мавжуд йўллар бўйича амалга ошиши мумкин.

8.2 Хатарларни қайта кўриб чиқиш

Хатарларни бошқариш сифатни бошқариш жараёнининг давом этувчи қисми бўлиши лозим. Воқеаларни қайта кўриб чиқиш ёки мониторинг қилиш механизмини жорий қилиш керак.

Янги билим ва тажрибани эътиборга олган ҳолда хатарларни бошқариш жараёни натижаларини қайта кўриб туриш лозим. Хатарларни бошқариш жараёни бир марта бошланиб, режалаштирилган (масалан, маҳсулот кўздан кечириш натижалари, инспекция, аудит, ўзгаришлар назорати) ёки режалаштирилмаганидан (масалан, аниқланган номувофиқлик сабаби, маҳсулотни қайтариб олиш) қатъий назар уни сифат учун хатарларни бошқариш бўйича дастлабки қарорга таъсир қилиши мумкин бўлган воқеаларга қўллаш учун давом этиши лозим. Қайта кўриш вақт оралиқлари хатар даражаси билан белгиланиши керак. Хатарларни қайта кўриб чиқиш хатарларни қабул қилиш бўйича қарорларни қайта баҳолашни ўз ичига олиши мумкин (4 бўлим).

UZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT N ZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARM SI

8.3 Хатарларни бошқариш методологияси

Сифат учун хатарларни бошқариш қарор қабул қилишнинг илмий ва амалий ёндашувини қўллаб қувватлайди. У хавф-хатар эҳтимоли, оғирлиги, баъзан эса аниқланиши, яъни хатарни аниқлаш эҳтимолига асосланганидан, сифат учун хатарларни бошқариш жараёни босқичларини бажариш учун ҳужжатлаштирилган, аниқ ва қайта амалга оширилиши мумкин бўлган усулларида иборат.

Анъанага кўра сифат учун хатарлар масалан, кузатишлар, тенденциялар ва бошқа ахборотни умумлаштиришга асосланган турли ноформал усуллар (эмпирик усуллар ва/ёки ички жараёнлар) орқали баҳоланган ва бошқарилган. Бундай ёндашувлар даъволарни кўриб чиқиш, сифат нуқсонлари, жараёнлар ва спецификация талаблардан чекиниш, ресурсларни тақсимлаш каби соҳаларда қўлланилиши мумкин бўлган фойдали ахборот беришда давом этмоқда.

Қўшимча равишда фармацевтик саноат ва ваколатли тартибга солиш органлари хатарларни бошқаришнинг тан олинган усуллари ва/ёки ички жараёнларни (масалан, стандарт операцион жараёнлар (СОЖ)) қўллаб, хатарларни баҳолаши ва бошқариши мумкин. Қуйида хатарларни бошқаришнинг айрим усулларнинг рўйхати келтирилган (батафсилроқ 1 Илова ва 8 бобга қаранг):

- Хатарларни бошқаришни осонлаштирувчи асосий усуллар (тармоқ графиклари, назорат хариталари ва ҳ.к.);
- Воз кечишлар тури ва оқибатлари таҳлили (FMEA);
- Воз кечишлар тури, оқибатлари ва кескинлиги таҳлили (FMECA);
- Хатолар дарахти таҳлили (FTA);
- Хавф таҳлили ва критик назорат нуқталари (НАССР);
- Хавф ва ишга туширишга яроқлиликни текшириш (HAZOP);
- Хатарнинг дастлабки таҳлили (РНА);
- Хатарларни таснифлаш ва ажратиш;
- Қўлловчи статистик инструментлар

Ушбу усулларни фаол фармацевтик ФФИ-субстанциялар ёки дори препарати сифатига мансуб ихтисослашган соҳаларда қўллаш учун мослаштириш мумкин. Сифат учун хатарларни бошқариш усуллари ва қўллаб-қувватловчи статистик инструментлар бир вақтнинг ўзида қўлланилиши мумкин (масалан, хатар эҳтимолини баҳолаш). Турли усулларни қўллаш сифат учун хатарларни бошқариш тамойилларини қўллашни енгиллаштириши мумкин.

Сифат учун хатарларни бошқаришни жиддийлиги ва уларни шакллантирилиши улар мансуб бўлган муаммонинг мураккаблиги ва/ёки кескинлигига мос келиши керак.

Сифат учун хатарларни бошқаришни ишлаб чиқариш ва тартибга солиш жараёнларига интеграция қилиш

Сифат учун хатарларни бошқариш – бу сифат тизимларига интеграциялашган, илмий асосланган ва амалий ечимларни қўллаб-қувватлайдиган жараёндир (II Иловага қаранг). Кириш қисмида таъкидланганидек, сифат учун хатарларни бошқаришни мақбул қўллаш саноатни назорат органларининг талабларига риоя қилиш мажбуриятидан озод қилмайди. Сифат учун хатарларни самарали бошқариш энг яхши ва энг ахборотлашган қарорларни қабул қилишда ёрдам бериши, назорат органларига компаниянинг потенциал хатарлар билан ишлаш қобилиятида катта ишонч билдириш ва тартибга солиш

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

назорати даражасига таъсир этиши мумкин. Ундан ташқари, сифат учун хатарларни бошқариш барча томонларнинг ресурслардан унумлироқ фойдаланиши учун имкон беради.

Ишлаб чиқариш мутахассислари ва нazorat органлари ходимларини сифат учун хатарни бошқаришни ўргатиш қарор қабул қилиш жараёнларини яхшироқ тушунишга олиб келиб, сифат учун хатарларни бошқариш натижаларига бўлган ишонччи мустаҳкамлайди.

Сифат учун хатарларни бошқариш мавжуд жараёнларга интеграцияланиши ва тегишли шаклда хужжатлаштирилиши лозим. II Иловада сифат учун хатарларни бошқаришни қўллаш турли фармацевтик жараёнларда қўлланилиши мумкин бўлган ахборотни тақдим этишидаги турли ҳолатларга мисоллар келтирилган. Бу мисоллар фақат иллюстрация учун келтирилган бўлиб, уларни яқуний ва тугал рўйхат деб қараш керак эмас. Бу мисоллар амалдаги тартибга солиш хужжатларида баён этилган талаблар доирасидан чиқадиган янги кутилмаларни яратиш мақсадини кўзламайди.

Ишлаб чиқариш ва тартибга солиш жараёнларига мисоллар (II Иловага қаранг):

- Сифатни бошқариш.

Ишлаб чиқариш жараёнлари мисоллари (II Иловага қаранг):

- Ишлаб чиқариш (препаратлар ва жараёнлар);
- Бинолар, асбоб-ускуналар, ёрдамчи тизимлар;
- Материалларни бошқариш;
- Ишлаб чиқариш;
- Лаборатория нazorati ва барқарорликни синаш;
- Ўраб-жойлаш ва ёрликлаш;

Назоратчи органлар ҳатти-ҳаракатларидан намуналар (II Иловага қаранг):

- Рўйхатга олиш аризаларни кўриб чиқиш ва инспекция қилиш.

Назорат органлари қарорлари бундан буён ҳам минтақавий миқёсда қабул қилинса-да, хатарларни бошқариш тамойилларини умумий тушуниш ва қўллаш ўзаро ишончга таъсир қилиши ва нazorat органлари ўртасида битта ахборот асосида мувофиқлашган қарорларнинг қабул қилинишига кўмаклашиши мумкин. Бу ҳамкорлик сифат учун бошқариш амалиётини яқинлаштирувчи ва қўллаб-қувватловчи сиёсат ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш масаласида муҳим бўлиши мумкин.

8.5 Таърифлар

Хавф-хатар таҳлили

Аниқланган хавфлар билан боғлиқ хавф-хатар даражасини аниқлаш.

Зарар

Соғлиқ учун зарар, шу жумладан сифатсиз маҳсулот ёки препарат йўқлиги натижасида етказилиши мумкин бўлган зарар.

Аниқланиш

Хавф мавжудлиги ёки борлигини аниқлаш имконияти.

Маҳсулотнинг яшаш даври

Маҳсулотнинг барча яшаш фазалари, дастлабки ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва уни сотишдан бошлаб, уни ишлаб чиқаришни ва ундан фойдаланишни тўхтатишгача бўлган давр.

Манфаатдор томон

Хавф-хатар таъсир қилишига, уни таъсири остига тушишга мойил ёки ўзини хатар таъсирига тушган деб ҳисоблайдиган шахс, гуруҳ ёки ташкилот. Қарор қабул қиладиган шахслар ҳам манфаатдор томон бўлиши мумкин. Мазкур қўлланма мақсадлари учун энг муҳим манфаатдор томонлар куйидагилар ҳисобланади: бемор, соғлиқни сақлаш ходими, назорат органи ва саноат.

Хавф-хатар тўғрисидаги хулоса

Хатар аҳамиятини аниқлаш учун миқдорий ёки сифат шкаласидан фойдаланган ҳолда берилган хатар мезонлари билан тахминан баҳоланган хатарни қиёслаш.

Хавф-хатарни идентификатлаштириш

Кўриб чиқиладиган хатар ёки муаммони таърифлашга алоқадор зарарнинг потенциал манбаларини аниқлаш учун маълумотдан тизимли тарзда фойдаланиш.

Хавф-хатар ҳақида ахборот бериш

Қарор қабул қилувчи шахс ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида хатар ва хатарларни бошқариш тўғрисидаги ахборот алмашиш ва узатиш.

Сифат

Махсулот, тизим ёки жараённинг ажралмас хусусиятлари мажмуи талабларга жавоб берадиган тизим (дори субстанциялари ва препаратларига нисбатан “сифат” атамаси таърифи - ICH Q6A ҳужжатида қаранг).

Хатарни назорат қилиш

Хатарларни бошқариш қарорини бажариш бўйича ҳаракатлар (ИСО/МЭК 73 қўлланмаси).

Қарор қабул қилувчи шахс (лар)

Сифат учун хатарларни бошқариш бўйича тегишли ва ўз вақтида қарор қабул қилиш ваколатлари билан таъминланган ваколатли шахс (шахслар).

Хавф

Зарарнинг потенциал манбаси (ИСО/МЭК** 51 қўлланмаси)

Хатарларни бошқариш

Хатарларни бошқариш жараёни доирасидаги хатарларга нисбатан қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун ахборотни ташкил этишнинг тизимли жараёни. Хавф-хатарларни аниқлаш, ушбу хавфлар таъсири билан боғлиқ хатарлар ҳақидаги таҳлил ва хулосалардан иборат.

Хатарларни қайта кўриб чиқиш

Хатарларга оид янги билим ва тажрибаларни ҳисобга олиб хатарларни бошқариш жараёни натижаларини қайта кўриб чиқиш ёки мониторинг қилиш (мумкин бўлган жойларда).

Хатарни қабул қилиш

Хатарни қабул қилиш қарори (ИСО/МЭК 73 қўлланмаси).

Хавф-хатар

Зарар етказиш эҳтимоли ва ушбу зарар оғирлиги комбинацияси (ИСО/МЭК 51 қўлланмаси).

Сифат тизими

Сифат сиёсатини амалга оширувчи ва сифат борасидаги мақсадларга эришишни таъминловчи тизимнинг барча жабҳалари йиғиндиси.

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT N:ZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Хатарни пасайтириш

Зарар етказиш хавфи ва ушбу зарар оғирлигини пасайтириш учун қабул қилинган ҳаракатлар.

Тенденция

Ўзгарувчи параметрлар ўзгариши йўналиши ёки тезлигига мансуб статистик термин.

Талаблар

Беморлар ёки уларнинг ўрнини босувчиларнинг (масалан, соғлиқни сақлаш мутахассислари, ваколатли тартибга солиш органлари ходимлари, конун чиқарувчилар) олдиндан айтилган ёки кўзда тутилган эҳтиёжлари ва кутишлари. Бу ҳужжатда “талаблар” ибораси нафақат меъёрий, қонунчилик ёки бошқариш органлари талабларига, балки юқорида келтирилган эҳтиёжлар ва кутишларга ҳам таалукли.

Оғирлик

Хатарнинг бўлиши мумкин бўлган оқибатлари ўлчови.

Хатарларни бошқариш

Сифат бошқаруви, хатарларни баҳолаш ва назорат қилиш масалаларини ечиш жараёнлари ва усуллари, хатарлар ва уларни кўриб чиқиш ҳақидаги ахборот алмашиш сиёсатини систематик равишда қўллаш.

Сифат учун ҳавф-хатарларни бошқариш

Дори воситасининг бутун яшаш даври мобайнида дори воситаси сифати учун хатарларни баҳолаш, назорат қилиш, ахборот алмашиш ва қайта кўриб чиқишни систематик жараёни.

** Изох: ХЭҲ – Халқаро электротехник ҳайъат (электр асбоб-ускуналарга оид ИСО муқобили).

I Илова: хатарларни бошқариш усуллари ва йўллари

Ушбу илованинг мақсади сифат учун хатарларни бошқаришда саноат ва ваколатли тартибга солиш органлари томонидан қўлланилиши мумкин бўлган айрим бирламчи усуллари умумий таърифи ва уларга ҳаволаларни тақдим этишдан иборат. Ҳаволалар хатарни бошқариш усуллари ҳақида нисбатан тўлиқ билим олишга ёрдам беради. Бу якуний рўйхат эмас. Таъкидлаш жоизки, сифат учун хатарларни бошқариш жараёнларида қўлланадиган ҳар қандай вазиятга мос келадиган битта усул ёки усулларлар мажмуи йўқ.

I.1. Хатарларни бошқаришни енгиллаштирувчи базавий усуллар

Қуйида маълумотларни ташкил этиш ва қарор қабул қилишни осонлаштириш йўли билан хатарларни бошқаришни структуралаштириш учун одатда қўлланиладиган оддий усулларнинг айримлари келтирилган:

- Тармоқ жадваллари
- Назорат варақлари
- Жараён хариталари
- Сабаб ва оқибат диаграммалари (шунингдек Ишикава диаграммалари (Ishikawa diagram) ёки балиқ скелети деб юритиладиган диаграммалар)

I. 2. Рад этишлар турлари ва оқибатлари таҳлили (FMEA)

FMEA (МЭК 60812 га қаранг) жараённинг потенциал рад этишлари турлари ва уларнинг натижаларига ва ёки маҳсулотнинг эҳтимолий хусусиятларига таъсирини баҳолаш имконини беради. Рад этиш тури аниқланганидан сўнг потенциал рад этишларни

STANDARTLASHTRISH VA

DAVLAT NAZORATINI

204

MUVOFIQLASHTIRISH
DINCHUQUMCSI

йўқ қилиш, камайтириш ёки назорат қилиш учун хатарларни камайтиришни қўллаш мумкин. FMEA маҳсулот ва жараёни тушунишга асосланган. FMEA мураккаб жараёнлар таҳлилини услубий жиҳатдан бошқариладиган қадамларга ажратади. Бу рад этишнинг муҳим механизми бўлиб, бу рад этишларга сабаб бўлган омиллар ва рад этишнинг эҳтимолий оқибатларини умумлаштиришнинг кучли инструментиدير.

Эҳтимолий қўллаш соҳаси

FMEA хатарларнинг нисбий аҳамиятини аниқлаш ва хатарларни назорат қилиш бўйича ҳатти-ҳаракатлар самарадорлиги мониторинги учун қўлланилади.

FMEA асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш худудларига нисбатан қўлланилиши, технологик жараёнлар ва уларнинг маҳсулот ёки жараёнга бўлган таъсирини таҳлил қилиш учун қўлланилиши мумкин. Бу услуб система ичидаги уни заифлаштирадиган элементлар/операцияларни идентификация қилади. FMEA натижаси режалаштириш ёки бўлгуси таҳлил учун, ёхуд ресурсларни ажратиш ҳақида қарор қабул қилиш учун асос сифатида қўлланилиши мумкин.

I.3. Рад этишлар тури, оқибатлари ва кескинлиги таҳлили (FMESA)

FMEA кенгайтирилиши ва оқибатлар оғирлиги тадқиқотлари, уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ва уларни аниқлаш имкониятини ўз ичига олиши мумкин. Бу ҳолда у рад этишлар тури, оқибатлари ва кескинлиги таҳлиliga айланади (FMESA; МЭК 60812 ёки ГОСТ 27.310-95га қаранг). Бундай таҳлилни ўтказиш учун маҳсулот ёки жараён спецификациясини тасдиқлаш керак. FMESA қўшимча превентив ҳатти-ҳаракатлар хатарларни минималлаштириши мумкин бўлган жойларни аниқлаши мумкин.

Эҳтимолий қўллаш соҳаси

Фармацевтика соҳасида FMESAnи асосан ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ рад этишлар ва хатарларга нисбатан қўллаш лозим. Аммо бу усулни қўллаш мазкур соҳа билан чекланмаган. FMESA натижаси нисбий хатар асосида рад этишлар турларини таснифлаш учун ишлатиладиган ҳар бир рад этиш тури учун нисбий “балли баҳо” ҳисобланади.

I.4 Хатолар дарахти таҳлили (FTA)

FTA усули (МЭК 61025 га қаранг) маҳсулот ёки жараён функционаллигини рад этишга имкон берадиган ёндашувни намоиш этади. Бу усул рад этишлар тизими (ёки тизимчалари)ни бирин-кетин баҳолайди, аммо сабаб занжирларини аниқлаб, хатоларнинг кўплаб сабабларини бирлаштириши мумкин. Натижалар хато турлари дарахти кўринишида график шаклда намоиш этилади. Дарахтнинг ҳар бир сатҳида мантикий операторлар ёрдамида хато турлари комбинацияси таърифланиши мумкин (И, ИЛИ, ва ҳ.к.). FTA сабаб омилларини аниқлайдиган экспертларнинг жараёни тушунишга таянади.

Эҳтимолий қўллаш соҳаси

Рад этишларнинг асл сабабларини аниқлаш учун мана шу усулдан фойдаланиш мумкин. FTA даъво ва чекинишларнинг асл сабабини тушуниш ва режалаштирилган яхшиланишлар муаммони тўла бартараф этиши ва бошқа муаммоларни келтириб чиқармаслигини кафолатлаши учун қўлланилиши мумкин (яъни битта муаммони ҳал этиш давомида бошқа турли муаммолар келиб чиқмаслиги). Хатолар дарахтини таҳлил қилиш – кўплаб омилларнинг қандайдир аниқ бир муаммога таъсир қилишини баҳолашнинг самарали усули. FTA натижалари рад этишлар турларини визуаллаштиришни ўз ичига

олади. У ҳам хатарни баҳолаш, ҳам мониторинг дастурларини ишлаб чиқишда қўлланилади.

1.5. Хавф таҳлили ва критик назорат нуқталари (НАССР)

НАССР - маҳсулот сифати, ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун систематик, превентив, профилактик усул (БССТнинг техник маърузалари сериясига қаранг, № 908, 2003, 7-Илова). Хатарни таҳлил қилиш, баҳолаш, хатар ёки унинг маҳсулот концепцияси, ишлаб чиқариш ва қўллашга оид номаъқул оқибатларнинг олдини олиш ва назорат қилиш учун техник ва илмий тамойилларни қўлайдиган структурлашган ёндашув. НАССР қуйидаги еттита босқичдан иборат:

- (1) Жараённинг ҳар бир босқичи учун хавф таҳлили ва олдини олиш чораларини аниқлаш;
- (2) Критик назорат нуқталарини аниқлаш;
- (3) Критик чегараларни аниқлаш;
- (4) Критик назорат нуқталари мониторинги тизимини яратиш;
- (5) Мониторинг, критик назорат нуқталари назорат ҳолатида эмаслигини кўрсатса, бажариш лозим бўлган тўғирлаш ҳаракатларини аниқлаш;
- (6) НАССР тизими самарали ишлаётганлигини верификация қилувчи тизим;
- (7) Хужжатларни сақлаш тизимини яратиш.

Эҳтимолий қўллаш соҳаси

НАССР физик, кимёвий ёки биологик хавфлар (шу жумладан, микробиологик ифлосланиш) билан боғлиқ хатарларни аниқлаш ва бошқариш учун қўлланилиши мумкин. НАССР маҳсулот ва жараённи тушуниш критик назорат нуқталарини аниқлаш учун етарли бўлган ҳолатларда фойдалироқ. НАССР таҳлили натижаси критик нуқталар мониторингини нафақат ишлаб чиқариш жараёнида, балки ҳаёт даврининг бошқа фазаларида ҳам соддалаштирувчи хатарларни бошқариш усули бўлади.

1.6. Хавф ва ишга туширишга яроқлилигини таҳлил қилиш (HAZOP)

HAZOP (МЭК 61882га қаранг) хатарлар лойиҳадан ёки белгиланган ҳатти-ҳаракатлардан четланиш оқибатида келиб чиқишини тахмин қиладиган назарияга асосланади. Бу “калитли сўзлар”ни қўллаган ҳолда хавфни аниқлаш учун систематик “ақлий хужум” услубидир. «Калит сўзлар» (масалан, «йўқ», «кўпроқ», «-дан фарқли», «қисм» ва ҳ.к.) аҳамиятли параметрлар (масалан, ифлосланиш, ҳарорат) учун қўлланилиб, нормал қўллаш ёки лойиҳага асос қилинган режалардан потенциал четланишларни аниқлаш учун қўлланилади. Кўпинча жараён ёки маҳсулот лойиҳаси ва унинг қўлланишига оид билимларга эга шахслар гуруҳи иши қўлланади.

Эҳтимолий қўллаш соҳаси

HAZOP ишлаб чиқариш жараёнлари, шу жумладан, шартнома асосидаги ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни ишлаб чиқиш учун, шунингдек, ёрдамчи компонентларни ишлаб чиқарувчилар, фаол фармацевтик ФФИ-субстанциялар ва дори воситалар учун асбоб-ускуна ва техник воситалар учун қўлланилиши мумкин. Ушбу усул, шунингдек, жараёнлар хавфсизлигини баҳолаш учун фармацевтик саноатда қўлланилади. НАССРга муқобил равишда, HAZOP таҳлил натижаси хатарларни бошқариш учун критик ҳаракатлар рўйхатидан иборат. Бу ишлаб чиқариш жараёнидаги критик нуқталарнинг тартибга солиш мониторинги учун хизмат қилади.

1.7 Хавфнинг дастлабки таҳлили (PHA)

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI 206
MUVOFIQLASHTIRISH

РНА келажакда бўлиши мумкин бўлган хавф, зарар етказиши мумкин бўлган хавфли вазият ва ҳолатарни аниқлаш, шунингдек мазкур иш, ишлаб чиқариш майдончаси, маҳсулот ёки тизимда уларнинг пайдо бўлиши мумкинлигини баҳолаш учун орттирилган тажриба ёки рад этиш хавфини билиш борасидаги билимларга асосланган таҳлил методидан иборат. Метод қуйидагилардан иборат: 1) хатарли вазият пайдо бўлиши мумкинлигини аниқлаш, 2) соғлиққа вақтинчалик зарарли таъсири миқёсини миқдорий баҳолаш, 3) “оғирлилик” ва “эҳтимоллик” омиллари комбинациясини қўллаган ҳолда хавфнинг нисбий таснифи; 4) вазиятни тўғрилаш учун эҳтимолий чора-тадбирларни аниқлаш.

Эҳтимолий қўллаш соҳаси

РНА янада мукамалроқ жараёнларни қўллаш имконияти бўлмаган вазиятларда мавжуд тизимларни таҳлил қилиш ёки хавфларни таснифлаш учун қўлланилади. У маҳсулотлар, жараёнлар, ташкилот лойиҳалари учун, шунингдек, маҳсулотнинг умумий кўриниши, маҳсулот синфлари, ва ниҳоят аниқ бирор маҳсулот учун хавф турларини баҳолаш учун қўлланилиши мумкин. РНА кўпроқ лойиҳа қисмлари ёки жараёнлар бўйича ҳали ахборот етарли бўлмаганда, лойиҳани ишлаб чиқишнинг илк босқичида қўлланади. Одатга кўра, РНАда аниқланган хатарлар мазкур бўлимда кўрсатилган, хатарларни бошқаришнинг бошқа усуллари билан баҳоланади.

1.8. Хатарларни таснифлаш ва ажратиш

Хатарларни поғоналар бўйича тоифалаш ва ажратиш – хатарларни қиёслаш ва поғоналаш инструментиدير. Мураккаб тизимлар хатарларини поғоналаш ҳар бир хатар учун турли кўплаб миқдорий ва сифатий омилларни баҳолашни талаб этади. Бу усул кўриб чиқиладиган асосий хатарни, хатар билан боғлиқ омилларни тушуниш учун зарур бўлган кўплаб бўлақларга ажратади. Бу омиллар хатарларнинг ягона нисбий балли баҳолаш тизимига бирлашиб, унинг ёрдамида хатарларни поғоналашга эришилади. “Жиддийлик” кўрсаткичлари ёки хатар миқёси чегаралари шаклидаги ажратишлар бошқарув ёки сиёсат мақсадларида шкалани ўрнатиш ёки хатарларни поғоналар бўйича тоифалашдан фойдаланиш учун қўлланилиши мумкин.

Эҳтимолий қўллаш соҳаси

Хатарларни тоифалаш ва ажратишдан ишлаб чиқариш ҳудудларини ваколатли тартибга солиш органлари ёки саноат томонидан инспекция/аудит қилишда устувор жиҳатларни аниқлашда фойдаланилади. Хатарларни тоифалаш усуллари бошқарилиши лозим бўлган хатар ва оқибатлар мажмуи фарқланиб, битта усулдан фойдаланганда қиёслаш учун мураккаб бўлган вазиятларда айниқса фойдалидир. Хатарларни тоифалаш раҳбариятга битта ташкилот тизими ичида ҳам сифат, ҳам миқдорий асосда хатарларни баҳолаш лозим бўлган ҳолатларда фойдалидир.

1.9. Қўллаб-қувватловчи статистик усуллар

Статистик инструментлар сифат учун хатарларни бошқаришни қўллаб-қувватлаши ва соддалаштириши мумкин. Улар маълумотларни самарали бошқариш, маълумотлар мажмуи аҳамиятини аниқлаш ва ишончлироқ қарорларни қабул қилишни осонлаштириши мумкин. Қуйида одатда фармацевтик саноатда қўлланиладиган айрим энг муҳим статистик усуллар санаб ўтилган:

- назорат хариталари, масалан:
- қабул назорати хариталари (ИСО 7966 қаранг);

**D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUYOFIQLASHTIRISH 207
BOSHQARMASI**

- ўртача арифметик қиймат ва оғохлантирувчи чегарали назорат хариталари (ИСО 7873га қаранг);

- жамғарилган йиғинди харитаси (ИСО 7871га қаранг);

- Шухарт назорат хариталари (ИСО 8258 га қаранг);

- ўлчанган ўзгарувчан ўртача қиймат.

- тажрибани режалаштириш (DOE);
- Гистограммалар;
- Парето диаграммалари;
- жараён имкониятлари таҳлили.

II Илова: Сифат учун хатарларни бошқаришни қўллашнинг потенциал имкониятлари

Мазкур илова ишлаб чиқарувчи ва ваколатли тартибга солиш органлари томонидан сифат учун хатарларни бошқариш тамойиллари ва усулларидан фойдаланиш имкониятини белгилайди. Аммо хатарларни бошқаришнинг аниқ бир усулини танлаш ўзига хос далиллар ва вазиятларга боғлиқ.

Қуйидаги мисоллар иллюстрация сифатида келтирилган бўлиб, сифат учун хатарларни бошқаришни қўллаш имкониятини таклиф этиши мумкин, холос. Мазкур илова мавжуд тартибга солиш талабларидан ташқари янги кутилмаларни яратишга қаратилмаган.

II.1. Сифат учун хатарларни бошқариш сифатни интеграцияли бошқарувнинг қисмидир

Хужжатлар

Тартибга солиш талаблари ва кутилмаларининг ҳосил бўлган интерпретацияларини кўриб чиқиш учун.

СОП, қўлланмалар ва ҳ.к. заруратини аниқлаш ва/ёки мазмунини ишлаб чиқиш учун.

Таълим ва ўқитиш

Маълумоти, иш тажрибаси ва ходимлар кўникмалари, шунингдек олдинги таълим олишни (масалан, унинг самарадорлиги) мунтазам баҳолаш асосида бошланғич ва/ёки вақти-вақти билан амалга ошириладиган ўқитишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун.

Жараёнларни ишончли ва маҳсулот сифатига зарарли таъсирсиз бажариш имконини берадиган ходимларнинг маълумоти, иш тажрибаси, малакаси ва жисмоний имкониятларини аниқлаш учун.

Сифат нуқсонлари

Тахмин этилаётган сифат нуқсонига бўлган таъсир, даъво, тенденциялар, четланишлар, спецификациядан четланиш натижаси ва ҳ.к.ларни аниқлаш, баҳолаш ва хабар бериш учун асос келтириш.

Ваколатли тартибга солиш органлари билан ҳамкорликда маҳсулотнинг жиддий нуқсонларига оид хавф-хатарлар ва зарурий чора-тадбирларни белгилаш ҳақида ахборот беришни осонлаштириш учун (масалан, қайтариб олиш).

Аудитлар ўтказиш/инспекция қилиш

Қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳам ташқи, ҳам ички аудит муддатлари ва ҳажмини белгилаш учун:

- Мавжуд қонунчилик талаблари

- Талабларга мос келишнинг умумий аҳволи ва компания ёки ҳудуд тарихи
- Сифат учун хатарларни бошқариш бўйича компания фаолияти ишончилиги
- Ишлаб чиқариш ҳудуди мураккаблиги
- Технологик жараён мураккаблиги
- Маҳсулот мураккаблиги ва унинг даволовчи аҳамияти
- Сифат нуқсонлари миқдори ва аҳамияти (масалан, қайтариб олиш)
- Аввалги аудит/инспекциялар натижалари;
- Иншоот, ускуналар, жараёнларга оид муҳим ўзгаришлар
- Ходимлар
- Препаратни ишлаб чиқариш тажрибаси (масалан, серия сони, ҳажми, ишлаб чиқариш муддатлари)
- Давлат назорат лабораториялардаги таҳлиллар натижалари.

Вақти-вақти билан кўздан кечириш

Маҳсулот сифатини кўздан кечириш доирасида маълумотлар тенденциясини таҳлил қилиш натижаларини танлаш, баҳолаш ва интерпретация қилиш учун.

Мониторинг маълумотларини интерпретация қилиш учун (масалан, намуналарни танлаб олиш усулини ўзгартириш ёки ревалидация заруратини баҳолашни қўллаб-қувватлаш учун).

Ўзгаришларни бошқариш / ўзгаришларни назорат қилиш

Фармацевтик ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш жараёнида тўпланган билимлар ва маълумотлар асосида ўзгаришларни бошқариш учун.

Тайёр маҳсулотни харид қилиш осонлигига бўлган таъсирларни баҳолаш учун.

Ишлаб чиқариш хоналари, қурилмалар, материаллар, технологик жараён ёки техник ўзгартиришларни маҳсулот сифатига бўлган таъсирини баҳолаш учун.

Ўзгартиришни бажаришгача бўлган чора-тадбирлар, масалан, қўшимча синовлар, (ре)квалификация, (ре)валидация, тартибга солувчи ваколатли органлари билан мувофиқлаштириш заруратини аниқлаш учун.

Узлуксиз яхшилаш

Маҳсулотнинг яшаш даври давомида жараёнларни узлуксиз яхшилашни осонлаштириш учун.

II.2. Сифат учун хатарларни бошқаришни ваколатли тартибга солиш жараёнларининг қисми сифатида

Рўйхатга олиш аризаларини инспекциялаш ва қайта кўриб чиқиш

Ресурсларни тақсимлашга кўмаклашиш, шу жумладан, инспекцияларни режалаштириш, муддатлари ва интенсивлиги учун (II.1 Илованинг “Аудитларни ўтказиш” бўлимига қаранг).

Масалан, сифатдаги камчиликларни, потенциал қайтариб олишлар, инспекциялаш натижалари аҳамиятини баҳолаш учун.

Инспекциядан кейинги ваколатли тартибга солиш органларининг назоратини мақсадга мувофиқлигини ва унинг турини аниқлаш учун.

Ишлаб чиқарувчилар томонидан кўриб чиқилиш учун тақдим этилган ахборот, шу жумладан, фармацевтик ишланмаларга оид ахборотни баҳолаш учун.

Рўйхатга олиш шартларига таклиф этилаётган ўзгаришларнинг таъсирини баҳолаш учун.

U'Z STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Аниқланган хавф-хатар ҳақидаги ахборот рўйхатга олиш ҳужжатларини кўриб чиқадиган экспертлар ва инспекторларга назорат қилиш усуллари тушунишни яхшилаш учун (масалан, параметрлар бўйича ишлаб чиқариш, жараёнларни таҳлил қилиш технологияси (РАТ) етказилиши керак).

II.3 Сифат учун хатарларни бошқариш фармацевтик ишлаб чиқиш қисми сифатида

Маҳсулотнинг режалаштирилган самарадорлигини босқичма-босқич таъминлаш учун юқори сифатли маҳсулот ва унга мос технологик жараённи лойиҳалаштириш учун (ICH Q8га қаранг).

Материал (масалан, гранулометриқ таркиб, намлик миқдори, сочилувчанлик тавсифи) унинг хоссалари, жараён турлари ва жараён параметрлари тўғрисидаги билимларни кенгайтириш учун.

Фаол фармацевтик субстанциялар (ФФИ), ёрдамчи моддалар ёки қадоклаш материаллари учун хом ашёнинг критик хоссалари, эритувчилар ва хом ашёни баҳолаш учун.

Тегишли спецификацияларни тузиш, жараённинг критик параметрларини аниқлаш, ишлаб чиқариш назоратини белгилаш учун (масалан, фармацевтик ишлаб чиқиш жараёнида олинган кўрсаткичларнинг клиник аҳамияти ва ишлаб чиқариш жараёнида уларни назорат қилиш имкониятига оид ахборотни қўллаган ҳолда).

Сифат кўрсаткичлари ўзарувчанлигини камайтириш учун:

- маҳсулот ва материал нуқсонлари миқдорини камайтириш;
- ишлаб чиқариш нуқсонлари миқдорини камайтириш.

Масштаблаштириш ва технологияларни алмаштиришга таълуқли кўшимча тадқиқотлар (масалан, биомуқобиллик, барқарорлик) заруратини баҳолаш учун.

“Ишлаб чиқиш майдони” концепциясидан фойдаланиш учун (ICH Q8 га қаранг).

II.4 Худудлар, тизимлар ва ускуналар сифати учун хавф-хатарларни бошқариш

Худудлар/ асбоб ускуналарни лойиҳалаштириш

Био ва худудларни лойиҳалаштиришда тегишли зоналарни аниқлаш учун, масалан:

- хом ашё ва ходимлар йўналиши;
- ифлосланишни минималлаштириш;
- паразит/зараркунандалар билан кураш чоралари;
- адашиб кетишнинг олдини олиш;
- очик ёки ёпиқ ускуна;
- тоза хоналар ёки изоляцияланган технологиялар;
- Ажратилган ёки алоҳида-алоҳида худудлар ва ускуналар.

Маҳсулот билан алоқада бўладиган асбоб-ускуна ва идишлар учун мос материалларни аниқлаш учун (масалан, зангламас пўлат синфини, мойлаш маҳсулотларини танлаш).

Зарур муҳандислик тизимларини лойиҳалаштириш учун (масалан, пар, газлар, энергия таъминоти, сиқилган ҳаво, иситиш, вентиляция ва кондиционерлаш, сув).

Асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш учун кераклик турларнинг аниқлаш учун (масалан, зарурий эҳтиёт қисмлари рўйхати).

Ишлаб чиқаришда гигиена масалалари

UZSTANDART AGENSIYASI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Маҳсулотни атроф-муҳитнинг зарарли таъсири, шу жумладан, кимёвий, микробиологик ва физик таъсиридан ҳимоя қилиш учун (масалан, керакли технологик кийим ва кийим алмаштириш тартиби, гигиена масалалари).

Атроф-муҳитни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг эҳтимолий зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш учун (масалан, ходимлар, бир-бирини ифлослантириш эҳтимоли).

Иншоот, ускуна, тизимлар таснифи

Иншоотлар, ишлаб чиқариш бинолари ва/ёки лаборатория жихозлари, шу жумладан, уларни калибровкаси бўйича квалификация ҳажмини аниқлаш учун.

Асбоб-ускуналарни тозалаш ва атроф-муҳит назорати

Йўриқнома бўйича мақсадга мувофиқ фойдаланишга асосланган хатти-ҳаракатлар ва қарорларни фарқлаш учун (масалан, бир ёки кўп мақсадли фойдаланиш, серияли/узлуксиз ишлаб чиқариш).

Тозалаш валидациясида мақбуллик мезонларини аниқлаш учун.

Калибровка / профилактик хизмат кўрсатиш

Зарурий калибровка ва профилактик хизмат кўрсатиш жадавалларини белгилаш учун.

Дастурий бошқариладиган компьютерлашган тизим ва ускуналар

Ускуна ва дастурий таъминот моделини (масалан, модулли, структур, рад этишга барқарор) танлаш учун.

Валидация ҳажмини аниқлаш учун, масалан:

- ишга туширишнинг хавф-хатар мезонларини идентификация қилиш;
- тизим талаблари ва конструкцияларини танлаш;
- кодларни текшириш;
- тест ўтказиш ҳажми ва усуллари;
- электрон ёзувлар ва элетрон имзолар ишончилиги.

II. 5 Сифат учун хатарларнинг бошқариш материаллар билан бошқаришнинг бир қисми сифатида

Таъминотчилар ва шартнома бўйича ишлаб чиқарувчиларни баҳолаш

Таъминотчилар ва шартнома бўйича ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама баҳолашни таъминлаш учун (масалан, аудитлар, етказиб берувчилар билан сифат бўйича келишув).

Хом ашёлар

Хом ашёларни ўзгарувчанлиги билан боғлиқ сифат учун хавф-хатарлар эҳтимолини баҳолаш учун (масалан, сақлаш муддати, синтез йўли).

Хом ашёдан фойдаланиш

Карантинда бўлган материалларнинг яроқлилигини аниқлаш учун (масалан, кейинчалик қайта ишлаш мумкилигини аниқлаш учун).

Қайтарилган маҳсулотни қайта ишлаш, улардан фойдаланиш имкониятини аниқлаш.

Сақлаш, логистика ва реализация қилиш шартлари

Тегишли сақлаш шароитлари ва ташиш бўйича тадбирларининг мувофиқлигини баҳолаш учун (масалан, ҳарорат, намлик, транспорт қадоғи кўриниши).

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMISI

Сақлаш ва ташиш шартларини (масалан, Совуқ занжирини қўллаш) ва ICH нинг бошқа қўлланмалар талабларига риоя қилмасликнинг маҳсулот сифатига таъсирини аниқлаш учун.

Инфраструктурани қўллаб-қувватлаш учун (масалан, жўнатиш, ички сақлаш, хавфли материаллар ва назорат қилинадиган моддалар билан муомала қилиш, божхона тозалаш шартларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар).

Фармацевтик препаратларни харид қилиш осонлигини таъминлаш бўйича ахборотни тақдим этиш учун (масалан, етказиб бериш занжирида хатарларни таснифлаш).

II.6 Сифат учун хавф-хатарларни бошқариш ишлаб чиқаришнинг қисми сифатида

Валидация

Верификация, квалификация ва валидация бўйича ишлар ҳажмини аниқлаш учун (масалан, аналитик усуллар, жараёнлар, асбоб-ускуналар, тозалаш усуллари).

Бўлғуси ҳаракатлар ҳажмини аниқлаш учун (масалан, намуналарни танлаб олиш, мониторинг ва ревалидация).

Валидацион тадқиқотлар режасини ишлаб чиқишни осонлаштириш мақсадида жараённинг критик ва нокритик босқичлари ўртасидаги фарқларни белгилаш учун.

Намуналарни танлаб олиш ва ишлаб чиқариш жараёнида назорат ўтказиш

Ишлаб чиқариш жараёнидаги муддатлари ва ҳажмини баҳолаш учун (масалан, ишончли назорат шароитида таҳлиллар миқдорини камайтиришни асослаш учун).

Параметрлар бўйича чиқариш ва реал вақт шароитида ишлаб чиқариш билан уйғунлашган ҳолда жараёнлар таҳлили (PAT) технологиясини қўллашни баҳолаш ва асослаш учун.

Ишлаб чиқаришни режалаштириш

Ишлаб чиқаришни режалаштириш заруратини аниқлаш учун (масалан, кампаниялар томонидан ажратилган ва ёндош технологик жараёнларни ўтказиш кетма-кетлиги).

II.7 Сифат учун хавф-хатарларни бошқариш лаборатория назорати ва барқарорликни тадқиқ этишнинг бир қисми сифатида

Спецификациядан четланиш билан бўлган натижалар

Спецификациядан четланиш билан бўлган натижаларини тадқиқ этиш жараёнида потенциал сабаб ва тўғрилаш ҳаракатларини аниқлаш учун.

Такрорий назорат ўтказиш санаси ёки яроқлилик муддати

Сақлаш муддати тўғрилиги ва оралиқ маҳсулотлар, ёрдамчи моддалар ва хом ашёларни сақлаш ва таҳлил қилиш шартларининг оқилоналигини баҳолаш учун.

II.8 Сифат учун хавф-хатарларни бошқариш ўраб-жойлаш ва ёрлиқлашнинг қилиш қисми сифатида

Ўрам дизайни

Бирламчи жойлаб-ўралган маҳсулотни ҳимоя қилиш мақсадида иккиламчи ўрамни лойиҳалаштириш учун (масалан, маҳсулот ҳақийқийлигини, ёрлиқларнинг аниқлигини таъминлаш учун).

Ўраб-жойлаш-тиқинлаш тизимини танлаш

Ўраб-жойлаш-тиқинлаш тизимининг хавф-хатар параметрларини аниқлаш учун.

Ёрлиқлашни назорати

STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Аралашиб кетиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда яратилган ёрликлар, шу жумладан, маҳсулот учун турли ёрликлар, битта ёрликнинг турли туркумларини назорат қилиш жараёнларини ишлаб чиқиш учун.

**Ў'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

19- ИЛОВА
(мажбурий)

**ДОРИ МОДДАЛАРИ (“АНГРО” ФФИ-СУБСТАНЦИЯЛАР)НИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

1 Тамойиллар

Дори воситалари ва тайёр дори воситалари (ТДВ) ни ишлаб чиқариш усуллари бир-биридан тубдан фарқ қилади, шунинг учун яхши ишлаб чиқариш амалиёти қоидалари, мазкур стандартга қатъий амал қилишнинг ҳар доим ҳам иложи бўлавермайди. 19-Иловада таъсир этувчи моддалар ва ишлаб чиқаришда қўлланиладиган усуллар, назорат воситалари ва турлари ФФИ-субстанцияларнинг ТДВ ишлаб чиқаришда улардан фойдаланиш лозим бўлган, талаб даражасидаги сифати ва тозалигини таъминлаши учун умумий кўринишда ишлаб чиқариш ташкилотлари рияз қилиши лозим бўлган қоидаларгина баён қилинган.

2 Умумий талаблар

2.1 “Ангро” дори воситалари, шунингдек ёрдамчи моддаларни ишлаб чиқаришда ҳар томонлама назорат амалга оширилиши лозим, зеро усиз юқори сифатни таъминлашнинг имкони йўқ. Ҳомиладорликни, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш ёки организм ҳолати ва функциясини ўзгартириш учун мўлжалланган маҳсулот таркибида ишлатиш учун мўлжалланган ФФИ-субстанцияларни ишлаб чиқаришда тасодифий (тизимсиз) жараёнларга йўл қўйилмайди, зеро ушбу маҳсулотга инсонларнинг ҳаётини сақлаш, саломатлигини тиклаш ёки уни ушлаб туриш боғлиқ бўлиши мумкин.

2.2 Таъсир қилувчи моддаларни ишлаб чиқариш қоидалари куйида баён қилинган. Ишлаб чиқариш жараёнининг бошидан охирига қадар ўтказиладиган турли назорат синовлари билан биргаликда мана шу қоидаларга қатъий амал қилиш турли сериядаги дори воситалар бир хил ва юқори сифатли бўлишига имкон беради.

2.3 Сифатсиз маҳсулот чиқариш ва қоидабузарликларни олдини олиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнлари, назорат усулларига қатъий амал қилиш ва маҳсулот сифати учун масъулият ишлаб чиқарувчи корхона зиммасида бўлиши керак. Хом ашёни ишлатиш ва/ёки технологик жараён параметрлари дори моддалари сифати учун, уни критик даражага етказадиган босқич (жараён)дан бошлаб, ташкилот ишлаб чиқаришни яхши ишлаб чиқариш амалиёти GMP қоидаларга мувофиқ ҳолда амалга ошириши лозим. Мазкур босқич (жараён) ҳар бир аниқ ҳолат учун белгиланиши ва белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари ва ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан тасдиқланиши лозим.

2.4 Зарурат бўлганда, 19-Иловада баён қилинган GMP қоидалари ишлаб чиқариладиган дори моддалар сифатининг меъёрий ҳужжатлар (спецификация)га мувофиқлиги шarti билан, уларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда аниқ ишлаб чиқариш ҳолатларига мослаштирилиши мумкин. Дори моддаларини ишлаб чиқаришга оид GMP қоидалари ўраб-жойлаш ва тамғалаш босқичларини ўз ичига олган ишлаб чиқариш жараёнларига таъаллуқли бўлиши лозим.

2.5 Дори моддалар бир неча ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқарилса (шу жумладан, ўраб-жойлаш ва тамғалаш босқичлари), битта ташкилотда жойлаб-ўралган, тамғаланган тайёр маҳсулот бошқа ташкилотда бошқа мақсадларда фойдаланиш учун

STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

қайта жойлаб-ўралиб, тамғаланиши мумкин. Технологик жараённинг бу қисми GMP қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2.6 19-Иловада баён қилинган қоидалар ТДВ чиқариш учун дори воситаларни ишлаб чиқаришга таълуқли бўлиши лозим.

3 Ходимларга бўлган талаблар

3.1 Ҳар бир ташкилот дори воситаларини ишлаб чиқариш ва сифатини назорат қилиш учун зарур малакаси ва ваколати бор ходимларга эга бўлиши лозим. Бажараётган ишига оид тегишли маълумот, техник билим ва амалий тажрибага эга ходимлар штати бўлиши талаб этилади.

3.2 Ташкилот чизма тариқасида тақдим этилган ташкилий тузилмага эга бўлиши керак. Ҳар бир ходимнинг масъулият соҳаси лавозим йўриқномаларида акс эттирилиши лозим. Ходимларни шундай жойлаштириш керакки, бир томондан ишлаб чиқариш жараёнида айрим ходимларнинг мажбурият ва ваколатлари бир-бирига ўхшаб қолмаслигига, иккинчи томондан эса хизмат кўрсатилиши расман кўзда тутилмаган иш ўринларининг мавжуд бўлишига йўл қўйилмаслиги керак. Ҳар қандай ходим томонидан ўз мажбуриятларини яхши бажармаслик ва шунинг оқибатида келиб чиқадиган сифат йўқотилиши хавфини олдини олиш мақсадида, унга юклатилган жавобгарликлар ҳаддан ортиқ бўлмаслиги керак.

3.3 Барча ходимлар олдиларида турган вазифаларни ўзларича юклатилган мажбуриятларга мувофиқ бажаришлари учун тегишли билим олган бўлишлари лозим.

3.4 Ташкилотда инфекция касаллиги бор, тананинг очиқ қисмларида яралари бўлган бирорта ходим дори воситалари билан бевосита алоқа бўлиши мумкин бўлган ишлаб чиқаришнинг бирор босқичига ишга қўйилмаслигини кафолатловчи чоратadbирлар қўлланилиши лозим.

4 Хоналарга бўлган талаблар

4.1 Хоналар, шу жумладан, очиқ резервуарли ҳудудлар, тегишли конструкцияларга эга бўлиши лозим. Хоналар ишлаб чиқариш жараёнлари учун мос атроф-муҳитни таъминлаб, уларга оқилона мослашган бўлиши, шунингдек, ўз вазифасига мос келадиган ўлчамларига эга бўлиши лозим. Хоналар конструкцияси дори моддаларининг аралашиб кетиши ёки контаминацияси учун шароит пайдо бўлмаслигини таъминлаши керак. Уларни режалаштириш ишлаб чиқариш жараёнининг босқичма-босқич боришини таъминлаши керак.

4.2 Масалан, стерил маҳсулотлар ва ФФИ-субстанциялар, айрим антибиотиклар, гормон ва цитостатикларни, алоҳида ишлаб чиқариш, ҳавони қайта ишлайдиган тўла изоляцияланган тизимларга эга алоҳида маҳсус лойиҳалаштирилган ёпиқ иншоотларда олиб борилиши лозим.

4.3 Меҳнат гигиенасини таъминлаш учун кийим алмаштириш, ювиниш, ҳожатхона, чекиш, овқатланиш ва ичимлик ичиш учун барча шароитлар кўзда тутилган бўлиши керак.

5 Асбоб-ускуналарга бўлган талаблар

5.1 Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари қуйидаги шартлар бажариладиган тарзда лойиҳалаштирилиши, конструкция қилиниши, жойлашиши ва хизмат кўрсатилиши лозим:

а) асбоб-ускуналар ўз вазифаларига мос бўлиши лозим;

б) асбоб-ускуналарни яхшилаб тозалаш ва хонани тартибга келтириш имконияти бўлиши лозим;

U'Z STANDART ASENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT N'ZORATINI

MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMISI

в) ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот ва идишларнинг (реакторлар, йиғиш идишлари ва ҳ.к.) контаминацияланишини минимум даражага тушиши ёки контаминацияланиш хавфи йўқ қилиниши лозим;

г) валидациядан ўтган технологик жараёнларнинг барча босқич ва жараёнларини бажариш самарадорлиги ва ишончилиги таъминланиши керак.

5.2 Технологик ускуна ва синовлар учун асбоб-ускуналар тоза ва керак бўлса, стерил бўлиши керак. У махсус ишлаб чиқариш йўриқномаларига мувофиқ идентификатлаштирилиши, ишлатилиши ва хизмат кўрсатилиши керак. Маҳсулотнинг бошқа турини ишлаб чиқаришдан олдин фойдаланилаётган қўп мақсадли ускуна яхшилаб тозаланиши, тозалиги эса назорат қилиниши лозим. Бу ишларни баённомалаштириш керак.

5.3 Зарурат туғилганда, мазкур ускунадан фойдаланишни кўзда тутувчи жараёнларни олиб бориш учун технологик ва синов асбоб-ускуналарининг яроқлилигини текшириш керак.

5.4 Зарур бўлганда, технологик жараёнларни назорат қилиш тизимлари бўлиши лозим. Тегшли усуллар билан ўлчаш, рўйхатга олиш ва назорат қилиш қурилмаларини мунтазам калибрлаш ва вақти-вақти билан текшириб туриш лозим. Бу ишларни баённомалаштириш лозим.

5.5 Носоз қурилмаларни дарҳол нуқсонли деб маркировка қилиш лозим. Шундан сўнг у таъмирланиб ёки ишлаб чиқариш биносидан чиқарилиши керак. Техник хизмат кўрсатиш ва қурилмани таъмирлашни баённомалаштириш керак.

6 Ишлаб чиқариш санитариясига бўлган талаблар

6.1 Ишлаб чиқариш санитарияси бўйича стандарт жараёнлар бўлиши лозим. Улар хоналарни тартибга солиш ва ускуна тозалаш бўйича валидациядан ўтган йўриқнома, сув сифатига бўлган талаблар, ишлаб чиқариш санитарияси йўриқномалари, соғлиқни сақлаш, шахсий гигиена ва ходимлар кийинишига оид йўриқномалар, шунингдек, чиқиндилар ва ишлатилмаган қолдиқларни чиқариб ташлаш усулларини ўз ичига олади. Бундай стандарт жараёнларини технологик регламентларда доим ҳавола этилиши лозим бўлган мустақил меъёрий хужжатлар сифатида ишлаб чиқилиши лозим. Агар ишлаб чиқариш санитарияси бўйича меъёрий хужжат бирор аниқ ишлаб чиқаришига тааллуқли бўлса, уни технологик регламент асосида тузиш лозим.

6.2 Санитария меъёрлари ва қоидаларига амал қилиш билан боғлиқ ишлар мунтазам равишда бажарилиши лозим. Ходимлар инструктажи ва қайта ўқитиш вақтида, бу ишларни бажариш тартибига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

6.3 Ходимлар бажарилаётган ишлар характерида мувофиқ равишда технологик кийим ва индивидуал ҳимояни қўллаши лозим.

6.4 Ишлаб чиқариш хоналарида овқатланиш, чекиш ва гигиена қоидаларини бузиш тақиқланади.

7 Хужжатларга бўлган талаблар

7.1 Технологик регламентлар ва ишлаб чиқариш йўриқномаларига бўлган талаблар

7.1.1 Дори воситаларини ишлаб чиқариш технологик регламентлар ва ишлаб чиқариш йўриқномалари асосида амалга оширилиши лозим. Кимё ёки бошқа воситалар ишлаб чиқариш корхоналарида битта дори моддасини ишлаб чиқариш тиббиёт саноатида қабул қилинган соҳага оид меъёрий хужжатлар талабларига мос келадиган иккита

регламентни амал қилишига йўл қўйилади. Бунда 7.1.2 бандда кўрсатилган технологик жараён босқичдан бошлаб, регламент тиббий саноат маҳсулотлари учун белгиланган талабларга мос бўлиши шарт. 7.1.2 бандда кўрсатилган босқичга узатилган оралик маҳсулотга спецификация (масалан, МХ) бўлиши керак, уни белгиланган тартибда дори воситалари ишлаб чиқариш технологик регламенти билан бирга тасдиқлаш лозим. Технологик регламент маълум миқдордаги дори воситалари сериясини ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқилиши керак.

7.1.2 Ишлаб чиқариш жараёни, технологик жараён, маҳсулотни сақлаш ва унинг сифатини назорат қилиш, шунингдек ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари ва жараёнларини қамраб оладиган ишлаб чиқариш йўриқномалари ва стандарт жараёнлар билан ҳам регламентланиши керак. Агар ишлаб чиқариш йўриқномаси (стандарт жараён) фақат битта дори воситасини олиш технологик жараёни учун хос бўлса, у технологик регламент асосида тузилади; унда баён этилган ёрдамчи ишлар бир неча ФФИ-субстанцияларни ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлса, ишлаб чиқариш йўриқномаси (стандарт жараён) алоҳида хужжат сифатида ишлаб чиқилади ва унга технологик регламентда ҳавола қилинади. Зарурат бўлганда, шунингдек, вақти-вақти билан жадвалга биноан технологик регламентлар ва ишлаб чиқариш йўриқномалари (стандарт жараёнлар) техника эришган ютуқларига мувофиқ бўлиши ва белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилиши керак. Корхона стандарти мақомига эга хужжатлар камида бир йилда бир марта кўриб чиқилиши лозим.

7.1.3 Ишлаб чиқариш ва СНБ (Сифат назорати бўлими)да иш тажрибасига эга ваколатли шахслар корхоналарда ишлаб чиқариш йўриқномалари, стандарт жараёнлар ва технологик регламентларни расмийлаштириш ва тақсимлаш учун масъулдир. Бу хужжатлар белгиланган тартибда ишлаб чиқувчилар томонидан имзоланиши, ваколатли шахслар томонидан санаси кўрсатилиб, келишилиши ва тасдиқланиши керак.

7.1.4 Амал қилиш муддати ўтиб кетган регламентлар ишлаб чиқаришдан олиниб, керак бўлганда, қиёслаш ўтказиш учун архивга жойлаштирилиши керак. Технологик регламент, ишлаб чиқариш йўриқномалари ва стандарт жараёнлар нусхаларини тайёрлашда нусха кўчириш билан боғлиқ хатолар эҳтимолини истисно қилиш лозим.

7.1.5 Маълум вазиятларда, масалан, янги дори воситасини ишлаб чиқаришни бошлашда, дастлабки саноат серияларини ишлаб чиқарилгандан сўнг технологик регламентларга ўзгартириш киритиш зарурати пайдо бўлиши мумкин, бунда улар белгиланган тартибда келишилиши ва тасдиқланиши керак. Бу ўзгаришларни эътиборга олиб, технологик регламентни қайта ишлаб чиқилиши, меъёрий хужжатларни қайта кўриб чиқилиши ва жадвалига мувофиқ янги хужжат билан алмаштирилиши лозим.

7.2 Меъёрий хужжатларга бўлган талаблар

7.2.1 Ўзбекистон Республикаси корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган дори моддаларига меъёрий хужжатлар (ВФМ, ФМ, КФМ ва ҳ.к.) белгиланган тартибда тузилиши ва тасдиқланган бўлиши керак.

7.2.2 Агарда битта субстанцияга турли категория (масалан, ВФМ ва Соҳа стандарти, ФМ ва Давлат стандарти) ларга мансуб меъёрий хужжатлар бўлса, ишлаб чиқарувчи ташкилот тайёр дори воситаларини ишлаб чиқариш учун тасдиқлаш (сифат сертификат) беришда ВФМ ёки ФМ талабларига кўра аналитик (сифат сертификат)ни бериши лозим.

7.2.3 Тайёр дори воситаларини ишлаб чиқариш учун етказиб бериладиган ёрдамчи моддалар учун тасдиқланган ВФМ ёки ФМ бўлмаса Давлат стандарти ёки Техник шартлар бўйича етказиб беришга рухсат берилади.

7.3 Серия баённомаларига бўлган талаблар

7.3.1 Серия баённомасини оралик маҳсулот ва тайёр маҳсулот (дори воситаси)нинг ҳар бир сериясини ишлаб чиқариш пайтида тузилиши керак. У амалдаги регламент(лар), ишлаб чиқариш йўриқномалари ва стандарт жараёнларнинг тегишли бўлимларига асосланиши, шунингдек, қуйидаги маълумотларни қамраб олиши керак:

а) меъёрий хужжатга биноан маҳсулот номи, халқаро патентланмаган номи (зарурат бўлганда), маҳсулот олинган босқич рақами ва номи (оралик маҳсулот ҳолатида), олинган сериядаги маҳсулот миқдори ва серия рақами;

б) асосий технологик босқичларни ўтказишнинг бошланиши ва ишлаб чиқаришни тугатиш санаси ва вақти;

в) технологик жараён тўғрисидаги батафсил маълумотлар, шу жумладан, қўлланиладиган асосий ускуналарга ҳаволалар ва/ёки оралик, тайёр маҳсулот миқдорлари;

г) серия рақами ва/ёки ҳар бир хом ашё тури серияси аналитик паспорти, серия рақами, шунингдек, унинг амалда олинган миқдори;

д) ишлаб чиқариш жараёни назорат баённомалари ва олинган натижалар;

е) ишлаб чиқариш жараёнида регламент меъёрларидан бўлган ҳар қандай четланиш ва технологик регламентидан четланиш тўғрисидаги батафсил маълумотлар, бу четланишларга рухсат берган шахснинг фамилияси кўрсатилиб, имзо қўйилган маълумотнома. Белгиланган меъёрлардан ҳар қандай четланиш ёки унинг мос келмаслик сабаблари маҳсулот сифатига таъсири нуқтаи назаридан текширилиши лозим;

ж) барча регенерация қилинган маҳсулот рўйхати ва бунда қўлланилган регенерация усуллари тавсифи;

з) технологик жараённинг турли босқичларида иш бажарган шахслар фамилиялари, шунингдек, технологик жараённинг ҳар бир босқичи учун санаси кўрсатилган ҳолда масъул шахсларнинг фамилиялари ва имзолари бўлиши керак;

и) тегишли қайд этиш ва лаборатория журналларидан топиш имкониятини берадиган шу маҳсулот сериясига тааллуқли барча синовлар ёки ҳаволалар баённомалари;

к) серияни чиқариш ёки брак қилиш ҳақидаги қарор. Бу қарорни қабул қилган шахсни фамилияси, санаси ва имзоси;

л) ишлаб чиқариш ва сифат назоратига боғлиқ бўлган барча баённомалар таҳлили.

7.3.2 Агар дори воситасини ишлаб чиқаришда, шартнома асосида бошқа ташкилотлар жалб этилган бўлса (масалан ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ёки назорат синовлари ўтказиш учун) у ҳақидаги маълумот баённомаларда ўз аксини топган бўлиши керак.

7.3.3 Ахборотга электрон йўли билан ишлов бериш, расмини олиш ёки бошқа усул билан баённомалаштирилиши мумкин. Ишлатилаётган тизим учун батафсил қўллаш тартиби ёзилган ишлаб чиқариш йўриқномаси ёки стандарт жараёнлар бўлиши керак ва баённомаларнинг аниқлиги назорат қилиниши керак. Агар хужжатлар билан ишлаш электрон усулда олиб борилса, унда компьютерга фақат бунга ваколатли шахс маълумотни киритиши ёки уларни ўзгартириши ва бунга ваколатли шахс маълумотни киритиши ёки уларни ўзгартиришлар баённомалаштирилиши керак. Маълумотга кириш қарор ёки бошқа

D'ZSTANDARD AGENTLIGI
STANDARDLASHTRISH VA
DAVLAT NIZORATI

MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

усул билан чекланиши керак. Ўта муҳим маълумотларни тузиш ва компьютерга киритиш, холис назорат қилиниши керак.

Компьютернинг электрон хотирасидаги серия баённомалари бошқа электрон ташувчи ёрдамида, микрофильм қилиш усули билан, қоғозга ёзиб олиш ёки бошқа усуллар билан ҳимояланган бўлишлари керак. Сақлаш давомида маълумотдан осон фойдалана олиш имконияти мавжудлиги жуда муҳим.

7.4 Баённомалар ва назорат намуналарини сақлашга бўлган талаблар.

7.4.1 Баённомалар, дори воситасининг ҳар бир сериясини ишлаб чиқариш ва уни сифат назорати билан боғлиқ бўлган фаолиятни тез ретроспектив кузатиш имкониятини берадиган қилиб, сақланиши керак.

7.4.2 ФФИ субстанцияларнинг назорат намуналари, зарур ҳолларда оралиқ маҳсулот намуналари, дори воситасининг яроқлилиқ муддати ўтгандан сўнг камида 1 йил давомида ёки яроқлилиқ муддати кўрсатилмаган бўлса махсус белгиланган муддат давомида сақланиши керак.

7.4.3 Маҳсулотни ҳар бир сериясини чиқариш баённомалари, ФФИ субстанциялар баённомаларини, керак бўлганда тезда чиқариб олиш имкониятини берадиган ҳолда сақлаш лозим. Чиқариб олиш тасдиқланган стандарт жараёнларга мувофиқ олиб борилиши керак.

8 Ишлаб чиқаришга бўлган талаблар

8.1 Технологик жараёнга бўлган талаблар

8.1.1 Ҳар қандай дори воситасини ишлаб чиқариш технологик регламент ва ишлаб чиқариш йўриқномаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

8.1.2 Критик босқичлар ва технологик жараёнлар аниқ белгиланиши, уларга нисбатан қўлланиладиган қайта ишлаш ва синовдан ўтказиш усуллари валидациядан ўтиши лозим.

8.1.3 Технологик жараённи олиб бориш ва назоратини фақат ваколатли ва малакали ходимларгина амалга оширишлари лозим.

8.1.4 Технологик жараённи ўтказишда идишлар, тара ва асосий ускуналар идентификациялаштирилиб, маҳсулот номи ва серия рақамини кўрсатган ҳолда аниқ тамғаланиши лозим.

8.1.5 Технологик жараённи олиб боришда ҳар куни (ҳар сменада) маҳсулот сериясини тавсифловчи хужжатларга қўшимча равишда ҳар бир цех ва бўлимдаги бутун фаолият ҳақидаги ёзувларни олиб бориш керак. Зарурат бўлганда, бундай ахборот ишлаб чиқариш вазиятини таҳлил қилиш учун тезкорлик билан ваколатли шахсларга тақдим этилиши керак.

8.1.6 Оралиқ маҳсулот ёки ФФИ серияларини аралаштириш

Аралаштириш деб, бир хил турдаги ФФИ ёки оралиқ маҳсулот олиш учун, битта спецификация талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни қўшиш жараёнига айтилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида айнан бир серия қисмларини қўшиш (Масалан: кристаллизация натижасида олинган битта серияни бўлиб бўлиб центрифуга қилиш натижасида олинган маҳсулотни қўшиш) ёки кейинги ишлов бериш учун айнан бир серия маҳсулот қисмларини бирлаштириш аралаштиришга кирмайди, бу технологик жараённинг босқичи ҳисобланади.

8.1.7 Аралаштирилган маҳсулот спецификация таъминлаш учун, спецификация талабларига жавоб берадиган серияларни, бошқа

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

сериялар билан аралаштиришга йўл қўйилмайди. Аралашма таркибига кирувчи ҳар бир серия ўрнатилган технология бўйича ишлаб чиқарилган, ҳамда аралаштиришдан аввал амалдаги спецификация талабларига мувофиқ ва алоҳида сифат назоратидан ўтган бўлиши керак.

Аралаштириш жараёни қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

Серия миқдорини ошириш учун, унча катта бўлмаган серияларни қўшиш;

Ягона серия маҳсулот олиш учун (нисбатан кам миқдорда ишлаб чиқарилган маҳсулотни) айнан шу оралик маҳсулот серияларини ёки айнан шу ФФИ қолдиқларини қўшиш.

8.1.8 Аралаштириш жараёни, тегишли ҳолатда назорат қилиниши ва хужжатлаштирилиши лозим. Аралаштириш натижасида олинган серия зарурат бўлса, амалдаги спецификация талабларига мувофиқлиги назорат қилиниши керак.

Серия баённомаси аралашмага кирган ҳар бир серия тарихини кузатиш имкониятини бериши керак.

8.1.9 ФФИнинг физик тавсифлари критик бўлган ҳолларда (ФФИ қаттиқ дори тайёрлашда қўлланилса ёки ичиш учун суспензия тайёрлашда ишлатилса) қўшилган сериялар аралашмасининг бир хиллигини тасдиқлаш учун аралаштириш жараёнини валидация қилиш керак.

Валидация, аралаштириш жараёнига таъсир этиши мумкин бўлса критик жараёнларни (масалан заррачаларнинг ўлчамлар бўйича тақсимланиши, сочилувчан зичликни ва зичланиш кўрсаткичини аниқлаш кабилар) ўз ичига олиши керак.

8.1.10 Аралаштириш жараёни, маҳсулот барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли бўлса, аралаштириш натижасида ҳосил бўлган сериянинг барқарорлиги синондан ўтказилиши керак.

8.1.11 Аралаштириш натижасида ҳосил бўлган сериянинг яроқлилик муддатини тугаши ёки серияни такрорий синондан ўтказиш муддати, аралашмага қўшилган энг “аввалги” серия ёки энг “аввалги” оралик маҳсулот ишлаб чиқарилган санага қараб белгиланади.

8.2 Хом ашё, оралик ва тайёр маҳсулотга бўлган талаблар

8.2.1 Хом ашёга оид барча ҳатти-ҳаракатлар: карантинда сақлаш, намуналарни танлаб олиш, спецификация талабларига мос келиши бўйича назорат синондан ўтказиш, фойдаланишга рухсатнома бериш ёки яроқли-яроқсизларга ажратиш, шунингдек, уни сақлаш, тамғалаш ва омборхонадан чиқаришни ишлаб чиқариш йўриқномалари ва стандарт жараёнларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

8.2.2 Хавфли бўлган (масалан, беш хлорли фосфор ва диметилсульфат) айрим хом ашё турларини меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқлигини текширмасликка рухсат берилди. Буларни текширмасликка фақат таъминотчи томонидан серия сифати сертификати бўлганда ва хавфсизлиги билан боғлиқ ёки бошқа жиддий сабаблар мавжудлигида рухсат берилди.

8.2.3 Оралик маҳсулот, керак бўлганда, меъёрий хужжатга мувофиқ синондан ўтказилиши, аниқ тамғаланиши ва идентификатлаштирилиши керак; уни тегишли шароитларда сақлаш керак бўлади.

8.2.4 Тайёр маҳсулот (дори воситалар)нинг ҳар бир серияси меъёрий хужжатларда маълум субстанцияга (8.2. бўлимга қаранг) унинг сифати, софлиги (шу жумладан, қолдиқ эритувчилар ва бошқа аралашмаларга оид сифат) ва таркиби (шу жумладан, айнан бир

хиллиги, таъсир этувчи модданинг микдорий таркиби ёки фаоллиги ва ҳ.к. га оид барча талабларга мос келиши керак.

8.2.5 Стерил дори воситаларини ишлаб чиқаришда 2.3 бандда кўрсатилган технологик жараён босқич (операция)ларидан бошлаб, мазкур услубий кўрсатманинг 1- иловасида баён этилган қоидаларга амал қилиш керак.

8.2.6. Ишлаб чиқарувчи яроқсиз маҳсулот (хом ашё, оралик маҳсулот, қадоқлаш материаллари ёки дори воситалар) билан муомала қилиш тартиби келтирилган ишлаб чиқариш йўриқномаларига эга бўлиши лозим. Яроқсиз маҳсулот аниқ идентификатлаштирилиши ва йўқ қилиниши, қайта ишланиши ёки етказиб берувчига қайтарилишига қадар назорат остида сақланиши лозим.

8.3 Ўраб-жойлаш ва тамғалашга бўлган талаблар

8.3.1 Ўраб-жойлашни ФФИ-субстанцияга бўлган меъёрий ҳужжат (ВФМ, ФМ ёки КФМ ва б.) да ҳам назарда тутилиши лозим. Ўраб-жойлаш материаллари дори воситаларига салбий таъсир кўрсатмаслиги ва улар ташқи таъсир ҳамда потенциал контаминациядан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаши керак.

8.3.2 Ўраб-жойлаш бўйича барча жараёнларни амалга оширишда бирор хатога йўл қўймаслик учун ходимлар жуда эътиборли бўлишлари керак. Ўраб-жойлаш ва тамғалаш усуллари ўраб-жойлаш ва тамғалашни тўғри бажарилинишини назоратида у овозли сигналларни ҳам назарда тутиши керак.

8.3.3 Дори воситалари ўрамлари аниқ тамғаланишга эга бўлиши ва уларда қуйидаги маълумотлар келтирилиши лозим:

- а) маҳсулот номи;
- б) градация (агар у бор бўлса);
- в) серия рақами;
- г) яроқлилик муддати тугаши санаси;
- д) зарурий эҳтиёт чоралари;
- е) зарурий сақлаш шароитлари;
- ж) ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи номи.

8.4 ФФИ-субстанцияларни сақлашга бўлган талаблар

Дори моддаларни меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ сақлаш лозим. Сақлаш шароитлари уларнинг барқарорлигини ўрганиш натижалари асосида ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан белгиланиши лозим.

9 Сифат назорати талаблари

9.1 Ҳар бир ишлаб чиқарувчи ташкилот мустақил сифат назорати хизматига эга бўлиши лозим, ушбу хизмат бошлиғи ташкилот раҳбари олдида бевосита масъул. Сифат назорати хизматининг асосий мажбуриятлари қуйидагича:

а) меъёрий ҳужжатлар (ВФМ, ФМ, КФМ ва регламентлар)ни келиштириш ва намуналарни танлаб олиш ҳамда хом ашё, оралик маҳсулотлар ўраб-жойлаш материаллари (зарурат бўлганда) билан боғлиқ стандарт жараёнлар, санитария ва гигиена бўйича ишлаб чиқариш йўриқномалари, маҳсулотни қайта ишлаш ёки регенерациялаш бўйича ишлаб чиқариш йўриқномалари, шунингдек, сифат назоратига оид бошқа йўриқнома ва қўлланмаларни тасдиқлаши керак;

б) Хом ашё, ўраб-жойлаш материаллари, оралик маҳсулот (зарурат бўлганда) ва тайёр маҳсулот синовларини ўтказиш ва уларнинг маҳсуллари бўйича қарор қабул

D'Z STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHOQARMASI

қилиш (маҳсулотни яроқсизга чиқариш, ишлаб чиқаришда фойдаланиш ёки сотиш учун рухсатнома бериш ва ҳ.к.);

в) дори моддалари барқарорлиги бўйича синов ўтказиш;

г) сотилган дори воситалари сифатига тааллуқли рекламацияларни текшириш бўйича жавобгар бўлиш.

9.2 Ҳар бир ишлаб чиқарувчи ташкилот синов (назорат) лабораториясига эга бўлиши, лаборатория штати ва жиҳозлари эса барча керакли синовларни ўтказиш имкониятини бериши керак. Ушбу синовлар шартнома асосида ишлаб чиқарувчи ташкилот таркибига кирмайдиган синов лабораторияларида ҳам бажарилишига йўл қўйилади. Синовлар валидациядан ўтган ва стандарт жараёнлар баён этилган усулларга мувофиқ ўтказилиши лозим. Ишлатиладиган приборлар мунтазам равишда калибровка қилиниши ва вақти-вақти билан текшириб турилиши лозим, реактивлар эса тегишли сифатга эга бўлиши керак.

9.3 Агар назорат синовлари шартнома бўйича четдаги ташкилотлар томонидан бажарилса, бу синов баённомаларида кўрсатилиши керак.

9.4 Дори моддалари барқарорлигини текшириш бўйича тасдиқланган дастурлар ва стандарт жараёнлар бўлиши керак.

9.5 Барқарорлигини ўрганишда дори воситалари намуналарини меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган ва маҳсулот истеъмолчига етказиб бериладиган қадокларда ёки истеъмолчига етказиб бериладиган маҳсулотни моделлаштириш имконини берадиган қадокларда сақлаш лозим. Бунда қадок айнан шу материаллардан тайёрланиши ва тиқинлар ҳам идентик материаллардан тайёрланган бўлиши лозим. ФФИ-субстанцияларни хона ёки бошқа тавсия қилинган ҳароратда, шунингдек экстремал шароитларда ҳам сақлаш лозим.

9.6 Сақлаш жараёнида дори воситалари учун барқарорлик синови натижаларига кўра яроқлилик муддати белгиланиши керак.

10 Рекламация ва яроқсиз маҳсулот

10.1 Ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан дори воситалари сифати ва яроқсиз маҳсулотга оид рекламация борасида амалга оширадиган чора-тадбирлари стандарт операцион жараёнлар мувофиқ амалга оширилиши лозим.

10.2 Ҳолатни тўғрилаш бўйича барча ҳатти-харакатларни тез амалга ошириш, рекламацияларни синчковлик билан текшириш керак, барча фактлар баённомалаштирилиши ва қайд этиб борилиши лозим.

10.3 Ташкилот, сифати ишлаб чиқариш жараёнида такрорланадиган хатолар ёки сифат тизимидаги камчиликлар оқибатида ўзгариши мумкин бўлган барча маҳсулотларни назорат қилиш тизимига эга бўлиши ва керак бўлса, сотилган дори воситаларини қайтариб олишни амалга ошириш лозим.

11 Ўз-ўзини инспекция қилиш ва сифат аудитига бўлган талаблар

11.1 GMP қоидаларига қатъий амал қилиш, барча ишлаб чиқариш жараёнларини қониқарли бажариш ва корхонада керакли назоратни таъминлаш учун эксперт-аудиторлар гуруҳини ташкил этиш керак. Ушбу гуруҳ, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари ва назорат синовларининг мунтазам мустақил инспекцияларини ўтказиши, шунингдек, сифат аудитини амалга ошириши керак. Бундай **STANDART AGENTLIGI** инспекцияданувчи объектлардан мустақил бўлиши керак.

11.2 Ўз-ўзини инспекциялаш ва сифат аудити баённомалаштирилиши керак.

**STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

20-ИЛОВА

**ФАРМАЦЕВТИК СИФАТ ТИЗИМИ
(ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИ)**

1 Кириш сўз

Дори воситаларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда уларнинг сифатини назорат қилиш қоидалари талабларини бажаришни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарувчилар самарали фармацевтик сифати тизимини жорий этмоқдалар.

Мазкур боб маҳсулотнинг тўла яшаш цикли, шу жумладан, дори воситаларни ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда уларнинг сифатини назорат қилиш қоидалари талаблари амал қилмайдиган, фармацевтик ишлаб чиқариш учун мўлжалланган фармацевтик сифат тизимининг намунавий моделининг тавсифидан иборат (клиник синовлар учун мўлжалланган дори воситаларни ишлаб чиқариш ҳақида гап кетаётган ҳоллардан ташқари). Мазкур боб тавсиявий характерга эга. Мазкур бобни қўллаш инновацияларга, фармацевтик ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқанинг доимий равишда яхшиланишини ва кучайишига хизмат қилади.

2 Фармацевтик сифат тизими**Кириш**

2.1 Мазкур боб фармацевтик саноат учун сифатни бошқариш самарали тизимининг моделини таърифлайдиган, уйғунлаштириш бўйича халқаро конференция қўлланмаси «Фармацевтик сифат тизими» (ICH Q10)ни эътиборга олган ҳолда тайёрланган.

2.2 Мазкур бобда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ХСТ)нинг сифат концепциясига асосланган самарали фармацевтик сифат тизимининг ҳар томонлама модели тавсифланган, Дори воситаларни ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда уларнинг сифатини назорат қилиш борасидаги тегишли талабларни ўз ичига олади ва мазкур Тавсиялар II бобининг қоидаларини тўлдирди. Мазкур боб маҳсулот ҳаёт циклининг турли босқичларида қўлланиши мумкин бўлган фармацевтик сифат тизимининг намунавий модели тавсифидан иборат.

2.3 Маҳсулотнинг яшаш цикли давомида мазкур бобни қўллаш инновациялар, доимий такомиллашиш, шунингдек фармацевтик ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамалинишига хизмат қилади.

3 Қўллаш соҳаси

3.1 Мазкур боб фармацевтик ФФИ-субстанциялар (ФС)ни фармацевтик ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни таъминлайдиган тизимлар, шунингдек дори воситалари, биотехнологик ва биологик дори препаратларининг яшаш даври барча босқичларига тааллуқли.

3.2 Мазкур боб қоидаларини маҳсулот яшаш даври босқичлари ва ҳар бир босқичнинг турли мақсади ўртасидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда қўллаш тавсия этилади.

3.3 Мазкур боб контекстида маҳсулотнинг ҳаётий даври янги ва рўйхатдан ўтган дори воситалари учун қуйидаги ишлаб чиқариш фаолиятларини ўз ичига олади:

O'Z STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

- а) фармацевтик ишлаб чиқиш, шу жумладан:
 фармацевтик ФФЙ-субстанцияларни ишлаб чиқиш;
 таркиб ва ўрамни ишлаб чиқиш, шу жумладан, тикинлаш воситалари;
 клиник тадқиқотлар учун мўлжалланган дори воситаларини ишлаб чиқариш;
 етказиб бериш тизимини ишлаб чиқиш (агар бу зарур бўлса);
 технологик жараёни ишлаб чиқиш ва масштаблаштириш;
 таҳлил услубларини ишлаб чиқиш;
- б) технологияни кўчириш, шу жумладан:
 дори воситаларни ишлаб чиқиш босқичидан ишлаб чиқариш босқичига ўтказиш;
 рўйхатдан ўтказилган дори воситаларини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб
 чиқариш ёки назорат қилувчи бўлинмалар ичида ёки улар орасида кўчириш;
- в) саноат ишлаб чиқариш, шу жумладан:
 хом ашё ва жойлаб-ўраш материалларини харид қилиш ва назорат қилиш;
 ишлаб чиқариш хоналари, таъминлаш тизимлари ва қурилмалар билан таъминлаш;
 технологик жараён (шу жумладан, ўраб-жойлаш ва тамғалаш);
 сифат назорати ва сифатни таъминлаш;
 маҳсулотни чиқаришга рухсатнома бериш;
 сақлаш;
 реализация (улгуржи савдодан ташқари);
- г) маҳсулот чиқаришни тугатиш, шу жумладан:
 ҳужжатларни сақлаш;
 намуналарни сақлаш;
 маҳсулотни даомий баҳолаш ва ҳисоботларни тузиш.

4 Мазкур боб мақсадлари

4.1 Фармацевтик сифат тизими моделини жорий қилиш қуйидаги мақсадларга эришишга олиб келади.

а) маҳсулот реализациясига эришиш, у беморлар, тиббий ходимлар, харидорлар талаблари, шунингдек, белгиланган талабларга мос келувчи сифат кўрсаткичли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган тизим яратиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш кабиларни ўз ичига олади;

б) назорат қилинаётган ҳолатни белгилаш ва қўллаб-қувватлаш, бу ўз ичига мониторинг ва жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифатини назорат қилишнинг самарали тизимларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишни ўз ичига олади, шу тариқа доимий мослик ва жараён имкониятлари кафолатини таъминлайди. Мониторинг тизимлари ва назоратини ташкил қилишда сифат учун хатарларни бошқариш тизимини қўллаш фойдали бўлиши мумкин;

в) доимий яхшилашга кўмаклашиш, у ўз ичига маҳсулот сифатлари ва жараёнларини яхшилаш, уларнинг барқарор эмаслигини камайтириш, инновацион қарорларни киритиш ва фармацевтик сифат тизимини яхшилашнинг тегишли методларини аниқлаш ва жорий қилиш кабиларни ўз ичига олади, шу тариқа сифатга бўлган талабларга доимий равишда амал қилинишини таъминлайди. Доимий равишда яхшилашни талаб этувчи устувор соҳаларни аниқлашда сифат учун хатарларни бошқариш тизимини қўллаш фойдали бўлиши мумкин.

5 Яхшилаш воситалари: билимларни бошқариш ва сифат учун хатарларни бошқариш

Билимларни бошқариш ва сифат учун хатарларни бошқариш ишлаб чиқарувчиларга мазкур бобни самарали ва муваффақиятли жорий қилиш имкониятини берадиган воситалар ҳисобланади. Бу воситалар илмий билимлар ва маҳсулот сифати борасидаги хатарлар ҳақидаги билимларга асосланган қарорларни қабул қилишни таъминлаш орқали мақсадларга эришишга хизмат қилади.

6 Билимларни бошқариш

Маҳсулотлар ва жараёнлар ҳақидаги билимларни фармацевтик ишлаб чиқишда, маҳсулотнинг бозорда бўлиши жараёнида ва унинг ишлаб чиқарилиши тугатилишига қадар бошқариш тавсия этилади. Масалан, илмий ёндашувларни қўллаб дори воситаларни ишлаб чиқиш фаолияти, маҳсулотни билиш ва жараёнларни тушунишни таъминлайди. Билимларни бошқариш маҳсулот, технологик жараёнлар, хом ашё ва қадоклаш материаллари ҳақидаги маълумотларни олиш, таҳлил қилиш, тўплаш ва тарқатишдан иборат систематик фаолият ҳисобланади. Ахборот манбалари (ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ёки ишлаб чиқарувчи ходимларнинг фойдаланиши учун расман хужжатлаштирилган) дастлабки билимларни (аммо улар билан чегараланмайди), фармацевтик ишланмалар соҳасидаги тадқиқотлар, технологияларни бошқага бериш фаолияти, маҳсулот яшаш цикли давомида жараёнлар валидацияси бўйича тадқиқотлар, ишлаб чиқариш тажрибаси, инновацияларни, доимий такомиллашиш ва ўзгаришларни бошқаришга қаратилган фаолиятни ўз ичига олади.

7 Сифат учун хатарларни бошқариш

Сифат учун хатарларни бошқариш самарали фармацевтик сифат тизимидан ажратиб бўлмайди. Сифат учун хатарларни бошқариш профилактик анилик киритиш, илмий баҳолаш ва сифат учун потенциал хатарларни назорат қилиш инструменти бўлиши мумкин, бу эса маҳсулот яшаш циклининг барча босқичларида жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифатини доимий равишда ошириш имконини беради. Мазкур тавсияларнинг II боби сифат учун хатарларни бошқариш воситаларининг тамойиллари ва намуналаридан иборатки, улар фармацевтик сифатнинг турли жаҳдаларига нисбатан қўлланиши мумкин.

8 Структура ва мазмунига кўра тавсиялар

8.1 Фармацевтик сифат тизими мақсади, ташкил этилиши ва расмий хужжатлаштирилиши аниқ тузилиши ва барча учун тушунарли ва уларни қўллаш учун осон бўлиши тавсия қилинади.

8.2 Мазкур боб қоидалари маҳсулот ҳаётий циклининг ҳар бир босқичининг ўзига хос хусусиятлари ва мақсадларига қараб қўлланади.

8.3 Янги фармацевтик сифат тизимини ишлаб чиқишда ёки мавжуд тизимни модификация қилишда ишлаб чиқарувчининг фаолияти ҳажми ва мураккаблиги ҳисобга олинади. Фармацевтик сифат тизимига хатарларни бошқаришнинг тегишли тамойиллари

киритилади. Фармацевтик сифат тизимининг айрим жабҳалари умуман олганда ишлаб чиқарувчи фаолиятига, бошқалари эса – фақат маълум ишлаб чиқариш майдончаларига нисбатан қўлланиши мумкин бўлса, фармацевтик сифат тизimini жорий қилиш самарадорлиги одатда ишлаб чиқариш майдончаси миқёсида исбот қилинади.

8.4 Фармацевтик сифат тизими жараёнлар, ресурслар, шартнома бўйича бажариладиган ишлар сифатини таъминлаш учун мажбуриятларни тақсимлаш, бажарувчилар, хом ашё ва ўраб-жойлаш материалларини харид қилиш кабиларни ўз ичига олади.

8.5 Фармацевтик сифат тизими доирасида бошқарувчи ходимлар мажбуриятлари аниқланади.

8.6 Фармацевтик сифат тизими қуйидаги элементларни ўз ичига олади: маҳсулот сифати ва жараён самарадорлиги мониторинги, тузатувчи ва огоҳлантирувчи ҳатти-харакатлар, мазкур Тавсияларнинг 19-24.3 бандларида таърифланганидек, бошқарувчи ходимлар томонидан ўзгартиришларни бошқариш ва текшириш.

8.7 Натижага эришишнинг асосий кўрсаткичлари мазкур Тавсияларнинг 25-28 бандларига мувофиқ фармацевтик сифат тизими доирасидаги жараёнлар самарадорлигини текшириш учун аниқланади ва фойдаланилади.

9 Сифат бўйича қўлланма

20.18. Сифат бўйича қўлланма ёки фармацевтик сифат тизими баён этилган унга тенг ҳуқуқли ҳужжат ишлаб чиқиш тавсия қилинади:

- а) сифат соҳасидаги сиёсат (мазкур Тавсияларнинг 12.1-12.4 бандлари);
- б) фармацевтик сифат тизимининг қўлланиш соҳаси;
- в) фармацевтик сифат тизими доирасидаги жараёнларни, шунингдек, уларнинг кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлигини аниқлаш. Жараёнлар хариталари ва чизмалари уларни график кўринишда тавсифлашни осонлаштириш учун ижобий воситалар вазифасини ўташи мумкин;
- г) фармацевтик сифат тизими доирасида бошқарувчи ходимлар мажбуриятлари (мазкур Тавсияларнинг 11 банди).

10 Бошқарувчи ходимлар масъулияти

Фармацевтик сифат тизими сифати ва самарадорлиги мажбуриятларини ташкилотчилик миқёсида белгилаш ва таъминлашда бошқарувчи ходимларнинг роли муҳим аҳамият касб этади.

11 Бошқарувчи ходимлар мажбуриятлари

Бошқарувчи ходимлар мажбуриятларини аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш тавсия қилинади:

- а) раҳбарият сифатга оид мақсадларга эришишга қаратилган самарали фармацевтик сифат тизimini жорий қилиш, мажбуриятлар, масъулият ва ходимлар ваколатларини аниқлаш, уларни ходимлар эътиборига етказиш, шунингдек, уларни ишлаб чиқарувчининг барча бўлинмаларида бажарилишини таъминлаш учун масъул;
- б) бошқарувчи ходим:

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASH TIRISH
BOSHQARMASI

фармацевтик сифат тизимини ишлаб чиқиш, жорий қилиш, мониторингини олиб боришда ва самарадорлигини қўллаб-қувватлашда иштирок этади;

фармацевтик сифат тизими амал қилишини қўллаб-қувватлайди ва унинг ташкилотнинг барча даражаларида жорий этилишини кафолатлайди;

тегишли даражадаги бошқарувчи ходимга сифат муаммолари ҳақидаги маълумотни етказиш учун ўз вақтидаги ва самарали алоқа воситалари ва ахборотни тарқатиш тартиблари мавжудлигини таъминлайди;

фармацевтик сифат тизимига алоқаси бўлган барча бўлинмаларнинг шахсий ва жамоавий вазифалари, масъулияти ва ваколатлари, шунингдек ўзаро алоқаларинини белгилайди. Бу ўзаро алоқалар тизими ходимлар эътиборига етказилгани ва ташкилотнинг барча бўғинларида тушунарли бўлишини кафолатлайди. Фармацевтик сифат тизими билан боғлиқ тегишли ваколатларга эга, сифат учун масъул мустақил бўлинма борлигини таъминлайди;

жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифати, шунингдек фармацевтик сифат тизимига оид текширувларни ўтказди;

фармацевтик сифат тизимини доимий яхшилашни қўллаб-қувватлайди;
тегишли ресурсларни ажратади.

12 Сифат соҳасидаги сиёсат

12.1 Раҳбарият томонидан ташкилотнинг сифатга оид умумий мақсадлари ва фаолият йўналишларини баён этадиган сифат сиёсати белгиланади.

12.2 Сифатга оид сиёсат белгиланган талабларни бажариш мақсадларини ўз ичига олади, шунингдек, фармацевтик сифат тизимини доимий яхшилашга хизмат қилади.

12.3 Сифат борасидаги сиёсат ташкилотнинг барча бўғинларига етказилади ва ходимлар томонидан қабул қилинади.

12.4 Доимий самарадорликни таъминлаш учун сифатга оид сиёсатни вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

13 Сифатни режалаштириш

13.1 Раҳбарият томонидан сифат соҳасидаги сиёсатни жорий қилиш учун зарур бўлган сифатга оид мақсадларни аниқлаш ва ходимларга етказиш таъминланади.

13.2 Сифатга оид мақсадлар ташкилотнинг барча тегишли бўғинларига тааллуқли.

13.3 Сифатга оид мақсадлар ишлаб чиқарувчининг стратегик режаларига мос келади ва сифат соҳасидаги сиёсат билан мувофиқлаштирилади.

13.4 Бошқарувчи ходимлар тегишли ресурсларни тақдим этади ва сифат борасидаги мақсадларга эриши учун ходимларни ўқитишни таъминлайди.

13.5 Мазкур Тавсияларнинг 26 бандига мувофиқ сифатга оид мақсадларга эришиш чора тадбирлари вазифасини ўтайдиган самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш, назорат қилиш, доимий равишда ходимларга етказиш ва уларни бажариш тавсия қилинади.

14 Ресурсларни бошқариш

14.1 Бошқарувчи персонал фармацевтик сифат тизимини жорий қилиш ва қўллаб қувватлаш ва унинг самарадорлигини доимий ошириш учун етарли даражадаги ресурслар (ходимлар, молиявий воситалар, хом ашё ва қадоқлаш материаллари, хона ва жиҳозлар) борлигини белгилайди ва таъминлайди.

14.2 Бошқарув ходимлари ресурслардан мақбул фойдаланишни таъминлайди, у аниқ маҳсулот, жараён ёки ишлаб чиқариш майдончасига мос келиши керак.

15 Ахборот билан ички алмашиш

15.1 Бошқарув ходимлари ташкилот ичида ахборот алмашишнинг тегишли механизмларини ўрнатиш ва жорий қилишни таъминлайдилар.

15.2 Ахборот алмашиш жараёнлари ташкилотнинг барча бўғинлари ўртасида тегишли ахборот узатишни таъминлайди.

15.3 Ахборот алмашиш жараёнлари тегишли бўғин бошқарув ходимларига маҳсулот сифати ва фармацевтик сифат тизими масалалари бўйича ахборотни ўз вақтида узатишни таъминлайди.

16 Бошқарувчи ходим томонидан текшириш

16.1 Раҳбарият текширувларни ўтказиш орқали фармацевтик сифат тизими самарадорлиги ва белгиланган талабларга мос келишини таъминлаш учун фармацевтик сифат тизимини бошқаришни амалга оширади.

16.2 Бошқарув ходимлари жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифатини вақти-вақти билан текшириш натижалари, шунингдек мазкур Тавсияларнинг 19-27 бандларига мувофиқ фармацевтик сифат тизимини баҳолайди.

17 Бошқа ташкилотга бериладиган фаолият (аутсорсинг) ва харид қилинаётган хом ашё ва қадоқлаш материалларини бошқариш

Фармацевтик сифат тизими, ушбу бўлимда баён қилинган бошқарув ходимлари мажбуриятлари, бошқа ташкилотга бериладиган бирор фаолият, харид қилинаётган хом ашё ва ўраб-жойлаш материалларини назорат қилиш ва текширишга тааллуқли. Ишлаб чиқарувчи томонидан бошқа ташкилотга топшириладиган фаолият ва харид қилинаётган хом ашё ва қадоқлаш материалларини назорат қилиш таъминланади. Ушбу жараёнлар сифат учун хатарларни бошқариш билан бирлашиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) Шартнома бўйича иш ва хизмат бажарувчилари ва хом ашё ва қадоқлаш материаллари етказиб берувчиларини баҳолаш (масалан, аудит, хом ашё ва қадоқлаш материаллари назорати, квалификация ўтказиш орқали). Бундай баҳолаш бажарувчилар томонидан қабул қилиб олинган фаолиятни амалга оширгунга қадар ёки хом ашё ва қадоқлаш материаллари етказиб берувчиларни бундай фаолиятни амалга ошириш ёки белгиланган етказиш занжиридан фойдаланган ҳолда хом ашё ва қадоқлаш материалларини етказиб бериш талабларига мос келишини танлашдан олдин бажарилади;

STANDARTLASHITIRISH VA

DAVLAT Nazorati

MUVOFIQLASHITIRISH
BOSHQARM SI

б) масъулиятлар доираси ҳамда сифатни таъминлаш бўйича масъул томонларга тааллуқли ахборотни узатиш жараёнларини аниқлаш (бошқа ташкилот бажариши учун бериладиган фаолиятни бажарувчи ва ижро этувчи мўртасидаги шартномага киритиш тавсия этилади);

в) бажарувчи фаолиятини ёки етказиб берувчидан келган хом ашё ва қадоклаш материаллари сифатини мониторинг қилиш ва текшириш, шунингдек, айрим такомиллаштиришлар ва уларни жорий этиш заруратини аниқлаш;

г) хом ашё ва қадоклаш материаллари, тасдиқланган етказиш занжиридан фойдаланган ҳолда олинганини кафолатлаш учун хом ашё ва қадоклаш материаллари мониторинги.

18 Ишлаб чиқарувчининг қайта ташкил этилиши Муносабати билан маҳсулотга бўлган ҳуқуқнинг бошқага берилиши натижасидаги ўзгаришларни бошқариш

Ишлаб чиқарувчининг қайта ташкил этилиши оқибатида маҳсулотга бўлган ҳуқуқ бошқага ўтса, бошқарувчи ходимларга ушбу жараённинг мураккаблигини эътиборга олиш ва қуйидагиларни кафолатлаш тавсия этилади:

- а) жараёнда иш юритаётган ҳар бир томон учун мажбуриятлар белгиланганлигини;
- б) керакли маълумотнинг барчаси тақдим этилганини.

19 Жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифатини доимий равишда яхшилаш

Мазкур Тавсияларнинг 20.1-24.3 бандларида маҳсулот яшаш циклининг турли босқичлари мақсадлари, шунингдек фармацевтик сифат тизимнинг тўртта характерли элементи баён этилган.

20 Маҳсулот ҳаёт цикли босқичлари мақсадлари 20.1 Фармацевтик ишлаб чиқиш

Фармацевтик ишлаб чиқишнинг мақсади, кутилаётган тавсифларга мос ва беморлар, тиббиёт ходимлари ва ички истеъмолчилар талабини қондириш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ва уни ишлаб чиқариш жараёнини ишлаб чиқишдир. Тадқиқот ишлари ва клиник синов натижалари мазкур бобни тадбиқ этиш соҳасига кирмаса ҳам, фармацевтик ишлаб чиқиш учун бирламчи манба ҳисобланади.

20.2 Технологияни бошқага бериш

Технологияни бошқага беришдан мақсад – маҳсулот реализациясини таъминлаш мақсадида маҳсулот ва жараён ҳақидаги билимларни ишлаб чиқувчидан ишлаб чиқарувчига, шунингдек, ишлаб чиқариш майдончалари ичида ёки майдончалараро бир бирига ёки бошқага узатиш. Бундай билимлар, ишлаб чиқариш жараёни, назорат стратегияси, валидация ва жараён самарадорлиги ҳамда маҳсулот сифатини доимий ошириш усуллари асосини ташкил этади.

STANDARTLASHTIRISH VA
DABLAT NAZORATINI
BOSQOQLASHTIRISH
BOSHOQARMASI

20.3 Саноат ишлаб чиқариш

Саноат ишлаб чиқариш, маҳсулот реализацияси, ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва қўллаб-қувватлаш ва жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифатини доимий оширишга кўмаклашиш кабиларни ўз ичига олади. Фармацевтик сифат тизими исталаётган маҳсулот сифатини доимий ушлаб туриш, мақбул назорат воситаларидан фойдаланиш, яхшилаш имкониятларини аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек, билимлар ҳажмини доимий равишда кенгайтириш кабиларни таъминлайди.

20.4 Маҳсулот ишлаб чиқаришни тугатиш

Маҳсулот ишлаб чиқаришни тугатиш бўйича чора тадбирлардан мақсад – маҳсулот яшаш циклининг якуний босқичини самарали бошқариш. Маҳсулот ишлаб чиқаришни тугатиш учун бундай фаолиятни бошқаришнинг олдиндан ўрнатилган бошқариш усуллари – ҳужжатлар ва намуналарни сақлаш, маҳсулотни доимий баҳолаш (масалан, эътирозлар билан ишлаш ва барқарорлик синовлари), белгиланган талабларга кўра ҳисоботларни тайёрлаш кабиларни қўллаш лозим.

20.5 Фармацевтик сифат тизими элементлари

20.5.1 Мазкур бобда баён этилган модель маҳсулот яшаш циклига асосланган сифатга ёндашувни қўллашга кўмаклаши мақсадида фармацевтик сифат тизими элементларини такомиллаштириш учун мўлжалланган. Фармацевтик сифат тизими куйидаги тўртта босқични ўз ичига олади:

- а) жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифати мониторинги тизими;
- б) тўғриловчи ҳамда огоҳлантирувчи хатти-ҳаракатлар тизими (КАПА);
- в) ўзгаришларни бошқариш тизими;
- г) бошқарувчи ходимлар томонидан жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифатини текшириш.

20.5.2 Кўрсатилган элементларни маҳсулот яшаш цикли босқичлари ва ҳар бир босқичнинг турли мақсадини ҳисобга олган ҳолда қўллаш тавсия этилади. Маҳсулот яшаш циклининг ҳар бир босқичида ишлаб чиқарувчиларга маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича инновацион ёндашувларни жорий қилиш учун истиқболларни баҳолаш тавсия этилади.

20.5.3 Мазкур бобда фармацевтик сифат тизими ҳар бир элементининг баёни, ҳар бир элементни маҳсулот яшаш циклининг конкрет босқичига нисбатан қўллаш мисоллари келтирилган жадвал билан яқунланади.

21 Жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифати мониторинги тизими

21.1 Ишлаб чиқарувчиларга жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифати мониторингини режалаштириш ва амалга ошириш, шунингдек назорат қилинаётган ҳолатни қўллаб қувватлашни таъминлаш тавсия этилади. Самарали мониторинглаш тизими, исталаётган сифатдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва доимий яхшилаш учун

DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

соҳаларни аниқлаш учун зарур жараёнлар ва назорат механизмларини, меъёрда доимий амал қилишини қафолатлайди.

21.2 Жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифати мониторинги тизими:

а) назорат стратегиясини ўрнатиш мақсадида, шу жумладан, фармацевтик субстанциялар, хом ашё ва қадоклаш материаллари, иншоотлар ва жихозлардан фойдаланиш шартлари, ишлаб чиқариш жараёнидаги назорат, тайёр маҳсулот спецификацияларига оид параметрлар ва тавсифларни аниқлаш орқали хатарларни бошқариш тизими, шунингдек, мониторинг ва назоратни ўтказишнинг тегишли усуллари ва муддатларини белгилайди. Назорат стратегияси ўз вақтидаги қайтар ва (ёки) тўғридан-тўғри алоқани ўрнатади ва тегишли тўғриловчи ва огоҳлантирувчи хатти ҳаракатларга кўмаклашади;

б) назорат стратегиясида белгиланган мезонлар ва хусусиятларни ўлчаш ва таҳлил қилиш учун воситаларни таъминлайди (масалан, маълумотларни бошқариш ва статистик инструментлар);

в) назорат қилинадиган ҳолатни доимий таъминлаш учун, назорат стратегиясида белгиланган мезонлар ва характеристикаларни таҳлил қилади;

г) доимий яхшилаш мақсадида чекинишларни камайтириш ва назорат қилишга қаратилган жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифати таъсир этувчи камчиликлар манбаларини аниқлайди;

д) ҳам ички, ҳам ташқи манбалардан олинган маҳсулот сифати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади, масалан, даъволар, маҳсулотдан воз кечиш, номувофиқликлар, маҳсулотни қайтариб олиш, чекинишлар, аудит, шунингдек, ваколатли органлар текширувлари ва уларнинг натижалари;

е) жараённи тушунишни яхшилаш учун билимлар билан таъминлайди, лойиҳа мезонлари (улар белгиланган бўлса) кўламини кенгайтиради ва жараён валидациясига инновацион ёндашувларни қўллаш учун имкониятларни яратади.

№ 1 Жадвал. Маҳсулот яшаш цикли давомида жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифати мониторинги тизимини қўллаш

Фармацевтик Ишлаб чиқиш	Технологияларни бошқага бериш	Сапоат ишлаб чиқариш	Маҳсулот ишлаб чиқаришни тугатиш
Дори препаратини ишлаб чиқиш жараёнида, жараён ва маҳсулот ҳақида олинган билимлар ва уларнинг мониторинги натижалари ишлаб чиқариш жараёнида стратегияни белгилаш учун қўллаш мумкин.	Масштабластириш бўйича ишларни ўтказиш вақтидаги мониторинг бирламчи баҳолаш самарадорлигини ва уни ишлаб чиқаришга муваффақиятли жорий этишни таъминлайди. Технологияларни бошқа ерга кўчириш ва масштабластириш	Жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифати мониторингининг аниқ белгиланган tizими, назорат қилинаётган ҳолатдаги самарадорликни таъминлайди.	Ишлаб чиқариш тугатишда мониторинг (масалан барқарорлик синовлари) барча синовлар тугатилгунга қадар давом этади. Синовларни муомаладаги дори воситаларда ўтказиш таъсир этилади.

DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

	вақтида олинган билимлар келгусида назорат стратегиясини ишлаб чиқиш учун фойдали бўлиши мумкин.	яхшилашни талаб қиладиган соҳаларни аниқлаш учун қўлланади.	
--	--	---	--

22 Коррекцияловчи ва огоҳлантирувчи харакатлар тизими (КАПА)

Ишлаб чиқарувчига даъволар, маҳсулотдан воз кечиш, номувофикликлар, қайтариб олишлар, чекинишлар, аудит, ваколатли органлар текширувлари ва уларнинг натижалари, шунингдек, жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифати мониторингини ўтказишда аниқланган тенденцияларни текшириш натижаларига асосланган, тўғриловчи ва огоҳлантирувчи хатти харакатлар тизимининг ишлашини таъминлаш тавсия этилади. Асосий сабабни аниқлаш учун текшириш давомида структуравий ёндашувдан фойдаланиш тавсия этилади. Хатти харакатлар, текширувни расмийлаштириш ва расман хужжатлаштириш даражаси мазкур Тавсияларнинг II бобига мувофиқ хатарлар даражасига тенг. Тўғриловчи ва огоҳлантирувчи хатти харакатлар методологияси маҳсулот ва жараёни яхшилашга, шунингдек, маҳсулот ва жараёни тушунишни яхшилашга хизмат қилади.

2 Жадвал. Маҳсулот яшаш цикли давомидаги коррекцияловчи ва огоҳлантирувчи харакатлар тизimini қўллаш

Фармацевтик ишланма	Технологияни бошқага бериш	Саноат ишлаб чиқариши	Маҳсулот ишлаб чиқаришни тугатиш
Маҳсулот ва жараён ўзгарувчанлиги тадқиқ этилади. КАПА методологияси огоҳлантирувчи хатти харакатлар ишлаб чиқариш жараёнини лойихалаштириш ҳам ишлаб чиқишга жорий этилганда фойдали бўлиши мумкин.	КАПА тескари алоқа, тўғридан тўғри алоқа ва унидоимий яхшилаш учун самарали тизими сифатида қўлланиши мумкин	КАПА тизimini қўллаш тавсия этилади, бунда амалга оширилган чора тадбирлар самарадорлигини баҳолаш лозим.	КАПА тизimini маҳсулот ишлаб чиқариш тугатилганидан сўнг ҳам давом эттириш тавсия этилади, бунда муомалада қолган маҳсулотга бўлган таъсир, шунингдек, таъсир ўтказилиши мумкин бўлган бошқа маҳсулотни ҳам эътиборга олиш лозим.

23 Ўзгаришларни бошқариш тизими

23.1 Инновациялар, доимий такомиллашишлар, жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифати мониторинги натижалари, шунингдек, КАПА тизими ўзгаришларга олиб келади. Ушбу ўзгаришларни тўғри баҳолаш, тасдиқлаш ва уларни жорий этиш учун ишлаб чиқарувчи ўзгаришларни бошқаришнинг самарали тизимига эга бўлиши тавсия этилади. Дори воситасига рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш ёки давлат дори воситалари рўйхатига киритишга қадар ўзгаришларни бошқариш, рўйхатга олиш жараёни яқунлангандан сўнг бўладиган ўзгаришларни бошқаришдан фарқ қилади.

23.2 Ўзгаришларни бошқариш тизими доимий, ўз вақтида ва самарали яхшилашни таъминлайди. Бу ўзгаришлар кутилмаган оқибатларга олиб келмаслигини кафолатлайди.

23.3 Ҳаёт даври босқичларига қараб, маҳсулот ўзгаришлари тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши тавсия қилинади:

а) тавсия этиладиган ўзгаришларни баҳолаш учун сифат учун хатарлани бошқариш тизимини қўллаш, бунда хатти ҳаракатлар миқёси ва баҳолаш жараёни хатарлар даражасига мос келиши керак;

б) рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига, шу жумладан, лойиҳавий мезонлар макони (улар белгиланган бўлса) ва (ёки) маҳсулот ва жараёнларни жорий тушунишга оид таклиф этилаётган ўзгаришларни баҳолаш. Белгиланган меъёрларга мувофиқ рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш талаб этилишини аниқлаш учун баҳолашни ўтказиш тавсия этилади. Лойиҳавий мезонлар макони доирасидаги ўзгаришлар белгиланган талаблар нуқтаи назаридан ўзгариш ҳисобланмайди. Аммо фармацевтик сифат тизими нуқтаи назаридан барча ўзгаришлар ўзгаришларни бошқариш тизими ёрдамида баҳоланиши керак;

в) ўзгаришлар техник нуқтаи назаридан асосланганини кафолатлаш учун, тегишли соҳада (масалан, фармацевтик ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, сифат, тиббиёт, ваколатли органлар билан ўзаро алоқа қилиш) керакли тажриба ва билимларга эга экспертлар гуруҳи томонидан таклиф этилган ўзгаришларни баҳолаш. Таклиф этилаётган ўзгаришлар учун эҳтимолий натижаларни баҳолаш мезонларини белгилаш тавсия қилинади;

г) ўзгаришларни жорий этишдан сўнг, ўзгаришлар мақсадига эришилгани ва бу маҳсулот сифатига таъсир қилмаганлигини тасдиқлаш учун ўзгаришларни баҳолаш.

3 Жадвал. Маҳсулотнинг яшаш цикли давомида ўзгаришларни бошқариш тизимини қўллаш

Фармацевтик ишланма	Технологияни бошқа жойга кўчириш	Саноат ишлаб чиқариши	Маҳсулот ишлаб чиқаришни тугатиш
Ўзгаришлар фармацевтик ишлаб чиқиш жараёнига хосдир. Барча ўзгаришлар ҳужжатлаштирилади. Ўзгаришларни	Ўзгаришларни бошқариш тизими жараён ёки технологияни бошқа жойга кўчиришда киритилган ўзгаришларни	Саноат ишлаб чиқаришда ўзгаришларни бошқаришнинг давлат кафолати бўлган ҳужжатлаштирилган тизими жорий	Маҳсулот ишлаб чиқариш тугатилганидан сўнгги ҳар қандай ўзгаришлар, тегишли ўзгаришларни

бошқариш жараёни фармацевтик ишлаб чиқиш босқичига мос келади	бошқариш ва хужжатлаштиришни таъминлайди.	қилинган. Сифат бўлими томонидан амалга оширилган назорат, илмий билимлар ва хавф- хатарларни таҳлил қилишга асосланиб баҳолаш имкониятини беради.	бошқариш tizimidan ўтиши керак
--	---	---	--------------------------------------

24 Бошқарувчи ходимлар томонидан жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифатини текшириш

24.1 Бошқарув ходимлари томонидан текширув уюштириш маҳсулот яшаш цикли давомида жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифатини таъминлайди. Ташкилот катталиги ва структураси мураккаблигига қараб бошқарув ходимлари томонидан текширув бошқарувнинг турли бўғинларидаги текширув серияларидан иборат бўлиши мумкин. У ўз вақтидаги ва самарали ахборот билан алмашиш, шунингдек, раҳбариятга сифат, уни баҳолаш билан боғлиқ бўлган маълумотларни етказиш механизмларини ўз ичига олади.

24.2 Бошқарув ходимлари томонидан текширув тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ваколатли органлар текширув натижалари, аудиторлик ва бошқа баҳолашлар ваколатли органлар кўрсатмаларининг бажарилиши;

б) маҳсулот сифатини мунтазам равишда кўздан кечириш, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- даъволарни текшириш ва маҳсулотни қайтариб олиш орқали харидорларнинг талаби бажарилганлик даражаси;

- жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифати мониторинги натижалари бўйича хулосалар;

- жараён ва маҳсулот ўзгаришлари самарадорлиги, шу жумладан, тўғриловчи ва огоҳлантирувчи ҳатти-ҳаракатлар натижалари.

в) бошқарув ходимлари томонидан текширув амалга оширилганидан кейинги ҳар қандай чора тадбирлар.

24.3 Бошқарув ходимлари томонидан текширув тизими, тегишли чора тадбирларни, жумладан, қуйидагиларни белгилайди:

а) ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотни яхшилаш;

б) ресурслар билан таъминлаш, ўқитишни ташкил қилиш ва (ёки) ресурсларни қайта тақсимлаш;

в) билимларни олиш ва тарқатиш.

**O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

4-жадвал. Маҳсулот яшаш даври давомида бошқарув ходимлари томонидан жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифатининг текширилиши

Фармацевтик ишлаб чиқиш	Технологияни бошқа жойга кўчириш	Саноат ишлаб чиқариш	Маҳсулот ишлаб чиқаришни тугатиш
Маҳсулот ва технологик жараённи мақбул ишлаб чиқиш ва таъминлаш учун бошқарув ходимлари томонидан текширувлар ўтказиш тавсия этилади.	Ишлаб чиқилган маҳсулотни саноат кўламида ишлаб чиқариш имкониятини таъминлаш учун бошқарув ходимлари томонидан текширувларни амалга ошириш тавсия қилинади.	Бошқарув ходимлари томонидан текширувни юқорида баён этилган структурлашган тизими сифатида ташкил этиш тавсия қилинади, зеро шунда у доимий яхшилаш учун хизмат қилади.	Бошқарув ходимлари томонидан текширув, маҳсулот барқарорлиги, унинг сифатига оид даъволарни текшириш каби жиҳатларни ўз ичига олади.

25 Фармацевтик сифат тизимини доимий яхшилаш

Мазкур Тавсияларнинг 26-28 бандларида фармацевтик сифат тизимини бошқариш ва доимий яхшилаш учун амалга ошириш лозим бўлган тадбирлар баён қилинган.

26 Бошқарув ходимлар томонидан фармацевтик сифат тизимини текшириш

Бошқарув ходимлар фармацевтик сифат тизимини мунтазам текшириш учун тасдиқланган кўрсатмалардан фойдаланиш тавсия қилинади. Бундай текширувлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) фармацевтик сифат тизими билан боғлиқ мақсадларга эришиш учун чора тадбирлар тизими;

б) фармацевтик сифат тизими доирасида, жараёнлар самарадорлигини текшириш учун қўлланиши мумкин бўлган самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш, масалан, қуйидагиларни:

(1) даъволар, чекинишлар, КАПА ва ўзгаришларни бошқариш жараёнлари;

(2) шартнома бўйича бажариладиган ишлар борасида ўзаро алоқа;

(3) ўз-ўзини инспекция қилиш, шу жумладан, хатарларни бошқариш, тенденцияларни таҳлил қилиш ва аудитлар;

(4) ваколатли органлар томонидан текширувлар ва уларнинг натижалари, шунингдек, харидорлар томонидан текширувлар.

27 Фармацевтик сифат тизимига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни мониторинг қилиш

20.58. Бошқарув ходимлари томонидан текшириладиган омиллар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- а) янги меъёрий ҳужжатлар, фармацевтик сифат тизимига таъсир қилиши мумкин бўлган, сифат масалаларига бағишланган қўлланма ва нашрлар;
- б) фармацевтик сифат тизимини яхшилашга қодир инновациялар;
- в) иқтисодий вазиятнинг ўзгариши;
- г) қайта ташкил этиш оқибатида маҳсулотга бўлган ҳуқуқнинг бошқага ўтиши.

28 Бошқарув ходимлари томонидан текширув ва мониторинг қилиш натижалари

Бошқарув ходимлари томонидан фармацевтик сифат тизимини текшириш ва ташқи ва ички омилларни мониторинг қилиш натижалари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- а) фармацевтик сифат тизими ва унга боғлиқ жараёнларни яхшилаш;
- б) ресурсларни тақсимлаш ёки қайта тақсимлаш ва (ёки) ходимларни ўқитиш;
- в) сифат борасидаги сиёсат ва сифатга оид мақсадларини қайта кўриб чиқиш;
- г) бошқарувчи ходимлар томонидан текширувлар ва амалга оширилган хатти ҳаракатлар натижаларини расман ҳужжатлаштириш, шунингдек, улар ҳақидаги маълумотни ўз вақтида ва самарали алмашиш, натижалар бўйича раҳбариятга ахборот бериш.

29 Атама ва таърифлар

Мазкур бобда қуйидаги асосий тушунчалар қўланилади:

жараён имконияти – жараённинг мана шу маҳсулот талабларига мос келадиган маҳсулот яратиш қобилияти. Жараён имконияти тушунчаси статистик терминлар ёрдамида аниқланиши мумкин;

раҳбарият – бошқарувни амалга оширадиган ва ташкилот фаолияти ёки унинг алоҳида ишлаб чиқариш майдончаси фаолияти учун юқори даражадаги назоратни амалга оширадиган ташкилот ёки унинг алоҳида ишлаб чиқариш майдончаси ресурсларини ишга тушириш учун ваколат ва масъулиятга эга шахс (шахслар);

бошқа ташкилот бажариши учун бериладиган фаолият (аутсорсинг) – буюртмачи билан шартнома асосида бажарувчи томонидан амалга ошириладиган фаолият;

инновация – янги технологиялар ёки методологияларни жорий этиш;

сифат – маҳсулотнинг бевосита хусусиятлари, тизим ёки жараён мажмуининг белгиланган талабларга мос келиш даражаси;

назорат қилинадиган ҳолат – назорат тадбирлари мажмуи доимо жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифати барқарорлигини таъминлайдиган шароит;

тўғриловчи ҳаракат – аниқланган номувофиқлик ёки бошқа номаъқул вазият сабабини бартараф этишга қаратилган ҳаракат. Тўғриловчи ҳаракат такрорий ҳолатни

бартараф этиш учун, огоҳлантирувчи ҳаракат эса ҳолатнинг олдини олиш учун амалга оширилади;

тескари алоқа – натижалар ёки самарадорликдан келиб чиқиб жараён ёки тизимни модификация ёки назорат қилиш;

сифатни режалаштириш – сифатга оид мақсадларни белгилашга қаратилган сифатни бошқариш бўйича фаолият қисми ва сифатга оид мақсадларга эришиш учун керакли технологик жараёнлар ва тегишли ресурсларни аниқлаш;

самарадорлик кўрсаткичлари – сифатга оид мақсадларни миқдорий ифодалаш, ташкилот, жараён ва тизим самарадорлигини ифодалаш учун қўлланиладиган ўлчанадиган қийматлар;

сифат соҳасидаги сиёсат – раҳбарият томонидан белгиланадиган, ишлаб чиқарувчининг сифатга оид умумий мақсадлари ва фаолият йўналишлари;

доимий яхшилаш – ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган талабларга риоя қилиши кафолатларини оширишга қаратилган доимий фаолият;

огоҳлантирувчи ҳаракат – потенциал номувофикликлар ёки бошқа номаъқул вазиятлар сабабини бартараф этишга қаратилган ҳаракат;

лойиҳавий мезонлар макони – турли бирламчи ўзгарувчилар (масалан, хом ашё ва қадоқлаш материаллари хоссалари), шунингдек, сифат таъминоти, исботланган жараён мезонларининг кўп ўлчовли комбинацияси ва ўзаро таъсири;

тўғридан-тўғри алоқа – кутилаётган натижалар ёки самарадорликдан келиб чиқиб назоратни модификация ёки назорат қилиш;

маҳсулотни реализация қилиш – беморлар, тиббиёт ходимлари, харидорлар эҳтиёжига, шунингдек, белгиланган талабларга мос келадиган сифат кўрсаткичларига эга маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш;

сифат бўйича қўлланма – ташкилотда қўлланиладиган сифатни бошқариш тизимини белгилайдиган ҳужжат;

яхшилаш воситаси – мақсадга эришиш воситасини таъминлайдиган услуб ёки жараён;

назорат стратегияси – мазкур маҳсулот ва жараённи тушунишга асосланган ва жараён самарадорлиги ва маҳсулот сифатини таъминлайдиган, сифат бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар мажмуи. Ушбу мажмуа фармацевтик субстанциялар, хом ашё ва қадоқлаш материаллари ва дори препарати ингредиентлари, хона ва жихозлардан фойдаланиш шартлари, ишлаб чиқариш жараёнидаги назорат, тайёр маҳсулот спецификациясига тааллуқли мезонлар ва характеристикалар назорати, шунингдек, тегишли йўриқномалар ва мониторинг ва назорат ўтказиш муддатларини ўз ичига олиши мумкин;

билимларни бошқариш – маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёни ва компонентлари бўйича маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва уни тарқатиш бўйича фаолият тизими;

ўзгаришларни бошқариш – ўзгаришларни таклиф қилиш, баҳолаш, тасдиқлаш, жорий қилиш ва текшириш бўйича фаолият тизими;

сифат учун хавф-хатарларни бошқариш – маҳсулот яшаш даври давомида дори препаратлар сифати учун хатарларни умумий баҳолаш, назорат қилиш, ахборот узатиш ва хатарларни кўриб чиқиш учун систематик жараён;

фармацевтик сифат тизими, ФСТ – ишлаб чиқарувчининг сифатга тааллуқли фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш имконини берадиган бошқарув тизими;

сифатга оид мақсадлар – сифат ва стратегиялар соҳасидаги сиёсатни ўлчанадиган фаолиятга айлантириш воситаси.

**30 Илмий ва хавф-хатарлар таҳлиliga асосланган назорат
ёндашувларини яхшилашнинг потенциал имкониятлари**


30.1 Ваколатли органлар томонидан қўлланиши мумкин бўлган ёндашувларни яхшилашнинг потенциал имкониятлари:

Иш режаси	Потенциал имконият
1. Дори воситаларни ишлаб чиқариш ва уларнинг сифатини назорат қилиш қоидалари талабларига риоя қилиш	Мос келиш шарт
2. Самарали фармацевтик сифат тизими, шу жумладан, сифат учун хатарларни бошқариш тамойилларини самарали қўллашни намойиш қилиш (масалан, мазкур боб ва мазкур тавсияларнинг 2-боби).	Ваколатли органлар томонидан инспекция ўтказишда хатарлар таҳлиliga асосланган ёндашувлардан фойдаланишни ошириш учун имконият.
3. Маҳсулот ва сифатни тушуниш, шу жумладан, сифат учун хатарларни бошқариш тамойилларини самарали қўллашни намойиш қилиш (масалан, мазкур тавсияларнинг 2-боби ва Гармонизация бўйича “Фармацевтик ишлаб чиқариш” (ICH Q8) халқаро конференцияси қўлланмаси).	Фармацевтик сифатни илмий асосланган баҳолашга кўмаклашиш; инновацион ёндашувларни валидация жараёнига қўллаш имкониятини таъминлаш; чиқаришга рухсат бериш механизмларини реал вақтда жорий қилиш учун имконият.
4. Самарали фармацевтик сифат тизими ва маҳсулот ва жараёни тушуниш, шу жумладан, сифат учун хатарларни бошқариш тамойилларини самарали қўллашни намойиш қилиш қилиш (масалан, мазкур боб ва Гармонизация бўйича “Фармацевтик ишлаб чиқариш” (ICH Q8) халқаро конференцияси қўлланмаси ва мазкур Тавсияларнинг 2-боби).	Ваколатли органлар томонидан инспекция ўтказишда хатарларни таҳлил қилишга асосланган ёндашувлардан фойдаланишни ошириш; фармацевтик сифатни илмий асосланган баҳолашга кўмаклашиш; илмий асосланган ҳамда инновациялар ва доимий яхшилашлардан максимал фойда чиқариш учун дори воситаларини рўйхатдан ўтказишдан кейин киритиладиган хавф-хатарлар таҳлиliga асосланган ўзгаришлар жараёнларини мақбуллаштириш; инновацион ёндашувларни валидация жараёнига қўллаш имкониятини таъминлаш; чиқаришга рухсат бериш механизмларини реал вақтда жорий қилиш учун имконият.

D'Z STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZOMLARI

MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Мазкур бобга мувофиқ фармацевтик
сифат тизими моделининг чизмаси



1-расм

30.2 Юқоридаги чизмада фармацевтик сифат назорати (ФСН) моделининг асосий хусусиятлари кўрсатилган. Фармацевтик сифат тизими чизманинг юқори қисмида кўрсатилганидек, маҳсулотнинг бутун яшаш даври, шу жумладан, фармацевтик ишлаб чиқиш, технологияларни кўчириш, саноат ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришни тугатишни қамраб олади. Шунингдек, чизма ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва дори воситалар сифатини назорат қилиш қондалари клиник синовлар учун мўлжалланган дори препаратларини ишлаб чиқаришга ҳам тааллуқли.

Кейинги горизонтал блок бошқарув ходимларининг маҳсулот яшаш даврининг барча босқичларига тааллуқли мажбуриятлари (мазкур Тавсияларнинг 20.20-бандида баён қилинган) нинг аҳамиятини тасвирий ифодалайди. Ундан кейинги горизонтал блокда ФСН модели учун таянч ҳисобланадиган фармацевтик сифат тизими элементлари рўйхати келтирилган. Бу элементларни, доимий яхшилаш учун соҳаларни аниқлаш имкониятларини тушунган ҳолда, маҳсулот яшаш даври босқичлари ўртасидаги фарқлар ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос мақсадини ҳисобга олган ҳолда қўллаш керак бўлади.

Чизманинг қуйи қисмидаги горизонтал блоклар тўпламида билимларни бошқариш ва яшаш даврининг барча босқичларида қўлланадиган сифат учун хавф-хатарларни бошқаришни яхшилаш воситалари кўрсатилган. Бу яхшилаш воситалари маҳсулотни

D.Z STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

сотишда сифатни таъминлаш ва доимо назоратда ушлаб туришда, сифатни фармацевтик тизими мақсадларига эришиш ва уни доимий равишда яхшилаб боришга кўмаклашади.

31 СЕРИЯНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ, ХУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

31.1 Асосий талаблар

31.1.1 Мазкур бобда дори воситаси серияси сертификати (бундан кейин – серия сертификати) бўлган тавсиялар баён қилинган.

31.1.2 Дори воситасининг ҳар бир серияси, шу жумладан дори воситалари ишлаб чиқариш ва сифатини назорат қилиш талабларига амал қиладиган бошқа давлатларга юборилганда ҳам, дори воситаси ишлаб чиқарувчиси томонидан берилган сифат сертификати билан юбориш тавсия этилади.

31.1.3 Серия сертификатини, дори воситаси рўйхатдан ўтказиш хужжатлар барча талабларига мос келишини кафолатлаш учун, дори воситасини тўлиқ сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилгандан сўнг бериш тавсия этилади. Серия сертификати сериянинг спецификацияларга мос келиши ва рўйхатдан ўтказиш хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқарилганини тасдиқлайди. Серия сертификатида дори воситасига батафсил спецификациялар, аналитик усулларга ҳаволалар, таҳлилий синовлардан олинган натижалар келтирилади, шунингдек, серияни ишлаб чиқариш, ўраб-жойлаш ва сифат назорати бўйича қайдлар текширилиб, уларнинг дори воситаларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сифатини назорат қилиш қоидалари талабларига жавоб бериши ҳақидаги хулоса тасдиқланганлиги ҳақида маълумот бўлиши керак. Серия сертификати серия чиқаришга яроқли эканлигини тасдиқлаш учун масъул шахс томонидан имзоланади.

31.1.4 Дори воситасини реализация қиладиган ташкилотга ишлаб чиқарувчидан серия сертификатини олиш ва сақлаш тавсия қилинади. Сўровномага биноан кўрсатилган сертификат ваколатли органлар вакилларига тақдим этилади. Ишлаб чиқарувчи томонидан берилган сертификат қайта назоратни ўтказмаслик учун алоҳида аҳамият касб этиши мумкин, агар бунга Ўзбекистон Республикаси меъёрий хужжатларида йўл кўйилган бўлса.

31.1.5 Зарурат бўлганда серия сертификати ярим тайёр маҳсулот учун ҳам берилиши мумкин (хусусан, оралик маҳсулот, қадокланмаган ёки қисман қадокланган маҳсулот учун).

31.1.6 Серия сертификати шунингдек клиник синовлар учун мўлжалланган дори препаратлари ва фармацевтик ФФИ-субстанциялар ва учун ҳам берилиши мумкин.

31.2 Дори воситаси серияси сертификатидаги маълумотлар

Серия сертификатини ишлаб чиқарувчи бланкида куйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда расмийлаштириш тавсия этилади:

- 1) маҳсулот номи;
- 2) импортчи мамлакат;
- 3) рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси қайд тизимида ёки клиник тадқиқотларни ўтказиш кўрсатмаси;
- 4) дозаси ва (ёки) фаоллиги;

STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NIZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BUSHQARMASI

- 5) дори шакли;
- 6) ўраб-жойлаш ўлчами ва тури;
- 7) серия рақами;
- 8) ишлаб чиқариш санаси;
- 9) яроқлилиқ муддатини тугаш санаси;
- 10) сифат назорати ўтказилган барча ишлаб чиқариш майдончалари ва жойлари номлари (агар иложи бўлса), манзили ва лицензия рақамлари;
- 11) барча ишлаб чиқариш майдончалари учун дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифатини назорат қилиш қоидалари талабларига мослиги тўғрисидаги хулоса;
- 12) таҳлил натижалари;
- 13) изоҳлар;
- 14) сертификатлаштириш тўғрисидаги ариза;
- 15) ваколатли шахс фамилияси, исми, шарифи (агар бўлса) ва лавозими;
- 16) ваколатли шахс имзоси;
- 17) имзоланган сана.

31.3 Дори воситаси серияси сертификатини расмийлаштириш бўйича тушунтиришлар

31.3.1 Маҳсулот номи: патентланган номи, савдо номи ёки импортчи мамлакатдаги номи (нима қўлланишга қараб). Клиник синовларга мўлжалланган дори препаратлар учун – клиник тадқиқотларни ўтказишга рухсатнома бериш ҳақидаги аризадаги код рақами.

31.3.2 Импорт қилувчи мамлакат: агар маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш учун мўлжалланган бўлса, шу жумладан агарда бундай маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган бўлса, импорт қилувчи мамлакат Ўзбекистон Республикаси ҳисобланади.

31.3.3 Рўйхатга олиш гувоҳномаси қайд рақами ёки клиник синовларни ўтказишга бўлган кўрсатма: дори воситасининг импорт қилувчи мамлакатдаги рўйхатга олиш гувоҳномаси қайд рақами. Клиник синовларга мўлжалланган дори препаратлар учун – клиник синовларни ўтказишга кўрсатма.

31.3.4 Дозаси ва (ёки) фаоллиги: барча фармацевтик ФФИ-субстанциялар дори шакли бирлигидаги номи ва миқдори. Клиник синовлар учун дори воситалари, шу жумладан плацебога келсак, бундай маълумотни тақдим этиш услуги “яширин” синов кодини очилишига олиб келмаслик керак.

31.3.5 Дори шакли: аниқ дори шаклини кўрсатиш (масалан, таблетка, капсула, суртма).

31.3.6 Ўраб-жойлаш ўлчами ва тури: идиш қадоғи сифими ва унинг тури кўрсатилиши керак (масалан, ампула, флакон, блистер).

31.3.7 Серия рақами (маҳсулотга тааллуқли партия рақами): ишлаб чиқариш ва серияни улгуржи сотиш тарихини кузатиш имконини берадиган ҳарфлар ёки рамзларнинг ноёб комбинациясидан иборат серияни идентификацияловчи рақам.

31.3.8 Ишлаб чиқариш санаси: импорт қилувчи мамлакатда ўрнатилган талабларга мувофиқ кўрсатилади.

31.3.9 Яроклилик муддатини тугаш санаси: маҳсулот талаб қилинадиган шароитларда сақланганда бутун яроклилик муддати давомида амал қилувчи импортёр мамлакатда тасдиқланган спецификацияларга мос келиши кутилаётган вақтни аниқлаш учун идиш ва (ёки) ёрликларда кўрсатилган сана; бу санадан сўнг маҳсулотни қўллаш тавсия этилмайди.

31.3.10 Барча ишлаб чиқариш майдончалари ва сифат назоратини ўтказиш жойлари номлари (агар иложи бўлса), манзиллари ва лицензия рақамлари: Мазкур ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча ишлаб чиқариш майдончалари, шу жумладан, тегишли лицензия номи (агар иложи бўлса), манзили ва рақами кўрсатилган ҳолда ўраб-жойлаш ва (ёки) тамғалаш ва серия сифатини назорат қилиш кўрсатилади. Номи (агар иложи бўлса) ва манзиллар дори воситаларни ишлаб чиқариш лицензиясига мос келиши керак.

31.3.11 Хамма ишлаб чиқариш майдончалари учун, ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқаришини ва сифат назоратини ташкил қилиш қоидаларига мос келиши бўйича хулосалар: хулосалар рақами кўрсатилади.

31.3.12 Таҳлил натижалари: тасдиқланган спецификациялар, олинган натижалар, қўлланилган йўриқномаларга ҳаволалар келтирилади. (Маҳсулот сифатини тасдиқловчи амал қилиш муддати кўрсатилган алоҳида хужжат бўлса, унда у ҳам илова қилинади).

31.3.13 Шархлар: серия мувофиқлигини тасдиқловчи (масалан махсус сақлаш шароитлари ёки ташиш усуллари) импорт қилувчи ва (ёки) инспектор учун фойдали бўлиши мумкин бўлган қўшимча маълумотлар.

31.3.14 Сертификатлаштириш учун ариза: ариза ишлаб чиқариш, ўраб жойлаш ва (ёки) тамғалаш ва сифат назоратини ўз ичига олади. Қуйидаги матнни қўллаш тавсия этилади. “Ушбу билан шуни тасдиқлайманки, юқорида келтирилган маълумот хақиқий ва аниқ. Бу серияни юқорида кўрсатилган ишлаб чиқариш майдончасида ишлаб чиқаришни ва сифат назоратини ташкил қилиш қоидаларига риоя қилинган ҳолда ишлаб чиқарилган. Шунингдек импорт қилувчи давлат қайд этиш хужжатларидаги МХларга ёки клиник синовлар учун мўлжалланган дори воситалари спецификациялари талабларига жавоб беради. Ишлаб чиқариш, ўраб жойлаш ва таҳлил бўйича ёзувлар “Ишлаб чиқаришни ва сифат назоратини ташкил қилиш қоидаларига” тўғри келиши аниқланган ва текширилган.

31.3.15 Ваколатли шахснинг фамилияси, исми, шарифи ва лавозими: ишлаб чиқариш майдончасининг номи, манзили ҳам кўрсатилади.

31.3.16 Ваколатли шахс имзоси: ваколатли шахс шахсан ўзи имзо чекади.

31.3.17 Имзолаш санаси: сертификат имзоланган сана кун, ой ва йил кўрсатилган ҳолда белгиланади.

31.3.18 Дори воситаси серияси сертификати расмийлаштирилганда “серия” ва “партия”, шунингдек “сифат назорати” ва “текшириш” иборалари тенг маънода қўлланилади.

O'Z STANDART AGENTLIGI
 STANDARTLASHITIRISH VA
 DAVLAT MUDOFIZASI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHO BOSHQARTIRISH

БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР

ОКС 01.020

Таянч сўзлар: яхши ишлаб чиқариш амалиёти, қулланиш соҳаси, атамалар ва таърифлар, тамойиллар, хона, асбоб-ускуна, ҳужжатлар, намуналар танлаб олиш, баённомалар, спецификациялар, ходим.

**ЎЗЎСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
СТАНДАРТИЛАШТИРИШ ВА
ДАВЛАТ НИЗОМЛАРИНИ
МУВОФИQLАШТИРИШ
БОШҚА АМ. С.:**

БИБЛИОГРАФИЯ

Руководство по валидации методик анализа лекарственных средств / Под ред. Н.В. Юргеля, А. Л. Младенцева, А.В. Бурдейна и др. Разработчики: В.Л. Багирова, А.И. Гризодуб, Т.Х. Чибиляев и др. - М., 2007. - 48 с.

Council Directive 86/609/EEC of 24 November 1986 on the approximation of laws, regulations and administrative provisions of the Member States regarding the protection of animals used for experimental and other scientific purposes

